



Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Шарк Толғузи

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ОРГАНИ

8 '1990

59-йил чиқиши

Бош муҳаррир:

Ўткир ХОШИМОВ

Таърир хайъати:

Неъмат АМИНОВ

Саид АХМАД

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ

Омон МУХТОРОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Мурод МУҲАММАД ДЎСТ

Умарали НОРМАТОВ

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

Муҳаммад СОЛИҲ

Хайриддин СУЛТОНОВ

Зоя ТУМАНОВА

Ўлмас УМАРБЕКОВ


Носир ФОЗИЛОВ

(масъул котиб)

Азиз ҚАЮМОВ

Ҳамид ҒУЛОМ

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ



Навр



Муҳаммад Али

Сарбадорлар

Тарихий роман

БИРИНЧИ ҚИСМ

БИРИНЧИ БОБ

Тахтсиз мамлакат

Отам Аҳмадқул Бекназар ўғли
хотирасига бағишлайман

Ҳижрий 764 йил шаввол ойининг 18-чи куни¹ ўттиз чоғли туялар қарвони Самарқанднинг Кеш дарвозасига етиб келганида вақт хуфтондан ошган эди. Дарвоза тақатақ берклигини кўрган паст бўйли, ғирдиғумдан келган сорбон дарвоза тепасида қорайиб турган шинакка қараб қичқирди:

— Йўл берсинлар!

— Жавоб бўлмади.

— Шаҳри Румдан келаётибмиз, Кошғарга йўл тутганмиз! — овозини баландроқ қўйди сорбон дарвозабон эшитмаётибдимикин, деган ўйда.

Дарвозабон барини шинакдан кўриб турарди. У қарвоннинг олис йўлдан келаётганини англади, зеро қарвон ҳали дарвозага яқинлашмай туриб, қўнғироқ овози жаранглаб эшитилди. Бир маромда жаранглаган бу овоз кўнгилини эзар даражада маънос, гўё ҳар садо берганида: «Борар йўлим ҳали олис... ҳали олис... ҳали олис...» деяётгандай бўларди. Дарвозабон юрагининг увишганини сизди. Ҳамиша ҳам қарвоннинг олис қўнғироғини эшитганида у шундай ҳолга тушар, нечундир ҳамма нарсани ташлаб қайларгадир кетгиси келар эди.

¹ Милодий 1363 йил 2 август.

Аммо ҳозир дарвозани дабдурустдан очишга журъат қилолмади. Икки ой муқаддам дарвозани суриштирмай очиб қўйиб қаттиқ панд егани эсига тушди. Воқеа бундай бўлганди. Худди шундоқ хуфтон намозидан сўнг дарвозани шитоб тақиллатдилар. Дарвозабон вақт алламаҳал эканлигини назарда тутиб, кириш учун доруғадан ижозат олиш борасида оғиз очган эди, карвонбоши баттарин экан, бақириб ташлади:

— Фаросатинг борму? Беғам экансан-ку? Карвонни кўрмаётирмусен? Амирзодага ошиғич мужда бор! Ҳазрати олийлари ушбу муждага мунтазирдирлар! Оч!

— Нечук мужда экан!

— Сен каллаварам билмасангам бўлаверадиган мужда! — деди истеҳзоли қочирик қилиб карвонбоши. — Шитоб эт, оч дарвозани!

Дарвозабон пастга тушиб, дарвозани очди. Очди-ю... бош-кўзи аралаш тушган қамчи зарбидан гандираклар кетди, қамчи теккан жойларни чўғ куйдириб ўтгандай бўлди. «Галварс!» деди кимдир ғазаб билан. Дарвозабон қамчи урган одамнинг карвонбоши эканлигини унинг овозидан таниб, ўзини дарров орқага олганди, дарвозага қапишиб қолди. Отлиқ аскарлар урҳо-ур қила сурон солиб ичкарига ёприлишди. Дарвозабон не кўз билан кўрсинки, карвон дегани карвонмас, лашкар эди! Қоронғида юк ортилган туялардай кўринган қоралар совуту қалқонга ўралиб олган суворийлар бўлиб чиқди...

Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Қозоғон ўлимидан кейин унинг ўғли Амирзода Абдулла мамлакат маснадига ўлтирди. У отаси каби ҳарбий сиёқли, шахдам эмас, балки давлат ишларида латтамижоз, ланжу беқарор чиқди. Мовароуннаҳр марказини Амударё бўйидаги Соли сарой шаҳридан Самарқандга кўчирган амирзоданинг ҳар бир қадами мамлакат амирларининг қитиқ патиға тега бошлади. Энг аввал Ҳисори шодмон амири Баён сулдуз билан Шаҳрисабз амири Ҳожи барлос бош кўтардилар. Уша оқшом Кеш дарвозасининг соқчиси: «Нечук мужда экан?» деб сўраганида, унга бақириб берган ҳам, унинг бошига қамчи туширган ҳам шу Ҳисори шодмон амири эди. Баён сулдуз билан Ҳожи барлоснинг лашкари ўша куни кечаси Самарқандни зеру забар қилди. Икки амирнинг такаббурлик узангисига оёқ қўйганларини кўрган Амирзода Абдулла подшолик даст билан улар танобини тортиб қўймоқ ўрнига, Мовароуннаҳр тахтини ташлаб қочиб қолди. «Амирзодага ошиғич мужда» ана шу амирзоданинг жуфтакни ростлаб қочиб қолиши экан. Дарвозабон буларнинг барини кейин билди...

Шу пайт пастдан жаранлаган овоз унинг ҳушини ўзига келтирди:

— Ухлаб қолдингму, ҳей?

Дарвозабонга бу ўктам овоз таниш туюлди-ю, тез пастга қаради. Сорбон ёнида баланд бўйли, бошига кичкина салла ўраган, оқ ятак кийган барваста бир одам турарди. Энгилбошининг оқлиги унинг чўяндай юзини ғира-ширада тагин ҳам қорайтириброк кўрсатар, шопдай қора мўйлови эса аниқ кўзга ташланарди.

— Ҳалимқул шаҳна борми, эй феъли яхшилар, Ҳалимқул шаҳна? — деб сўради яна оқ ятакдаги киши. Унинг жарангдор, тетик овози дарвозабон хонасини айланиб, гум-базга бориб синди.

Дарвозабон ўзининг номини эшитиб, қувониб кетди. Ёпирай! Шаҳри Румдан келатганлар ҳам Ҳалимқул шаҳна отини билишади! У ўттиз беш баҳорни кўриб, ҳали бунақасини учратмаган эди. Ҳалимқул шаҳна кўкрагини тўлдириб нафас олди. Ахир у амир Қозоғон давридан бошлаб дарвозабонлик қилади! Ушандан бери қанчадан-қанча карвон ўтмади, Кеш дарвозасидан — бу ёғи Чин Мочину Кошғару Шош, бу ёғи — Марви Шоҳижаҳону Нишопуру Сабзавору Ҳамадон...

Бирдан Ҳалимқул шаҳна оқ ятакли одамни танигандай бўлди. Қаерда кўрган эди? Қаерда?... «Ие! — деди ўзига ўзи. — Бу, самарқандлик, Наддофлар маҳалласининг оқсоқоли Абубакр Калава эмасми? Худди ўзи? Уша, ўша! У Ажамга кўп сафар қилади, доим шу дарвозадан чиқиб, шу дарвозадан шаҳарга қайтади!»

— Абубакр оға!

— Хайрият! — деди оқ ятакли киши сорбонга. — Ўзимизнинг Ҳалимқул шаҳна экан...

— Ҳозироқ дарвозани очгаймен, Абубакр оға! — Шундай деди-да, Ҳалимқул шаҳна бурама тор зинадан шитоб пастга туша бошлади.

Дарвоза ғасирлаб очилди. Даставвал кўнғироқли туя шаҳарга кирди. Дикқинафас ҳаводан ҳолсизланган, жимлик чўка бошлаган шаҳар кўнғироқнинг мунгли овозидан сесканиб кетгандай бўлди. Кўнғироқнинг жангир-жунгури Ҳисом ибн Аббос мақбарасидан ўтиб, Чокардиза қабристонидан ҳам нари Мотурид гузаригача етиб борди чамаси. Чорсунинг ўнг томонида жойлашган Наддофлар маҳалласида ҳам бу сасни эшитишгандир? Ажабо, Сабзавордан бери эшитавериш қулоғига сингишиб кетган кўнғироқ садоси Абубакр Калавага ҳозир ўзгача таъсир қилди. У бу сасни илк марта тинглаётгандай ҳайратда қолди. Она юрт тупроғида жаранлаган садо жуфти ҳалол Қорасоч бикани, шаддод қизи Жаҳонни, Сабзаворда қолган толиби илм ўғли Шамсулмулкни, ёру дўстларини унинг эсига туширди. Ногаҳонда Ибн Ямин Фарюмадаининг ушбу сатри хотирига келди:

Она юртнинг ҳар садоси
Қилғай кўнгилни адоси!

Фахриддин Маҳмуд ибн амир Яминиддин Муҳаммад ат-Туғройи ал-Фарюмадий, тахаллуси Ибн Ямин — амири муставфий, сарбадорлар давлатида машҳури офоқ шоир, ҳалигача унинг каломини кесадиган бир шоир туғилмаган рубъи маскунда! Абубакр Калава замонанинг шундоқ етук ва фозил шоири билан танишлиги, таниш эмас, балки падару фарзанд даражасида эканлигидан ғурурланиб қўйди...

— Хуш қолинг энди, биродар! — деди сорбон Абубакр Калава хаёлини бўлиб. — Кўнар жойимиз карвонсаройдир. Биз шул тарафга йўлланурмиз.

Абубакр Калава сорбонга қараб деди:

— Оға! Кулбамизда бугун албатта меҳмон бўлурсиз, обиёвғонимизни баҳам кўргаймиз... Икки ой давомида бир майизни бўлишиб еб келдик, ахир...

— Қуллуқ, энди бошқа сафар, Абубакр! Бу гал маъзуримизни қабул этингиз!

Сорбон шундоқ деди-да, кучоғини катта очиб Абубакр Калава томон кела бошлади. Иккови қаттиқ ҳамоғуш бўлдилар, сўнгра хайр-хўшлашдилар. Абубакр Калаванинг кўзлари беихтиёр намланди.

Ҳалимқул шаҳна дарвозани кулфлади.

— Зиёратингиз қабул бўлғай, Абубакр оға! Қайси эллардан сўраймиз?

— Сўраганингиз бўлғай, эй феъли равшан! — жавоб берди Абубакр Калава, нафас ростлаш учун дарвоза ёнидаги тош супачага ўлтирар экан. — Сабзавордан сўрайсиз! Ёру дўстларни зиёрат этиб келмакдамен. — У даструмолини олиб, юз-бўйинларидан бетиним оқаётган терларни артди. Иссиқ, бўғиқ ҳаво нафасни қисарди.

— Ҳа, юрган дайра,¹ ўтирган бўйра, дейдилар-ку! — Ҳалимқул шаҳна ҳавас қилгандай деди. — Насиб қилганга қилади бўям. Дарвоқе, Сабзавордан сўранг, дедингиз. Сарбадорлардан сўйласангиз, дедим. Карвонлардан ҳар хил воқеалар эшитамен. Турфа хил ҳангомалар эмиш... Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган...

— Йигирма беш йилдан зиёдурким, Сабзаворда сарбадорлар ҳукм юргизар эрмиш. Бу давлат бағоят антиқадир, сўйлай берсам агар, Абу Муслим жангномасидан ўтиб тушадир. — Абубакр Калава бош чайқади, Ҳалимқул шаҳна берилиб тингларди. — Бу юртда ҳамма фароғатда умр кечирмакда. Ҳа, шундоқ бўлмоғи даркор бу фозил мамлакатда! Муаллими соний Абу Наср ал-Фаробий ат-Туркий демишларки: «Авлоди бани башар бир йўсинда таваллуд топғай, инчунин бир йўсинда бахтли бўлмоқлари лозим!» Сарбадорлар шул ақидани, устоднинг каломи қувватини замона аҳлига намойиш этишмакда. Аммо...

— Нечук тўхтадингиз, оға?

— Аммо бу дунёнинг иши босқину ғорат экан. Афсус, минг афсус. Сарбадорларнинг подшоси, султони ислом, етти иқлим шаҳаншоҳи, арзандаи само, ғолиби ғаним хожа Яҳё Қурробий... Намозхон, тоат-ибодат эгаси ул зот ҳукумат курсида қарор топгандан буён ажиб ишлар қилибдир. Энг зўри элхонийлар подшоси Туға Темирхонни ўз ўрдасида, зиёфат чоғида ўлдирганлиги бўлибдир. Ҳалоқуийлар зулми Хуросонда таназзулга юз тутмиш. Алалхусус, хожа Яҳёнинг ўзи ҳам оламдан кўз юмибдир. Подшо душманлари Амниниддин отлиқ бир бетавфиққа ўқтиришибдир. Ул феъли хунук пайт пойлаб хожа Яҳёга ханжар урибдир, подшо шарт қайрилиб бир қўли билан Амниниддиннинг томоғидан бўғиб олибдир, иккинчи қўлидаги ханжарни қорнига тикиб, Амниниддинни саранжом этибдир. Шу асно хожа Яҳё қайноғаси Алоуддавла қилич яланғочлаб турган экан. Ҳарам ёққа гандираклаб кетаётган подшо ордидан бориб қилич солибдир. Бунга беш йилча бўлибдир. Буқун Ҳасан Домғоний сарбадорлар давлати маснадидадир. Юртимизда эмну омонлиқми, иним Ҳалимқул?

Сарбадорлар қиссасидан мутаассир бўлган дарвозабон уф тортиб деди:

— Абубакр оға! Бу ерда ҳам сиз айтганлардан қолишмайдиган воқеалар бўлди. Амир Қозоғонни куёви, Хоразм амири Қутлуғ Темур Бўлдой қатл қилдирди, буни биласиз. Мўғуллар уч бор чопкун уюштирдилар. Амирзода Абдулла бўлса қувғину мискинликда. Самарқандда Ҳисори шодмон амири Баён сулдуз даврон тизгинини қўлга олмиш эди. Ул ҳам қайгадир қочиб қолди...

— Ҳа, Мовароуннаҳрда ҳукуматга хатар етибдир! — деб юборди Абубакр Калава. — Амир Қозоғон ўлиmidан сўнг Мовароуннаҳрда тинчлик йўқолди. Босқину талаш, қирғин... Ягона ҳоким йўқ... Кимнинг нимага кучи етса шуни қақшатади. Ҳаммадан халққа қийин, бечорага қийин...

Наддофлар маҳалласи оқсоқоли ҳақ гапни айтди. Мовароуннаҳр тахти ростдан ҳам бўшу фаромуш қолган, юрт тахтсиз мамлакат рутбасини олганди.

¹ Дайра (лаҳж.) — дарё.

Абубакр Калава ярим тошга етар-етмас йўл босди. Ана қоронғиликда Чорсудаги Жомеъ масжидининг кунчиқарга қараган баланд куббали равоғи элас-элас кўзга ташланди. Ҳавонинг камоли очиклигидан осмон шундоқ чароғон эдики, гўё бодраб турган юлдузларни кўл билан тутиб олиш мумкиндай туюларди. Тарози юлдузи ғарбга оғиб қолди. Абубакр Калава хуржунини ерга қўйди. Ногаҳонда дарё томондан эсан шабададан хуржундан бўшаган елкаси ажабтовур яйраб кетди. Самарқанднинг тунги шабадаси эсарди. Ҳалигина Кеш дарвозасининг ёнида ўзини бамисли тўнкарилган қозон ичида ҳис қилган Абубакр Калава ҳозир худди ям-яшил Кониғил ўланзориди, Обимашҳад ариғининг бўйида ўтиргандек бўлиб кетди.

Чорсу майдонининг саҳнини энди илғаб олиш мумкин. Майдон каттагина, унга тош ётқизилган; умуман Самарқанд кўчаларининг кўпчилиги тош кўчалардан иборат. Гавжумликда Чорсу майдонининг олдида тушадигани йўқ, дейишади. Майдонга қачон, ким томонидан тартиб берилганини биров билмайди, ҳарқалай унинг тарихи араблар босқинидан ҳам илгарига, Турк хоқонлиги замонида бориб тақалади, ҳатто хоқон Туминнинг ўзи унинг қурилишидан хабар олиб турган эмиш. Чингизхон кўшинлари Самарқандни босиб олиб вайрон қилдилар, харобага айлантирдилар, кўҳна бинолар ўрнида култепалар пайдо бўлди. Лекин шаҳар авваллари ҳам шундай фалокатга йўлиққанида, кейин доим ўзини тиклаб ола олар эди. Чингизхон истилосидан кейин шаҳар тикланмади, чунки шаҳаркушларнинг вайрон қилмоқликда турфа усталиқлари бор эди. Урганчни, Амударёни тўсиб шаҳарни сувга бостиришиб олишган бўлса, Самарқандда аксинча йўл тутдилар: қирғоқлари қўрғошин билан қопланган мустаҳкам Жўйи Арзизни бузиб, шаҳарга келадиган сувни бериктдилар, халқ сувсиз қолиб кетди. Ҳар икки кўҳна шаҳар ҳам кейин қаддини кўтара олмади. Самарқанд шаҳристони уюм-уюм тепага айланди. Шаҳар эса жанубга, ҳунарманду косиблар расталари билан обод рабодга кўчди. Абубакр Калава яшаётган Наддофлар маҳалласи ҳам ана шу рабодда жойлашган эди.

Майдонга Жомеъ биноси алоҳида кўрку салобат бахш этиб туради. Масжидни Самарқанд тахтининг ҳукмдори, турк қорахонийлар сулоласига мансуб Томғочон Иброҳим ал-Ҳусайн бундан юз эллик йиллар муқаддам бино қилдирган экан. Унинг пештоқи йигирма беш газ, баландлиги етмиш газ келарди, ҳовлиси билан ҳисоблаганда қарийб беш жариб¹ жойни эгаллаганди. Бу ерда ҳар жума намозида қотмадан келган, бидирлаб гапирадиган масжид имоми Қутбиддин хутба ўқийди, ҳар кун тонгсаҳар масжид ёнидаги минорадан Шамсиддин сўфининг азони шаҳарга таралиб, мўмин-мусулмонларни ҳам суннату ҳам фарзни адо этишга чорлайди.

Чорсуда даставвал тўрт кўча бўлган экан. Жануб томондан — Бозор кўча, у бозорнинг ёнидан чиққанлиги учун шундай аталган. Кунботиш томондан — Арк кўчаси — боғу роғлар, мухташам саройларга бой бу кўча Чорсудан Кўксаройга, кўҳна хон саройига олиб боради, унда Самарқанднинг казо-казолари яшайди. Хусусан, Абубакр Калавалар бутун маҳалласи билан тобе бўлган Самарқанд улўғзодаларидан Сулаймон деган киши шу кўчада истиқомат қилади. Бу зангину бадавлат киши зарнинг зўридан Бухоро бузурғоздаларидан гула кўтариб хутбаларда номига «садри жаҳон» калимасини кўштириб айтдиради. Кейин-кейин умуман «Садр Сулаймон» бўлиб олди. Уни зоилилиги, ўта хасислиги, бешафқатлиги учун «садри жаҳон» — жаҳон устуниси эмас, балки «садри жаҳаннам» — жаҳаннам устуниси, деб сўз ўйини қилишарди.

Шимол томондан Ҳолвачилар кўчаси бўлиб, Тошкент, Фарғона томонларга олиб боради. Кўчада боғ-роғлар кўп бўлганидан уни Каттабоғ кўчаси ҳам дейишади, лекин кўпроқ биринчи номда машҳурдир. Қандолатчилар, ширапазлар яшайдиган бу кўча кўпчиликнинг диққатини ўзига тортиб турарди. Уни ҳазиллашишиб «Ширин кўча» дердилар. Ҳолвачиларнинг бозордан ташқари шундоқ кўча юзида ҳам расталари бор эди. Кўчадан ўтиб қолсангиз, капкирларнинг қозонга урилганию, мис товоқларда ҳолвани чилчўплар билан қорилаетгани қулоғингизга чалинади, ўчоқлардан йироққа кетгиси келмай буралиб чиқаётган тутунларни кўрасиз, ширинлик тортилаётган тарози шайинларининг шарақлашларини эшитасиз. Бу маҳалланинг оқсоқоли Панжикентдан келиб қолган тожик Қодир Ҳалвойи деган бениҳоя одамохун, ширинликда барча ширинликларга сабоқ берадиган бир киши эди. Абубакр Калава жуссаси кичик дўстини эслади-ю негадир оғзида ҳолванинг чучуккина таъмини сезгандай бўлди. У Ҳалвойи билан ўзининг ўртасида ширинлик борлигидан беадад хурсанд бўлиб юради.

Чорсуга кунчиқардан кириб келган кўча Наддофлар кўчаси эди. Бу кўча Абубакр Калавалар маҳалласига олиб боради.

Кейинчалик яна тўрт кўча пайдо бўлди. Арк кўчаси, Бозоркўча ўртасида Қўрчилар маҳалласини Чорсуга боғлайдиган кўча бўлиб, у шаҳардан ташқарига, ҳарбий аслаҳалари билан машҳур ёй ясовчилар яшайдиган Камонгарон қишлоғига олиб борарди. Кўпроқ «Тарақ-туруқ кўча» номи билан машҳур бу кўчада тийргарлар, тиркишдўзлар, камонгарлар, шамширгарлар, пичоқчилар, темирчилар, турли жиbachилар яша-

¹ Жариб — тахминан бир таноб ($\frac{1}{2}$ гектарга тенг майдон).

шар, оила-оила бўлиб қурол-аслаҳа, темирчилик буюмлари ясашар эди. Бу кўчада камонмерган Хўрдак Бухорий, Исоқ этикдўзлар истиқомат қилишарди.

Кулоллар кўчаси карвонсарой билан Ҳолвачилар кўчаси орасида жойлашганди, унда асосан кулоллар яшарди. «Уста Кулол кўчаси» деб қўйди Абубакр Калава ўзи-ча. Асли оти Ҳакимжон бўлса ҳам, кулолчилик сирларини аъло даражада билгани учун ҳамма ҳурматлаб уни «Уста Кулол» деб юборган эди. Уста Кулолнинг отаси Фарғона ёқлардан келиб, Самарқандда қарор топиб қолганлардан. Элликлардан ошган, билаклари йўғон, елкали, бақувват Уста Кулол ҳамма нарса ҳақида ҳам «Лойи пишитилган бўлсин ишқилиб...» деб қўярди ўз-ўзига айтгандек қилиб.

Бозоркўчанинг Чорсуга чиқаверишида ўнг томонда бозор жойлашган. Бозор билан Наддофлар кўчаси оралиғида унча катта бўлмаган, бор-йўғи бир арава сиғадиган Қаландархона кўчаси бор. Чорсуни Қаландархона билан боғлайдиган бу кўчада турли қавм одамлари — эронийлар, араблар, ҳиндлар, юнонлар, румликлар яшар эдилар. Улар гоҳ урушлар туфайли иссиқ ўрни совиған, гоҳ бошқа сабаблар билан карвонларга қўшилиб Самарқандга келиб қолган, тақдир шамолига дош бера олмаган бечора кишилар эди. Бу кўчада ҳам Абубакр Калаванинг дўстлари бор, ҳинд морбоз Лакшман, румлик Нозим Меҳмет шулар жумласига киради.

Наддофлар кўчасининг ўнг томонида катта карвонсарой бўлиб, Жомеъ ва Арк кўчасининг бошида қад кўтарган муҳташам мадраса билан ажойиб бир учликдан иборат силсила ташкил қилар, бир-бирига мутаносиб тушган бу бинолар Чорсу майдонининг ҳуснига ҳусн кўшарди.

Энди кейин пайдо бўлган кўчаларнинг сўнггиси, Ҳолвачилар кўчаси билан Арк кўчаси ўртасидаги Хонқали кўчасига тўхталамиз. Майдонга чиқаверишида, кўчанинг ўнг томонида хонақоҳ, чап томонида Жомеъ масжиди савлат тўкиб турарди. Хонақоҳ ёнида Хонлиқ оқа отлиқ эркакшода бир хотиннинг катта ҳовлиси бор бўлиб, у уйда бобилхона очган эди. Бу хонадонга шаҳзодаю бекзодалар, амирлар, карвонсаройда тўхтаган мусофирлар пинҳона ташриф буюришиб туришарди. Хонлиқ оқа бир неча дил тортар бўлмаларда ёш ҳўрилар, ҳуриликқодай канизаклар тутарди... Шаҳарда ҳамма бобилхонанинг қаттиқ сир тутилишидан сўзлар эдилар.

Ниҳоят Чорсу майдонининг у чеккасида Жомеъ ёнидаги минорада лип-лип ёниб турган фонус аниқ кўзга ташланди. «Чорсуга ҳам етиб келдим», — деди Абубакр Калава ичида. У майдонга чиқиб бораётган ҳам эдики, ўн қадам наридан:

— Жонингдан умидинг бўлса, жойингдан жилма! — деган йўғон овоз эшитилди. Овоз таҳдидли эди, Абубакр Калава ҳўчимаса ҳам, кўнглига қандайдир бир ҳадик ғимирлаб кириб олди. Қоронғиликдаги овоз тағин жаранглади:

— Таваккал ту оллоллони деган эр, на қалқону на талқоннинг ғамин ер! Ниятингни яхши қил, дилгинангнинг нақши қил! Ханжарингни қўлга олган бўлсанг қинга сол, бир нафас эс-ҳўшингни ўнглаб ол! Кимсан, бемаҳалда бир ўзинг нима қилиб юрибсен, мусофир?

Абубакр Калава овозни тахмин қилиб қоронғилиққа қараб жавоб берди:

— Мусофир эмасмен, эй феъли яхши! Ўз шаҳримга сафардан қайтмакдамен. Самарқандликмен, Наддофлар маҳалласидан, маҳалла оқсоқолимен!

— Самарқандлик бўлсанг, қани бир саволга жавоб бер-чи: ҳозир қаерда турибсен? Қаерда турганингни билармусен?

— Албатта, билурмен! Чорсудамен, шундоқ бозорнинг ёнгинасида.

Қоронғиликдаги одам гулдираб кулиб юборди. Овоз кучли ва беғубор эди, Абубакр Калава кўнглидаги ҳадикларни жилла ҳайдагандай бўлди.

— Чорсуда турганмиш! Хо-хо-хо! Бозорнинг шундоқ ёнгинасида эмиш! Хо-хо-хо!

— Нега куласен? Ҳали эсимни йўқотганим йўқ, — деди Абубакр Калава ўзини босиб. — Мана бу Бозоркўча, олдимиздаги майдон Чорсу-да, ўнг томонда бозор. Мен бозор ёнидан ўтиб, Қаландархона кўчасига бурилмай, Наддофлар кўчасига ўтаман-да, уйимга кетаверамен... Эс танибменки, Самарқандда ўсганмен... Назаримда, ўзингнинг ҳушинг жойида эмасга ўхшайдир.

Бирдан кулгу овози тинди. Қоронғида пичоқнингми, қиличнингми қиндан суғурилган овози эшитилди.

— Оғзингга қараб гапир, мусофир! Етти жаллод, мурғу салават, қиличим бурро, забоним гўё, кимнинг ажали етди? Шу топда офтобни сояга етказмай, сахарни чошгоҳга ўтказмай бошингни олайми? Сен ким билан гаплашаётганингни билармусен?

Энди Абубакр Калава қаттиқ кулиб юборди.

— Қоронғида сенинг юзингни кўрмасам, танимасам, ким билан гаплашаётганимни қайдан биламен ахир? Сўзларингга озгина фаромушлик борга ўхшайди?

— Тўғри, — деб тан олди қоронғиликдаги одам. — Юзимни ҳам кўрасан. Хўш... Баски, сен Самарқандда туғилиб ўсган экансен, билиб қўй: сен турган жўй Тун салтанатидир. Бу салтанатга бу томони — мадраса, бу томони — карвонсарой, у тарафи — бозор, қисқаси, бутун Чорсу майдони кирадир!

— Тун салтанати? Қанақа Тун салтанати?

— Билиб қўй! Сен етти иқлимга донғи кетган Тун салтанатига келиб қолдинг. Мен

эсам ғарибу ғураболар, йўқсилу гадолар шаҳаншоҳи, қиблагоҳу валинеъматини, Тун салтанатини подшоҳи Шаҳриёрнинг ишонган валлакатларидан жавонмард Ахий Жаббор бўламан! Хуфтон намозидан то бомдод намозигача салтанат муҳофизатини менга топширилган. Бирорта чибин ҳам Шаҳриёр ижозатисиз бу ердан ўтолмайди! Бунга валлакат Ахий Жаббор қафолат бера оладир!

Абубакр Калава валлакатнинг сўзларидан енгил тортди. Сахийларнинг сахийсини ахий дейишади, бунинг исми ҳам ҳатто Ахий экан. Булар, бир бечора муҳтож билан борини баҳам кўрадиган эмас, балки борини беришга тайёр олижаноб кишилардир. Абубакр Калаванинг ўзи ҳам ана шундай футувват эгаси эди, шу важдан ҳам унинг атрофидан одамлар аримасди. Бундай одамлар ҳамма билан ҳам тил топишиб кета олади. Чунки уларнинг энг эзгу омоли — киши кўнглини олиш, мискин қалбига фараҳ бахш этиш, ўзига зиён бўлса-да, ўзга дилини овлашдир.

— Мана, ўзинг ҳам валлакат, жавонмард экансен,— деди Абубакр Калава Ахий Жабборга қараб.— Бас, мени ўз маҳалламга ўтказиб юбор! Улан-тўшагимда бўлмаганимга ҳам ярим йилдан ошиб кетибди.

— Мен ҳозир бурчни бажармоқ даражасидаман. Валлакатлигим иш бермайдир. Бунга фақат Тун салтанатини подшоҳининг ижозатлари керак...

Сўхбат ҳали ҳам қоронғиликда, тахмин доирасида давом этмоқда эди. Абубакр Калава шу пайт қулоҳнамо учли оқ қалпоқ кийган бир одамнинг унга яқинлашаётганини кўрди. Ахий Жаббор келаркан, Чорсу майдонининг у чеккасида, Жомеъ ёнидаги минорада липиллаб турган фонусни ўз гавдаси билан Абубакр Калавадан тўсиб қўйди. Ажабо, фонус кўринмай қолгандан кейингина Ахий Жаббор юзини илғаш осон бўлди. Баланд бўйли, учли қалпоқ уни яна ҳам баланд қилиб кўрсатарди, шоп мўйлов бир йигит Абубакр Калава олдида худди тол олдидаги теракдай серрайиб турарди. Ёнига қилич эмас, узун пичоқ осиб олганди... «Барваста қоматли, жуссадор, фил унинг салобати олдида хартумини ерга қўяди...»— ўйлади Наддофлар маҳалласи оқсоқоли, сўнг деди:

— Иккимиз ҳам шоп мўйлов эканмиз, валлакат!

— Ҳали сиз экансиз-ку, бу ердан пошшосиям Шаҳриёр ижозатисиз ўта олмайди. Қани, Шаҳриёр даргоҳига кетдик!

Абубакр Калава Чорсу атрофларида кечаси юриб бўлмайди, деганларини эслади. У ичида: «Мамлакат тахтсиз бўлгач, аҳвол шу-да! Ҳамма ўзига хон, ўзига бек... Ишқилиб, охири бахайр бўлсин!» деди-да, ноилож Ахий Жаббор кетидан йўлга тушди.

ИККИНЧИ БОБ

Тун салтанати

Ахий Жаббор билан Абубакр Калава Чорсу майдонини кесиб, хира фонус липиллаб турган Жомеъга қараб йўналишди. Эллик қадамча юришганди, ўнг томонда ўртача бўйли икки одамнинг ғира-шира қораси кўринди, чамаси, улар Қаландархона кўчасидан чиқишган эди. Ахий Жаббор сал олдинда келаётган одамни таниб, баланд овозда сўради:

— Той нима деб кишнайди?

Абубакр Калава ҳайрон бўлди: қанақа той ҳақида сўз кетмоқда? Ярим кечада той нима қилади ҳайҳотдай майдонда? Унг томондаги одамнинг жавоби эса уни баттар таажжублантирди:

— От бўлдим деб кишнайди, от бўлдим деб!

Абубакр Калава уларнинг аллақандай ишоралар билан сўзлашаётганларини энди тушунди. Орадаги сирлилик, Ахий Жабборнинг ҳалғи одам билан эҳтиёт бўлиб сўзлашишлари Абубакр Калава кўнглида уларга нисбатан ҳурмат уйғотди. Бундай одамларга ишонса бўлади, деб ҳаёлидан ўтказди у. Одатда бир жамоа ёки гўруҳ кишилари улўғ сирни пинҳон тутиш мақсадида алоқанинг шунақа шартли усулини танлайдилар. Сабзворда сарбадорлар ҳам ҳали ҳоқимият тепасига минмай туриб шундай йўл тутишган. Абубакр Калава Самарқанд сарбадорлари орасида ҳам шундай сўзлашув йўлини жорий этмоқ керак, деб ўйлади.

— Кониғилда об-ҳаво қандай? — деб сўради яна Ахий Жаббор.

— Кониғилда каламуш юрибди, — деди ўнгдаги одам.

Ахий Жабборнинг «Шаҳарда тинчликми?» деб шартли сўраганига, у одам «Шаҳарда бегона бор», деб жавоб берганди.

Қаландархона кўчасидан чиққан одамлар энди Ахий Жабборларга етиб олишди. Яхшилаб қаралса, уларнинг чеҳраларини аниқ кўрса бўларди. Сирли сўзлашган одамни Ахий Жаббор дарров таниди, тунги посбонлардан Ҳасан чиноқ экан. Елкасига чипта қоп ташлаб олганидан, жуссаси кичик бўлса ҳам, савлатли кўринарди. Унинг чап қулоғи йўқ, биров туғма шундоқ дерди, бошқалар ҳазиллашишиб, чақалоқлигида мушук еб кетган,

деб қўйишарди. Уттиз бешларга бориб-бормаган Ҳасан чиноқ Тун салтанатида ҳурмат қозонганлардан бўлиб, қўрқмаслиги ва мардлиги билан ном чиқарган эди.

— «Меҳмон» ким? — сўради Ахий Жаббор, улар яқинлашгач.

— Арк кўчасига ўтмоқчи эканлар, Шаҳрисабздан...—Ҳасан чиноқ бамайлихотир жавоб берди. —Шаҳриёрдан ижозат олиб кетсинлар, деб бошлаб келаётибман.

Ахий Жаббор меҳмонга яхшилаб назар солди, Уттиз ёшлардаги ўртача бўй бу йигит, ёз бўлишига қарамай, қора мовут чакмон кийиб олган, кўринишидан жангари, чапсон эканлиги билиниб турар, унда аллақандай бўғиб қўйилган бир ғайрат, шижоат эркинликка чиқишни интиқ бўлиб кутиб ётар эди. У Ҳасан чиноққа Ахий Жабборни кўрсатиб:

— Шаҳриёрнинг шулми? — сўради нописандлик билан.

— Сўйласан ўйлаб сўзла, доим яхшини кўзла! — деди Ахий Жаббор Ҳасан чиноқни сўзлашга қўймай, меҳмонга қараб. — Шаҳриёр мен эмасмен. Уни ҳозир кўрасан. Шошилма. Шошганинг иши олчимас, шошган қиз эрга ёлчимас!

Йигит афтидан Ҳасан чиноқ билан тортишиб келарди. Унинг Ҳасан чиноқдан қутулиб кета олмагани кўриниб турар, буни айниқса Ҳасан чиноқнинг ўзини бепарво тутишидан ҳам билса бўларди. Дароз бўйли Ахий Жабборни кўргандан кейин йигит қутулишдан умидини узиб жим бўлди-қолди.

Йигитни Ахий Жаббор ҳам, Ҳасан чиноқ ҳам, Абубакр Калава ҳам танишмади. Унинг исми Аббос баҳодир бўлиб Шаҳрисабз туманининг амири Темурнинг ишонган йигитларидан эди.

Ҳижрий 762 йил ёзида мўғул хони Туғлуқ Темурхон ўзини Чифатой мамлакатининг ҳақиқий меросхўри ҳисоблаб, Мовароуннаҳрга от сурди. Шаҳрисабз амири Ҳожи барлос душман ҳайбатидан қўрқиб, юртини ташлаб Хуросонга қочиб қолмакни хаёл қилди. Ҳожи барлоснинг йигирма беш ёшли Темурбек деган жияни бор бўлиб, у фаросатли, сиёсий воқеалар оқимини тез идрок эта оладиган, шаддод фикрли бир йигит эди. Темурнинг амакиси билан кетгиси келмади. Кўч-кўронларини қарвон-қарвон юбориб, оила аъзолари билан канизақларини жамлаб жўнашга отланган Ҳожи барлос жияни Темурбекнинг беҳаракату суст турганини кўриб:

— Ҳа, жиян, Жета қашқирига ем бўлмоқчимисиз? — деди ўпкали оҳангда. — Ўзбошимчалик беҳосият нарса...

— Энди, амаки, қаҳо қиличи бошга келса қочмоқ нодоннинг иши, — деди Темур Ҳожи барлосга тик қараб. — Аммо қирқ йил қирғин бўлса ҳам, ажали етган ўлади...

— Падари бузрукворингиз оламдан кўз юмганига бир йилдан ошди, — деди Ҳожи барлос. — Амир Турғай фоний дунё билан хайр-хўшлаша ётиб, менга «Ўғлимдан бохабар бўл!» деб илтижо қилганиди. Бирга бўлсак, соз бўлармиди, жиян...

Темур қалин қошларини чимиракан, дадил жавоб қилди:

— Бу тонг тушимда падари бузрукворим аён бўлдилар. Кетмоқлигимдан воқиф эмишлар-да, менга ўксиниб: «Қабримни ташлаб кетма, ўғлим!» дермишлар... Юртни ёвга ташлаб кетгим келмай турибди... — Темур бир оз жим қолди. — Амаки, агар сиз ижозат берсангиз, Туғлуқ Темурхон билан тил-топишга саъй-ҳаракат этиб кўрсам...

— Сиз мўғул хони ўз сўзида туради, деб ўйлайсизми?

Ҳожи барлоснинг шундай деб сўрашида жон бор эди. Туғлуқ Темурхон Жонобулоқ мавзеида бир оз тўхтаб, Хўжанд суйидан ўтиши биланоқ, юртнинг барча туман амирлари, нуфузли кишиларига, жумладан, Ҳожи барлос ва Амир Темурга ўз қошига қорлаб ёрлиқлар юборган эди. Бу ёрлиқларни биров алдов деб ўйлади, биров тўғри тушунди. Ҳожи барлос ҳам уларга ишонмади.

— Мен хон олдига бормоқ лозим, деб ҳисоблаймен! — деди Темур қатъият билан.

— Хомтама бўлманг, жиян!

— Аввалан, — деди Темур, — хон юртимизга бостириб, ҳаммани бош эгдириш учун келаётир, унга шу кифоя қилур. Биз эса, қўлда қилич биланмас, бош эгиб борур-миз. Не-не замонлар кечибдирки, эгилган бошни кўрганда, ҳар қандай қилич ҳам ўтмас бўлиб қолади...

— Кимсан, амир Ҳожи барлос кўчманчи бир хонга бош эгадурми? Сўнгра у бошни қандоқ кўтариб юрурмен?

— Бир бора бош эгган билан бош эгилиб қолмас... — Темур истеҳзоли кулди. — Сониян, хон билан кўришувимизда икки фойда, бир зиён бордир. У билан кўришмай Хуросон томонга ўтиб кетишнинг икки зиёни, бир фойдаси бўлур...

Ҳожи барлос бош чайқади.

— Сиз, жиян, ҳали ёшсиз, ғўрсиз. Бу фойда-зиёнларни тарозига солиб ўлтиргунча фурсат кетур... Чора — қочиб қолмоқликда... Ажали етган сиқон мушукка ғамза қилар эмиш!..

— Амаки! — деди андак сукут сақлаб Темур, амакиси сўзларидаги заҳархандани сезмагандек. — Туғлуқ Темурхон олдига бориш-бормаслик ҳақида пиримдан маслаҳат сўраб, мактуб битган эдим. Ушбу мазмунда жавоб айлабдилар: «Тўртинчи халифа ҳазрати Али ибн Абу Толибдан, унга тангри марҳамати бўлсин, сўрабдиларки: «Осмон — ўқ-ёй тўла садоқ бўлса, ёғилгувчи офатлар — ўқ бўлса, инсонлар — нишон

бўлса, отгувчи олло бўлса, одамлар қаёққа қочадилар?» Халифа айтмишки: «Одамлар оллонинг ўзига қочсинлар!» Бас, мен ҳам Туғлуқ Темурхоннинг ўзига қочмоқчимен, қўлидаги ўқ-ёйини тортиб олмоқчимен. Бир фойдаси — ишонч қозонамен, икинчиси — юртга эга бўламен...

Ҳожи барлос жиянининг қайсару ўжар, бир сўзлик эканлигини яхши биларди. Уни ахдидан қайтариш муаммолардан бири ҳисобланарди. Амир ўйланиб қолди. Шу пайт Темур яна сўзга оғиз очди:

— Агар... юртимизни омон-эсон сақлай олсам, сизга-да! Қайтганингизда ўзингизга топширамен. Ётлар қўлига тушмасин деб, ташвишдамен...

Бу гап Ҳожи барлосга ёқиб тушди.

— Майли, жиян, розимен! Бу гапингиз ота ўғли гапи бўлди! Сиз шу ерда қолингиз бўлмаса, юртдан кўз-қулоқ бўлингиз!

Бирдан Туғлуқ Темурхоннинг Бекчик, Ҳожибек Эркинит ва Улуғ Тўқтемуру керайтларни Жетанинг бошқа амирлари билан уч қўшин қилиб Мовароуннаҳр мамлакатини талон-торож қилиш учун юборганлиги, ўша уч қўшин Хузорга келиб тушганлиги ҳақида хабар келди. Темур хонга боришдан илгари бу очкўз амирларни мол-дунё билан алдаб, юртни қатлу ғоратдан қутқариб қолишга аҳд қилди. Босқинчи амирларнинг назарлари очлигига яраша кўнгиллари ҳам тор бўлганлигидан, совға-соврун йўсинида уларга берган ҳар хил тансиқ моллар кўзларига кўп кўринди ва Мовароуннаҳрни талон-торож қилиш ниятидан қайтдилар.

Туғлуқ Темурхон аскарлари Шаҳрисабзни талаганида, Темур хоннинг ҳузурига кириш чорасини қидирди. Олтин узангили тулпор, тилло тугмали чорқаб, нилгун чин атласидан тикилган зарбофт қантара ва дуру забаржадлардан совға-салом тайёрлаб олди. Барлос қабилисидан бўлган ўткир кўзли бу йигит хонга маъқул келиб қолди. Темур баланд бўйли, чорпаҳил, калласи катта, кучли овозли бир йигит эди. Унинг катта шижоат эгаси эканлиги, жасуру қўрқмаслиги шундоққина кўриниб турарди. Жуда кўп амирлар хонга рўпара бўлолмай юртини ташлаб қочмиганида, йигирма беш ёшли бу амир итоат камаридан белини бақувват қилиб, хон ҳузурига келиши таҳсинга лойиқ эди. Туғлуқ Темурхон унга Шаҳрисабз туманини топшириб, деди:

— Менинг Мовароуннаҳрдаги қўлимсен, Темурбек! Қулим, демаймен, қўлимсен! Сенга амирлашкарликни муносиб кўрурмен! Унга ёрлиғ ва аҳднома топшингиз!

Темур шарт ўрnidан турди-да, қўл қовуштириб таъзим қилди:

— Хизматингизга бел боғлаганмен, хон ҳазратлари!

Шу палла хонга, ҳалиги уч тўда амирлари ерлик халқдан соврунлар олиб, улар билан келишмишлар, деган хабарни етказдилар.

— Очофатлар, мол бандалари! — дарғазаб бўлди Туғлуқ Темурхон. — Барча молларни қайтариб олинсин! Амирларнинг ўзлари мартабаларидан мосуво қилинсин! Бундан буён улар Мовароуннаҳр ҳудудига киритилмасин!

Темур мамнун эди.

Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳрдан қайтгач, Темур ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш қайғусини чека бошлади.

Даставвал хос лашкар тузишга уринди. Фақат Шаҳрисабзда эмас, ўзга шаҳарларда аҳвол нечук эканлиги билан қизиқди. Туркистонда ҳаржу марж¹ бош қўйган бир даврда ўз-ўзинга эҳтиёт бўлмоғинг лозимдир. Ҳар жойда қулоғинг бўлмоғи керак. Темур мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг томир уришидан бохабар бўлмоқ мақсадида турли шаҳарларга тинғчилар, қуловулар² юбора бошлади. Қарши, Бухоро, Балх, Самарқандда не кор-ҳол экан? Балхга йўлланган тинғчидан нохуш хабар келди: Қозоғон набираси Амир Ҳусайн ўз амакиси Абдулла ибн амир Қозоғоннинг тахтига эга бўлиш учун бош кўтарган эмиш... Балки бу унчалар ҳам нохуш хабар эмасдир, яхшилиқкадир... Чунки Амир Ҳусайн Мовароуннаҳр тахти меросхўри... У билан ҳисоблашмак керак бўладир. Бошбошдоқлик замонида бу чора заруриятга айланмоғи шубҳасиз. Ахир ҳар вилоятда бир беномус давлат ва иқбол хаёли ила кўзғолишга интилмакда. Амир Баён сулдуз Самарқандда айш-ишратга, майхўрликка берилди. Амир Боязид жалойир Хўжандда ҳокимият маснадига ўлтирди. Улжайту сулдуз Балхда мамлакат ҳукмронлиги висолига кўнгил боғлади. Муҳаммад Ҳожа Опардий Шибирғонда ўзини ҳокими мутлақ хаёл қилди. Амир Хизир Ясовурий Ҳисори шодмонда ҳукумат туғини кўтарди. Бадахшон шоҳи эса Кўхстонда истиқлол камарини белига боғлаб, ўзгаларга итоат этмақдан бош тортди. Алғов-далғов шундай бир пайтда Темур Амир Хизир Ясовурий билан Туғлуқ Темурхонга қарши пинҳоний иттифоқ тузишга улгурган ҳам эдики, Амир Ҳусайндан чопар келиб қолди. Мовароуннаҳр тахти вориси мамлакатдаги бебошвоқларга қарши курашда уни иттифоққа чақириб, нома битибди...

Ҳасан чиноқ йўл бермаган Аббос баҳодир ҳам Темурнинг ишонган тинғчиларидан бўлиб, унинг чекига Самарқанд тушган эди.

¹ Ҳаржу марж — анархия маъносида.

² Тинғчи, қуловуз — жосус маъносида.

— Ўзингнинг меҳмонинг қаердан экан? — деб сўради Ҳасан чиноқ Ахий Жаббордан, Абубакр Калавага ишора қилиб.

— Меҳмон атои худо, меҳмон деб жоним фидо! — деди Ахий Жаббор. — Меҳмон, хўш... Ўзимизнинг самарқандлик экан...

Жомеъ масжидининг ёнида липиллаб турган хира фонус тобора яқинлашар эди. Фонуснинг хира шўъласида кимлардир ивирсиб юрарди. Абубакр Калава масжид олдида, шундоқ майдон четида қайдандир топилган учта эски сандиқ бир-бирига қалаштириб қўйилганини кўрди, унда аллаким савлат тўкиб ўлтирарди. «Шаҳриёр деганлари шу бўлса керак!» — хаёлидан ўтказди Наддофлар маҳалласи оқсоқоли. Дарҳақиқат, сандиқлар устида салобат билан кўр тўкиб ўлтирган одам — Тун салтанати подшоси Шаҳриёр эди. Бошида дубулға шаклидаги латта қалпоғ, эгнида етмиш ямоқ мағрибий наMAT тўн, кўлида ичига кўрғошин солинган таёқ — булар ҳаммаси Шаҳриёр салобатига салобат қўшиши лозим эди. Шаҳриёрнинг икки ёнида икки киши посбонлик қиларди.

Абубакр Калава Ахий Жабборнинг Тун салтанати ҳақидаги гапларига ҳайрон бўлиб, бундай салтанатни эшитмаганини айтганди. Ростдан ҳам бир кечалик бу салтанат кўпчиликка номаълум, у бамисли бир соатлик халифа воқеасига ўхшаб кетади. Салтанат ҳар кеча хуфтон намозидан бомдод намозигача ҳукм суради. Салтанат деганимиз, ғарибу ғурабо, йўқсил кишиларнинг камтарин жамоаси бўлиб, уни биров атайдан уюштирмаган, балки тақдир тақозоси билан ўз-ўзидан йиғилган бир издиҳом эди. Салтанат фуқароларининг айримлари кундузи шаҳарнинг ҳар турли мавзеларида тиланчилик қилишар, кўплари эса мардикорликдан пул топишар, хуфтондан кейин эса салтанат пойига тўпланишиб, топган-тутганларидан подшога ҳисоб айлаб, вазир қўлига топширишарди. Сўнгра Шаҳриёр буйруғи билан йиғилган жамалға барча фуқаролар орасида баб-баравар тақсим қилинарди.

Адолатли бу салтанатда тартибот ҳам шунга яраша қаттиқ эди. Улар тунда шаҳар осойишталигини сақлашни ўзларининг бурчи деб билишарди. Шу сабабдан саккиз кўчага саккиз қўриқчи қўйилар, қўриқчилар ҳар куни алмаштириб турилар, тунда ёмон ният билан юрган кишилар бўлса, тутиб, Шаҳриёр ҳузурига олиб келинарди. Уларнинг ҳалол ва поклигига ишонч пайдо бўлгандагина истаган жойларига ўтказиб юбориларди. Бир марта Жета хонининг жосуси қўлга тушди. Жосуснинг айби ошкор бўлгач, жаллоднинг қўлига топширилди, у шу майдонда қатл этилди.

* * *

Ахий Жабборлар салтанат пойига етиб боришганида, кундузи тўпланган жамалға тақсимоти тамом бўлганди. Шаҳриёр баланд бўйли, калласи нокка ўхшаб кетадиган вазир Насафийга мурожаат этди:

— Салтанат сарҳадида не ҳол экан?

Ҳамма жим бўлиб қолди.

— Осойишталик, подшойим! — деди Насафий, сўнг тахт пойига посбонларни чорлай бошлади.

Энг аввал Абубакр Калава билан бир четда турган Ахий Жаббор маълумот берди:

— Бозоркўча посбони Ахий Жаббор ҳузурингизда!

— Қаландархона кўчаси посбони Ҳасан чиноқ ҳузурингизда!

Кетма-кет чиқиб келган посбонлар Ахий Жаббор билан Ҳасан чиноқ ёнига сафга тура бошладилар. Жамоат жам бўлгач, Шаҳриёр посбонларга бир назар ташлаб, сўзга оғиз очди:

— Салтанат посбонлари! Сўйланг, ҳеч ким салтанатга тажовуз этмакни хаёл қилмадимми?

Арк кўчасининг посбони бир қадам олдинга чиқди:

— Менга топширилган мавзеда ҳеч воқеа содир бўлмади, шаҳриёрим!

— Менинг посбонлигимда, — деб бошлади сўзини Ҳасан чиноқ, — бир киши учради. Шаҳрисабданмен, дейдир. Арк кўчасига бормоқчи экан... Аббос баҳодир эмиш оти... Нечук келаётирсен, десам, буни подшойингга айтурмен, деб чўғоллик қиладир...

«Арк кўчаси бир баҳона эди, — деб ўйлади Аббос баҳодир. — Амирим тингчи, қуловуз сифатида умуман Самарқандга юборган. Мен эсам Самарқанддаги энг зўр салтанатнинг қоқ ўртасига тушиб турибмен. Амиримга зарур сир-синаотни бу ердан бошқа жойда билмоқ мушкул. Шу билганларимни амиримга етказиб турсам кифоя қилур...»

Шаҳриёр Аббос баҳодирга деди:

— Йўл бўлсин сенга, эй мусофир?

Шаҳриёрнинг ўзини бу қадар такаббуруна тутиши Аббос баҳодирнинг ғашини келтирди. «Фақирлигини эсиндан чиқарма, яланг-оёқ!» деди у ўзича, лекин шу ондаёқ лат еган иззат-нафс кўйига кириб кетиш катта хато эканлигини англади. У ҳозирги аҳволни ҳисобга олмаслиги мумкин эмас! Рўбарўсида турган йўқсил — Шаҳриёр,

у-чи — Шахрисабз амири Темурнинг ардоқли валламат эса-да, бу ерда, — бир бечора асир, ғарибу нотавон...

— Шахрисабзданмен... шаҳриёрим... — Аббос баҳодир кейинги жумлани оғриниб, қийинчилик билан айтди. У нима қилиб бўлса ҳам шу салтанатда қолмоғи лозим. Агар дунё сарватини берсалар ҳам ушмундоқ хорликка — Аббос баҳодир назарида, бу ҳолга тушмоқдан ортиқроқ хорлик йўқ, — чидаб бўлмас эди-ку, аммо амири Темурнинг сўзи унинг учун ҳар нарсадан улуғдир.

— Подшойим! — давом этди Аббос баҳодир. — Мен бир дўкондор эдим... Шахрисабзнинг гавжум ерида катта дўконим бўларди. Савдо ҳам нолимагудек, бир нави эди, бизга, ишқилиб, даромади буромадини қоплаб турса кифоя, ортиғи не даркор? Бироқ мўғул хони келиб, ҳамма ёқни ғорат қилди, қирди, чопди, дўконимга катта солиқ солди. Буни қарангки, бир дирҳам ишласам, икки дирҳам бермоғим лозим! Эшагидан тушови қиммат! Андак оғрингандек бўлувдим, дўконимни ёпдилар, бор-будимдан айрилдим. Кимга дод деймен бу замонда: Кўрганларим ҳам ҳалво экан, ўз шаҳримда юришим қийин бўлиб қолди, ҳар қадамда қисти-қафас айлайдилар... — Аббос баҳодир нафас ростлаган бўлди. — Салтанатингиз доврўғи бизнинг томонларни ҳам тутган, фуқароликка мен бечорани ҳам қабул этсангиз деб келдим. Мени ҳам ҳимоятингизга олсангиз...

— Вазири аъзам не дейдилар? — деди Шаҳриёр Аббос баҳодирнинг мунгли қиссасидан таъсирланиб.

— Агар мусофир фуқаролик шартларига рози бўлса... қабул этмоқ керак, ахир даргоҳингиз кенг, подшойим! Хонавайрон бир бечора экан... — Насафий ачингандек деди. — Мана, кеча Термиз отадан келган бир ғарибни ҳам фуқароликка қабул айладик-ку! Ундан олдин тошкандлик бир мискинни ҳам қабул этдик...

Шаҳриёр энди Аббос баҳодирга синчков тикилди. Буяқда қолгандай қора мовут чакмон кийиб олган... қўлида каттагина узук... Оёғида сахтиён этик... Шаҳриёр бўла туриб унинг бундай этиклар кўрмаганига неча қовун пишиғи ўтди-ю!

Шаҳриёр мусофирнинг гапларига унча ишонгиси келмади. Дўконидан айрилган, бор-будидан мосуво бир бечора шундоқ кийинадурми? Чакмону узугу этик... Бунда бир синоат йўқмикин?..

— Мен салтанатингизни адолатли салтанат деб эшитдим, — деди шу пайт Аббос баҳодир Шаҳриёрнинг гумонли хаёлларини бўлиб. — Адолатсизликдан бурни қонаган бир бахти қаромен. Паноҳингизни соғиниб келдим...

— Хуш кўрдик... — Шаҳриёр энди қатъий қарорга келди. — Агар фуқаролик шартлари вазмин туюлмаса, қабул қилғаймиз. Шартларни дуруст англаб олмоғинг лозимдир, эй мусофир! Вазири аъзам, шартларни баён этингиз!

Насафий нокдай калласини гоҳ-гоҳ тебратиб, одатдагидек қироат қилмоққа тушди:

— Аввалан, ҳалол бўлмоқ керак, мусофир, ҳалол бўлмоқ керак! Киши молига зинҳор базинҳор кўз олайтирма, бундай зил гуноҳ қилмоқдан тийил! Зеро оқибатини Қамариддин мисолида ўз кўзинг билан кўришинг мумкин. Уғирлик қилгани учун қўлини кесдилар... Сониян, фуқаро бўлдингми, барча учун, салтанат учун лозим эса, жон фидо қилмоқ талаб этилади. Салтанатда неча фуқаро бўлса, бир жону бир тандир...

— Бас! — деди Шаҳриёр. — Қолганини ўзи англаб оладир. Хўш, мусофир! Қани, эгнингдаги чакмонни еч-чи! Ҳасан чиноқ, чакмонни ол!

Аббос баҳодир ҳеч иккиланмай устидаги чакмонни ечиб ёнида турган Ҳасан чиноққа берди-ю, қутилмаганда ўгирилиб, майдонга қараб қичқирди:

— Шаҳриёримиз бахтимизга соғ бўлсинлар! Шу чакмонни бир фуқаро тухфаси сифатида эгниларига ташлаб юрсинлар!

Воқеанинг бундай бурилиб кетиши ҳаммани ҳайратга солди. Даб-дурустдан гапнинг мазмунини тушунишмади шекилли, аввалига чиққан шивир-шивир кейин расмана ғала-ғовурга айланди. Кўп ўтмай ҳар тарафдан овозлар ёғилди:

— Муборак эгниларига ташлаб юрсинлар!

— Мусофирнинг сўзи қайтмасин! Ҳимматингга балли, мусофир!

Шаҳриёр Аббос баҳодирнинг топқирлиги, устаси фаранг эканлигига тан берди, айна пайтда худди шу нарса уни ўйлантириб ҳам қўйди. Лекин ўйлашга фурсат бўлмади. Насафий билан Ҳасан чиноқ иккиси ҳар ёқдан ёғилган қийқириқлар остида чакмонни олишиб шаҳриёр томон келишмоқда эди. Салтанат фуқаролари бундан мамнун эканликларини яширмасдилар.

— Фуқаро, қулоқ солинг! — деди Шаҳриёр. Ҳамма жим бўлди. — Мусофирга фуқаролик кийимидан берингиз! У чакмонини тухфа этмакчи экан, бас, тантилигидан далолатдир, кам бўлмасин! Аммо чакмонни мен, шаҳриёрларингиз эмас, менга сизларнинг меҳру муҳаббатингиз ўзи бебаҳо либосдир, салтанатимизнинг энг кекса фуқароси Чифатойхон кийсин, чунки кексайганда саратонда ҳам совуқ қотади киши!

Шаҳриёрнинг гапи барчага ёқиб тушди:

— Ўзи қолиб, фуқаросини ўйлаган шаҳриёримиз манглайи ёруғ бўлсин!

— Фуқаропарвар шаҳриёримиз бошидан давлат қуши кетмасин!

Ҳар тарафдан келган қичқириқлардан Аббос баҳодирнинг қулоғи батанг бўлаёзди. Битта чакмон билан фуқаролар ишончини шунчалар қозониш осон эмасди. Аббос баҳодир бунинг уддасидан чиқди.

— Дўппингни осмонга от, мусофир! Сен Самарқанддагина эмас, балки оламда ягона Тун салтанатининг фуқароси бўлдинг! — Бу гапни Насафий айтди.

— Шундоқ фуқароликка кирмакчи экансен, айтиб қўя қолсанг бўлмайдири? — деди Ҳасан чиноқ ўпка оҳангида. — Нуқул, шаҳриёрингга олиб бор, дейсен, қайсарлик қиласен...

— Айтсам, мени қабул айлай олар эдингми? Илгингда шундай қудрат бор эдимми? Гўё оламнинг султони янглиғ фикр қиласан, а? — Ҳасан чиноққа кесатиқ оҳангида савол билан жавоб берди Аббос баҳодир. Ҳасан чиноқ пачакилашиб ўлтирмади, индамай қўя қолди.

Шундан кейин Қўрчилар кўчаси посбони сўз олди ва посбонлик тинч ўтганини билдирди. Навбат Бозоркўчага етди.

— Шавкатли шаҳриёрим, йўқдир сабру қарорим, жуда-жуда қизиқдир бу кунги сир-асрорим! Ижозат этсангиз, оҳимга етсангиз, бир қошиқ, — бир қошиқ! — қонимдан ўтсангиз!

Қоронғи бўлишига қарамай, яқин турганлар ҳам, олисдагилар ҳам бу сўзга чечан йигитнинг Ахий Жаббор эканлигини тездан фаҳмлаб олдилар. «Гапир, булбул!», «Э, тилингда новво!» деган гоҳ сидқидил айтилган, гоҳ тагида нимкосаси бор, қочирлиқли гаплар эшитилди.

Шаҳриёр бу йигитни яхши кўрарди. У ҳақиқатан ҳам мәрд, сахий, садоқатли, шоирона лутф билан гапирмакка ишқибоз содда бир йигит. Баъзан сўзларига фасоҳатдан чиройли либос кийдирмак илинжида қилган саъй-ҳаракатлари кишининг кулгисини қистатарди. У эртақлардагидек сажъ билан гапиришга интилар, то иборалар бошини бириктириб, мақсадга айланиб келгунча буёқдагиларнинг тоқатлари тоқ бўларди. Аммо мири кам икки бу дунёда ҳаётнинг аччиқ азобу укубатларидан юраги зада одамларга Ахий Жабборнинг сўзлари, жазирама ёзининг кунда ногаҳон эсиб қолган эпкиндай роҳат бахш этар, бу сўзлар шунчаки сўзмас, балки ҳаётий заруратга айланган эди. Салтанатда барча бу хушчақчақ, ғам деганнинг яқинига йўламаган йигит суҳбатидан баҳраманд бўлишни истарди. Етти пуштида биронта дарвешхулқ, шоиртабиат аждоди бўлгандир, деб қўяди ўзича Шаҳриёр.

— Менинг кўчамда ҳам бир мусофир учради.

Ёнгинада турган Абубакр Калава унинг сўзини бўлди:

— Қандай мусофир, эй феъли пишиқ? Инсоф эт! Наддофлар маҳалласиданмен, дедим-ку?

— Шошилманг ахир, оға, жоним сизга садоға...

— Чиройли гапларингни қўй, иним! Инсоф эт!

— Хўп, дедим-ку, оға! Шаҳриёрим! — Тахт томон юзланди Ахий Жаббор. — Бу киши Наддофлар маҳалласидан, маҳалла оқсоқолимен, дейдир. Олис сафардан қайтмакда эканлар. — Кейин Абубакр Калавага мурожаат қилди: — Исми асли зеб эрур, инсондан хабар берур... Хўш... Исми зотлари нима эди, оға?

— Абубакр Калава...

Шаҳриёр Наддофлар маҳалласи оқсоқоли номини эшитиб, кўнгли сув ичгандай бўлди. Наддофлар! Пахта тозаловчилар! Юнг титувчилар! Бу маҳалла Самарқанднинг обод ва шинама маҳалларидан бири. Одамлари ҳалол меҳнат қилиб кун кўришади. Улар пахтанинг толасини тола, чигитини чигит қилгунча озмунча тер тўкишадими! Қарасангиз, йиллар давомида оз-оз учган момиқ гардлардан ҳар бир томонинг бўғотига илашган попилдириқлар шабадада ғимир-ғимир қилади... Шаҳриёр бу маҳаллага кўп борган. Абубакр Калава номини эшитиб, худди эски қадрдони билан учрашмоқчи бўлиб турган одамдай ҳаяжонлана бошлади. Абубакр Калаванинг юзи қоронғида кўринмас, аммо бўйи-баста ўшаники, буни Шаҳриёр аниқ билади, танийди. Наддофлар маҳалласи оқсоқоли унга икки марта хайр-садақа қилган. Биринчи марта — бундан икки йил олдин, иккинчи марта — ўтган қиш фасли. Абубакр Калава ўтган қишда маҳаллада, шундоқ кўча юзиде совуқда қунишиб юрган бир гадони эслармикин? Ушанда гадо биродар. Аммо сени қуруқ қолдирмоқ ҳам гуноҳи азимдир...» деди ва замҳарир қиш-қаҳратонда гадонинг юпун кийинганини кўриб, уйига кириб кетди-да, эски бир тўн олиб чиқиб, гадо елкасига ёпди. Аввало, унга «биродар» деб мурожаат қилгани, бир гадони ўзига тенг кўргани таъсирли эди, гадонинг кўзларига ёш келди, нимадир демоқчийди, тили айланмади. Абубакр Калава гадога термилиб ундаги фавқуллодда ҳаяжонни, нимадандир тўлиқишни сезди-да: «Майли... майли... кийиб йирт, биродар!» деди аста. Гадо Абубакр Калава кириб кетган уйнинг икки табақали дарвозасига қараганча жим қолди. Бир лаҳзада гадонинг тиззаларидан дармон кетди, у уй пойдеворининг шундоқ чиқиб турган харисига ўтирди. Қор гупиллаб ёғарди. Бу ғариблар томида қанча ўтирди, билмади, ҳарқалай қор елкасидаги тўнни оқартириб қўйибди. Рўбарўда келаётган но-

таниш одамдан, икки табақали дарвозани кўрсатиб, кимнинг уйилигини сўради. «Маҳалла оқсоқоли Абубакр Калава ҳовлиси!» деди ҳалиги одам. Уша-ўша Абубакр Калава танти, мард ва саховат эгаси сифатида гадо қалбида муҳрланиб қолди, унинг ҳамиша кимларгадир яхшилик кўргазмоққа ташна, аммо қилган яхшилигини ҳеч қачон эслаб юрмайдиган одамлар тоифасидан эканлигини билди... Аммо Шаҳриёр ҳозир ўзини танитмасликка қарор қилди.

— Наддофлар маҳалласидинмен, денг? — Абубакр Калавадан таажжуб оҳангида сўради Шаҳриёр. Жавобни кутиб ўлтирмай давом этди.— Қай юртларга саёҳат қилдилар?

Шаҳриёр сўзларидаги майин оҳанг Абубакр Калава қалбини аллалаб ўтди.

— Ажойиб бир юртда бўлдим, эй Шаҳриёр! Ул юртда дўстларим бор... Ибн Ямин ал-Фарюмадий деган машҳури замон шоир, Ҳасан-Ҳамза, Ҳусайн-Ҳамза... Зиёрат этиб келаётирман...

— Қандоқ юрт экан, ажойиб юрт деганингиз?

— Ул юртни сарбадорлар юрти, дейдилар!— деди Абубакр Калава.

— Сарбадорлар юрти?

— Ҳа, сарбадорлар юрти, пойтахти Сабзавор шаҳридур...

Шаҳриёр сарбадорлар ҳақидаги гап, миш-миш Арабу Ажам, Хуросону Туркистонни тутиб кетганлигини биларди. Лекин мингта миш-мишдан кўра, ўша юртни бир бор кўриб келганнинг сўзи албатта эътиборлироқдир.

— Бу қандоқ юрт эканки, довруғи бутун Машриқзаминни тутибдир? Қиссасидан сўзланг, оқсоқол!

Сарбадорлар юрти қиссасидан сўзламоқ... Абубакр Калава ўтган йигирма етти йил давомида Сабзаворга уч бор сафар қилди. Унинг ҳамиша бир нарсада кўнгли бўш: қачонки сарбадорлардан гап сўраладиган бўлса, беихтиёр тили ечилиб кетар, ҳар бир сафари хусусида кечалаб сўзлаши мумкин, ҳикоя бошланди дегунча, сўз ҳам куйилиб келаверарди. Лекин негадир бу гал ундай бўлмади.

— Сарбадорлар юрти монанди йўқ, унда ҳамма тенгхуқуқлидир... — Абубакр Калава, аломат мамлакатнинг қайси бир таърифини айтишни билмай қийналди.— Ҳозир сарбадор аёнларидан домғонлик довюрак ва мард Ҳасан ҳукумат курсида қарор топмишдир...

Абубакр Калаванинг кутилмаганда илҳоми келиб кетди. Сарбадорлар давлатининг етим-есирлар, оч-фақирларни тарбият этиши ҳақидаги гап бутун майдонни тўлқинлантириб юборди. Гап сарбадорлар подшоларига тақалди. Абубакр Калава ҳожа Али Шамсиддин сарбадорий ва ҳожа Яҳё Қурробий борасида алоҳида завқ-шавқ билан ҳикоя қилди, улар билан ҳам кўз, ҳам сўз таниш бўлганлиги хусусида тўхталиб ўтди.

— Ушбу муқоясага ижозат берсангиз, бир нарса демакчи эрдим...— деди сўзининг охирида у.

— Ижозат, оқсоқол, ижозат!— деди Шаҳриёр.

— Сизнинг салтанатингиз сарбадорлар давлатига ўхшаб кетар экан!

Шаҳриёрга муқояса хуш ёқиб, мамнун бош ирғаб қўйди. Фуқаролардан Бобо Султон билан Соҳиб Чангал айниқса сарбадорлар қиссасини қулоқлари динг бўлиб тинглашди, бу гаплар ҳатто салтанат жарчилари учун ҳам янгилик эди.

— Шаҳриёр!— деди Наддофлар маҳалласи оқсоқоли.— Агар лозим топилса... Вақт ярим тундан ошди, қулбаи вайронамга йўллансам...

Шаҳриёр тасдиқ ишорасини қилди:

— Фуқаро, тингланг! Бундан буён Абубакр Калава, Наддофлар маҳалласи оқсоқоли, салтанатимизнинг дўсти-биродари деб эълон қилинадир! Бағоят инсонпарвар бу одам яхшилик деб толмайдиган кўнгли соҳибидир, даврон элининг жисмида жон бўлмоққа тайёр бир инсондир. Мен ўзим кўп бор синовдан ўтказганмен.— Сўнг Абубакр Калавага бир қараб қўйиб, деди:— Ахий Жаббор, Ҳасан чиноқ! Оқсоқолни қулбаи хонасига кузатиб қўйинглар! Илоҳо, умрлари узок бўлсин!

— Илоҳо!— гувиллаб сас берди майдон.

Воқеанинг бундоқ йўриғидан мамнун Абубакр Калава икки посбон кузатувида майдонни кесиб, Наддофлар кўчасига кирган ҳам эдики, навбатдаги соқчининг: «Хонқали кўчаси посбони ҳузурингизда!» деган овози қулоғига чалинди. Беихтиёр орқасига ўгирилиб, Жомеъ масжида ёнида, минорада липиллаб турган хира фонуснинг тобора узоқлашиб бораётганини кўрди. Абубакр Калава то уйига етиб келгунча фонус кўздан йўқолмади...

УЧИНЧИ БОБ

Шаҳрисабзлик йигит

Зарафшон тизмалари оша мўралаган қуёшнинг илк нурлари аввало Садр Сулаймон мадрасасининг маҳобатли баланд пештоқига тушади, ундаги феруза, яшил ва

сарғиш нақшларни бетакрор жилоларга буркайди. Мавлонозода хужрадан Чорсу майдонининг ўртасига чиқади—да, ана шу манзарани томоша қилади. Рост, бу шахрисабзлик хушбичим ва хушсурат муллавааччага жуда ёқади. Бугун томоша ҳар галгидан ҳам жозибалироқ кечди, даставвал пештоқда сийрак нурлар жилваланди, нурлар қуюқлашгач, пештоқ ўт ичида қолгандай бўлди, нақшлар бамисли ловиллаб ёна бошлади.

Мавлонозода беш йилдирки шу мадрасада сабоқ олади. Уртача бўйли, қошлари қоп-қора, узоқдан бурнининг тагига қора чизиқ тортиб қўйилгандай кўринадиган но-зиккина олифта мўйлаби ўзига ярашиб туради.

Шахрисабздан келиб риёзат чекишдан тортинмаган йигирма икки ёшли бу йигит илми нужумда таниқли Яҳё Ҳасан барлос деган мунажжим фарзанди эди. Мавлонозода — унинг лақаби, асл исми Нодирбек ибн Яҳёдир. Мунажжим, иншоолло, нодир бўлсин, деб ўғлига шундай исм танлаганди. Аммо боланинг зеҳни ўткирлигидан мавлононинг ўғли маъносига «Мавлонозода» деб атай бошладилар. Бора-бора ҳатто «Исмин-гиз нимадир?» деб сўраганларида, ўзи ҳам «Мавлонозода» деб жавоб берадиган бўлди.

Мавлонозода сабоқларнинг барига бирдай қизиқарди. Чунончи у аруздаги руки, вазнларни яхши билар, қисқа ва чўзиқ бўғинлар аҳамияти ҳақидаги ҳар қандай баҳсларга аралаша оларди. Тиббиёт борасидаги билими ҳам бир кишига етарли, буюк аллома-га Жолинус, аз-Заҳровий, Ибн Синолар хусусида китоблардан ўқиганди. Жўрофияни жуда хуш кўрарди. Самарқанднинг Турон подшоси Афросиёб билан боғлиқлигини, ундан ҳам олдинроқ Самар деган турк хонининг кентга, яъни шаҳарга биринчи ғиштни қўйганлигини яхши билар, Шахрисабзнинг бешинчи иқлимга киришлигию еттинчи иқлимда жойлашган Болосогуннинг об-ҳавоси совуқ келишлигидан хабардор эди.

Аммо Мавлонозодани беҳад қизиқтирган фанлар фалсафаю фикҳ бўлиб, бу борада уни ҳақиқий билимдон деб санашларини орзу қиларди. Муллаваачча назарида, барча фанларнинг ҳам қайдадир охири бор, бироқ фалсафа билан фикҳнинг уфқи чексиздай. Шариат ақидаларидан сўз юритувчи «Ҳидоя», «Мухтасари виқоя», «Шарҳи виқоя», «Фикҳи Кайдоний» каби рисоаларни кўп варақлаган, манتيқ илмига оид «Шамсия» китобини севиб-севиб мутолаа этганди...

— Кеп қолинг, иссиқ нон! — дея бозор эшигида нон сотаётган боланинг овози муллавааччанинг хаёлини бўлди.

— Нишолда! Нишолда! — қичқирарди бошқаси.

Мавлонозода ловиллаган пештоқдан кўзини олди—да, мадрасанинг ҳовлисига қараб юрди. Сабоқ бошланмоғига ҳали фурсат бор. Узоқдан хужралардан бирин-бирин чиқиб ҳовлига тўпланишадиган толиби илмлар кўринди. Бир ошғили бу мадрасанинг равоғи баландлиги сабабли, то кун оғиб ўтмагунча, ҳовли қуёш нурини кўрмасди. Ичкарида жойлашган масжид билан дарсхонада ортиқча безак-ҳашам ҳам йўқ. Дабдурустан пештоқи маҳобатли мадраса ичида бу қадар фақирона қурилган масжиду дарсхона борлиги киши хаёлига ҳам келмайди. Мавлонозода ҳозиргина юксаклик залворидан ерга ларза солгудай бўлиб турган азаматнишон равоқни, ундаги бемисл кунгураларни, қози наққош осмон юлдузлари билан бир тартибда нақш қилгандай кўринган ложувард кошинларни томоша айлаб фақирона дарсхона сари йўлланар экан, мутаносиблик қонунига путур етганини кўриб, кўнгли нечанчи бордир, билмайди, хира тортди. Тобакай мутаносиблик қонуни бузилур? Шундай бўлмаса эрди, мадрасадай рўшнолик масканини Садр Сулаймондек жаҳолат осмонининг қора булути бунёд этар-миди? Гардуни дуннинг ушбу нотантилик шевасига не демоқ мумкин ахир?

Ҳа, мадрасани Самарқанднинг садри жаҳони — Садр Сулаймон бино қилдирган. Бу ҳақда Мавлонозода унинг ўзидан эшитган. Гап шундаки, Садр Сулаймоннинг ўғли, келишган қад-қоматли, хушрўй йигит Худобанда ҳам Мавлонозода билан бирга тахсил кўради. Худобанда падари бузуқвори олдида андак мақтанмоқни хаёл қилиб, ўзини мадрасанинг энг илғор толиби илми билан дўстлигини намойиш айламак мақсадида Мавлонозодани уйига таклиф этганди. Биринчи бор кўргандаёқ Садр Сулаймон ўғлининг дидига қойил қолди. Жуда зукко йигит экан Мавлонозода! У Худобандага дўстини қадрлаш лозимлигини уқтирди.

Ҳовли ўртасида тўпланишиб, гангир-гунгир сўзлашишиб турган толиби илмлар дарвозадан кириб келаётган Мавлонозодани кўришди—ю, яқинлашишини кутиб жим қолишди. Фақат Абумансур исмли ўрта бўйли муллаваачча ўзини кўрмаганга олиб, хикоясини давом этдирар эди:

...— Ярим кеча... Бирдан қарасам, Абдурахмоннинг хужраси очик, жойи бўш... Яқтакни эгнимга илдимۇ ҳовлига отилдим! Астафуриллоҳ! Абдурахмон мадраса деворининг раҳида йиқилмай—нетмай юриб кетяпти! Ё раббий! Ойнинг ёруғида бу жуда кўрқинчли бўлар экан! Абдурахмон том орқасига ўтиб кетди. Кейин нима бўлганини билмадим. Эрталаб қарасам, жойида ётибди! Уйғонганда тунги ҳодисани сўрасам, ҳеч нарса эсида йўқ...

— Нахотки? — ажабланишди толиби илмлар.

— Абдурахмон бўлса, ўзинг туш кўргансан, деб мени енгди...

— Ўзидан яна сўрайлик нима бўлганини? — таклиф киритди кимдир.

Башараси нимаси биландир каламушга ўхшаб кетадиган Абумансур суйридан келган бурнини силаб қўйди-да:

— Ваҳимаки бўлган, мана нима бўлган! — деди.— Шунақа бир дард бор, ойпараст ҳам дейишади... Валлоҳи аълам!

Мавлонозодани толиби илмлар хушчақчақ кутиб олдилар:

— Ассалому алейкум!

— Яхши туш кўриб турдиларми?

— Толиби илмлар саромади, улусимиз омадига толе юлдузи ҳамиша ёр бўлсин!

— Қуллуқ! Қуллуқ! — деди Мавлонозода, барчага ним таъзим айлаб салом берар экан. Сўнг Абумансурга мурожаат қилди: — Бировнинг кемтигидан кулмак ва уни сир пардасидан чиқармак одобдан эмас. Беайб ёлғиз парвардигори оламдир.

— Ҳа, ҳа, маъқул гап!

— Ҳаммада ҳам бир айб бор...— кўшилишди толиби илмлар.

Барчани ўз оғзига қаратиб турган Абумансур Мавлонозоданинг келаётганидан дили ғашланган эди, бу гап эса ошиб тушди. У мадрасада Мавлонозоданинг обрўйи баландлигига чидай олмасди.

— Нечун машриқ ёришди, десак, важи бу ёқдан топилди-ку! Уфқда пешқадам муллавачча офтобдай пайдо бўлган эканлар-да! — Абумансур самимий гапиришга уринган эса-да, ғараз оҳангини яшира олмади, буни барча муллаваччалар сезди. Бошқа илмларда саъй-ҳаракати суст Абумансур шеърятни яхши кўрар, шеър машқ қилишдан ўзини тиялмайдиганлар тоифасидан эди. Машқларида маънодан кўра даъво кўпроқлигидан аҳли мадраса ўртасида мутойибага ҳам сабаб бўлар, бунда, албатта, унинг исминда «наср»га уйқашлик борлигига шама қилардилар.

Абумансур яна нимадир демоқчи эди, шу пайт дарсхона томондан бир муллаваччанинг:

— Сабоққа! — деб чақиргани эшитилди.

Барча дарсхона сари йўналдилар. Мавлонозода эндигина жойидан жилган ҳам эдики, кимдир:

— Бир лаҳза тўхталсинлар! — дея сас берди. Мавлонозода дарвоза томонга ўғрилди. Толиби илмлар жузвдонини осиб олганча дўсти Худобанда шитоб кириб келмоқда эди. Ҳа, томоша қилса арзийдиган йигит эди Худобанда! Бўйи Мавлонозодага тенг, оқсарикдан келган, хуш қомат... Ажабо, одамзоднинг ичиде ҳам шундайлари бўлар экан-да! Мавлонозода ҳазиллашиб унга: «Сиз Юсуф ойинсиз!» деб қўяр, машрабдил дўсти бундан ғурурланиб кетмаслигини яхши биларди.

Мавлонозода дўстининг ҳаракатларида озроқ бесаранжомлик аломатларини илғади-да, хавотирланиб сўради:

— Не сўз? Ташвишли кўринасиз?

— Кечаги девона Чорсуда боз йўлимни тўсди, тагин дилимни хуфтон қилди! — деди Худобанда зорланиб.— Девонамас, телбанинг ўзи! Ақли-хуши ҳам жойидамас шекилли!

— Не дейдир?

Худобанда кулиб жавоб қилди:

— Бунчалар кўрку хусни қайдан олдинг, эй худонинг бандаси, дейдир. Гапларидан ақллига ҳам ўхшаб кетадир. Кейин бирдан: «Қани ганак? Ё лошқанот!» дейдимиз-ей!.. Шу сўзларни кўп айтади...

— Бу сўзлар қиморбознинг сўзлари... Қиморбозмикин?..

— Билмадим... Утиб кетаётсам, бир нафас тўхта, дейдир...

— Садақа сўрайдирми?..

— Ҳар куни садақа бераман, ҳар куни, дўстим! — Худобанданинг чиройли кўзлари маънос тортди.— Энди мадрасага том ошиб келаман, шекилли. Бўлмаса Чорсудан ўтказгани қўймайди. Қаттиқ тегайин, десам...

— Зинҳор, дўстим, ундоқ қилманг! Узи бир бечора бўлса... Ихлос қўйиб қолгандир-да,— деди Мавлонозода.— Қаттиқ тегмоқ осон, кўнгил олмоқ қийин...

— Оёғимга йиқилиб оладир, бир нафас тўхта, кўриб олай, дейдир. Менинг нимамни кўради, нимамни? Утган-кетгандан уялиб ерга кириб кетмайдирмен... Ҳеч нарсага тушуниб бўлмайди...

Мавлонозода ҳам елка қисди. Ростдан, нима учун бир девона ҳадеб Худобандага ёпишаверади? Ким у? Қандоқ одам?..

Худобанда бир оздан кейин деди:

— Сизга айтмакчи бўлганим мутлақо бошқа нарсадир, узр. Падари бузрукворимиз Самарқанднинг улуғларини, номдор кишиларини меҳмонга чорлаганлар... Қувонганим шулки, меҳмонлар сафида ўзлари ҳам борлар. Ушбу сўзларимни расмий таклиф ўрнида кўргайсиз...

Таклиф Мавлонозодани ниҳоятда хушнуд этди. У дарров тўкин-чочин зиёфат, башанг дастурхон ва турфа нуқли таомларни кўз олдига келтирди. Муסיқанинг сеҳрли саси, қўшиқ, рақс... Аммо уни қизиқтиргани даврадаги одамлар эди, аниқроғи ўша ерда бўлажак суҳбат, ақл чархлар лутфлар, оламнинг турфа гаплари...

— Ташаккур, дўстим! Падари бузрукворингизга менинг қуллуғимни етказурсиз, деган умиддамен!

— Шак йўқ, дўстим! — самимий деди Худобанда. — Фақирнинг ҳам боши осмонга етгувсидир!

Ховлида иккисидан бошқа ҳеч ким қолмаган, барча дарсхонага кириб кетганди. — Биласизми, — деди Худобанда мийиғида чиройли кулиб, кейин сал бир кўзини қисиб қўйди, — Хонлиқ оқа боғида антиқа гуллар бор эмиш...

— Шундоқ денг! — Мавлонозоданинг қулоғи динг бўлди.

— Гулларки, хуш бўй, хушсурат...

— Хўш?.. Хўш?..

Икки муллаваачча, ҳали уй кўрмаган йигитлар энди суҳбатнинг қизиқ жойига келишган эди, аммо шу асно дарвозада сабоқ бермоққа ошиқаётган мударрис Ҳожа Лутфулоҳнинг кичиккина жуссаси кўринди. Икки дўст шакаргуфторликни келган жойида тўхтатдилар-да, ноилож дарсхонага йўналдилар.

ТўРТИНЧИ БОБ

Икки амирнинг аҳди

Абубақр Калаванинг Сабзавордан қайтган куни эртаси Самарқандда кутилмаган бесаранжомликлар юз берди. Мовароуннаҳр ҳукмдори Илёсхўжа довул чалиб ададсиз қўшин етагида шаҳарга кирди. У отаси Тўғлуқ Темурхоннинг Мовароуннаҳрга амирлашкар этиб тайинлаган Темур ва тахтга даъвогар Амир Хусайнлар билан саваш қургани Қарши томонларга отланган эди. Илёсхўжага этиб борган гапларга қараганда, турк амирлари Жета хонига итоатдан бўйин товлаб, ўз нуфузларини ошириш, ҳокимиятларини мустаҳкамлаш ила овора эмишлар...

Келишда Тошкентни уч кун талаган мўғуллар Самарқандда ҳам шундай йўл тутдилар. Лашкарбошиларга ҳамма ихтиёр бериб қўйилди, Темур Нўбкан Бозорқўчани эгаллади, Куч Темур Бекчик ўғли аскарлари Қўрчилар кўчасини оралади, Шункум баҳодирнинг очофат одамлари Кулоллар кўчасини човлидай сузиб чиқдилар. Тўғлуқхўжа чекига Қаландархона кўчаси тушди. Мўғуллар уйма-уй юриб, қўлга илинган нарсани битта ҳам қўймай тортиб олишар, қаршилиқ қилганларни шартта чопи ташлардилар.

Учинчи куни ёш йигит-қизларни асир қилиб Жетага ҳайдаш учун Чорсу майдонида тўплай бошлашди. Майдоннинг бошқа бурчагига эса мол-қолларни ҳайдаб келишди. Айрим аскарлар ўзларига ёққан қизларни канизак қилиб олишганди. Отларнинг кишнаши, бойликларни қўлга киритган мўғулларнинг шодмон қийқириғи билан хор-зор бўлган шаҳар аҳлининг оху ноласи бир-бирига қоришиб кетди. Самарқанд жаҳаннамнинг ўзига ўхшади қолди...

Қўли боғлиқ асирлар орасида Тун салтанати фуқароси Ахий Жаббор ва толиби илм Калтатойлар ҳам бор эдилар. Улар Кулоллар кўчасида юришар экан, бир неча йигит-қизларни, кишиларни ҳайдаб келишаётган мўғулларни кўриб қолишди. Қизлар йиғлашар, йигитлар чорасиз боқишарди.

— Қутқариб олмаймизми? — сўради Ахий Жаббор ёнида фавқулудда пайдо бўлиб қолган барваста нотаниш йигитга.

— Кетдик! — деди йигит, у толиби илм Калтатой эди. — Қандай қилиб? Қурол ҳам йўқ...

— Мен мўғулларни чалғитиб турамен... Сиз асирларни мана бу ён кўчага олиб кириб кетасиз...

— Улар сизни тутиб олишади-ку?

— У ёғидан хотиржам бўлинг!

Икки йигит шундай келишиб олдилар.

Аммо иш кўнгилдагидек чиқмади. Шу пайт келиб қолган Шункум баҳодир нотааниш йигитларни кўриб қолди:

— Қўлларини бойла ановиларни! — деб қичқирди у. — Яхши бақувват йигитлар экан! Баҳоси баланд бўлади...

Ўндан ортиқ аскар жам бўлиб, бирпасда қаршилиқ кўрсатишганига қарамай, икки йигитнинг қўлларини орқасига боғлаб, асирлар ёнига қўшиб қўйдилар.

Арқ кўчасидаги Кўксарой олдида шаҳарнинг казо-казолари тўпланишди. Бу ерда шаҳар ҳокими Садр Сулаймон, Шоҳмалик қавчин каби бойлар, шайхулислом Абулворис Самарқандий, Қавомиддин қози, имом Қутбиддин, мударрис Ҳожа Лутфуллоҳ сингари шаҳар улуғларни кўриш мумкин эди. Барчаси бориб хоннинг етагини ўпдилар.

Хон кўчма тахтда ўлтирар, гўё шаҳарда бўлаётган суронларни эшитмас, бу мўйлаби сабза уриб-урмаган ўн етти ёшлардаги хушбичим йигит эди. Шукурчи унинг бошида соябон тутиб турарди. Илёсхўжанинг ишораси билан хоннинг тағойиси кичик жуссали Сориқ баҳодир бундай сўз бошлади:

— Жета хонининг сарҳадлари кенгаймоғи лозим! Бобомизнинг қадим юрти Мовароуннаҳр буткул тасарруфимизга ўтади! Бурноғи йил Дарбандга яқин ерда Пули Сангин кўприги ёнида Амир Ҳусайн билан саваш қурдик... Афсус, толе бизга кулиб боқмади. Амир Ҳусайн ила Темур лашкаридан энгилиб қолдик. Лекин мушт еган жой ҳали ҳам ачишиб турибди... Ҳа, душманнинг отини миниб, хотинларини ўпмоқдан ортиқ лаззат йўқ! Ушал кунлар келур! Олийҳиммат Туғлуқ Темурхон,— Сориқ баҳодир жилмайиб Илёсхўжага юзланди,— мана шундай оқилу доно йигитни сизларга хон қилиб берди...

— Қуллуқ! Қуллуқ! — деди миқтидан келган Қавомиддин қози, унинг аррадай овози ёқимсиз эшитилди.— Бу ҳам оллонинг марҳамати... Илло...

— Хонимизнинг омадини берсин! — шошилиб сўзланди Садр Сулаймон, қозидан кейин қолганига ўзича хижолат, унинг ингичка овози қулоқларни ёргудай бўлди.

Ҳамма ҳам маъқуллашиб нимадир деди.

Илёсхўжа одамларга такаббуруна тикилар, ниҳоят буюк бобоси Чингизхон қадами етган қадимий Самарқандда эканлигига гоҳ ишониб, гоҳ ишонмас эди. «Самарқанд меники,— деб ўйлади ёш хон.— Бас, бутун Мовароуннаҳр оёғим остидадир!» У ўнг томонда турган моҳир саркардалари Искандар ўғлон, Амир Ҳамид, Шункум баҳодир ва Амир Юсуфхўжаларга қараб қувониб қўйди. Назари қуюқ мўйлабди, қирқ ёшлардаги барваста Шоҳмалик қавчинга тушди. «Самарқандда сенинг суянадиганинг Шоҳмалик қавчин!» дея ўқтирганди Туғлуқ Темурхон ва Самарқандга келганда бу бой-бадавлат одам билан ҳамсухбат бўлганини айтганди.

— Шоҳмалик қавчин! — чорлади Илёсхўжа. Унинг овози бўйдоқ йигитларникидай дўриллаган эди.

— Шоҳмалик қавчин! Шоҳмалик қавчин! — деб илиб кетишди боёнлар.— Хон ҳазратлари сизни тилашмоқда!

Шаҳар казо-казолари, кимдир ҳавас билан, кимдир ҳасад билан Шоҳмалик қавчинга қарадилар. Садр Сулаймоннинг ичидан қиринди ўтиб кетди: «Нега мен ҳоким бўл-туриб, хон Шоҳмалик қавчинни чорлайди?» Қавомиддин қози: «Ҳе-ҳе-ҳе... Илло...» деб қўйди.

Шоҳмалик қавчин тахт пойига бориб, эгилиб таъзим қилди:

— Битта бошим салтанатингиз йўлида фидо бўлғай!

Хон ишора қилгач, Сориқ баҳодир билан Искандар ўғлон зарбофт тўн келтириб, янги ҳокимнинг елкасига ташладилар.

— Ушбу фурсатдан бошлаб Самарқанддай шаҳар ҳокимлиги мартабасига минурсиз! Шаҳру қасабалар ҳам сизга бериладур!

«Муборак бўлсин!» «Муборак бўлсин!» деган овозлар янгради.

— Хон хоҳиши — худо хоҳиши! Қуллуғ бўлсин! — деди Садр Сулаймон. У зудлик билан уйда хонга мўлжаллаб қўйилган совғаю тансуқотни яна ҳам кўпайтириброқ топширишни ўйлади. Шундагина хон, Садр Сулаймон ҳокимликдан туширилганига ўпкагина қилмапти, деган хаёлга боради. Зинҳор иззат-нафсининг лат еганини билдирмаслик керак...

— Бизлар катта муҳорабага отландик! — Сориқ баҳодир «Битта бошим фидо бўлғай!», «Битта бошим фидо бўлғай!» деб таъзим қилаётган Шоҳмалик қавчинга мурожаат этди.— Амир Ҳусайн ва Темурдай қўрқмас амирлар билан майдонга тушишга Илёсхўжадай шерюрак паҳлавонлар керак! Мовароуннаҳрда Илёсхўжадан ўзга ҳукмдор бўлмайди! Биз бир ҳафта Самарқандда қолурмиз. Оту улфу лозим, сипоҳ даркор... Қўшинга дам керак...

— Иншоолло, бўлур! Барчаси адо этилур!..— жавоб қилди Шоҳмалик қавчин.

Кун қиёмга келиб қолди.

Илёсхўжа боёнлари билан Шоҳмалик қавчин чорбоғига йўл олар экан, Сориқ баҳодир аста шивирлади:

— Юзга яқин чўри-асирларни, кўп қўй-қўзи, моллару бойликни Жетага, Туғлуқ Темурхонга пешкаш юбордик... Улуғ хон кўриб, фарзандининг фатҳи нусратидан боши кўкка етадур!

— Тошкентдан юборганимиздан озми, кўпми?

— Кўп, хоним, кўп!..

Хон мамнун бош тебратиб қўйди.

Ҳамма тарқалди.

Уша атрофда ўзини гадога ўхшатиб, ўралашиб юрган Аббос баҳодирни ҳеч ким сезмади. У издиҳом тарқашидан олдинроқ шитоб Арк кўчасида турадиган Темурнинг эгачиси Қутлуғ Туркон оқа уйи томон шошилди.

* * *

Қутлуғ Туркон оқанинг катта ҳовлиси Кўксаройдан унча узоқ эмас эди. Аббос баҳодир ҳовлига кирди-ю, чапдаги мўъжазгина уйга йўналди. Тездан жулдурвоқи кийимларини алмаштириб, Шаҳрисабзга, амири Темурбек ҳузурига жўнаш ниятида эди.

Уттизларга бориб-бормаган, бодомқовоқ, хушрўй Қутлуғ Туркон оқа йигитни сафарга шайланган ҳолда кўрди-ю, унинг юмуши ошиғич эканини сезди, гапга тутиб ўлтирмади, фақат:

— Онамларга, Темурбек инимга дуои саломимни еткуринг! — деди.— Мунгулғ эгачисини фаромуш этмасун! Тўйга айтдириб эди. Бора билмасмен... Узримни айтингиз...

— Қуллуқ! — таъзим қилди Аббос баҳодир, у қанақа тўй эканлигини сўраб ўтирмади, остонадан отни етаклаб кўчага йўналди.— Эҳтиёт бўлинг, эгачи! Ёғий босган...

Шитоб юрган Аббос баҳодир Шаҳрисабзга кечаси кириб борди. Бемаҳалда Темурбеклар чорбоғига боришга истиҳола қилди-ю, Бозортаги маҳалласида турадиган уйғур дўсти Давлатшоҳ бахшиникига тушди.

— «Салтанат»да ишлар нечук? — сўради Давлатшоҳ бахши, афтидан у, дўстининг туриш-турмушидан яхшигина хабардор эди.

— Иш пачавадир... Илёсхўжа Самарқандни босиб олди...

— Нима дединг? Оббо бадбахт-эй!...— Давлатшоҳ бахши бир оздан кейин давом этди.— Мен ҳам кеча Термиздан қайтдим. Барча мўғулдан дод дейдир...

— Шундоқми...— қаттиқ чарчаган Аббос баҳодир тезроқ ётиш пайида эди, унинг кўзлари юмилиб борарди.

Давлатшоҳ бахши дўстига жой ташлай бошлади.

— Амир Ҳусайн ҳам шу ерда... Утган куни Балхдан келибди.— Давлатшоҳ бахши Шаҳрисабздаги янгиликларга ўтди.— Эртага тўй...

— Тўй?.. Қанақа тўй?

— Амир Ҳусайн синглиси Улжой Туркон оқани Темурбекка узатаётир. Кўпдан соҳибқирон орзу қилар эдилар, Чингизхон авлодидан бўлган ожизага уylanмакни...— тушунтирди Давлатшоҳ бахши.— Кўрагон бўлаётирлар-да... Ҳозиргина сабзи тўғрашдан келдим...

Давлатшоҳ бахши қараса, Аббос баҳодир аллақачон хуррак отганча ухлаб қолибди.

Улар азонда уйғондилар-да, ғира-ширада Темур чорбоғига жўнадилар. Амир Тўрғайнинг катта чорбоғи шаҳар марказида жойлашган эди. Аббос баҳодирлар ичкари кирдилар. Ҳовлининг бир четида катта ўчоқ қазилиб, дошқозон осилган, унда шўрва қайнарди. Аллақандай кишилар сайҳонликда жой қилиш билан овора.

— Айтдим-ку, соҳибқироннинг тўйлари, деб!.. — Давлатшоҳ бахши Аббос баҳодирга деди.— Бугун тўй-да...

Ҳовлидаги катта айвонда Темурнинг онаси Текина хотун бомдод намозини ўқиб бўлиб, гулдор тасбеҳини ўйрганча тиловат тушуриб ўтирарди. Эллик ёшлардаги бу аёл бошига катта оқ шол рўмол ташлаб олганди.

— Ассалому алейкум, момо! — деди Аббос баҳодир қўлини кўксига қўйиб.— Самарқанддан келдим... Қутлуғ Туркон оқа эгачим дуои салом дедилар... Тўйлар қуллуғ бўлсин!

— Оллога шукур! Униб-ўсингизлар, болаларим! Қутлуғ юрибдими? Келмадимми?.. — «Йўқ» жавобини олгач, Текина хотун деди: — Темурбек саҳар Амир Ҳусайн иккиси отасини, пирларини зиёрат этгани янгитдағина, сағана бошига кетишувди. Ултириб турингизлар, болаларим!

Аббос баҳодир шеригига ўгирилди:

— Бизлар ҳам пирларни зиёрат этиб келайлик...

Улар Текина хотунга «Келамиз!» дедилар-да, шитоб қабристонга қараб кетдилар. Борганларида, амирлар тиловат тушириб бўлишган экан, аввал Амир Тўрғайнинг пири Шайх Шамсиддин Кулолга, сўнг амирнинг ўзига қуръон ўқишибди. Маҳалла имоми улар билан бирга эди. Йигирма қадамча берида тўхтаб, тиз чўкишган Аббос баҳодирлар қизиқ манзаранинг гувоҳи бўлдилар.

— Темурбек! — чорлади имом. Унинг қўлида катта Қуръони карим бор эди.— Ҳусайнбек! Қани, келингизлар!

Амирлар Шамсиддин Кулол сағанасининг икки ёнига тиз чўкдилар.

— Ота-боболаримиздан қолгон эзгу удум бу, пирларнинг қошида Қуръони карим билан қасамёд этмоқ, шижоатларни бир жойга қўймоқ... Иншооллох, ўзи қўллагай! Ҳазрати Хожа Шамсиддин Кулолнинг руҳлари қўллагай!

Имом шу сўзлардан кейин Қуръони каримни қабрнинг устига қўйди.

— Бизлар Ҳусайнбек билан дўст тутинмоққа аҳд қилдик... Зеро туркнинг ота-боболари ҳам Чингизхон авлоди билан дўст бўлиб келган... — Темур имомга қаради. Унинг кучли овози йироқларга ҳам эшитиларди.— Ун сўзини сўзласанг, бирини айтгил, тўққизини тийғил, дейдилар. Бизлар турли ёқларда ўз ҳолимизча юрмакни бас этиб, бирлашмакка азм айладик...

Амир Ҳусайн ҳам бош ирғади. Бу гўштдор, товоқ юзли, қисик кўзли, ўрта бўйли амирнинг ёши Темур ёшига тенг келарди.

— Бир-биримизга даъвойимиз бўлмас...— давом этди Темур.— Ҳар биримиз ўз ўрнимизда турадурмиз... Бир-биримизга совуқ сувни ҳам раво кўрмасмиз, бало тиласмиз, қазо ўқини йўналтирмасмиз. То абад дўстликни қоим тутғаймиз. Бас, Ҳусайн-

бекнинг бир дўсти менга минг дўст қаторида қадрлидир, бир душмани мингта душман ўрнида душмандир!

Темур шундай деди-да, Қуръони каримни олиб меҳр билан уч бор ўпди ва кўзларига суртди, суртди-ю, бундан ўн йиллар чамаси олдин бўлиб ўтган бир воқеа эсига тушди.

Темур, бир куни, ўн беш ёшларида, пирни тўйга айтиб келгани Шайх Шамсиддин Кулол хонақосига борди. Шайх йигирмата дарвиш ўртасида ўлтириб олганча, зикрга берилган экан. У Амир Тўрғайнинг дуркун қоматли ўғли кирганини кўрди. Темур киришга кирди-ю, халал бермай остонага чўкиб, зикр тугашини сабр билан кутди. Зикр узоқ давом этди. Темур ҳам жойидан жилмади.

— Келинг, чироғим, келинг! — зикрдан сўнг деди шайх.— Бардошингизга балли, ўғлим!

— Жуда боодоб йигит экан!

— Сабр-тоқат қилиб кутди...

Темурнинг одоб билан боқиб туриши, ўзини тутиши хонақоҳ аҳлини мамнун этди. Шайх ички бир туғёнда Темурни дуо қилди:

— Униб-ўс, тупроқ ушласанг олтин бўлсин, олгину олдирма! Омин, оллоҳу акбар!

— Оллоҳу акбар! — дейишди дарвешлар ҳам...

Уша-ўша, Амир Тўрғайнинг ўғли олиб келаётир, олдиргани йўқ, иншоолло, олдирмайди ҳам. Уша-ўша, Шайх Шамсиддин Кулол қабрини тез-тез зиёрат этиб туради, барча яхшиликларни ўша дуодан кўради.

— Кўнглимдаги каломни дедингиз, Темурбек! — Амир Хусайннинг овози бўйиқ эди.— Мен мамлакат ҳукмдори эсам, Темурбек амирлашқардир. Мен Темурбекни бир умрлик дўстим, дермен, фақат дўсту қариндошга муносиб иш қилурмен. Аҳд-паймони-мизни Темурбек ва синглим Улжай Туркон оқа никоҳи билан тағин ҳам пойдор қилмакни дилга тугдик... Агар Темурбекка айтган гапларимга хилоф иш тутмак ниятим бўлса, дўстимга ёмонлик қилсам, шу Қуръон — оллонинг китоби мени урсин!..

Амир Хусайн ҳам Қуръони каримни уч марта ўпиб, кўзларига суртди.

Имом узоқ тиловат тушириб, икки амирни сидқидилдан дуо қилди. Темур билан Хусайн кучоқлашиб кўришдилар. Аббос баҳодир ўз амирининг Хусайндан бир бошга баланд эканлигини кўрди, Мовароуннаҳрнинг икки кучли амира аҳд-паймон қилганларидан кўнгли тоғдай кўтарилди.

Имом билан хайрлашиб, йўлга тушганларидан кейингина Темур Аббос баҳодирга юзланди:

— Не муждалар келтирдинг, баҳодир? Самарқандда аҳвол нечук? Айтар сўзингнинг ҳеч қўр-қути борми?

— Аҳвол хатарлидир, амирим... — бош чайқади Аббос баҳодир.

— Не воқеа юз берибдир? — сўради Амир Хусайн сабрсизлик билан.

— Уч кун бўлди, Жета хони Илёсхўжа Самарқандни зер-забар қилди. Элни таладилар, одамларни асир этиб ҳайдаб кетдилар... Шоҳмалик қавчин шаҳар ҳокими бўлди...

— Садр Сулаймон-чи? — сўради Темур.

Аббос баҳодир, билмайман, дегандай елка қисди.

— Дунё моли шўр сув кабидир, ичган саринг ташналигинг ортадир... Илёсхўжа ўз мулки ила қаноатланмай, яна юртимизга кўз тикмоқда... У юртга ташна... Ташна!..

— Мовароуннаҳрга қадам босганинг жони нечта? — Амир Хусайннинг сўзлари ғазабли чиқди. Унинг гўштдор ўнг юзи пириллай бошлади.— Темурбек! Шитоб Самарқандга от кўюрмиз! Йигитларни чорлангиз!..

Амирлар кўча ўртасида тўхтаб қолишган эди.

— Сафинг оз бўлса, имконни душманга кўй, деганлар... Қани, ёғий жангга ташлансин-чўғини кўр-чи...— деди Темур ўзига ўзи айтгандек, у узоқларга, тоғларга қаради, кун чиқиб келарди.— Хусайнбек! Кўрайлик-чи, Илёсхўжа не қиларкин? Самарқанддан ортага қайтадирми ёки мамлакат ичкарисига юрадирми?..

— Илёсхўжа шу томонларга бостириб келмоқчи,— аниқлик киритди фурсатдан фойдаланиб Аббос баҳодир.— Бир ҳафта кўшинга дам бермоқчи холос...

Энди ҳаммаси равшанлашди. Амирлар зудлик билан Илёсхўжага қарши жангга тайёрланиш лозимлигини англадилар. Бошқа йўл йўқ эди.

* * *

Тўй жуда дабдабали ўтди. Шаҳрисабздан бошқа Хўжа Илғор, Дархон сингари атроф қишлоқлардан ҳам тўйга одамлар оқиб келди. Кечқурун мамлакат ҳукмдори синглиси ясаниб-безанган келинчак Улжой Туркон оқани Темур уйига тушириб келдилар. Ёр-ёр садолари Шаҳрисабз осмонини янградиб юборганда, юраклар беҳол увалди...

Эртаси куни «юз очди»дан кейин, ҳукмдор, синглиси Улжой Турхон оқани Амир Тўрғай хонадонидай қутлуғ хонадонга бека бўлгани билан қутлаб, кўргани кирди. Ипакларга ўралган келинчак остона ёнида таъзим қилиб, бош эгиб турарди. Амир Хусайн синглисининг пешонасидан ўпди ва кўйнидан яшил қутича олди.

— Мана, бу сенга кўрмана...

Кўрмана — Яман ақиқидан ҳам аълороқ йирик ёкут кўзли тилла балдоқ эди, Улжой Туркон оқа ҳали бунақасини учратмаганди. У балдоқни қўлида тутганча эшитилар-эшитилмас:

— Қуллуқ, оғажон, қуллуқ...— дея олди холос миннатдор бўлиб.

Куёв, амирлашқар Темур буларнинг барини бир чеккада жим кузатиб турар, хаёли-да эса Илёсхўжа билан бўлажак жанглар бир-бир ўтар эди.

БЕШИНЧИ БОБ

Номаълум қиз

Мавлонозода сабоқдан сўнг ҳужрага кириб кийимларини алмаштиради: эгнига янги яктагини илди, устидан авра оқ абришим чопонини кийди, бошига мисқоли салла ўради. «Салланинг тожга менгзаб кетиши бежиз эмас. Муллаваччанинг бошидаги мисқоли салласи унга подшо тожидан ҳам азизроқ!» дея хаёлидан ўтказди Садр Сулаймон мадрасасининг пешқадам толиби илми. У меҳмонга боришга тайёрланмоқда эди.

Мавлонозода Чорсу майдонига чиқиб, чапга Арк кўчаси томонга бурилаётиб, бирдан бозордаги китоб дўконига кириши зарурлиги эсига тушди. Китобфуруш бугун янги китоблар олиб келиши керак, бу ҳақда Мавлонозода у билан келишиб қўйган. Ахир неча ойлар қидирган китобини бугун қўлга киритмоқ умиди бор. Мавлонозода кўпдан Абу Наср ал-Форобий ат-Туркий рисоаларини излайди. Буни унга Хўрдак Бухорий айтганди. Афсуски, шу пайтгача бор саъи-ҳаракатлари қумга сепилган сувдек зое кетди. Мударрис Хожа Лутфуллоҳ сабоқда бугун ҳам ул аллома исмини зикр этиб ўтди:

— Толиби илмларга шул нарса аён бўлсинки, бир бебаҳо рисола, рисолаи бутун оламга машхур бордир, илмга дил берганлар ўшани топмаклари лозим. Рисолаи бутун оламга машхур «Мажмуат расоил ал-ҳуқамо» номига хос... Тарих беш юз саксонинчи ҳижрий жумодил охир ойи ўн бешида! Доруссалом шаҳрида саҳифаланмишдир. Рисолада Арасту, ал-Форобий, Абу Али Синоларнинг бебадал асарлари жам бўлмишдир...

Мавлонозода китобфурушга ана шу мажмуани тайинлаган. У омадини синаб кўрмоқчи бўлди: ров бозорга кириб, агар китоб келган эса олиб, сўнг меҳмонга Садр Сулаймон хонадонига боришни хаёлга тугди. Толиби илм майдонни тикка кесиб бозорга қараб юрди. Кутилмаганда чап томондан кимнингдир кузатиб турганини сизди. У шартта ўгирилди: дарвешнамо одам унга қаттиқ тикилган, ўқдай бу нигоҳнинг шиддатига дош бериш маҳол эди. Соқол-мўйлови ўсиб кетган, ўнг чеккасида ёнғоқдек нарса бўртиб чиққан. Миқтидан келган, бақувват бу гадонинг бошидаги қора кулоҳининг учи эгилиб, исқирт бир қалпоққа айланиб қолганди. Одатдаги дарвешлар қалпоғига боғланадиган кигиз тасма — уни қурчүк дейишади — ҳам кўзга ташланарди. Ўзи ўрта ёшларга борган бўлса ҳам, эгнидаги қирқ ямоқ жанда анча қаримсиқ кўрсатарди.

Мавлонозода бир муддат тикилиб қолди.

— Қани ганак! Ё лошқанот! — деди пишқиргандай ҳалиги одам йўғон овоз билан, сўнг орқасига қайрилиб, нечундир индамай кетаверди. У Тун салтанатининг фуқароси Абомуслим эди.

Шу пайт Арк кўчаси ёқдан эшитилган карнай-сурнай садолари Мавлонозода хаёлини кесди. Садр Сулаймон ҳовлисида келаётган садолар бу ерда бўлажак катта базми Жамшиднинг жарчиси сифатида бутун шаҳарга тараларди. «Ошиқмак зарур!» деди ўзига ўзи беихтиёр.

Абомуслимнинг сўзларига аввал эътибор қилмаган Мавлонозода бирдан эрталаб Худобанда айтиб берган воқеани эслади. Ажабо, ўша дўстига тинчлик бермаётган девона шулмикин? Мавлонозода айиққа ўхшаб талпанглаб кетаётган бу абтарин ажойибула махлуқотга қараб қолди. Ким ўзи у? Нима истайди? Кўнглида не дарди бор?..

Мавлонозода шу хаёллар билан бозорга етиб келганини билмай қолди.

Китоб дўкони бозорнинг ичкарасида бўлиб, нон растаси, атторлар тими, аллофлар бозоридан ўтиб бориларди. Толиби илм нон растасида тўхтамади-ю, негадир атторлар тимида қадамини секинлатди. Тепасида бешта туйнук-дарчаси бор ёп-ёруғ тимда кезиб юриш хийлагина мароқли эди. Бу ерда упа-элик, турли тақинчоқлар, зебигардону тиллақошлар, маржонлар, исирғаю узуклар сотилар, ҳатто астойдил қидирганга мушки Хўтану дурри Адан ҳам топиларди.

Мавлонозода назарида тимнинг ичи бирдан ёришиб кетгандай бўлди. Водариг!.. Машхур Рўзи аттор дўкончаси олдида қоматидан ғайрат ёғилиб турган бикр жуссали бир қиз буюмларни кўриб, ўзига нимадир танларди. Ажабо, соддагина кийинган бу қиз барчанинг ичиди офтобдай ажралиб турар, атрофдагиларга парво ҳам қилмас, эҳти-молки дунёни унутган, фикри-зикри фақат буюмларда михланиб қолганди. Катта аёл-

¹ Мелодий 1184 йил 23 сентябрь.

лардай бошига солган таканаси ўзига ярашган, оғзини яшириб турган рўмоли одмигина матодан бўлса ҳам кўзга нафис ташланарди. Мавлонозода яқинроқ бориб, сездирмай одамлар орасидан яхшилаб қаради. Азал наққоши бу ойжамолга жило бераётиб ўзининг мукаддас санъатини намойиш этибди, аммо озроқ эҳтиётсизлик кўрғазганини ҳам холисанилло айтиб ўтмоқ жоиз: қизнинг қора қошларига ранг бераётиб ногаҳонда мўйқалам учи юзига тегиб кетибди-ю, нуқтадай бир хол пайдо бўлибди. Кўзларига лимиллаб турган нур бу дунё минтақасида учрамайди... Мавлонозода бу ғаройиб нурдан қалбига бир ойдин шуъла оқиб кирганини сезди, кўзларига олам чароғон бўлиб кетди. Узун энгли оқ бўз кўйлаги катон кўйлақлардан ҳам аълороқ туюлди. Чунки ювилавериб унчалар оҳори қолмаган бўз ичида нодир қомат яшнаб турганлиги хаёл оинасида равшан кўринарди. «Ёши ҳам ўн олти... ё ўн етти...» деди йигит энтиқиб, томоғига ширин бир нараса тикилиб ўтди.

Шу пайт Рўзи аттор дўкончасининг ўнг томонидаги пештахта ёнида ўрта бўйли, миқти гавдали қиличбурун бир йигит ҳам қиздан кўзини узмай қараб турарди. Афтидан, у кўчаданоқ қизни кузатиб келар, унинг шунчаки қизга маҳлиё бўлишдан бошқачароқ нияти ҳам борга ўхшарди. Қиличбурун йигитни ҳеч ким сезмади.

Кутилмаганда «Ушла! Ўғрини ушла!», «Қочди! Қочди!», «Олдидан тўси!» деган овозлар эшитилди. Мавлонозода тим эшигидан кимнингдир лип этиб ичкарига кириб кетганини илғай олди холос. Ўғри деганлари пачаққина бир одам эди, тез чопганидан бошидаги қалпоғи тушиб кетган, тепакаллиги шундоққина кўриниб қолганди. У чапдастлик билан тим ичида қочиб борар, ҳаракатларидан бу ишнинг анчагина машини олганлиги биланиб турар, ҳатто вақти-вақти билан орқасига ўгрилиб, қувиб келаётганларнинг чамасини олишга уринарди. Ҳамма тепакал ўғрига қараб турарди-ю, ҳеч ким уни ушлашга ошиқмасди. Мавлонозоданинг ёнгинасида ўрта ёшлардаги икки киши бир-бири билан ўзаро суҳбатлашишарди:

— Бир бечорани қақшатган чиқар бу ўғри? Ушлаш керак! — деди баланд бўйли, озгин одам.

— Ушлаб нима қиласан? Кейин гувоҳ бўлиб, қозима-қози юриб, бекор чорифингни йиртасен. Кимнинг тоқати бор? Қўй, оч қорним, тинч қулоғим! — жавоб берди паст бўйли, семиз киши бошини баланд кўтариб.

— Тутиб олиб, уриш керак ҳеч бўлмаса! Эси кирсин-да сал! — деди озгин.

— Худо ўзи уриб қўйибди-ку, нимасини урасен!.. — қайтарди семиз ўғрининг пачақлигига ишора қилиб.

«Қани? Қани?», «Қаёққа қочди?» деганича ўғрини қувиб тимга яна бир одам кириб келди. У атрофга аланглар, ўғрининг ялтираб турган бошини қидирарди. Уттиз бешларга борган, қорин қўйган бу одам бойваччалардан эканлиги кийимидан кўриниб турар, тез югурганидан ҳаллослаб, бошидаги тайласони¹ ечилар даражага келганди.

— Мен у эрсак калга кўрсатиб қўямен ҳали, қандоқ қилиб бировларнинг ёнчиғини олишни! Кўрсатиб қўямен ҳали, ҳа!

Мавлонозода бойваччани яхшилаб кўришга улгурмади, чунки у тезда одамларга аралашиб кетди, аммо овози танишга ўхшади. Бойвачча Садр Сулаймоннинг босқоқчилари² сардори Жаммазабон эди. Ҳа, бу ўша, ўғрига бировларнинг ёнчиғини «қандай олиш»ни кўрсатиб қўйишга қодир, устаси фаранг солиқчилар бошлиғи... Ўғри ичкарини айланиб келиб, тагин эшикдан лип этиб чиқди кетди. Ҳаллослаган Жаммазабонни кўрган одамлар кулгидан ўзларини тўхтата олмасдилар.

— Нега куласизлар? Ўғрини тутиш ўрнига... — деди Жаммазабон зуғум билан уларга ва ўзини эшикдан ташқарига урди.

Тим ичини шовқин босди, кимдир тепакални сўқар, кимдир, аксинча, унинг тарафини олар, бошқа биров эса Жаммазабоннинг талпанглаб юришини кўрсатиб, мазах қиларди. Кўп фурсат ўтмай ола-қуроқ овозлар тинди. Ҳамма ҳалигина қорнини селкиллатиб чопган басқоқчилар сардорини ҳам, ўғрини ҳам унутди. Тимни яна савдо оламининг аллаловчи сокин ғовур-ғувури ўз бағрига олди.

Жаммазабон воқеаси бир лаҳзада бўлиб ўтди-ю, аммо бу Мавлонозода учун қимматга тушди. Мавлонозода Рўзи аттор дўкончаси томон ўгирилди. Лоҳавло вало қуввато! Йигит кўзларини мушти билан ишқалаб қаттиқроқ тикилди. Не кўз билан кўрсинки, бошига такана ташлаган, оқ бўз кўйлақдаги нозанин турган жойида йўқ эди!

Мавлонозоданинг манглайдан совуқ тер чиқиб кетди. У тез аланглаб тим ичини қараб чиқди. Аммо излаганини учратмади. Толиби илм кўзларини мўлтиратиб умидвор тим эшигига тикилди: чиқиб кетдимикин! Чиққан бўлса, қаёққа кетдийкин?..

— Ҳай, укажон! — деди кимдир шу пайт, йигит наздида овоз пастдан чиқди. — Нима қилганингиз бу? Ақчасини тўланг!

Мавлонозода овоз чиққан томонга қаради. Четроқда гўштдор юзли, дўрдоқ лабли бир маззанг хотин игна, ангишвона, тугма, сақич каби майда-чуйдаларни олдига ёйиб,

¹ Тайласон — бошга, бўйинга солиб, орқага ташлаб юриладиган чодирдек нараса.

² Босқоқчи — солиқчи.

сотиб ўлтирган экан. Мавлонозода хаёл билан бир ангишвонани босиб, мажақлаб юборибди.

— Ақчасини тўланг! — Бобилларди маззанг хотин юзларини кирдан қорайган рўмолча билан артаркан. — Яхшики, ангишвона, игнани босиб олсангиз нима бўларди, оёфингизга кириб кетарди. Сақичдан опкетинг, сақичдан! Данипаранг ҳам бор...

Мавлонозоданинг энсаси қотди. У нима ғамда-ю, бу маззанг хотин нима ғамда! Вожаб! Муллавачча маззанг хотинга зуптагина қилиб жавоб бермоқчийди, хотиннинг ёнида уч яшарлар чамасидаги мўнди болакайнинг оппоқ тишларини кўрсатиб, кулиб қараб туриши таъсир қилдими, ҳар қалай индамай қўя қолди. Ёнидан ақча олиб маззанг хотинга узатди-да, беихтиёр Рўзи аттор дўкончаси томон юрди.

Дўконча олдида одам кўп эди. Мавлонозода молларни томоша қилган бўлди, аслида одамларнинг сийраклашишини кутди. Ниҳоят, дўконча холи қолди.

— Келсинлар, келсинлар! — деди Рўзи аттор тавозе билан йигитни қаршилар экан. Олтмишлардан ошган бежирим келбатли бу одам, муллаваччага қаттиқ тикилганча давом этди:

— Кўнгиллари нени тилайдир, а? Кимга... нима харид этмоқчилар? Мана, мағрибдан келган маржон, Эрон узуги, Ҳиндистон уфори...

Рўзи аттор тез-тез гапирарди. Мавлонозода каловланиб қолди. Келишга келди-ю, гапни нимадан бошлашни билмай боши қотди.

— Ассалому алейкум! — ҳаяжонини билдирмасликка тиришиб деди у, гап билмасанг салом бер, деган ақида этагидан тутиб. — Бир неча дақиқа аввал... шу ерда оқ бўз кўйлак кийган қиз... турувди, дўконча олдида...

— Хўш, хўш?

— Шу қиз... қаёққа кетди, билмайсизми?..

— Кимингиз бўладир ул оғиза, а? — ўз навбатида сўради гап нимада эканлигини яхши билмоқ ниятида Рўзи аттор.

— Ҳмм... синглим бўладир.

— Йўқотиб қўйдингизми?

— Бирга бозор чиқувдик... — Мавлонозода энди ўзини босиб олди. — Сизнинг дўкончангизда мушки Хўтан бўлғуси, деб эди...

Рўзи аттор мийиғида кулди-ю, маънодор қилиб деди:

— Бозорда ажралмаслик керак, мулла йигит! Хурилиқодай синглингизни ёлғиз қолдирасизми? Бу бозор бўлса!.. Унинг тимдан чиқиб кетганига талай фурсат бўлди-ку! Ҳалиги ўғрининг шовқин-сурони бошланиши биланоқ чиқиб кетган. Балки сиз — оғасини излаб кетгандир?..

Мавлонозода Рўзи аттор билан хайрлашди-да, шитоб тимдан ташқарига чиқди. Ташқарида эса... одам... одам... Кичиккина тим ичида номаълум қизни топиш балки мумкин эди, аммо ғимир-ғимир одамга тўлган бозорда бировни излаб топиш бир қоп сомоннинг ичидан игнани қидириш билан баробар! Излаганингни топгунча ўзингни йўқотасан!

Ҳафсаласи пир бўлган Мавлонозода тим эшиги олдида туриб қолди. Номаълум қиз худди бир томчидай одамлар уммонида сингиб кетган эди; ҳайхот, денгизга қўшилиб кетган биллур томчини қандоқ қидирмоқ мумкину, топмоқ мумкин?.. Шу алпозда Мавлонозодага қараган одам бундоқ манзарани кўрарди: йигитнинг манглайдан реза-реза тер оқар, бир томчиси қуюқ қош устида ялтирар, муллаваччанинг табиатан шодмон кўзларига маъюслик ғубори чўкканди. Одамлар Мавлонозодага эътибор беришмас, йигит назарида улар қайдадир бурчак-бурчакларда ивирсиб юришар, нима билан машғул эканликлари мутлақо қоронғи эди. Ана, бири қоп орқалаб куйиб-пишиб қайгадир кетяпти, иккинчиси буғи чиқиб турган нон тўла саватни кўтариб олган, ана бу бойвачча эса аравада уйига қовун ташиттирмоқда. Кимдир кабобпаз олдида бир сих кабобни ушлаб иштаҳа билан тановул қиларди... «Шундай пайтда қандай қилиб кабоб томоқдан ўтар экан?» деди ичида аламдан йигит.

Мавлонозоданинг уларга раҳми келиб кетди, ушбу ғаройиб айёмда ҳеч нарсани сезмай, оламдан беҳабар парвосиз юришларига ачинди. Афсуски, бу майда-чуйдалар билан ўралашиб, овора бўлиб бозорда ғимирлаб юрганлар муҳаббатни, ишқни биллишмайди, дунёда шундай тансиқ туйғу борлигини хаёлга ҳам келтира олишмайди. Фақат уларгина эмас, ҳатто дунёда ҳеч ким ҳам билмайди шу аснода Мавлонозоданинг кўнглида мавж урган туйғуларни! Муҳаббат! Тонг маҳали борлиқни ажиб навога тўлдириб эсган инсон умрининг сарин шаббодаси! Бу шаббода бизнинг вужуд чаманзоримизда турфа чечакларни тарбия этади, ожиз майса-ғиёҳларни ҳам яшнатиб юборади! Муҳаббат, агар ёш йигитга насиб этса, уни дунёни кўриб қўйган, оқ-қорани таниган кишилар даражасига кўтаради, кексани эса умрнинг навқирон фаслига қайтаради, унинг ўткинчи эмаслигига ишонч уйғотади! Муҳаббат, севги! Олам, борлиқ шу нафис қудратли туйғу атрофида оройиш топади...

— Бизни чиқариб юборсинлар! — деди кимдир шу пайт тоқатсизланиб.

Мавлонозода қараса, миқти гавдали ҳиличбурун бир йигит ундан йўл сўраб турибди.

— Бемалол! Бемалол! — деди у.

Қиличбурун шитоб чиқиб кетди.

Бирдан Мавлонозоданинг хаёли тиниқлашиб, шуури ёришгандай бўлди. Йигит тахминича, қиз бозор айланиб юрмайди, тақинчоқлардан бирон нарса зарур бўлиб қолганидан Рўзи аттор дўконига келган, ишини битиргану бозордан чиқиб кетган... У ҳозир Чорсу майдонида кетаётган бўлса ажабмас...

Йигит ошиққанча Чорсу ўртасига келди-ю, теваракка мўлтираб қаради. Ростдан ҳам ажойиб манзара: саккиз кўча келиб майдонга қўл берганди. Ана, кунботишда — ўқдай тўғри Арк кўчаси, мадраса, хонақоҳ; Хонқали кўчаси, Жомеъ масжиди... Энди Арк кўчасидан карнай-сурнай садолари эшитилмасди. Шимолда — Ҳолвачилар, Кулоллар кўчалари, карвонсарой кўринади, карвонсаройнинг олди гавжум, бинонинг азамат пештоқи пешин офтобига юз тутган. Кунчиқарда Наддофлар, Қаландархона кўчалари, бозор, бозор ичидаги қайсидир бир бино деразасига тушган офтоб ловиллаб кўзни оларди. Жанубда — Бозоркўча, Қўрчилар кўчаси... Мавлонозода кўчаларни назардан ўтказай деб, турган жойида бир айланганини билмасдан қолди. Ё фалак! Ул нозанин тушмиди, ўнгмиди? Саккиз кўчанинг қай бирига кириб кетганини ёлғиз олло биладир холос... Ёки қанот боғлаб осмонга парвоз этдимикан? Агар ул пари зотидан бўлса, шундоқ қилмоғи ҳам эҳтимолдан холи эмас...

Кўчаларнинг бирортаси ҳам Мавлонозода диққатини жалб этмади. Фақат Наддофлар кўчасида бир чақиримча нарида йироқлашиб бораётган оқ нарса кўзга чалинди. Йигитнинг юраги қаттиқ уриб кетди. Наҳотки, ўша бўлса?..

Йигит иккиланмай Наддофлар кўчасига қараб юрди. У ўша вазнсиз, енгил, гўё парвоз қилиб кетаётган фариштадай оқ нарсани қора тортиб борарди. Шошилаётган одам йўлнинг танобини қандай тортишни билади. Майдондан ўтиб, пахта тозаловчилар кўчасига кирган Мавлонозода қадамларини катта-катта ташлай бошлади. У йўлда учраган одамларни кўрмас, иши ҳам бўлмасди. Назарида, ҳозир кўчада номаълум қиз ва йигитдан бошқа ҳеч ким йўқ...

Оқ нарса билан оралиқ тобора қисқариб борарди. Йигит бирдан тўхтаб қолди: қизга бориб... нима дейди? У қизни танимаса, бегона ожизага сўз қотиш... қандай бўларкин? Бу дабдурустан Мавлонозодага шаккокликдек туюлди, аммо андишани чуқур фаҳм этмаган йигит, рости, бунга уринмади ҳам, яна оқ нарса томон юриб кетди.

Қиз эса, унинг ортисдан Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми изма-из қувиб келаётганидангина эмас, ҳатто дунёда шундай йигит борлигидан ҳам мутлақ беҳабар, шошилмай қадам ташларди. Шамол шўхлик қилиб танакасининг учини елкасидан ошириб ўйнайди. Йигитга худди қиз эмас, оқ ҳайкал хиромон этиб кетаётгандай туюлар, чунки бўз кўйлак қизнинг тўпигигача тушиб турарди, оралиқ эллик қадамча бўлса ҳам, Мавлонозода буни яхши илғай олди.

Наддофлар маҳалласи яқин қолганди. Мавлонозода қадамини тезлаштирди. Қиз кўчанинг ўнг томонида товусдай майин юриб борарди, бургутдай йигит товусни чўчи-тиб юбормаслик учун чап томонда сал орқароқда боришни лозим топди. Олисдан қараган киши энди кўчада бирин-кетин иккита оқ нарса икки чеккада кетаётганини кўра оларди.

Мавлонозода ҳали ҳам қизга нима деб мурожаат этишни билмасди, фикри-зикри, хаёли минг бир савол билан тўла... «Бахташ таваккал!» деди йигит ўзига-ўзи ва шартта кўчанинг у юзига қарата сўз қотди:

— Айб этмайсиз, мусофирмен... Шаҳрисабздан... Шу кўча Ҳолвачилар кўчаси, а?

Қиз овоз келган томонга ўгирилди. Кўчанинг нариги четида сахт-сумбати келишган хушрўй бир йигит унга кўзларини тикканча юриб борар, чиройли мўйлаби остидаги юпқа лаблари жилмайишга мойил эди.

Вужудидан ғайрат ёғилиб турган жуссаси бикир қиз ҳайратланганча беихтиёр тўхтади:

— Йе! Қизиқ экансиз-ку! Ҳолвачилар кўчаси бу ерда нима қилади? — ҳузур қилиб кулди у. Унга одамларнинг бошқа жойлардан келиб Самарқандда йўл тополмай адашиб юришлари хуш ёқарди, бу Самарқанднинг улканлигидан далолат эди, қиз эса шу улкан шаҳарда яшарди.

— Мусофирмен... Билмаслигимдан сўрайдирмен...

— Бу Наддофлар кўчаси. Адашиб қолибсиз. Кўплар адашиб юришади ўзи бизнинг кўчада... — қиз киноя қилиб айтдики ёки тўғрилиқча дедими, йигитга қоронғи қолди. — Чорсудан эртароқ бурилибсиз, бу кўчадан кейинги иккинчи кўчага киришингиз зарур эди...

Қиз самимий сўзларди, унда қимтиниш ёки ўзини тортиш туйғулари сезилмасди. Ёлғиз ўзи шаҳарга чиқиб кезиб юрибди, нақ бир йигитнинг шаҳти бор! Лекин қанчалар назокатли, қанчалар нафис! Офтобда ям-яшил ярпоқларини ёзиб дайр шабадасига юзма-юз турган бу сулув чечак ҳали гардуннинг турфа шева-ю, ишоратларидан йироқ ва балки улар ҳақида тасаввури ҳам йўқ, дали-ғули давронда диёнат бор деб ўйлайди. Олам умрининг фақат офтоб ярақлашидан иборат эмаслигини хаёлига сиғдира олмайди. Инсон дунёга севмоқ, ҳайратланмоқ учун келади, деб ишонади, бу дунёда ҳайрат

посангисини эзгуликлар эмас, балки разолат ва қабоҳатлар тоши босиб кетажаги мумкинлиги етти ухлаб тушига кирган ҳам эмас...

Қизнинг очиқ чеҳралиги, унинг ойдаи жамолига маҳлиё бўлган йигитни яна ҳам ўртантириб юборди. Қизда ҳусну малоҳатдан ўзга ифодалаб бўлмас бир сеҳр ҳам мужассам экан, бунга йигитнинг имони камил бўлди.

— Ҳолвачилар кўчасига бориш учун ортга қайтасиз...— деди ҳамон нотаниш йигитнинг келаётганини кўрган қиз қия боқиб. Содда қиз йигитни Ҳолвачилар кўчасидан бошқа яна нимадир ҳам қизиқтираётганини зинҳор ўйламас, балки сидқидилдан адашган мусофирни тўғри йўлга солиб юборишнинг ташвишини чекарди. «Табассуми ўзига ярашибди...» хаёлидан кечирди қиз.

— Савобга қолдингиз, бир мусофирга яхшилик бундан ортиқ бўлмас... Куллуқ!.. Тағин бир нарса сўрасам, мумкин бўлурми!

Мавлонозода аввал, ўша азал наққоши бу ойжамолга сайқал бераётиб озгина эҳтиётсизлик кўрсатганидан мўйқалам учи тегиб пайдо бўлган ўнг юзидаги холга қаради, кейин саволига жавоб тилаш баҳонасида қизнинг кўзларига тикилди: чашми шаҳлодаги ёниб турган хаёллардан кўнгли ёришди.

— Нима экан? — сўради қиз очиқ чеҳралик билан.

— Агар... отингизни... айтсангиз...

— Ие? — яна боягидек ҳузур қилиб кулди қиз. — Шаҳрисабзликларнинг бари ҳам шунақа қизиқувчан бўладиларми?

— Бари эмас, фақат мен! Мен! — деб юборди энтиккан йигит.

Қиз ниманидир мулоҳаза қилди, ниманидир тушунгандай бўлди. Ҳарқалай, бу хушрўй йигит Ҳолвачилар кўчаси туфайлигина адашиб юргани йўқ...

— Отимани сўрасангиз... Отим от...— деди қиз ноз билан.

Қиз бошқа сўз демай юриб кетди. Жавобдан ҳанг-манг Мавлонозода, ажабки, қиз исмини айтмаганига қувонди. Бунда озгина иззатталаблик туйғуси бор, истиғно ҳам йўқ эмас, ширин илинж ҳам... «Агар қиз отини айтганда, бу менга бефарқ эканлиги аломати бўлар эди, — деб ўйлади йигит. — Отини айтмади. Бас, у мендан умидвордир, керак бўлсам излаб топадир, деган хаёлда шундоқ қилди. Фаросати ўткир қиз экан...»

Номаълум қиз йироқлашиб борарди. Хиромон айлаб кетаётган оқ пайкарни кузатар экан, йигитнинг лабларидан беихтиёр шундай сўзлар учди:

— Ҳолвачилар кўчасини қидириб ширин бир илинж соҳиби бўлдинг. Ҳали бу ҳолва...

Ногаҳон ўзининг топган сўз ўйини унга ҳузур бағишлади. Мавлонозода мийғида кулганча ортига қайрилди.

Йўлда келар экан, кўп ўтмай рўпарасидан ҳалиги қиличбурун йигит чиқиб қолди. Мавлонозода унга қаради-ю, қаердадир кўргандай бўлди. Бу қиличбурунни қаерда кўрганди? Лекин дарров уни эсдан чиқарди, чунки хаёли буткул бошқа нарса билан банд эди.

ОЛТИНЧИ БОБ

Тақяхона

Лакшманнинг уйига, тақяхонага отланган Абубакр Калава Чорсуга етганда кун ботди. Майдон четидаги бўшаб қолган бозор расталари олдидан ўтиб, нон бозорига кирди. Унта нон харид қилди-да, Қаландархона кўчасига қараб кетди.

Тақяхона — Самарқанд сарбадорлари тўпланиб турадиган маскан, Лакшман ҳовлисида жойлашган эди. Лакшман ҳовлиси кўчага қараганда чуқурроқ, кирганда худди ертўлага кирилгандай бўларди. Ҳовли девор билан ўралган, хилват ва шинам. Тўрт хонали уйнинг уч хонаси алоҳида, қолган кўк эшикли чўнгроқ хонаси алоҳида, тақяхонага ана шуни танладилар. Лакшман тақяхона хизматини ўз зиммасига олди. Тақяхона аъзолари, ҳар ойлик аъзолик бадалларини тўлар эдилар, шу вайдан ҳам тақяхонада барча ўзини эркин тутар, ҳеч ким елкасида миннат юкини сезмас эди.

Абубакр Калава тепасида ўйин тушиб турган ҳиндлар худоси Шива сурати ёпиштирилган дарвозадан ичкари кирди. Ҳовлида ивирсиб юрган Лакшман Абубакр Калавани хурсанд бўлиб кутиб олди:

— Кулбамизга оқсоқолнинг қадамлари етди! — деди тақяхона соҳиби.

Ичкаридан бирин-кетин жамоа аъзолари чиқиб кела бошлашди. Энг аввал камонмерган Хўрдак Бухорий кўришди ва тақяхонага биринчи марта келган Мавлонозодани Абубакр Калавага таништирди. Мошбиринч соқоли ўзига ярашган Уста Кулол биланлари йўғон кўлларини ёзиб кўришмоққа талпинди. Кичик ҳуссаи Ҳалвойи кўришганида атрофдагилар: «Бағоят ширин бўлди-да!» деб қўйишди, унинг қандолатчилигига ишора қилишиб. Ҳамма мириқиб кулди. Абубакр Калава Исоқ этикдўз билан омонлашгач,

Нозим Меҳметга тикилди. Нозим Меҳмет Измир шаҳридан келиб қолганди. Ингичка мўйлабли бу румлик ўнг кўлига узук тақиб юрарди. Чапда айвонда кўлларини бир-бирига қўйиб, хиёл бош эгиб турган Лакшманнинг ёстиқдоши Читрабону ҳам Абубакр Калавага салом берди.

— Зиёратлар қабул! Кўрган-билганлардан сўзлаб беринг бундай...— деди Уста Кулол хонага кириб ўлтиришгач.— Эшитайлик... Шамсулмулкнинг келиши яқинми? — Муродингиз ҳосил!.. Яқин, яқин...— деди хаёли ўғлига кетган Абубакр Калава, бор-йўғи уч ой олдин ўғли билан кўришиб, Сабзавор кўчаларини бирга кезишиб келганига қарамай соғинч ҳиссини туйди.

— Сарбадорлар мамлакатида аҳвол нечук экан? — Нозим Меҳмет сўзга аралашди.

— Ўзи қандоқ мамлакат бу, ҳамсоя? Эртакка ўхшайди-я! — деди ҳайрат билан Ҳалвойи.

— Нимага сарбадор дейишади? — қизиқди Исоқ этикдўз.— Сарбадормиз, деймизу, билмаймиз-да...

Абубакр Калава дўстларининг гапларини эшитар экан, бир нарсага имон келтирди. Ростдан ҳам, у олис мамлакат ҳақида обдан сўзлаб бермоғи лозим, токи дўстлари, ўзларини сарбадорлар деб атаб юрган бу тўғри феъл кишилар ушбу қиссани эшитиб, ўз эътиқодларига садоқатларини чандон қилсинлар!

— Тенгсизликка қарши исёнкор давлат бу! — деди Абубакр Калава, лекин бу сўзлар ҳеч нарсани ифода этиб бера олмаганини шу ондаёқ сизди. Ҳа, тарихда бўлмаган мисли йўқ бундай воқеа, бу йўсин турмуш, шу хил салтанат!

Абубакр Калавини узоқ хаёллар элитди. Падали бузруквори Абусиддиқ Калава, Наддофлар маҳалласининг оқсоқоли, муллаваш, билимли одам бўлиб, ўғли учун кўп жон кўйдирарди. У пайтлар онаизори ҳаёт, ўзи эса эндигина ўн тўққизга қадам қўйган алпқомат бир йигит эди. Мана, шунга ҳам йигирма олти йил бўлиб боряпти, ҳижрий сана етти юз олтмиш бешга қадам қўйди. Ҳа... умр сувдай оқиб бормоқда, умр ўтмоқда... Умр... Ун тўққизда бепоён бўлиб туюлган, аслида эса қисқа умр...

Абубакр Калава хотираларини гапирди берди-ю, юраги беҳол бўлди. Сабзаворга борган илк кунлар, сарбадорларнинг элхонийларга қарши бош кўтариб чиқишлари... Иттифоқо, у ана шу ҳаракатнинг, турфа инқилобий шижоатнинг тарих майдонидаги илк бор қўйган қадамини ўз кўзи билан кўрган эди. Лекин ўшанда қоим эътиқод билан ушбу жамоага умрбод боғланиб қолажагини ҳали билмасди...

* * *

...Абубакр Калава ҳикоя қилишдан тўхтаганда вақт ҳам тўхтаб қолгандек бўлди. Тун пардаси чўккан ҳовлида сукунат ҳукм сурарди.

Сарбадорларнинг ғаройиб ишлари такяхонада ўлтирганларнинг хаёлини буткул ўғирлаб қўйди. Ҳеч ким овоз чиқармас, гарчи ҳикоя тугаганлигини билсалар ҳам, нечундир давомини кутишарди. Барча ҳозир Самарқандда, Лакшманнинг чуқуртак ҳовлисида эмас, гўё Сабзаворда, Боштин, Машҳад, Нишопур, Қирмону Симнонда кезиб юрарди. Уста Кулол оёқларини йиғиб, бир-бирига чалиштириб олган кўлларини тиззаларига қўйганча бир маромда, оҳиста бошини тебратиб ўлтирарди. Ҳалвойи кичик жуссасини қаерга қўйишни билмагандек безовта бўлиб, «Бай-бай! Бай-бай!» деб қўярди. Нозим Меҳмет жим ўтирар, хаёллар оғушида тез-тез бурнини ушлаб қўяётганини ўзи сезмасди. Лакшман катта-катта кўзларини ровийга тикканча қотиб қолганди. Хўрдак Бухорийга ҳикоя шунчалар таъсир қилдики, бутун ҳикоя давомида у гоҳ-гоҳда «Ие! Ие! Мен бўлмабман-да!», «Қангшарига солиш керак эди!», «Изини қуритиш керак!» деб ғўлдираб ўлтирди. Мавлонозода тинглар экан, ичида Хўрдак Бухорийдан бениҳоя миннатдор бўларди. Ахир у бўлмаганда, Мавлонозодага бу даврага келиш қаёқда-ю, сарбадорлар ҳақидаги турфа нақлни эшитиш қаёқда эди? Бирдан толиби илм кўз олди-га Самарқанднинг ёнгинасидаги Конигил ўланзориде тикилган машъум дор келди. Дорга бошқалар қатори Мавлонозоданинг ҳам мисқоли салласи осилганди. «Агар йўлимиздан чекинсак, салладек бошимиз дорга тортилсин!» деб қичқирарди муллавачча. Бир пайт қараса, дорга осилган нарса мисқоли салла эмас... Мавлонозоданинг боши эмиш! Боши жойида эмас, дорда эмиш!..

Бало қазодай ёприлиб келган бундай хаёлдан толиби илмнинг эти жунжикди. Нега қутилмаганда уни шундай ўйлар қамраб олди — Мавлонозода тушунмади. У хаёлларни қувишга ҳаракат қилди, бироқ улар хира пашшадай ўралашиб сарбадорларнинг оламшумул юришларидан жонланган тасаввурни музлатмоқчи бўларди.

Мавлонозода ўзини ўзи чалғитиш учунми, Абубакр Калавага қараб деди:

— Оға, сарбадорлар ҳукуматини ким идора қиладур?

— Паҳлавон Ҳасан Домғоний,— жавоб берди Абубакр Калава.— Комронлик курсида, мана, уч йилдики, барқарордир. У ҳукуматни Амирзода Лутфуллоҳ қўлидан олди, ўзи хос навкарлардан эди. Ваҳжини бундоқ баён қилурлар. Амирзода Лутфуллоҳ ҳукмронлиги бир йилу уч ойга етганда Домғоний билан ўрталарида адоват чиқди. Амирзода Лутфуллоҳ Ҳасанга дашном берди. Паҳлавон Ҳасан кинадор бўлди. Бир

кун кечаси амирзода уйига бостириб бориб, уни ҳибсга олди ва пойтахтда ўзини подшо деб эълон қилиб, ноғора қоқтирди...

Сарбадорлар қиссасидан мутаассир давра иштирокчилари энди ўзларига кела бошладилар.

— Адолатли мамлакатда-я? — ажабланиб сўради Уста Кулол.— Бировни ўлдириб... Бу ёғи қандоқ бўлди? Навкар ўз хожасига тиғни раво кўрса...

— Қандоқ бўларди? Тахт бор жойда қасд бор-да ҳаммиша, ҳамсоя! — деди Ҳалвойи. Гапга Исоқ этикдўз аралашди:

— Навқирон бўлса нима? Уғил оғасини ўлдиради, падари бузруквори пайини қирқади. Навкар эмиш! Мана, хушқомат Юсуф алайҳиссаломни бир қориндан талашиб тушган ҳасадгўй оғалари нималар қилишмади-ю! Ҳасадгўй оғалари, ҳа! Кул қилиб сотишди!..

— Янги давлат бошига келган албатта ўзидан олдин ўтганини пайхон қилади, баҳосини мис қақадан ҳам паства тушириб юборади,— Нозим Меҳмет афсус билан деди.— Бундан қирқ йиллар муқаддам Кепакхон Нахшаб ёнида сарой қурдиргани, «Қарши» дердилар. Амир Қозоғон тахтга мингач, шу саройни вайронага айлантиради, бир ой бўлди, бориб кўргандим... Амирнинг ўзи эса ҳеч вақо бунёд этмади. Энди Кепакхон ҳам йўқ, Амир Қозоғон ҳам... Қани Кепакхон?

— Лекин ундан кепаки қолди...— деди Абубакр Калава.

Ҳамма кулиб юборди. Гап шундаки, Мовароуннаҳр хони Кепакхон Хуросондаги Ҳалоку хонлари сиңгари, мамлакат тарихида биринчи бўлиб пул бирлигини муомалага киритади ва танга зарб қилдиради. Масалан, бир динор икки мисқолга тенг, бир мисқол уч дирҳамга тенг ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси Кепак тангалари, бора-бора «кепак», «кепаки» номи остида машҳур бўлиб кетди ва бу сўз чақани билдирадиган, қиммати паст деган маънони англатишдан нарига ўтмай қолди. Абубакр Калаванинг «ундан кепаки қолди», дейишида Кепакхон киритган пул муомаласи назарда тутилгани, айна чокда Мовароуннаҳр хонидан сариқ чақачалик бирон бир эзгу иш қолмаганига ҳам ишора бор эди.

— Сарбадорлардан не қолаётир экан, оға? — яна сўради Мавлонозода. У хунук хаёллардан ҳали ҳам қутула олмаганди.

— Оч-юпун, етим-есирлар бошини силайдирган сарбадорлар давлатининг ҳокими Домғоний ҳамма билан ўзини баробар тутадир,— деди Абубакр Калава.— Сарбадорларнинг меҳрпарварликларини эшитган куллар, гадолар ўзга мамлакатлардан унинг қошига панох излаб келишмоқда. Султон шитобан улуфа тайин этадир, улар билан хослашар сафини кенгайтирмак ташвишини чекадир. Унинг чопқунга моҳир, чапдасту чапсон йигитлардан иборат ўн икки минг кишилик лашкари бордир. Ёнида ҳаммиша етти юз турк ғуломини шай тутадир. Ўзга шоҳлардай ҳарбий ўлжанинг қонуний бешдан бир қисмини талаб қилмайди, балки навкарлар билан баб-баравар баҳам кўрадир...

— Одил подшо экан-да, Нўширвони Одил! — хурсанд бўлиб деди Ҳалвойи.

— Хирожнинг қандоқ олинишини ҳаммангиз биласиз, тўлайвериб уста бўлиб кетгансиз,— давом этдирди сўзини Абубакр Калава.— Садр Сулаймон сиёсати маълум: чорикор йил бўйи ишлаб, бир таноб ердан бир ботмон пахта олса, ярмини бойга берадиган қилиб қўйган. Сарбадорлар давлатида эса ҳосилнинг ундан учини оладилар, қолгани чорикорнинг ўзига сийловдир, чорикорнинг бошқа бирон динорига ҳам тегилмайди. Домғоний даврида эл тинч, фароғатда яшамакда, райят мамнундир. У қадхудоларни қаттиқ назорат остига олди, дастурхонидан бўлса, хосу ом баробар лаззатланар экан. Ҳар йили бир марта ўз уйини элга талон-тарож қилдириб туради, кечалари маҳалла-кўйда кезиб, бева-бечораларга пул ва таом улашиб чиқади...

— Шайх Ҳасан Журий номаи аъмолидан ҳам сўз айтинг,— сўради камонмерган Хўрдак Бухорий. У кўпдан сукутга чўмган эди.— Сарбадорлар давлати султонларининг пири муршиди, қиблагоҳи, валинеъматидир бўлсалар керак-а, ул зот...

— Шайх Ҳасан Журий амир Маъсуд билан давлат бошига келдилар, амир шайхга мурид бўлди,— деди Абубакр Калава.— Ушбу тотувлик шарофатини қарангки, бир куннинг ўзида уларнинг икки минг кишилик қўшини уч бор ғолиблик жомасини кийди!

— Йўғ-е! — ҳайратга тушди Исоқ этикдўз.— Бир кунда уч галаба-я?

— Лоф ҳам эви билан бўлсин...— қўшилди Уста Кулол ҳам ҳазиллашганнамо.

— Бор гапни айтаётирмен,— хотиржам деди Абубакр Калава.— Эрталаб Пўштфурш деган жойда Мўхаммад Туркман бошлиқ йигирма беш минг кишилик қўшинни енгдилар. Пешин намози вақтида Балқишон қишлоғида Қорабуқа Жоний Қурбоний етагидаги йигирма минг кишилик лашкарни мағлуб этдилар. Намозшомга қолмай Урдуғиш мавзеида яна бир жанг бўлиб ўтди. Бунда сарбадорлар Арғуншоҳ бошчилигидаги ўттиз минг сипоҳдан иборат черикнинг адабини бердилар!..

— Омадни қаранг! — деди Лакшман.— Рама сингари ёвларини яқсон қилишибди! Индра асурларни қиргандай қиришибди!

— Сабзавор шаҳрини, сарбадорлар давлатини оқил шайх Ҳасан Журий билан саркарда Маъсуд бошқара бошладилар. Баайни ал-Форобий айтганларидай бўлди:

фозил шаҳарни бошқариш учун кўп фазилатларга эга бир киши топилмаса, шунча фазилатларни ўзида жам этган икки киши бошқаруви мумкин...

— Еки уч киши,— қўшимча қилди Хўрдак Бухорий.

— Еки бир неча кишилар гуруҳи,— яна ҳам аниқлик киритди Мавлонозода. Унинг ал-Форобий рисолалари билан яхши танишлиги кўриниб турарди. Абубакр Калава давом этди:

— Аммо... Ғийбатчилар ҳар қайда бор, адоватни байроқ қилиб олганлар, гина-кудуратга илинж боғлаганлар кўп, эй феъли яхшилар! Масъуд билан Шайх Ҳасан Журий ораларига нифоқ солдилар. Хोजага дедиларки: «Сен эҳтиёт бўл! Мамлакатни шайх Ҳасан Журий муридлари банд қилмакда, унинг тарафғузарлари кўпайди... Хутбаларда ҳам шайхнинг номи олдин ўқилади, кейин — сеники... Иш бу аҳволда давом этса, ҳокимият илгингдан кетмагига шубҳа йўқ! Муридлар кўп, уларнинг қай бири билан сўйлашасен? Яхшиси, пири Муршиднинг ўзлари билан ҳисоблашмак лозим: ҳазратни орадан кўтариб ташлаш керак... Токи у юмушларга халал бермасин...» Бир бетавфиқ кинадорнинг бу ҳавоий сўзларига ишонган амир битта имонини ютганни топиб, шайх Ҳасан Журийга пичоқ уришни буюрди. Шу тариқа шайх Ҳасан Журий дорилфанодан дорилбақога риҳлат қилди...

— Ие, ие! — деди Исоқ этикдўз ҳайратда.— Ҳозир ул зот оламдан ўтганмилар?

— Наҳотки шундоқ бўлса?..— Мавлонозода ҳам афсус билан деди.

— Шундоқ адолатли мамлакатда-я? — сўради тагин Уста Кулол.

Абубакр Калава «ҳа» дегандек бош ирғаб қўйди, У шайх Ҳасан Журий ўлими хусусида шундан нарига ўтолмади. Сабзаворда ҳам хосу авом шундоқ фикрда эди.

Аслида масала сал бошқачароқ эди. Ростдан ҳам шайх Ҳасан Журий муридлари кўпайди, шайхнинг обрўйи ошиб кета бошлади. Аммо у, шухратим ортиб Масъудни соясида қолдирыпти-ку, деган хаёлдан йироқ эди. Чунки муаллими соний ал-Форобийнинг: «Фозил шаҳарнинг бошлиқлари иккита, учта бўлса ҳам, давлатни бошқаришда бамисли бир жону бир тан бўлади, бир кишидек фикр қилади, юрт бошқаради», деган доно ўгити унинг кўнглини тўқ тутарди. Мана, у Масъуд билан бирга ҳукуматнинг янги, аммо унча мустақкамланмаган аробасини гичирлатиб бўлса ҳам тарих йўлларидан олиб ўтиш пайида. Элхоний Туға Темирхонни даф қилсалар, Ҳирот малиги Ҳусайн Куртни тарих майдонидан суриб ташласалар, сарбадорлар давлатининг нуфузи яна ҳам ортади. Башар тарихида бундай жамоа бўлмаган, йўқ эса Арасту, Афлотун, ал-Форобий, Ибн Сино шундай ғаройиб салтанат хусусида ўз рисолаларида эзиб кетишмасмиди?

Лекин буларнинг бари шайх Ҳасан Журийнинг орзулари эди ҳолос. Сарбадорлар жамоасида кўп ўтмай иккита оқим пайдо бўлди. Бири шайх Ҳасан Журий номи билан боғлиқ бўлиб, «шайхйлар» деб юритила бошлади, иккинчиси, амир Масъуд тарафдорлари эди, оқим «сарбадорлар» номини олди. Икки оқим орасида шубҳа-гумон даражасида билинар-билинимас кураш кўзғолди. Пинҳона олиб борилган курашга фирромлигу фисқу фасод аралашмай илож йўқ. Шайх Ҳасан Журийнинг Сабзаворни фозил шаҳарга айлантириш ҳақидаги ниятлари рўёбга чиқмай қийнай бошлади. У яна шундан ташвишга тушди. Фозил шаҳар бўлиши лозим Сабзаворни эса жоҳил шаҳар либосига буркашмоқда! Алҳазар! Алҳазар! Худди ал-Форобий айтганларидай, шаҳарда ўзаро душманлик тўр ёйган, бойлик учун тўхтовсиз кураш олиб бориш керак, айримларда зўравонликка интилиш ошкор тарзда кўринмоқда, ғийбат ўқи осмондаги юлдузни бехато урмоқда... Жоҳил шаҳарнинг ўзгинаси!.. Бундай шаҳарда яшамоқ учун ҳамиша жанг-жадал олиб бормоқ лозим. Нега шундоқ бўлмакда? Нега? Фозил шаҳар ўрнига қабиҳ, бебахт шаҳарга айланиб бормоқда Сабзаворимиз? Оламда ягона сарбадорлар салтанатининг пойтахти, шон-шухрати ҳали Мағрибу Машриқни, Фарангни, жумла рубъи маскунни тутадиган бўлажак фозил, етук шаҳримиз! Нега? Нега?.. Бу саволларга жавоб топиш керак эди.

Сабзаворни жоҳил шаҳарга айланиб бормоқда деб ташвиш чекаётган шайх бошқа нарсани эсдан чиқарганди. Модомики, жоҳил шаҳар аҳволи шундоқ экан, унинг бошловчиси не ўйларга ғарқ? Ахир ал-Форобий ўгитларидан маълумки, жоҳил шаҳар бошлиғи ўзини оқилу доно санайди, ёлғону сохта такаббуриликлар билан ўзгаларни алдайди. Оламнинг фароғати ёлғиз ўзим учун, дейди, ўзгани даражаи камолга етмаган ҳисоблайди, душмани устидан голиб келишни олий бахт-саодат деб билади ва оқибат уни ўлдиради...

Сарбадорлар салтанати султони амир Масъуд шайх Ҳасан Журийни худди шундоқ четлатмак кўйига тушди. Шуни Ҳирот малиги билан бўладиган жанг пайтига белгилади, воқеа жанг шов-шувларига аралашиб кетиши керак... Насруллоҳ Жувайний деган сарбадорни шайхга расми қўриқчи этиб тайинларкан, «Ишни битирсанг, бир вилоят эгаси бўласан!» деб юрагини яна ҳам ўйнатиб қўйди. Жоҳил амир ишни ал-Форобий айтганидан ҳам ошириб ўринлатди. «Одам ҳужум қилади-ю, деб уқтирган эди муаллими соний, бироқ асл мақсадини яшириб, ўзини бошқа нарсага интилаётгандек қилиб кўрсатади, натижада ундан хавфсирамайдилар, чўчимайдилар ва қаршилиқ қилмайдилар...» Масъуд ҳам шу йўлдан борди — зоҳиран ўзини шайхга ниҳоятда меҳрибон кўргизди, ростдан ҳам ҳеч ким ундан гумонсирамади, шайхни Насруллоҳ Жувайний ўлдирган

бўлиб чиқди. Аммо ўйин шу ерда тугамади, балки беаёв суратда давом этдирилди. Бундоғини қам кўрган бўлсанг керак, эй ал-Форобий! Мана, эшит: шайх ўлимидан кейин қотил Насруллоҳ Жувайнийни ақлдан озганга чиқардилар, унинг кўзига қўй кўри-нибди, қўй деб ўйлабди, билмасдан шайх ҳазратларига пичоқ уриб ғафлатда қолибди, деган миш-миш тарқатдилар. Масъуд энди ҳамманинг кўз олдида Насруллоҳ Жувай-нийни жазолатди — қилич билан етти пора қилдирди...

— Абубакр! — деди бирдан Ҳалвойи. — Сарбадорлар давлати ҳақидаги гап-ларингизни эшитиб, қантдеккина давлат экан-да, Нўширавони Одил экан-да, деб ўлти-рувдим. Энди, мана бу қирғину қирпичоқларни кўриб, ўйлаиб қолдим... Узимизнинг амирлардан қолишмас экан, шекилли, улар ҳам...

— Бир-бирини ўлдириш, бир-бирини нобуд этиш, пайини қирқиш... Душманнимас, бир-бирини!... Уз улўғларининг номини бадном айлаш... Улусни ўйлаш йўқ, юртни ўйлаш йўқ... — гапга қўшилди Хўрдак Бухорий.

— Ўзи сарбадор аталса-да, шу йўлни бошлаб берган зотни маъв этса!.. — ўкинч билан деди Мавлонозода. — Шу улкан эътиқод деб жонини жабборга берган, мурид-ларини оёқга турғизган фасоҳатманд инсонни... Инсонга ажалнинг заҳри қотил тифини қаратсалар! Кескинроқ гапирганим учун узрлимен...

— Бундайин ноҳақлик етти иқлимдаям йўқ! — деди Нозим Меҳмет.

— Етти иқлимни гапирасиз, уч оламдаям йўқ, деяверинг! Ҳа-ҳа, уч оламдаям! — Нозим Меҳметни қўллаб гапирди Лакшман, ҳинд афсоналаридаги худолар, одамлар, девлар оламига ишора қилиб.

— Сарбадорлар давлати сиз билан биз кутганчалик нуфузга эга бўлолмаётир... Балки, бунинг сабаби, шайх Ҳасан Журий ҳазратларининг бевақт оламдан кўз юмгани-дадир. У киши ҳаёт бўлганларида, замон не йўсин кечар эрдийкин, билмадим... — Бу кеча жуда кўп гапирганидан Надродфлар маҳалласи оқсоқоли ҳорғин эди. — Емак, ичмак, ётмак, сохта улўғворликка интилмак, енгил обрў кетидан қувмак, ҳукмронлик ҳавасидан маст бўлмак... Афсуски, Сабзавор ана шундай беодоб, бадахлоқ шаҳарга айланаб қолди...

Тақяхонага жимлик чўкди, ҳамма ўз хаёлига ғарқ бўлди, таом ҳам совиб қолди. Лакшманнинг «Олинглар, олинглар!» деганига қарамай, ҳеч ким дастурхонга қўл чўз-масди.

— Самарқандимиз-чи, дўстим? — сўради бирдан муллаваччалардай ўтирган ерида чўкка тушиб олган Уста Кулол жимликни бузиб. Унинг донгил-сўзлиги тутиб кетди. — Самарқандимиз қандоқ шаҳар бўларкин?.. Лойи пишитилган бўлса, ҳеч гапмаску-я...

Токчада жинчиरोқ липиллаб ёнар, хира шуълада ўлтирганларнинг турфа соялари хонанинг тўрт томонига тушиб турарди. Бошлар ҳам катта-катта, қулоқлар узун-узун кўринар, гўё бу ерда одамлар эмас, аллақандай девлар ўлтиргандай эди. Ана, Нозим Меҳмет гапирар экан, катта бурни орага суқилиб, Лакшманнинг кичкина бошига тегиб-тегиб кетар, худди чўқиётгандай туюлади. Чап томондаги деворни Хўрдак Бухорийнинг бир қулоч келадиган елкаси эгаллаганди. Абубакр Калава Мавлонозода соясини чунон қидирди, тополмади. Кейин билса, унинг сояси камонмерганнинг сояси билан қўшилиб кетган экан.

— Хуллас... Самарқандимиз фозил шаҳар бўлиши керак, — Нозим Меҳмет ҳали гапини тугатмаган эди. — Оламга маълуму машҳур шаҳар, уста! Уша айём менинг қаҳвахонам барча учун очиқ бўлади!

— Кошқийди, кошқийди! — деди мамнун Уста Кулол. У негадир Лакшманга қараб, битта обдаста олиб келишини сўради.

Жамоа ҳайрон бўлиб қолди; обдаста нега керак экан? Лакшман обдаста олиб келгани ташқарига чиқиб кетди.

Уста Кулол обдастани кутиб, бирдан ўсмирлик йилларини эслади. Ун ёшида бўлса керак, у шахрисабзлик Рустам кулолга шоғирд тушди. Уч йилча хизмат қилди. Уста унга кулолчилик сирларини ўргатиши, кейин фотиҳа бериши лозим эди, аммо Рустам кулолдан ҳеч садо чиқмасди. Ҳақимжон эса меҳнатқаш, қобил бўлиб ўсганди, Рустам кулолнинг хотини Биби уни ўз ўғилларидан ҳам ортиқ кўрарди.

Бир куни Биби, эрининг Ҳақимжонга бепарво қарашини кўриб, пайт пойлаб, ғалати иш қилди. Рустам кулолнинг олдида, Ҳақимжонни ёнига қақириб, шарт кўкрагини бериб эмизган бўлди:

— Мана, Ҳақимжон ҳам ўғлим бўлди энди, билдингизми? Уни эмизганман, деб айта оламан. У сизнинг ҳам ўғлингиз энди!

Бибининг гапидан Рустам кулол ҳайрон қолди, Ҳақимжоннинг эса кўзларидан ёш чиқиб кетди. Шундан кейингина Рустам кулол унга меҳрибончилик кўргиза бошлади, кулолчилик сирларини ўргатди.

— Энди уста бўлдинг, ўғлим! — деди бир куни Рустам кулол. — Уз аравангни ўзинг торт, ўз чархингни ўзинг айлантир!

Таомилга кўра бир жонлиқ сўйдилар, Ҳақимжон уста эгнига бир чопон ташлади, шоғирд ҳисобидан бўлиши керак бу харажатларни Рустам кулол ўз ёнидан қилди. Кейин уста икки қўлига туфлаб фотиҳага очди-да, осмонга қараб:

— Олгину олдирма, тўлгину тўкилма! Илоё, ушлаганинг олтин бўлсин. Мени унутма! — деб оқ йўл тилади...

Шу пайт кўлида обдаста, Лакшман кириб келди.

— Аҳли жамоа! — мурожаат қилди Уста Кулол обдастани олиб ҳаммага кўрсатар экан, унинг ичида озроқ суви ҳам бор эди. — Самарқанддаги жаъми кулолчилик буюмлари менинг мана шу илгимдан ўтган. Тошкент, Бухоро, Термизларга ҳам олиб кетишади, аммо Фарғона томонларга тишим ўтмайди, чунки у ёқда Риштон бор... Кўза, офтоба, хум, лаган, гули, машрафа, косаю тандирларгача ясаймиз. Тағин шамдон гулдон, сополак, кошину қувур, ўйинчоқлар ҳам қўлдан келади. Самарқанд ҳоқими Шоҳмалик қавчин маҳалламизга йигирма беш мингта сирли кошин солиқ солибди, меҳмонхона қураармиш, бу меҳмонхонада Жета хонларию турк амирларини кутиб олар эмиш... Хўш... Мана шу кичиккина обдастани тайёрлаш учун узоқ ишлаймиз... Гапиргим келиб қолди-да, жуда эзмаланди-ку бу уста, деманглар тағин...

— Асло, уста! Гапиринг! Бекорга гапирмайсиз! — деди Абубакр Калава.

Уста Кулол мошбиринч соқолини бақувват қўллари билан силаб қўйди-да, давом этди.

— Мана шу обдаста жойини сағиз тупроқдан қиламиз... Тупроқни офтоба қури-тиб, майдалаб, элаб бўлгач, лой қориймиз. Кейин пиштамиз. Риштон кулоллари ишнинг кўзини билишади, лойни ҳўл шолга ўраб, ҳар кун пишитиб, устига сув сепаб туришади. Лой уч ҳафта сақлансин, ана энди олиб чархга қўндириг-да, истаган нарсани ясанг: лой, ипақдек эшилиб бир ҳимога маҳтал бўлиб туради, узиб бўлсиз! Мана шу обдаста, — кўрсатди яна уста, — ясалгандан кейин ангобга чайиб олиб, хумдонда қиздирилади, чаймасангиз, обдаста куйиб кетади. Оловидан бохабар бўлмасангиз, яна чатоқ: қозондаги гурунч баробар қайнаши лозимдек, идишнинг ҳамма томони бир хилда қизиши керак... Буюмларнинг зуваласи пишиқ чиқиши шундан. Отиб юборсангиз ҳам синмайди. — Уста Кулол шундоқ деди-да, обдастани пойгак томонга отишга чоғланди. Буни кўрган шериклари эътироз билдира бошлади:

— Ҳай, ҳай! Ҳамсоя! Ишондик!.. Отмай қўяқолинг!

— Тағин синиб-нетиб қолмасин!

— Йўқ! — деди. — Ҳозир бир нарсага гувоҳ бўласизлар...

Уста Кулол ҳай-ҳайларга қарамай обдастани девор томонга отди. Обдаста шарақ этиб деворга тегди, қоқчоғи илгагидан чиқиб учиб кетди-да, ичидаги сув деворга сачради, аммо синмади. Ҳамма жим бўлиб қолди.

— Лойи пишитилган бўлсин, деганимнинг сабаби шулки, — деди жиддий Уста Кулол. — Самарқандимиз ҳам, Нозим Меҳмет айтмоқчи, фозил шаҳар бўлмоғи керак... Агар Исоқ этикдўз қолип шона, сўзану бигиз, кундасига қарамай қўйса, танаворига яхши тоб бермаса, қандай қилиб зўр этик тика олади? Унда унинг этиги кимга керак? Яхши пишмаса, пашмак хамир бўлиб қолмайдими, а, Ҳалвойи? Дуруст пишитилиб йигирилмаса пахта толаси чирт-чирт узиладиган ипга айланмайдими, Калава? А?..

— Жуда оқил гап!

— Гапга ҳам уста-да, уста ака!

— Самарқандимиз ҳам фозил шаҳарга айланармикин... — деди Уста Кулол бодан бери тушунтирмоқчи бўлган фикрларини сал англата олгандай. — Ёки лойи яхши пишитилмай барчани бадном қилармикин?.. Мана шулар ҳақида ўйлаб қолсан киши... Уйламай дейсан, ўйлайсан...

— Шақари маъёрида бўлиши керак-да... — деди Ҳалвойи. — Кўпайиб кетса ҳолванинг тахирини чиқариб юборади...

— Такчармини жуда танлаб солиш лозим... — қўшимча қилди Исоқ этикдўз. — Тоб ташламайдиган бўлади-да этик... Узоқ чидайдиган бўлади, айниқса сахтиён...

Токчадаги жинчиروқ мойи камроқ қолганми, энди боягидан ҳам сустроқ липиллаб ёнар, ўтирганларнинг юзини кўрсатишга ожизлик қилар эди.

Наддофлар маҳалласи оқсоқоли Устанинг гапларини эшитиб қувонди. Уста Кулол — сарбадорлар жамоасининг ишонган аъзоларидан, Абубакр Калава унга катта умидлар боғлайди. Ҳаёт хумдонидида пишган уста ўша хумдондаги оловдай қайсар ва кескир, хиёнату ноҳақликни кўрса, ёндириб кул қилмоққа шошилади.

Уста Кулол тўғри айтади: Самарқанд қандай шаҳар бўлмоғи лозим? Фозил жамоани ўзида мужассам этган, бахт-саодат калитини илгида тутган, кишилари бир-бирига хайру саховат қўлини чўзган фазилатлари олий шаҳарми, ёки...

* * *

Абубакр Калава ҳаётини сарбадорлар эътиқоди билан боғлагандан бери, ана шу инқилобий хуруж, унинг тарих майдонидаги дадил қадамларини неча-неча бор ақл тарозисидан ўтказди. Ҳаёлларнинг бир учи Абу Наср ал-Форобийга бориб улангандан кейин олам яна ҳам кенгайиб кетгандай туюлди. Фозил шаҳар, етук жамоа, бахт-саодат, руҳий камолот, тенглик, комил инсон ҳақидаги ўйлар бутун еру кўни қамраганди,

бу турфа оламнинг бир четида Абубакр Калава турарди, марказини эса Абубакр Калаванинг она шаҳри, зеболикда зебо, фозилликда фозил, етукликда етук Самарқанд банд қилганди.

Чорак асрдирки, ал-Форобий хусусида илк бор ўша Боштин масжидида шайх Ҳасан Журийдан эшитган Абубакр Калава, файласуф асарларини ўқиб ўзининг кўнгил «дард»ларига даво топгандай бўлади. Буюк ватандоши Абу Наср ал-Форобий беш юз йиллар муқаддам, инсон қандай яшамоғи керак, у қандай жамоада истиқомат қилсин, у жамоа қандай бўлмоғи лозим, каби масалалар билан қизиққанди, энди эса бу ёруғ ташвишларни елкасида даст кўтариб, асрлар қаъридан унга кўмак қўлини чўзмоқда. Наддофлар маҳалласининг оқсоқоли ал-Форобийнинг бир замонлар Шош, Бухоро қатори, шу она Самарқанд тупроғида ҳам яшаб таҳсил олганини китоблардан ўқиб билди, бу нарса уларни хийла яқинлаштирди, Абубакр Калавада муаллими соний билан ҳамшаҳарлик, ватандошлик туйғусини тирилтирди. Чорсуданми, Бозор кўчаданми, ё Арк кўчасиданми ўтиб қолганда: «Бир пайтлар буюк файласуф дунёнинг ташвишлари-ю, дайри дуннинг жумбоқларига жавоб топмак истагида шу кўчаларда оҳиста кезиб юрган-да...» деган ўйга борар ва бундан хаёли обод бўларди. Ахир ал-Форобий Чорсу майдонида туриб Зарафшон тизма тоғлари оша чиқиб келаётган кўёшни неча-неча бор кузатган, бунга шак йўқ. Она Самарқанд тасаввурларда буюк ватандош билан учраш-тирди-ю, муаллими соний Абубакр Калава учун бамисли қиблагоҳу маслаҳатгўйга айланди. У улуг бобокалонга, Сайхун бўйидаги Фороб қишлоғида туркий қорлуқ қабиласидан бўлган оилада ҳижрий икки юз олтмишинчи йилда¹ дунёга келиб, беқиёс гидроки-ю билими, саъйу саботи, низомию интизоми билан дунёга ҳайратлар солган инсонга таъзим қилади, ўзини дўсту биродар тутганидан шавқиб туйғуларга тўлади. Ҳа, у Шарқ Арастуси Абу Наср ал-Форобий билан қадрдон дўст бўлиб қолди! Қайсидир китобда ёзилшича, шоир ё олим, хаттот ё бастакор ўзининг олис ўтмишдошига ғойибона мухлис ёки шогирд бўлса, ўша буюк устозга нисбатан «Увайс» лақабини олади. Шунга кўра, ал-Форобийга нисбатан Абубакр Калава «Увайс» эди. «Увайс»нинг назарида, файласуф билан ўрталарида кечган бемикдор йиллару сувдай оққан замонларнинг фарқи йўқдай. Инсон шунга қодирки, у тафаккур, зеҳн, шиддати тахайюл билан замонларни бир нуқтада кўра олади, беадад асрларни лаҳзалар қанотида оралаб чиқа олади! Авлодлар силсиласи мустаҳкамдир, хаёлдай узун, умрдай ардоқлидир, кимки ўз умрини ана шу силсилага бир ҳалқадай боғлай олар экан, бас, бахтлидир, таҳсинларга лойиқдир. Абубакр Калава ўзини шундоқ буюк силсиланинг бир ҳалқасидай ҳис этарди.

Увайсликни жойига қўйиш кишидан катта шижоат талаб қилар экан. У муаллими соний ҳақида битилган рисоаларни қидирди, Ибн Халлиқон, Ибн Хавқал, Муқаддасий, Байҳақий, Масъудий, Қифтий, Истахрий китобларини варақлади. Ал-Форобий рисоаларини ўрганар экан, уч нарсанинг шоҳиди бўлди: биринчидан, мантиқ илмига оид рисоалар, мантиқ илми мураккаб эди, уларни мутолаа қилди-ю, тиши ўтмаган нарсаси ҳақида фикр юритишни эса мантиқсизлик деб билди. Иккинчидан, фалсафага оид рисоалар, бу рисоаларда юнон файдасуфларининг асарларига ёзган шарҳларида дунёнинг абадийлиги ва йўқ бўлмаслиги тўғрисида сўз боради. Тўрт унсур — тупроқ, сув, ўт, ҳаво — абадийдир, мавжудотдаги бор нарса ана шу тўрт унсур, тўрт модда аралашувидан ҳосил бўлади. Олам моддийдир, моддага эса абадийлик хос... Учинчидан, давлатни бошқариш, сиёсат борасида битилган рисоалар, бу хилдаги рисоалар Абубакр Калаванинг жони дили эди. «Ас-сиёсат ал-мадания» — шаҳарни, ҳукуматни бошқариш ҳақидаги, «Китоб аро аҳл ал-мадинат ал-фозила» — фозил шаҳар кишилари-нинг қарашлари тўғрисидаги, «Рисола ат-таҳсил ас-саодат» — бахт-саодатга эришув йўллари хусусидаги рисоаларни такрор-такрор ўқиб, мағзини чақишга уринди.

Боштиндан қайтгандан сўнг Абубакр Калава мадрасага кириб ўқишини дилга тугди. У пайтлар Садр Сулаймон мадрасаси йўқ, ўрнида кичик масжиднамо иморат бўлиб, мадраса ўша ерда жойлашган эди. Илғорлик кўрғазиб, саккиз йил деганда мадрасани битиргач, имом мартабалик бўлди, аммо нечундир имомлик қилмади. Ажабки, кичиклигидан одамларни уюштиришга, бирлаштиришга ҳавасманд, кўпроқ жамоат орасида юрмакни хуш кўрган Абубакр Калава қаерга бормасин биринчи галда эл кадуходо-ларига разм солар, уларнинг иш тартиботи, тутумини назардан ўтказарди. Ўттиз ёшларда эканидаёқ Наддофлар маҳалласи жамоаси уни маҳалла оқсоқоли этиб сайладилар. Шунга ҳам ўн олти йил бўлди...

— Нечундир хаёлга чўмиб кетдингиз, оқсоқол? — деб сўради Уста Кулол. — Саволим ноўрин бўлдими, дейман...

— Саволингиз бағоят ўринлидир, уста! — деди қатъий Абубакр Калава. — Самарқанд фозил шаҳар бўлади, эй феъли равшанлар, бўлади!

У кўп гапирмоқчи эди, лекин бошқа сўз қўшмади.

— Фозил шаҳар бўлса, — деди Ҳалвойи. — Ўша кунни мен барчангизнинг оғзингизни ширин, димоғингизни хуш бўйлардан обод қилур эрдим!

¹ Милодий 873 йил.



Рисом Т. Саъдуллаев

— Фозил шаҳар бўлса, — деди Исоқ этикдўз. — Барчангизга шундоқ ажойиб этик тикиб берайки, ундай этикни Нўширавони Одил ҳам киймаган бўлсин! Кийиб Чорсудан ўтганингизда ғарчиллашига осмон тоб беролмайди!

Бу ўйин «ким ўзарга» ўхшарди. Энди сўзни Нозим Меҳмет илиб кетди:

— Оғизни ширин қилдингиз, димоғингиз обод бўлди... Энди ғарчиллама этикни кийиб менинг қаҳвахонамга келасиз, базми Жамшид қиламиз! Майрамга айтаман, нуқли таом пиширади. Аввал қултум-қултумдан, оз-оздан, сўнг иштаҳа кўтарса, соз-создан оламиз. Чехрамизга қизил нур киргунча отамиз, қийшайиб қолганлар секин сафдан чиқаверади!

— Лойини пишитиб, сенга бир қулинг ўргилсин хум ясаб берайки, унда юз йиллаб май асрасанг ҳам бўлаверади! — қўшимча қилди Уста Кулол.

— Уша хумдаги майдан нўш этамиз, ҳамсоя! — деди Ҳалвойи.

Ҳамма қаҳ-қаҳ отиб кулди. Самарқанддаги машхур қаҳвахона мутасаддиси улоқни олиб кетди. Бу қаҳвахона ғарибу ғураболар, тун салтанати фуқаролари, сарбадорлар аҳён-аҳён бўлса-да, бориб турадиган дил тортадиган бирдан-бир маскан эди. Борганлар ҳамиша яхши узум шароби — майиздан бўлган, шаръий, дер эди Нозим Меҳмет, — газзагу нуқли таомлар билан таъмин этилар, бу ердан одам аримас, қаҳвахона соҳиби Нозим Меҳмет ва унинг хотини Мейрам қаҳвахонани холи қудрат обод тутишга ҳаракат қилишарди. Абубакр Калава билан Хўрдак Бухорий қаҳвахонага тез-тез бориб туришар, бунга қаҳвахонанинг Қаландархона сингари пастқам ва ғайридинлар яшайдиган кўчада, кўздан четда жойлашгани ҳам қўл келарди. Нозим Меҳмет билан ҳам шундоқ келганларининг бирида танишишган эди.

— Кофирлар билан дўст бўлмак... — деганди ўшанда камонмерган. — Қандай бўларкин?... Мана, Лакшман... Қавми бошқа...

— Кофирлар исломни танимайдирлар, холос, лекин улар худога ишонмайдиган осийлар, даҳрийлар эмаслар, — жавоб қилганди Абубакр Калава. — Уларнинг ҳам ўз худолари бор, улар фақат ғайридиндилар. Кўнгиллар тўғри, ниятлар пок эса, қайси диндан бўлмасин, маслагимиз бир бўлса, биз ўша билан дўстмиз. Биз сарбадорларга нияту кўнгил, маслак эътибор. Ундан кейин, ислом миллат ажратмайди...

— Базми жамшиддан чиқдингиз, қийшайиб қолмадингиз... — гапга морбоз Лакшман аралашди. У гоҳида «Амроватий, о Амроватий!» деб кўяр, фозил шаҳар ҳақида ўйлар, яздонлар подшоси Индранинг пойтахти гўзал ва афсонавий Амроватий шаҳрига бориб уланарди. Бу шаҳарда мангу ўлмас руҳлар, эзгу саховатнинг олий тимсоли бўлган кишилар яшар эдилар. — Энди тўғри Чорсу майдонига йўл оласиз. У ерда, кенг даврада илон ўйинини кўрасиз... Капча илоннинг ўқдай туриб олиб қилган нағмаларига гувоҳ бўласиз! Дор тикамиз, ўғлим. Кумар дорда югуриб ўйнайди, қилиқлари эса ичанингизни узади...

— Оғзингизни ширин қилдингиз, этикни кийдингиз, Нозим Меҳмет қаҳвахонасида чехрангизга қизил югурди, Чорсу майдонида илон ўйинини ҳам кўрдингиз, ичакларингиз узилгудай бўлди... — Гулдираб гапирётган Хўрдак Бухорий эди. — Бас, баридан кейин Конигилга чиқиб мерганлар мусобақасида қатнашурсиз... Агар ёйни тутишга қурбингиз келмаса, бир четга чиқиб томоша қилиб турасиз. Фақирингиз ижозатингиз билан ёйни олади, осмонда учиб бораётган қушни ўқ отиб, қушга теккизмай икки қанотини бир-бирига тикиб кўядир! Ана шунда теккан соврун сизники бўлади, камина рози!

Тақяхона ичини қийқириқ тутиб кетди. Ҳамма ўз истагини айтар, самимий дилини ёзар эди. Фақатгина Мавлонозода Самарқанд фозил шаҳарга айланса, сарбадорлар жамоаси учун нима қилиши мумкинлигини айтмади. Чиндан ҳам, Мавлонозода — Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми нима қила олиши мумкин? У, албатта, ҳали мадрасани тугатмаган эса-да, тугатганлардан обрўйи баланд. Фақиҳ бўлмоқ нияти бор. У йирик фақиҳ ва қонуншунос шайх Бурҳониддин Марғиноний номини тилдан қўймайди.

Мавлонозода нимадир демоқчи эди, улгурмади, Абубакр Калава сўз олди:

— Аввало, шаҳримизда сарбадорлар эътиқодида кўнгил қўйганлар нечта эканлигини аниқламоқ жоиздир. Бизга сарбадор эътиқодидаги кишилар рўйхати керак... Бир жиҳатни ёддан чиқармайлик. Рўйхатга олаётганда тайин этишни унутмангизким, сарбадорлар жамоасига аъзо бўлиб кирган ўз сирини яширмаги даркордир. Қачонки, фақирдан ишорат етадир, очилмоқ чоғи етадир...

— Шайх Ҳасан Журий ҳам Боштиндаги анжуманда худди шундоқ қилмоқни тайинлаганлар... — эслайди Хўрдак Бухорий.

— Бас, шундоқ экан, Ҳалвойи ҳамсоядан талаб қилурмизки, ўзининг маҳалласидаги сарбадорлар ҳисобини берсин. Сир тутсин.

Ҳалвойи хўп ишорасини қилди.

— Уста Кулолдан талаб қилурмиз, ул ҳам кулоллар маҳалласидаги сарбадорлар аҳволотидан сўз айтсин, рўйхат берсин... Нозим Меҳмет чекига Қаландархона кўчаси тушадир.

— Менга Қўрчилар кўчаси берилса, ул ерда ҳамрозларим кўп... — сўз олди Хўрдак Бухорий. — Ундан Камонгарон қишлоғига ҳам ўтурмен, шул ниятда...

— Балли, балли! — маъқуллади Абубакр Калава камонмерганнинг топқирлигидан

мамнун. — Айниқса, Қўрчилар кўчаси ва Камонгарон қишлоғидан рўйхат тиғиз бўлса... Ахир улар — қўрчилар! Жамоамиз қўрчиларсиз мушкулликларга учрайди, бу кундай равшан!

Навбат Лакшманга етди.

— Лакшман! — деди сарбадорлар жамоаси оқсоқоли. — Сен ўз санъатинг билан бормаган жойинг йўқ. Ҳамма жойга сен учун йўл очик. Сенинг чекингга Хонқали кўчаси тушмакда...

Жамоа бу гапни қийқириқ ҳазил билан қарши олди:

— Уҳ-хў! Лакшманнинг омади келди! Хонқали-я!

— Шу кўча менга тушсин деб умидвор эдим-а! Аттанг, илиб кетишди... — деди камонмерган.

— Энди Лакшман кўчани бошлаб кўздан кечиради! Хо-хо-хо!..

— Рўйхатни тўппа-тўғри Хонлиқ оқа хонадонидан бошлайсан, ҳа, бобилхонадан! Илон ўйинини кўрсатасен уларга! Қиҳ-қиҳ-қиҳ!..

Қаҳ-қаҳа кўтарилди. Ҳамма мароқ қилиб кулар эди.

— Ҳай, овозни кўтарманглар! — деди яна Уста Кулол кулгудан қизарган кўзларини артиб. — Читра келин ухламаган бўлса, бу гапни эшитиб қолмасин тагин... — Уста шундай дерди-ю, ўзи қаҳ-қаҳ отиб куларди.

Қийқириқнинг сабаби бор эди. Лакшман, кичик жуссали, сабзак ранг морбоз қўйнинг оғзидан ҳам чўп олмаган, покдомон, ҳалол одам бўлиб, буни ҳамма билар, бобилхонали кўчанинг айнан шундай одам чекига тушганлиги чиндан ҳам кулгили эди. Лакшман ҳам бўш келмасликка ҳаракат қилар, қаққон ҳаракатли эканлигидан жойида ўлтиролмас, катта-катта кўзларида қувлик ўйнарди.

— Агар илон ўйнатишдан чарчасам, сизни чақираман, уста! — деди у. — Мен дам олгунча ўйнатиб берасиз! Хо-хо-хо!..

Ҳамманинг ичаги узилгудек бўлди. Бу гап Лакшманнинг ўзига ҳам нашъа қилди. Бир оздан кейин қийқириқлар тингач, Лакшман жиддий деди:

— Бозоркўчани ҳам оралаб чиқсам, менинг ҳам у ерда кўп таниганларим бор... Тўйларида бўлганмен... Мени билишади.

— Менга ҳам гал келди шекилли... — сўз олди Мавлонозода ним табассум билан. — Мен Арк кўчаси билан машғул бўлсам, иттифоқо шу кўчада менинг яқинларим бор... Сўғин мадраса толиби илмлари орасида ҳам сарбадор руҳиятидаги оташ диллар бор, деб билурмен ва умид қилурмен... Барчасининг тафсиру рўйхатига камина тортиб берса...

— Барчасининг рўйхатига сиз тартиб берурсиз, Мавлонозода! — деди Абубакр Калава. — Яъни... Арк кўчасию толиби илмларгина эмас, балки бутун Самарқанд сарбадорлари жамоаси фуқаросига, ҳа-ҳа, бутун сарбадорлар рўйхатига тартиб берурсиз!.. Сиз жамоамизнинг котиби-ю, мирзосисиз...

— Бош устига! — деди Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми. — Фақирнинг хужраси бу кундан жамоамиз ихтиёрига ўтди, деб ҳисоблангиз, ҳар он, ҳар дақиқа барчага очик бўлади.

— Вақт алламаҳал бўлиб қолди, бу гал узоқ давра қурдик... — Абубакр Калава токчадаги жинчиروққа қаради, чироқ липиллаб ўчар бир ҳолатга келганди.

— Узоқ давра қурдик, аммо вақтнинг қандай ўтганини билмай қолдик... — деди Уста Кулол. — Оламни айланиб чиқдигу...

— Камина Наддофлар кўчаси-ю, маҳалласи аҳлини ҳисобга оладирмен... — давом этди Абубакр Калава. — Маҳаллада аҳиллик бор. Мана, Уста Кулол, Ҳалвойи борганларида ўз кўзлари билан кўрдилар. Раҳимқул деган фуқаромиз томини ҳашар билан ёпиб бердик. Кўп юмушлар ҳашар йўли билан адо этиладир. Ҳашар бирлашмакнинг улуг расм русумидир, ота-боболаримиздан қолган эзгу удумдир. Ҳашар сарбадорлар жамоасида энг аъло одатларимиздан бирига айланиши лозим. Маҳаллада яна яхши урфларимиздан бири «Хайрия» деб номланади. Фуқаро ҳоли қудрат хайр йўлига бир дирҳам-ярим дирҳам пул ажратадир, бизда уни Аноркул сатанг деган йиғадир. Жамалга камбағал, бева-бечораларга, мусофирларга, ночор кишиларга сарф этилади. «Хайрия» ҳам жамоамизнинг ардоқли қондасига айланиши даркордир...

— Кўп яхши! Кўп яхши! — дейишди ҳамма.

— Инчунун, бир кишини «Хайрия»га мутасадди этиб тайинласак... Кимни тайинлаймиз? — ўлтирганларга синчков назар солди Абубакр Калава, лекин ғира-ширада ҳеч кимнинг юзини кўриб бўлмасди.

— Нозим Меҳмет! — деди Лакшман. — Нозим Меҳмет!

— Жуда тўғри! — қўшилди Уста Кулол. — Озми-кўпми, ишқилиб, доим қўлида пул бўлади, қаҳвахонаси бор... Шундай одам бўлиши керак! Вақт-бевақт «Хайрия»да пул бўлади, ё бўлмайди...

— Жоним билан! — деди Нозим Меҳмет, бурнини бир ушлаб кўяр экан. — Ҳисобни кепакига ҳам хиёнат этмай олиб борурмен!..

— Рўйхатга олаётганингизда, — Абубакр Калава энди барчага мурожаат қилди, — бир кишини тайин этингким, ул ишончли вакил бўлсин, сарбадорлардан бир дирҳам-

ярим дирҳам йиғсин, бу аъзолик бадалидир, сўнг Нозим Меҳметга топширсин, ҳисобини берсин. Нозим Меҳмет эса жамалга ҳисобини бизларга баён этиб турадир. Шаҳримиздаги ғарибу ғураболар, етим-есирлар, ҳеч кими йўқ қари-қартанглар ушбу хайриядан кўмак оладилар... Зардўштийми, мусулмонми, насронийми, яҳудийми, монанвийми, хиндийми, маъжусийми — «Хайрия»дан фойдаланишда барчасининг ҳуқуқи теппа-тенгдир. Ушбу шартни фуқароларга аён этмак лозим...

— Шаҳар ҳокимидан ижозат олинурми? — сўради кимдир.

— Зинҳор! — деди Абубакр Калава. — Аввало, улар ижозат бермайдилар, сўнгга, билиб қолишса, хуружга йўл очурлар. Биз кўпайишимиз керак, бирлашмагимиз зарурдир.

Мавлонозода Абубакр Калаванинг донишмандлигига қойил қолди. Ҳа, Самарқанд сарбадорлари жамоаси оқсоқоли билимдон, ҳаётий тажрибаси пишган, оқни қорадан ажратиб олган, босиқ табиатли бир инсон экан! Ҳамманинг ҳурмат қилиши бежиз эмас... Хўрдак Бухорий у ҳақда камоли эҳтиром билан гапирарди, таърифларни эшитган сари Мавлонозодада бу инсонни кўриш иштиёғи орта борар эди. Шукрлар бўлсин-ким, уша ниятига эришди, содда ва ишонувчан, асл инсон билан танишди, суҳбатидан баҳраманд бўлди. Оқил инсон эканлиги учун ҳам кишиларни бир жамоага бирлаштира олибди, Мавлонозода мана шу жиҳатига эътибор қилди. Турли дину қавм эмас, мусулмонларнинг ўзининг ичиди, бирлашиш у ёқда турсин, бир-бирининг йўлини тўсган, душманлик қилган, қонини тўкканлар қанча!..

— Эй, феъли мағрурлар! — деди Абубакр Калава, овози бу гал тетик ва хушбахт эди. — Сизларни ғаройиб бир ҳодисадан огоҳ қилмакни кўпдан ўйлаб юрардим, аммо фурсат пойлардим. Фаҳм этдимки, вақти келибдир... Шаҳримизда турфа, биров етти ухлаб тушида кўрмаган бебаҳо бир салтанат бордир...

— Салтанат? — ажабланди Ҳалвойи. — Йўғ-э? Нималар деяпсиз, ҳамсоя?

«Наҳотки, биронта одам бу салтанатга дуч келмаган бўлса?» ўйлади Абубакр Калава, сўнг деди:

— Бу салтанат ҳар куни туноқшомдан то тонга қадар даврон сурадир. Уни шунинг учун Тун салтанати дейдилар. Кундузи тирикчилик кўйида юрадилар, тунда эса салтанат тузадилар. Бу ҳалол салтанатнинг ўз шаҳриёри, вазири, фуқароси, ҳатто... жаллоди бор!

Абубакр Калава Тун салтанати, унинг ўзига хос қоида-йўриқлари, фуқаролик шартлари, энг муҳими, уларнинг қоим эътиқод эгалари эканлигидан сўзлади. Шаҳриёр, Насафий, Соҳиб Чангал, Шотабиб, Бобо Султон, Ахий Жаббор, Ҳасан Чиноқ ва бошқа фуқаролар ҳақида гапирди. Уларни аллақачонлар сарбадорлар руҳиятига кирган кишилардир, деди.

— Бизлар Тун салтанатини сарбадорлар жамоасига бирлаштиришимиз лозим...

У салтанат рўйхатини тузиш фақирга топширилсин, дейман...

Шу пайт «Топширилсин! Топширилсин!» деган сўзлар асносида, шаҳарнинг жануб томонидан, чамаси Бозоркўча тарафдан тун-кеча бағрини ёриб аёл кишининг дод-фарёди эшитилди, кейин итлар вовуллаши борлиқни тутди. Аввал олисдан эшитилиб аста-аста кучайиб бораётган от туюқлари овози, сурони аёл фарёдини ҳам, итларнинг вовуллашларини ҳам босиб кета бошлади. Шаҳарга йигирма-ўттиз чоғлиқ суворийлар тош йўлни тарақлатиб от қўйиб кириб келарди.

— Бу бирон қўшиннинг бўлаги,— деди Хўрдак Бухорий.— Йигирма-ўттиз отлиқ ўзи кечаси юрмайди, фақат чорасизликдан юради. Бу — ёки энгилиб пароканда бўлган қўшин оқоваси, ёки ичидан низо чиқиб парчаланган лашкар аломати. Ҳарқалай отлиқлар қочиб бораётибди...

Дарҳақиқат, отлиқлар ҳеч қаерда тўхташмади. Улар Чорсу майдонигача бир шиддат билан келишган бўлса, майдонни кесиб ўтгач, Ҳолвачилар кўчасига бурилдилар-да, Тошкент томонга қараб икки шиддат билан отга қамчи босдилар. Тун-кечада итлар вовуллашига қўшилиб кетган отларнинг тақир-туқури тобора узоқлашиб борарди. Отлиқлар шаҳардан чиқиб кетишди шекилли, овозлари энди эшитилмай ҳам қолди.

— Қаердан билдингиз, мерган, отлиқларнинг қочиб бораётганини? — деб сўради Уста Кулол.— Отларни туюқ олишидан биласиз-а!

— Буни-ку, билиш қийин эмас эдику-я...— ўйлаиб деди Хўрдак Бухорий.— Аммо отларнинг туюқ олиши яхши эмас-да, уста...

— Бу нима деганингиз? Отлиқлар қочиб қолишди-ку?..

— Ана шу қочиб қолишини айтяпман-да! Агар уларни каттароқ бир черик қувмаганида эди, қочишмаган бўларди, балки бамайлихотир шаҳарда қолиб бирон бир бечорани қақшатиб, тонг отқизиб жўнар эдилар...

— Демак уларни кимдир қувиб келмоқда, шундайми?

— Кимдир эмас, хийла катта черик, ҳарқалай қочиб қолганлардан катта...

Сал ўтмай камонмерганнинг бу тахмини ҳам тасдиқланди. Шаҳар томон энди бурғу чалиб, довул қоқиб қўшин келмакда эди. Қўшин ҳали олисда бўлса ҳам, шовқини кучайиб борарди. Ҳалигина қулоғи тинган шаҳар, яна итларнинг вовуллаши, отларнинг кишнаши, бурғу ва довул саси, навкарларнинг ғала-ғовуридан иборат қоришиқ олатасир садоларга тўлиб кетди. Мовароуннаҳр тахтига даъвогар Амир Қозо-

гоннинг набираси Мир Ҳусайн Темур, Шайх Муҳаммад, Шер Баҳром сингари уришқоқ амирлар кўмагида Шаҳрисабздан тўрт фарсахлик масофада Тошариқ мавзеида мўғул хони Илёсхўжани енгиб, ўзини тириклай тутиш мақсадида унинг пароканда кўшинини қувиб келмоқда эди.

ЕТТИНЧИ БОБ

Тунги Самарқанд қўйнида машъалалар

Самарқанд ҳали тун қўйнида эди. Жануб томондан уфқ ёришиб келаётганини кўрган айрим шошилган хўрозлар қичқиришга турдилар. Лекин уфқни ёриштириб юборган тонг эмас, балки Амир Ҳусайн навкарлари тутиб олган машъалалар шуъласи эди. Ҳар бир навкар тўпча машъалани бош узра ўйнатганча наъра тортиб шаҳарга кириб келарди. Аввал икки юз чоғлиқ отлиқ тасира-тусир от чопдириб Бозоркўчага кирди. Қамчиғай отлар минган бу жарчилар, то Амир Ҳусайн аъёнлари билан етиб келгунча шаҳар аҳлини Чорсу майдонига чорлаб, жам этиб туриши лозим эди. Жарчилар марказий майдондан йигирмата-йигирмата бўлиб саккиз кўчага таралиб кетдилар. Агар шу пайт тепадан қаралса, жуда ғаройиб манзарани кўриш мумкин эди: машъалали жарчиларнинг катта бир тўпи Чорсу майдонини банд қилганди, гўёки шу тўпдан кўчаларга машъалалар оқарди. Жарчилар кўчага киргандан сўнг бўлинишиб олдилар, биров кўча бошига тушди, биров ўртадан бошлади, бошқа бирови маҳаллалар оралаб кетди. Ҳар бир дарвозани тақиллатиб, тездан ҳамма Чорсу майдонига боришлари зарурлиги буйруқ оҳангида айтиларди. Шаҳар аҳли бунга кўникиб қолган, ҳеч ким бемаҳалда нега безовта қилишяпти, демас, ҳайрон ҳам қолмасди.

Жарчилар бошлиғи, амирлашкар Темурнинг йигитларидан бўлган барваста Давлатшоҳ бахши Чорсу майдонида қолган жарчилардан кимнидир чақирди:

— Элтутмиш!

— Жон вужудим кулоқ! Лаббай, бегим! — баланд бўйли навкар Давлатшоҳ бахши олдига лапанглаб чопиб келди. Машъала ёруғида Элтутмишнинг елкасида кокили кўриниб турарди.

— Ёнингга ўн навкарни оласен!..

— Оламен!..

— Арк кўчасига борасен!..

— Борамен...

— Шаҳар ҳокими Шоҳмалик қавчин уйини биласен...

— Биламен...

— Исқирт Шоҳмалик қавчинни тутасен...

— Тутамен!..

— Оёғини ерга теккизмай олиб келасен!

— Келамен!

Элтутмиш ўнта навкар билан буйруқни адо этишга жўнади. Жарчилар бошлиғи энди Зайниддин деган навкарни ёнига чорлатди.

— Садр Сулаймон деган табаррук зотнинг ҳовлисига боргил! Сен ҳеч у ҳовлида бўлганмусен? Самарқанд садри жаҳони ҳовлиси!..— Давлатшоҳ бахши жилмайди.— Фирдавсмонанд боғ, чаман...

— Менга йўл бўлсин, бегим! Мен қаёқдан бўламан бундоқ ҳовлида? — деди навкар энсаси қотиб.

— О!.. Утган йил амирим Темурбек сабабли ул зот меҳмони бўлувдик! Амирим ул садри жаҳон билан дўстлик ришталарини маҳкам тутадирлар. О... мармар ҳовузда сиймин баданлар билан бирга ҳопитган эдик... Оқ томоқ гўзаллар...

Зайниддин индамай турар, афтидан бу гаплар уни қизиқтирмас, балки нима юмуш топширилар экан, деган хаёл оғушида эди. Навкарнинг бефарқлигини кўрган Давлатшоҳ бахши жаҳли чиққанини билдирмади, жиддий тусга кирди-да:

— Бўлди! Бўлди! Суриштираверма! — деди, гарчи навкар ҳеч нарса демаган эса-да.— Сенга шундай гаплардан бўлса, эшакдек кулоғингни шалпайтириб эшитаверсанг, а!.. Ҳозир ўнта навкар билан бориб Садр Сулаймонни ҳурмат-эҳтиром ила олиб келинглар! — дея буюрди. Кейин қўшиб қўйди: — Зинҳор шошилтирманг! Бешта навкар олдиндан қўриқлаб келсин, бешта навкар орқадан! Уқдингми?

— Уқдим! — деди Зайниддин ва юмушни бажаришга кетди.

* * *

Сарбадорлар жарчининг «Ким бор?! Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Ҳусайн фармони! Ҳамма Чорсуга борсин! Ҳамма Чорсу-у-у-га-а!.. Биронта одам уйда қолмасин-и-и-н! Ким фармонни бажармаса, ўзи ўлимда, моли талонда!» деган сўзларини

эшитишиб кўчага чиқдилар. Ҳамма томондан: «Чорсуга! Чорсуга!» деган овозлар келар, узоқдан машъалаларга тўлиб кетган Чорсу майдони ажабтовур кўринар, маъжусийларнинг кўҳна маконини эслатар эди.

Кўчада одам тобора қалинлаша бошлади. Ярим кечада бесаранжом бўлган, дили оғриган кишилар Чорсу майдони томон боришар, оқим ичида хотин-халаж, ёш болаларни ҳам учратиш мумкин эди. Қаландархона кўчасида аксари ҳар хил қавм кишилари — ҳинду юнон, эронийлар, румликлар истиқомат қилишарди. Кўча охирида жойлашган қаландархона жарчилар қутқуси билан бузилган ари уясига ўхшаб қолди: бемалашган қаландарларнинг қай бири шошилиб жандарини топа олмас, бошқа бирови қайиқсифат заврақини йўқотган, ўзгаси эса кашкулини белига боғлаш билан овора, мисвокни ҳам эсдан чиқармасди. Улар ҳамма нарсаларини ўзлари билан олишга ҳаракат қилишарди, ким билсин, шу кетишда балки бутунлай Самарқанддан чиқиб кетилар, ахир чархи кажрафторнинг турфа ўйинлари кўпдир... Қаландархона кўчасида тиккин пайдо бўлди.

— Нима туриш?! — бақирди шу пайт жарчи от тизгинини тортиб, тиккинга яқин қолганда. — Тоғам томоша кўрсатяптими?..

Жарчи кўлидаги машъалани одамларнинг юзига яқин олиб келди, у сарбадорлар ёнида тўхтагани, гуриллаган ёлқин бир-бир ғазабнок чеҳраларни ёритди.

— Ҳой жарчи! Жарчибоши! — хушомад қилган бўлди Ҳалвои, уни суҳбатга тортиш мақсадида. — Жета хони нима бўлди, ҳамсоя, Жета хони?..

— Жета хони Илёсхўжами? Хо-хо-хо! Нима бўларди? Иштонини турмаклаб қочди! Қочаётиб шаша қилиб кетмакда! Иштонига қилиб қўйди, иштонига! — мамнун деди жарчи. Бу ҳақда гапириш унга ёқишлиги кўриниб турарди.

— Қаерда жанг бўлди?

— Шаҳрисабз ёнида. Қон дарё бўлиб оқди ўзиям! — Мақтанди жарчи. — Туғлуқ Темурхон ўз саройида оламдан ўтибди. Энди Илёсхўжа Мовароуннаҳрга эмас, бутун Жета мамлакатига хонлик қилар экан... Ушанга шошилиб майдонни ташлаб қочди, хе-хе-хе! Аммо-лекин таноби тортилиб қолувди ўзи...

— Таноби тортилиб қолувди?.. — сўради Хўрдак Бухорий.

— Эса-чи! — деди жарчи. — Неча лашкарбошиси жангда ер тишлади, аскарлари нобуд бўлди. Бир чимдим лашкар билан Амир Хўсайндек ҳукмдорга бас келиб бўлурми экан? Унинг Шайх Муҳаммад, Амир Темур, Шер Баҳром деган филтан, арслон юракли саркардалари ҳар бири бир иқлимга татийдир, ўх-хў!..

Мавлонозода Темурнинг номини эшитиб, кўнглига илиқлик югурди. Темурнинг отаси Амир Тўрғай билан Мавлонозоданинг отаси мунажжим Яхё Ҳасан барлос ўртасида дўстлик иплари боғлангани, бунга уларнинг бир қабиладан — барлос уруғидан эканликлари ҳам сабаб бўла оларди, айни пайтда мунажжимнинг жангу жадаллар, ҳарбий юришлардан мутлақо узоқ одамлиги ҳам бу дўстликни мустаҳкам тутгувчи омиллардан бири эди.

Навкарларнинг ҳарб майдонидаги юришларидан кўра, юлдузларнинг фалак бўстонидаги ҳаракатларини кузатишни жони-дилидан ортиқ кўрган мунажжим Яхё Ҳасан барлос ўзининг камтаринлиги ва хокисору синиқ сажияси билан Амир Тўрғайга ёқарди. Амир унинг илми нужумдаги билимини, одамийлигини қадрларди, айни чоқда кундалик турмуш, яшаш бобида мутлоқ уқувсизлиги ва ландовурлигига чидай олмасди. Фақирона кун кўриб, шунчалар билимга эга бўлиш осон эмас... Шу жиҳатларга ишора қилган амир неча марта мунажжимнинг дили оғриб қолганини сезган эди. «Барчаси қилган амир неча марта мунажжимнинг битта даражасига битта даражасига ийиб ўткинчи, — дер эди Яхё Ҳасан барлос. — Фақат юлдузларгина бу дунёда абадул абад-дир». «Шундоқ-ку, лекин юлдузларни еб бўлмайди-да! Улар билан қорин тўймайди...» жавоб қиларди Амир Тўрғай киноя билан. У Шаҳрисабз амири Ҳожи барлосдан мунажжим учун маош тайин қилишни сўради. Бир куни деди: «Мана, менинг ўғлим Темурбек, чапдастлиги бор, сенинг ўғлинг Нодирбек олти ёш кичик... Эртанги кун шуларники, булар дўст, оғани бўлса, деб умид қиламен. Амирга ҳар қачон фозилу фузало забурдир, Яхё!» Шундан кейин, Темур билан Мавлонозода иккиси оталари олдида, то ҳаёт эканлар, бир-бирларидан хабар олиб туришга, бир-бирларини қўллаб-қувватлашга аҳд-паймон айладилар. «Юлдузларингга боқ-чи, Яхё! — деди кўнгли алланечук ийиб Амир Тўрғай. — Юлдузлар недан фол очадилар?..» Яхё Ҳасан барлос зудлик билан ертахта келтиришларини сўради, сўнг баландликни аниқлади. Ертахта устига юлдузлар ҳолатини аён этувчи толе жадвалини чизиб чиқди. Юлдузларнинг йиллик жойлашишини ҳам назардан қочирмади, ҳар бирини ўзларига мос келган буржга қўйди... Саҳм ус-саодат билан саҳм ул-ғайбнинг¹ ҳар иккиси ҳам толе жадвалининг битта даражасига тушган эди! Мунажжим узоқ термилиб, мулоҳаза қилди-да, деди: «Олам ёритгичи, фалак шоҳи кўёш асад буржига бош қўймакда. Яъни оламтобнинг шер рўбарўсида бўлмаги саъд замондан аломатдир, иқбол онларига ишоратдир!...» Ушанда Амир Тўрғай ҳам, мунажжимга ҳайратда боқиб туришган Темур билан Мавлонозода ҳам

¹ Саҳм ус-саодат, саҳм ул-ғайб — илми нужумда махсус далиллар, толедаги юлдузлар ўрни, жойлашиши.

офтобнинг қандоқ қилиб асад буржиги бош кўйишини ҳеч тасаввур қилиша олмаси-да, бахтли замонлар келишини эшитиб бағоят хурсанд бўлдилар. Орадан икки йил ўтиб Амир Тўрғай оламдан кўз юмди, ярим йил ўтган Яхё Ҳасан Барлос ҳам бу дунё ташвишларидан илик тортди... Ушанда Мавлонозоданинг Садр Сулаймон мадрасасида таҳсил олаётганига икки йилгина бўлган эди холос.

Ўтган йиллар ичида Темур билан Мавлонозода учрашмадилар, чунки биринчиси, ҳарбий майдонларда от сурмоқдан, лашкар йиғмоқдан завқ олди, юрт ва ҳокимият эътиқоди йўлида бор-будидан ажралиш лозим бўлса, ажралишгача борди.

Мавлонозода эса чапдаст амирдан кўра ўзгача йўл тутди. У падали бузруквори изидан кетди, мадраса тупроғини ялаб, қол ва ҳол илми сирларини ўрганмакда, аф-суслар бўлсинким, у илмнинг ўндан бирини ўрганди, эҳтимол, юздан бирини... Мавлонозоданинг ёдида бор, ўшанда Темур билан иккиси аҳд-паймон қилганларидан сўнг, Яхё Ҳасан Барлос Амир Тўрғайдан кетишга изн сўради. Йўлга чиққанларида кеч кириб қолганди, падали бузруквори Шахрисабз осмонига қараб, чарақлай бошлаган юлдузларга кўз тикди-да, оҳиста деди: «Ўғлим, шуни билки, бизлар бир қабиладан бўлсак ҳам, бошқа-бошқа одамлармиз. Улар умр деган оқар дарёнинг сул томонидан макон қидирадир, бизлар бу қирғоқда қолаверамиз, дарё эса азим, Қурдум дарёдир... Дарёнинг у ёғида туриб, пайт келганда сенга қўл узатмайди, буни ёдингда сақла!..» Нега мунажжим шундоқ деди ўшанда, толиби илм ҳали-ҳануз тушуна олмайди.

Яқинда Аббос баҳодир деган бир кишини Мавлонозодадан хабар ол, деб юборган экан, ҳужрасини топиб келибди. «Амирим, толиби илм бирор кор-ҳолига сарф этиб юрсин, деб мана бу юз динорни бериб юбордилар...» деди-да, унга ёнчиқ узатди. Мавлонозода ҳаяжонда ёнчиқни олганини билмай қолди. Аббос баҳодир: «Мен шу ерданман, Самарқандда бўламан, ўзим келиб тураман...» деди-ю, бошқа гап айтмади. Мавлонозода ҳам суриштирмади. Мана энди Темурнинг ўзи Самарқандга келаётган эмиш. Балки аҳд-паймон қилган дўсти, инисини йўқлатар?..

— Биз бу кеча Самарқандда тўхтаб, саҳар Тошкент томонга от сурамиз. Илёсхўжани тириклай тутмак керак! Кимки Жета хонини тириклай тутса, унга авраси Чин атласидан олтойи пўстин, дубулғали қалпоқ, узангиси олтиндан от суюнчиси бўлғай!

Жарчи салдан кейин худди пинҳон сирни айтгандай кўшиб кўйди:

— Айтишларича... олтойи пўстин чўнтагида минг динор ҳам бор эмиш... Энди, олганлар билади-да, буни...

— Вой-бўй!

— Ундан бошқа,— деди жарчи, ҳаммани ўз оғзига қаратганидан мамнун,— ҳар қайси аскар қилич чопиб баҳодирлик кўрсатса, безатилган ўтоға, турнабеллик қилич ҳамда бир от билан сийланадир. Уни ўнбошиликка кўтарурлар!

— Ҳой!— деб қичқирди кимдир.— Баҳодирлик кўргизиб ўнбошиликка кўтарилсанг, зиёфатга бизни ҳам чақиришни унутма!

Қийқириқ авжда эди.

Сарбадорлар Чорсу майдонига кириб келганларида майдоннинг қозондай қайнаётганини кўрдилар. Гарчи унда-бунда машъалалар ёнаётган бўлса ҳам майдонни ёритолмасди, одамларнинг ғала-ғовурини эшитиш мумкин, аммо юзларини кўриш маҳол эди. Чорсу майдони бамисли баҳайбат ўрани эслатар, беш-olti минг одам гўё ғафлат босиб ярим кечаси зулмат кўйида бу чуқур ўрага тушиб қолгану, энди қандоқ қилиб ундан чиқиб кетиш йўлларини излашарди. Мушкул жойи шунда эдики, ваҳима исканжасида биров бировнинг гапига қулоқ солмас, ит эгасига боқмасди. Ғала-ғовур ичида хотин-халаж, ёш болаларнинг ҳам овозлари қулоққа чалинарди. «Тун салтанати нима бўлдийкин?» деган фикр ўтди Абубакр Калава хаёлидан. У майдоннинг нариги чеккасида, Жомеъ масжиди ёнида лип-лип ёниб турган фонусга тикилди, чамалаб, Тун салтанати подшоси Шаҳриёрнинг уч сандиқдан иборат «тахт»и турадиган жойни қидирди. Афсуски, тахт кўринмас, лекин ўша ерда хийлагина сайҳонлик муҳофаза қилинган, кечаси эканлигига қарамай, сув сепаб супурилар, афтидан, Амир Ҳусайн ва унинг аъёнларига жой ҳозирланарди. Сайҳонликнинг кўйроғида эса дор тикилмоқда эди.

Одамлар сафи тиғизлашиб борарди. Айниқса, Арк кўчаси, Кулоллар, Наддофлар, Бозоркўчадан одамлар дарё бўлиб оқиб келар, майдондаги тўлқинга тўлқин қўшар эди. Сарбадорлар майдоннинг озроқ ичкарасига киришган пайтда, чап томондан аллақандай тўлқин келди-ю, уларни ўнгга, Наддофлар кўчаси томон суриб юборди. Хўрдак Бухорий оёғини тираб тўлқинни тўхтатмоқчи бўлди, Нозим Меҳмет, Лакшман, Читра, Кумар, Исоқ этикдўз унинг орқасида бўлганидан, ўзларини базўр ушлаб қолишди, аммо бошқа одамлар ёпирилишиб, сарбадорларни бир-биридан ажратиб ташлади. Абубакр Калава қараса, фақат Мавлонозода иккиси қолибди.

— Мавлонозода!— деди қаттиқ овозда сарбадорлар жамоаси оқсоқоли.— Камонмерганлар қаёқда?

— Бизлар сурилиб кетдик!— жавоб қилди ҳансираб Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми.— Таассуфки, барчасини кўздан йўқотдим!

— Таваккал ту алоллони деган эр, на талқону на қалқоннинг ғамин ер!— деган

сўзлар эшитилди шу пайт Абубакр Калавадан йигирма одимча нарида. Сарбадорлар жамоаси оқсоқоли ялт этиб ўша томонга қаради. Ғира-ширада баланд бўйлик, кулоҳнамо қалпоқ кийган, шоп мўйлов йигит унга ғоятда таниш кўринди. Ажабо, сўзлари ҳам, келбати ҳам таниш... айниқса, Абубакр Калаваникига ўхшаб кетадиган шоп мўйлови... у эслашга уринди.

Машъала тугган жарчилар энди Жомеъ масжиди олдидаги сайхонликдан Бозоркўча томонга қараб одамлар орасидан йўл оча бошладилар.

— Пўшт! Пў-ў-шт!

— Қоч, куясан! Ўтни кўрмаяпсанми?

— Э, мунча болангни биғиллатасан? Эмчак берсанг-чи!

— Бир четга туришлар! Ҳозир шу йўлдан ҳукмдор келадилар!...

Жарчилар икки қаторга тизилиб, ҳар ўн-ўн беш қадамда биттадан бўлиниб олдилар. Абубакр Калава ҳалиги шоп мўйловни эслади: у Тун салтанатининг фуқароларидан валлакат Ахий Жаббор эди.

Ахий Жаббор билан Калтатаи иккиси Илёсхўжа асирлари ичида Жиззахгача бордилару қочишга имкон топа олмадилар. Ниҳоят, бир куни кечаси улар бир неча асирлар билан бирга соқчиларни ўлдиришиб, пастқам йўллар билан Самарқандга қайтиб келдилар.

— Ахир Жаббор!

Валлакат Ахий Жаббор ўз номини бегонадан эшитиб, фуқаролардан бири деб гумон қилди, чунки фақат Тун салтанатидагина уни номини айтиб чақирардилар, бошқа жойларда у ғариблардан бири эди холос.

— Эй, Тун салтанати фуқароси, кимсен? — деди Ахий Жаббор шерик топилганига қувониб. — Соҳиб Чангал бўлсанг, кел! Бобо Султон бўлсанг, кел! Абомуслим бўлсанг, кел! Насафиймусен, Холиқбердимусен? Аббос баҳодир ё Ҳасан чиноқмусен? Шотабибму Сукротмисен? Қамариддину жаллодмисен? Салтанат подшоси Шаҳриёрмисен, дўстмисен, ағёрмисен, кимсен? Бу олашовурда барчангиздан айрилиб ғамгинмен, хайриятки бирингиз топилдингиз!

Абубакр Калава бағрини очиб, Ахий Жаббор келишини кута бошлади. Валлакат қараса, Тун салтанати фуқароси эмас, бошқа бир бегона одам унга кучоқ очиб турибди. У тўхтаб қолди.

— Ахий Жаббор! — деди Абубакр Калава, инисини кўргандай қувониб.

— Сиз... ким бўласиз? Танимадим... — деди ўзини тортиб валлакат.

— Мени танимадингми, а феъли тузук? Йў-е! Мен Наддофлар маҳалласи оқсоқолимен-ку! Тун салтанати дўсти, биродари! Шопмўйлов...

— Ие! Ие! Ана! Ана! — деди Ахий Жаббор бирдан Абубакр Калавани таниб қолиб.

Улар кучоқлашиб кўриша кетдилар.

— Бу йигит Мавлонозода, Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми. — Абубакр Калава уларни бир-бирига таништирди. — Бу — Ахий Жаббор, Тун салтанатининг ишонган тоғларидан. Шопмўйлов буям...

— Шопмўйловлар! — деди Ахир Жаббор ҳар иккисига ишора қилиб.

Кулгу кўтарилди.

— Зўр йигит экансиз, кўнгли очик, самимий... — деди Мавлонозода Ахий Жабборнинг жуссадор келбатига боқиб. — Дўст бўлайлик, биродар бўлайлик. Салтанатингиз ҳақида эшитганмен...

— Ташаккур... Қуллуқ... — дея олди холос Ахий Жаббор. Абубакр Калава ундан қолган фуқаролар ҳақида бирма-бир сўрамоқчи эди-ю, лекин бунинг фурсати ҳам, жойи ҳам эмаслигини билиб ўзини тийди. Кейин Ахий Жабборга бундай деди:

— Валлакат! Шаҳриёрни олиб, бизнинг маҳаллага ўтингиз! Маъқулми? Кўпдан сизларни кўрмакчи эдим... Англадингму?

Ахий Жаббор хурсанд, тушундим, ишорасини қилди.

* * *

Жомеъ масжиди олдидаги сайхонликни жарчилар бошлиғи Давлатшоҳ бахши идора қиларди. Бир пайт Элутмиш бошлиқ навкарлар Самарқанд ҳокими Шоҳмалик қавчинни, унинг тўрт хотини, уч ўғли, қизини ҳайдашиб олиб келиб қолди. Қўлига кишан солинган Шоҳмалик қавчин ёлғиз шолварда, ўғиллар ҳам енгил кийинишганди, навкарлар кийинишга фурсат бермаган бўлса керак... Ёз бошлари эди, тунда салқин ҳаво кишига хуш ёқарди.

— Бегим! — ҳисобот берди Элутмиш машъала ёруғида кўзлари йилтираб, орқадагилар унинг елкасига тушиб турган кокилини кўришлари мумкин эди. — Фармонингиз адо этилди! Ҳоким хотинларию бола-бақраси билан ҳузурингизда!.. — Кейин Давлатшоҳ бахшига яқин келди-да, қулоғига шивирлади: — Қизи, дурри носуфта... байбай!.. Нақ хонлар ўтоғини обод эта оладир... Кенжа хотини, хи-хи-хи... кўрку малохатда қизи билан бас бойлашади... Хи-хи-хи!..

— Нима у ёнаётган? — деди кутилмаганда Давлатшоҳ бахши Арк кўчаси томондан кўринаётган шўълаларга қараб. — Шоҳмалик қавчиннинг чорбоғи, бегим... — деди Элутмиш шаштидан тушиб.

— Э, «бегим»ламай ўл! Нега уйни ёқасен? Чорбоғда не гуноҳ? Уйда не гуноҳ? Уй сен билан бизга ҳам керак-ку, калласи йўк, галварс, ножинс! Тез бориб ўчиртир! Қандай ёққан бўлсанг, шундоқ ўчиртир!..

Буйруқни аёло суратда бажарганим учун олқиш оламен, деб ўйлаган Элуттмиш ҳафсаласи пир бўлиб, алам билан, мағрур турган Шоҳмалик қавчин томонга қаради.

Элуттмиш навкарларини ўтти ўчиришга жўнатар экан. «Пўшт! Пўшт! Йўлни очинг!» деган сўзларни эшитди. Бу навкарлар бошлиғи Зайниддиннинг овози эди. Олдинда машъала тутган беш навкар ярим доира шаклида тантанали юриб келар, йигирма қадмча орқада яна бешта навкар иккинчи ярим доира ҳосил қилганди, ўнг ва чап томонда ҳам худди шундоқ навкарлар бўлиб, машъалалардан иборат ўтли доира кўзга ташланарди. Доира ичида уч отлиқ келарди, биринчи от устида Самарқанднинг садри жаҳони Садр Сулаймон савлат тўкиб ўлтирар, шу ўлтиришда, ярим тунда нега оромимни буздингиз, дегандай ранж ила кибру ҳаво аломатлари сезилади. У яқтакнамо оқ, аммо томоғигача бўғиқ қўйлак устидан тилло тугмали чорқаб кийиб олган, тарвузга салла ўратиб қўйгандек бошидаги дастори салобатига салобат қўшар, чап қўлидаги узукнинг катта ёқут кўзи машъалалар шўъласи тушганда ялт-юлт этиб кетарди. Садр Сулаймон минган, устига тўққизил бахмал ташланган олойи отнинг икки қулоғига қўнғироқчалар тақилганди. От юрганда қўнғироқчалар «жаранг-журинг», «жаранг-журинг», деб садо берар, кишида аллақандай биқик, чучмал туйғулар уйғотарди.

Садр Сулаймон — бадавлат кишилардан, йигирма беш минг қўйли қўраю қўтонга эга. Минг бияси бўлиб, ҳар биянинг орқасида қулуни бор, ҳар йили доғгоҳга¹ тойчоқларни тамғалатишга чиқар, ўтган йилги тойларнинг ғўнон бўлганлигини кўриб кўзи яйрарди. Самарқанд атрофидаги Кундузак, Хожа Ғунжора, Кумушкент, Совғончи, Ведар, Хартанг, Хожаи Қалон қишлоқларида жуда кўп қуллари меҳнат қиларди, Тошкентнинг Самарқанд дарбоза мавзеидаги ва Термиздаги карвонсаройларни сотиб олганди, энди иккиси ҳам буромадини қоплаб, даромад палласига кирган, ҳар кунги тушум, усиди ҳам битиб кетган Садр Сулаймон хазинасини бойитар эди. У Нишопурда ҳам бир карвонсарой очмоқчи эди-ю, аммо Амир Қозоғон ўлиmidан кейин Мовароуннаҳрда ҳукумат фатарот топгач, алағда бўлган кўнглига ҳеч нарса сиғмади...

Иккинчи отни Садр Сулаймоннинг ёлғиз ўғли Худобанда миниб олган. Учинчи отда бойнинг басқоқчилари бошлиғи, ардоқли кадхудолардан Жаммазабон ўлтирарди. Улар «садри жаҳон»ни кузатиб келишарди.

Давлатшоҳ бахшининг кўзи ўтли доирага тушди-ю, лапанглаб ўзини шу ёққа урди.

— Хуш келдилар, султоним, хуш келдилар! — Давлатшоҳ бахши юғриб бориб Садр Сулаймоннинг тилло тугмали чорқаби пешини ўпиб кўзларига суртди. У самарқандлик бойни кутаётган бемисл обрў ва мартабалардан бохабар эди, хусусан, Амир Хусайн билан Темур Илёсхўжа одами Шоҳмалик қавчинни Самарқанд ҳокимлигидан олиб ташлаб, кимни тайин этамиз, деб узоқ баҳслашишган, Амир Хусайннинг таклифи билан Садр Сулаймонга тўхталишган эди.

Давлатшоҳ бахши куйманганча узангидан ушлаб Садр Сулаймонни отдан тушишига кўмаклашди.

— Мовароуннаҳр султони, шуқуҳи сарбаланд бўлғай, Амир Хусайн ибн Мусаллаб ибн Амир Қозоғоннинг муборак нафаслари ҳали етмадимму? — ингичка ўткир овозда сўради Садр Сулаймон Давлатшоҳ бахшидан. Барваста Давлатшоҳ бахши эгилиб-букилишдан кичрайиб жавоб қилди:

— Хабар етдиким, Мовароуннаҳр ҳукмдори Кеш дарвозасидан кирмишлар, фирдавсмонанд Самарқанд тупроғига қадам қўймишлар!

Садр Сулаймонни шериклари билан сайхонликнинг тўрисида қилинган катта сўри ёққа бошладилар. Сўрига кўрпачалар ташланган, ўртада Амир Хусайн учун катта тахт қўйилганди. Шайхулислом Абулворис Самарқандий, Самарқанд қозиси Қавомиддин, Жоме масжидининг имоми Қутбиддин, мударрис Хожа Лутфуллоҳлар ҳам шу ерда ҳозир нозир эдилар. Улар Садр Сулаймонни «Келсинлар! Келсинлар!» деб ҳурматини жойига қўйиб кутиб олдилар. Сур-сурда Наддофлар кўчасининг оғзига келиб қолган Абубакр Калава ва Мавлонозодалар Самарқанд «Садри жаҳон»нинг нечоғлик асъасаю дабдаба билан сўрига келиб ўлтирганини кўриб туришарди.

Игна ташланса ерга тушмайдиган, одамлардан тигиз ерда бирдан ҳеч ўйламаган кишиларингни кўриб қолишинг табиий. Шу асно ғаройиб бир учрашув юз бердики, бу Абубакр Калаванинг ҳам, Мавлонозоданинг ҳам етти ухлаб тушига кирмаган, кутилмаган воқеа бўлди.

— Шамсулмулк! Хо, Шамсулмулк! — эшитилди бир қандайдир аёл овози. Овоз ўн қадам наридан келарди. Абубакр Калава ғала-ғовур ичида ўғлининг исмини эшитиб, дабдурустдан вазиятни фаҳмлай олмади, бемаҳалда ким бўлиши мумкин? Юраги «булк» этган Абубакр Калава овоз келган томонга қаради, аммо қоронғида ҳеч нарса кўриб бўлмади. Машъалалар йироқда... Бозоркўча томондан довулу ноғоралар овози тобора яқинлашар, сурон кучайиб борарди. Яна ҳалиги овоз янгради:

¹ Доғгоҳ — тойчоқларни тамғалатадиган жой, яйлов.

— Шамсулмулк! Ҳо, Шамсулмулк! Бизмиз... биз...

Абубакр Калава энди таниди — уни ёстикдоши Қорасоч бика чақирар эди! У шеригини йўқотиб қўймаслик учун Мавлонозодага деди:

— Бу ёққа!..

Улар одамлар орасидан қийинчилик билан Қорасоч бика томон сурила бошладилар. Наддофлар маҳалласи оқсоқоли Қорасоч бика билан қизи Жаҳонни кўриб:

— Ҳа, Шамсулмулк? Нима қилиб юрибсизлар? — деди. Кейин кўшиб қўйди: — Жаҳон қизим, тинчингиз бузилибди-да!

— Ҳа! — жавоб қилди Қорасоч бика. Она-бола бошларига такана ўрашиб, қора тўн кийиб олишганди. — Дарвозани тақиллатавериб қўймадилар... Ҳамма бориши шарт, Мовароуннаҳр ҳукмдори фармони, ким бормаса ўзи ўлимда, моли талонда, дейишди... Хотин-халаж ҳаммамиз бирга келдик... Ана, улар ҳаммаси шу ерда...

Абубакр Калава атрофга қараб, ўзининг маҳалладошларини кўрди, улар орасида Аноркул сатанг, Раҳимқул ва бошқалар бор эди.

— Ё фалак! — энсаси қотиб деди у. — Эркаклар-ку эркак, ҳа, аёлларга нима бор бундай издиҳомда, бемаҳалда... Асли тунда бундай қилмакнинг ўзи ақллилик белгиси эмас! Амир Ҳусайннинг ўйламай тутган иши бу...

Мавлонозода Абубакр Калаванинг завжаси билан самимий сўзлашувига эътибор қилди. Улар бир-бирига одоб билан мурожаат этишар, ҳурмат юзасидан бир-бирини ўғилларининг исмини айтиб чақирарди, халқнинг қадим эзгу одатини маҳкам сақлашлари толиби илмга жуда ёқди.

— Ҳаяллаб кетдингиз-а, отажон? — деди Жаҳон қўнғироқдай овози билан. — Ҳеч кўнглимиз ёришмади. Аямлар иккимиз ташвиш чекдик...

Кутилмаганда қизнинг тиниқ овозини эшитиб, Мавлонозоданинг юраги ўйнаб кетди! «Ие! Қизиқ экансиз-ку! Ҳолвачилар кўчаси бу ерда нима қилади? Бу... Наддофлар кўчаси. Адашиб қолибсиз... Отимни сўрасангиз... отим от...» Бундан бир йил олдин Наддофлар кўчасида учратган ўша бошига такана ташлаган узун оқ бўз кўйлак кийган сирли қизнинг юқоридаги гаплари такрор-такрор эсланаверганидан йигитга ёд бўлиб кетди. Овози ҳозиргидек қулоқларида жаранглаб турибди. Мавлонозода гарчи қизнинг дарагини кўп қидирган бўлса ҳам бирон натижа чиқмаганди. Аммо ўша шаддод қиздан сира умидини узгиси келмас, назарида албатта топадигандай бўлаверарди. Мана, худди ўша овоз жаранглади! Шундоқ ёнгинасида! Мавлонозода вужудидан ғайрат ёғилиб турган қизнинг чеҳрасини, ўнг юзидаги чиройли холи, шахло кўзларини қоронғи бўлишига қарамай қалб кўзи билан равшан кўриб турибди! Тақдирнинг андоқ турфа муруватлари борки, чамалашда ҳар қандай ақл андозаси торлик қилур! Ана шундай идрокларни лол айлаган, кўнгилларни ҳайратга солган, умрларга нур уфурган соҳибқудрат тақдирга ташаккурлар бўлсин! Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми тақдирнинг амалдаги қонунлардан ташқари, ўзининг синалган қоида-йўриқлари бор эканлигига яна бир бор ишонди. Йўқ, эса, шунча вақтдан бери йўқотган кўнгли гавҳарини топмоғи учун Жета хони Илёсхўжанинг Мовароуннаҳр тахтига даъвогар Амир Ҳусайн тарафидан енгилиши, хоннинг қочиши, тахт даъвогарининг қувиши, шу муносабат билан Самарқанд аҳлини ярим кечада Чорсу майдонига тўпланиши лозим бўлармиди? Ахир Мавлонозода қидирган гулини мана шу издиҳомда учратди-да!

Абубакр Калаванинг гаплари толиби илм хаёлини бўлди:

— Ҳа, тўғри айтдинг, Жаҳон қизим! Бугун тақяхонада гаштагимиз узоқ чўзилди... — деди Абубакр Калава Қорасоч бика билан Жаҳоннинг тун бўйи уни кутиб ташвиш чекиб ўлтирганларини тасаввур қилар экан, дили увшди. Сўнг ўзини оқлагандек қўшиб қўйди: — Лакшман билан Читрабонулар ҳам, Хўрдак Бухорий, Уста Кулол, Ҳалвойи ҳаммамиз бирга эдик... Сур-сурда ажралиб кетиб қолдик... Мана, Мавлонозода иккимиз қолдик холос. Бу йигит мадраса муллаваччасидир... Жаҳон, ўқсинма, мен шу ердамен, қизим!

Исми ҳам... жисмига мос: Жаҳон! Жаҳон... Мавлонозода аллақандай ширин туйғудан ўзида йўқ, мийиғида кулар экан, Абубакр Калава ёнида турган, кўпдан кўрмакка маҳтал бўлган қиздан кўзини узолмасди. Мавлонозода, гўё индамай турса сирин очилиб қоладигандай, ҳаяжонини яшириш учун орага гап қўшмоқчи бўлди. Бу пайт Амир Ҳусайн ўз аёнлари билан Чорсу майдонига яқин қолган, нақора садолари майдондаги олачипор ғалаговурни босиб кетмакда эди.

— Мовароуннаҳр ҳукмдори ҳам майдонга кирмакда... — деди Мавлонозода атай бўйинини чўзиб Бозоркўча томонга қараркан. Эллик қадамлар наридаги жарчи тутиб турган катта машъала бир лаҳза йигит юзини тиниқ ёритди. — Суронни кўринг!..

Мавлонозода, гарчи гапи унча ёпишиб тушмаган эса-да, ўз кўзлаган мақсадига эришди. Жаҳон йигитни танигандай бўлди, айниқса йигит Бозоркўча томонга қараганда, қора чизиқ тортиб қўйилгандай хушбичим мўйлаби кўриниб кетди, лабларида эса ним табассум ҳам бордай эди. Ҳайхот!..

Ўша Наддофлар кўчасидаги лаҳзалик учрашувдан сўнг Жаҳоннинг ҳам осуда хаёллари бузилди. Унинг ҳаёти тип-тиниқ феруза осмонни ўзида акс этдирган мусатффо кўлдай тинч эди. Энди нечундир тез-тез қошлари тутаб ёнгандай қоп-қора, ним та-

бассуми ўзига ярашиб турган йигитни ўйлайдиган бўлиб қолди. Уни бошқа учратмади. Ҳар доим йигитни кўрмоқ умиди «у самарқандлик эмас, Шаҳрисабздан-ку» деган фикрга келиб урилар, чил-парчин бўлар эди. Қизнинг фаровон хаёллари бориб Шаҳрисабзга уланадиган бўлди. Шаҳрисабз томонларнинг кўкала-майдон хушманзара жойлар эканлигини, у ерда ҳалиги мусофир йигитнинг яшашини ўйлар, ўша ёқларга боргиси келиб кетарди. Бу ҳақда кўп хаёл сурверганидан, бўлиб ўтган учрашув бора-бора рўёга айланди, лекин шуниси қизиқки, Жаҳоннинг барча кўрган тушлари шу ёшдаги қизларники сингари хотира оинасидан ўчиб кетар, ёлғиз ўша Наддофлар кўчасида юз берган рўё собит турар эди. Энди билса, у рўё эмас экан! Узоқ дамлар унга хаёли тинчлик бермаган йигит шундоқ падари бузрукворининг ёнида турибди. Исми Мавлонозода экан... Мавлонозода!..

Майдонга кираверишда йўлак бошида турган жарчи машъаласини ўйнатиб йигирма қадам наридаги шеригига қичқирди:

— Мовароуннаҳр султони ҳазрати воло, мартабаи маолий амир Ҳусайн ибн Мусаллаб ибн Амир Қозоғон ташриф буюрадила-а-а-ар!..

Иккинчи жарчи учинчи жарчига овоз берди. Бир лаҳзада бу хабар жарчидан жарчига ўтиб сайхонлик тўрисиغا етиб борди ва бутун майдонга тарқалди.

Ҳамма тараддудга тушди. Сўрида ўлтирган Садр Сулаймон, шайхул-ислом, қозикалон, имому мударрислар ҳам пастга тушишиб, олиймақом меҳмон истиқболига ошиқдилар.

Абубақр Қалава баланд бўйлик эканлигидан эллик қадамлар наридаги йўлакни, унда майдонга кириб келаётган Амир Ҳусайн ва унинг аъёнларини кўриб турарди. Йўлакнинг икки четидаги жарчилар тутган машъалалар теваракни яхшигина ёритарди. Бир неча навкарлар — айримлари машъала тутган, бошқалари нақоралар ва сурнай чалиб майдонга сурон солиб, мамлакатнинг янги султони келаётганидан хабар берди. Аввал ўн бештача кўрчию қоровуллар пайдо бўлди. Ун қадамча орқада отига қора барқутдан ёпинчиқ ташланган, бошида дубулғали қалпоқ, бўйнига камон осган, қилич таққан бир йигит кўринди. Энгига ҳалвагай сақарлот чакмон ташлаган бу йигит — Мовароуннаҳр султони Амир Ҳусайн эди. Лашкарбошилар — Темур, Шер Баҳром, Шайх Муҳаммад тўқсабо, шиғовул ва бошқа олий мансабдорлар ҳукмдор билан оралиқни бир хил сақлаганларича изма-из отларда келишарди.

Амир Ҳусайн сайхонлик тўрисиغا етай деганда суронли садолар мамлакат тарихидаги хосиятли дақиқалар келганлигини билдириб яна ҳам авжга чиқа бошлади, сурнай паст оҳанглардан куйиб-пишиб юқори пардаларга чиқар, ундан навбатни карнай олар, салобатли саси билан кенг майдонни тўлдириб юборар, фақат ноғорагина ҳаммасига бирдай попиллаб қўяр эди холос.

Амир Ҳусайн сўрига йигирма қадамча қолганда тўхтади. Тўқсабо, шиғовул ва рикаббоши унинг қўлтиғидан олиб отдан тушишга кўмаклашдилар. Садр Сулаймон йирик одамларга мос келмаган фавқуллодда бир чаққонлик билан йўрғалаб бориб уларга қўшилди. Мовароуннаҳр ҳукмдори отдан тўғри сўрига тушди-да, кўрчилар ортидан чакмони ер супурганча тахтга томон йўналди. Темур, Шер Баҳром, Шайх Муҳаммадлар ҳам келиб сўрида, тахтнинг ўнг томонидаги юмшоқ тўшакларга тиз чўкдилар. Амир Ҳусайннинг завжаси Сароймулкхоним, Темурнинг ёстиқдоши Улжой Туркон оқа, бошқа лашкарбошиларнинг ҳам хотинлари, канизлари орқароқда уғруқда¹ эдилар, етиб келишгач, сўрида, тахтнинг чап томонига ташланган тўшакларга жойлашишди. Аёлларнинг юзларида парда йўқ, очик эди.

Ниҳоят суронли унлар тугади, карнай барини яқунлаган бўлди: гўё кутиш азоблари битди дегандай осмонга қараб сўнгги бор наъра тортдию тинди. Майдондаги ғалағовур ҳам аста-секин пасая бошлади. Ҳамма мамлакат ҳукмдори не дер экан, деб интиқ эди.

— Самарқанд аҳли, тингланг! — деди бўғиқ йўғон овоз билан Амир Ҳусайн ниҳоят тахтда ўлтирган жойида. Йўлакда турган жарчилар, майдоннинг турли жойларидаги машъалали навкарларнинг ҳар бири амир сўзларини одамларга етказиш учун такрорлар, гўё ҳукмдор сўзи акс-садо бераётгандай бўларди.

— Жета хони иблис Илёсхўжанинг қадами Мовароуннаҳрдан қириб ташланди. Унинг ҳар бир фармони ҳам, сўзи ҳам унут этилажак! Лозим эса қилич билан ўчирилажак ул сўзу фармонлар! Бунинг тараддудин кўрурмиз!..

Амир Ҳусайннинг сўзлари майдонда акс-садо беришда давом этарди.

— Бобомиз Мовароуннаҳр султони Амир Қозоғон Садр Сулаймонга Самарқанд ва унинг атроф қишлоқларини салтанатга садоқату ихлоси учун иқтаъ қилмиш эрди. Аммо Жета хони Илёсхўжа шундоқ улуғ фармонни ерга уриб, бобомиз руҳига ҳам ранж еткурди. Бас, ҳақ кўкларда қарор топди, Самарқанднинг фозилу фузалоларидан, эл таниган зотларидан Садр Сулаймон бугундан бошлаб яна Самарқанд шаҳрининг ҳокими даражасига чиқади! — Амир Ҳусайн ўнг томонига ўгрилди. — Темурбек! Садр

¹ Уғруқ — ўрта асрларда хону амирларнинг хотин, бола-чақалари, канизларини бирлаштирган, озик-овқат, курол-аслаҳа ортилган карвон.

Сулаймоннинг Самарқанд ҳокимлигига тайин этилганлиги хусусида бизнинг иноятномани зудлик билан Самарқанд аҳлига ошкор айлангиз!

Темур ўрнидан турди-да, найча қилиб ўралган иноятномани ёзиб, босиқ овоз билан ўқиди:

«Мовароуннаҳр султони, Амир Ҳусайн ибн Мусаллаб ибн Амир Қозоғон сўзимиз! Самарқанд улуғларидан Садр Сулаймон шаҳри олий Самарқанд ҳокимлигига лойиқ кўриладир. Ушбу иноятномага биноан, бутун шаҳар аҳли — ақобиру аъёнлар, олиму уламо, раиият, ғарибу ғурабо, мужовиру мусофир — Садр Сулаймон сўзини ўзига йўриқ деб биладурлар! Самарқанд музофоти ушбу зотга иқтаъ қилиб бериладир. Самарқанд. Тарих 765 ҳижрий, шаввол ойи 20 куни, пайшанбаи нажотбахш».

Иноятнома ўқилгач, сурнай, ноғора, карнай янграб, Мовароуннаҳр султони фармонига етарлича ҳаво бердилар. Сўрида ўлтирганлар, қуйироқда турганлар ҳаммаси бирин-кетин янги ҳокимни қутладилар.

— Муборак бўлсин! Бўлсин, илло...— деди Қавомиддин қози.

— Эзгуликка буюрсин!— қўшилди шайхулислом Абулворис Самарқандий ва кечагина Шоҳмалик қавчинни худди шундай мансаб билан қутлаганлари эсига тушди. Намунча бу олам беқарор бўлмаса?..

Садр Сулаймон мамнун, калта қирқилган соқолини силар экан, ўрнидан турди-да, тахт томон эгилиб таъзим қилди:

— Бошимиз эгик... Бир жонимиз салтанат омади учун фидо бўлгай, иншоолло! Мовароуннаҳр султони, султонлар саромади Амир Ҳусайн ибн Мусаллаб ибн Амир Қозоғон иқболимиз чироғи порлаб турмаги учун узоқ умр кўрсинлар!— ҳокимнинг ингичка ўткир овози майдоннинг ҳамма жойларига эшитилди. Урта бўй, йирик гавдали одамнинг ингичка овозда гапириши кулгили эди. Садр Сулаймон ишораси билан Жаммазабон катта тугун олиб келди. Тезда тугунни ечдилар. Самарқанднинг янги ҳокими тугундан ичига ипак солиб қавилган юмшоқ, оқ зарбофт тўн олди-да, тахтда ўлтирган Амир Ҳусайннинг кифтига ёпди, чиройли қундузи қамчот¹ бўркни бошига кийдирди:

— Йўлингиз оқ, бошингиз омон бўлгай, султоним!

— Қуллуқ! Қуллуқ!— дея миннатдорчилик билдирди Амир Ҳусайн.

— Берган худога ёқибди!..— деб қўйди буни кўриб Абубакр Калава ёнидаги йўғон овозли кампир.

— Султоним!— деди Садр Сулаймон атай бу сўзга урғу бериб. Амир Ҳусайн кўпдан орзу қилган мартабасига эришган, янги султон бўлган палласи, бу сўз унга шубҳасиз хуш ёқарди, буни фаҳмлаш қийин эмасди.— Султоним! Салтанатимиз учун беш юзта қул, мингта учаман деган от жамлаб қўйибмен! Алалхусус, қўшинингизнинг барча отларига озиқ-ем тайёр...

— Қуллуқ! Қуллуқ!— деди яна Амир Ҳусайн.

Садр Сулаймон чекиниб тугундан сарполар олиб Темурга, Шери Баҳром билан Шайх Мухаммадларга ҳам улашди. Темурга мовут чакмон кийдирар экан, аста қулоғига: «Сизники... ўзга... алоҳида... Қарзимиз бисёрдир...» деб шивирлади. Темур индамади. Унга Садр Сулаймоннинг Амир Ҳусайнни ҳадеб «Султоним! Султоним!» деявериши хуш келмади. Темур жуда ўжар ва қаттиққўл Амир Ҳусайнни Мовароуннаҳр султонлигига муносиб эмас, деб ҳисобларди. Лекин на чора, фақат Чингизхон авлодидан бўлган ёки ўша шажарага бориб боғланадиган кишиларгина тахтга эгалик қилиши мумкин, замонларнинг таомили шундоқдир. Амир Ҳусайннинг бобоси Амир Қозоғон юрт бошида турган, Темур бўлса, ким бўпти — барлос уруғидан чиққан шуҳратсиз бир амирнинг валади холос, на унинг бобоси юрт бошқарган, на бирон хеш-ақрабоси! Ким унга тахт беради, тахтга минганда ҳам ким қулоқ осадилар?..

— Раиятга айтар иккинчи сўзимиз шулки,— деди Амир Ҳусайн,— Шаҳрисабз амирларидан Темурбекни салтанатимизнинг ўнг қўли деб ҳисоблайдурмиз! Қўшинимиз сардори, амирлашкар, биз ҳатто биродарлик ришталарини маҳкамроқ боғлаш муроди бирла синглимиз Улжой Туркоч оқани Амир Темурга завжаликка раво кўрдик... Бас, менинг олтин зийнатлик камаримни, чопонимни, ёғлиғимни унга топширингиз!

Темур тухфаларни олар экан, Амир Ҳусайннинг гапидан хурсанд ҳам бўлмади, бўлмаганини билдирмади ҳам. Бир пайтлар Жета хони Туғлуқ Темурхоннинг уни «Сен менинг Мовароуннаҳрдаги қулим демаймен, қўлимсен!» дегани ёдига тушди. Ёдига тушди-ю, лабига истеҳзоли кулгу ёйилди. Қул эмиш! Хонлар севган, ардоқлаган фалсафа! «Амир Ҳусайн эл кўзида шундоқ деса-да, доим пинҳона мартабамни пасайтиришга интиладилар. Мана ҳозир ҳам, қандайдир Самарқанд ҳокимини аввал эълон қилиб, салтанатнинг ўнг қўлини — амирлашкарни!— иккинчи даражага қолдирди...» деган ўйлар кечди Темур хаёлидан.

— Раият!— деди Темур жиддий.— Биз ўлим ўртоғимиз, Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Ҳусайн ибн Мусаллаб ибн Амир Қозоғондан, қайин оғамиздан бағоят хурсанддурмиз... Подшоларнинг ҳукм ҳурматидан ўзга баҳралари йўқ. Бас, кучимиз, саботимиз етгунча ушбу салтанат устиворлиги йўлида белимиз боғлангандир. Билингим,

¹ Қамчот — қундуз телпак.

Илёсхўжа, Жета хони бошимизга ит кунини солгани, юртимизни хору хароб қилгани черик тўплаб, қаршилиқ яловини ёйди. Искандар ўғлон, Амир Ҳамид, Амир Юсуфхўжа янглиғ баддинлар унга қўл бердилар...— Темурнинг кучли овози узоқ-узоқларга етиб борарди.— Жета хони лашкари синди. Ўзи қочди, манглайи тор, кимга қарши тиғ кўтаришнинг фарқига бормаган ушбу уч бадбахт мана неча кунким ҳибсдадир... Душманни ҳибсда узоқ сақлаш пасткашлиқдир. Душманга нисбатан икки йўл тутмоқ жоиз, чунки у доим икки ҳолдан бирига мос бўлур. Душман айбсиз бўлади — айбсиз бўлса, уни ҳибсда сақлаш золимликдир. Бордию айбдор бўлса, тирик қолдирмоқ адолатсизликдир...

Амир Ҳусайннинг ишораси билан энди Шер Баҳром сўз олди:

— Мовароуннаҳр ҳукмдори фармони билан салтанат кўрғонига раҳна солмоқчи бўлган ёғийнинг уч амири дорга тортиладир!

Наворалар чалинди. Навкарлар қўлига кишан солинган, учовининг бўйинларига битта жела¹ ташланган, абгор бўлган Искандар ўғлон, Амир Ҳамид ва Амир Юсуфхўжаларни ҳайдаб дор тагига олиб бордилар. Кишанларни ечиб, желадан бошларини бушатиб осишга ҳозирладилар.

— Нега осиади, а? Қўйиб юборишса бўлмайдими?— деди Жаҳон ўз-ўзига айтгандай қилиб.

— Ҳукмдорлар одам ўлдириб туришмаса, кўнгиллари ўрнига тушмайди-да, шунақаи, Шамсулмулк?— сўради Қорасоч бика.

— Анави кишандагиларга жазо бериш учун осётганлари йўқ,— деди Абубакр Калава.— Мана бу майдондагиларга сабоқ бўлсин деб, осияпти. Бизларга сабоқ бўлсин, деб... Шунинг учун вақтнинг бемаҳал эканлигига қарамай ҳаммани қувиб келишганда... Қатағону қирғин, қон — салтанатларнинг ош-нони...

— Ҳа... сиз билан бизга сабоқ...— деди Мавлонозода ҳам сал овозини кўтариб, гўё Жаҳон эшитсин дегандай.— Яъни бошингни кўтарма, қарши чикма...

Муллавачча кўнглининг аллақасерида Илёсхўжа амирларининг дорга тортилишини ёқлар эди ҳам, душманга душманчасига жавоб бериш керак, дерди у.

Нақора садолари кучайди. Абубакр Калава дор томонга қараган эди, учта жонсиз тананинг осилиб ётганини кўрди.

Давлатшоҳ бахши шу лаҳза пайтдан фойдаланиб Темурга яқин келди-да, шивирлади:

— Амирим! Шоҳмалик қавчининг... агар лозим топсангиз... Дурри носуфта ожизаси бор... Алқисса, кенжа хотинини қулингизга бахшида қилсалар...

— Кўнглиннинг бўшлиги ҳеч қолмади, қолмади-да, уйғур!— деди Темур.

Шу пайт Амир Ҳусайннинг овози жаранглади:

— Раият! Шоҳмалик қавчин, Илёсхўжа тайин қилган Самарқанд ҳокими, биз юборган ёрлиқ йўлидан юрмади. У зарбимиздан қочиб бораётган Илёсхўжани аёнлари билан тутиб банди қилмоғи зарур эди. Аммо бу икки кўзли бир кўтарим гўшт сўзимизни итоат қулоғига илмади, хоинлик қилди. Келгиндилар пойини ялади. Инчунун, Шоҳмалик қавчинни ҳукмдорнинг муборак каломимиз кирмаган қулоғига қайноқ симоб қўйилсин! Хоинликнинг жазоси шу!

Майдонда қий-чув кўпди.

Шоҳмалик қавчининг хотинлари, қизи фарёд кўтардилар.

Навкарлар Шоҳмалик қавчинга ташланишди. Қирқ ёшларга борган барваста Шоҳмалик қавчин силтаниб навкарларни ҳар ёққа итқитиб юборди.

— Ҳой, Амир Ҳусайн!— деди бирдан тахт томон боқиб.— Огоҳ бўл! Жета хони Илёсхўжа, агар Ҳусайнни тутсам, ичида қовоқари тўла қопга солиб, чақтириб ўлдираман, деб эди... Илёсхўжа эмас... сени мен ўзим тутишим керак эди!.. Сени мен ўзим тутишим керак эди... Қандай ўлдиришни ўзим билардим!..

— Ётқизинглар ерга даюсни!— буюрди Шайх Муҳаммад.— Тилини суғур, такрор бундай бемаъни сўзларни айта олмасин!

Олти навкар бир бўлиб Шоҳмалик қавчинга ёпишдилар. У кўпчиликка бас келолмай, ерга йиқилди. Бирдан инграган овоз эшитилди! Шоҳмалик қавчининг тилини суғуриб олган эдилар, унинг оғзи қонга тўлган, ҳиқиллар, лахтак-лахтак қон тупурарди-да, тўлғаниб ўкранарди, соқов одамдай гунгранарди.

Мавлонозода бундай ёвузликни кўриб тонг қолди. «Наҳотки, Темурбек буларнинг барига жим қараб турса?.. Йўғ-е!..» деди ва Темурни қидирди. Темур қандайдир изтироб ичида кузатиб турар, лом-мим демасди.

— Қани симоб, ландовур? Симобдан қуй!— бақирди Шайх Муҳаммад навкарлардан бирига.

Шоҳмалик қавчин энди чинқириб юборди. Қулоғига қуйилган қайноқ симоб мяга томон ўйиб борар, борган жойини куйдириб-ёндиарди. Чинқириқ овози бутун майдонни тутди, одамларнинг қулоғи ҳам қоматга келди. Амир Ҳусайн барини жимгина эшитар, қисик кўзларида эса ғалаба нашъаси ёнарди.

¹ Жела — бир неча кишига солинган яхлит кишан, давра кишан.

дейди, қорани олиб кетганини билмай қолади, қараб олгани учун... Олтин сочли кани- закни олдим, деб, териси ғадир-будир қора қизни сотиб олади, найранг билан қоқ суякдан иборат қиз — қўймичлари диркиллаган, сув ичса томоғидан кўринадиган чикка бел жононга айланади, тўрсиқхон халтакурсоқлар — нозик-адо, сарвқоматнинг айни ўзи бўлади қолади...

— Ие! Ие! Соҳиб, энди бунисига ишониш қийин...— деди самарқандлик бойвачча.— Қандоқ қилиб ундай одам бундай бўлади ахир...

— Осон, осон, бойвачча! Жуда осон!— Малик Ашраф қўл силтади.— Бу ишнинг усталари зангори кўзларни қорага бўяйди, сўлишган рухсорни, қуруқшаган терини ол рангли лўппи юзга айлантиради, чавқарранг ола сочларни қоп-қора соч қилиб қўяди, жингалак-жингалак этиб юборишади... Чўлдай озгин қўлни семиз чиройли:қўл бўлиб қолганини кўриб ажабланманг! Чечак, сўгал, юзнинг бетидаги доғлар, сепкил ва ҳоказо-ларни шундоқ йўқ қилиб юборишадими, кўриб ҳайрат бармоғини тишлайсиз! Ҳа... мен сизга айтсам, ҳайит кунларида зинҳор-базинҳор бозорга йўламанг! Қиз сотиб олдим, деб ўғли бола олиб кетганлар нечта! Андоқ кийинтиришадими!..

— Ҳали шунақаси ҳам бўладими?— ажабланди самарқандлик бойвачча.

— Уҳ-ҳў-ў!.. Бўлганда қандоқ! Ҳа... биз қўлжаллоблар ичида ҳам имонини ютган-лар бор-да, бойвачча, имонини ютганлар бор!.. Беш қўл баробар эмас... Менинг бир танишим не дейди, денг? Агар беш дирҳамлик хинони аямасанг, канизагининг баҳоси беш баробар ошади, дейди! Мана алдоқчилик, фирибгарлик! Алалхусус, бизнинг иши-мизда, бу қўл савдоси-я, фирибу фирромлик аралашмаслиги керак! Ҳалол бўлсин, ҳалол!

Малик Ашраф Садр Сулаймонга қўл сотишнинг яна бошқа сирларини ҳам айтиб берди. Жумладан, калта сочларни улама билан узайтирилади, хушбўй модда исқати-либ бурун ҳидлари йўқотилади, pista кўмирга толқон туз аралаштирилиб кир тишларга суртилса, ҳар қандай тиш ярақлаб кетади, қўл-оёқ тирноқлари ҳам назардан четда қолмасин, уларни чиройли, текис қилиб олиш зарур, йўқ эса битта эсдан чиқиб олинмай қолган тирноқ бутун тоат-ибодатни бекор қилиши мумкин. Сотилаётган каниз, қўлларга айтиладиган маслаҳатлар ҳам анчагина. Масалан, қизларга чоллар ва тортинчоқ одамлар келганда, уларни оғдириб олиш учун, мулоим, эримсоқ, кўнгилчак, уновчан бўлиб кўриниш тавсия қилинади, аксинча, ёшлар келганда, ёнига яқин йўлатмайдиган ҳуркак ўхундай туриш лозим, ўшанда харидорнинг юраги, қалби ишқ билан баттар оловланиб ёнади... Оқ бадан қизларнинг тирноқлари қизил рангга бўялади, қора танли қизларникига — қизғиш тилларанг, сариқ танли қизларнинг тирноқларининг тирноқларига эса қора ранг суртилади. Рангларни алмаштириш ҳам мумкин. Киядиган кийимлари ҳам шу қизларга мос қилиб танланади. Оқ бадан чўрилар қорамтир ва қирмизи ҳарир кўйлак кияди, қора танли қизлар қизил ёки сариқ либосга бурканишади. Чунки бир-биридан кескин фарқ қиладиган ранглар бақамти келганда кўрк ила ҳусни янада бўрттириброк кўрсатади...

— Хуллас, бу ҳам бир санъат...— деб гапини тугатди Малик Ашраф.

Садр Сулаймон одам сотишнинг бундоқ нозик сир-асрорлари борлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. Малик Ашрафнинг қўл савдоси, йўриқлари ҳақида тортинмай, бамайлихотир айтган гаплари унга ғалати туюлди. Одамзоднинг ўзи-ўзини билиши, англаши мураккаб эканлигини аёлдан билса ҳам бўлади: тўққиз ойу тўққиз кун юраги-нинг тагида олиб юргани ўғилми, қизми эканлигини туғилгунча била олмайди. Ўзимни яхши биламан, босган қадамимни чамалай оламан, деб хаёл қилган Садр Сулаймон, қўлжаллобларнинг кирдикорларини Малик Ашрафдан эшитиб, нафратланиб ҳам қўяди. Аммо ўзининг ҳам шундоқ савдогар эканлигини англамайди. У табиатан савдогар эди, лекин Чин мамлакатидан ипак олиб келиб Самарқандда сотадиган, Хўтан қизларининг бармоқларини бўяш учун Эрондан хино ортиб келадиган ёки Самарқанднинг султоний қоғозини Бағдодга олиб бориб тиллоий аҳмарга алмаштирадиган тангу тор тужжорлар-дан эмасди. Унинг сотадиган моли ҳам антиқа, худди қўлжаллобларникига ўхшаган тирикжон эди-ю, аммо фарқи бор эди. Қўл савдогарлари ошқора одам сотарди-лар, Садр Сулаймон эса пинҳона одам сотарди. Бировнинг юзига битта гапириб, орти-дан бошқа сўз қиладиган бойвачча, бир амирнинг ҳаракатларидан пайдо бўлган совуқ изғириндан бошқалар қўнишиб турганда, қандоқ йўсинда исиниб олишни ўйларди. Икки шунқор уришса, бир қарғага ем тушар, деганларидай, у ҳеч қачон «ем»сиз қолмасди. Хўкдорлар алмашаварди, аммо Садр Сулаймон ўша-ўша, мусичага озор бермайди-ган, қўйнинг оғзидан чўп ҳам олмайдиган бир киши бўлиб қолаверарди...

Садр Сулаймоннинг сотқинфеъл эканлигини англаган Илсхўжа бўлди, шу вайдан ҳам уни Самарқанд ҳокимлигидан олиб, Шоҳмалик қавчинни тайин қилди. Лекин бой-вачча тагин тадбиршунослик кўргизиб, Амир Ҳусайн билан Темур ишончини қозонди, бу йўлда мол-дунёнинг юзига бормади. Ҳали бу гапларга анча бор эди.

Малик Ашраф самарқандлик бойваччани етаклаб бозорга кириб келди. Қатор расталар олдида катак-катак жой ажратилган, гўё ҳар бир чўри, каниз, қўл айвончада ўлтиргандек таассурот қоларди. Малик Ашрафнинг бу бозорда ҳам расталари бор эди, лекин асл бозори махсус қўл маҳалласида жойлашганди. У Садр Сулаймонни хашаки бозорни оралатиб, қўл савдоси нима, қўл, каниз нима ўзи, уларнинг салиқни сажияси,

ди.— Буларнинг барини қайдан билурсиз? Ё Абу Хувайдо сўйлаб берганмилар, дейман...

— Филҳақ, ўша даллолнинг кўп суҳбатларини эшитганмен, жуда кўп кул, чўриларимни сотишда даллоллик қилардилар, доно гапларига кулоқ солиб турардим,— кулиб деди Малик Ашраф.— Сўнгра шу борада битилган рисолалар бордир. Бундай рисола-ларнинг энг етуги насроний ҳаким Ибн Бутлон тарафидан иншо этилган: уни ўқийвери- сув қилиб ичиб юборганмен. Ҳамиша ёстигимнинг тагида туради. Мен гапирган гаплар-нинг кўпини ўша ҳаким айтганлар... Ундан ўзга китоблар ҳам бор... Андоқки, камина билган, ўқиган, эшитган нарсаларимни тажриба тошига уриб текшириб ҳам кўрган-мен...— маънодор қилиб деди Малик Ашраф.— Илло эшитган бошқа, кўрган бошқа...

Бозор қизий бошлади. Ғала-ғовур кучаяр, сурон ичида ҳар ёқдан даллолларнинг шиддатли овозлари эшитилиб турарди. Улар ҳамон раста оралар, бир жойда узоқ тўхтамас эдилар.

— Кул харид этишингизда ушбу кенгашлар сизга наф келтирадир, деган хаёлда ташвиш чекадурмен...— Малик Ашраф самарқандлик бойвачанинг бош ирғганини кўриб давом этди.— Ҳабашистон билан Нубия мамлакатаи оралигида Бўжъ отлик бир шаҳар бор. Шу шаҳардан келтирилган чўри қизлар юзлари чиройли, тилларанг, териси майин эмиш, аммо бадани беўхшов бўлармиш, шунисини кўрмаганмен...— хижолат бўлиб тан олди Малик Ашраф.— Бу шаҳарнинг йигитлари кўркмас, мард, вале қароқчи-лардир. Зинҳор уларга пулни ишониб топшириб бўлмайди, уй ишларини бошқаради-ган гумашталикка ҳам ярамайди. Турк қизлари гўзал бўладилар, юмшоқфеъл, оқ бадан, кўзлари қисқ, ўзи дилкашдир. Иттифоқо, бир шоир турк қизининг қисқ кўзли-гига ишора қилиб, «Бу гўзалнинг кўзлари андоқ қисқики, ҳатто бўёқ қалам учи ҳам сиғмайди», деб лутф этибдир. Бўйлари ўртача, баъзан ундан ҳам пастроқ, дарозлари кам учрайди. Бола туғишда уларга тенг келадигани йўқ, серфарзанддурлар... Узингиз ҳам, бойвачча, билурсиз...

— Билурмен, билурмен...— деди самарқандлик бойвачча.

Малик Ашраф турк аёлларининг кўп фарзанд кўришларини айтиб, билмасдан ногоҳон Садр Сулаймоннинг битмас ярасига тегиб кетиб, очиб юборди. Шунчалар мол-дунё, юртга эга бойваччанинг кўнглида кемтик жойи бор. Садр Сулаймон фарзандсиз эди! Уттиз ёшга киргунча ўн марта тўшак алмаштирди, хотини билан бир йил яшайди ё яшамайди, бўйида бўлмагач, янгилашга тушади. Биринчи хотинини туғмас деб ҳайда-ди, иккинчисини касал экан, деб гап тарқатдида, жавобини бериб юборди. Учинчисида ҳам фарзанд нишонаси кўринмади, тўртинчи кенжа хотинига, пушти куйиб кетган экан, қабилда айб тақиб, талоқ хатини тутқазди. Кейинги хотинларнинг ҳам бўйида бўлмади. Эгачи кампирлар ҳар гал юпка пишириб бойвачча билан хотинининг белларига иссиқ-иссиқ боғлашди, пичилган қора кўчқорнинг ёғидан суртишди, меҳригё ва доривор-лардан фойдаланишди. «Ким юкли бўлса, шитоб айтсин, бўйи баробар олтин тўкаман!» деб юборди Садр Сулаймон алам ичида ва пинҳона хотинларининг қорнига кўз ташлаб юрадиган бўлди.

Садр Сулаймон бир куни машҳури офоқ шайх Баҳоваддин Нақшбандийни зиёрат қилди, бефарзандлигини айтиб, олло-таолодан бола сўраб дуо этишини ўтинди. Шайх Бухоро яқинидаги Қасри Гиндувон қишлоғида фақирона кун кечирарди. У бойваччанинг шажараси билан қизиқди, укаларининг ўлими сабабларини сўраб-суриштирди. Сўнг қўлидаги тасбеҳни санаганча кўзларини юмиб, узоқ хаёлга чўмди. Кейин тасбеҳни қўйди-да, ёнидаги зарҳал муқовали китобни очди ва бир жойини ўқиди: «Анинг қазоси фарзанд илгидан етур!» «Демак, фарзандим бўлар экан-да?» қувониб кетди бойвачча. Шайх китобни ёпиб, бойваччага юзланди: «Олло-таоло сизга фарзанд ато қилур, вале ул бошингизга бало бўлур, китобнинг каломи шундоқ...»

Бойвачча шайх олдидан мамнун бўлиб қайтди. Аммо яна уч йил ўтиб кетди, ҳеч бир хотини бўйимда бўлди, демайди... «Ит ҳам болайди-ку? Фақат мен... мен шу қутлуғ нарсадан маҳруммен! Ана, Қавомиддинда неча-неча фарзанд... Шайхулислом, имом, мударрис, амирзода уйларида болаларнинг овози жаранглаб эшитилади. Фақат менинг уйимда шу йўқ!..» Демак, айб... унинг ўзида! Аммо дўст-душман олдида буни қандоқ тан олади? Қандоқ тан олади?..

Ажабки, табиат дасти узун қудратли Садр Сулаймонни бир тарафидан ёмон қис-ганди. Ҳамма вақтдагидек табиат ўзига содиқ қолиб, адолатли ҳукм чиқарди: нопок ишлар қилган Садр Сулаймонни, ҳақнинг йўқ дегандай Ер юзида зурёд қолдиришга номуносиб кўрди, фарзанд қувончидан, бахтидан бебахра этди...

У бирдан даҳшат ичида қолди. Ҳайҳот! Ёлғиз ўзи бу дунёда, ёлғиз ўзи! Агар бир кун ўлим унинг азиз бошига соя солса... кўз юмса... Катта мол-мулк, Самарқанд за-мини, қишлоқлар, боғ-роғлар, зироату экинзорлар, отлар, қўйлар, қуллар... кимга қоладир? Даҳшатли ҳақиқат қазо қиличидай унинг бошида турарди, на ундан юз ўги-риб бўларди, на кўз юмиб!

Садр Сулаймон ўйлай-ўйлай, ниҳоят, бир чора топди: бола боқиб олади! Чақ-моқдай бу фикр машъум хаёллардан ғовлаган миясини ёритиб ўтгандай бўлди, бо-ра-бора бойвачча ҳаётининг асл маъно-мақсадига айланди. Унинг Нишопурга келиш сабабларидан бири ҳам шу — беш-олти яшар болани сотиб олиб, қул қилиб эмас,

балки ўғил қилиб ўстирсам, деган нияти бор. Ахир машҳур Ғазнавийлар сулоласи асос-чиси Сабуктегин ҳам асли кул эди. Сомонийларнинг Ғазнадаги ноиб Алптегиннинг кули бўлатуриб, ақлли эканлигидан унинг қизига уйланган, дин ва давлат ҳомийси, яъни «Носируддин вад-давла» лақабини олган...

— Қуллуқ, бойвачча, қуллуқ!— деди Малик Ашраф самарқандлик бойваччанинг хаёлларидан беҳабар.— Турк аёллари кўп туғадилар-ку, туққанларининг ичида майиб-майриқ туғилганлари оз, иннайкейин фарзандлари дурустгина чавандоз бўлиб ўсишади. Улар тозаликни маҳкам тутишади, пазандаликка ҳам моҳирдирлар, аммо тежаб-тергашни билишмайди, исрофгарчиликдан ўзларини тийиша олмайди...

— Ҳақ гапни айтасиз, соҳиб, ҳақ гапни айтасиз!— қўшилди самарқандлик бойвачча, хаёлларини нари қувиб. Кўз олдидан бир-бир хотинлари ўтди.— О, уларни мен биламен, кўрганмен...

Икковлари гап билан бўлиб бозордаги барча расталарни айланиб чиқишганини сезмай қолишди. Чўриларга, қулларга таъриф-тавсиф бериб борган Малик Ашраф охирги айвонча олдида тўхтади. Айвончада ўн беш ёшлардаги бир канизак савдога қўйилганди, одам гавжум, ҳамма ушбу антиқа гулни томоша қиларди. Тўпланганлар биров эшитади-ку, деб тап тортмай, ўзаро очиқ сўзлашар эдилар:

— Сулув қиз экан!..— дерди биринчиси кўзи ўйнаб.

— Жаннатдан чиқибди-да!— қўшиларди иккинчиси.— Пари, фаришта...

— Фаришталарнинг кўзи мовий бўладими? Мовий кўзли фаришта!

— Э, кўзи билан нима ишинг бор, ўзига қара, каллаварам!

— Туққан онангга раҳмат!

— Отаси-чи, отаси? Отани эсдан чиқарма, эсвос! Иш бошлаган — ота, кейин — она...

Урта бўйли, сиёҳдай қора сочлари силлиқ таралган, мовий кўзли, очиқ чеҳра бу қизнинг энди пишиб келаётган қирмизи олмадай иккита лўппи юзи нигоҳни ўзига тортиб оларди. Икки қора қошининг ўртасида, ўнг қошга яқинроқ жойда қорағат донасидай мўъжаз холи ўзига бинойидек ярашганди. Садр Сулаймон яхшилаб разм солди: дўндиқ бу қиз қора ҳарир ипакдан кўйлак кийибди, агар синчиклаб қаралса, кўйлақдан қизнинг хушбичим қоматини, уқувсизгина кўксига яшириб олган икки анорини, нозик белини, дўмбоқ кўймичини, чиройли оёқларини, хуллас, бутун вужуди-андомини илғаб олиш мумкин... Тиниқ осмондай мовий кўзлари беҳол ва маъсум боқади, уларда ғубордан асар йўқ... Малика бўлишга арзир ушбу жория қизнинг бозорда, яхши-ёмоннинг ичида барчага томошасифат қўйилиши самарқандлик бойваччага ёмон таъсир қилди. Офатижон қиз уни мафтун қилиб қўйди, ишқ ҳадангги юрак-юрагини тиғи паррондай тешиб ўтиб, оромини олди... Бундоқ фавқуллодда гўзал, бежирим, ажабтовур чиройли, хушбичим қизни Малик Ашрафдай корчалоннинг ўзи ҳам кўпдан кўрмаган эди! «Табиатнинг ғаройиб ижоди, башар аҳлининг дурри якдонаси!» деб қўйди ичида кулжаллоб.

Жориянинг соҳиби, Малик Ашраф уни яхши танирди, Қибрис юртидан Караклис деган савдогар бўлиб, қул оламида анчагина номдор ишбошилардан саналарди. У Малик Ашрафни кўриб, ичкаридан чиқиб келди.

— Товарингиз олийдир, Караклис!— деди Малик Ашраф.

Бир-бировнинг молини тан олиб гапириш савдогарлар орасида ҳам кам учрарди. Караклис миннатдор бўлди. Садр Сулаймоннинг хаёлидан кечди: «Ажабо, шундай гўзални сотиб... ўрнига нима оларкин?»

— Қўстантияда эски синашта чўпқотларим бор,— деди Караклис, саломлашгандан сўнг.— Қизни болагиди ўзим уларникига олиб келдим. Орифу обид оиладир... Уша оилада камолга етган жория... Юнон қизидир.

— Юнон қизлари юввош, кўнгилчак, сўз айтсангиз рўйхушлик бергувчи, садоқат этагини маҳкам тутгувчи бўладилар...— деди Малик Ашраф.— Бемалол инонмоқ, суянмоқ мумкин. Юнон йигитлари уй ишларини бошқаришга хийла моҳирдирлар, саришталикни жуда ёқтиришади, ҳуда-беҳуда совуриб юборишни ёмон кўришади, қўллари гул...— Жориянгиз тил биладирми?— Караклистан сўради самарқандлик бойвачча,

аммо кўзи сулув қизда эди...

— Биладир. Юнон тилидан бошқа, турк тилини хўб биладир, араб тилини ҳам оз-моз... Аммо кунти яхши, борган жойида ўрганиб ҳам олаверади билмаганини!— Караклис ишонч билан деди, кейин қўшиб қўйди.— Узи бениҳоя камгап, камсуқумдир, гапирса, бир кунда бир гапирадир холос...

— Менга шу жорияни олиб берингиз, соҳиб!— деди қатъий Садр Сулаймон.— Самарқандга олиб кетурмен...

— Тўғри қиласиз, бойвачча, бағоят тўғри қиласиз!— қувватлади Малик Ашраф.— Бундоқ жориялар кам...

Шундан сўнг савдолашиш бошланди, Малик Ашраф даллоллик қилди. Қулжаллоб билан бойвачча ўртасида узоқ тортишув бўлди. Уқувчилар бизни маъзур тутсинлар, инсон шаънини ерга урадиган, камситадиган, уни мол, буюм қаторида сотиш борасида қизиқ устида тилга олинган турфа ҳақоратомуз ибораларни, жанжалга айланай деган машмашани тасвирлашдан ўзимизни тиямиз, юнон қизининг баҳоси оқибат қанчага

тўхталганини айтиш билангина чекланамиз... Жория тил билгани, гўзаллиги, ёшлиги, нозик ҳунарлар соҳибаси, яъни шеър айтиш, уд чалиш ва ҳоказолар қўлидан келишлиги назарда тутилиб, баҳоси ўн минг динор қилиб белгиланди. Садр Сулаймон пулни кафтлари орасига олди-да, Караклисга бериб: «Бор барака!» қилди, Малик Ашраф икки қўлни «кесди». У даллоликни бажо келтиргани учун қулжаллоб билан бойваччадан чўтал олишни унутмади.

— Энди ирими шунақа-да, ирими... Чўтални олмасак гуноҳга ботамиз, ҳа...

Малик Ашраф самарқандлик бойваччани шундан кейин ўзининг қул маҳалласига бошлади. Улар Нишопурнинг жанубига қараб икки чақиримча юрдилар ва махсус мураббаъ шаклида қурилган, тўртбурчак маҳаллага кириб бордилар. Малик Ашрафнинг хос кишилари уларни кутиб олишди. Қул савдоси учун махсус қурилган маҳаллани тўғри йўлақлар узунасига ва кўндаланггина кесиб ўтганди, йўлақлар бўйидаги уйлар, хоналар, болохоналар, чиройли расталар ҳамиша турли юртлардан келтирилган жориялар, қуллар, чўрилар билан гавжум эди. Нишопур бозорида ҳафтада бир кун бўладиган савдо Малик Ашраф маҳалласида ҳар куни қизғин кечар, чунки йирик корчалон дунёнинг кўп шаҳарлари билан алоқа боғланди.

Садр Сулаймон қишлоқларда, экинзорларда ишлаш учун қуллар, чўриларнинг бақувват-бақувватларини танлади, сотиб олинган қуллар сони юзтага етди. Уларнинг ичида ҳинду араб, юнону турк миллатларидан одамлар бор эди. Маҳаллани айланиб кўзига ўтдай кўринган жориялардан йигирматасини сотиб олди, юнон қизи ёлғиз бўлмаслиги керак... Маликага арзирлик қизга канизаклар зарурдир, чиройли, хушбичим, хушқомат канизаклар!

Бас, режадаги юмушлар ўринлади. Фақат битта сўнгги иш қолди. У бозорни айланганда, маҳаллани кезганда, кўраману беш-олти яшар болани ўзим сайлаб оламан, деган умидда эди, аммо ёш болалар учрамади. Бунинг сабаби, у фақат ишловчан, кучли қул ва чўрилар харид қиламан, деганидан, табиийки, Малик Ашраф болаларни кўрсатиш фикридан йироқ бўлди.

— Битта ўтинчим бор, соҳиб!— деди самарқандлик бойвачча.

— Бажонидил, бойвачча, бажонидил!— унга қаради Малик Ашраф.

— Менга... бир бола керак, турк боласи... Боодоб бола бўлса... Ўзим тарбият этсам, одам қилсам...— ўтинди аста Садр Сулаймон.

Малик Ашрафнинг кайфи чоғ эди, жуда кўп қулларини, жорияларини пўллаб олди. Бойваччанинг гапини эшитган корчалон ерга тикилиб, бир лаҳза ўйланган бўлди-да, деди:

— Сиз тилаган турк боласи менинг маҳалламда йўқ... Лекин бир танишимнинг уйида ана шундай болалар бўлишлигини биламен, уларни аскарликка сотиб олишди, ўстиришиб, ўргатишгандан кейин аскар қилишади. Ҳирот малиги ҳам, сарбадорлар ҳам жанговор турк аскарлари билан ҳарб майдонига чиқишни хуш кўришади. Мана, кечагина Сарбадорлар давлати тахтига минган Хожа Али Шамсиддин турк аскарларидан лашкар тузаётган эмиш...

Малик Ашраф бойваччани олиб ўша турк болалари боқиладиган уйга борди. Элликка яқин бола бор экан. Бойвачча беш-олти яшар келадиган кўғирчоқдай бир болани танлади. Унинг қаерданлигини сўраб-суриштирди.

— Мовароуннаҳрдан эмиш...— деди соҳиб, кўзлари қоп-қора оппоқ юзли чиройли боланинг бошини силар экан.— Маккатуллога кетаётган бир усрушоналик мулла ночорликдан сотиб кетишга мажбур бўлди...

— Излаб юрган ўғлим! Ўғлим!— баррига олди болани бойвачча алланечук бўлиб...

Садр Сулаймон қулларини олиб туялар, отлардан иборат карвон билан Самарқандга жўнади. Ўзи севиб қолган офатихон юнон қизига хонлар маликаси бўлишга арзирлик гўзалсан, деди-да, ардоқлаб «Хонлиқ оқа» номини берди. Беш яшар болани ҳам суйиб қолди, унга фарзандим деб қаради, атайлаб отини суриштирмади, худонинг бир бандасисан-да, деди. Шунинг учун болани «Худобанда» исми билан атай бошлади.

ТУҶҚИЗИНЧИ БОБ

Хонлиқ оқа хонадони

Шундай қилиб, Хонлиқ оқа Самарқандга келиб қолди. Қўстантияда турк оиласида тарбия топганидан она тилидан ташқари турк тилида ҳам хўб гапиришини қулжаллоб Караклис таъкидлаб ўтган эди. Одатда бошқа тилни яхши ўрганган одам, ўз тилидан кўра ҳам, ўша ўзлаштирган тилида чиройли гапирадиган бўлади, сўзларни бузиб қўймай деб шошилмай, чертиб-чертиб талаффуз қилади, тил ҳам нозик йўсинда ажабтовур буралиб-буралиб кетади, буларнинг бари эшитгувчига жуда-жуда ёқади. Айниқса, аёлларда бу нарса яққолроқ кўзга чалинади, калому ибораларга бетакрор бир сەҳр

киради, ажабки, бу нарса унчалар кўрку ҳуснга эга бўлмаган аёлларни ҳам чиройли қилиб юборади.

Қирмизи лўппи юзлари нигоҳни ўзига тортиб оладиган, очиқ чехрали, тўлачадан келган дўндиқ қизнинг кўрку чиройда ўксинадиган ери йўқ, Хонлиқ оқани табиат бека-ми кўст қилиб яратган. Лекин... ҳар тўқисда бир айб экан... Буни Садр Сулаймон Самарқандга йўлга чиққанларидан кейин билди. Караклис юнон қизи ҳақида «Ўзи бениҳоя камгап, камсуқумдир, гапирса бир кунда бир гапиреди, бўлмаса йўқ» деган эди. Ушан-да самарқандлик бойвачча буни қизнинг одобига, тарбия кўрганлигига йўйди. Одобли жориялар ҳадеб гапиравермайдилар, сўралганда оғиз очадилар, чунки сукут сақлаш кишига кўрк эканлигини яхши биладилар.

Нишопурдан чиққанларининг учинчи куни улар Марви Шоҳижаҳонга келиб тушди-лар. Хонлиқ оқа маофадан бош чиқармай отни етаклаган қулдан секингина сўради:

— Қайси юртга келдик?

Садр Сулаймон қулларини йиғиб-йиғиштириш ғамини чекиб, қочиб кетмасликлари ташвишини қилиб, жориялари билан сўзлашишга интилмади, сирасини айтганда, у чўнтагига солиб қўйган оқчасини ҳамманинг олдида ошкор санайдиганлар тоифасидан эмасди. Хонлиқ оқа қулга савол берганда, бойвачча, итдрофо қо жу ерга кўн эди, йўғон овозни эшитиб ҳайрон бўлди: «Нечукким, жойвачбардор қул шуръат кўргизиб ундан, соҳибдан сўз сўрайдир? Бу қандоқ беодоб қул экан? Йўртолмас йўл бузар, айтолмас — сўз!..»

— Ҳой, жиловбардор!— қичқирди Хонлиқ оқа отини етаклаб бораётган қулга Садр Сулаймон, ғазаб билан гапирганидан овози баттар ингичкариб кетди.— Нима деб вайсаяпсан?..

— Мендан сўраяпсизми, соҳиб?— деди йигирма беш ёшлардаги ҳинд қул пинғиллаган овозда.

Бойвачча унинг гапига тушунмади, лекин қизиғи, ҳинд қулнинг овози ҳалиги овозга сира ўхшамасди. Қизиқиши ортган Садр Сулаймон от жиловини Хонлиқ оқа маофаси томон бурди. Юнон қизи соҳибини кўрди-ю, қирмизи юзи баттар ол ранг касб этди, одоб билан бош эгиб таъзим қилди. Унинг таъзими чиройли эди, бежирим ўралган рўмолдан қочиб қолган бир тутам сочи ўнг юзига беҳол тушиб турарди. Борлиқ андомидан латофат ёғилиб турган қизни кўрган бойвачча оби оташда қолди. У ҳозироқ карвонсаройга тушиб, қизни бағрига олгиси, айш-ишрат қилгиси келиб кетди-ю, хаёлига эрк берди. Хос хонада озроқ нуқли таому қонни қизитадиган фараҳбахш шаробдан сўнг, қизнинг либосларини бирма-бир ечмакчи бўлади... Қиз уялиб қўшни хонага чиқиб кетади. Бу баттар бойвачча иштиёғини оширади. Бир оздан кейин эғнига ёлғиз гулгун либос ташлаган ҳусн афлоқининг ёрқин ситораси ноз билан бир-бир босиб келади. Бойвачча парирўйни қабо ичидан ажратиб олиб шартта кўтариб, саккиз қават кўрпачага уради...

Шу пайт Хонлиқ оқанинг оти пишқириб юборди ва Садр Сулаймоннинг отига қараб бўйини чўзиб кела бошлади. Икки от соҳиблари билан ишлари йўқ, пишқирганча бир-бирини искашар эдилар. Ҳинд қул Хонлиқ оқа отини жиловидан қаттиқроқ тортиб юборди шекилли, забонсиз махлуқ чўчиб сапчиб кетай, деди. Ҳалигача бош эгиб таъзим қилиб, соҳибдан бир сас кутиб турган жория кўрқиб кетди-да, «Вой!» деб қичқирди юборди! Бунинг ҳаммаси бир лаҳзада бўлиб ўтди. Хаёл тизгинини йўқотган бойвачча жаҳл устида жиловбардорнинг бошига қамчи солди: «Лапашанг!» Тездан у карвон-бошини чақиртирди, Хонлиқ оқа отига бошқа одам тайин қилдирди.

— Кўрқдингми, Хонлиқ оқа?— сўради совуққина қилиб бойвачча, у жорияни ҳаддан ташқари севиб қолганини билдиргиси келмас, гўё қошида гўзаллар гўзали эмас, балки карвондаги йигирмата хушбичим чўрилардан бири тургандай тутар эди ўзини. Қандоқ қилиб жорияни севиш мумкин? Буни эшитган улус нима дейди? У аслзода бўлса...

Аммо покдомон, олудалиқдан йироқ юнон қизи, гарчи уни ўн минг динорга сотиб олган бўлсалар ҳам, баҳосининг бундан баландроқ эканлигини фаҳмлар, ўзини мағрур тутишга, иложининг борица иззат-нафсини ерга урмасликка ҳаракат қиларди. Лекин у жория эди, ҳар қанча уринмасин, тиришмасин, охир-оқибат соҳиби Садр Сулаймон ихтиёридаги бир буюм эканлигига ақли етар, қисматнинг машъум йўлини дил истаган томонга буриб юборишга қурби келмасди. Барини қиз пешонага, тақдирга йўяди. Пешонада бўлмаса, Фессалоники шаҳрида, Юнонистонда туғилган қизалоқни етти ёшида қулжаллоб Караклисинг одамлари кўчада ўйнаб юрганда ўғирлаб, Қибрис оролига олиб кетишармиди? Отаси фессалоникилик Мирикос деган киши бўлиб, онаси Салжуқ шаҳрида яшовчи Ҳабиба отлиқ араб аёли эди, қиз юнон билан арабнинг фарзанди эканлигидан, икки табиат, икки эл наслининг дургагай зурёди фавқуллода гўзаллик, кўрку нафосат тимсолига айланганди. Лекин худди ана шу нарса унинг бошига бало бўлди, Караклис шунинг учун ҳам чиройли қизалоқни етти йил давомида Қўстантиярада ўзининг чўпқотлариникида тарбия қилдирди. Мирикос билан Ҳабиба жажжи қизчаларидан айрилиб жинни бўлиб қолишмадимикин? Хонлиқ оқа у ёғини билмайди.

— Йўқ, кўрқмадим! От ҳуркиб кетди холос...— деди жория эркакларниқига ўхшаган йўғон овоз билан.

Садр Сулаймон анграйиб қолди! Бундан чиқди, ҳалиги овоз қулнинг овози эмас, юнон қизининг овози экан-да! Ростдан ҳам қизнинг овози дўриллаган, бўйдоқ бўлган ўсмирнинг овозидай бузуқ кўринди. Наҳотки, шундай келишган, силлиқ, юзлари нақшин олмадай, сулув қиз шундоқ ёқимсиз овозда гапирса?! Наҳотки, кўрку ҳусн бобида қизга саховат сандиғини беминнат очиб қўйган табиат овозга қолганда зикна-лигу хасисликка мисол бўлиб ўлтирса?! Қулжаллоб Караклиснинг юнон қизини кам гапирди дейишида сабаб бор экан-да! Қўстантиянинг ўзидаёқ: «Сен кам гапиришга ўрган, айниқса бозорда, харидорнинг олдида сас берма!» деб жорияга уқтиришган бўлса керак, чиндан ҳам Садр Сулаймон ҳали ҳануз юнон қизининг овозини эшитмаган эди.

Ҳафсаласи пир бўлган бойвачча Хонлиқ оқага ажабланиб қаради. Юнон қизи ҳам энди тап тортмай ўтли нигоҳини Садр Сулаймонга тикди: мовий кўзлар хориқуллода тип-тиник, мусаффо эдики, бойвачча бир лаҳза ўзини йўқотди, дўриллоқ овоз ҳам хотиридан кўтарилди. Хонлиқ оқанинг юпқа лабларидан майин табассум югуриб ўтди — томонлар бир-бирига ён бермай иккиланиб турганда, қизлар ёрдамга чақирадиган бу усул жуда қўл келди — табассум ёз офтоби Ургут чўққиларидаги неча йилги қорларни эритгандай, Садр Сулаймоннинг тош бўла бошлаган кўнглини юмшатди...

* * *

Садр Сулаймон Самарқандга қайтгач, олиб келган жорияларидан халаблик гўзал араб қизини совға-саломлар билан Амирзода Абдуллага инъом этди. Лекин Хонлиқ оқа тақдирининг унинг бошини қотирарди. Уйланай деса, мумкин эмас, юнон қизи ғайридинлардан саналади, унинг устига чўри. Йўл-йўриқ топмоқ жоиздир, буни фозилу фузалолар топадир...

Пайшанба куни Садр Сулаймон олис сафардан қайтиш муносабати билан чорбоғига меҳмон чақиртирди. У Арк кўчасидаги энг ҳашаматли ва номдор ҳовлилардан бирида яшарди. Гарчи бу кўчада Кўксарой, шаҳар казо-казоларининг кўркама хонадонлари бор бўлса ҳам, биронтаси бойвачча ҳовлисига тенг келолмасди. Кичиккина маҳалла деса бўладиган ҳовли кенг эканлигига қарамай шинам кўринади. Уртада панжарагулчин зинадан чиқиладиган баланд, ойнаванд, нақшин кўшк савлат тўкиб турарди, кунбеткай тушган бир ошёнли, икки ошёнли оқ иморатлар, хоналар ҳовлига фусун бағишлайди. Ҳовли ўртасидан ичкарига хиёбон кетган, хиёбоннинг чап томони боғ, ўнгда бўйи ўттиз газ, эни йигирма газ келадиган ҳавзи арзиз кўзга ташланади. Қирғоқлари кўрғошин бу ҳовуз бағоят антиқа, унда ҳамиша сув лиммо-лим эса-да, сувнинг азбаройи тиниқлигидан ҳовуз таги аниқ кўриниб туради. Хиёбоннинг ўнг томонида яшнаб турган олтин олма ҳам ажойибдир, гап шундаки қуриган дарахт кичик-кичик зарҳал липпакчалар билан қопланган, ердан қулочга сиғмас заррин дарахт ўсиб чиққандай туюлади. Ярақлаган «олма»лар орасида, ёқутнинг турли хилларидан ясалган олмаларни, масалан, қора-қизғиш ёқути райҳонию сарғиш-кўкиш рангдаги ёқути занжорий, нок барги тусидаги ёқути осий ва яна турли рангларидаги олмаларни учратиш мумкин.

Хиёбоннинг чап томонида боғ этагида кутубхона жойлашган, ёнидаги бир неча бинода китобдор, муҳаррир, рассом, хаттоту саҳофлар тирикчилик қилишади. Чапроқда иккита катта бостирмага ўхшатиб қурилган уйларда канизу қуллар туришади. Боғ этагидаги уйлар ҳовлининг асосий қисмидан ажратилган, бу ёқдаги одамлар хиёбон томонга ўтишолмас, улар алоҳида дарвозадан кириб чиқишади.

Хиёбон охирида айвони баланд ганч шарафали баҳаво бинони бутун ҳовлининг кўрки деса бўлади. Бойвачча бу меҳмонхонада замонанинг жуда кўп улўғлари меҳмон бўлганлигини ғурур билан эслайди. Волиди Мингқутлуғ даврида-ку, кимлар келганини яхши билмайди, ҳарқалай у киши хийла меҳмондўсту одамохун эдилар, аммо ўзи чорлаган кишилар ичида Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Қозоғон, Амирзода Абдулла, Ҳисори шодмон амири Баён сулдуз, Шаҳрисабз амири Ҳожи барлос, Темурбек, Хўжанд ҳокими Амир Боязид жалойир, Жета хони Туғлуқ Темурхонлар бор.

Хонадон соҳиби меҳмонларни дарвоза олдида кутиб ола бошлади. Биринчи бўлиб Самарқанд қозиси Қавомиддин қозикалон жаноблари ташриф буюрди.

— Зиёратлари қабул бўлсин! — деди Қавомиддин қози бойвачча билан қучоқлашиб кўришар экан. У гапида «илло» сўзини кўп ишлатарди. Кейин осмонга қараб кўз қисди. — Илло... қабул бўлғай! Бўлғай! Хе-хе-хе!

Бўйи ўртадан баландроқ, миқтидан келган Қавомиддин ўта жоҳил, қўлидаги қонундан бошқани тан олмайдиган дағал бир одам эди. Улар бойвачча билан қурдош эдилар, сирдошликлари ҳам йўқ эмас, аммо бу сирдошлик кемага тушиб қолган, мажбуран бир-бирига боғланган икки одамнинг муносабатларидан фарқ қилмасди, бундай одамлар кема кўзланган манзилга боргач, ҳеч оғринмай-нетмай ажралиб кетишаверади.

— Муродингиз ҳосил! Иншоолло! Бизнинг нима гуноҳимиз борки, зиёратимиз қабул бўлмайди, Қавомиддин дўстим? — Садр Сулаймон қози калонга лутф қилди. — Шукрким, ноҳақдан бурнимиз қонаса, тарафимизни оладиган биродаримиз ёнимизда! Иккиси кулиб юбордилар. Қавомиддиннинг жеркигандай хунук кулгуси билан Садр

Сулаймоннинг ингичка, ўткир овози бир-бирига қовушмай ажралиб турарди. Лутф қозикалонга ёқиб тушди. У энгашиб бойвачча қулоғига шивирлади:

— Аммо бир гап-да... ҳокимимиз Амирзода Абдулла, думбул эканлар... Шаҳарнинг аёну акобирлари, фозилу фузалолари норизо бўлишмакда... илло... хе-хе-хе! — Қавомиддин яна ҳам сирли деди.— Энди... бизга айтишади-да... Келгинди, шаҳарни билмайди, дейишади...

— Шундоқми?— ҳайрон қолган бўлди бойвачча.

— Сиз яқин биродаримсиз, ҳам ҳокимга атка ўрнидасиз... Билиб қўйинг, деб айтаётирмен.

Садр Сулаймон ёмон нарсани босиб олгандай ижирғанди, аммо сездирмади.

— Илло... Самарқанд ҳокимлиги сизники эди!— давом қилди қози.— Ҳа! Мен лозим кўрилган ўринда айтмакдамен, айтамен ҳам! Инчунун...

— Ҳай-ҳай!— уни тўхтатди бойвачча, бу гапдан саратонда музни ушлаб олгандай сесканиб.— Зинҳор бундай дея кўрманг! Зинҳор! Бу гап ҳукмдор Амир Қозоғон қулоғига етиб борса, не деган одам бўламен? Демак, Садр Сулаймон жўралари орқали ушмундоқ гап чиқарибдир, бас, ҳокимликдан умидвор экан-да, демайдирми? Сиз мени, нима, хонавайрон қилмоқчимусиз?

— Нечун? Бу кўпчилик эл-улус хоҳиши...

— Қуллуқ! Минг қуллуқ! Бу хусусда ҳокимни ўз ўрнида қўйинг, фақирни ўз ўрнида! Ҳа, ҳа, ўз ўрнида! Билъакс, бундоқ фасод гаплар чиқса, сиз адлу инсоф тарозисининг бошидасиз, тухмини қуритинг! Қуритинг! Қараб турманг, ҳа!

Садр Сулаймон қизишиб кетганлигини сизди. Унинг қозикалон жанобларини бугун меҳмонга чақиришидан мақсади беҳуда жанжаллашиш эмас, балки Хонлиқ оқа масаласида ҳамфир, ҳаммаслак топиш эди, куйканаклик орқасида ишни бузиб қўйиш мумкин. Нафсиламбирини айтганда-ку, Самарқандга ҳоким бўлиш бойвачча юрагининг тубига кўмилган эзгу орзу, Қавомиддин билибми, билмайми, ўша орзу қатини очиб юборди. Йўқ, жуда эҳтиёткорлик кўргизиб иш юритмак даркор. Тахт, ҳокимият қуёшга ўхшаб кетади, ҳаммага баробар нур сочади-ю, лекин ҳаммани ҳам баробар иситмайди, ул қуёшни оламан, деб чўзилган қўлларга эса ҳаётбахш нурлар найза бўлиб санчиладир...

— Тақсир, сиз қозикалонсиз,— атай ҳурматини жойига қўйиб деди бойвачча.— Тўғри фаҳмларсиз, деб ўйлаймен. Мен меҳрингизни, фақир учун чекаётган ташвинингизни англадим. Бари учун қуллуқ, алқисса...— Садр Сулаймон қозининг тирсагидан ушлаб ҳавзи арзиз бўйига бошлади.— Ўзларига бошқа бир йўсинда кенгаш солмакчидим...

— Бажону дил. Қандоқ кенгаш экан?— Қавомиддин ҳам изнсиз гапларни айтиб юборганидан хижолатда эди. У бойвачча мамлакатнинг нуфузли шахсларидан бирига айланиб қолганини билар, ичида буни кўролмас, лекин ҳисоблашишга мажбур эди.

— Жанобингиз Нишопурдан канизу қуллар олиб келдим. Зеро теварак қишлоқларда борлиқ зироату экинзорлар қаровсиз ётибди... Андоқки, бозорда юриб бир канизакни кўрдим...— гапни мақсадга бура бошлади бойвачча...

— Канизак?

— Ажабки, ҳарид этганимни сезмай қолдим...

— Харид этсангиз... нимаси ёмон?— сўради қози ҳайрон.

— Ахир ул ожиза ғайридинлардандур...— хижолат деди бойвачча.

— Подшонинг ишқи қурбақага тушибдир... Хе-хе-хе!— Арра овозига ўхшаган кулгуси эшитилди қозининг.

— Борингки, андоқ ҳам бўлсин...— тан олди Садр Сулаймон.— Эшитган эдимки, бир оқилу покдомон шайх, отини Санъон дедилар, ғайридин ожизани ёқтириб қолибдир, вале ожиза унга боқмас эмиш. Шайх тасбеҳини отибди, дасторини чувалатиб ожиза йўлига ёзибдирки, ул зорим ўтармукин деб... Охири хор-зор бўлибдир... Ишқ уни Мажнун ҳолига туширибди...

— О, динини сотган!— деди Қавомиддин.— Менинг илгимга тушмабдир! Илло, оёғига тахтакач солиб, товонини қип-қизил жиш бўлгунча савалатардим, токим ўзгаларга ҳам сабоқ бўлғай!

— Тақсирим!— деди бойвачча жунбушга келаётган қози сўзини кесиб.— Сиздан худди шу маънода ҳам кенгаш, ҳам кўмак сўрайдирмен...

— Хўш?— синчков тикилди Қавомиддин, лекин бойвачча кўзини опқоча бошлади.

— Сиз нима дер экансиз, мен...— дудуқланди Садр Сулаймон.

— Наҳотки...— деди қози бир нимани англагандай бўлиб.— Илло... Тўхтанг... сиз ўша ғайридин жорияни ёқтириб қолган бўлманг? Шайтон йўлдан оздириб... А?... Оздирдими? А?..

Бойваччанинг тан олишдан бошқа иложи қолмади:

— Худо битта бўлса... сиз ҳақ гапни дедингиз... оздирди...

— Ё фалак... Уйламак лозим бўлур...

— Шариатни хўб биласиз, тақсир!— деди Садр Сулаймон.— Бирон йўл топиб берасиз-да! Кўмак деганим шул эди... Шайхулислом олдида биз тарафга ён босасиз-да...

— Шайхулислом? Ҳали у киши ҳам келадирми? Нечун даркор эди у дароз бўйлик?

Кўрсам хитим чиқади. Астафурилло! Ҳар каломиди: «Одилу оқил бўлмак лозим! Улусни алдаш гуноҳ!» деган гаплар...

— Сизнинг ризқингиз билан ул кишининг ризқлари бирми, Қавомиддин?.. Айтгандай, ўзларига бир жория тўхфа этмак ниятимиз ҳам йўқ эмас... Жория ҳам ёш, диркиллаган... Нақ шайтонни йўлдан уради...— бойвачча кўзини бир қисиб қўйди.

— Инчунун... инчунун...— жория хабарини эшитиб хурсандчиликдан гапини йўқотди Самарқанд қозиси.— Сиздек қадами пок бойваччалар шаҳримизнинг, улусимизнинг фахри ила кўркидир... Илло, кўмак ҳам берурмиз, кенгаш ҳам бўлғай... Хе-хе-хе!

— Қуллуқ! Минг қуллуқ!— бойвачча меҳмонхона олдида бир қўлида офтоба, бир қўлида сочиқ, меҳмон кутаётган Жаммазабонга ишора қилди:— Чаққон қимирла! Қозикалон ҳазратларининг қўлларига сув қуй, ичкарига олиб кир!

— Хўп бўлади!

Йигирма ёшлардаги хипчагина Жаммазабон йўрғалиб келиб, қозини меҳмонхона томон бошлаб кетди.

Садр Сулаймон дарвозага қараб йўналган ҳам эдики, кимнингдир томоқ қиргани эшитилди. У ҳалигина қози «дароз бўйлик» деб ёқинқирамайроқ гапирган, Самарқанд шайхулислони Абулворис Самарқандий эди. Шайхулислом ростдан ҳам баланд бўйли, жиддий, чўзинчоқ юзли одам бўлиб, чўққи соқоли юзини яна ҳам чўзиб юборгандек кўринади. Саллаи катта ўрар, қандай ўралишига аҳамият берар, узун бармоқларида доим тасбеҳ айланарди.

— Хуш кўрдик, тақсир!— деб қарши олди шайхулислонни бойвачча.

— Сафарлар бехатар ўтдим, иншоолло!— деди Абулворис Самарқандий. У қирқларда бўлса ҳам, ёши катта кўринарди.

— Ахир кетарда ўзлари фатво бериб қолдилар, йўлимиз очилиб кетди... Шукроналар ила қайтдик...— бойвачча ҳовлига кирганларидан сўнг давом этди.— Шаҳримизда тинчлик, дориломонлиқми? Қайда дориломонлиқ йўқ, ул ерда барака йўқ эмиш...

— Дориломонлиқ... ҳа...— деди ўйланиб шайхулислон.— Қаерда экан ул дориломонлиқ?..

Садр Сулаймон шайхулислоннинг киноясини тушунмади.

— Тақсир, сўзларингизни сал англамайроқ турибмен...

— Ҳа, энди...— деди Абулворис Самарқандий хиёл кулгандай.— Дориломонлиқми, дейсиз... Дориломонлиқ фақат бир жойда, нариги дунёда бўлур! Бандаси бор жойда дориломонлиқ не қилсин!

Бойвачча шайхулислон нимадандир ранжиган, деган хаёлга борди.

— Сизга биров озор берганга ўхшайди...— деди бойвачча.— Ёки рўзгорингизда нотинчликми, тақсир?..

Улар ҳовуз бўйига келиб тўхтадилар. Шайхулислом бир лаҳза лиммо-лим шаффоф ҳовузни томоша қилди...

— Асло, хонадонимиз тинч, шукр оллога! Лекин улус...

— Ие? Улусга не бўлибдир? Улус безовтами? Амир Қозоғон адолат пешадир, унинг ўғли Амирзода Абдулла Самарқандда адолат устундир! Мамлакатнинг янги ҳукмдори улус бошини силамагига ишонамен. Холис бўлмоқ лозимдир, холис!

— Менинг сўзларим айнан холислик юзасидан бўлаётир, бойвачча! Бешак, ҳукмдор улус бошини силамаги лозим. Лекин...— Шайхулислон сўзларида энди заҳарханда оҳанглари аниқ сезила бошлади.— Лекин улусни мушти билан силаган ҳукмдорнинг ҳоли вой...

— Нечун бу сўзларга ҳожат бор экан, тақсир, англамайдирмен...— деди Садр Сулаймон.

— Ҳожат бор!— Қатъий деди Абулворис Самарқандий.— Аслида-ку, бу нарса жаъми ҳукмдорларга хос, Амир Қозоғон ҳам мустасно эмас... Ҳукмдор тахтага минди, мамлакат улуғларини, фозилу фузалоларини тахт атрофига жам этмоғи ва бу кишиларнинг ақл-идроки, саъй-ҳаракати, шижоатини юрт фаровонлиги йўлига бурмоғи лозим...

— Сўзларингиз ҳақдир, тақсир... Ҳозир...— бойвачча тезроқ меҳмонни ичкарига олиб киришга ошиқди...— Оёқда кўп туриб қолдилар... Жамма!

Дуркун хизматкорнинг йўрғалаб келаётганини кўрган шайхулислон гапларининг бойваччага унчалар ёқинқирамаганини сезди, у энди гапни бошлаган, ҳали асл мақсадини айтиб улгурмаганди, у кенгликка чиқиб энди чопа бошлаган тулпордай бирдан тўхташи қийин ҳолда эди, камон тортилган, ўқнинг олдида отилмоқдан ўзга йўл йўқ... Бас, шайхулислон ўйлаган гапини айтиб тугатишга қарор қилди:

— Бизда қандай ҳол юз бермакда? Юртнинг бечора улуғлари қувғину мискинликда, йиллар давомида элу миллат кўрки бўлиб келган фозилларнинг обрўйи қаро ерга тенг...

— Йўғ-э! Йўғ-э!— деди бойвачча.

— Сув келтирганлар хору кўза синдирганлар азиз бугун, бойвачча! Ҳа, ҳа!..

— Нималар деярсиз, тақсир?

— Битта қўшиғимиз бор-ку... «Қайси дардингни айтиб йиғлай, амакиваччам, жигарим?» деган сўзлари бор. Юртимиз, афсус, ўшанинг ҳолига тушди...

— Қўлларини тутсинлар, тақсир!— дер эди дам-бадам Жаммазабон.— Ювиб олсинлар, шайх буво!

— Шайх Нуриддин Халилуллоҳ тўғри сўз, аччиқ тил эрканликлари сабабли ҳукмдор марҳаматидан мосуво бўлди... Шундоқ юртнинг, миллатнинг саромади, фозиллар фозили, оқиллар оқили!— Абулворис Самарқандий алам билан гапирарди.

Шайх Нуриддин Халилуллоҳ етмишларга борган, Самарқанднинг обрўли, эътиборли кишиларидан эди, у бугунни эртанги кун тарозисига қўйиб чамалай олар, улус ғамини еб, дилидагини яширмай шартта тилига чиқарадиганлар тоифасига кирарди. Садр Сулаймон шайх номини эшитиб кўнгли хира тортди. Шу пайт отаси Мингқутлуғнинг Шайх Нуриддин Халилуллоҳдан нолиб гапирганлари ёдига тушди. «Бундоқ кишилар,— деганди падари бузруквори ўшанда,— эл тархини бузадир, улардан нари бўлмоқ керак...»

— Афсуски, ул зотни шаҳардан чет қишлоққа сургун қилдилар, у кишининг шаҳар заминидаги икомоти қатогон бўлди...— Шайхулислон, бойвачча бу хабарни қандай кутиб олар экан, деб зимдан кузатди, лекин суҳбатдоши чеҳрасида ҳеч бир ўзгариш сезмади.— Ахир Шайх Нуриддин Халилуллоҳдек бир фозил инсоннинг вояга етмаги учун йиллар керак бўлур, аммо уни қаро ерга тенг қилмак учун лаҳза ҳам кифоя қилар экан. Қадрига ким етадир? Водариг!

Садр Сулаймон Абулворис Самарқандийдан «дориломонлиқми» деб сўраганига ҳам пушаймон бўлди, шунча гап тилаб олди. Нохуш суҳбатни қандай тўхтатишни билмай турганда, мадраса мударриси Хожа Лутфуллоҳ ва Жомеъ масжиди имоми Қутбиддинлар келиб қолишиб, унинг музтар жонига оро кирдилар. Кичик жуссали, қора паҳмоқ соқолли Хожа Лутфуллоҳ яқиндагина мадраса мударрислигига тайин этилган, бу бойвачча шижоати билан боғлиқ эди. У билими пухта, аммо юмшоқ феъл бўлганидан эгилувчан-букилувчанлиги бор, тазйиқ остида ўз фикру эътиқодидан чекиниб кетаверарди. Урта бўйли, қотмадан келган ўттиз беш ёшлардаги Қутбиддин уч йилдирки, Жомеъ масжиди имомлиги вазифасини адо этар, тез-тез бидирлаб гапириш одати борлигидан, «бидирлоқ имом» дейишарди орқаворатдан.

— О... олис эллар сафари ўзларига бисёр хуш келибдир, табдили ҳаво ёқибдир, бойвачча!— Хожа Лутфуллоҳ кучоқ очиб келиб кўришаркан.— Ҳа, ҳа... Бари яхшиликка, кори хайрга ярасин, иншооллоҳ!

— Мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмайсан, мусулмон бўлмайсан!— деди Қутбиддин.— Зиёратингизни олло-таоло ўз даргоҳида қабул этсин, ўз даргоҳида қабул этсин! Омин, оллоҳу ақбар!

Суҳбат тўхтаб қолганлигидан фойдаланиб Абулворис Самарқандий қўл ювишга тутинди. Мударрис ва имом ҳам шундай қилдилар.

Улар меҳмонхонага кириб бордилар. Бўйига қирқ газ, энига ўттиз газ келадиган баҳаво меҳмонхона пойдевори баланд қилиб солингани, ҳовлига қараган деразалари катта-катта эканлигидан жуда маҳобатли кўринар, киши ўзини тўрт девор ичида эмас, балки баланд хушманзара тепаликда, кўкаламзор сайхонликда ўлтиргандай сезарди. Нимтатир мовий деворларга чизилган нофармон, қизил, оқ гуллар чаманзорни эслатар, нафис нилийранг дарпардалар нигоҳларни эркалаб, кўнгилда аллақандай нозик туйғулар уйғотарди. Ҳаво очиқ кунларида ҳатто девору дарпардалар ҳам билинмай, меҳмонхона гўё борлиқ бағрига сингиб кетгандай туюларди.

Меҳмонлар кириб борганларида қозикалон ичкаридаги энг чекка деразадан ташқарига, олисдаги Зарафшон тоғларига тикилиб турган ҳолда учратдилар.

— Ассалому алайкум, қозикалон жаноблари!— деди Хожа Лутфуллоҳ овозини бир парда кўтариб.

Қавомиддин қози кириб келаётганларнинг ким эканликларини аввалдан билса-да, ўзини атайин билмаганга олди, гўё салом берганни яхшироқ кўриш учун эшик томон юрди. Бу орада баланд бўйли шайхулислон билан кичик жуссали мударрис, қотмадан келган имом узун-қисқа бўлишиб хонанинг ярмига бориб қолишди.

— Ана, ана! Аҳли диннинг устун, шариатнинг пешвоси Абулворис Самарқандий шайхулислон ҳазратлари-ку!— қувониб деди қози.— Ие! Ие! Кўнгил бағоят ёришди, бағоят! Бугун эрталаб нечукким хушлиқ тушлар кўрдим, десам, боиси, ўзлари билан дийдорлашув экан... Хе-хе-хе!

Қавомиддин миқти гавдасини силкитиб кулар экан, ўзини самимий кўрғазишга уринди. Аммо шайхулислон қозининг сўзларидан тортиб ҳаракатларигача ясама мулозимат сезди. Бунинг сабабини шайхулислон яхши англайди: Қавомиддин кўпдан унинг ўрнига кўз тиккан, у шайхулислоннинг мартабаси ўзиникидан юқорироқ эканлигини кўра олмасди, ахир саройдаги қабул маросимларида Абулворис Самарқандий хоннинг ўнг томонида ёнма-ён ўлтиради, қозикалон эса анчагина қуйида...

— Қуллуқ! Қуллуқ!— деди шайхулислон.

Меҳмонлар бир-бирлари билан кўришиб бўлишгач, Садр Сулаймон барчани дастурхонга таклиф қилди.

Тўрида катта хонтахта атрофига атлас тўшаклар солинган, парқув ёстиқлар, менга ёнбошла, ҳордиқ оласан, дегандай сирли имларди. Хонтахта турли ноз-неъматлар

билан безатилган, ўртада, катта заррин баркашда нақ етти иқлим мевасини кўриш мумкин. Баркаш шунчаки зийнатга қўйилган, ейиш учун эса мевалар ҳар кишига алоҳида лаганчада берилар, ёнида пўчоқ ва нишхўрд солишга шиша тоғорачалар турарди. Ҳар меҳмон олдида ликопчаларда меваларни арчишга жажжи пичоқчалар кўринади.

— Бай-бай, жаннатдан келганми, а, бу шафтоли? Шираси томоғингни олади-я!— деди мударрис.

— Шафтоли-ку дорилфано меваси, аммо мана буниси тўғри жаннатдан чиққан!— бидирлади Қутбиддин пўртахолнинг пўчоғини ажратиб, шиша тоғорачага солар экан.

— Узумини энгу боғини суриштирманг!— деб қўйди қози.

— Жаннатдан қайси мева чиққанини билмас экансизлар, яхши билиб олмоқ лозим,— гапга қўшилди иштаҳа билан қора анжир еяётган шайхулислом.— Анжир жаннат дарахтидир, ахир Одам ота билан Момо Ҳаво онамиз ҳам бир-бирлари билан анжир тағида учрашганлар!

Ҳамма мароқланиб кулди. Мевалар еб бўлинди. Садр Сулаймон ишораси билан Жаммазабон кириб келди-да, лаганча, ликопча-ю пичоқчаларни, шиша тоғорачаларни йиғиштириб олди. Сўнгра бир ғулом кўзада сув қўйиб турди, меҳмонлар шира қўллари ювдилар. Бироздан кейин Жаммазабон чарм дастурхонга ўралган катта лаган олиб кирди. Дастурхонни ёзган эдилар, ажойиб бир манзаранинг ғувоҳи бўлдилар: катта фағфурий лаган ғаров қопқоқ билан зич ёпилган, устига мисрий ипак мато ташланган, атрофига кичик-кичик сочиқлар терилган... Бойвачча оҳиста қопқоқни олди. Лагандан қуюқ буғ кўтарилди, меҳмонлар кўз олдини бир лаҳза парда тўсгандай бўлди. Шайхулислом ҳам, қози ҳам, имом ҳам, мударрис ҳам бундоқ таом усулини ҳали-ҳануз кўрмаган эдилар. Лаганда буғда пиширилган каклик гўшти бўлиб, Қавомиддин ичида йигирмадан ортиқ каклик санади. Таомга солинган кўкатлар хушбўй таратар, айниқса зиранинг ўткир ҳиди иштаҳани баттар оширарди. Биринчи бўлиб лаганга шайхулислом қўл узатди.

— Какликдан ортиқ гўшти хуштам илвасин бўлмас эмиш-да оламда!..— Хожа Лутфуллоҳ семиз бир какликнинг этидан ушатиб оғзига солди.— Бай-бай! Мана буни жаннат қушининг гўшти деса бўлади! Оғзингга олишинг билан эриб кетади-я! Ажаб...

Қавомиддин, гап билгунча иш бил, дегандай ейиш билан банд эди. Имом ҳам шу тутумни тутди. Таомларнинг кети узилмасди.

— Сабзаворда сарбадорлар давлати қарор топмишдир,— деди бойвачча.

— Подшоси ким экан? — сўради шайхулислом.

— Хожа Али Шамсиддин Чашмий эмиш... Унга мамлакат тахтини берганларида у рад этибдир: «Мен бир дарвиш банда, гўшанишин зот эмас, дунёнинг тўртдан бирини банд айланган султонликни бошқаришга фақирга йўл бўлсин!» — бойвачча бироз тўхтади. Ҳамма қизиқиб қолди. — Нишопурда ҳамма ўшанинг зикрини қиладир. Эмишки, замон султони Туға Темурхон билан сулҳ тузибдир. Ун саккиз минг кишига маош тайин қилибдир. Раият аҳволини энгиллатибдир. Сабзаворда бир омбулхона бино айлабдир-ки, туя устидаги юки билан унинг томига чиқса кўтарар эмиш...

— Иморатни қаранг!

— Жибохонасида ўзи учун ҳар куни беш юз жиба яроғ мукамал турар эмиш...

— Қандоқ одам эмиш ўзи? — қизиқди Қутбиддин.

— Жуда камтар одам, дедилар. Султонлигига қарамай, одми кийинар экан. Ёнига икки кишини олиб ўзи кўча-кўйларда юрармиш, етим-есирлар билан кўришиб сўйлашармиш...

Садр Сулаймон самимий сўзларди.

— Ҳақиқий султон экандир... — тан берди шайхулислом. — Мовароуннаҳрга ҳам андоқ бир ҳоким лозимдир?

— Нечук бундоқ илмоқли сўзлар? — деди бирдан Қавомиддин. — Илло... Мовароуннаҳар ҳокимига нима қилибдир?

— Жаноблари, албатта, мендан Мовароуннаҳр ҳукмдори андоқдир, Мовароуннаҳр ҳукмдори мандоқдир, деган сўзлар кутмақдасиз... — истеҳзо билан жавоб берди Абулворис Самарқандий. — Ўзингизни беҳуда уринтирманг... Ундоқ бўлмайди!

— Бас, ундоқ бўлмас экан, у ҳолда юқоридаги каломларга не ҳожат бор, тақсир? — сўради яна қози.

— Ҳожат бор! — шайхулислом қизиша бошлади. — Мамлакат хароб бўлганини наҳотки кўрмасангиз? Самарқанднинг ўзини олинг, ўғри оралаган кулбадан не фарқи бор?

— Даргумон гаплардан сўйламанг! Сиздай улуғ зот, кимсан Абулворис Самарқандий шайхулислом, ҳокимнинг ўнг томонида ўлтириб, чаппа гаплардан сўзлайдирмусиз? Инсофданмукин?

— Қозикалон жаноблари, ҳамма инсофдан сўзласа ҳам, сиз сўзламангиз! Кўриб ер ёрилмайди, мен ерга кирмайдурмен... Водариғ!

Шу пайтгача таом ейиш билан машғул бўлиб, гапга аралашмай турган мударрис Хожа Лутфуллоҳ:

— Хай! Хай! — деб юборди. — Сиз ёшсиз, Қавомиддин, бир гапдан қолинг! Сиз улғусиз, шайтонга хай беринг, шайхулисом ҳазратлари!

Хожа Лутфуллоҳ эҳтиёткор одам бўлганидан умуман бундоқ баҳсларга қўшилмас, баҳс тугагач, қайси томон фикри устун келса, шу томоннинг ёнини оларди. Шунинг учун ҳам доим, бошқалар нима деркин, қани, кутиб турайлик-чи, қабилада иш юритарди.

— Жанжал бор жойдан барака кўтарилур, барака кўтарилур! — қўшилди имом.

— Қачон тўғри гапни айтдингу туққанингга ёқдинг!.. — деди афсуслангандек шайхулисом. — Ҳамиша оғзингга урадилар...

— Сиз урмайдиган қилиб сўзланг! Қонун бор, шариат бор...

— Тақсир! — кинояли жилмаяркан деди шайхулисом, қозига қараб. — Сиз қонун билан шариатни пеш қилмангиз! Мен уларни сиздан ўн қовун пишиги олдин ўқиб-ўрганишини бошлаганмен ва бул хусусда жуда кўпларга сабоқ бермоғим мумкиндир, хотиржам бўлсинлар!..

— Камроқ ўқибдилар-да, камроқ ўқибдилар... — деди ён бергиси келмай Қавомиддин.

Баҳс Садр Сулаймонни ташвишга солиб қўйди. Бойвачча давлату замон юрт ҳукмдори ҳақида самарасиз мубоҳаса юритишни ёмон кўрар, бирон ерда шундай гап чиқди дегунча, уни ёпишга ҳаракат қиларди. Бойваччанинг бугунги меҳмондорчиликдан мақсади Хонлиқ оқа фатвосини олишдир, шу холос. У баҳс кучини кесиш мақсадида, бундай дейди:

— Мен иккингишни ҳам ўзимнинг ҳамфикр дўстларим, оғаларим деб билурмен. Наҳотки, мендек биродарларингизга ёмонликни раво кўрсангиз?

— Йўғе, нима деяпсиз? — деб юборди қози, бойваччанинг, бир жория туҳфа қилгум бор, деган гапи эсида қоим турарди.

— Сизга совуқ сувни ҳам раво кўрмайман... — деди самимий шайхулисом.

— Менинг хонумонимни совуриш фикри йўқ бўлса керак, деб ўйлайман...

— Эса-чи!

— Шак йўқ! Шак йўқ!

— Бўлмаса, менинг уйимда туз-намагимни еб, юрт ҳукмдори ҳақида ҳар хил тайинсиз гаплар дейишга журъат этарму эдингиз? Нима дедингиз, Қавомиддин? — Бойвачча, қозининг, Самарқанд ҳоқими ўзингиз бўлишингиз керак, деган гапига ишора қилди. — Бу гапларингиз қанот боғлаб қайларгадир етиб борса, не бўлур?

— Етиб ҳам борадир, сўзларингиз ҳақ...—ўз-ўзига айтгандай деди Абулворис Самарқандий.

— Ким етказадир? — деди жаҳл билан қози. — Мен ўшанинг оёғига тахтакач боғлаб...

— Азизлар! Тоғларда эркин сакраб юрган каклик гўшtidан тотиб ҳаволаб кетдингиз дейман! Сал ерга тушайлик! — Садр Сулаймон меҳмонларни қўшни хонага таклиф қилди. — Иликларни ювиб олайлик, шираси кетсин...

— Иликлардан шира, кўнгиллардан хира кетсин, аммо суҳбатдан сира шира кетмасин! — деди ҳазил аралаш Хожа Лутфуллоҳ, таранг даврага кулгу аралаштириш ниятида.

Қўшни хонада уларни ҳар бири елкасида мисрий сочиқ осган ғулумлар кутиб туришарди. Меҳмонлар махсус идишларда қўлларини ювдилар-да, сочиққа артиб хушбўй сувдан сепиб олдилар. Хожа Лутфуллоҳ кун оғиб қолганини сезди, деразадан Арк кўчаси оша Чорсу майдони тарафга қаради, майдоннинг нариги томонида, Наддофлар билан Кулоллар кўчалари ўртасида жойлашган карвонсаройнинг баланд пештоқи кечки офтоб ёлқинида ялтирар эди.

— Аср намози қазо бўлмасин тағин! — деди мударрис. Ҳамма хонтахта тўрисида намоз ўқишга турдилар.

Дастурхон ёнига қайтишгач, бойвачча қўшни хонадаги мутрибларни чорлади. Пойгакдаги кўрпачаларга тиз чўккан мутриблар «Уззол» куйини чала бошладилар. Кейин «Бўғмача билагим» деган халқ куйига навбат келди.

— Бу қандай куй экан? — сўради Хожа Лутфуллоҳ куйдан таъсирланиб. — Танишга ўхшайди-ку ўзи...

— «Бўғмача билагим», тақсир! — деди Абулворис Самарқандий ҳам мусиқа таъсирдан кўнгли увалиб.

— Мусиқа эмас, роҳат десангиз-чи! Роҳат десангиз-чи! — Мақтади имом.

Қавомиддин шайхулисомнинг гапига қўшимча қилмоқ, шунинг билан улар ўртасидаги хирачиликдан асар ҳам қолмаганини кўрсатмоқчи бўлди:

— Шайхулисом жаноблари, «Бўғмача билагим» дейсиз. Илло... ўзи бўғмача бўлсам, ошиқ диллар тугунини ечиб юборади-да нақ, а, лаббай, бойвачча?

Бойвачча юзларига хижиллик сояси югурди, ичида: «Хайрият, бугунги анжуман мақсадга юз бурди», деб қўвонди ва қозига мамнун назар ташлади:

— Ишқилиб, озроқ яйраб сафо этсангизлар, дейман-да...

— Муҳаббат бир ажойиб табиат туҳфаси экан, — деди яна Қавомиддин. — Тоҳир ва Зухрони олинг ёки Вомиқу Узрони! Алпомишу Барчинни, ё Лайли ва Мажнун-

ни! Ҳар бири бир дoston, қисса, сўйласангиз, Шаҳризода эртаклари ҳам бир четда қолиб кетади.

Шайхулислом Қавомиддиндай диндор одамнинг кутилмаганда муҳаббат ҳақида бундоқ ёйилиб гапиришидан ҳайратга тушди ва синаб кўриш мақсадида деди:

— Қозикалон жаноблари! Муҳаббат ҳақида сўз юритдилар...

— Шундоқ, тақсир, шундоқ...

— Муҳаббатни ажойиб табиат туҳфаси дедилар...

— Дедим, дедим...

— Тохиру Зуҳро, Вомиқу Узродан сўз очдилар, Алпомишу Барчин, Лайли-ю Мажнунлар ҳам қолмади... Аммо, бир нарса хаёлингиздан фаромуш бўлибдир...

— Нима экан? — сўради қози тобора таажжуби ортиб. — Десинлар, илло...

Муғанний «Шашмақом»дан қўшиқ айтар, Хожа Лутфуллоҳ билан Қутбиддин, суҳбатнинг оқими қаёққа борар экан, деб қизиқиб қолишганди. Шайхулислом синовни давом этдирди:

— Ахир муҳаббат, оламда фақат бир сиймога қаратилмоғи зарурдир, яъни яратганнинг жамолига, ҳақнинг жамолига! Сиз шу нарсани ёддан чиқардингиз, билъакс, Тоҳир-Зухралар муҳаббатига алмаштирдингиз!.. — Шайхулислом атай қаттиқроқ гапирди.

— Ажаб, ажаб... — деб қўйди Хожа Лутфуллоҳ.

Қавомиддин кутилмаган ҳужумдан сал эсанкиради, аммо тездан ўзини қўлга олди. У ҳақнинг жамоли ва муҳаббат ҳақидаги мунозарали фикрларни англаб етади, бунга муносиб жавоб ҳам тайёрдир, фақат бир нарсага тушунолмади турибди: шайхулислом ҳазил қиладурми ё жиддий гапирадурми?

— Шайхулислом ҳазратлари, фақирни имтиҳон кўзгусига солиб кўрмакдадурларму дейман? Фикху шариат илмини биздан ўн қовун пишиғи илгари билганликларини намойиш этмакчилар шекилли! Хе-хе-хе! — Қавомиддиннинг ясама кулгуси янгради. — Тақсир! Ҳақнинг жамоли ҳамisha дилимиздадир, агар бир гул кўрк очса, ҳақнинг аён бўлгани шудир. Алалхусус, Вомиқ Узрони хуш кўрса, билингим, анинг латофатида ҳақнинг жамолидан шуълалар борлигидандир...

— Андоқ денг? — шайхулислом кинояли сўради. — Агар сиз Мансур Халлож замонида кун кечирганингизда... дордан қочиб қутулолмас эдингиз!

— Тақсир! — Қавомиддин баҳсни бошқа изга кўчириш ниятида деди. — Яқинда Қасри Гиндувон қишлоғини зиёрат этдим, у ерда шайх Баҳоваддин Нақшбандий истиқомат қиладирлар. Косибдурлар... бир таноб ери бор, экин-зироат билан ҳам машғул эрқандир...

— Ажаб, ажаб... — деди Хожа Лутфуллоҳ. — Машҳури офоқ ул зот...

— О, Баҳоваддин, балоғардон пирим! — деб юборди имом Қутбиддин. — Ул зотни зиёрат этмак ҳаж савобиға тенгдир!

— Ул зот ҳам ҳақ жамоли деб, худо деб қўл қовуштириб ўлтирмайлик, уни дилга жо этиб, тирикчиликдан қолмайлик, деб таълим берадирлар. «Дил ба ёру даст ба қор» сўзлари у кишининг каломларидир. Дилимизни муҳаббатга берайлик, қўлимизни ишга юборайлик. Илло, муҳаббат ҳам бундан мустасно эмасдир...

Қавомиддин ҳисобни тўғри олган эди, баҳс бошқа изга кўчибгина қолмасдан, энг муҳими, қози учун керакли изга тушди. Гап шундаки, Абулворис Самарқандий Баҳоваддин Нақшбандийнинг муридларидан эди, шайхнинг тариқати унинг интилишларига қарашларига мос келарди. Самарқанд шайхулисломи кўз ўнгида қўллари бақувват, юзлари офтобда пишган қорамағиз юзли чайир бир киши намоён бўлди, гарчи ёши Абулворис Самарқандийникидан кичик эса-да, шайхулислом шайхни пир тутарди. Пирларнинг эса кекса-ёши бўлмайди.

— Жаноблари шайх Баҳоваддин Нақшбандийни бунчалар яхши билишларидан беҳабар эканмен... — сидқидил тан олди шайхулислом.

— Ажаб, ажаб... — деди Хожа Лутфуллоҳ.

Садр Сулаймон шайхулислом билан қозиюл қуззот ўртасида чиққан янги баҳсдан яна кўнгли хижил бўлди.

— Тақсир! — деди у Қавомиддинга қараб, унинг заҳраси учиб турганлигини қози сезди. — Сизлар... шайхулислом ҳазратлари билан мабодо божа эмасмисизлар?

— Йўқ... — деди қози ҳайрон. — Нимага ундоқ деяпсиз?

— Ҳалиги... божа божани кўрса... дейдилар-ку?.. Бир-бирингизни кўрсангиз дарров баҳсга тушиб кетасиз-да... — Садр Сулаймон султоннинг ингичка аччиқ кулгуси жаранглаб меҳмонхона деворларини тешиб ўтгандай бўлди.

— Ажаб, ажаб... Божа эканларму, а? Билмаган эканмиз... — деди Хожа Лутфуллоҳ. — Ажаб...

— Э, намулча «ажаб»лайверасиз? Ё волидалари туққанда «ажаб» деб туққанмилар? — бойваччанинг жаҳли чиққани энди билинди. — Ҳа, баҳс қилманглар, еб-ичиб, яхши гаплардан сўйлашиб ўлтирайлик, дейиш ўрнига, нуқул «ажаб» демакдан нари ўтмайсиз?

— Шундоқ, шундоқ, бойвачча, сиз ҳақсиз... ўтмайман... — шоша-пиша деди Хожа Лутфуллоҳ.

Қавомиддин зўр-базўр кулди-да, деди:

— Яхши сабоқ бердингиз, бойвачча, қуллуқ! Ростдан ҳам биз меҳмонга чақирилган эканмиз, мана, едик, ичдик, баҳслашдик... Албатта, бизни бирон маслаҳатга чорлаган бўлсалар керак?.. Мен шул ҳақда сўрамакка энди оғиз жуфтлайдирмен, шайхулислом жаноблари фақирни саволга тутиб қўймайдирлар...

— Агар сўзимиз оғир ботган бўлса, бойвачча, бизни маъзур тутасиз... Уз уйимизда ўлтиргандек, сўзга эрк берибмиз... — деди шайхулислом.

— Асло малол сарига борманг! — деди бойвачча қаттиқроқ тегиб юборганини тушуниб. — Уз хонадонингиздек... Сизларни яқин олиб шундоқ гапирамен-да! Оғанимиз... Бир нарса хусусида маслаҳатингиз зарурдир... Сизлардан яширадиган жойим йўқ...

Меҳмонлар бироз енгил тортдилар. Садр Сулаймон Нишопур сафаридан ҳикоя қилди, кўҳна шаҳар таърифини келтирди, қўллар, чўрилар харид қилганини айтди. Хонлиқ оқа хусусида сўйларкан, ёш нарса эканлигини, кутилмаганда хуш кўриб қолганлигини тан олиб гапирди. Сўнг ғайридин бир жорияга қандоқ қилиб эш бўлмоқ йўлларини қидираётганлигини англади.

— Ажаб...—деб сўз бошлаётган Хожа Лутфуллоҳ бирдан бойваччанинг дашноми эсига тушиб жимиб қолди, сўнг қўллаш маъносида деди:— муҳаббат покиза нарса... Уни пок тутмак лозим... Инчунун, бойвачча пок тутга олгай, иншоолло...

— Ҳали бунга шубҳангиз ҳам борми, тақсир? — ўсмоқчилади Қавомиддин. — Нима дедингиз, шайхулислом ҳазратлари, а?

— Муҳаббатнинг покиза нарса эканлигига асло шубҳам йўқдир... — деди Абулворис Самарқандий, аммо бойвачча уни пок тутга оладими, йўқми, бу томонига муносабат билдирмади.

— Муҳаббат бир офтоб экандир, барча офтобдан баҳраманд бўлгиси келади... — жилмайди мударрис. — Зеро офтоб нурида исинмак гуноҳ саналмас! Бу оллога ҳам хуш ёқади...

— О, кўнгил, кўнгил! Менинг кўнглим балодир, ёнган ўтга соладир! Кўнглимнинг кўчаси кенг... — гапга қўшилди индамай ўлтирган имом...

— Шайх Баҳоваддин ҳам ҳақнинг жамоли деб, қўл қовуштириб ўлтирмайлик, уни дилга жо этиб тирикчиликдан қолмайлик, деганлари шу-да! — Қавомиддин, гапим тўғрими, дегандек шайхулисломга қаради. — Бойваччанинг муҳаббати, ана ўша шайх айтмоқчи, тирикчилиги... Ғайридин оқибага меҳрини шундоқ англамак лозим!..

Садр Сулаймон гарчи шундай деган бўлса ҳам, гап баҳсга айланиб кетди. Бу ерда Хонлиқ оқанинг ғайридин эканлиги ўртага ташланди, бойвачча хотинлари хусусида сўз кетди. Агар бойвачча юнон қизига уйланмақчи бўлса, икки жиҳатга эътибор қилинсин, деди Хожа Лутфуллоҳ. Биринчидан, ғайридин қиз муслмонликни қабул қилсин, сониян тўрт хотинларидан бирига талоқ хати тутқазсин...

— Бойваччанинг юнон қизига муҳаббати зўр экан, бунга шариятда йўл топилур... — деди шайхулислом. — Аввало, жориянинг муслмонликни қабул айлаши шарт эрмас... Фақат, у муваҳҳид бўлса, яъни оллоҳни ягона деб тан олса, кифоя. Ғайридин жория, агар даҳрий бўлмаса, унга уйланмак мумкин, аммо қиз бермак қораланадир...

Абулворис Самарқандий бойваччани яхши биларди, кўнглига тугиб қўйган мақсадини аввалдан ҳал қилиб қўйиб, номига ўзгалардан маслаҳат сўрагувчилар тоифасидан эди бойвачча. Модомики, Хонлиқ оқани хуш кўриб қолган экан, ҳар қандай йўл билан унга уйланади, шак йўқ. Юнон қизи муваҳҳид бўладими, тўрт хотиндан бирининг жавоби бериладими — буларнинг заррача аҳамияти йўқ. Лекин битта алам қиладиган жойи, бойваччанинг устомонлиги туфайли, шайхулислом кейин ўзи истамаган ҳолда шундай ишга фатво берган бўлиб чиқиши эди. Албатта, бу ҳодисанинг кунлар келиб тавқи лаънат бўлиб ёпишажагини шайхулислом хаёлига ҳам келтирмасди. Шайхулислом учун яна бир янгилик шундан иборат бўлдики, Қавомиддиннинг муҳаббатни мақтаб гапиришидан манфаат излаганини билди. Бойвачча, шубҳасиз, унга недир ваъда қилган! Оғараз кули, нафс бандаси!

— Ул оқиба муваҳҳид бўлса, бас малолсиз уйланмак мумкин, уйланмак мумкин! — буни имом айтди.

— Фақат бир шартким, Хонлиқ оқага янги чорбоғ сотиб олиб бергайсиз ва ул ўша ерда истиқомат этмаги лозимдир, — деди шайхулислом. Бу сўзларни фатво деб тушунган бойвачча:

— Хотиржам бўлсинлар шундоқ қилурмен! — деди мамнун.

Садр Сулаймон Хонлиқ оқа масалаласини ҳал қилиб олган, тўй тараддудига тушди. Аввало, у Самарқанднинг казо-казолари берган маслаҳатларга кўра, келинчақ учун янги ҳовли сотиб олди, ҳовлини Хонқали кўчасидан танлади. Арк кўчаси билан Хонқали кўчаси оралиғида Чорсу майдонига чиқаверишда, хонақоқ ёнида бир синган савдогарнинг каттагина ҳовлиси бор эди. Тўй ана шу ҳовлида бўлди. Хонлиқ оқанинг келинлик даври бошланди. Лекин бечора қиз манглайида не савдолар борлигини ҳали билмас, эртанги кун ҳам бугунги кундай кечади, деган умид асираси бўлиб яшарди.

Ҳаш-паш дегунча ўн йил ўтиб кетди. Кўнгил деб ғайридин жорияга уйланган бойвачча, барибир, кўп дашномларга қолди, бўлар-бўлмас миш-мишлар туғилди. Жаммазобон яқинда Бухорога бориб келди, ўша ерда ҳам: «Самарқандлик бойвачча, ғайридиндан хотин олибди, кофир қиз илгини тутибди...» деган гап юрганмиш. Бойвачча фарзанддан умидвор эди, фарзанд кўришса, ҳамма майда гаплар кўмилиб кетарди. Аммо фарзанддан дарак бўлавермади.

Кутилмаганда лўп этиб чиқиб қолган бир ҳодиса ҳамма нарсани ўзгартириб юборди.

Бир куни Жаммазобон Садр Сулаймоннинг олдида индамай бош эгиб тураверди. Нохуш нарсаларни гапиришдан аввал унинг шунақа қилиш одати бор эди. Бойвачча ҳайрон сўради:

— Ҳа, Жамма? Нима бўлди?

— Мен... итингизмен, султоним... Аммо итлик қияпти деманг...

— Гапир!

— Бутун умримни хонадонингиз остонасига боғлаганмен... — Жаммазобон бойваччага тик қаролмасди. — Беминнат хизматим туфайли шу қутлуғ рўзғор қуллари қаторидамен...

— Чўзмай гапирсанг-чи! Нима бўлди ўзи?

— Сизнинг шаънингизга озгина доғ тушса, мен у дунёю бу дунё ўзимни кечиролмаймен...

— Эй, намунча тешадай ўз-ўзингга томон йўнасен? — Садр Сулаймоннинг энди жаҳли чиқа бошлади.

— Султоним... хонадонингизга хиёнат оралади...

— Нима?! Нима деяпсен, бадбахт?! — бойвачча каллахум Жаммазобоннинг ёқасидан олиб силкита бошлади. — Ким... доғ туширди?

— Айтдим-ку, султоним, итлик қияпти деманг, деб...

— Айт! Ким?!

— Кенжа завжангиз... Хонлиқ оқа бойбича...

— А?! Нима дединг, тилинг кесилгур?! Хонлиқ оқага нима бўлибди?

Жаммазобон Хонлиқ оқанинг сўнги пайтларда Қавомиддин қози билан дон олишиб юрганини гапириб берди. Бойвачча ҳафтанинг маълум кунда бозорга чиқади, қози ҳам иттифоқо бозорда юрган бўлади...

Ҳар жума куни тунда хилватда кўришадилар...

— Бас! — деб юборди бойвачча. — Ҳеч кимга оғзингдан чиқарма!!!

Садр Сулаймон Жаммазобонга қаттиқ ишонарди, у ҳеч қачон алдаган эмас... У ўзини қўйгани жой тополмай қолди. Садр Сулаймонни Хонлиқ оқанинг хиёнати, келиб-келиб Қавомиддин қози билан боғланиб қолиши беҳад ўртаб юборди. Дарров улар учрашиб турадиган хилватни топиб, иккисини ушлаб, Чорсу майдонида эл олдида шармандаю шармисор қилиш керак, деган фикрга келди. Аммо тезда бу фикридан қайтди, чунки агар шундоқ қилса, аввало ўзининг шаънига яхши бўлмаслигини тушунди. Улус эшитиб, бойвачча ундоқ экан, хотини бундоқ экан, дейди, эл оғзига элак тутиб бўлмайди... Қозига нима гап ҳам тегарди...

Садр Сулаймон Хонлиқ оқа хонадони томон борар экан, қандай қилиб юзсиз хотиндан ўч олиш ҳамда сувдан қуруқ чиқиб кетиш йўлларини ўйлар, дам-бадам дудам пичоғини ушлаб кўяр эди. У шу боришида Хонлиқ оқага пичоқни ботириб-ботириб олгудай алпозда эди. Ҳовлига қадам қўйди-ю, ўзини қўлга олди.

— Хонлиқ!!

— Лаббай, султоним! — югуриб келди Хонлиқ оқа, унинг дўриллаган овози ҳар қачонгидан ҳам хунукроқ эшитилди. Хонлиқ оқа анча тўлишган, тиниқ осмондай мовий кўзлари аввалгидек беҳол ва маъсум боқмас, балки шаддод ва таптортмас эди. Синчиклаб қараган одам, мижжалари остида хиёл салқилик пайдо бўлганлигини илғайди, бир пайтлардаги офати жон хушбичим қоматли санам энди йигирма беш ёшли тўлғин бир хотинга айланган... Садр Сулаймон уни биринчи марта кўраётгандай узоқ тикилди, кейин индамай ичкарига йўқолди. Хонлиқ оқа эрининг изидан эргашди.

— Хўш... — деди бойвачча шоҳи кўрпачага чўкка тушаркан. Унинг вазоҳати кўрқинчли эди. — Узлари чўри эдилар... Бойбека даражасига кўтариб қўйган эдик... Энди... тўйдиролмай қолдикми?... А?!

— Султоним... — Хонлиқ оқа нохуш нарсани сезиб турарди.

— Энди тўйдиролмай қолдикми?... А?! Гапир, манжалақи!!

— Нимани... Гапирай? — қути учиб сўради Хонлиқ оқа...

— Нимани?! Нимани, эмиш! Менинг юзимга оёқ қўйганингдан гапир! Хиёнат қилганингдан гапир? Ана бу қози билан пинҳона гуфтугўларинингдан гапир! Расво!!!

— Мен у кишини бозорда кўриб...

Хонлиқ оқанинг сўзи оғзида қолди. Садр Сулаймон олдида турган махлуқни шапа-лоқ билан тортиб юборди.

— Мегажин! Яхшиликни билмаган аҳмоқ, ношукур банда! Итнинг бошини товоққа солса юмалабдир... Астафурилло!..

Бойвачча гапирган сари ўзининг сўзлари ўзининг бағрини ўйиб борарди. У гапни қисқа қилмоқни ўйлай бошлади.

— Ахир... гуноҳим... — ҳиқиллади Хонлиқ оқа. — Нима...

— Сенинг гуноҳинг учун девор тагига бостириб юборишим керак... — деди бойвачча, амирзода Абдулланинг хиёнаткор завжасини ўйнаши Баёнқулихон билан қозиққа ўтқаздирганини эслади. — Йў-ў-ўқ! Унда осонликча ўласан кетасан!.. Сени ўлдирмайман... Эл-халқ ўртасида Хонлиқ ундоқ, Хонлиқ бундоқ деган тавқи лаънат гапларга ҳам тоқатим йўқ! Йў-ў-ўқ!

Бойвачча аламли тиржайганча ўрнидан туриб кетди.

Хонлиқ оқа Садр Сулаймоннинг фарзанди йўқлигини кўриб, агар фарзанд туғса, шунча мол-мулк меросхўри бўлиб қолишини яхши биларди. Аммо йиллар ўтиб, ўзида бирон ҳомила нишонасини сезмади. У қандоқ қилиб бўлса ҳам фарзанд кўриш ташвишига тушди. Тўғри йўлдан чиқиш эмас, балки тўғри йўлга тушиш қийиндир. Хонлиқ оқа фарзанд илинжида шайтон васвасасига учиб, Қавомиддин қози билан пинҳона топишиб қолди. Топишди-ю, бошига бало орттирди. Шўрлик хотин буни Садр Сулаймонга қандай тушунтира олади? Ахир у издан чиққан бўлса, бир чеккаси, бойвачча шаънини ўйлаб шундай қилди... Хўш, фарзанд кўришса, Садр Сулаймон обрўси эди-ку! Буни қандай тушунтиради, ким тушунади-ю, ким қулоқ осади?..

— Худо хайрингизни берсин!.. — Хонлиқ оқа шитоб келиб бойвачча оёқларига тиз чўқди. — Менга бир яхшилик кўргизинг, султоним! Бошимни очик қилиб беринг! Юртимга кетай, ўша ёқларда гумдон бўлай!..

Садр Сулаймон пойида тағин ўша ўзи билган хушсурат, мовий кўзлари илтижога тўла сулув юнон қизини кўрди. Хонлиқ оқанинг латофати ҳали кўнгилларни куйдирар даражада жозибали, ҳар қандай қаҳрлар музини ҳам эритишга қодир эди. Аммо лат еган орият туйғуси, хиёнат алами олдида кўз ёшлар, кўрку ҳусн васвасаси бойвачча кўнглига таъсир этишдан ожиз қолди.

— Султоним!..

Садр Сулаймон ғазаб ичида Хонлиқ оқанинг елкасидан тепиб юборганини билмай қолди.

— Уч талоқсан!!!

Хонлиқ оқа хўнграб юборди.

— Шўрим қуриди! Шўрим қуриди!..

— Лекин хиёнат учун берилган жазо ҳали бу эмас, ҳароми! — бойвачча овозини пасайтириб тиш орасидан деди. У Хонлиқ оқага қандай жазо бериш борасида бир тўхтамага келолмасди. Бирдан Дайлам подшоси Азудаддавла билан малика Жамила ўртасида бўлиб ўтган машҳур ишқ можаросини эслади. Подшо севган қизига уйланмоқчи эди, аммо малика қатъиян рад этди. Ранжиган Азудаддавла Жамилани бобилхонага юборди. Малика қочиб, ўзини Дажлага отиб ҳалок бўлди...

— Девор тагига бостирсам, деворга ачинамен... От думига боғлатсам, отга жабр... Осонгина ўласан кетасан... Йў-ў-ўқ! Шундай бир жазо топайки, бир умр азобини торт! Ҳа! Дайлам подшоси бўлмасам ҳам Самарқанд бойваччаси мен! — Садр Сулаймон босиқ гапирарди. — Сен ҳаром ишга қўл урдинг, хиёнат ботқоғига ботдинг... Ўзинг шуни тиладинг! Бас, қолган умринг ҳам шундоқ кечадир! Сен шу уйда бобилхона¹ очасен, ўзингдек ҳаромиларга бош бўлиб, сенга сарф қилинган ўн минг динорни узиб берасен! Озодликка чиққач, бошинг оққан томонга кетаверасен! Шундагина кўнглим ўрнига тушади, ҳа!!!

— Ундай қилманг, султоним! Расво қилманг, султоним! — Хонлиқ оқа шундай деб йиғлар, бойвачча этакларига ёпишарди. — Уринг, ўлдилинг-қўйинг ундан кўра, мен бахти қарони! Ундай қилманг!.. Войдо-о-од, уйим куйди! Уйим куйди-и-и!!!


— Сени ўлдиргани ҳазар қиламен! — хотиржам деди Садр Сулаймон. — Торт қўлингни! Менга номаҳрамсен!..

Бойвачча ялиниб-ёлворган аёлга боқмай хонадан чиқиб кетди.

Хонлиқ оқа беҳол ўзини ўринга ташлади, хўнграган овозини чиқармаслик учун ёш ювган юзларини барқут ёстиққа босди...

Давоми келгуси сонда

¹ Бобилхона — ўйинхона, фоҳишахона маъносида.



Равшан Файз



Достон

Абдулла Ориповга

Бола кечалари ёлғиз ўзи ховлига чиқишга кўркарди, назарида туннинг ажиналари, ўғрилари бўларди. Айникса, узун киш кечалари ташқарида жаҳлдор шамоллар ваҳшат солиб чопганида у Онасининг ёнидан нари кетмасди. Боланинг Барчин опаси ҳамда Ботир акалари эса сандал атрофига тизилишиб негадир нукул ажиналару бой-ўғлилар, аллақандай кўзга кўринувчи нарсалар ҳақида бири олиб, бири қўйиб узоқ гапиришарди. Кўзларидан ўт чакнаб қайлардадир одам чакирадиган сеҳрли сувлар борлигини, чакирилганлар эса албатта ўша сувга фарқ бўлишини ваҳима билан сўзлашарди. Онаси ҳар замонда: «Бўлди хў-ўв, эртага мактабга... қаёқдаги гапларни топасанлар-эй!..» деб қўярди. Бола Барчин опаси ва Ботир акаларига қойил қолганича, урчуқ йиғираётган Онасининг пинжида уйкуга кетарди. Унинг Ботир акалари эса Онларининг гапига кирмай тўшақларида ҳам алламаҳалгача пичирлашиб ётишарди. Баъзи кунлари Бола уйғониб:

— Эна, далага чиқаман,— деб коларди.

— Қани менинг кенжа ботиримни бировларинг олиб чиқинглар-чи,— дерди Онаси урчуқ йиғиришда давом этиб. Боланинг Ботир акаларидан бирови Онасининг қистови билан Болани ховлига олиб чиқарди. Ташқарида эса киш, жаҳлдор шамоллар...

— Бўжи келди, бўл тез,— деб кўрқитарди «қоровул». Ваҳимага тушган Бола апилтапил иштонини кўтариб ортига чопарди. Уйга киришгач, у гоҳида индамай яна уйкуга кетар, гоҳида лабларини бурганича ўз-ўзидан йиғлаб юборарди. Шунда Онаси:

— Ҳа шўрим курсин-а, болага иш буюр, орқасидан ўзинг югур,— деганича уни қайтадан ташқарига етаклар эди...

(Қишлоқ, даргоҳингга йўлим тушса ҳам,
Тушса ҳам кўксимга ғулу, ҳаяжон,
Бари бир энг содда ҳайратим билан
Қайта учрашмасман энди ҳеч қачон.

Бугун атрофимда ўзга бир олам,
Кўзларим ёндириб қилар жимжима.
Шамоллар увлаган қаро тунда ҳам,
Менга дуч келмайди энди ваҳима.

Айёр ажиналар яшаган адир,
Аразлаб, адашиб кетгансан қайга?!
Агар изласам ҳам энди, бари бир
Сени тополмасман ҳеч қачон қайта!

Энди хотирамда сарғайиб мангу
Хаёлим саҳнига келаркансан бот,
Нурафшон кунларим бўлар қоронғу,
Эй содда ишончдан иборат ҳаёт.

Тиниқ тасаввурдан яралган жаҳон,
Мени олиб бормас сенга бирон йўл.
Демак, учрашмасмиз энди ҳеч қачон,
Демак, бир умрга хайр, рози бўл!..)

Қўзигул чиққандан бошлаб ҳаммалари ховлида ётишарди. Улар бир муддат ўзаро юлдуз талашишарди-да, кейин ўйинга мўл илиқ кунларнинг чарчоғиданми, дарров ухлаб қолишарди.

Шундай тиниқ, осуда тунларнинг бирида Бола сапчиб уйғонди. Кимдир чақиргандай бўлди, эти увушди. Қўрқди.

Бола дарров кўрпасига бурканиб қулоғини динг қилди. Аммо шамолларнинг ҳур-хури ва ухлаётган Ботир акаларининг бир маромда пишиллашидан бошқа ҳеч нарса эшитилмади.

Кейинги тун ўртаси ҳам Болани яна кимдир чақиргандай бўлди. Йўқ-йўқ, бу гал аниқ эшитди — кимдир отини айтиб чақирди. У тағин сесканди, илиқ баҳор кечасида қалт-қалт титради, шошиб Онасини туртди: «Эна, мени кимдир чақирди!..» Онасини ваҳима босди, чунки у Боланинг ўтган тунда ҳам нимадандир қўрқиб уйғонганидан хавотирда эди. «Боламга бир нарса бўлган. Фол очиришим керак», деб ўйлади. Кейин:

— Туш-пуш қўргандинсан-да, болам, қўркма. Менга яқинроқ ёт,— деганича Боланиң елкасига қўл ташлаб овутган бўлди. Аммо ўзи ич-ичидан зил кетди...

Шохлар аро шитирлаб шабадалар эсганди,
Бовримдаги болам-ов полапондай сесканди.

Оқ булутнинг ортига яширинган оймома,
Чиқ оламини ёритиб, боламга қўрқув сома.

Менинг болам улғайиб юрт сўровчи бўлсин-эй,
Уйқусидан айирган шабадалар ўлсин-эй.

Шохлар аро шивирлаб шабадалар эсганди,
Бовримдаги болам-ов полапондай сесканди.

Оқ булутнинг ортида юзин ёпган юлдузим,
Қарагин кўзларимда ёшларим тизим-тизим.

Болам туриб, энажон, кимдир чақирди, дейди,
Унинг уйқусин бузган ўзининг бошин ейди.

Менинг болам улғайиб юрт сўровчи бўлсин-эй,
Оромин олиб қочган ажиналар ўлсин-эй...

Бола-ку ухлаб қолди. Аммо Онасининг уйқуси қочди. Ва эртасигаёк каттақишлоқлик кушночга қўнғил ёрди. Қушноч бўлган воқеаларни эшитгач, қўргандай, билгандай хукм чиқарди:

— Уйнаб юриб азиз жойга ёзилибди, ҳардамхаёл бўлиб қолибди. Қўк товук сўйинглар, уч кунлик чиллага соламан, париларим шуни буюряпти.

Онаси у айтган нарсаларнинг ҳаммасини муҳайё қилди. Кечкурун ҳалқа бошланди. Кампирлар она-болани айланиб зикр тушдилар. Қушноч камчисини қарсиллатиб, чилдирмасини гумбурлатиб бало-қазони ҳайдади:

Кўч-кўч бадик, кўч бадик,
Чангиб ётган чўлга кўч.
Кўч-кўч бадик, кўч бадик,
Чалқиб ётган кўлга кўч.

Кетар жойинг айтайин
Йўртиб-йўртиб йўлга кет.
Ҳай-ҳув солиб ҳайдайин
Ёмғирга кет, дўлга кет.

Борар жойинг мен айтай,
Тиғдор-тиғдор тоққа бор.
Бу болада йўқдир айб,
Бор, баҳмалдай боққа бор.

Бу бола гулдан нозик,—
Гулзорга кўч, гулга кўч,
Гулзорда сайраб турган
Бийрон қуш булбулга кўч.

Нигоҳлари нигорон,
Ойга бор, юлдузга бор.
Гулларга кон, гулга кон,
Баҳорга бор, кузга бор.

Чўлларда чаппар урган
Куюндай кет, елдай кет.
Олд-ортингга боқмасдан
Шиддати зўр селдай кет.

Кўч-кўч бало... кўчмасанг
Сени ҳайдаб тўймасман.
Бегуноҳ бу боладан
Кўчмасингга кўймасман...

Кушночнинг ўзиям гоҳ сел бўлди, гоҳ шиддатли ел бўлди, кулдирмади кулмади, сочларини юлмади, суюб-суюб сўйлади, куйиб-куйиб куйлади, даврадаги дўст-душманни эл қилди, кўзининг ёшини сел қилди. Айтганларининг барини қаёқдан топай, қайси бирини айтай... воҳ-ху-у... Кушноч ўз ирим-жиримларини тугатгач: «Бола уч кеча-кундуз ташқарига чиқмасин, бегона кўз тушмасин», деб такрор-такрор тайинлади.

Чилла сабаб Онаси ҳам қайтиб уйга кирди. Бирок кўк товукнинг гўшти ҳам, кушночнинг иримлари ҳам фойда бермади. Чилланинг иккинчи кечаси Бола яна сачраб уйғонди-да, «Эна-а, мени дарё қақиряпти», деганича, умрида биринчи марта якка ўзи тун қўйнига отилди. Чилла бузилди. Онаси Болани ушлашга улгурмади. «Қайт, қайт, қанака дарё?» — деб зорланганича қолаверди...

Бу юртлардан олисларда оққан дарё,
Менинг кенжа ботиримга ёққан дарё.

Тингла, бир кун сени излаб кетгаймиз биз,
Сўрай-сўрай қошларингга етгаймиз биз.

Шамол бўлиб югургаймиз, елгаймиз биз,
Ҳолинг сўраб, сени кўриб келгаймиз биз.

Бугун олдда узун-узун йўллар бордир,
Куш қанотин куйдиргувчи чўллар бордир.

Ҳозирча сен олисларда оқиб тургин,
Ўша ерлик болаларга ёқиб тургин.

Тинчлик бергин ботиримнинг тушларига,
Узун-қисқа кундузлари — ҳушларига.

Бошқалардай ўйнаб ўссин менинг болам,
Жон дарёжон, эшита қол оҳу нолам.

Ҳозирча сен олисларда оқиб тургин,
Ўша ерлик болаларга ёқиб тургин...

Ҳақиқатан ҳам уларнинг кишлоғидан дарё оқмасди. Оқдарё ҳам, Қорадарё ҳам жуда-жуда узок эди. Бу ерларга у улкан сувларнинг шарпаси ҳам, салқини ҳам урмасди.

* * *

Бола кечалари дарс тайёрлаётганда ёзганларини яширарди. Барчин опасининг: «Синфдошингмидикки, кўчириб олсак, ёзавер қизганмай», деганига эътибор бермас, билганидан қолмас эди. Бир куни Барчин опаси Боланинг елкаси оша унинг қандай дарс тайёрлашини кузатди ва кўрганини дунёга дoston қилди: «У шеър ёзар экан...» Шу-шу хали ҳамон Бола шеър ёзса елкаси оша кимдир қараб тургандай, «у шеър ёзар экан», деб овоза қиладигандек туюлаверади. Ўзини унутиб, бутун борлигини, ихтиёрини шеърга беролмайди. Мудом кулоқлари остида ўша овоз: «У шеър ёзар экан...»

* * *

Бола тез-тез йўқолиб қоладиган одат чикарди. Тенг-тушларига сира-сира қўшилмас, доим якка ўзи овлоқ жойларда юрарди. Бундан ташвишга тушган Онаси мудом катта ўғилларини койигани-койиган эди. «Ҳаммаси сенлардан бўлди. Қаёқдаги гапларни гапиравериб кенжамни савдойи қилиб қўйдинглар. Энди унга кўз-қулоқ бўлиб юринглар!..»

Йиллар ўтди. Баҳор кунларининг бирида Бола яна уйга кайтмади. Соғинч шамоллари унинг қўлтиғидан кўтардилар, кушлар учишни ўргатдилар...

Ортидан гиёҳлар чопди изма-из,—
(Уни олиб кетди йиллар тўлқини.)
Қизғалдоқ — рўмоли қонган қиз
Ва майса — мажнунлар дўст, оға-ини.

Ерга текизмасдан унинг оёғин,
Шиддатли шамоллар оқдилар зимдан.
Бола ташлаб кетди она қишлоғин,
Бир оғиз хайр-хўш демай ҳеч кимга.

Қушлар бериб турди қодир қанотин,
Қамишлар лабига ясаб берди най,
Кўкларга ўрлатиб фиғон, фарёдин,
Бола кетаверди ҳеч нарса демай.

Кетди, кетаверди қишлоқма-қишлоқ,
Аёзда адашиб юрди йўлма-йўл.
Унга дучор бўлди шўрлаган тупрок,
Офтоб, ёмғир, қор, қуюн ва дўл.

Ортида қолдилар шовқин — шаҳарлар...
Бола ўз найдан айирмасдан лаб,
Кетди, кетаверди ҳар шому саҳар,
Тинчин ўғирлаган дарёни излаб.

Тақдирдан қилмай афсус, надомат,
Ўзининг кўнглини бахтиёр этди.
Қушлар чуғурлашиб тилади омад,
Шамоллар тамоман дўст бўлиб кетди.

* * *

У шамолга дўниб узоқ йўл юрди,
Йўл юрса ҳам жуда-жуда мўл юрди.
Демасман, оёғи куйиб чўл юрди,
дегайман, одимда кўлоб, кўл юрди;
кўлмакларни кечиб йиқилди, турди,
дарёсини излаб ўнгу сўл юрди,
дарёсини излаб ўнгу сўл юрди.

Бироқ тўрт томони пахта, пахтазор;
нафас олмоқликнинг имконлари тор.
У елди, югурди дарёсига зор,
дарёдан на белги, на-да нишон бор,
дарёдан на белги, на-да нишон бор.

Кўрди, не тутларнинг боши эгилган,—
қирқилиб ўрнига пахта экилган,
сўнг унинг устидан дори сепилган
ва шундан эл-юртнинг оғзи бекилган,
юрибди — «раиснинг билгани билган»,
юрибди — «раиснинг билгани билган...»

Раис сув етаклаб чўлларни қувган,
асли шон-шухрату пулларни қувган.
Эли кўзга сурган муқаддас сувга,
кўзларин ёғ босиб оёғин ювган,
кўзларин ёғ босиб оёғин ювган.

Ҳаммаёқ пахтазор, ҳаммаёқ пахта,
дорининг дастидан далалар тахта.
Ҳеч ким ўйламайди келажак ҳақда
негаки истиқбол, ўтмиш ҳам пахта.



Бирок кўшиқ айтди ҳофиз пойтахтда:
«Биз етдик боболар етмаган бахтга!..»
«Биз етдик боболар етмаган бахтга!..»

Одамлар яшарди беқайғу, беғам,
беозор, беумид, беуй — хотиржам.
Кўрган кунларидан хурсанду хуррам,
гап-гаштак ўйнарди бўлиб олиб жам,
дарё борлигини билишмасдан ҳам,
дарё борлигини билишмасдан ҳам.

* * *

Бола бу ҳолдан лол-хайрон, кўнгли вайрон бўлиб яна йўлида давом этди.

Унда эмас эди инон-ихтиёр,
Қилолмасди энди қайтмоқ иложин.
Шундан шамолларнинг забтида зор-зор
Сузиб кетаверди отиб кулочин.

Оловдай ёндириб ёноқларини,
Еллар оқаверди олис-олисга.
У топмай оқимнинг қирғоқларини
Кетди, кетаверди қайтолмай изга.

Суздими, учдими ўзи ҳам билмай,
Кунлардан адашиб юраверди, о.
Унинг нигоҳига кўриниш бермай,
Қайдадир чорлашдан тинмади дарё.

Кузаклар бошидан сочди олтин, зар,
Тунлар ой-юлдузлар бўлдилар чирок.
У мисли шамолга дучор бўлган пар,
Кетди, кетаверди, йитмади бирок.

Кечалар йўлига фонуслар ёққан
Осмон ҳам гоҳида қовоғин уйди.
Оёғин ерларга теккизмай оққан
Чопқир шамолларнинг ичлари куйди.

Ёмғирлар ёғдилар, ёғдилар қорлар,
Бола кетаверди бўронлар аро.
Кейин такрорланди яна баҳорлар,
Шунча узоқмидинг, девона дарё?!

Йўлдан оздирмоқчи бўлди нечалар,
Лекин у кетмади ортига қайтиб.
Агар ухлаб қолса узун кечалар,
Дарё чорлайверди отини айтиб.

Ярим кечаларда уйкудан туриб, бегуноҳ кўзлардан хобларни суриб, дарё чақирганин муқаддас кўриб, асло чарчамади бола йўл юриб. Тун ҳоким бўлганда улуғ ватанда, баҳорда, адирлар ёниб ётганда, улкан орзуларга бўлганча банда, илк бор шеърлар айтди ўт ёниб танда, ўзи ҳам айланиб кетиб гулханга:

Айтгин, қайлардасан, қайдасан, дарё?!
Кўшиғим, куйимда, найдасан, дарё.
Лаҳза хаёлингдан йироқлаб кетсам,
Тинмайин отимни айтасан, дарё.
Ўзинг қайлардасан, қайдасан, дарё?!

Тажанг тўлқинларинг борми, омонми?!
Шиддатинг ўзингга қилич, қалқонми?
Бунчалар чорлайсан, бунча чорлайсан,
Дарё, юрак-бағринг шунчалар қонми?!
Тажанг тўлқинларинг борми, омонми?!

Оқиб ётибсанми тошларни ёриб?!
Қирғоғингни ювиб, тоғни қўпориб?
Мен қачон етгайман қошинга сенинг,
Мен қачон сувингдан ичгайман бориб?!
Оқиб ётибсанми тошларни ёриб?!

Сенинг қайдалигинг юлдуз биларми?!
Тунлари бағрингда ой чўмиларми?
Мен-ку, сени топмай сарсонман, дарё,
Топган тўлқинингга жим кўмиларми?!
Сенинг қайдалигинг юлдуз биларми?!

Гоҳида юрарман, гоҳи тинарман,
Совқотсам орзудан тўн ёпинарман.
Ким ҳорса майлига, ортига қайтсин,
Мен сени топарман ва топинарман.
Гоҳида юрарман, гоҳи тинарман...

Сен менинг йўғимсан, боримсан дарё.
Йўлимга кўз тиккан зоримсан дарё.
Йўқса шунча интиқ чақирармидинг,
Сен менинг дўстимсан, ёримсан дарё.
Сен менинг йўғимсан, боримсан дарё.

* * *

Алқисса, Бола дарё билан учрашди, юзма-юз келди. Дийдор лаҳзаларини унинг ўзи қоғозга туширган, кундалик тутиб ёзиб борган. Мана, ўша кундалик дафтардан ёдномда қолган сатрлар:

Билмадим, қай куни — тушми ёки ёд,
фалакка туташди фиғону фарёд,
Ширин изн этдимми, қаздимми Фарҳод,
«Наҳрул ҳаёт»дай зар сочиб ҳар ён,
руҳим боғларига оқди бир дарё.
Руҳим боғларига оқди бир дарё.

* * *

Қирғоғига келиб тош каби қотдим,
куйи, қўшиғини эшитиб ётдим,
кўзга нур берувчи сувидан тотдим,
кейин қуёш каби бағрига ботдим —
ўзимни дарёнинг мавжига отдим.
Ўзимни дарёнинг мавжига отдим.

Тоғдай тўлқинига тамом кўмилдим,
сувларин кўзимга тўтиё билдим —
қошим, кипригимга маржонлар илдим,
оқшомлар осмонни томоша қилдим,
Оқшомлар осмонни томоша қилдим.

* * *


Мени йироқларга олиб кетди у,
бу дунё кўзимга кўринди мангу.
Мен чўкдим деганда, деганда ёҳу,
қалбимда уйғонди ғалаён, ғулу,
ўйладим, бунчалар сеҳрли бу сув?!
Уйладим, бунчалар сеҳрли бу сув?!

* * *

Қирғоғига келиб тош каби қотдим,
куйи, қўшиғини эшитиб ётдим,
кўзга нур берувчи сувидан тотдим,
кейин қуёш каби бағрига ботдим —
ўзимни дарёнинг мавжига отдим.
Ўзимни дарёнинг мавжига отдим.

* * *

Мен Болани соҳилда учратган эдим, шу ерда хайрлашдим. У ўз кундалик дафтари-
рини тўлалигича ўқитмади. «Қолган гапларни ўзим айтаман... ҳозирча нафасим етмай-
ди», деди хўрсиниб. Буни қарангки, шу куни иттифоқо унинг икки ҳамқишлоғини
учратиб қолдим. Улар Болани бир неча йил бурун дарё ютиб кетганлигини айтишди.
Эшитиб туриб аввалига ҳайрон қолдим, кейин бор гапни айтмоқчи бўлдим. Аммо Бола-
нинг «қолган гапларни ўзим айтаман», деганини эслаб тилимни тийдим.



Мирзоҳид Мирзараҳимов

ОҚ БУЛУТЛАР

Ҳикоя

Саратон қуёши тиккада олов пурқаб тек қотиб турар, тўқол қора сигир билан малла ғунажин тол соясида эринибгина кавш қайтариб ётар, қовунпоя этагидаги дарё бўйида қизил чит кўйлакли бир қиз оёғини сувга осилтириб ўтирарди.

Қовунпоя ўртасидаги ёзлик чайла томондан ўн беш ёшлар чамасидаги ориқ бир бола пайдо бўлди. Унинг қўлида яримта нон бор эди.

— Келдингми, Санжар, — деди Анор унга ўгирилиб. — Мунча улоқиб кетдинг?

— Собирларникига борсам йўқ, дадаси билан бозорга кетибди, Ҳошим бўлса гувала қуйяпти. — Санжар қўлидаги нонни қизга бериб ечина бошлади. — Ойшаям келмадимми?

У ечиниб қизнинг ёнига ўтирди.

— Келмаяптию, — қиз Санжарнинг пўст ташлаб кепаклиниб турган ориқ елкасига оппоқ, юмшоқ кафтини қўйди, беозор силади. — Шундоқ куйиб кетибсан-у.

Санжар ичида кўзғалган титроқни сездирмаслик учун ўзини дарёга ташлади.

— Совуқми? — деди қиз кўзида ҳавас ёниб.

— Маз-за! — бола пишқирди.

Анор қўлидаги нонни сувга отди:

— Ушла.

Санжар нонни тутиб, яна юқорироққа ирғитди. Кейин ивиган нондан бир тишлаб, қизга узатди. Қиз тишлаб яна сувга отди. Нон кичрая-кичрая, охири тугади. Санжар сувдан чиқиб, қизиган пўрсилдоқ тупроққа қорни билан ётди.

— Болаларга маза, — деди Анор.

— Сиз-зам чўмилинг.

— Уяламан-да.

— Қарамайман.

— Ҳо, ёлғончи.

— Улай агар...

— Биров келиб қолса-чи?

— Пойлаб тураман.

Қиз ўрнидан туриб атрофга қаради. Ҳеч қим йўқ. Қуёш авжи тиккада. Тол барглари ҳам қилт этмайди.

— Қимирламай ёт, хўпми? — деди у болага ёлғон пўписа қилиб. — Билиб қўй, агар қимирласанг ўласан.

Санжар индамади, қиз орқасига қарай-қарай нари кетди. Бироздан сўнг сувнинг шалоплаши, қизнинг энтикиши эшитилди. Бу сеҳрли овоз тобора яқинлашар, бунинг сари боланинг кўксида бир нима потирлаб, нафас олиши оғирлашар, қиз томонга бир марта, фақат бир мартагина қараш истаги ичини ёндирарди. Лекин у ўзини тийди. Айни

ўн етти ёшли етилган, дуркун вужудга қарашдан қўрқди. «Қарамайман, қарамайман, — дерди у ўзига-ўзи. — Қарасам ўламан».

Қовунпоя билан бедазорни кесиб ўтган қирғоғи чимзор дарёнинг муздай суви қиз баданини совутса ҳам қонини қиздириб юборди. Кўкси ҳайқириққа тўлди. Шўхлик қилгиси, қийқириб кулгиси келди. Қирғоқда ўсган ялпизлар билан оппоқ, дум-думалоқ сийнасини яшириб, қирғоққа чиқди. У тизза бўйи бўрсилдоқ тупроқда мук тушганча жон-жаҳди билан михланиб ётган косовдай қоп-қора, қоқсуяк болага мўралаб қараркан, қиқирлаб кулди. Сўнг ҳовучида сув олиб сочди. Санжар сесканиб бош кўтарди-ю, қиз томонга барибир қарамади. Юзини тупроққа босиб дағ-дағ қалтиради.

— Ухлаб қолдингми, Санжар?

— ...

... Туриб қара-чи, биров келиб қолмасин тағин.

Бола базўр ўрнидан туриб тўғрига, кейин ўннга, сўлга қаради, орқасига ўгирилмади. Қиз мамнун жилмайиб, қаддини ростлади.

— Ҳеч ким йўқми?

Санжар индамай тураверди. Ўзининг қиздан ёшлиги, унинг учун ҳеч ким эмаслиги болага алам қилди. Ич-ичидан хуруж қилаётган титроқ унинг хўрлигини келтирди ва чимзор қирғоқ бўйлаб аввал аста-секин, кейин жон-жаҳди билан югуриб кетди.

* * *

Эртаси куни Анорларникига шаҳарлик холаси яқинда ҳарбий хизматдан қайтган ўғли билан меҳмонга келди. Яп-янги сутранг «Жигули»дан тушган йигит куёвболадай ясаниб олганди. Кун ниҳоятда иссиқ бўлишига қарамай, эғнида оқ костюм, бўйнида ялтироқ галстук, фарқи очилиб силлиқ таралган сочи ҳам офтобда ялтирайди. Қўшни болалар чуғурлашиб меҳмоннинг галстуги, кўкрак чўнтагидан учи чиқиб турган ручкаси, тилла тишини мақташди.

Ҳамма ҳавас қилаётган меҳмон Санжарга ёқмади. У бугун мактабга бормаганди. Нимагадир кечаги воқеадан сўнг Анорга дуч келишдан уяларди.

Кун тиккага келганда Анор мактабдан қайтди. Капалари олдидаги машинани кўрибоқ кўзлари чақнади, бирдан қадами тезлашди. Унинг йигит олдида довдираб ўзини йўқотиб қўйгани, икки юзи лоладай қизариб кетгани Санжарнинг баттар жаҳлини чиқарди.

Кечки пайт Санжар сигирни ўтлатиб қайтгач, кўчада челақ кўтариб сувга чиққан Анорга дуч келди. У қиздан ўзини қийнаган саволга жавоб сўради:

— Ким у?

Сув олаётган Анор ялт этиб болага қаради. Қизнинг юзлари лов-лов ёнар, катта кўзларида ўт чақнарди.

— У-ми? У-чи... Қани, ўзинг топ-чи, кимга ўхшаяпти?

— Ҳеч кимга, — Санжар ҳамон жаҳлидан тушмаганди.

— Чиройли-а? — Анор кўз қисди.

— Ким у? — Санжар оёғи остида турган тошни зарб билан дарёга тепди. — Айтинг!

— У-ми? У-чи, у сенинг поччанг бўлади.

Санжар сув тўла челақни қандай тепиб юборганини, оғзидан ёмон сўз чиқиб кетгани билмай қолди. Жон-жаҳди билан югуриб кириб, бузоқни қўйиб юборди. Кейин ҳолдан тойгунча уни қувиб юриб урди, сўқди. Кечқурун эса бутун аламини меҳмоннинг кўчада қолган машинасидан олди. Машина эшигига михда ҳафсала билан «Қур-руқ карранда», деб ёзиб қўйди. «Пистирма»да турган Эргаш келиб ёзувни кўрди-ю, афсусланганнамо:

— Расво қипсан, — деди.

— Нимаси расво? — Санжар унга сотиб қўймасайди деган ҳадик билан қаради.

— «Қуруқ»да ҳам, «Қаранда»да ҳам биттадан «р» ёзилади, — деди у салмоқлаб.

— Сен уни бир кўргин, — деди Санжар кўнгли ўрнига тушиб. — У шундай қур-руқ, шундай кар-рандаки, урта «р» ёсанг ҳам ҳақинг кетмайди.

Шундан кейин Эргаш иккиси маслаҳатлашиб, машина филдираклари остини мих билан «мина»лаб қўйишди.

Санжар кўчадан кирганда ўзларининг капасида чироқ кўринмасди. Анорларнинг ариқ бўйидаги лойсупасида лиқ тўла одам. Чайла тўсинида ўнинчи чироқ осиглиқ. Меҳмонларнинг ёнида папирос буруқсатиб ўтирган дадаси, шаҳарлик меҳмонга қараб оғзи очилиб қолган ойиси, пойгакда қанд еб оғзи қулоғида ўтирган укасига кўзи тушган Санжар фикрини панада тўхтади. Капага кириб кетишнинг иложи йўқ. Чунки ҳовлилар ўртасида девор йўқ, кичкинагина ариқ икки хонадонни ажратиб турарди. Болалар қанча жанжаллашган бўлишига қарамай, ариқ бўйидаги тўрт туп тол кимники эканлигини ҳали ҳам аниқлаша олишмаганди.

Ҳар йили толлар попук чиқарганда улар бу ерга кўчиб келишарди. Дастлаб мактабда ўқийдиган болалар қишлоқда бувилари олдида қолишарди. Кейин орадан бир ҳафта ўтиб, соғиниб қолишганда келишса ҳайдашмасди. Ўтган йили қовун пишиғида Санжарга

дадаси велосипед олиб бергани учун бу йил унинг қишлоқда қолиши ҳақида гап-сўз бўлмади.

У саккизинчида, Анор эса ўнинчи синфда ўқирди. Икковлари ҳар куни мактабга бирга кетишади. Мактаб билан қапа оралиғи уч-тўрт чақирим келади. Баъзан одам йўқ ерларда Анор велосипедга мингшиб оларди. Санжар чарчаб қолганда эса жойларини алмаштирардилар. Бир куни мактабдан қайтаётиб қўшкўприкда улар сувга қулаб тушишди. Рулни Санжар бошқариб борарди. Кўприкка чиқаётганда Анор унинг қитиғи борлигини била туриб, биқинидан ушлади. Кейин шалаббо уст-бошларини қуритиш учун хилват жойга киришди. Шунда — ялпизга кўйлақларини ёйиб, тут соясида ўтиришганда Санжар Анорнинг дунёда энг чиройли қиз эканига иқрор бўлган. Ушандан бери ўз кашфиётини аяб, ҳаммадан қизғаниб юради.

Бундан уч кун олдин улар мактабдан қайтишганда капаларида ҳеч ким йўқ экан. Анор чой қўйиб, Санжарни чақирди. Кейин у чой устида аллақандай англаб бўлмайдиган ғалати гапларни гапира бошлади. Ҳали кетиб қолсам нима қиласан, дейдим-ей, биз учрашмай қоламиз, дейдим-ей...

— Нега индамайсан, кетиб қолсам майлими? — унинг кўзларига тикилиб сўради қиз.

— Майли! — деди Санжар жаҳл билан нон чайнаб.

— Мени унутмагин, хўпми?

— Нега?

— Ахир биз жуда қадрдонмиз-ку!

Чой Санжарнинг томоғидан тикилиб ўтди. Қўлидаги нонни қўйиб, ўрнидан турди. Бугун эса ялтироқ меҳмонни кўриб Анор яшнаб кетди, сўнг «поч-чанг» деди.

— Мен унга кўрсатиб қўяман! — деди тол панасида меҳмонни кузатиб турган Санжар алам билан пичирлаб. Шу пайт сигир соғиб, супа олдига келган Анор челақдаги сутни кувга ағдара бошлади. Кейин кув оғзини дока билан боғлаб, кўча томон юрди.

Санжар кўчага чиқиб, ариқ бўйидаги — қиз кув боғлайдиган катта тутнинг тагига келди. Бояги ноҳўя қилмишига Анорнинг муносабатини билиш, агар пайти келса кечирим сўраб ярашиб олишни истарди. Қиз кувни боғлаб келиб, унинг ёнига ўтирди.

— Санжар, — деди у боланинг елкасига қўлини қўйиб, — мендан хафа бўлдингми? Санжар индамади.

— Қўй, хафа бўлма, — деди қиз меҳрибонлик билан боланинг елкасини силаб. — Унда мен ҳам хафа бўламан.

Санжарнинг яна томоғи ачишди.

— Агар сен истамасанг, ҳеч қачон ҳеч қаёққа кетмайман.

— Кетаверинг! — Санжар ирғиб ўрнидан туриб кетди.

— Эҳ, Санжар, Санжар... — у ҳам ўрнидан туриб, бола томон юрди. — Ишон, рост айтяпман, агар сен истамасанг...

Санжар тез-тез юриб, уйига кириб кетди.

* * *

Эрталаб у шовқин-сурондан уйғонди. Кўчага чиқиб аҳволни билди. Машина эшигига миҳда ёзилган сўзлар меҳмоннинг нақ пешонасига ёзилгандек бўлибди. Унинг кечаги сиполигидан асар ҳам қолмаганди. Куёв бўлмиш машина атрофида оёғи куйган товукдай гир айланар, оғзидан боди кириб, шоди чиқарди. «Бу ҳолва, — деди Санжар ичичидан қувониб. — Ҳали юрганингда кўраман!»

Анор кечагидек яшнамас, нимагадир хомуш бўлиб қолганди. Меҳмоннинг кўзига ҳеч нима кўринмаганидан, ҳатто қизнинг мактабга жўнаб кетаётганини ҳам пайқамади. Санжар катта томошани жуда-жуда кўргиси келаётган бўлса ҳам дарсдан кеч қолмаслик, тўғрироғи Анорга етиб олиш учун велосипедини миниб йўлга чиқди. У бедапоя адоғида қизга етди. Анор унга қайрилиб ҳам қарамади. Улар узоқ жим кетдилар.

— Санжар, — деди ниҳоят қиз бошини ердан кўтармай, — нега ундоқ қилдинг? Қутилмаган бу саволдан Санжар гангиб қолди.

— Нега ундоқ қилдинг-а?

Санжар нима дейишни билмасди.

— Сен яхши боласан, — деди қиз бошини кўтариб. — Жудаям яхшисан, Санжар, лекин ёшсан, тушундингми, ёш боласан ҳали.

— Ўтиринг, — деди Санжар велосипедга миниб. — Дарсдан кеч қоламиз.

— Йўқ, — деди қиз аста. — Кетавер, пиёда юргим келяпти.

Санжарнинг бошида бир нима ялт этиб кетди. У бирдан рулни орқага бурди. Анор унинг орқасидан ханг-манг бўлганча қараб қолди. Санжар худди бировни ўлимдан қутқариб қолмоқчидай ўпкаси оғзига тиқилиб, капалари олдига етиб келдию, машинанинг ўрнида турганини кўриб қувониб кетди. Афтидан, нонушта қилишаётган бўлишса керак, кўчада ҳеч ким кўринмасди. Санжар велосипеддан ирғиб тушди-да, миҳ қоқилган тахтани гилдирак остидан қовлаб ола бошлади. У энди ўрнидан турмоқчи бўлганида кетига тушган зарбадан машина остига кириб кетди. Устма-уст яна зарба тушди.

— Яхши қилмадингиз, меҳмон, — деди Санжарнинг дадаси ўғлининг юз-кўзини яктагининг пеши билан артаётиб. — Бола майиб бўлиб қолса, бир умр виждонингиз қийналарди.

— Менинг ташвишимни қилмай, болангизни тийиб олинг! — қичқирди меҳмон. — Унинг қилмиши сизнинг виждонингизни қийнасин!..

— Айтсангиз-айтмасангиз хурсанд бўлаётганим йўқ, бизни кечиринг, меҳмон. Дадаси Санжарни етаклаб ҳовлисига олиб кирди.

* * *

Қовун пишиғида Анорнинг тўйи бўлди. Тўй қишлоқда ўтказилгани учунми... хуллас, Санжар унга қатнаша олмади. Ойиси ҳам бормасди-ку, дадаси: «Гина қилиш ёмон одат, ахир қиёматли кўшнимиз, уят бўлади», деб қўймади. Бир аравада қовун юклаб кетишди.

— Уртоғингни чақириб чиққин, — деб тайинлади кетаётиб ойиси. — Биз кеч қайтамиз, хўпми?

Санжар «хўп» деди-ю, ҳозир кўнглига Эргаш тугул, қил ҳам сиғмасди. Негадир уни ҳамма камситаётганга, ҳамма хўрлаётганга ўхшарди. У ўзини ҳозир ҳам, кейин ҳам, энди умрбод ёлғиз қолгандай сезар, негадир ўпкаси тўлиб йиғи босарди. Бир-бир юриб супа четига келиб ўтирди. Анорларнинг ҳовлиси ҳувиллаб ётарди. Энди у доим шундай бўлиб қоладиганга ўхшарди.

Кўзига филт-филт ёш келди. Чалқанча ётиб, зангори осмонда сузиб юрган паға-паға оппоқ булутларга қаради. Шу оқ булутларга юзини босиб тўйиб-тўйиб йиғлагиси, улар билан узоқ-узоқларга учиб кетгиси келди.

Оқ булут карвонлари тобора олислаб, ранги сўниб борарди.

Бугун босиб ўтган йўлимизга ўз-ўзини танқид руҳида назар ташлаб, шуни рўйи-рост тан олишимиз керакки, биз маданият муаммоларига кечириб бўлмайдиган тарзда кам эътибор берган эканмиз. Нутқлар ва маърузаларда жамиятнинг маънавий тараққиётида маданиятнинг тутган ўрни ҳақида жуда баянпарвоз гапларни кўп айтдик.

Лекин амалда, яъни театрлар ва кинотеатрлар қуриш юзасидан аниқ вазифаларни ҳал этишда, улўғ аждодларимиздан мерос бўлиб қолган ноёб меъморий обидаларни таъмир этишда, китоб нашр этишни яхшилашда, халқ санъатини ривожлантиришда, таассуфки, биз ўзимизнинг жарангдор чақирнқларимиз ва шиорларимизни амалга ошириш юзасидан оз иш қилдик.


Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг
партия XXII съездига Сиёсий маърузасидан

Биз Совет Иттифоқи билан узвий алоқалар орқали боғланганмиз, биз учун Иттифоқ — шунчаки барча қардош халқлар кучлари тўпланишигина эмас, балки кучига куч қўшилиши ҳамдир.

Шу сабабли биз жумҳуриятнинг сиёсий ўзлиги ва иқтисодий мустақиллиги — айирмачиликка, маҳдудликка интилиш эмас, балки Иттифоқ таркибига кирувчи бошқа жумҳуриятлар билан ўзаро манфаатли бирлашув алоқаларини янада такомиллаштириш ва кенгайтиришдан ҳам иборат бўлишини жуда муҳим деб ҳисоблаймиз.

Бироқ бу ўринда ўз моҳияти жиҳатидан унитар давлат бўлган эски Иттифоқни назарда тутаяётганимиз йўқ, балки сиёсий жиҳатдан эркин ва иқтисодий жиҳатдан мустақил жумҳуриятларнинг тўбдан янгиланган Иттифоқ Федерациясини назарда тутаямиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг
партия XXII съездига Сиёсий маърузасидан



Қадам Саид Мурод

ХОТИРАЛАР АЙЛАНМАС ТОШГА

* * *

Дилимдаги тилимда ўчди,
Ёмон куйдим биринчи марта.
Бўғзимдаги найзаддек ўчни
Санчолмадим битта номардга.

Минг йил ўтди, кўнгил-чи, кўнмас,
Очолмади минг йил орани.
Ўчириб ё кўчириб бўлмас
Кўксимдаги битмас ярани...

Беклик қилгим келаверади

Не қилгандим юракка, ахир.
Жисмимга ўт бераверади?!
Мен бир ғариб,
Бўлсам-да фақир —
Беклик қилгим келаверади.

Ўлмаган қул ўлмас ҳеч қачон,
Қуллар нени кўраверади?
Орзу ёмон,
Армонлар ёмон.
Беклик қилгим келаверади.

Қайтар дунё...
Бобом, хотирот
Кўкрагини кераверади.
Тушларимга киради Ғирот,
Беклик қилгим келаверади.

Бу қандай дард.
Бу қандай ҳасрат,
Тўккан билан тўлаверади?!
Сўролмайман ҳеч кимдан шафқат,
Беклик қилгим келаверади.

Ким эса...

Тоғни талқон қилганда шерлар,
Мардлар дили дарёни тўсди.
Достон ёғиб, оқдию шеърлар,
Ким эса ўсди.

Дарёлар — чўл, тоғлар мана — кўл,
Табиатдан турдилар устун.
Оҳ «олтин кўл», э воҳ, «олтин кўл»,
Ким эса ўсди.

«Саҳролардан қолмайди нишон,
Бут бўлади элнинг кам-кўсти!»—
Ҳар бир сўзга тақилди нишон,
Ким эса ўсди.

Шон-шарафим, бахтим деб пахта,
Сап-сарғайиб минглар қон қусди.
Кимдир минди баландроқ тахтга —
Ким эса ўсди.

Дард узра дард, ғам устига ғам,
Ғаним қулиб, йиғлади дўстинг.
Сен кар эдинг, кўр эдинг, Қадам,
Ким эса ўсди...

Атиргулнинг бўйлари

Атиргулнинг бўйлари Кўз юмаман бари бир,
Емон олди юракдан. Чора йўқдир жилмайсам.
Энди йўқдир омонлик Бари бир-да, бари бир
Ердан, сувдан, фалакдан. Мен ғарибни билмайсан.

Атиргулнинг бўйлари
Емон олди юракдан.
Энди йўқдир омонлик
Ердан, кўкдан, фалакдан...

Миртемирни эслаб

Йигитчилик мендан-да ўтди,
Итчилик ҳам ўтди-ку мендан.
Кўп нокаслар ёқамдан тутди,
Бу борада сиз билан тенгман.

Битта ўзим биламан... Мен ҳам —
Йиғлаб бўлдим... Етмади кўлим.
Бу дунёнинг ҳамон бири кам,
Ўртамизда қолди бир ўлим...

Бу дунёда худолар йўқ

Хатолар кўп, жафолар ҳам,
Сўрсанг кайфу сафолар ҳам,
Бевафолар, вафолар ҳам,
Бу дунёда худолар йўқ.

Минбар кулар ёлғон билан,
Ҳеч ким ёнмас ёнган билан,
Бу дунёда қолган билан,
Бу дунёда худолар йўқ.

Мен адашдим, осмонлар жим,
Нечун қибла томонлар жим?
Ширинзабон замонлар жим,
Бу дунёда худолар йўқ.

Суюнганим сув экан дўст,
Шайтонлардан қув экан дўст,
Якка-ёлғиз у экан дўст,
Бу дунёда худолар йўқ.

Дами шамшир одамлар кўп,
Дасти дароз хотамлар кўп,
Ҳақ деб юрган Қадамлар кўп;
Бу дунёда худолар йўқ...

Бир ўзим бир тарафман

Бир ўзим бир тарафман,
Йил тўрт фасл бир тараф.
Кетмоқдамиз
Кеча-кундуз
Бир-бировни нимталаб...


Келаверди

Билганини қилиб кетди бахт,
Дардлигини дард қилаверди.
Бошим эгик, энди ҳамма вақт —
Қат-қат,
Тоғ-тоғ армон келаверди.

Олмасам-да исмини тилга,
Тушларимга у кираверди.
Қил сиғмаган менинг кўнглимга
Қат-қат,
Тоғ-тоғ армон келаверади.

Тонглар отди жон олиб ҳар кун,
Кунлар ботди, жон беравердим.
Ҳолим забун, жигарларим хун,
Қат-қат,
Тоғ-тоғ армон келаверди.

Ёрил дедим, ёрилмаса ҳам,
Қора ерга жим киравердим.
Ўтгани — ғам, қолгани — мотам
Қат-қат,
Тоғ-тоғ армон келаверади...



Жонрид Абдуллахонов



Роман¹

БЕШИНЧИ БОБ

1

Маҳаллаларнинг аксари район марказига яқин жойларда эди. Энг узоғи — Жиннитўп маҳалласи. Лекин у ҳам енгил машина билан тўхтамай борган кишига ярим соатли йўл.

Жиннитўп Қоровултепа қирлари этакларига туташ бўлиб, қадимдан сайлгоҳ жойлар саналарди. Афсуски, улар ҳисобига пахта далалари қулоч ёймоқда. Сувга тўлиб оққан сойлар, жарликлар, қирққулоқ, сумбул, қўқонгул, айиқтовон, чирмовиқ, наъматак сингари ноёб ва доривор ўсимликларга бурканган сайҳонликлар ўрнини аста-секин қатор-қатор тушаётган колхоз бинолари, пахта майдонларига бўшатиб бермоқда. Сўнги ўн йил ичида баҳор пайтлари қир бағридан новлар орқали оқиб тушадиган сершоввали ариқлар, ўнга яқин қудуқлар йўқ бўлди. Ун етти булоқдан эса ўн биттаси кўмилиб кетди. Бутазорлар, жинғилзорлар, тўп-тўп бўлиб ўсган қандим дарахтлари, қадимий эҳромларни эслатувчи дўнгликлар бор эди. Чангалзорларда майна, тоғчум чуқ, тўрғай, зарғалдоқлар макон қуради, тонг пайтлари булбул сайрарди, савва, қизиштиштон каби юзларча турдаги қушлар, жониворлар кўп учрарди. Энди улардан нишон йўқ.

Жиннитўп маҳалласи умри тугаб бораётган ўша мавзелар этакларида. Икки юздан ортиқ хонадон бола-бақраларнинг шовқини билан гавжум. Айниқса, ботаётган қуёш уфққа бош қўйиб, қизғиш нурларини авайлабгина сочаётган маҳаллар атрофга ўзгача фойз ёйилади. Елинларини аранг кўтариб, эринчоқлик билан одимлаб қайтаётган сиргилар, чўпонларнинг «ҳай-ҳай, қурей-қурей»лари, дарвозаларнинг қаттиқ очилиб-ёпилиши, хотин-халаж шовқини кўкка ўрлайди. Лахтак булутлардан девор торган осмон баланд теракзорлар, тепаликлар орқасидан улкан дастурхон четининг нақшли ҳошиясидек кўзга ташланади. Буруқсаган тутун, доғланган ёғ, янги ёпилган нон ҳиди димоғингизга урилади. Тонг пайтлари қир устига чиқиб, пастлика қарасангиз, борли-фингизни ёқимли ҳаяжон чулғаб олади. Бир-бирига туташ, паст-баланд томлар оқаришиб кўринади. Иланг-биланг тор кўчалар, сурмаранг ариқ бўйлари, булутдай уюм-уюм тоқзорлар, садалар, этаклари осмонга туташ яхлит-яхлит далалар... ҳамма-ҳаммаси кафтингизда тургандай. Осмон чети оқаради, кўп ўтмай лоларанг тус олади. Қуёш гардишининг бир чети кўриниши билан далаларнинг уфқ билан ўпишган жойида бирдан ёнғин чиққандай бўлади. Қуёш баландлаган сари ёнғин пасая-пасая ер қаърига кириб,

¹ Охири. Бошланиши олдинги сонда

гойиб бўлади. Олдин баланд тераклар учи, кейин ўрикзорлар, ойнакўз булоқлар юзида нур акс этиб, жимир-жимир жило беради. Қушларнинг вижир-вижири, одамларнинг шовқини яна авжга минади...

Жиннитўп атрофидаги далалар яйдоқлашиб қолган. Катта-катта майдонлар четида ёзупоя ғарамлари уйилиб ётар, маҳалла-кўй буларни ташиб олишга улгурмаган эди. Тракторлар сурон кўтариб, ер бағрини тилка-пора қилади. Бу майдонлар узра бесаноқ зоғчалар шовқини ҳукмрон. Эрталабдан бери севалаб турган ёмғирдан сўнг атроф мусаффо. Уфқ қирмизи тусда. Дарахт шохларидан тўкилаётган япроқлар кузги паллада ранг-баранг товланади.

Япроқларни шитирлатиб босиб келган оқ «Жигули» жигарранг дарвоза олдида етганда тўхтади. Бошида чорси рўмол, эгнидаги одми кўйлак устидан духоба камзул кийган, оёғида амиркон маҳси-кавушли тўлагина аёл машинадан тушди. Дарвоза берк бўлгани учун унинг ёнидаги чоғроқ эшик орқали ичкари кириб, бир нафас атрофга аланглади. Ҳовли жимжит. Дарвозанинг чап биқинидаги ойнаванд кичкина ҳужра тенги уйчада одам борга ўхшар, лекин аёл ўзининг келганини билдириш учун икки-уч бор томоқ қириб қўйишига қарамай, бирон кимса қорасини кўрсатай демасди. Аёл битта-битта юриб, уйча эшигигача борди-да, остонада туриб ичкарига мўралади. Шоп мўй-ловли, юм-юмалоқ кимса қунишиб, сийрак сочли бошини қоратўн ёқаси ичига торганича уйқуни урарди. Аёл унга халал бермаслик учун оёқ учида четланди-да, эшиги очиқ йўлак орқали ичкари ҳовлига йўл олди. Ташқи ҳовлига қараганда буниси кичикроқ, аммо ёнма-ён тушган каттагина икки хонали уйдан иборат эди. Олди очиқ айвоннинг ҳар бир тўсини, шифтларига усталар маҳорат билан ажойиб нақшлар ўйган, бениҳоя чиройли зеб-зийнат бахш этганлар. Деворларга гуллар солиниб, эшик, деразаларига эса зарҳал берилган. Уйнинг ичи ҳам санъаткорона чизилган безакларга бой. Панжара гулчинли тоқчаларга қимматбахо идишлар, тиллоранг жилоланган тунука товоқлар, вазалар териб қўйилган. Олдингисига қараганда каттароқ кўринган бу хонага чўгдай ёниб турган гиламлар ташланиб, устига юмшоқ шойи ва атлас кўрпачалар тўшалган. Ўртада каттакон дастурхон ёзиглик. Дастурхондаги ноз-неъмат меҳмонга мунтазир. Аммо келиб ўтирганлардан биронтаси уларга қўл теккизмаганга ўхшарди. Ҳатто чойнак, тўнтариқли пиёлалар ҳам ўрнидан қимирламаганлиги кўриниб турарди.

Тўрда қизил баҳмал сирилган каттагина диван бўлиб, унда эгнидаги кимхоб тўини ечмай Мўтабар ҳожи мудрарди. Афтидан, зиёрат қилувчиларнинг дараги бўлавермагани учун зерикиб, пинакка кетган.

Аёлнинг боши қотди. Эндигина қайрилиб кетмоққа чоғланган эди ҳамки, оёқ овозини эшитган Мўтабар ҳожи уйғониб, кўзини очди. Салласини бошига илди.

— Хуш кўрдик, тузукмисиз, синглим? — деди у аёлни кўрпачага таклиф қилар экан. — Айбга буюрмайсиз, андак мизғибман.

Аёл шундоққина пойгакдаги кўрпачага чўкди.

— Тузукмисиз, Ҳожи почча? Бемаҳал келиб, оромингизни бузганим учун узр. — Бошидаги рўмолнинг бир учи билан оғзини беркитиб гапирди у, — ихлосманд бўлиб қолдик сизга. Шу вайдан яна бир шафоат тилаб келгандим. Эсингизда борми-йўқми, аввалам бир келгандим олдингизга. Иноят кўрсатиб, жонимизга оро киргандингиз. Ушанда айтганимдай, ўртанча ўғилгинам кун сайин беҳидай сарғайиб, ипакдай ингичка тортиб кетяпти. Бурнига чертса йиқилгудай. Ёстиқдан бош кўтармай оқ ургани-урган. Кечалари ажриққа ағанагандай қийналиб чиқади нуқул. Оғиз очиб бўлмайди. Ортиқча гап кўтаролмайди. Келиним бечораниям йўлатмай қўйган. Салдан-салга тутақади.

— Асаби жойидамасдир?

— Шундоқ шекилли. Хуши келса, пишириб-қуйдириб қўйганимни ейди, бўлмаса, деразадан улоқтиради. Дўхтирга кўрсатайлик десам, бобиллаб беради. Ҳожи поччага боринг, деб қисталанг қилгани-қилган. Уша дориларидан берсалар одам бўламан, бўлмаса аҳволим вой, дейди. Шу вайдан келгандим олдингизга. Яна бир ҳимматингизни аяманг, биздан.

— Э, дунёйи бевафо, дунёйи бевафо, — деди ҳожи соқолини тутамлаб. — Йўқ, ноёб нарсани топиб беролмасам, узримни қабул қиларсиз деб уйлайман, синглим. У етмиш етти хил шифобахш гиёҳдан тайёр бўлади.

— Йўқ, деманг, айланай сиздан. Болажонимнинг сиҳати эвазига қанча десангиз, майли. Пул кетса кетсин, сиҳат-саломатлик кетмасин экан, айланай.

Ҳожи бош чайқади.

— Хасисликка йўйманг, синглим, каминада бирон мисқол топилса сиздан аярмидим? Мусулмон бандасининг ҳожатини чиқармоқ савобдир. — Кейин бошини даст кўтариб, эсига нимадир тушгандай бақрайиб қаради, — дарвоқе, тўхтанг, қўшним яқинда аллақаяқдан бир юмалоқ топиб келгандай бўлувди. Одам чиқарай, инсоф қилса зора.

— Қуллуқ, сизга минг қуллуқ, Ҳожи почча. Илоё мартабангиз улуғ бўлиб, дунё тургунча туринг. Зориққанга, толиққанга ҳожатбарор одамнинг садағаси кетсанг арзийди.

Мақсади мурод топган Ҳожи овозини баландроқ қўйиб:

— Юсупали, ҳов Юсупали! — дея кимнидир қақирди.

Юсуфали ғиппа семиз, шоп мўйловли кимса бўлиб, Мўътабар ҳожининг қаролидай одам эди. У Ҳожидан яширинча кўкнори еб, бир чимдим наша қўшиб махорка чекиб олиб, доим пинакка кетгани-кетган. Ҳовлига ким келиб, ким кетаётгани билан иши йўқ, парвосиздай эди-ю, қулоғи доим динг. Мўътабар ҳожи «Юсупали» дейиши билан муздек сув теккан каби ўрнидан сачраб турар, оёғини қўлига олиб югурарди. Унинг олдида биров ўтирганини кўрса, қўлини чўзиб, «Ю-юс-ссўм» дейишни биларди. Гезарган лаблари бир очилганча қайта ёпилмай қолар, наша чекаверганидан кўм-жук кукариб кетган тишлари, қоп-қорайган милкларигача кўриниб турарди.

— Ю-юс-ссўм! — деди яна эшикдан кирар-кирмас, пойгакда ўтирган аёлга қўл чўзиб.

Аёл ўнга ўн сўмликни санаб узатди.

Юсуфали чиқиб кетгач, бошқа дардимни ҳам айтмайми-айтмайми, деб андишага бораётган аёлнинг хаёлидагини билиб ўтиргандай:

— Яна нима? — деб сўради Ҳожи.

Аёл жонланди.

— Тагин бир арзим бориди сизга, — деди у Ҳожининг сезгирилигидан таъсирланиб. — Бир йилдирки, уйқу нималигини билмайман. Шом бўлди дегунча бошимни ёстиқ тортиб туради-ю, ётган чоғимдан мижжа қоқолмай қоламан, айланай сиздан. Минг ўй, минг хаёл миямни ўймалашга тушади. Ҳамма нарсани унутишга уриниб, аранг-саранг ухласам, бир соат, жа борса, икки соат мизғийман, холос. Ушандаям тинчгинамас. Алламбало нарсалар тушимга киради. Шайтон, алвастилар билан олишганим-олишган. Нафасингиздан ўргилай сиззи, бир дам солиб қўйсангиз бўлармикин? Зора мушкулум осон кўчса. — У аллақаеридан яна иккита ўн сўмлик олиб Ҳожига узатди. — Йўқ деманг, айланай сиздан. Топганим шу. Оз бўлса кўпдай кўрасиз...

Пулни кўрган Ҳожи икки қўлини силтай бошлади.

— Кўргани кўзим йўқ пулни, яширинг, яширинг, синглим! — деди ўрнидан қўзғалиб. — Даф қилинг. Пул деган дардисарга ихлосим йўқ, — у аёлга яқинроқ ўтирди. — Келинг, энди дардингиз билан ошно бўлайин. — Ҳожи икки қўли билан аёлнинг чаккаларидан ушлаб, кўзларига тик боқди. — О, олло-таолонинг иродаси ила бирон мўъжиза рўй бермаса, бадҳоликдан холи бўлишингиз хийла мушкулга ўхшайди, синглим. Жин ялаб кетибди сизни! — Ҳожи аёлнинг икки чаккасини сиқди. Бундан боши лорсиллаб кетгандай бўлган аёл қичқириб юборишига оз қолди-ю, номус кучли, ўзини туттишга уринди. — Шу бандани ожизанинг тавба-тазарруларини инobatга олу жонини асраб қол, парвардигорим!..

Ҳожи яна нималардир деб ғўлдиради. Кейин фотиҳага қўл очди. Аёл унга қўшилди. Ҳожи иккинчи хонага кириб, оғзига қурт солгандай шишириб чиқди. Юз-кўзларига пуфлаши билан оғзидан буруқсаб чиққан паға-паға тутун жувоннинг кўз олдини тутди. Қандайдир ёқимли ҳид димоғига урилди, маст қилди, руҳи энгил тортгандай бўлди. Қайси бир арши аълода сузиб юргандай ҳис қилди ўзини...

Аёл кўзини очган маҳал Ҳожи кўринмас, унинг ўрнида кўнгил оздиргудай қон-талаш милкларини кўрсатиб, қўлида юмалоқ нимадир ушлаган Юсуфали турарди.

Аёл унинг узатганини олиб, ўрнидан қўзғаларкан, ҳозиргина пул ушлаган қўли бўм-бўшлигига кўзи тушди, аммо таажжубланмади. Чунки биринчи марта шундай бўлаётгани йўқ. Энг муҳими, ўзи андак тасалли топгандай, бошқаси билан нима иши бор!

Аёл боши хиёл айланган ҳолда, гандираклаб хонадан чиқди. Шу заҳоти Ҳожи пайдо бўлиб, қаппайиброқ қолган кўрпача барини кўтарди. У кавушини оёғига илиб, эшикка чиқмоқчи эди ҳамки, ташқари ҳовлидан шарпа эшитилди. Марат шилпик кўзларини пирпиратиб кириб келаётган эди.

— Ҳа, тузумисан, тинчмисан? — сўради Ҳожи негадир ҳафсаласи пир аҳволда.

— Туззумисиз? — савол билан жавоб қилди жияни ҳам бетакаллуфгина уй ичига йўл оларкан.

Ҳожи ҳам орқасига қайтди.

— Ановингиздан қиттай бермасангиз бўлмайди, — деди пойгакда тик турганча жияни.

Ҳожининг фиғони фалакка чиқди.

— Балонинг ўқини ебсан! — ўшқириб берди бирдан. — Йўқол кўзимдан, ҳароми! Ун гулингдан бир гулинг очилмай, жувонмарг бўлиб кетасан!

— Ажалим етган бўлса, тақдиримдан кўрдим! Кўрга кўзгу керакмас. Бўлар иш бўлган. Энди мени одам қилолмайсиз!

— Тилиннга зиндаланг чиқсин!

— Ади-бади айтишиб, вақт ўтказгандан фойда йўқ. Яхшиси, тоға-жиян апоқ-чапоқ бўлайлик. Гап шу жойда қолади. Айтинг, анави гўрсўхтангизга, қумалоқдай олиб чиқса асакаси кетмайди.

Ҳожи жиғибийрон бўлиб, шердай ўкирганча, хонада у ёқ-бу ёққа юрди. Унинг оёғи теккан чойнак-пиёлалар бир-бирига урилиб кетди.

— Юсуп! — деди бақриб. Кўзларини чақчайтириб, қароли кирди. — Манов гумроҳваччага анавинингдан бир мисқол келтир!

— Ю-юс-ссўм!

Ҳожи баттар тутақди.

— Юз сўм демай ўл! Кўзингни каттароқ очсанг-чи, доғули, бу жияним-ку, кўрма-япсанми?!

Юсуфали довдираб қолди. Оғирлигини дам у, дам бу оёғига ташлаб тебраниб турди-да, чиқиб кетди.

— Бир чимдим! — унинг орқасидан яна бақирди Ҳожи. — Эшитдингми, ҳов галварс?!

Ҳожи кенжа жиянининг бетгачопарлиги учун азалдан ёқтирмасди. Айниқса, на-шавандликка ўргатдию тинчи йўқолди. Икки кунда бир келиб хархаша кўтаради, айтганига кўнмай кўрсин, тоғаси нима ишлар билан шуғулланаётгани ҳақида оламга жар солиши мумкин. Ҳожи қачон ва қандай қилиб шу тирмизак олдида эътиборини йўқотиб қўйганига ҳайрон. У жиянини эшиқдан чиқариб, энди тинчийман деб ўйлаган эди ҳамки, ташқари ҳовлида пайдо бўлган Ашурали Юсуфалини койий бошлади:

— Ҳой, эси паст, мучалинг уйқуми, нима бало? Қачон келмай мудраб, сузилганинг-сузилган. Биттаси кириб, уйни кўтариб кетсаям билмайсан, овсар!

Ҳожи куёвининг овозини эшитиб, у ёқ-бу ёқни тартибга сола бошлади. Улар илиқ кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашган бўлишди. Ашурали кўрпачага ўтиришдан олдин эшикни ёпиб, дераза пардасини тушириб қўйди. Шунинг ўзи унинг Ҳожига айтадиган махфий гап борлигидан нишона эди.

— Бош бориб тошга тегмаса гўргайди. Ичимга чироқ ёқсангиз ёримайди. Юқоридан терговчи келганмиш. Анув машмашалар устида текшир-текшир бошланадиганга ўхшайди. Тахминимча, Камолни чақирган. Ишга жойлашдим, фирқага тикландими — суриштирган шекилли.

— Хўш, бунинг нимаси ёмон?

— Ёмонлиги шундаки... яна чалкашликлар бошланмаса деб хавотирдаман.

— Камолинг озод бўпти, тагин нима керак уларга?

— Уша ёнғин сабабини аниқроқ билишмоқчи шекилли. Жиноятчи айбини бўйнига олгани билан ҳақиқат очилмаса бекор экан-да, падарим. Унинг ноҳақ қамалганини исботлаб прокурорга хат ёзилгани тагига энди етаяпман.

— Ким ёзади?

— Уша ёнғин сабабидан хабардор бўлганлар-да. Анави Бозорали Сардоронинг бола-чақаси.

— Э, дунёйи бевафо! Қинғир иш қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, десанг-чи!

— Ҳа, шунақалигини мандан кўра сиз кўпроқ билардингиз, падарим. Бироқ мандан кейин дунёни сув босиб кетмайдими, қабилида иш тутдингиз ўшанда. Қийиғи чиқса сизга нима, ҳеч нарса кўрмаган-билмагандай четга чиқиб тураверасиз-да.

Ҳожи чўчиб, кўксига туфлади:

— Сенга қўйиб берса, ўша вагонларгаям мени ўт қўйдига чиқарарсан?!

Ашурали ўрнидан туриб кетди.

— Йўқ, падарим, сиз ўт қўймагансиз. Лекин...

— Нима лекин?! — шовқин солиб юборганини билмай қолган Ҳожи дераза орқали ташқарига қараб қўйди.

— Йўлимга Камол ғов бўлаётганини сизга етказганимда уни тезроқ гумдон қилиш-ни маслаҳат бермаганмидингиз? Тонасизми ё?

— Гумдон қилишнинг бошқа йўли йўқмиди? Давлат мулкига ўт қўй, деб маслаҳат берганнинг уйи куйсин, илойим! Худойи таоло турибди бошимда. Оғзингга қараб гапир, бола, бегуноҳ бандага тўхмат қилишнинг охири бахайр бўлмайди.

— Бегуноҳ эмишлар! — Аччиқ кулди Ашурали, кейин ўрнига ўтирди. — Қашқирга дуч келганда эшак ҳам тўқимини ташлаб қочар экан.

— Ҳой, бу ер кўчамас, менинг даргоҳимда ўзингни қўйиб юбораверма!

Ҳожи куёвиге доим давлат орттиришнинг хосияти ҳақида «дийдиё» ўқигани-ўқиган эди. «Бу дунёда сани эр қиладиган ҳам, шер қиладиган ҳам пул. Пулинг бўлмаса — эътиборда йўқсан, биров санга қарамайди. Пашша ҳам ширага кўнади-да. Чор-ночор қолганигда ҳеч кимга керагинг йўқ», дерди.

Унинг бу хилдаги панд-насиҳатлари куёвининг қулоғида. Қулоғидагина эмас, қон-қонига сингиб, ҳаётининг асосий мазмунига айланиб кетган. Бунга кимки тўғансоқ бўлса, уни бир чўқишда йўқ қилавераман, деб ўйлаган эди. Бироқ унинг қонунидан олийроқ, адолатлироқ қонунлар борлигини энди тан олмай кўрсин-чи!

— Менга қара, куёв, — деди Ҳожи унинг хаёлини бўлиб. — Жамғарганларингни ўзимга бериб қўй. Авлиёнинг уйини тинтув қиладиган онасининг қорнидан тушмаган ҳали. Худо кўрсатмасин, яна турма-пурмага тушиб қолсангу муддатинг тугагандан кейин келсанг, қайтариб бераман. Ушанда кунингга асқотади.

Ашурали ҳақиқатан ҳам ҳозироқ турмага тушиб қолаётгандай юраги ёрилиб деди:

— Нафасингизни иссиқроқ қилсангиз-чи, падарим, турмангиз нимаси?

— Бадният қилганинг боғи кўкармасин. Кайфиятинг ҳаминқадарлигини кўриб айт-япман-да. Э, дунёйи бевафо! Бевафо бўлмаса турмадаги одам жимгина ётавермай,

элбурутдан қайтиб келармиди? Жони темирдан эканми, билмайман. Сен билан муомаласи қалай?

— Орамизда жарлик бордай. Келганидан бери ёвқараш қилгани-қилган.

— Муддаоси нима?

— Уша машмашаларда менинг қўлим бормикан, деб ўйлайди. Аниқ тагига етмоқчи чамамда. Тўғрироғи, етган ҳам... Энди пайтини пойлаб, ёқамга ёпишмоқчи шекилли.

— Мунақа маҳалда душманинга шакар бериб, жонини ол, деган гапга амал қилсанг ютасан, куёв. Яхши чиқишиб, қўйнига кириб олсанг бўлгани.

— Инсофга келмаса-чи? Қачон қарамай, синчковлик билан тикилиб турганини кўраман. Гаплариям расмий. Илгаригидай, Ашур эмас, ўртоқ Палончиев, деб мурожаат қиладиган бўлган.

— Орага расмиятчилик тушдими — совуқчилик аломати. Унда тескарисини қил. Фитна уюштир. Одамларни ўзига қарши қўй. Юмалоқ хатлар битдир.

— Бу — курашнинг эскириб қолган усули-ку, падарим?

— Баъзида эски нарсаларга янгича бўёқ берсанг, бошқача ялтирайди. Янгича жило еган темир-терсақ ҳам кўзинга бошқача кўринади.

— Айтишга осон. Айниқса, анув Қурбонали зумраша ҳар қадамимни санаб юргандай. Ҳамма хавф ўшандан.

— Ким сенга қасд қилса, паст бўлсин!

— Отасининг не сабаб бўлиб қамалганидан хабари бор унинг. Ҳар мажлисда чиқиб, менга тош отгани-отган.

— Унақалар битта тош отса, сен иккитасини от! Бўшлик — заифлик аломати, ўзингни доим Ватан олдида, халқ олдида жон-жаҳонини аямайдиган қилиб кўрсат. Шу машмашалар пасайгунча анов Ҳисом отлиқдан ҳам узоқроқ юр. Директорми — заводдаги ҳар бир ноҳўйликка ўзи жавобгар. Қозонга яқин юрсанг қароси юқар, деган гап бор элда.

— Қораси юқар-а... У билан қариндошчилик қилмоқчи бўляпмиз-ку, падарим. Келаси шу кунга тўй...

— Тўйни тўхтат демаганмидим? — Мўътабар ҳожи унга еб қўйгудай бўлиб қаради. — Гап битта бўлганди-ку? Туф деган туфугингни қайта оғзинга оляпсанми яна? Вой, нобакор, вой эзилгурлар-эй... Мендан розилик олмай, а?

— Шу мақсадда келгандим олдингизга, падарим, бошқа ёққа чалғиб кетдик-да...

— Розилик бермайман, гап тамом! Фалокат урган одамминан чатишмоқчимисан?

Тиш-тирноғимминан қаршиман бу ишинга!

— Ахир, падарим...

— Падар-мадарингни қўй! Гапингни ҳам эшитмай. Хотининггаям бориб айт. Инобатга олмасанглар, икковингниям оқ қиламан!..

Ташқи ҳовлида яна ғовур-ғувур эшитилди. Кимдир келиб, Юсуфалидан нимадир сўради. Юсуфали «Юс-с-сўм!» деди.

II

Соат роппа-роса ўнда Камолиддин район прокурори идорасига кириб борди. Кабинетда бир неча курси ва узун стол қўйилган бўлиб, тўрда истараси иссиқ, баланд бўй, кенг пешонали, йигирма олти-йигирма саккиз ёшлардаги ходим ўтирарди.

— Мен республика прокурорлигидан келдим, — деди у салом-алиқдан сўнг. — Терговчиман. Фамилиям Мардонов...

— Салом, Содиқжон Мардонович, — қайта сўрашди Камолиддин, у кўрсатган жойга ўтирар экан, мийиғида кулиб. Доим бежирим кийиниб, ўзини салобатли тутишга, салмоқ билан гапиришга мойил йигитни биринчи бор кўраётгани эмас. Камолиддинни бир эмас, бир неча бор сўроқ қилиб, гуноҳсизлигини исботлашда фаоллик кўрсатган ўша терговчи эди у. Шунинг учун узоқ вақт кўрмай юриб, ниҳоятда соғинган инисини тасодифан учратиб қолган одамдай севиниб кетди.

— Кўзларимга ишонмаяпман, ростданам сизмисиз? — деди қўлини қайта сиқиб.

— Менман, Камолиддин ака, — деди терговчи ҳам расмиятчиликни йиғиштириб қўйиб. — Соғлигингиз қалай? Дўхтирга вақтида қаратиб турибсизми ўзингизни? Кўринишингиз ёмон эмас. Оила аъзоларингиз бари соғ-омонми?

— Ҳаммаси жойида, ўртоқ терговчи. Қани, сўрайверинг, яна нималар қизиқтиради?

— Сизга боғлиқ ҳамма нарса, — қўлидаги қаппайган оқ папканинг боғичини еча бошлади у. — Ишга жойлашиб, партияга тикланиб олгунингизгача...

Камолиддин партияга ҳамон тикланмаган, икки-уч бор мурожаат қилганига қарамай, райкомдагилар пайсалга солаётган эдилар.

Содиқжон Мардонович унинг гапларини кичкина дафтарчасига ёзиб қўйди-да, қўлидаги хужжатлар асосида кўп тафсилотларни батафсил аниқлаб олишга киришди. Чиндан ҳам уни анча нарса қизиқтираётган экан. Заводнинг бугунги ҳаёти, айрим одамларнинг иш фаолиятидан тортиб, коллектив ўртасида тутган мавқеигача.

— Бу учрашувимизни яхшилаб нишонлаш керак-ку, ўртоқ терговчи, — деди Камолиддин чехраси ёришиб. — Ҳовлига ўтсак қандай бўларкин?

— Фақат ҳозир эмас, — деди Содиқжон, — Мавриди келар.

Шундан кейин узр сўраб, зарур маҳал безовта қилишини эслатиб қўйди. Яна қўл сиқишиб хайрлашдилар. Орадан икки ҳафтача ўтдики, безовта қилгани йўқ. Ҳатто унинг бор-йўқлигини ҳам Камолиддин унута бошлаган эди. Тасодифан яна учрашдилар. Лекин бу сафар прокурор идорасида эмас, райком биносининг йўлагиди. Бу — Камолиддиннинг партияга тикланганлиги расмий равишда эълон қилиниб, кўлига билет топширилган кунига тўғри келди. Иккови қучоқлашиб кўришдилар. Содиқжон уни табриклади. Оғзи қулоғига етган Камолиддин республика прокурорлиги ходимига қандай миннатдорлик билдиришни билмасди. Райком биноси қаршисидаги хиёбонга ўтишди. Бу атрофда суҳбатга халал бергувчи йўқ эди. Улар ўриндиқларнинг бирини бемалол эгаллаб олишди.

Ҳаммаёқ кечкурунги ёрқин ранг билан товланади. Осмон четига шафақ алвон ёйган. Барглар эндигина кўзгалган шабадада бир маромда тебраниб, шилдирайди. Бандларидан чирт-чирт узилганлари эса, ҳавода чирпирак бўлиб учади, ерга тушиб, оёқ остига ястанади. Катта кўча гавжум. Машиналар у ёқдан-бу ёққа тиним билмай югуради. Хиёбон теварагидаги ранги қочиб, бўзаришиб қолган гуллар аста шитирлашади. Олис тепаликлар устида кўкиш тумандек нималардир сузиб юрибди. Икки йигит ўзаро гапга тушиб кетишди.

Содиқжон шунча кундан бери вақтини бекор ўтказмабди. Заводдаги кўпгина одамлар билан танишибди. Чақриб суҳбатлашибди. Уни асосан икки жумбоқ қизиқтирар экан. Биринчиси — Бозорали оға тўғрисида ҳақиқатнинг тагига аниқроқ етиш бўлса, иккинчиси...

Содиқжон иккинчисини айтишга улгурмай, Камолиддин унинг гапини бўлди:

— Яна қанақа ҳақиқат? — деди у ҳайрон бўлиб. — Ахир, ҳаммаси очиқ-ёруғ бўлган-ку! Бозорали оға айбни бўйнига олганига шубҳа туғилдими ё?..

Содиқжон кафтини унинг кафтига қўйиб жилмайди.

— Битта сиз эмас, бизлар ҳам дафъатан ҳаммасига тушуна олмадик. Шунинг учун келдим. Калаванинг учини топмай туриб, бирон хулоса чиқаришнинг иложи бўлмайди-ку?

— Топдингизми?

— Нимани?

— Калаванинг учини-да?

Содиқжон бошини қашлаб қўйди.

— Топилди деса ҳам бўлади.

— Хўш, хўш? — ошиқди Камолиддин.

— Қисман одамларингиз... Асосан Қурбоналининг ёрдами билан...

— Қурбоналининг?

— Ҳа. Қурбоналининг қўлида хат бор. Ана шу хатда ҳаммаси ёзилган.

Камолиддин яна гарангсигандай, оғзини ярим очганча тикилиб қолди. Содиқжон гапига аниқлик киритди:

— Қурбонали — Бозорали оғанинг ўғли эканлигидан хабарсизга ўхшайсиз. Билиб қўйинг, у зўраки жиноятчининг яккаю ёлғиз фарзанди.

— Нимага зўраки жиноятчи?

— Чунки, уни зўраб жиноятга тортишган. Бировларнинг сиқуви, алдаб-сулдашлари, тоғ-тоғ ваъдаларнинг қурбони бўлган. Ҳамма айбни бўйинига олиб қамаласан, узоғи билан икки ой ичида қутқарамиз, дейишган. Орадан икки ой эмас, қанча йил ўтиб кетадики, улар ваъдасини бажаришмайди. Бари тинчиб, ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолди, деб ўйлашаётган бўлишса керак. Уз қурбонларини унутиб юборишган ҳам кўринадди ҳатто. Бозорали оға ана кутади, мана кутади, охири сабр косаси тўлиб, ўғлига хат ёзади. Гап шундай, шундай, мен лақма уларга чиппа-чин ишониб, тузоққа тушиб қолибман, дейди. Ўғил ўша захотиёқ республика прокурорига шикоят ёзиб, отасининг иши қайта кўрилишини сўрайди.

— Асли келишингизнинг боиси шумиди ҳали? Мен ўйлабманки...

Содиқжон самимий жилмайди.

— Шу! Лекин бир йўла сизнинг ишингиз юришган-юришмаганлигини билгим келди. Суд чиқарган қарорлар қандай ижро этилаётганини кузатиш ҳам вазифамиз, ака.

Камолиддиннинг бундан хабари бор, аммо Бозорали оғага боғлиқ анави кирди-корлардан воқиф эмас эди.

— Терговда бу ишлар очилмаганмиди?

— Ҳамма иллат шундаки, собиқ терговчи ишни пухта текширмай, сохта жиноятчининг ўз айбини бўйнига олганига ишониб, хулоса чиқараверган. Цехларга кириб, ишчилар билан бақамт гаплашмаган, найрангбозларнинг хатти-ҳаракатларидан унча-мунча хабар топганларга учрамаган. Сохта гувоҳларнинг сохта далилларини асосида хулоса чиқариб, ишни тугатган-қўйган. Натижада бегуноҳ одам қамоққа тушган.

— Нимага қараб турибсиз, ҳақиқий жиноятчи аниқланган экан, ҳибсга олавермай-сизми?

— Бизнинг ишимизда ошиқиш ярамайди. Пухта ўрганишимиз керак. Уларнинг илдизи жуда чуқур. Бир-икки тармоғини қуритганимиз билан ҳали номаълум шерикларини чўчитиб қўйишимиз мумкин. Ана ундан кейин яна чигаллашади. Бутун сир-асрорини фош қиладиган Бозорали Сардоровни хат ёзганликдан тонишга мажбур қилишдан ҳам тойишмайди.

— Тўғри айтасиз, — ниҳоят унинг фикрига қўшилди Камолиддин. — Бозорали оғанинг юрагини олиб қўйган бўлишлари ҳам мумкин. Тадбир билан иш тутилмаса, қўрқоқ одам ичимдагини топ йўлига ўтиб олиши мумкин.

— Ана шу қўрқоқлиги туфайли хатни тўппа-тўғри суд идораларига ёзмай, ўғлига юборган-да. Бу ҳақда бировга оғиз очмасликни ҳам тайинлаган.

— Ўғли сирни ошкор қилаётганидан ҳам хабари йўқми ҳали?

— Ҳозирча йўқ. Вақти келиб, хабардор қилишга мажбурмиз.

Камолиддин Содиқжонга бошқача кўз билан тикилиб турарди.

— Сизни қизиқтирган жумбоқнинг иккинчисини билса бўладими ё у ҳали сир тутилиши керакми?

— Марҳамат, айтишим мумкин. Унинг моҳияти шундаки, — давом этди терговчи. — Россия тўқимачилик корхоналаридан бирининг раҳбар ходимлари устидан йирик жиноий иш кўзгалган. Ана шу жиноятнинг бир учи заводингизга келиб тақалмоқда. Улар тил бириктириб, кўп қалбаки ишларни амалга ошириш йўли билан бойлик орттириш пайига тушганлар.

— Наҳотки? — ўсмоқчилади Камолиддин, — ким экан улар? Кимлардан шубҳаланяпсиз?

Терговчи сукутга толиб, жим қолди. Кейин жавоб ўрнига савол берди:

— Сизнинг ўзингиз-чи? Ҳеч кимдан шубҳа қилмайсизми? Сизнинг бегуноҳ қамалишингиз ҳам ўз-ўзидан бўлган деб ўйлайсизми?

— Қамалишимгина эмас, тирик туриб, ўлдига чиқарилганимнинг ўзи бир жумбоқ. Телеграммани ким берган? Нима учун? Бундан кимга фойда?

— Уша телеграмма сақланганми?

Камолиддин бош чайқади.

— Йўқ, отамга кўрсатишгач, кимнингдир қўлида қолиб кетганми, йўқолганми, ҳеч ким билмайди.

— Бунинг ҳам тагига етамиз, ишонаверинг, ака, аммо осонликча бўлмайди. Нимага десангиз, ўша телеграммани уюштирганлар ҳам, уни йўқотиш мутасаддилари ҳам анойилармас.

— Атайин йўқотишган деб ўйлайсизми?

— Бошингиз қотмасин, албатта топамиз уни. Аммо ҳеч ким ҳеч қачон ўз айбини дарров бўйнига ола қолмайди. Тажрибадан биламан буни.

— Ҳозирга қадар тўплаганларингиз...

— Етарли эмас. Айбдорнинг айбини яширишга имконият бермайдиган ашёвий далиллар зарур. Яъни, ёзма ҳужжатлар. Худди шундай ҳужжатлардан бири Қурбоналининг қўлида. Отасидан олган хат.

— Бердими сизга?

— Индин учрашишга ваъдалашганмиз. Шунда олиб келади.

— Э-ҳа, — деди Камолиддин кулиб, — нимага Қурбоналини кўрарга кўзлари йўқ, деб айтдим-а. Гап бу ёқда экан-да?

— Кимни кўзда тутаяпсиз?

— Сувни лойқалатиб юрганларни. Мен уларнинг виждон билан ишлаётганларига кўпдан ишонмай қўйганман.

— Сиз Ашурали Тойлоқовни назарда тутаетганингизни сезиб турибман. Директордан ҳам гумонингиз йўқ эмас.

— Шу суҳбатни ҳовлига бориб, чой устида давом эттирсак бўлмайдими? Юринг, ўтинаман, йўқ, деманг, жигар...

Пўлатой шошиб, хона ўртасидаги доира стол устига дастурхон ёзди. Содиқжон эса, деворга осилган катта-кичик рамкалардаги суратларни кўздан кечирди. Улардан бири бошқаларидан кўра кўпроқ диққатини тортди-да, узоқ тикилди. Оқ терак танасига қўлини тираб, илжайиб турган йигит ҳам Камолиддинга айнан ўхшаб кетарди.

— Ёшлигингизда тушганмисиз?

Камолиддин бош чайқади.

— Катта ўғлимиз. Москвада ўқийди.

Деворлар сомонсувоқ қилиниб, пала-партиш оқланган, оҳақ хиди анқиб тургандай эди. Бисот, анжомлар ҳам жой-жойини топмаган, аксари буюмлар жомадонларда, кўрпа-тўшаклар эса, деворларга тақаб, шундоққина ерга тахланган, худди кўчишга тараддуд кўриб қўйилганга ўхшарди. Телевизор ҳам бир четдаги сандиқча устида.

Қамоқдан қайтиб келмас деб ўйлаган Ҳисомали Камолиддиннинг ҳовлисини эгал-

лаб олганлигини чол меҳмонга аввал истар-истамас, кейин ниҳоятда қизишиб гапириб берди.

— Утакетган зўравонлик! — деди ўзини тутта олмаган Содиқжон, — сурбет билан сурбетларча муносабатда бўлиш керак эди. Нимадан андиша қиласиз?

— Янги уй битса кўчамиз, дегани учун қисталанг қилмадик, — отаси ўрнига Камоллидин жавоб қилди. Келини каттагина гулли чойнакда дамлаб кирган чойни Жамол ота пиёлаларга қуйиб узатаркан, ўғлининг сўзини давом эттирди:

— Ким қилса, ўзига қилади. Майли, бир ёмонликнинг бир яхшилиги бор, дейдилар. Сабр таги — олтин. Ҳадемай, бари жой-жойига тушиб кетганда юзи шувут тортиб қолар...

— Барибир бўш келмаслик керак эди! — баттар тутатди Содиқжон. Орага тушган қалтис вазиятни хонага кирган Пўлатой бузди:

— Сўраганининг айби йўқ, мастава қилгандим, бир косадан берсам-да, кейин хонимга уннасам, хамир қориб қўйганман.

— Борига бозор, олиб келаверинг, келин, — деди Жамол ота. — Тайёр томоқни қайтариб бўлмайдди.

Бу хонадонда ҳақиқий ишчилар оиласига хос самимий муносабат ҳукм суришлиги Содиқжонга ёқиб тушди. Пўлатой тўладан келган, вужудида шижоат қайнаб турган аёл эди. У бўшаган косаларни йиғиштириб ташқарига чиқиб кетди.

— Жиннитўп маҳаллалик авлиёни биласизми? — дея сўради Содиқжон.

— Мўътабар ҳожиними? Уни танимаган одам бўлмаса керак? Азайимхонлиги билан жуда доврүк солган дейишади.

— Ҳа, ўғри қариса сўфи, фар қариса парихон бўлармиш, — қўл силтади Содиқжон. — Миш-мишларга ишонманг. Унинг бутун қилмиши — қаллоблик! Илон тилини чиқариб, учар қушни аврагандай, одамларни алдаб, йўлдан оздириб, дунё орттиришга муккасидан тушган ғирт фирибгар у. Кўкнори экади, қора дори тайёрлайди. Тўқликқа шўхлик қилиб юрган ёш-яланга пуллаб, умрини захарлайди.

Камоллидин ёқа ушлади. Ҳайрат билан унинг кўзларига тикилди.

Содиқжон бир куни деҳқонча кийиниб, Мўътабар ҳожининг ҳузурига кириб борибди. Ўзини хаста қилиб кўрсатиш билан назр-ниёз бериб, «дуосини» олмоқчи бўлибди. Лекин артистликни ўринлата олмаган кўринади. Ҳожи бир нимани сезиб қолгандай, нари-бери куф-суф қилибди-ю, қандайдир гиёҳни қайнатиб ичаверишни буюриб, тезда хайр-маъзур қилибди. Содиқжоннинг гапидан кейин ҳаммалари жимиб қолишди. Орага тушган бу жимликни яна кириб келган Пўлатой бузди:

— Эшикдан меҳмон келса, тешикдан ризқ-насибаси киради, деганлар. Мана, қўшнимизниқидан ош чиқди. Ҳаммани тўйга етказсин. Эртага Ҳисом аканикида базм. Бугун келинникига тўй чиқаришган. Бир эмас, икки қозонда ош дамлашибди...

Ўртага қўйилган ош совиб, ёғи тўнғиб қолди ҳамки, унга ҳеч ким қўл урмади.

III

Ҳамма ширин уйқуда эди. Онда-сонда хўрозлар қичқириб, тонг отаётганидан дарак берарди. Кутилмаганда Салим қийқириқнинг «Ҳисомалиникига ошга-ҳо!» деган овози ҳаммаёқни тутиб кетди.

Ҳисомалининг ҳовли дарвозаси қаншарига осифлиқ электр чироқдан атрофга қуюқ нур таралар, ҳали-замон ошга келадиғанлар ва уларни кутиб олувчилар учун махсус жой тайёрланарди. Ҳовли ичида ҳам одамлар ғивирлаб юришибди. Бир четга иккита дошқозон осилган. Оқ халатли юмалоқ ошпазнинг оёқ-қўли чаққон. Вақирлаб қайнаётган қозонлардаги масаллиқнинг тузини кўради, зирвагидан кўз-қулоқ, чорпояга қоплардан гуруч ағдариб, тошини тераётган ёш-ялангни шошилтиради. Яна бир четда иккита каттакон самовар қайнаб турибди. Унинг атрофи ҳар хил гулли, катта-кичик чойнакларга тўлиб кетган. Ҳовли беткайига қатор-қатор столлар, курсилар қўйилган. Тўйбошилар айвонларга ҳам жой қилиб, дастурхон тузашади.

Салим қийқириқнинг овози узоқлаша-узоқлаша, қулоққа аранг чалина бошлаган маҳал, осмон чети оқара бошлаган эди. Шу пайт тўйхонага Тошкентдан атайин қақиртирилган хонандалар созларини қўлтиқлаб кириб келдилар. Улар учун махсус дастурхон тузалган чорпояда янграган дилни қитиқловчи куй-қўшиқлар яқин атрофни тутди. Бу қўшиқлар ўйин-кулгига уланиб, одамлар ош еб тарқаганларидан кейин ҳам кечгача давом этди. Ошга келганларнинг кети узилиши билан кечки базмга тайёргарлик бошланди. Пишириб-тайёрланаётган турли-туман мазали таомлар иштаҳани очарди. Башанг кийиниб, жонлик етаклаган, сават, тугун кўтарган меҳмонларнинг кети узилмасди. «Тўй муборак», «Келин қутлуг бўлсин», «Илоё кўша қаришин» қилишиб, шавқ-завқ билан табриклашлар, аскиянамо гап-сўзлар, кулги, қаҳ-қаҳалар тинай демасди. Машшоқларнинг машқига мослаб йўрғалашлар, чаккага пул қистиришлар, биров-бировни даврага тортишлар, таъзим-тавозе, кўз қисиш, кўз уриштиришлар... Хуллас, ҳамманинг қулфидили очилиб кетган эди.

Ясан-тусанни ўрнига қўйиб, куёвмисан-куёвдай бўлиб олган Козимжон ҳам бир

четда дўстлари билан шоду хуррам турарди. У кўпдан орзу қилган эзгу ниятига етади, жондан ортиқ севган дилдори билан бирга бўлади энди...

Шу пайт кимдир хунук хабар айтиб қолди.

— Малика кечадан бери уйида йўқ эмиш, — деди у. — Бутун кийим-кечагини олиб, қочиб кетганмиш. Эрталабдан бери қидирмаган жойлари қолмабди. Хиждолатдан не алпозга тушаётган ота-онаси қандай қилиб тўйни тўхтатиш кераклигини айтолмай ўтиришганмиш...

Томдан тараша тушгандай етказилган бу гапга биров донг қотди, биров лабини буриб мийғида кулиб қўйди. Козимнинг эса пешонасидан муздек тер чиқиб кетди. Бирдан бошига тўқмоқ урилгандай қаттиқ чайқалди. Тўйхонани ташвишли сукунат босди. Ҳамма бир-бирига қараб, хийла вақт жим туришди-да, ногоҳ ҳаракатга келиб, Ашуралиниқига югуришди. Эшиқдан кирганлар ҳовли юзида таққа қотиб қолишди. Ҳовли азахонани эслатарди. Ҳаммаёқ алғов-далғов. Кечагина чиқарилган сарпо-суруқлар бир жойга тўплаб қўйилган, унинг атрофида гир айланган Ҳожарбека сочини юларди.

— Вой, айланайлар, — дерди у келганлар олдига талпиниб, — бизни шармандаю шармисор қилди мегажин! Кўни-қўшнининг кўзига қайси юзминан қарайман?! Вой, етимча — етти кулча, вой яшшамагур!..

Ашурали эса икки қўли билан бошини чангаллаганча бир маромда чайқалиб нукул оҳ чекар, келганларни кўрмаётган, ҳатто сезмаётгандай, қаддини кўтарай демасди.

Томошабин бўлиб турганларнинг айримлари индамайгина чиқиб кетишди. Айримлар эса, ҳол сўраш учун олдинга талпиндилар. Ҳожарбеканинг оғзидан қарғиш, нолиш аримас, эзилиб, жигар-бағри хун бўлиб кўринган Ашурали бирон тайинли гап айтмас, савол сўраганга жавоб қилгудай ҳолда эмасди. Фақат суриток панасида яшириниб, ҳеч нарсадан хабари йўқдай, хотиржам турган Марат кўёв либосига бурканиб олган Козимжоннинг ҳолатини зимдан кузатар, мазахнамо илжайганча ич-ичидан тантана қиларди.

«Ҳамма кирдикорга сабабчи мана шу!» ўйлади Козимжон миясига қон уриб.

— Малика қани? — дея Маратга яқинлашди у.

— Биламанми... Қочиб кетибди, дейишди-ку!

— Ишонмайман! Узинг бир ёққа жўнатгансан, яширгансан!

Марат тутатиб, Козимнинг сўзини бўлди:

— Валдирама, у игнамидики, яширсам! Бор йўлингдан қолма.

Козимнинг ғазаби қайнаб, муштини сиққанча яна яқинроқ бордида, дағдаға қилди:

— Маликанинг қаердалигини сен биласан. Айтмасанг, дабдалангни чиқараман!

Бошқалар етиб келгунга қадар улар ёқа бўғишиб кетишди. Бир-бирларининг башарасига устма-уст мушт туширишди. Козимжон Маратнинг томоғига чанг солиб шундай бўғдики, унинг томирлари ўйнаб, башараси кўкара бошлади.

— Войдод! Боламни ўлдириб қўяди! — дея Ҳожарбека шундай қаттиқ чинқирдики, кўчада турганлар ҳам тапир-тупур кириб келишди. Козимнинг қўлидан Маратни аранг ажратиб олишди.

Маликанинг ҳеч қаердан дараги чиқмасди. Бу ҳақда ўйлайвериб Козимнинг боши оғриб кетар, эсини йўқотиб қўйиш даражасига келарди. Маликанинг ота-онасидан, укасидан тайинли гап чиқмагач, дўстлари билан бирга ўзи қидиришга тушди. Милицияни ишга солди. Уз онаси, отасини ҳам ҳар томонга зир югуртирди. Сахарлаб машинасига миниб, баъзан дўстлари, баъзан ёлғиз ўзи юртнинг ҳар бурчига бориб, сўроқлашдан толмасди. Орада икки-уч кунлаб йўқ бўлиб кетар, не алпозда қайтиб келгач, онаси уни юпатарди:

— Мунча қайғурасан, топилмаса-топилмас, ундан яхшисига уйлантираман.

Бундай пайтларда онасини ҳам кўргани кўзи қолмасди унинг. Кечалари инграб, илондай тўлғаниб чиқарди. Бошини танғиб боғлаб айвонда сассиз-садосиз сурункасига тўрт-беш соатлаб ўтираверарди. Кунларнинг бирида у тонг-сахар чиқиб кетиб, бир ҳафтача қайтиб келмади. Еттинчи кун машинасинигина топдилар. Уйда йиғи-сиғи бошланди. Одамлар ўзларича афсона тўқишга киришдилар. Ишқ дарди ёмон, қизнинг қўйида ёниб, ўзини нобуд қилганга ўхшайди. Бундай фикр-мулоҳазалар Ҳисомалини ҳам, хотинини ҳам қон йиғлатарди.

Орадан роппа-роса бир ярим ой ўтди. Ниҳоят, Козимжоннинг ўзи кириб келди. Яна йиғи-сиғи билан она ўғлининг бўйнига осилди. Ота панд-насиҳат қилди, Козимжон таниб бўлмас даражада сўлиб, озиб-тўзиб, чўп бўлиб қолган эди. Касалхонага ётқизишмоқчи бўлишди. Бироқ, шу куннинг эртасигаёқ унинг эси оғиб қолганлиги ҳақида гап тарқалди.

Осмоннинг қарийб ярмини эгаллаган сарғиш булутлар олис сафардан сўнг ҳориб-толиб келиб чўк тушган туя карвонига ўхшарди. Тушга яқин эса, қутилмаганда «туя»лар ўринларидан кўзғалиб, чор тарафга югура бошладилар. Қўқандандир ёпирилиб келган шамол дарахт шохларини шиддат билан чайқалтирди. Чанг-тўзон кўтарилди. Довул гўё осмон қаъридан узилиб тушиб, еру кўкни зулмат қаърига қорғудай алпозда қутирар, гирдобдай чир айланарди. Бир зумда ер билан осмон қўшилиб кетгандай бўлди. Қулаётган дарахтларнинг қасир-қусури, тунука томларнинг тарақ-туруғи, ўтакаси ёрилгандай қий-чув билан у ёқдан-бу ёққа чопқиллаган ёш-яланг, болаларини қидириб дод-фарёд кўтарган оналар, уй ҳайвонларининг уввоси — ҳаммаси бир бўлиб атрофга даҳшат ёярди. Серқатнов кўчаларни тўлдириб дарёдай жўшқин ҳаракатдаги машиналар оқими ҳам чайқалиб кетди гўё.

Худди шу воқеалар содир бўлишидан ярим соатча аввал Камолиддин партком кабинетида ўтирарди.

Завод раҳбарлари янги йилдан бошлаб қилинадиган ишлар режасига Соли қийғир таклифини киритишмабди. Ахир, у билан кўплар танишиб чиққан, ҳатто ихтирочилар бюроси аъзолари ҳам ўз ижобий фикрларини билдирган эдилар. Пахта, чигит қури-тишнинг автомат системаси жуда-жуда зарур.

Партком котиби Мансур Мавлонов қошларини чимирган ҳолда Камолиддиннинг фикрини зўр эътибор билан тинглаётгандай кўринарди-ю, уни қандай қилиб ёнғоқ пўчоғидай майдалаб ташласам бўларкин, деб ўйларди. У кўпроқ ўз иззат-нафсининг ғамини еяётганга ўхшарди. Шундай эътиборга лойиқ мулоҳаза туғилган экан, нима учун бошланғич партия ташкилотини четлаб ўтасан, бунақа кибр-ҳавони қим қўйибди сенга, дегандай, ичида Соли қийғирга таъна қиларди. Гап мантиқидан шу нарса яққол сезилиб турарди. Буни пайқаган Камолиддин: «Қалтабинлик ҳам эви билан-да, — дея хаёлидан ўтказди. — Яна булар коллективнинг суянган тоғи эмиш-а! Йўқ, бу давлат ишига панжа орасидан қараш, ишга ижодий ёндашишни менсимасликдан бошқа нарса эмас!»

— Сиз бизларнинг партиявий раҳбаримизсиз! — деди Камолиддин нафаси бўғилгандай ҳолатда. — Сизнинг вазифангиз қуруқ сафсата сотиш эмас, бизга ёрдам бериш... Ҳар бир туғилган янги ғояга қизиқиш, қўллаб-қувватлаш!..

Мансур Мавлонов аччиқ кино билан кулди.

— Биринчидан, вазифам қанақа-қанақамаслигини ўзим биламан. Иккинчидан, сизнинг назоратингизга муҳтожлигим йўқ. Нимага қандай қараш-қарамаслигим ҳақида сизга ҳисобот ҳам бериб ўтирмайман. Ўзимнинг йўл-йўриқ кўрсатувчиларим бор.

Камолиддин асаби кўзиб, кўзларини пирпиратди.

— Унда мен сизга ишониб янглишибман, — ўрнидан турди у. — Сизнинг ҳисоботингизни эшитиш учун эмас, баъзи чигал ишларни ҳал қилишда ўзимга сафдош излаб киргандим олдингизга, янглишибман. Сиз қўлламасангиз, бошқа қўллайдиганлар топил-либ қолар. Лекин, шуни билингки, эртага пахта қуриши автомат албатта ишга тушади.

Мансур Мавлонов ҳам ўрнидан турди. Қаршисидаги чўрткесар одамга жавобан аччиқ-аччиқ нимадир айтмоқчи бўлди-ю, гапи оғзида қолди. Тасдиқдан деразалар шарақлаб очилиб кетди. Бир зумда хона тўзонга тўлди. Стол устидаги қоғозлар гур кўтарилди. Кўча томонда ниманингдир тарақлаб ерга тушгани эшитилди.

Табиатнинг беҳосдан бошлаган ҳамласидан гангиб қолган Камолиддин ўзини дар-ров қўлга олди.

— Нимага қараб турибмиз? — деди у бақириб, ташқарига отиларкан.

Бўрон завод ҳовлисини элак-элак қилар, дуч келган нарсани кўтариб ташламоққа уринар, пахта ғарамларининг тит-питини чиқариб, ҳар томонга тўзитмоқчи бўларди. Пахталар оқ каптарлар сингари кўкда чарх урар, кейин уни бўрон аллақайси бир пуч-моққа улоқтирар эди.

...Бўрон йигирма уч дақиқагина давом этди. Аммо ана шу муддат даҳшати одам-лар учун бир йилга тенг туюлди. У қандай тез хуруж бошлаган бўлса, яна бирданига тинчидию борлиқни сукунат қамради. Сўнг булутлар уфқ сари чекилиб, осмон бир зумда мусаффолик кашф этди. Кўчалар, ҳовлилар бояги-бояғидай, куёш кўкдан заррин ёғду сочиб, чарақлаб турарди.

Ҳалиги дағдағалардан қути учиб, ўзини пана-панага олганлар аста-секин кўчага чиқишди. Биров-бировни қидиради, биров-бировни чақиради. Мактаб, боғчаларга югуришиб, болаларидан хабар олишади. Йўл-йўлакай бўрон келтирган жароҳатларни кўрган кишиларнинг кайфи учади. Биноларнинг томлари йўқ, деразалар чилпарчин, эшик-дарвозалар қийшайган, ҳовлилар катта кўчага қўшилиб кетгандай. Ҳар ер-ҳар ерда тўпланган оломон қаерда қандай бахтсизлик юз берганини бир-бирларига айтиб, қўшиб-чатишар эди.

Энг кўп зарар кўрган завод бўлди. Шикастланган электр шохобчалари қайта тиклангунча, лат еган цехлар эпақага келтирилгунча ишлар тўхтаб қолди. Ишчилар бевоси-

та вазифалари қолиб, бўрон тўзғитган ғарамларни тўплаш билан овора эдилар. Ҳамма-нинг белида этак. Бир неча кун завод ҳовлисининг бурчак-бурчаклари, дов-дарахт шохларидан пахталарни териб олиш билан банд бўлдилар.

Атроф-теварак хўжаликлардан ҳам ҳадеганда маҳсулот келмай қўйди. Завод ишчилари бисотларидаги ғарамларни саранжомлаб бўлгач, бекорчиликдан зерика бошладилар. Ниҳоят, завод дарвозаси олдида биринчи пахта карвони кўриниши билан ҳамманинг юрагида баб-баробар чироқ ёнгандек бўлди. Биринчи ғарам, биринчи той, биринчи марка навбати билан қад тиклай бошлагандан кейин чинакамига эркин нафас олдилар.

Уша бўрон турган кунни ниҳоятда силласи қуриган Камолиддин уйга етиб келгач ётиб қолди. Ошқозон дарди кўзгаб, қаттиқ қийнаб қўйди. Дори-дармон қилдилар. Дўхтир касалхонага ётқизишни буюрди. Аммо у бўрон туфайли юзага келган мушкулликларни бартараф қилмай туриб, дафъатан ётиб олишни истамасди. Ана ўтиб кетар, мана ўтиб кетар билан қорнини чангаллаб, икки букилиб ўтираверди. Кечга яқин хиёл ўзига келиб кўзи илинди. Аммо бу ҳам узоққа бормади. Кутилмаганда хотини ташвишли гап топиб келиб, уйғотишга мажбур бўлди.

— Заводингизда яна ёмон ҳодиса юз берганга ўхшайди, туринг, — қисталангига олди у. — Безовта қилмасдим, тез етиб келсин деб, Ҳисомали машина юборибди.

Ҳисомали кечаги тўй можароси, ўғлининг бетобланиб қолганлиги туфайли юрагига қил сиғмай, қўли ҳам ишга бормаи бўшашиб юрарди. Шунинг устига бўрон орттирган ташвишлар уни бутунлай довдиратиб қўйди. Буниси яна камлик қилиб турган экан: бўрон тингандан кейин қайси бир қулаган терак остидан Қурбоналини суғуриб олибдилар. Уша тўполон пайтида нима сабабдан кўчага чиққани, қандай қилиб шундай фалокатга йўлиққанини ҳеч ким билмайди. Атрофни саришталашга чиққанлар уни қонга бела-ниб ётган ҳолда кўришибди.

Камолиддин тушган машина ғизиллаганча бориб, Қурбоналининг ҳовлиси қарши-сида тўхтади. Атрофни қуюқ қоронғилик қоплаганига қарамай, кўча эшик олди одамларга тўлиб турар, кираверишдаги усти ёпиқ йўлак, ҳовли саҳнига чироқлар ёқиб ташланган. Бўлаб йиғлаётган аёлларнинг, фарёд чекаётган қизчанинг овози кишини қаттиқ эзарди.

Камолиддин тўппа-тўғри ичкарига кириб борди. Остона ҳатлаши билан унинг қоқ ўртасига ётқизиб қўйилган марҳумнинг жасадига кўзи тушди. Камолиддин ёнма-ён чўкка тушди-да, сурпни аста кўтариб қаради. Марҳумнинг юзи докадай оқариб кетган, кўзлари юмук, эндигина ширин уйқу элитгандай, осойишта ётарди. Камолиддиннинг ўпкаси тўлиб кетди. Кўзларига ёш қалқиди.

— Сиз унинг қанақалигини билармидингиз, амакижон?! — дея баттар хўнграб юборди, унинг елкасига аста бошини қўйган ёшгина жувон. — Эрта-кеч оғзидан тушмасдингиз... Сизни эслагани-эслаган эди.

Камолиддиннинг томоғини нимадир келиб тикилди. Яна озроқ турса чидолмаслигини сезиб, ташқарига отилди.

Ташқарида турганларнинг ҳаммаси сукутга толган, вақт алламаҳал бўлиб қолганига қарамай, ҳеч ким кетишни уйламас, қайтага келувчиларнинг кети узилмас эди.

— Бемаъни ўлим... — деди Камолиддин айвондан пастга тушаркан.

Унга яқин турганларнинг бири мунгли овозда жавоб қилди:

— Заводимизнинг фахри эди. Ҳақ йўлида ўтдан-сувдан ҳам қайтмасди, бояқиш...

Камолиддиннинг ёнига Ҳисомали келди. Унинг қизаринқирган кўзлари ич-ичига ботиб кетган эди.

— Эрталаб, дафн пайтида комсомоллар митинг уюштирмоқчи. Ёши улуглар номидан ўзингиз гапирасиз-да, устоз.

Камолиддин маъқул дегандай бош ирғади.

Ҳовлида ҳаммадан кўп Соли қийғир фаоллик кўрсатиб, одамларни у ер-бу ўтқазиш ғамини ерди. У Камолиддинни кўрган заҳоти:

— Бу қанақа кўргилик-а, Камолиддин ака?! — деб қўйди яқин келиб. — Бозорали ака шу ерда бўлгандаям бир нави эди...

— Мард йигит эди, — қўшиб қўйди Камолиддин.

Бу сўзларни эшитибоқ Соли қийғир энтикиб кетди. Елкалари титради. Кўз ёшларини кафти билан сидирди.

Камолиддиннинг томоғини ҳам яна нимадир бўғиб келди. Шу заҳоти кўча эшикка яқин жойда турган Содиқжонни кўриб қолди. У участка инспекторига зўр бериб ниманидир уқтирарди. Камолиддин унинг кейинги сўзларини эшитиб қолди:

— Мен аралашсам бўлмайди, — дерди у, — қандай бўлмасин, эрталабки дафн маросимини кечроққа кўчириш керак. Маҳалла оқсоқолларига тушунтиринг.

— Оғзимдан чиқмай ёқамга ёпиштиришади, Содиқжон Мардонович, — изоҳ берди Отажон мўйлов. — Маҳалла оқсоқоллари менга қулоқ соладиганмас.

— Шаҳарга телеграмма жўнатганман. Суд медицина эксперти текширув ўтказма-гунча кўмиш мумкин эмас!

— Уқтиравериб оғзимнинг ели тўкилди, Содиқжон Мардонович, «Экспертизанг

нимаси, ўлим табиий офат туфайли содир бўлган-ку, биз розилик берганимиз билан марҳумнинг яқинлари бунга йўл қўйишмайди», деб туриб олишди. Бунақалар билан шовла пишириб бўлмайди.

— Тўғри қилишади, — маъқуллади яқин келган Камолиддин, — ўлган ўлиб бўлди-ку, марҳумни ўз ҳолига қўйинглари-да.

Содиқжон ялт этиб унга қаради:

— Сиз шундай деб ўйлайсизми?

Камолиддин ниманингдир тагига етмаётгандай ажабланиб тикилди:

— Нима, бирон шубҳаларинг борми?

— Ҳозирча йўқ... Аммо юрагим сезиб турибди: ҳарқалай, ўлим унга эмас, унинг ўзи ўлим сари борган кўринади.

Содиқжоннинг орага тушиши, илтимос, илтижолари ҳам иш бермади. Марҳумни дафн қилиб келишди.

Камолиддин қисқа муддатдаёқ Қурбоналига алоҳида меҳр қўйган экан. Нима юмуш билан банд бўлмасин, унинг гап-сўзлари, қиёфаси хаёлидан кетмасди. У ота ўрнида ота бўлиб, уч кун чопон кийиб, бел боғлаб, кўча эшик олдида қўл қовуштириб турди.

II

Охири ўзи ҳам ётиб қолди. Кунига дўхтир келиб кўради, дори беради, иссиғини кўради. Ишқилиб иситмасини туширишга уринади. Аммо ҳадеганда ўзига келавермайди. Бир неча кунгача алаҳлади, уйқусида нималардир деб бола-чақасининг ўтакасини ёрди. Жамол ота сочиқ хўллар, ўғлининг пешонасига босар, икки чаккасини силар, оёқ-қўлини уқалар, устида мижжа қоқмай тонг оттирарди. Охири уни касалхонага ётқиздилар.

Шундай кунларнинг бирида Ашуралини терговчи йўқлаб қолди.

— Нима учун чақирганимизни биласизми?

Содиқжоннинг саволига Ашурали қисқа жавоб берди:

— Тахминан!

— Тахминингиз нимаси? Очiqроқ айтиб беролмайсизми?

— Йўқ! — кескин рад қилди Ашурали, стул суянчиғига ястаниб олгач. — Ман сизнимас, сиз мани чақиргансиз. Шунинг учун саволни сиз беринг, ман жавоб қиламан. Шуниси маъқул.

У ҳатто заводдаги зарур ишини ташлаб келишга мажбур бўлганини писанда қилиб, устидаги кулранг узун халатини ҳам ечмаган, мой ёпишган қўлларини дурустроқ артмаган эди. Содиқжон, одатдагидай, бежирим кийиниб, соқолини топ-тоза олган эди.

— Келинг, гапни олисроқдан бошлайлик, — деди у. — Икки ўғлингиз ўқишда — сизга қарам қизингизнинг йўқолганини ҳисобга олмаганда оилада беш жонга бошлиқсиз. Битта ўзингиз ишлайсиз. Маошингиздан бўлак ортиқча даромадингиз йўқ. Лекин бир эмас, иккита машинангиз бор, қатор-қатор шоҳона безакли хоналардан иборат данғиллама ҳовлингиз районнинг қоқ марказида, Чулдирсойда эса дала ҳовлингиз. Жиннитўп маҳалласида қайнотангизнинг номига ўтказган яна битта ҳовли-жойни юз мингдан камга тушмади, деб мақтанган экансиз...

— Кимга шунақа дебман? Елғон гаплар бу! Анови мўйлов бир нима деган бўлса бордир. У жойни қайнағам ўз пулига қурган.

— Қайси пулига? Отаси қолдирган меросгами ё турмадан орттириб келганигами?

— Турмангиз нимаси? Сал ўйлаб гапириш керак, ўртоқ. Бу гапларингиз учун жавоб берасиз. Икки қарра ҳажга борган табаррук кимсага тўхмат қилишингиз жоизмас. Эскичада ҳам, янгичада ҳам кўпнинг ихлосини қозонган одамга шак келтириб бўлмайди.

Содиқжон қўл силтади.

— Қўйсангиз-чи, — деди энсаси қотиб. — Наҳотки шу гапларнинг чиппа-чинлигига ишонсангиз? Бизлар ҳақиқий дин аҳли пешволарининг ҳурматини қандай қилиб ўрнига қўйишликни ҳам биламиз. Ҳақиқий дин аҳллари элу юрт осойишталигини астойдил тилаш билан ибодатларини қанда қиладигани йўқ. Сизнинг қайноғангиз эса мачит остонасию жойнамоз юзини кўрмаган ҳам. Диндорлик ниқоби остидаги сохта Ҳожи у. Ундан кўра айтинг, шунча қурилишлар қайси даромадларингиз эвазига бунёдга келди?

Ашурали кесатиқ билан жавоб берди:

— Балки ўғирлик қилгандирман?

— Балки, — дангал гапирди терговчи, — заводни сигирдай соғиб ичиш эвазига-дир? Бузилмаган агрегатларни бузилдига чиқариб, ремонт қилиш билан ҳақ олишлар, айрим хўжаликлар билан тил топишиб, йўқ маҳсулотга қалбаки ҳужжат тўлғазишлар, ҳақини эса, ўртада бўлишлар...

— Оғзингизга қараб гапиринг! — астойдил ҳужумга ўтишни маъқул кўрди Ашурали. — Терговчи бўлсангиз ўзингизга, уқдингизми? Ҳаддингиздан ошманг. Тергов қоидаларини биз ҳам биламиз. Ҳеч қандай далил-исботсиз бировни айблашга қандай ҳад қиляпсиз? Мен юқорига шикоят ёзаман, уқдингизми?

— Ҳай, бу ҳақда кейин гаплашармиз, энди бундан тўрт йил бурунги воқеани эслаб ўтсак...

Содиқжон Камолиддинга чоҳ қазиш учун ёнғиндан усталик билан фойдаланилгани, бу хуфя ишнинг миси чиқа бошлагач, Бозорали акани жарга кулатиб, бундан манфаатдор шахслар ўз мавқеларини асраб қолишга уринганликларини бир бошдан эсига солди. Шунингдек, Россия корхоналарининг бирида чувалган ипнинг бир учи шу заводга келиб тақалаётганини ҳам шама қилиб ўтди.

— Ҳуш, бу тахминларингизга менинг нима алоқам бор?

— Иш чўзилмасин десангиз, ўзингиз бир бошдан гапириб беринг. Буни сиз учун аҳамияти бор.

— Менга ҳеч нима аёнмас. Бу гапларни биринчи эшитишим. Ҳеч нарсадан хабарим йўқ, ҳеч нима билмайман, тамом!

— Биласиз. Сизга тўғаноқ бўлган кишиларни ўртадан улоқтириб ташлаш усулларингиз қанчалик фойда бераётганини ҳам биласиз. Худди шу усулда собиқ директорингиз Жамоловнинг ҳам бошига етмоқчи эдингиз. Бироқ номерингиз ўтмади. Ундан кейин Бозорали Сардоровга етди кучингиз...

— Тухмат, фирт ифво бу! Йўқ, мени бундай тузоққа туширолмайсиз... Палончининг бошига етиш деганингиз нимаси? Шунақа дейишга қандай тилингиз борди?

— Сизга енгиллик туғдириш учун имкон бермоқчи эдим, ҳай, майли, ўз хоҳишингиз билан тан олишни истамаясиз.

— Ахир, аввалги терговда ким ҳақ, ким ноҳақлиги аён бўлганди-ку? Ҳақиқий жиноятчи аниқланиб, жазога тортилгани етмасмиди?

— Бахтингизга аввалги терговчи сиз тавсия қилган сохта гувоҳларнинг сохта далилларига ишониб, ишни тезда тугатиб қўя қолган экан. Бегуноҳ Сардоровни жиноятчи сифатида қамоққа олиниши сизга қўл келган.

— Бу гапларни нима билан исботлайсиз? Қўлингизда бирон ҳужжат борми?

— Ҳужжат... Афсус, Сардоровнинг турмадан ёзган хати қўлимга етиб келмади. Чунки хатни олиб келадиган Қурбоналини ўлдиришди.

— Ким ўлдиради? Қанақа қилиб?..

— Буниси ҳали ноъмаълум. Аммо аниқлаймиз. Бугун бўлмаса, эртага.

— Ахир... Бўронда қолиб нобуд бўлганди-ку?

— Йўқ, бўрон унинг ўлимига баҳона, холос. Қасддан ўлдирилган. Бу тўғрида суд медицина-экспертининг хулосаси бор, — у папка ичидан бир қоғоз олиб кўрсатди. Махсус рухсат билан марҳумни қабрдан олиб, текширишга мажбур бўлганликларини айтиб берди. — Фожиа бўрон тингандан кейин содир бўлгани аниқланган. Қурбонали болаларидан хабар олиш учун шошиб кўчада кетаётган маҳал кимдир орқасидан келиб, бошига оғир нарсга билан урган. Натижада бош мия эзилиб, жабрланувчи шу заҳотиёқ жон берган. Жинояткор айбини яшириш мақсадида жонсиз жасадни қулаган дарахт тагига бостириб улгурган. Лекин судраган маҳал ерда қолган изга эътибор бермай, қочиб қолган. Шу ҳақда милиция лейтенанти Отажон Солмоновнинг рапорти бор. Текширув унинг далили тўғрилигини исботлаб берди.

Ашуралининг қошлари пир-пир учди. Ранги оқариб, бармоқларининг учигача қалтираб сўради:

— Менга рухсатми?

Содиқжон савол-жавоб ёзилган қоғозни унинг олдига суриб қўйди:

— Мана буни ўқиб чиқиб, имзо чекинг.

Ашурали қўл қўйиб, ўрнидан турди.

— Кетсам майлими?

— Зарур бўлиб қолсангиз яна безовта қиламиз. Айбга буюрмайсиз, ишимиз шунақа. Ишончим комилки, биздан рухсатсиз район территориясидан олислашмай турасиз. Келишдикми?

Ашурали зарда билан халатининг этагини қоқиб қўйди.

— Ҳа, айтмоқчи, — деди яна Содиқжон қоғозларини тартиб билан папкага жойлар экан, — қизингиз қаерда?

Ашурали остонага етмай орқасига қайтди. У ниҳоятда ғазабнок эди.

— Сиз... Сиз... — тили гапга келмай қолди дафъатан, — буниям мендан кўрмоқчимиз? Ҳадеб мана шу бағримга ханжар ураверманг. Мен девормасман сизга! Қизимни нимага мендан сўрайсиз? Унинг қаёқдалигини билсам, кечалари қон йиғлаб чиқармидим!..

Ашурали эшикни тарс ёпиб чиқиб кетди. Содиқжон унинг орқасидан кузатиб қоларкан, мийиғида кулиб қўйди.

III

Шу пайт хона эшиги қайта очилиб, остонада лейтенант Солмонов кўринди.

— Рухсат этинг, ўртоқ терговчи!

Отажон милиция формасида ихчамроқ кўринарди. Бошдан-оёқ ялтиллаб, қоматини тик тутиб, қиличдай чақнаб турганга ўхшарди. Мўйлови ҳам ўзига ярашган эди.

— Марҳамат, киринг, — деди Содиқжон, қаппайibroқ қолган қора папкани стол ғаладонига солар экан.

— Кечирасиз-ку, лекин шу ишимиз чакки бўляпти-да?

— Қанақа ишимиз?

Отажон ҳозиргина Ашурали туриб кетган курсига чўкди.

— Тойлоқовни қўйиб юборганингизни айтаман... — деди у тўғри гапиряпманми-йўқми, дегандай андак ийманиш билан. — Қамаб қўйиш керак эди-да, уни.

Содиқжон жилмайиб қўйди.

— Ошиқманг, Отажон ака, ҳар ишнинг вақти-соати бор.

— Борди-ю, вақти-соати етгунча...

— Қочиб кетса, нима қиламиз, дейсизми? Қочолмайди. Шундай уй-жойларини, бола-чақасини ташлаб қаёққа борарди. Сичқоннинг думидан маҳкам боғлаб қўйдик, тузоғини судраб олисга кетиши қийин.

— Кетмасаям, муҳофазага ўтиши мумкин, ўртоқ терговчи. Йиққан-тўпланганларини яшириб улгуриши мумкин.

— Шундай қиламизки, яширганларини ер тагидан бўлса ҳам ўз қўли билан олиб келиб, топширади. Ҳозирча отдан тушса ҳам эгардан тушгиси йўқ. Аслида юрагини ғулғула кемираётгани сезилиб турибди.

— Ҳа, қашқирдай олғиру тулкидай айёр у. Аммо Ҳисом унга қараганда юраксизроқ. Сизнинг сўроқларингизга чидаш беролмаса керак.

— Терговни пора берувчилардан бошлаймиз, — деди Содиқжон милиция лейтенантининг маълумотларини эшитиб. — Уларни Ҳисомали билан юзлаштириш орқали ҳақиқатга йўл очамиз. Бир айбни бўйнига олган жиноятчи қолганларига ҳам албатта иқрор бўлади. Акс ҳолда тергов узоққа чўзилиб, тинкани қуритади. Раҳмат, Отажон ака, бу ишни яхши уддаладингиз. Энди Жиннитўп маҳалласидан гапиринг, нима янгилик?

— Ҳозирча ўша-ўша, — деди Отажон негадир овози ичига тушиб, кейин қўшиб қўйди. — Ҳожи бетобмиш.

— Чиппа-чин ишонасизми? Ҳожининг навбатдаги найранги бўлмасин тагин?

— Бўлиши мумкин, ўртоқ терговчи.

— Пистирма қўйган одамларингиз ишончлими?

— Ҳеч шубҳасиз, ўртоқ терговчи! Навбати билан эрталабдан шом тушгунча кўз-қулоқ. Аммо Ҳожиникига биров кирмасмиш ҳам, чиқмасмиш ҳам. Икки ҳафтадан бери аҳвол шу. Дарвозаси тақа-тақ берк.

— Ажаб, ҳафталаб дарвозаси очилмаса, нима еб, нима ичади?

— Ҳожи ишига пишиқ. Емиш-ичмишини ғамлаб олган, ўртоқ терговчи.

— Барибир бир кун очикади-ку? Ташқари билан умр бўйи алоқасиз қолиб кетмас? Бошқа ёқдан кириб-чиқадиган хуфия йўли бормикин ё?

— Қўрғоннинг ҳар тарафи кўздан кечирилган, — Салмонов мўйловининг учини дам-бадам ҳимариб қўярди, — яна ким билади, ўртоқ терговчи, ҳожининг туриш-турмуши топишмоқ. Лекин нимага у билан пачакилашиб юрганимизга ҳайронман, прокурорнинг рухсатини олиб, тинтув қилаверсак бўлмайдимиз?

— Йўқ-йўқ, қорадори туя эмаски, кўзга дарров ташлана қолса. Ихчам нарсани истаган ерга яшириш осон. Тинтув маҳали топилса-ку, хўп, топилмаса-чи? Қош қўяман деб кўз чиқаришимиз ҳеч гапмас.

— Албатта биронта кашанда кириб-чиқишини пойлашимиз шартми?

— Шарт. Жиноятчини жиноят устида ушлаш билан таваккал қилиш ўртасида фарқ бор. Буни тушуниш керак, лейтенант.

— Ўртоқ терговчи, биринчидан, ҳожи яқинларга чаям қорадори тайёрлашини сир тутарди. Иккинчидан... — мўйловини тез-тез ҳимаришга ўтди у. — Тўридан гўри яқинлашиб қолган одамни жиноятчи тортдиш қанақа бўларкин?

— Бу нима деганингиз? — Унинг сўзини шартта кесди Содиқжон. — Инсон ҳаётини заҳарлаганларни аяб ўтирмаслик керак. Мен шундай деб ўйлайман!

IV

Ашуралени терговчи чақирганини эшитганидан бери Ҳисомали анча эҳтиёткор бўлиб қолди. Орқасидан одам қўйилиб, ҳар қадамини кимдир кузатиб юрганга ўхшар, биров сал тикилиbroқ қараса ваҳимага тушар, энг яқинларидан ҳам шубҳаланаверарди. «Эҳ, нодон, ўша Ашур устамоннинг этагига илашиб нима қилардинг? Унинг кимлигини билардинг-ку. Миси чиқиб қолса, сендақанинг ўнтасини ора йўлда қолдириб кетадиган одам. Унга яқин юрганингдан бери ҳаловатинг йўқ, еган-ичганинг ичингга тушмайди. Ишинг ҳам нукул орқага кетаяпти». Назарида фалокат кун сайин яқинлашиб келар, аллақандай гирдоб чирмаб борарди. Бир кўнгли бориб, ҳаммасини тўкиб солишга, терговчининг оёғига йиқилиб, кўмак сўрашга ундар, бироқ юраги дов бермасди яна.

Бунинг устига, ўз мусибати етмагандай, ишлаб чиқариш бўйича йиллик планларнинг қониқарсиз якунланиши яна тинчлик бермасди. Ҳар сафаргидай, хуфия ишлар билан эплаб ташлашнинг эса имкони бўлмаётир. Яхши ҳамки, анави куни бўрон тургани. Аллақанча айбларини ўша бўронга тўнкаб, мавқеларини сақлаб қолишди.

Ҳисомали бугунги йиғилишда муҳокамага қатнашувчиларнинг рўйхатини кўриб ўтириб, Камолиддиннинг фамилиясига олув белгиси кўйди. У бетоб, касалхонадан ҳали-бери чиқмаса керак, деб ўйлади. Аммо йиғилиш бошланишига икки соатча қолганда, бош инженер Аъзамжон Соли қийғирни чақириб, Камолиддиннинг олдига бориб келишни, ҳар эҳтимолга қарши йиғилиш бўлишидан хабардор қилиб қўйишни буюрди. Акс ҳолда Соли қийғирнинг таклифини ким қувватлаб чиқади, бу галдан ҳам қолиб кетмасин, деб ўйлади.

Қийғир ярим соатга қолмай қайтиб келди.

— Йиғиндан хабарлари бор экан, — деди у. — Дўхтирлардан рухсат сўраб, мендан илгарироқ йўлга тушган эканлар.

Ҳақиқатан ҳам кўп ўтмай у директор кабинетига кириб келди. Унинг ранги оқаринқираган, лекин руҳи анча тетик кўринар эди. Йиғинни бош инженер олиб бориши керак. Шунинг учун Аъзамжон тўрға ўтиб ўз ўрнини эгаллади-да, кун тартибини эълон қилди.

Бугун муҳокама этиладиган масала битта бўлишига қарамай, мунозара уч соатдан кўпроқ давом этди. Одамлар тиқилишиб ўтирганидан хонада ҳаво етишмас, кўплар чарчаб қолган эди. Айримлар чиқиб, чекиб ҳам келишди.

— Тузилган режа жойида, гап фақат бажарилишида қолган, — дея қувватлади Ашурали.

— Афсуски, мен ундай дея олмайман, — кутилмаганда ўрнидан турди Камолиддин. Ҳамма унга ялт этиб қаради.

— Хўш, нимаси ёқмади сизга? — сўради парторг.

— Янги автоматимиз-чи? Нега у кирмай қолди? Эътиборга бутунлай олмабсизлар-ку?

Камолиддин ниҳоятда толиққанини сезса-да, бош механикнинг «автомат масаласи унча шошилинч эмас, бу йил бўлмаса янаги йилгача сабр қилайлик», деган таклифига чидаб ўтира олмади.

— Ишчи одамнинг ташаббусини менсимасликдан ёмони йўқ. Бир одам ўлиб-тирилиб янгилик яратса, иш тезлаша қолса деса-ю, биз бу йил бўлмаса, янаги йилгача-да, деб ўтирсак. Уят, — деди Камолиддин кескинлик билан. — Яна очиқроқ айтса, техника тараққиёти учун жон куйдиришга иштиёқманд бўлганларнинг ҳафсаласини бўғиш бу! Ишга мана шу хилда муносабат туфайли ҳам заводда олға силжиш йўқ. Пахта ёйиш, куритиш, пахта ғарамлаш сингари қатор юмушлар ҳамон қўл кучи билан бажарил-япти. Қайси даврда яшаётганимизни унутиб қўйибсизлар. Бунақада қачон биз ишчиларимизни оғир қўл меҳнатидан озод қиламиз.

— Йиғилишни митингга айлантириб юбордингиз-ку, устоз, — кулиб луқма ташлади Ҳисомали.

— Керак бўлса, митинг ҳам уюштириш керак!

— Бу ер илмий тадқиқот институти эмас шекилли?

Мансур Мавлоновнинг кесатиғи Камолиддиннигина эмас, аксари ўтирганларнинг ҳам кулгисини қистатди.

— Ҳамма иллат ана шундай деб ўйлашимизда-да, — деди босиқлик билан Камолиддин.

— Автоматсиз кунимиз бир чиройли ўтиб турибди, — деди кутилмаганда Ҳисомали.

— Чиройли эканидан йиллик планлар ўлда-жўлда экан-да, — кимдир луқма ташлади. Бошқаси эса таклиф қилди:

— Автоматнинг афзал томонлари бўлса, йўл бериш керак-да унга...

Ашурали худди ошдан тош чиққандай юзини буриштирди. Камолиддин Ҳисомалига қараган эди, у буни сезиб, ўзини бепарволикка солди...

У бугун хомуш. Кўзлари ҳам уйқусизликдан киртайиб, мудраб боқарди. Ҳақиқатан ҳам кечаси уйқуси бўлмади. Уша куни Содиқжон Отажон кўрсатган рўйхат бўйича Ҳисомалига пора берганларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида чақирган, ёзма баёнот олган эди. Уларни Ҳисомалига кўрсатди. Шунда Ҳисомалининг иссиғи чиқиб кетди. Жони ҳалқумига келгандай питирлаб қолди. Шунга қарамай, ёзма гувоҳлик берганларни тўхматчиға чиқаришга уринди. «Ҳаммаси ёлғонни ёзибди, ичиқора гуруҳвозларнинг иғвоси бу!» деб қатулмоқчи бўлди. Шундан кейин терговчи гувоҳларни бирма-бир чақириб юзлаштирди. Энди айбига иқроор бўлишдан бошқа чора йўқ эди. Кўз олдидан эса жўнатишга тайёр турган той-той толаларнинг ёниб тушгани воқеаси кетмасди. Муҳокама пайтида унинг хомуш ўтиришининг боиси ана шунда эди...

— Ҳайронман, — деди парторг Ҳисомалининг хаёлини бўлиб. — Ишлаб чиқаришда бурилиш ясаб юборадиган таклифлар камми дунёда? Тажрибада кўрилиб, синовдан ўтказилган ана шунақа тайёрларидан фойдаланаверсак бўлмайдимми?

Мавлонов техника соҳасида саводсиз одам эди. Шунинг учун унинг мулоҳазаси кўпчиликнинг кулгисини қистатди. Буни сезган парторг фикрини суваб кетишга уринди:

— Айтмоқчиманки, амалда йўқ, қоғоздагина бор нарсага мунча ёпишиб олмасак? Бунинг устида иш бошладик ҳам дейлик, бирон ижобий натижа берадимиз йўқми, билмаймиз-ку?

Камолитдин парторгнинг аҳволини тушуниб турарди. Шунинг учун босиқлик билан деди:

— Хотиржам бўлинг, унинг ижобий натижа беришига шахсан мен ишонаман!

— Мен ишонмайман! — деди Ашуралӣ атай. — Давлат ишлари бунақа ҳал қилинмайди, тушунасан-ку ўзинг. Бунақа нарсалар маблағсиз амалга ошмайди. Давлат пулининг беҳуда кўкка совурилишига ачинмайсанми? Йўқ, нима десанг де, биз бундай масъулиятин ўз зиммамизга ололмаймиз.

— Шундайми, — деди Камолитдин мийиғида кулиб. — Масъулиятдан чўцияпмиз денг? Шуни ҳам билиб қўйингларки, дунёдаги энг кўп кашфиётлар таваккалчилик билан яратилган. Бу соҳада таваккалчиликни четлаб ўтиб бўлмайди.

Уртада ғовур-ғувур кўтарилди. Бош инженер уларни аранг тинчитди.

— Таваккал-а... — деди зарда билан Ашуралӣ. — Уртоқлар, сизлар Камолнинг қанақалигини манчалик билмайсизлар. У доим шунақа машмашаларни топиб юради. Келганидан бери ғиди-биди қилиб мияни ачитгани-ачитган. Ақли етадими-етмайдими, тумшуғини ҳамма нарсага тўқади. Худди кимлардадир қасди бордай.

— Бекорларнинг бештасини айтибсан! — Камолитдин тутатиб, ранги қув ўчди. — Сенинг нимага шама қилаётганингни сезиб турибман. Унинг бугунги масалага нима алоқаси бор? Ғиди-бидига келганда... мен техника тараққиёти манфаатини кўзлаяпман.

Шундан кейин тортишувга яқун ясалди. Йиғинда қатнашган йигирма икки кишининг саккизтаси автоматни ҳимоя қилиб қўл кўтарди. Ун бир киши қарши овоз берди. Уч киши бетараф қолди.

Соли қийғир эса йиғиннинг бошидан-охиригача ғинг демай ўтирди. Ундан биров гап ҳам сўрамади, фикрига ҳам қизиқмади.

Йиғин тугагач, Ашуралӣ зиналардан шошиб тушиб кетаётган Камолитдиннинг ортидан етиб олди.

— Менга қара, — деди унинг елкасига аста туртиб, — очикчасига гаплашиб олмасак бўлмайди.

— Сен билан гаплашадиган гапим йўқ, — Камолитдин кескин бурилиб, йўлида давом этди.

— Тўхта, — ортидан етиб олди Ашуралӣ. Улар биринчи ва иккинчи қават ўртасидаги кичкина майдончада туришар, зиналардан тапир-тупур тушаётганлар ёнларидан ўтиб боришарди. — Мунча зарданг қайнайвермасан? — гапида давом этди Ашуралӣ. — Уша қийғир буруннинг дардисари учун мунча куйинмасанг?

Камолитдиннинг яна боши оғриди. Лекин сир бой бермади.

— Ҳеч балога тушунмабсан, — деди у. — Қўй, йўлимни тўсма. Мазам бўлганда гаплашармиз.

— Бирпас сабр қил, кейинга қолдириб бўлмайди бу гапни.

— Хўш, мендан нима истайсан? — дангал сўради Камолитдин нафратини аранг яшириб.

— Ҳеч нима. Фақат ке қўй, ўртамиздаги гина-кудуратларни унутайлик, де-моқчиман.

— Анойиликка солма ўзингни. Тўғриси айт, бирон илинжинг бўлмаса, мени бу ерда тўхтамасдинг. Шундайми?

— Балосан, бало! — деди Ашуралӣ ҳиринглаб. — Майли, айта қолай. Яна ўша гапми: сен менга гумон билан қарама. Сенинг оёғингга болта урганлар бошқа. Фурсат билан айтиб бераман барини.

Ғазабдан Камолитдиннинг башараси буришди.

— Ким жиноят қилган бўлса, минг уринмасин изини яшириб кетолмайди. Найранглари ўтмайди барибир! — деди у кескин.

— Унда... ўзингдан кўр. Кўрқитмоқчимасман, лекин огоҳлантириб қўймоқдаман, холос.

Камолитдин яна аламини ичига ютди.

— Бошқа яна қанақа гапларинг бор? Айт, ичингда қолиб кетмасин!

Йўлақда ҳеч ким қолмади, шунга қарамай, Ашуралӣ уни четга тортди. Сўнг овозини пасайтириб сурбетларча деди:

— Яна бир гапим шуки... Йўқ, илтимос экан. Сендан охирги илтимосим шуки, анови терговчига ётиғи билан тушунтир: Шаҳриободга қандай келган бўлса, этагини қоқиб тинчгина жўнаб қолсин. Фақат тезроқ! Танобини тортиб қўйишга бизни мажбур қилмасин, уқдингми?

— «Биз» деганинг ким?

— Бизки... Униси билан ишинг бўлмасин. Мен омади гапни айтдим-қўйдим. Ҳозирги даврда йиқитган мард эмас, омади юришган мард. Мени йиқитолмайди. Астойдил

пуф десам асфаласофлинга учади-кетади. Уқдир шуни. Биласан, ҳамма нарса пул билан ҳал бўлади ҳозир!..

— Фақат пул биланми? Янглишасан, бойвачча. Сен айтган замонлар ўтиб кетган бўлса-чи? Ҳозирча омадинг юришган бўлса, эртага бурнинг қонаши мумкин-ку. Буни ҳам унутма! Менга келганда, шуни айтай: биз апоқ-чапоқ бўлолмаймиз. Йўлимиз бошқа-бошқа.

— Уша йўлингда қоқилиб қолмагин тағин.

— Мен ҳеч ким, ҳеч нарсадан кўрқмайман. Улимдан ҳам. Нимага десанг, бир марта ўлиб кўрган одамман!

— Тўғри, кафанингни йиртиб чиқдинг. Ана шу чиққанинг учун кўп пушаймон ейсан ҳали. Ҳа, мени айтди дерсан, шунақанги пушаймон бўласанки...

— Кўрамиз!— Камолиддин бурилиб нари кетди.

ЕТТИНЧИ БОБ

Шу куни тушга яқин Ҳисомалининг хотини кўчага чиқиб, у ёқдан-бу ёққа зир югурди. У тасодифан ғойиб бўлган ўғлини қидирарди.

— Ҳозиргина ухлаб ётганди-я, кўзим сағал илинган маҳал ўрнидан туриб кетибди,— дерди учраганга йиғламоқдан бери бўлиб.

Кимдан сўрамасин, кимга ҳасратини очмасин, биронтаси Козимжонни фалон жойда кўрдим демасди.

Уша ўнмаган тўй, бўлажак келиннинг дом-дараксиз йўқолгани туфайли Козимжоннинг асаблари анча бўшашган, улкан бино кучли зилзиладан қаттиқ шикаст еганидай, унинг сиҳати ҳам дарз кетган эди. Салдан-салга васвасага тушиб, ўтирган еридан сачраб кетар, ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ дод солганича майкачан, баъзида қип-яланғоч ҳовлини гир айланиб қолар, деворларни тепар, дарахтларни силкитар, ерга ётиб олиб безгак тутаетгандай қалтирар, типирчилар эди. Кечалари уйқуси қочиб, оғзига келганини валдираб ётарди. Гоҳо ўздан-ўзи қаҳ-қаҳ уриб юборар, ҳиринглар, баъзан эса кўзларини лўқ қилиб, бир нуқтага тикилганча ўтираверарди.

Ота ниҳотда эзилар, йиғламоқдан бери бўлар, аммо сиртига чиқармасликка уринарди. Козимжонни касалхонага ётқизишга ошиқмасди. Ҳол сўраганларга, боламиз бироз бетоброқ, дўхтирнинг айтишича яқин ўртада тузалиб қолади, деб жавоб қиларди. Бироқ, дардни иситмаси ошкор қилгандай, Козимжоннинг не алпозга тушаётганлиги кўшниларга, таниш-билишларга шундоқ ҳам маълум эди.

Дароз бўйликкина, энгагида бир чимдимгина соқоли бор, ниҳоятда хушмуомала дўхтир уни даволарди. Ҳисомали шахсий машинасини бериб қўйган, қачон чақирилса, ўша заҳоти ғизиллаб келиб дори ичириб, укол қилиб, беморни тинчитиб кетарди. Козимжоннинг касаллик сабабларини ҳам фақат у таърифлаб бера оларди, холос.

— Бу оддийгина дил хасталигимас,— дерди дўхтир.— Балки мия маркази, мия тўқималарининг ўзида пайдо бўладиган жароҳатдир.

Унинг айтишича, кучли ҳаяжонланиш натижасида камдан-кам кишиларда содир бўладиган мазкур дард беморни не алпозларга солмайди. Томирлари тортишиб қолиши мумкин. Юрак уриши тезлашиши ёки сусайиши, нафас олиши нотекислашиши орқасида бемор бот-бот хушидан айрилиши, аввалига баданнинг айрим жойлари, сўнгра бутун аъзоси ҳеч нарсани сезмайдиган даражада совиб кетиши ҳам мумкин. Томирларида қон кўпириши ёки камайиб кетиши натижасида мия оғриғига чидолмаган бемор безовталанади, бақиради, алаҳлайди, кўзларига ҳар балолар кўринади, даҳшатга тушади.

— Бу касалликнинг ҳамма қирралари ҳам менга маълум эмас,— дерди даволовчи.— Мендан кўра тажрибалироқ врач-психиаторга кўрсатиш керак. Иложи бўлса, Тошкентга олиб бориш лозим.

Дўхтирнинг шунчалик қисталанг қилиши, уқитиришларига Ҳисомали эйтибор бериб, ўзича режалар тузса ҳам, она бу таклифга ҳеч рози бўлмасди. Бемор тақдирини бошқа докторларга топширилса, жиннихонага олиб бориб қўяди-ю, кейин она ўғлидан бир умрга айрилиб қолади гўё. Шунинг учун қийналса ҳам, эзилиб, сиҳат-саломатлигини йўқотса ҳам ўғли ёнида бўлгани маъқул. Улимига рози бўладикки, Козимжонни ўздан узоклаштиришга рози эмас...

...Ҳаво уч кундан бери қовоғини очай демайди. Осмонда қоп-қора булутлар сузиб юрар, аҳён-аҳёнда шамол уларни тўзғитиб юборса-да, яна дам ўтмай сурув қўйдай бир ерга тўплар, қаёқларгадир қувиб кетарди. Охири кучдан тойиб ўз ҳолига ташлаб қўярди. Шунда булутлар аламдан кўз ёши тўқа бошлайдилар. Кўп ўтмай у шитирлаб ёққан қорга айланади. Ерга шакар сепилгандай юпқа ястанган қорни шамол у ёқдан-бу ёққа супуради. Дарахтлар ости, деворлар панасига уйиб ташлайди.

Шундай пайтда Янги маҳалладан унча узоқ бўлмаган бийдай дала четида кўз кў-

риб, қулоқ эшитмаган ҳодиса юз берди. Тутқатор бўйлаб ўтган торгина йўл устида дабдурустан чақин чақнади. Чақин тили сўниб улгурмай, қандайдир одам бўйи аланга кўтарилди-да, атрофни ёритиб юборди. Аввалига бир ерда ловуллаган гулхан ёлқини сўнг кўкка ўрлади.

Оловни кўрганларнинг ҳар бири ўзича таърифлар эди: у йўлда эмас, тутқатордаги ариқ ичидан аллақандай чинқириқ чалинибди. Кейин болалар пуфлаб шиширган шар сингари юм-юмалоқ ҳолга келибди. Аммо учиб кетолмабди. Кўкда қутирган шамол таъқиб уни ер бағирлатиб суриб кетибди. Олов юмалай-юмалай ўрикзорга етганда қандай пайдо бўлса, яна шундай ер қаърига кириб кетибди.

Бир хотин тандирга ёқиш учун гўзапоя туширмоқчи бўлиб, томга чиққан экан, қулоғига олисдан аллақандай чинқириқ чалинибди. Аммо у ердан эмас, осмондан эшитилибди. Бош кўтариб қараса, лахта-лахта осилганча, бир хирмон қора булут ёришиб турган эмиш. Кўп ўтмай у осмондан узилиб, ерга тушибди. Шу пайт яна ҳалиги чинқириқ такрорланибди. Ерга тушган ёрқин шуъла эса аланга олиб, бочкадай юмалаганча қаёққадир ғойиб бўлибди. Уни кўзатиб турган аёл ақлдан озай дебди. Пастга тушиб, кўрганни гапириб берса, ҳеч ким ишонмасмиш.

Ёшгина машина ҳайдовчи йўлнинг қоқ белидан кесиб ўтаётган юм-юмалоқ оловни кўриб қолибди. Шу заҳоти машинасини таққа тўхтатиб, ҳеч балонинг тагига етолмай анграйибди-қолибди. Ўрикзордан яшин тезлигида учиб чиққан олов трактор ремонт қилиш устaxonаси орқасига ўтибдию ўчибди. Аммо унинг шуъласи тушган дарахт шохлари уч-ушларигача анча маҳалгача ёришиб турган эмиш...

Бу миш-мишлар Сожидахоннинг қулоғига кирмасди. Атрофда нима воқеалар бўлаётганига парво қилмади. Фикру хаёли қаёққадир ғойиб бўлган ўғлида. Сурамаган одами, қидирмаган жойи қолмади. Биров кўрдим демайди. Излай-излай тинкаси қуриб заводга етиб келди. Эрига бўлган воқеани айтди. Ҳисомали сирли олов ҳақидаги гапни эшитиб, оғзи ланг очилиб ўтирарди. Ўғлининг йўқолганини билган заҳоти эси чиқиб кетди. Ҳаммани машиналарга ўтқазиб, ҳар ёққа юборди. Ўзи ҳам қидиришга тушди. «Анови оловга боғлиқлик жойи бўлмасин тагин», деган фикр келди миясига.

Машинани ўша ёққа бурдилар. Ҳар бир зовур, ҳар девор-тош панаси кўздан кечирилди. Теварак-атроф қоп-қоронғи, бир қадам нарини кўриб бўлмасди. Шунга қарамай машиналар чироғи, машъаллар ёрдамида эски қўрғонлар, дарахтзорларни кезиб чиқишди. Ҳеч қаердан изини тополмай, бошлари қотиб қолган маҳал баҳорда сув уриб жарликка айланиб кетган эски ўқариқ томондан кимдир бақириб қолди. Барча баробар ҳаллослаб боришди. Ҳақиқатан ҳам каттагина тўнка биқинида юзтубан тушган кимсани кўрдилар. Бу Козимжон эди. Унинг вужудга музлаб кетган, қўл-оёқлари ҳаракатсиз, нафас оляптими-йўқми, билиб бўлмасди.

Сожидахон дод-фарёд кўтарди. Сочларини юлди. Зудлик билан чақирилган дўхтир эса Козимжонни касалхонага ётқизишни буюрди. Эртасига дув-дув гап тарқалди. Барча баробар ғайритабиий олову чалажон Козимжоннинг таърифини қиларди.

— Бу жумбоқнинг ечилишига Козимжоннинг ўзидан бўлак ҳеч ким ёрдам беролмайди,— деган хулоса чиқарди Содиқжон Камолиддин билан учрашган чоғ.— Ҳайрон бўлманг, гапнинг рости шу. Козимжоннинг тезроқ тузалишидан ота-онасигина эмас, бизлар ҳам манфаатдормиз.

II

Улар маданият саройида учрашиб қолишган эди. Камолиддин билан Содиқжон холироқ деб, залнинг энг тўридаги бир бурчакка бориб ўтирдилар. Охирги кўришганларидан бери бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида сўзлашишаркан, негадир Содиқжоннинг гаплари узук-юлуқ, бир масала қолиб, иккинчисига ўтиб кетарди. «Хаёли паришонроқ,— ўйлади Камолиддин.— Ўз ёғига ўзи қоврилипти тоза. Нима бўлдийкин? Бирон ножўя иш қилиб қўйдими ё?»

— Ўзингизни қийнайвермай очиқ айтсангиз-чи!— қисталанг қилди сабри чидамаган Камолиддин.

Содиқжон қошларини чимирганча ерга боқди.

— Нимаики бўлса, ўзим айбдорман,— шолғомдек қизарганча ғудранди у.

Камолиддиннинг юраги шиг этиб кетди. Гапнинг тагига етиш ниятида сўради:

— Бирон кўнгилсизлик юз бердимми?

Содиқжон Камолиддинга қараб зўрма-зўраки илжайди.

— Ундан баттар...— сўнг хижолат бўлиб қовоғини уйди.— Ҳалигача Қурбоналининг қотили топилганмас. Қидирув давом этади.

— Шунга шунчаликми?— ёш болани овуtgандай елкасига қўлини қўйди Камолиддин.— Ишни пухта олиб бораётганингиздан маълумки, сиз вазифангизнинг уддасидан чиқа оласиз.

— Қидирув ҳам, тергов ҳам тўхтатиб қўйилди,— хомуш гапирди Содиқжон.— Мени шошилинч чақириб олишди. Тергов манбаларини бошқа кишига топшириб кетишим учун буйруқ бор.

— Ишни бошқа терговчи олиб борадими энди? Нима учун? Орага бирон гумон тушмаганмикин?— тахмин қилди Камолиддин.

— Ундан баттарроғи!.. Гап шу жойда қолсин-у, ака, тўғриси айтсам, устимдан шикоят ёзилган. Исм-шарифи кўрсатилмаган, юмалоқ хат... Мен кимлардандир пора олган эмишман. Айрим хўжалик раҳбарларини пора беришга мажбур қилган эмишман. Ишқилиб, шунга ўхшаш гаплар...

— Ахир, булар ёлғон-ку?— тутақиб кетди Камолиддин.

— Ёлғонми, ростми, ҳақ жойида қарор топгунча, талай муддат бой берилади. Шунга ачинаман, ҳаммаси энди очилай деганда-я!..

Ичкарида кимдир рубоб чалиб кўшиқ бошлади. Қизболанинг кўнғироқдай овози ўзгача завқ-шавқ уйғотарди. Қарсак устига қарсак...

— Уларнинг илдизи бир-бирига уланиб, чатишиб кетган демаганмидим?— давом этди Содиқжон.— Ушанда калтароқ ўйлаган эканман. Томирлари мен тахмин қилгандан кўра узоқроққа тармоқ отган экан. Аммо бир нарса аён: томирлари қулоч отган замин мустаҳкам эмас. Илдизи бўш дарахт қаттиқроқ шамолга дош бера олмайди. Бугун бўлмаса, эртага қулаши бор...

— Менга қаранг, Содиқжон,— деди Камолиддин андак сукутдан кейин,— шунақа фикрли одам, нимага бўш келяпсиз? Ишни ўзим охирига етказаман, деб туриб олсангиз бўлади-ку? Областга кўнғироқ қилинг, вазиятни тушунтиринг.

Содиқжон кулди.

— Бизда интизом шунақа. Бошлиқнинг буйруғига эътироз билдириш мумкин эмас. Афсуски, ҳамон юмалоқ хатларга ишонадилар. Майли, бунинг ҳам фойдаси бордир. Сиз хотиржам бўлинг, ака, биз тез кунларда яна дийдор кўришамиз.

— Айтганингиз келсин! Агар жоиз бўлса, сўрай, ипни ипга қўшсанг арқон бўлар, дейдилар. Дўстнинг кўмаги даркор экан, тортинманг, айтинг, бирон ёрдамим тегса хурсанд бўламан.

Содиқжон унинг болаларча содда мулоҳазасидан кулиб қўйди.

— Миннатдорман,— қучоқлаб олди уни.— Сизнинг қўлингиздан фақат хайрли ишлар келади. Бунга ишонаман. Лекин... бу борада сизни безовта қилишимга ҳожат қолмас. Мени кузатманг, ҳар ким ҳар хил ўйлайди. Машина кутиб турибди. Сизнинг шу ердалигингизни эшитиб, хайрлашгани келгандим. Кўришгунча!

— Айтганингиз келсин...— такрорлади Камолиддин, унинг ортидан юраги ачишиб қараб қоларкан.

Ичкарида кўшиқ авжга чиқарди. Одамлар завқларини яширолмаб бақирарди.

Камолиддин хомуш бир вазиятда битта-битта босганча кириб борди. Ҳашаматли залда бирон бўш жой қолмаган. Шипга осифлиқ каттакон қандил ўчирилган, фақат саҳнагина ёрқин чарақларди. Энг орқада ўтирганлардан бири Камолиддинга жой берди.

— Безовта бўлманг, қизим,— шивирлади Жамолов.

— Йўқ, йўқ, сиз ўтиринг, мен ҳув анави ерга, дугоналарим олдига бормоқчийдим.

Камолиддин ўриндиққа чўкиб, саҳнага тикилди. Саҳнада хушбичим кийиниб олган Соли қийғир таъзим қилмоқда эди. Унинг қўлига дутор тутқазишди, курси қўйиб беришди. «Демак, созандаликдан ҳам хабари бор экан. Кўшиқ айтса керак». Камолиддиннинг ўйлагани тўғри чиқди. Ёш хонанда дуторни чертиб туриб, нафасини ростлаб олди. Унинг овози қандайдир ажиб бир жозиба билан янграй бошлади.

Мўътабар инсондан ортиқ
Не бор? Инсон ичра мен,
Қош ичра мен, кўз ичра мен,
Жисм аро жон ичра мен.

Камолиддиннинг назарида кимдир, қаердандир унга тикилиб тургандай туюлди. Ким бўлиши мумкин? Аста қайрилиб, ён томонга секин аланглади. Сезганича бор экан: чап ёндаги ложада олов янглиғ порлаб Гўзал ўтирарди. у қирмизи кўйлақда, йўғон ўрилган сочларининг бири елкаси оша кўксига тушиб турар, нафис қошлари остидан чакнаб боққан кўзларини узай демасди. Камолиддин уни кўрдию юраги гурсиллаб уриб кетди. Уша кузги япроқлар тўкилиб турган боғда сўнги бор учрашганларидан бери жувонни кўрмаган, тўғриси, уни ортиқ учратмасликка ҳаракат қиларди. Ҳаракат қиларди-ю, эсига тушганда ораларидаги ҳижрон билан ҳеч келишолмасди.

Камолиддин қараши билан жувон чиройли табассум ҳадя этди. Камолиддин ҳам унга бош силкиди-да, нигоҳини узиб, ўзини қўшиқни берилиб тинглаётганга солди.

Меҳнатинг бирла чамандек
Юз очар минглаб баҳор,
Гул униб, гулзор унибдир,
Шу гулистон ичра ман...

Кўшиқ охирига етиб-етмай Камолиддин ўрндан аста турди-да, айвонга чиқди.

Кийим-бош ечиладиган жойдан эндигина пальтосини олган чоғ ёнида Гўзал пайдо бўлди.

— Намунча шошмасангиз? Ёшларнинг концерти дидингизга ёқмадимиз?

Камолиддин нима жавоб қилишни билмай кулиб тураркан, жувон давом этди.

— Жилла қурса, эски дўстлигимиз ҳурмати кузатиб қўярсиз,— деди у.

Ташқарида ёмғир эзиб ёғарди. Янги йил кириши олдидан қор ўрнига ёмғир ёғиши ҳеч ярашмасди. У ер-бу ердаги симёғочлар учига осиглиқ электр чироқлари шамолда тебранарди. Қатор-қатор уларнинг деразаларидан нур тушиб турар, ҳар бир хонадонда янги йил тараддуди борарди. Гўзалнинг елкаси Камолиддиннинг елкасига тегай-тегай деб борар, гапирганда иссиқ нафаси юзига уриларди. Атрофда қатнов тўхтаган, аҳён-аҳёнда бирор машина чироғини порлатиб ўтиб қолмаса, катта кўча бўм-бўш эди. Жувоннинг ҳумор боққан кўзлари кўнглида кечаётган барча ҳиссиётни ошқора айтиб турарди. Камолиддин унга боқишга ботинолмасди. Янги йилни бирга байрам қилиш учун уйда кутиб ўтирган болалари, хотини, отаси хаёлидан кетмасди. «Майли, кўча эшигигача кузатиб қўяман-у, дарров қайтаман»,— деб ўйлади ўзича.

— Кўпдан йўлингизни пойлайман. Нимага жимиб кетдингиз?

Камолиддин хижолат тортаётганини билдирмаслик учун унинг елкасига қўлини қўйди. Ёмғир томчилари юзларини ювиб тушаётганига қарамай, Гўзалнинг лаблари ярим очилди, кўзлари юмилди. Деярли бағрига бағри тегиб турган эркак ҳозир мени ўпса керак, деб ўйлаган эди. Лекин унинг кутгани бўлмади. Аёл кўзларини ярқ этиб очди-да, зарда билан юриб кетди.

Улар аллақандай ҳовлини кесиб ўтишди. Зиналари эскириб, у ер-бу ери нурай бошлаган икки табақали эскича усулда ишланган, нақшндор эшик олдига келишлари билан жувон юзини пальто ёқаси ичига яширган ҳолда:

— Кирасизми?— деди кўзлари ўтинч билан мўлтираб.— Бирпас ўтириб кетарсиз...

Оддийгина мебеллар билан тўлган иссиқ хона уларни ўз қучоғига олди. Хонанинг ярмисини диван-каравот эгаллаган. Бир бурчақтаги тошойна олдига атир-упа, бўёқлар.

Гўзал эшикни беркитиши билан эгинидаги пальтосини елкасидан олиб оқ диванга отди-да, қирмизи кўйлақда қолди. Кейин Камолиддиннинг пальтосини ечишга кўмаклашди. Кўп ўтмай, ўртадаги чоғроқ столга дастурхон ёзилди. Ликопчаларда олдиндан тайёрлаб қўйилган қуштили, бўғирсоқ, турли ширинликлар, ваза тўла апельсин, гўштли сомсаларни келтирди. Қип-қизил ичимлик тўла графин, шаффоф ранг икки қадаҳ олиб қўйди.. Камолиддин ошқозон дарди туфайли ичкиликни хуш кўрмай қўйган эди.

— Қўлимни қайтарманг,— деди Гўзал қадаҳларни ичимликка тўлдириб,— менгайм ёқмайди. Аммо янги йил учун қитдай... Иннайкейин, бу сиз ўйлаган нарсамас, татиб кўринг, биласиз.

Ҳақиқатан ҳам хушбўй, қирмизи ранг ичимлик шиннигами, аллақандай мевадан тайёрланган мураббогами ўхшаб кетар, ичган сари одамнинг ичгиси келар, бутун бадани яйратиб борарди. Камолиддин унинг нималигини шунча суриштирса ҳам Гўзал айтмади.

— Узумини енгү боғини сўраманг,— деди карашма билан.— Сизга ёқдимиз? Унда келинг, яна биттадан ичамиз. Банияти шифо. Буни соғлиққа фойдаси борки, зиёни йўқ, ҳеч қўрқманг.

Қанчалик хуш ёқаётганига қарамай, Камолиддин иккинчи қадаҳдан кейин нафсини тийди. Аммо бир зумда бадани чўғдай қизиб кетди. Бошида сирқироқ тургандай бўлди. Кўзлари сузилди:

— Мен бораёй,— деди ўрнидан туриб.

— Шунча кунда мени ёлғиз ташлаб, а?— эрқаланди Гўзал. Сўнг унинг ёнига ўтирди-да, шу заҳотиёқ юзларидан ўпиб олди. Бу ўпиш боғда учрашгандаги ўпишларга асло ўхшамас, бутунлай бошқача эди. Камолиддиннинг вужуди жимирлаб кетди. Беихтиёр жувоннинг оппоқ билаклари, узун бўйни, қулоқлари остидан секин-секин ўпа бошлади. Бирдан кайфи учди. Эшик ғижирлаб очилгандай бўлди. Эшик устидан ергача осилиб тушган духоба парда орқасида кимдир борга ўхшарди. Камолиддин сеҳн солди. Парда бир силкнди-ю, қимирламай қолди. Кўзига шундай кўринди шекилли. Анави ичимликнинг таъсири бўлса керак. Кейин Гўзални диванга ётқизиб қучоқлаб олди.

...Улар нималар тўғрисида гапиришмасин, бир-бирларига нимаики дейишмасин, ўзидан-ўзи маъноси йўқолиб борарди. Ҳозир дунёдаги ҳамма нарсани нутишган, бари бор нарсалар иккинчи даражалидай бўлиб қолган эди. Фақат икковларини мана шу хона, шу атрофдаги буюмларгина мавжуд, холос. Хуллас, унча-мунчага насиб бўлмайдиган арши аълода юргандай ҳис қилишарди ўзларини. Бироқ бу онлар қанчалик лаззатли, ҳузурбахш бўлмасин, узоққа чўзилмади. Камолиддин усиз янги йилни кутолмай ўтирган уйдагиларини эслади. Шошиб-пишиб кийина бошлади. Бутун борлиғи мажақлаб ташлангандай бўшашиб уйига қайтар экан, парда орқасида кимнингдир шарпасини сезганини қайта эслади. Дарвоқе, Гўзал нима ичирган бўлиши мумкин? Шароб деса шаробга ўхшамайди, шинни деса шиннига... Жуда тотимли, аммо кайфни чоғ қилгудай руҳафзо нарса экан.

Ҳаво ҳамон тунд. Осмонидан энди ёмғир ўрнига майдалаб қор ёғарди. Қор учқунлари юз-кўзларига игнадай санчилиб, ғашига тегаётганига қарамай, Камолиддин илдам

одимлар, ортидан кимдир писиб-қимтиниб кузатиб келаётганга ўхшарди. Ким бўлиши мумкин? Кескин тўхтаб, орқасига қаради, буни сезган шарпа ўзини панага олди. Ҳақиқатан ҳам биров таъқибга олганга ўхшарди.

Камолиддин қадамини тезлатди. То кўча эшигига етиб боргунча шарпанинг таъқибини сезиб турди. Эшик панасига ўзини олиб, олисдан кузатди. Бироқ энди ҳеч кимнинг қораси кўринмасди.

САККИЗИНЧИ БОБ

1

Завод ҳаёти сиртдан қараганда бир текис, осойишта оқаётган дарёга ўхшагани билан аслида ички тартибларга қарши кескин кураш борарди. Мажлис устига мажлис ўтказилиб, йўл қўйилаётган хато-камчиликлар ошқора очиб ташланар, айрим маъмурий ходимларни ўзгартириш зарурлиги ҳақида тез-тез баҳслашишар, цехларни қайта қуриш, янги, замонавий машиналар билан таъминлашни талаб қилардилар. Бунинг устига кейинги пайтлар комиссия устига комиссия келавериб, заводнинг боши текшир-текширдан чиқмай қолди.

Завод раҳбарлари илгаригидай хуфия йўл билан план тўлдиришга энди журъат қилишолмасди. Директор кабинетида уч йилдан бери оловдай ёниб, салобат тўкиб турган кўчма қизил байроқ қўлдан кетди. Даромадга қараб буромад деганларидай, ишчиларнинг оладиган маошлари ҳам тортилиб қолди. Кўпларни мазахуракликка ўргатиб қўйган азалий ўн учинчи маош ҳам бекор бўлди. Орденга ёзилганларнинг рўйхати ярим йўлдан қайтиб келди. Буларнинг ҳаммаси айрим келишмовчиликларнинг туғилишига сабаб бўлди. Одамларда сусткашлик сезила бошлади. Норозилик кучайди. Бундай вазият ўз навбатида коллективни гуруҳларга бўлиб юборди. Деярли ҳар куни ўзаро тортишувлар қизиқ, одамлар дилларига йиғилган ранж-аламларини авваллари шивир-шивир айтиб юрган бўлсалар, энди баралла изҳор қила бошладилар.

Вазиятнинг кундан-кун кескинлашуви биринчи галда директорни ташвишга соларди, арзу дод, шикоят ва талаблар ёзилган хатларни ўқишдан боши чиқмай қолган эди. Ҳаммасини кўриб, эшитиб, тишини-тишига қўярди. Унга ҳам осон эмасди. Борган сайин аҳволи ёмонлашаётган ўғил ташвиши фикру хаёлини банд этган, кундан-кунга асабийлашиб бораётгани ўзига ҳам билиниб турарди. Салдан-салга одамларни силтаб ташлар, бақирар, ҳеч кимни кўргани кўзи йўққа ўхшарди. Ҳатто завод ҳаёти ҳам иккинчи даражали бўлиб борарди унга. Мақсади — ўғлини Москвага олиб бориб мутахассисларга кўрсатиш, даволатиш. Бунинг учун икки-уч ой кетади. Демак, уч ойга отпуска олиши керак. Шунинг учун йўқлигини билдирмай, айрим махфий ишларига дарз етказмай турадиган ворис тайинлашга шошилди. Қанча ўйламасин, Ашуралидан бошқа дурустроқ номзод тополмади. Лекин нияти оғзидан чиқиб улгурмай, қаршиликка учради.

— Қўйни бўрига топширмоқчимиз? Йўқ, бунга йўл қўймаймиз! — деб туриб олибди жин цехидагилар. Бошқа цех ишчилари ҳам уларни қўллашди...

Камолиддин эса ҳаёт мантиқи барибир эртами-индин ўзининг ҳақ эканлигини исбот қилади, деган умидда юрарди. Шу билан бирга ўзи ташкил қилаётган янги цехнинг истиқболини ўйларди. Ҳувилаб турган катта саройдай хона тез орада бутунлай янги қиёфа касб этди. Саф-саф машиналарни ҳаракатга солувчи кучли ток билан ишлайдиган аппаратлар, шитлар ўрнатилди. Доим қуёш нури аримай ёп-ёруғ турадиган янги цех шовқин-суронга тўлиб, ишчилар билан гавжумлашадиган кунга ҳам оз қолган эди.

Камолиддин иш билан бўлиб, Содиқжоннинг қуруқ тухматдан оқланиши учун нима қилиши кераклигини ҳам унутаёзган эди. Ахир, у ёқ-бу ёққа учраб, унинг айби йўқлигини исботлашга аҳд қилмаганмиди? Бироқ бу айтишгагина осон экан. У биринчи учраган жойиданоқ ҳафсаласи пир бўлиб чиқди.

— Оғриманган бошингизга ташвиш орттириб нима қиласиз? — деди пўписа аралаш район прокурори. — Сиз терговчи Мардоновни нима ишлар қилиб кетганини билмай-сиз-ку?

— Нима қилибди? — ўсмоқчилади Камолиддин. — Айрим қинғир ишларнинг қийинини топди. Ўз жиғилдонини ўйлаб, элга ғорат келтирмоқчи бўлганларнинг юрагига ғулу солди. Энди томирини топиб болта урмоқчи бўлганда, ёмонотликка чиқдимиз? Сиз ҳам ўшаларнинг биримисиз ё?

— Оғзингизга қараб гапиринг, ўртоқ Жамолов! — ўрнидан ирғиб туриб кетди у. — Ҳақорат учун алоҳида модда бор. Шуни биласизми? Ё қамоқни қўмсаб қолдингизми яна?

— Мени кўрқитманг, турманинг қанақалигини кўриб келганман!..

Прокурор унинг сўзини бўлди:

— Мардоновни нималар кутаётганини ҳам биласизми?

— Бари тухмат!

— Ҳали буни текшириш керак. Тухматчи деб уни айтса бўлади. Эл меҳрини қозонган Мўътабар ҳожидай бегуноҳ одамнинг номини булғаб, ҳаромхўрга чиқариб кетибди...

— Елғонми? Бутун қилмиши жиноят-ку. Уни ҳамма билади. Ўзингизнинг ходимингиз Отажон ҳам!

— Собиқ милиция ходими Отажон Солмонов хизматдан олинган. Ашурали Тойлоқовнинг зиёфатини еб, ундан пора олиб юрганлиги учун!

Камолиддин унинг олдига беҳуда келганини тушунди. Райижрокомга кирди. Содиқжоннинг ўзи келиб, бу ердаги ишни охирига етказишини талаб қилиб хат ёзмоқчи эканлигини айтди. «Буни сизсиз ҳам ўзлари ҳал қилишади», деб жавоб беришди у ердигилар.

Кунларнинг бирида Ашурали янги цех билан танишмоқчи бўлиб кириб келди. Ишлар қандай кетаётганига қизиқди. Айланиб юриб, цехнинг қоқ ўртасига келганда, Камолиддинни учратиб қолди-да:

— Ҳа, ёзмачи, қалайсан? — деди мазахнамо кулиб. — Мени ғийбат қилиб ёзиб ётибсанми? Ёзавер, армондан чиқмагунча ёз, шу йўсинда оёғимдан чалмоқчимисан? Яна ўзинг чалиниб қолмагин!

Камолиддин ҳайрон бўлди. «Ҳаммасини билиб юрган экан-да,— ўйлади у.— Қаёқдан била қолдйкин?» Ашурали айниқса, шу кунлари меҳмондорчиликни ўрнига кўяётган эди. Яқинда областдан ҳам бир неча казо-казолар келиб кетибди. Демак, ҳаммасининг тили бир.

— Тўхта, ярамас,— деди Камолиддин, дабдурустдан унинг ёқасидан олиб. — Ниманга кеккаясан!

Ашурали эса ҳайрон қоларли даражада ўзини вазмин тутди. Қўлларини икки ёнига солинтириб, тиржайганча қимир этмай тураверди:

— Қўлингни торт, осилмаган бир мен қолиб эдимми? Бир силтасам, ҳов анов бурчакка бориб тушасан. Ўзинг қалтираб юрибсан-ку,— деди.

Камолиддин буларнинг барча кирдикорларини очиб ташлаш учун Марказкомга боришга аҳд қилди. Кўриб-билиб туриб лоқайд қараб бўладими? Кимдир буни бошлаб бериши керак. Тўғрига завол йўқ, дейдилар. Ё у ёқлик, ё бу ёқлик. Уни ноҳақликда айблаб камситишмас, кирган жойидан ҳайдаб чиқаришмас ҳарқалай. Бири тушунмаса, иккинчиси тушунар, бири лутф-қарам қилмаса, иккинчиси йўл-йўриқ кўрсатар. Нимага шу чоққача бу ишга киришмаганига ҳайрон. Шундай қилганда Содиқжон ҳам туҳматга учрамасди.

Ана шундай хаёллар билан бораркан эртасигаёқ уч кунга ўз ҳисобидан отпускаи олсаммикан, деб ўйлади. Бу фикри ўзига ҳам маъқул тушиб, кимга мурожаат этиши, қачон, қаерга чиқишини режалаштира бошлади. У ўзи билан ўзи бўлиб, қиш оқшомининг гўзаллигини ҳам пайқамасди. Кўкдан момикдай қор ёғар, ҳаммаёқни оппоқ қор кўрпаси қоплаб олган, кеч кирганига қарамай, атроф кундузгидай ёп-ёруғ эди. Дарахтларнинг шоҳлари ҳам, олис Қоровултепа қирлари ҳам кумуш рангда товланарди. Уйга етиб келгунча уст-боши ҳам қорга бурканиб бўлди. Эшикни отаси очди.

— Эртага Тошкентга жўнайман,— деди у уйга кирар-қирмас. Кейин бутун мақсади ва ниятларини айтиб берди. Шу кеча-кундузда тинчлик бермай қўйган ҳодисалар, кўрган-билганларини алламаҳалгача қоғозга туширди. Хотини ҳам ярим кечагача дазмол қилиб, эрини сафарга тайёрлади.

Аммо эрталаб отаси шаштидан қайтарди.

— Тошкентга боришни қўятур, болам. Ашуралига ёмон бўлибди. Душманингни ҳам бошига кулфат тушганда ёмонликни раво кўрма деганлар.

Чиндан Ашуралининг ҳовлисида йиғи эшитиларди. Ҳожарбека овозини борича дод соларди.

— Войдод, уйим куйди! Биттаю битта қизимдан айрилиб қолдим!..

Камолиддиннинг хотини лаби-лабига тегмай жавраб кирди.

— Ёмоннинг касофати ўзи қолиб қизига урибди, тавба. Ҳув аванинда ёниб кетганининг кимлигини аниқлашибди. Қаранг-а, куйиб-ёниб, тўрттагина суяк қолган эмиш. Текширса, Маликаники бўлиб чиққанмиш. Шу кеча хабар қилишибди.

Район милицияси марказдан атайин қақирилган суд-медицина экспертизаси ва махсус мутахассис олимлар иштирокида тузилган эътиборли комиссия текширувни якунлаган эмиш. Бош суяк чаноғи кемтикларини тўлдириш йўли билан марҳумнинг асл сурати тикланибди. Натижада Маликанинг рўй-рост сиймоси намоён бўлибди. Чақириққа биноан яшин тезлигида етиб борган Ашурали бақа бўлиб қолди. Ўзини ўзи фожиали нобуд қилган ўша кимса ўғай қизи қиёфасида қаттиқ тикилиб турган каби, Ашурали ҳушидан кетаёзди. Кўзига ёш олиб, бошини сарак-сарак қилди. Юзларини яшириб ўқирди. Сўнг қизини таниганлигини исботлаб имзо чекди. Яна қандайдир ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Марҳумнинг суяклари солинган махсус тобут уйига олиб келинганда, Ҳожарбеканинг ғиғони фалакка чиқди. Тириклигида унга текин томоқ, ортиқча юқдай туюлмаган бўлса-да, энди ўлик товон бўлаётгани билан келишолмасди. Унга қўйиб берса-ку, мар-

ҳумни ими-жимиди кўмиб, қутила қоларди-я, бироқ касални яширсанг иситмаси ошкор қилиши бор-да, шундан чўчиди. Элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди.

Камалиддин апил-тапил ювиниб, отаси билан кўчага чиққан маҳал бир-икки одам Ашуралининг ланг очиқ дарвозасидан кириб кетишаётганига кўзи тушди. Айвон бўсағасида узун чопон кийиб, белига белбоғ боғлаб олган Марат билан ёнма-ён яна икки-уч нафар ёш йигит ичкарига қараб турардилар. Кўп ўтмай пойгакда қўни-қўшни хотинлар ғивирлаб қолишди. Улар иримига дод солаётган Ҳожарбекани бағриларига олиб, йиғи-сиғи қилишган бўлишди. Ҳовлининг у ер-бу ерида тўп-тўп бўлиб турганлар эса воқеанинг тафсилотини бир-бириларга айтишиб аттанглашарди.

— Қиз бояқиш дунёга келиб нима кўрди? Угай ота, угай она қўлида кўрган кунни курсин.

— Қўли косов, сочи супурги эди, десангиз-чи, айланай. Ун гулидан бир гули очилмай, бевақт нобуд бўлди-я, бояқиш.

— Айтишларича, ҳаммасига анави Ҳожи ўлғир бенаватмиш. Маликанинг тўйи бўлишидан олдин уни Ҳожарбека қочдига чиқариб, аслида акасиникига қаматтириб қўйган экан. Ҳожиям сиқиб сувини ичган дейишади. Охири қочиб кетибди-ю... бу ёққа келса, Козимжон мунақа.

— Қанақадир дафтар туфайли фалокат рўй берган дейишадими?

— Дафтарки, биров ўқиса сочи тикка бўлиб кетадиган, ичи тўла ғиж-ғиж сирли гаплармиш. Вақтида унинг бошига етиб, йўқ қилишибдию ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолибди.

— Йўқ қилишмаганда аллақачон Ашурали бутун оиласиминан турмага тушаркан.

Уларнинг баҳси тугамай ҳовлига Малика билан бирга ишлаган тенгқурлари завод комсомол комитети номидан гулчамбар кўтариб кириб келишди. Кўпчилик қўлларига қизил мато боғлаб олишган. Улар марҳумнинг ҳурматини ўрнига қўйиб, расмий равишда сўнгги йўлга кузатиш учун келишган эди.

II

Малика оқкўнгил, нозиктабиатлилиги билан ўзи яшаб турган оиланинг бирорта аъзосига ўхшамасди. Унинг завқ-шавқи анча баланд бўлиб, ҳамиша дилни қитиқловчи куйларни ёқтириб юрарди. Булар ҳам уни қаноатлантирмаган маҳаллар шеър машқ қилишга тутинарди. Шеърлари ҳали жуда жўн, таъсирчан чиқмаётганлигини сезиб, бировга ўқиб беришдан ийманарди. Балоғатга етган чоғидан бошлаб эса хотира дафтар тутди. Лекин кундалик воқеаларнинг ҳаммасини унга ёзавермас, ўйлаш-фикрлашга ундаган, ақли ожизлик қилган муаммоларни, қаттиқ ҳаяжонга солган воқеаларнигина саҳифаларга туширарди.

Козимжонга муносабати ҳақида ёзган экан. Бу энди маълум бўлди:

«...Унинг ҳақида нима ёзишни билмайман. Тўғриси, ёзишга арзидиган бирон фазилати йўқдай. У менга кўнгил қўйганга ўхшайди. Орқамдан қолмайди ҳеч. Ишдан чиқишимни пойлаб туради. Машинасида қаёқларгадир олиб кетиб, сайр қилдиргиси келади. Ширин гаплар айтади. Жавоб қилмайман унга. Кўзим тушиши билан ўзимни кўрмаганга олиб, тез одимлаб кетавераман. У ортимдан қолмайди. То уйга етгунимча кузатиб келади-ю, кейин кўчада қолиб кетади. Ҳовлига киришга юраги бетламаси керак.

...У менга севги изҳор қилмоқчи. Билиб юрибман. Бордию сени севаман деса, ўзимни қандай тутишим керак? Тавба, шуни ўйласам, кулгим кистайди. Қандай гапираркин? Қизариб-бўзариб, тилидан тутилиб қолар дейман? Бундай ҳолатни китобларда кўп ўқиганман. Шу чоққача менинг ҳам бошимга шундоқ савдо тушса эди, деб орзу қилардим.

...Бир-биримизга жуда яқин бўлиб қолдик. Аммо севаманми йўқми, билмайман. Севсам, нимага кўнглим бунчалик тинч? Нимага уни кўришга ошиқмайман? Нега изтироб чекмайман? У кундан-кунга бутунлай бошқача бўлиб боряпти. Мен билган, мен ўйлаган одамга ўхшамайди. Шу қадар мулойим, кўнгилчанки... Севги кишини шунчалик ўзгартириб юборадими ё? У ҳеч қачон ёлғон гапирмайди. Ёлғон гапиришни билмайди ҳам. Менга шундаймикин ё? Кўнглида нима бор — ҳаммасини кўриб тураман. Саҳифалари очган ётган китобнинг ўзигинаси. Истаган жойингдан ўқиб олавер. Мазмунига ҳам тушуна қоласан, мағзини ҳам чақа оласан. Мен шунақа одамни ёқтирадиганга ўхшайман. Ичимдагина топ, дегувчи писмиқваччани кўргани кўзим йўқ.

Биз кўпинча оқшомдан кейин учрашамиз. Қоронғи тушди дегунча дарвозамиз олдида ҳушта чалиб юриб қолади. Юмушларимни тугатиб чиқишимни кутади. Чиқмасам, эрталабгача ҳам ҳуштаги тинмайди. Учрашсак, юзимга тикилишдан кўзи толмайди. Ҳазил-хузулга тоби йўқ. У билан тўғри гаплашиш керак. Ичи тоза йигит.

...Унинг ҳақида кўп ўйлайдиган бўлибман. Бўш қолдим, хаёлимни ўғирлайди-қўяди. Ҳамма нарсага унинг кўзи билан қарайман. Унга нима ёқса ўша менга азиз. Энди менга

ундан яқин киши йўқ. Биргаликда кечадиган турмушимиз қанақа бўлишлигини тез-тез тасаввур қиладиган бўлиб қолибман. Ҳа, уни севаман. Жуда-жуда! Аммо бу туйғумни унга изҳор қилолмайман.

...У тўйимиз бўлиши ҳақида гап очди. Қизармади, тутилмади. Сўзлари дадил, тили бурро. Тўй маслаҳати ўтибди. Демак, отам рози бўлганлар. Аммо онам бурнини жийриб қўйди. Уларнинг оиласини азалдан ёқтирмайди. Сабабини айтишим қийин. Мен билмаган кўп гаплар бор. Билишга қизиқмайман ҳам. Онам учун қариқиз бўлиб уйда ўтирганим маъқулроқ. Чунки уй-рўзгорини тебратадиган керак-да. Шундай катта ҳовли-жойни ким супуриб-сидиради? Қозон-товоққа ким қарайди? Онамга қиз эмас, чўри керак. Лекин чўрилик менинг тинкамни қуритди. Шунинг учун ҳам Козим акага тегишга розиман.

...Кеча даҳшатли гап эшитдим. Ҳамон қулоқларимга ишонмайман. Эрталабгача мижджа қоқмай, ўйлаб чиқдим. Наҳотки, дейман нукул. Козим аканинг отасига ҳам, Бозорали Сардоровга ҳам хиёнат қилган менинг отам эмиш! Комсоргимиз Қурбонали акадан эшитдим. У отасидан хат олган экан. Унда ҳаммаси айтилган эмиш...

«...Сен комсомолсан. Ўзингга маълум позиция танлаб ол. Иложи бўлса ўша фалокат босган уйдан кет, бир нима бўлиб, ўрмонга ўт кетса, хўлу қуруқ баробар ёнади. Уларнинг касофатига қолиб юрмагин, ёш умринг хазон бўлмасин. Отанг ҳам, унинг маслақдошлари ҳам жазодан қочиб қутилолмайди энди. Нима учун гуноҳсиз одамлар азоб чекиши керак-у, виждонсизлар айшини сураверади? Бировга тонг отсин-у, бировга кун ботсинми? Унақаларнинг озод юришга ҳаққи йўқ! Мен буни шундай қолдирмайман, отамни оқлаб, уни қаматмагунча тинмайман», дейди.

...Мен Қурбонали акага ишонаман. У жуда очиқ, сир яширмайдиган одам. Бировга нукул яхшилик қилгиси келади. Адолатсизлик, қатъиятсизлик унинг ашаддий душмани. Гаплари ҳам маънили. Суҳбатлашганинг сайин суҳбатлашгинг келади. Жуда кўп ўқиган, кўп билади-да. Заводда уни ҳамма ҳурмат қилади. Айниқса, ёшлар. Бекорга комсомол раҳбари қилиб сайлашган дейсизми? Отамнинг кирдикорлари тўфайли мен ана шундай одамнинг юзига қаролмайдиган бўлиб қолдим. Кўзига кўзим тушганда ер ёрилса-ю, кириб кета қолсам, дейман. Лекин унга сездирмайман. Балки сезар-у, ўзини билмаганга олар. Бугун уни чехраси тамоман ўзгариб кетган, қаҳрли бир тусда кўрдим. Менга назари тушдию четроққа чақирди. «Сендан яширмайман,— деди ҳаяжон ичида,— отангнинг иши юзасидан тергов бошланибди. Мен билан суҳбат қилди. Ҳаммасини айтиб бердим. Фақат хатни бермадим. Эртага яна учрашамиз, хатни олиб бориб бераман».

Мен кўрқиб кетдим. Демак, отамнинг судланиши аниқ. Ҳеч қандай имконият кутқариб қололмайди. Неча йил беришаркин? Оиламизнинг ҳоли нима кечади? Менинг тўйим нима бўлади? Ахир, жинояткорнинг қизи деган ном оламан-ку! Йўқ, бунга бепарво бўлмаслигим керак. Ким бўлса ҳам — отам-да. Гўдаклигимдан уйда паноҳ топдим, тузини ичдим. Уқидим, улғайдим. Шунинг учун ёмонлик тиламаслигим керак унга. Нонкўр бўлишни истамайман. Бу — гуноҳ. Ўзим у билан гаплашиб кўрсаммикин? Кошки, менга қулоқ солса. Ҳамма қолиб, мендақанинг панд-насихатини инобатга оладими? Аслида-ку унинг ўрнида бўлганимда шу бугуноқ бориб, айбимни бўйнимга олардим, қонун олдида бўйин эгардим. Йўқ, у бундай қилолмайди. Отдан тушса ҳам эгардан тушгиси йўқ. У албатта қамаладиганга ўхшайди. Бошқа чора йўқ! Қамалиши аниқ...

Кундалик шу ерга етганда узилиб қолган эди. Афтидан уни давом эттиришга биров ҳалал берган ёки жумлани атай шу ҳолда тугатишни маъқул кўрган.

Дарвоқе, унинг олдида чувурлашиб, дугоналари кириб қолганлиги сабаб бўлгандир. Чинданам улар Маликани апил-тапил кийинтириб, райондаги энг яхши сартарошхонага олиб бордилар. Малика умрида биринчи бор қошларини тердириб текислатди, тирноқларини бўятди, сочини кўнғир қилиб турмаклатди. У ердан ойдай очилиб, кундай кулиб чиқди.

Махсус буюртма билан тиктирилган костюмда қилчдай бўлиб Козимжон кутарди. Келин-куёв бир-бирларига уялинқираб, юзлари лола ранг товланиб салом беришди. Сўнг қизлар қуршовида ЗАГСга бордилар. ЗАГСдан чиқиб, энг чиройли ресторанга йўл олишди. Келишувга мувофиқ уларни бир неча йигит қаршилади. Ҳаммалари чиройли, хушбичим тикилган костюмда, ёқалари текис дазмолланган кўйлак кийиб, бўйинбоф тақиб олишган.

Шампан виноси, музқаймоқ, чанқоқбосар ичимликлар, шоколадли конфетлар дастурхонни безади. Қий-чув қилишиб, кулгилар авжга чиқди. Куёв-келинни олқишлаб чиройли сўзлар янгради, шўх қўшиқлар жаранглади.

Бу шодиёна базмга келиннинг бирдан-бир энг яқин кишиси сифатида Марат ҳам қатнашиши, базмни қизитишга ўз ҳиссасини қўшиши керак эди. Лекин у ўғай опасининг Козим билан қовушувига азалдан қарши эди. Уша дала ҳовлилари ёнидаги ялангликда

учрашиб, оралари бузилиб қолганидан бери уни кўргани кўзи йўқ. Тўйга розилик берган ота-онасидан ҳам хафа. Ёнма-ён қўшни бўлишларига қарамай, бир-бирини унча хуш кўрмайдиган оила аро қандай қилиб қариндошлик туғилиши мумкин? Тоғаси — Мўътабар ҳожи тўйга қаршилик кўрсатган, онаси — Ҳожарбека феъли айниб юрган эди. Ашурали: «Бир жойда ишлаб, кўз-кўзга тушиб турадиган Ҳисомалининг раъйини қайтариш осонми?— деб туриб олди.— Бўлар иш бўлди, хотин, хўп демай иложимиз қанча!» Авради-сувради, розилик олмагунча қўймади. «Қовоқ-қошингни очиб, Сожидахон билан ширин сўз бўл, тўй кўнгилдагидай ўтсин, қуда-андалик йўлида шайтонга ҳай бер», деб насиҳат қилди. Мана энди тўй. Марат бунга ҳеч чидаолмади. «Азиз опаҷонимиз эртадан Козим гўрсўхтанинг қўйнига кириб ётадимиз энди?! Измим ўзимда бўлса, ўлсам ўлардимки, бунга йўл қўймасдим», дея гўлдирлади.

Тўйни бир жойда ўтказишга келишилган эди. Шунинг учун Ҳожарбека ўша ҳовлидан бери келмайди. Ашурали тўй тараддуди жойида бораётганидан хотирҷам, юмушига берилиб кетган. Фақат ўғилгина ҳовлида ёлғиз қолиб, қўтурган шербаччадай ўзини ҳарёққа уради, кўзига кўринган нарсаларни тўғри келган томонга отади, сўқнади, бўқиради.

Худди шу маҳал тасодифан еру кўкни чайқатиб балойи қазодай ёпирилган кучли шамол ҳовлини элак-элак қила бошлади. Кўп ўтмай, бўронга айланди. Ҳаммаёқни қий-чув босди. Қўшнинг товўқлари жоңҳолатда қақалашиб, тўзғиган қоғоз парчалари синғари том баробар кўтарилар, девор оша бирин-кетин учиб тушарди.

Марат бир нафас ақл-хўшини йўқотиб қўйди. Кейин ўзини ичкарига олди. У кирган хона Маликанинг ётоғи бўлиб, ҳамма нарса жой-жойида сариштали эди. Бир четдаги чоғроқ каравот устига гулдор духоба ёпғич ташланиб, қордай оппоқ жилдди ёстиқлар устма-уст қўйилган. Кичкина жавон тоқчаларига бир неча китоб ва журналлар тартиб билан терилган. Дераза тоқчасида эса саҳифаси очиқ қолган хотира дафтар турарди...

Марат лоқайдлик билан уни қўлига олди. Саҳифаларини варақлади. Яна ўрнига қўйди. Кўп ўтмай, беихтиёр қайта қўл узатди. Кейин қизиқсиниб, айрим жумлаларни ўқиди. Анча-мунча таниш исм-фамилиялар бор эди унда. Уларга таъриф берилган. Бехос ўзининг исми ёзилган жойда нигоҳи тўхтади. Қайта ўқиди. Малика ўғай укасининг бебошликлари, қуошқонга сиғмайдиган қилиқларидан қаттиқ ранжиётганлигини ёзган эди. Аҳён-аҳёнда қорадори истеъмол қилишини ҳам билар экан. Лекин қорадорини кимдан олишини ёзмабди. «Билмаса керак,— деб ўйлади тутақиб бораётган Марат.— Ёзадиган бошқа гап қуриб қолган эканми? Банги дебди-я!.. Банги қанақа бўлишини сенга кўрсатиб қўяман!»

Марат дафтарнинг Козимжонга тегишли саҳифаларига етганда, бирдан яна қизиқиб кетди. Аввалига кулди, масхаралади. Кейин жирканиб башарасини қийшайтирди. Кўп ўтмай, опасига қарши кўзғалган алам, ранж ўзидан-ўзи йўқола бошлади. Шунчалик чиройли, силлиқ, маънодор қилиб ёза олади деб ўйламасди. Жумлаларни бунчалик келиштириб қоғозга тушириш ўзининг қўлидан келмаслигини ўйлаб, таъби хира тортди.

Марат Қурбонали ҳақидаги таърифларга етганда, қаттиқ тутақди.

— Ҳали шунақами?!— деди очиқ дафтар устига мушти билан бир уриб.— Итваччалар!..

Дафтарни қулочкашлаб бир четга отди. Яна нималар борикин, дегандай, жавончадаги китоблар орасини титкилади. Тортмадан бир неча дафтарни олиб кўз югуртирди. Каравотдан кўрпа-тўшакни ағдариб, таг-туғларини қидирди. Ҳеч нарса топилмагач, қўлига нимаки кўринса олиб, чор тарафга улоқтираверди. Ҳозироқ опасини топиб, бўғиб ўлдиргиси келди. «Гўштингни нимта-нимта қилиб, итларга бермасам юрган эканман!» дедию ташқарига бўрондай отилиб чиқди.

...Эртасига тонг пайти уйғонган Ҳожарбека ўғли ётган хонанинг чироғи ҳамон ўчмаганлигини кўрди. Тағин алламаҳалда қайтганга ўхшайди. Шошиб уйқуга кетган-у, чироқни ўчириш эсидан чиққанми, деб ўйлади-да, чап ёнига ағдарилди. Эри хуррак тортиб ухларди. Ташқари жимжит. Фақат дарахт шохларидан чирт-чирт узилиб тушаётган барғларнинг шитири қулоққа чалинади.

Кечаги бўрондан кейинги тартибсизликларни ҳеч ким ҳали саришталаб улгурмаган эди. Барча ҳовлилар қатори уларники ҳам бесаранжом. Демак, Малика учун ишлар қалашиб ётибди. Унинг ўзи ҳам кеча алламаҳалда келди. Бўрон тингунча ресторанда ўтирдилар. Кейин атрофни кезиб, бўрон келтирган алғов-далғовнинг даҳшатини кўрдилар. Айрим таниш-билишларникига кириб-чиқдилар. Ниҳоят, уйига келса, ўз ҳовлилари ҳам бошқаларникидан қолишмайдиган. Юраги сиқилди. Энг кизиги шундаки, ўз хонаси ҳам тит-пит қилиб юборилган эди. Бўрон ичкарига қаёқдан кира қолганига ҳайрон.

Бирдан назари бир четда ғижимланиб ётган хотира дафтарига тушди-да, ҳамма нарсага тушунди. Демак, укаси бари гапдан хабардор. Онасига айтган, отасига чаққан. Энг ёмони не ҳасратда ёзаётган хотира дафтарининг дабдаласи чиқибди.

У кўзида ёш билан дафтарни сийпалаб текислади. Йиртилган варақларини ўрни-

ўрнига жойлади. Узи йўқлигида яна топиб олмасликлари учун ишончли жойга яширди. Кейин хонани тартибга солди. Кўрпага кириб ётгандагина ниҳоятда чарчаганини сезди. Шунга қарамай, ҳадеганда кўзига уйқу келавермади. Кун бўйи кечган воқеалар, ЗАГС, тенгқурлари билан ўтказган қувноқ базм тафсилотларини қайта эслаб ётди. Фақат сахарга яқингина кўзи илинди. У доим хўрозлар дастлабки қичқириши биланоқ уйғо-нишга одатланган эди. Бу сафар кеч қолди. Тургандан кейин апил-тапил ювинди-да, нонушта учун шошиб мастава тайёрлашга киришди. Нимага қўл урмасин, кечаси тўйиб ухламаганлигининг асоратини сезиб турарди. Дам-бадам эснагани-эснаган.

Ҳожарбека унинг қачон туриб юмушга берилгани, нима қилаётганигача сезиб ётарди. Ўғлининг хонасида чироқ ўчирилмаганини эслаб, юрагига ғулғула тушди. Ўр-нидан турди-да, аста-аста одимлаб ўғлининг олдига кирди. Ун-ўн беш дақиқадан кейин эса ўқдай отилиб чиқди.

— Ҳой, отаси, туринг!— жонҳолатда эрига ёпишди.— Туринг, деяпман, сизга. Худо уриб қопти бизни!

Ҳамон хуррак отаётган Ашуралининг бир зум нафаси ўчгандай жим қолди. Дўрдоқ лаблари хиёл очилиб, сарғиш тишлари кўринди. Бир кўзини хиёл очди-ю, хотинини кўриб, яна юмиб олди. Унг ёнига ағдарилди. Хотини бўш келмай, унинг елкасидан тутиб силкийверди.

— Сизга айтяпман, ҳой, худо уриб қолди деяпман! Ўғлингиз одам ўлдириб қўйипти!..

Ашурали чаён чаққандай, ирғиб туриб кетди. Хотинининг рангида ранг қолмаган, лаблари эса терак баргидай қалтирарди.

— Ки... кимми... ўл... ўлдиради?— сўради Ашурали ўзини йўқотиб.

— Анов... кимиди... Султон дедими... Карвон дедими-ей... Шунақа одам борми, ахир? Комсомолли бошлиғийкан-ку зовутта!.. Вой, ман ўлай, вой мангина ўлиб қо-ла!..— тиззасини ўймалай бошлади у,— бунақа кўргилик қаёқда қараб турган экан? Энди нима қилдик, отаси, нима қилдик?

Ашурали кийимларини кия бошлади.

— Ҳаромдан бўлганинг қаёқда?— деди хўкиздай ўкириб. Хотини жавоб бергунча кутмай, ярим яланғоч ҳолатда ўғли ётган хонага чопди. Хотини ҳам ич кўйлақда югу-раркан, лаб-лабига тегмай жавраб борарди.

— Вой, бу кунларни кўрган кўзим оқиб тушса бўлмайдими-я?! Шундай замонда одам ўлдириш қаёқдан чиқди-а, қаёқдан чиқди?..

Ўғли эса ҳеч нарса бўлмагандай, бақрайиб ётарди.

— Нима тўполон, нима гап?— сўради у сурбетлик билан.

Отаси икки қўлини чўзиб қалт-қалт титрайди-ю, ўғлининг ёқасидан олишдан ўзини тияди.

— Тур, ярамас, тур ўрнингдан!— деяолди холос. Кейин ўкирик овоз билан қўшиб қўйди,— падарингга минг лаънат, сендақа ўғилни!

Ўғил кўрпани итқитиб, дераза ёнига ечиб қўйган кийимларини ошиқмай кия бошла-ди. Отасининг яна ўзига қараб келаётганидан ҳайиқмайди ҳам.

— Кимни ўлдирдинг? Қачон, отабезори?!

Марат чурқ этмайди. Ҳозироқ ўғлидан айрилиб қоладигандай, Ҳожарбека ўдағай-лаб бораётган эрининг олдини тўсди.

— Ўзингизни босинг, отаси, ўзингизни босиб гаплашинг!

Эри унинг қўлидан тутиб, четга суриб ташлади.

— Нимага индамайсан, итвачча?!— деди Ашурали нафаси бўғилиб.— Кимни ча-вақладинг? Қовоқ бошингга сомон тиқилмаган бўлса, одам ўлдирадиган замонамасли-гини билмасмидинг, қоранг ўчгур?!

— Чавақлаганим йўқ, ғиштминан бошига солдим.

— Кимни?

— Қурбоналини... Ўлмагандир деб қарасам, ўша заҳотиёқ асфаласофилинга раво-на бўла қопти, баччағар! Кейин бўронда қолиб фалокатга йўлиқибди деб ўйлашлари учун қулаган теракнинг тагига тиқиб қўйдим, тамом!

— Вой, хумпар, бутун бошли одамни гумдон қилибди-ю, тагин қаҳратон қиш куни ўтин ёриб, жонимга аро кирган дастёрдай керилишини қара-я!

— Нима қилсин дейсиз, отаси? Одам ўлдирдим, деб, ўзини оссинми? Ё пичоқ олиб сўйсинми? Ешлик қипти, гўдаклик қипти. Бўлар иш бўпти. Энди бу ёғини тинчителишни ўйласангиз-чи! Адашганинг айби йўқ, бир амаллаб қўтқариб қолинг ўғлимни. Таниш-билишларингизни ишга солинг. Қанча харажат кетса-кетсин, боламнинг умрига завол етмаса бас, отаси. Ялинаман сизга!..

Айни мождаро бошланган маҳал Малика мастава учун қийма чопиб, сабзи тўғраб бўлган, қозонда мой қиздираётган эди. Унинг кўзлари киртайиб қолган, боши зирқираб оғрир, эснайверганидан чакаклари тушаёзган эди. Ичкаридан шов-шув эшитилган чоқ, одатдаги хархашаларидир деб ўйлаб, эътибор қилмади. Бироқ отасининг оғзидан «жи-ноят», «улим» деган сўзлар кетма-кет чиқавергандан кейингина сергак тортди. Учок-нинг ўтини пастлатиб, апил-тапил ичкарига шошилди.

— Нафасингни ўчир!— дея пўписа қиларди Ашурали ҳамон титраб-қақшаб билдиллаётган хотинига.— Қўни-қўшни эшитиб қолса уйинг куяди-ку! Жафингни пешлай-верганингминан ўлган одам тирилиб қолармиди? Бўлди, бас, унингни чиқарма! Энди гап остонадан нарига ўтмасин. Ҳеч ким Қурбоналини ўлдирганини айтгани йўқ, сенминан ман эшитганим йўқ, тамом-вассалом!

Малика кирган жойда бўшашиб, эшик қиррасига елка тираганича қотди.

— Оҳ,— деб юборди чап қўлини кўксига босиб. Этлари жунжиккан ёш бола сингари қунишиб ранги қув ўчди. Аини пайтда бўйи ҳам чўкиб қолгандай туюлди. Ашурали билан Ҳожарбека унга қайрилиб қарадию бақа бўлиб қолишди. Маликанинг юраги қинидан чиққудай даражага етди. Фарёд кўтаргиси, ҳозироқ қочиб кетиб, Қоровултепа тошларига бошини ургиси келди. Не иложки, оёқлари ўрнидан қимир этмасди. У тишини-тишига қўйиб, отасининг юзига тик боқди-да:

— Ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолсинми?— деди ички нидо билан.— Мушукмас, кучукмас, бутун бошли одамни ўлдириб-а? Мунча осон? Сизнинг болангиз — бола, бошқаларники-чи?

Майли, кўнглидагини гапириб олсин, дегандай Ашурали қизининг сўзини бўлмайд, қўлини белига тираганча серрайиб тураверди. Ҳожарбека эса аввалига қарахтланиб, эси оғиб турди-да, сўнг ақлини йиғиб деди:

— Вой, орага олти таёқ бўлишни санга ким қўйибди? Бориб ишингни қилсанг-чи! Ё фаросатдан дарс бермоқчимисан бизга?

— Йўқ, онажон, виждонингизга қараб иш тутинг, демоқчиман.

— Виждонимга қараганимда нима бўларди? Мелисага бориб, укангни қаматтирсам виждонли бўламанми? Ҳой, отаси, бунингизни нима деяётганини эшитяпсизми? Бекорларнинг бештасини айтибсан, ўғлим ҳеч ёққа бормади!

— Унда мен бораман!

Малика шундай дедию ортига қайрилмоқчи бўлди. Ашурали ўшқириб берди:

— Тўхта! Бизларни хонавайрон қилишми мақсадинг? Билиб қўй, гапим-гап: кимки уйдаги сирни кўчага ташийдиган бўлса, соғ қўймайман. Ўлдириб, ўлигини шу жойнинг ўзига кўмаману қутуламан!

Малика бўшабди. Аммо қалбида қарама-қарши туйғулар жўш ураётгани юзидан кўриниб турарди. Кутилмаганда у олдинга икки қадам босдию хонтахта устида ётган қаламтарошни олиб, отасига узатди.

— Мана пичоқ.— деди овози қалтираб,— ўлдира қолинг. Шундай қилсангиз биттаю битта гувоҳдан қутиласизу, сир сирлигича қолаверади.— Малика бирдан отасининг оёғига йиқилиб, ўтина бошлади.— Ялинаман, айтганимга қиринг, отажон, оиламиз номига лаънат ёғилмасин, уруғ-аймоғларимиз шаънига иснод тегмасин. Ахир, ўйласангиз-чи, кейин қандай қилиб еганимиз ичимизга тушади, қандай қилиб ҳар куни кўрпачада бемалол оёқ узатиб ўтира оламиз? Одамларнинг кўзига қандай қараймиз?

— Нима қил дейсан?

— Хатони ўз вақтида олдини олинг.

— Йўқ,— деди Ашурали кўзларини четга олиб.— Бугунмас, фақат бугунмас!

— Қачон?

Ашурали қизининг бўш келмаётганлигидан фиғони ошди.

— Худонинг куни биттамас-ку!— бақириб берди кейин.

— Болажоннинг дийдорига тўйиб олай!— дея Ҳожарбека Маратнинг бошини бағрига босиб, сочлари, бўйин, юзларидан чапиллатиб ўпа бошлади. Кейин Маликага ёпиша кетди:

— Оғзингни юм, етимча! Кимнинг хонадонида яшаб, кимнинг нонини еяётганингни эсингдан чиқарма!

Малика энтикди. Ёноқларидан шашқатор томчилар юмалади.

— Менинг оғзимни боғлаб қўёлмайсиз, бугун бўлмаса эртага бориб айтаман.— деди у.

Ашурали қизининг юзига тарсаки тортиб юборди. Малика чайқалиб кетиб, Маратнинг оёғи остига шилқ этиб тушди.

— Менинг бахтим қоро бўлмаса, онам шунчалик эрта ўлиб, куним сизларга қолармиди?— деди у ингроқ овоз билан.— Шунча вақт чўрилиқ қилдим. Қўлим косов, сочим супурги бўлди. Дўқ-пўписаларингиз, силташ, туртишларингизга чидадим. Энди уринг, ўлдириг, танамни бурда-бурда қилинг, майли, бунисигаям чидайин.

У аранг ўрнидан турди.

— Вой, бунингизни тилини тийсангиз-чи, отаси, эрга тегиб, тезроқ уйимдан қорасини ўчирсин-э!

— Раҳмат! Тўйимниям тўйдаё қиляпсизлар, тўй бўладиган куни не алпозга солиб, келинлигимни ўрнига қўяяпсизлар. Сизларда раҳм-шафқат борми асли? Сизга инсон умри бир пул. Бойлик керак, мол-дунё деб бошқаларнинг танасига зулукдай ёпишиб олиб, қон-қонига сўриша устасизлар!

Унинг сўнги сўзларидан Ашурали баттар туғёнга келди, Маликага шартта ёпишиб, шундай куч билан итариб юбордики, бечора қиз учиб бориб остонага тушди. Бир оҳ

урди-ю, кейин овози чиқмади. Шу заҳоти бош томонидан қип-қизил қон сизиб чиқди. Кейин эр хотинига юзланиб буйруқ берди:— Сан, тушга яқин овозингни борича дод сол. Қизимиз қочиб кетди, де! Шарманда қилди, юзимизни ерга қаратди, де!..

— Вой, тўй-чи?

— Қанақа тўй? Шу аҳволда тўйга бало борми?!

III

Малика тўшакда чалқанча ётарди. Рангида қатра қон йўқ. Аъзойи бадани зирқирар, мияси сирқирар, оғриққа чидолмай пастки лабини тишлайверганидан кўкартириб юборганди. Қимир этишга мадори келмас, на у ёғига ағдарила олади, на бу ёғига. Қовоқлари қайроқтош сингари оғир, кўз очишга имкон бермасди. Ҳаммаёғи оташ бўлиб ёнади. Келтириб ташлаганларига неча кун бўлганига қарамай, туз тотмаган. Нуқул сув сўрайди. Ичи ёниб кетаётганга ўхшайверади. Тилини чиқариб, қуруқшаган лабларини ялайди.

— Ойимтилла, ойимтилла, — деган овоз эшитилди қулоғига. — Ярим косагина хўрда қилгандим, икки қошиққина ичиб олинг, дармонга кирасиз, айланай.

Малика Мўътабар ҳожининг зебу зийнатлар билан ясатилган хоналаридан бирида ётганини билмасди. Уни укаси бир ҳафта бурун хушсиз, чалажон ҳолда шу уйга ташлаб кетганди. Мўътабар ҳожи қизнинг қаттиқ лат еган бош суягини танғиб боғлади. Мўмиё ичирди. Гулхайри, бўтакўз сингари қандайдир ёввойи гул, гиёҳлардан тайёрланган суюқликларни бериб туришни тайинлаб, хотинини унинг ёнига ўтказиб қўйди.

Малика оғзига тахир нимадир қуйилганини сезди. Лаблари тамшанди, юзлари буришди. Оғзидагини тупуриб ташлай деса, дармони йўқ. Ноиллож ғулт этиб ютган эди, чанқоғи босилиш ўрнига томоғи қайта қақраётгандай туюлди. Тағин сув сўради. Яна ўша тахир суюқлик. Кўзини аста очди-да, устига эгилиб, ҳайрон тикилиб турган башарани ҳадеганда таниёлмади. Ҳабашлардай қоп-қора юзи чўзинчоқ, ўткир бурун, сочларига оқ оралаган, кўзлари маъюс боқувчи аёл негадир қари кампирлардай кўринарди. Унинг тарашадай қотган бир қўли кичкина гулдор пиёлача тутиб турар, иккинчиси билан Маликанинг бошидан аста кўтармоқчи бўларди. Малика унинг яна тахир суюқлик ичирмоқчилигини сезиб, кўнгли беҳузур бўлди-ю, оғзини чиппа юмиб, бошини четга буришга уринди. Аёл пиёлани сал наридаги хонтахта лабига қўйди.

— Мен қаердаман? — сўради қиз ингроқ товушда.

— Бизникидасиз, айланай, — деди аёл ниҳоятда хушмуомалалик билан. — Томирларингни танимадингни? Вилоят янганг бўламан, тасаддуқ.

Вилоят янга ҳожининг учинчи хотини эди. Аввалги икки хотинидан фарзанд кўрмаганлиги сабабли бундан ўн икки йил бурун унга уйлانган, лекин бунинг ҳам бўйида бўлмаганлигига қарамай, тақдирга тан бериб яшаб келарди. Вилоят янга эса бу хонадонда хотинликдан кўра, холис хизматкорлик вазифасини ўтарди. У оёқ-қўли чаққонгина аёл бўлиб, ҳеч қандай юмушдан қайтмасди. Ҳожининг истагини оғзидан чиқмай бажарарди. Инжқликлари, зарда-зуғумларини кўтарарди. Ички-ташки ҳовлиларни саришталаш, уй-рўзгор ташишларини бекаму кўст ўрнига қўйишлар ҳам унинг зиммасида бўлиб, барини тинчитарди. Шу туфайли ҳожига маъқул эди. Лекин, негадир, Ашуралининг оиласидагилар унча ёқтиришмасди. Ҳожарбека доим: «Кўйинди косовга ўхшамай ўл», деб бурнини жийирса, Ашуралининг ўзи: «Саксовул бека» деб атарди. Вилоят янга ҳам уларни ёқтирмасди. Йиллаб кўрмаса ҳам икки маҳалла нарида қариндош-уруғим бор эди-ку, деб эсламасди. Шунингдек, қўни-қўшнилар билан ҳам ҳадеганда учрашиб, кўнгил ёзиб чиқиш ҳақида ўйламасди. Тўғриси, бунга ҳожининг ўзи йўл қўймасди. Аёл киши уйдан ташқарига йўрғаладим, тамом, тили чиқиб, жағига эрк бера бошлайди, ичингдаги сиригини бошқалардан эшитаверасан кейин, дерди. Шунинг учун ҳовли дарвозаси доим берк, унинг ёнида Юсуфали қопоғон итдай пойлоқчилик қилар, кирган ҳам, чиққан ҳам назаридан четда қолмасди. Хуллас, Вилоят янганинг кўргани Мўътабар ҳожию гаплашадигани Юсуфали эди. Уйдаги юмушлардан қўли бўшаган маҳал зимистондай қоп-қоронғи қазноққа кириб олиб, ҳовончада кўкнорипоя янчарди. Кўкнори талқонини эса узун найча сингари газетага ўраб, ҳузур қилиб чекарди. Андак кайфи кўзгадим, оғзидан қўшиқ тушмасди, салдан-салга хиринглаб кулаверар, нималарнидир ғўлдираб гапириб юрарди. У кўкнори талқон чекаверганидан лаблари пўрсилдоқ боғлаб кетган, заҳиллашган юзини эса бесаноқ ажин босиб, ўргумчак уя чирмаб ташлаганга ўхшарди.

— Ойимтилла, ойимтилла! — деди у Маликанинг кўзи қайта ёпилганини кўриб. — Ярим коса хўрда пишириб келдим, икки қошиққина ичинг, айланай.

Малика негадир сесканиб кетди. Кўзи яроқ этиб очилди. У туш кўряпман деб ўйлаган эди. Ўн йилча бурун бир-икки кўрган янгаси шунчалик ўзгариб кетганини билмасди. Шунинг учун тушимда қанақадир бадбашара менга ҳомийлик қилмоқда деб кўзини юмган эди.

— Сув... — деди яна инграб.

Вилоят янга хонатахадан пиёлачани олиб, унинг оғзига тутди. Малика ичди-ю, бирдан ўқчиб юборди.

— Сув!— деди яна чидамай.

Вилоят янга шошиб, кичкина чойнак жўмрагини унинг пастки лаби устига қўйди. Малика совуқ чой ичиб, бир оз ўзига келгандай бўлди. Лекин бу ҳам узоққа чўзилмади. Баданларидаги оғриқ бирдан кучга кириб, қаттиқ ларзага солди. Бақирмоқчи бўлиб, оғиз очди-ю, товуши чиқмади. оғир ингроққина эшитилди. Боши зирқирарди. Қовоқлари вазмин юмилди.

Яна қанча ётганини билмайди. Қайта кўзини очган маҳал ташқарида кучли шамол туриб, ҳовлининг тўс-тўполонини чиқармоқда эди. Малика икки-уч бор бош кўтариб қарамоқчи бўлди-ю, эвини қилолмади. Бели қақшаб кетди. Пешонасигача тер чиқди. Шунга қарамай яна қўзғалди. Қайта-қайта ҳаракат билан зўрға ёнбошлаб олди. Дока танғилган бошини ушлаб кўрди. Кейин теварак-атрофга жавдиради. Тунда чироқлар ўчириб қўйилгани учун зимистонлик қўнига чўккан ҳовли ҳаддан зиёд ваҳимали эди. Шамолда жазаваси тутган катта-кичик дарахтларнинг сояси аранг назарга ташланади. Кўча томондаги қандайдир хира ёруғ девдай қаққайган дарвоза тирқишларидан элас-элас кўзга ташланади. Биров овозини борича қўйиб кимнидир чақиради. «Малика!» дегандай бўлади гўё. Яна ўша овоз...

Малика зарб билан қаддини кўтарди-ю, шу заҳоти ихраб, яна ёстиққа бош қўйди. Анча маҳалгача кимир этолмади. Яна кимдир чақираётгандай бўлаверди. Афтидан Қозимжон қидириб келган-у, дарвоза берклиги учун киролмай бақирмоқда эди. Уйдагилар ухлаб қолганга ўхшайди.

Малика минг азоб билан ўрнидан турди. Елкасига бирон нарса ташлаш ҳам эсига келмай, битта-битта босганча дераза ёнига келди. Ром қиррасини икки қўллаб ушлаганча қулоқ солди. Овоз ортиқ такрорланмади. Фақат кимнингдир бўғилиб йўталганию кавушани шипиллатиб яқинлашаётгани эшитилади. Малика тинкаси қуриб, узоқ туролмаслигини сезди-да, эндигина дераза қиррасидан узилмоқчи эди ҳамки, Вилоят янга остонада пайдо бўлди.

— Ҳой, оймтилла,— деди ҳовлиқиб келиб, унинг қўлтиғидан тутаркан,— чакки қўзғалибсиз. Ётинг дарров, ётинг, айланай. Дармонга кирганингизча йўқ ҳали. Дардминан ҳазиллашиб бўладими? Нимани кўнглингиз тусаса ўзим қиламан, қоқиндиқ.

— Кўчадан кимдир чақиргандай бўлди.

— Сизга шунақа туулгандир, айланай. Шамолда ҳар нарса эшитилаверади. Ростми-ёлғонми, эскиларнинг айтишича, шамол турса, ажина қутураармиш. Ҳар кимни энг яқин кишиси бўлиб қақираверармиш. Овозига лаққа тушиб югуриб чиқса, ҳеч ким бўлмасмиш-у, оғзи қийшайиб қолармиш...

У ҳозиргина кўкнори талқон чеккан бўлса керакки, кўзлари қип-қизариб, юзлари бўғриқиб турарди. Оғзидан эса аччиқ ҳид анқирди. Малика ўрнига чўзилиши билан аёл унинг ёнгинасига дастурхон ёзди.

— Ҳожининг олдига узоқ юртлардан улфатлари келишган бугун,— деди у йўтала-йўтала.— Ош дамлагандим. Сизгаям бир чимдим олиб қўйгандим, айланай.

Малика кўнмаганига қарамай, икки-уч ошам едирди.

— Энди босиб-босиб кўк чой ичирсам, ош тез ҳазм бўлади, айланай.

— Ошингиз мазали бўлибди,— мақтаб қўйди Малика, чой ҳўплай-ҳўплай бошини ёстиққа ташлар экан.

— Хайрият, хайрият,— мақтовдан эриб кетди аёл,— оғзингизга ёққан бўлса, дардингиз арий бошлапти, хайрият... Рўҳингиз ҳам бинойидай кўринади.

Чекиб олгани учун унинг баттар жағи очилиб, жаврашдан тийилмай қолди. Бу хонадонга қандай қилиб келин бўлиб тушган кунларини эслаб кетди. Ҳар икки гапдан кейин: «Э-ҳа, эсим қўрсин, сизни толдириб қўймадимми, айланай?» деб сўрайди-ю, шу заҳоти яна давом этаверади.

— Ҳожи зиқна одам,— деб қолди бирдан шивирлаб, кейин ташқари томонга ўғринча нигоҳ ташлаб қўйди.— Буни сизга айтаман... ҳеч кимгамас... бир чақасини беҳуда ишлатса, қулоғини кесади. Лекин ўшанда келинлигимда кўзнинг нурини оладиган шунақанги газламалардан кийим-бош тикдириб, сарупо қилдики, хайрон қоласан. Кийсам, ҳали-ҳали кўрганнинг ичи куяди, битта Ҳожи тоғангизга ёқмайман, бунга хотинмас, уй чўриси бўп қолганман. Шунақа турмушга орзумандамидим. Менгаям кўз қирини ташлаб, гап отиб юрувчилар бўларди бир замонлар. Бўлмаганга бўлишма, деганларидай, бахтинг бир очилмагандан кейин қийин экан. Э-ҳа, эсим қўрсин, жағимга зўр бермай ўлай, тоза тинкангизни қурутдим, шекилли? Ҳозир кетаман, ором олинг энди, айланай, оймтилла.

У энди турмоқчи бўлганда, Малика сўраб қолди.

— Неча кундан бери бу ердаман?

— Бугун шанбами?— ҳисоблаб кетди аёл.— Ўтган шанба Халта қишлоғида тўй бўлиб, Ҳожи ярим кечада келувди. Ундан аввалгисида Ҳожининг оёқ оғриғи тутиб қолиб, шифо сўраб келганларни ўзим қабул қилгандим... Уч ҳафта... Уч ҳафта бўпти айланай, укангиз сизни ташлаб кетганига. Шундан бери дард билан тоза олишдингиз.

Шунчалик одам бўп кетишингизга ақлим етмовди. Рангингизни кўрганда кўрқиб кетгандим. Хайрият, ўзингизга кеп қолдингиз.

— Уч ҳафтадан бери ҳеч ким келиб хабар олмадимми?

— Ким хабар олади, Ашур қоқвошми? Ё анави Ҳожар сўхтаси совуқми? Шунақа гапларимга жаҳлингиз чиқмасин, айланай, икковиниям жиним ёқтирмайди азалдан. Одаммас. Бири-биридан ўтиб тушадиган туллак улар! Сизга зуғум ўтказганларини кўзим кўрмасаям кулогим эшитиб туради. Унақаларнинг сиздан хабар олганидан олмгани минг қатла яхшироқ, тасаддуқ.

Бу гаплар Маликанинг кўнглини юмшатолмади. Қайтага хўрлигини келтирди.

— Менинг бу ердалигимни Козимжон билса келарди.

— Куёв бўлмишингиз, укангизнинг айтишига қараганда, бетобмиш.

Маликанинг юраги қинидан чиққудай даражага етди. Инграб юбормаслик учун оғзини кафти билан беркитди.

— Бахтим қаро экан, янгажон!— деди у ўпкасини аранг босиб.

— Эзилманг, айланай, ўзингизни уринтириб қўясиз. Бир терининг ичида қўй юз семириб, юз озади. Отам раҳматли шундоқ дердилар. Ҳай, оймадилла, энди ухланг, айланай. Маниям кўзимни ўқку туртиб кетяпти. Вақт алламаҳал бўлди.

Малика бу ерга тушиб қолишдан аввал бошдан кечирганларни кўз олдига келтирди. Бир-биридан мудҳиш ўйлар ором бермай кўйди. Хўрлиги келиб, йиғламоқдан бери бўлди. «Улар менга ота-она эмас, жаллод,— деди лаблари пичирлаб,— бағри тошлар! Тоза ўласи қилиб савалашибди-я! Улиб кетсам, кўнгиллари ўрнига тушарди. Тағин тўй куним-а... Эсон-омон оёққа туриб олайин, тавбаларига таянтирмасам юрган эканман. Пайтаваларига қурт тушиб, питирлаб қоладиган кунлари ҳам бордир. Шилпиқ бўлса, қамалиши керак. Жазосини тортсин. Одам ўлдириш қанақа бўлишини кўрсатиб қўйишди. Одил суднинг ҳукмидан қочиб қутилиб бўпсанлар. Ҳаммага қонун баробар...»

Орадан яна бир ҳафта ўтди. Малика ўрнидан туриб юра бошлади. Яна икки ҳафтадан кейин эса бошидаги докани ечиб ташлашди. У ўзини тез-тез ойнага солар, яраси бутунлай битиб кетган-кетмаганлигини кузатишдан эринмасди. Бехос-бехос оғриб қоладиган биқинини кунларнинг бирида кўздан кечираркан, кимдир уни зимдан кузатаётгандай бўлди. Малика илон чаққандай қаттиқ қичқириб юборди-ю, ўзини панага олди. Ҳақиқатан ҳам эшик олдида сарғиш милкларини кўрсатиб, тиржайганча Юсуфали турарди.

— Кетинг, қанақа сурбет одамсиз?— дея пўписа қилди у, кўкракларини қўллари билан яшириб.— Ҳозир дод дейман, ҳаммани йиғаман. Тоғам соғ қўймадилар сизни!..

Юсуфали ҳиринг-ҳиринг кулганча узоқлашди. Шу кундан бошлаб Малика уни кўрса чўчидиган бўлиб қолди. Худди бирон-бир фалокатни бошлайдигандай...

Тонг палласи. Ҳаво очик. Қуёш баланд тепаликлар ортидан бош кўтариб, дарахт шохларига заррин чилвир тортмоқда. Малика эрта саҳардан кийиниб олган. Ойна олдида узоқ ўтириб, сочларини тартибга солди. Шундоқ ҳам ранг югуриб қолган юзларига андак қизил тортиб, юпқа упа сурди. Рухи тетик. Қаёққадир отлиниб турибди. Аммо ташқарга қадам қўйиши билан кўзи тиниб, боши айлиниб кетди. Шошиб, деворни ушлаб қолмаганда қулаб тушиши аниқ эди. Ҳали севинишга эрта экан. Бутунлай дармонга кирмабди. Аммо кўкка қараб ётавериш жон-жонига тегиб кетган, у ёқ-бу ёққа юриб, оёқнинг чигилини ҳам ёйиши керак-да...

Ташқи ҳовли деганлари атрофи деворлар билан ўралган майдон. Майдоннинг икки томонида бир-бирига қарама-қарши тушган пешайвонли уйлар. Бирига даҳлиз орқали, иккинчисига айвон йўлагидан кирилади. Ромлари кенг, катта-катта кўзли деразаларда қуёш акси жилваланади. Ҳовлининг бир бурчида чоғроқ эшик бўлиб, ундан шинам боққа чиқилади. Боғ тўри мевали дарахтларга бой, турли-туман қушларнинг овози тинмайди. Ёз кунлари асаларилар бол теради. Яшил дарахтлар қуршовида кафтдекки-на кўкноризор ҳам кўзга ташланади. Юсуфали вақти-вақти билан парваришни ўрнига қўйиши натижасида кўкнорлар гуркираб ўсяпти. Гуллари нақадар чиройли, димоқни маст қилгудай. Кузга келиб эса поясигача ўриб олинади. Кўкнори косачалари шарбатидан қора дори тайёрланади.

Боғ ҳозир бўм-бўш. Фақат бандларидан чирт-чирт узилиб тушаётган барглари-нинггина шитир-шитири ҳукмрон. Шунга қарамай, Малика учун эрталабки сайр тотли таасирот бахш этди. Унинг дили яна-да очилиб, аллақандай латиф бир нарса юрагига қуйилгандай бўлди. Шу юришнинг ўзи бугунча етарли. Буни сезган қиз аста келиб, айвон лабига ўтирди. Қўшни ҳовлида радио орқали янграётган куй тонгни олқишлайди. Дилни қитқилайди. Малика беихтиёр куйга мослаб бармоқларини шиқирлатди. Кимнидир, жуда яқин кишини кўргиси келди. Концерт тугагач эса маънос тортиб қолди. Ҳасратли фикрга толди. Фақат қўшни хонадан йўтала-йўтала чиқиб келаётган янгасини кўргандагина фикрлари чалкашиб, айқаш-уйқаш бўлиб кетди.

Кўча дарвоза йўлагига Юсуфали пайдо бўлди. Малика унга бойқуш қараш қилиб, дурустроқ зеҳн солди. «Мунча бесўнақай? Гирдиғумнинг ўзигинаси. Юзи товоқ нуха. Қизарган кўзлари еб қўйгудай ўқрайиб боқади кишига».

У олисдан туриб қизга ғалати тавозе билан салом берди. Кейин тиржайди.

— Ҳа, юз сўм ўлгур,— деди Вилоят янга.— Мунча анграясан? Ундан кўра гузарга чоп. Янги ёпилган нондан олиб кел. Ҳой, қаёққа? Орқа эшикдан чиқ, деб, қанча айтаман санга?

«Демак, орқа эшик ҳам бор экан»,— ўйлади Малика.

— Ҳаялламагин,— тайинлади Вилоят янга Юсуфалининг орқасидан. Кейин Маликага юзланди,— намуноча эрта турмасангиз, айланай? Хайрият, ранг-рўйингиз бинойидай бугун. Сал ўтмай, отдай бўп кетасиз.

Унинг гапи тугар-тугамас оқ яктак устидан елкасига нимранг шойи тўн ташлаб олган Ҳожи томоқ кириб пайдо бўлди. Хотини чаққон бориб, қўлига обдастада сув қуйди.

— Ҳа, тузукмисан, қизим, сихатинг омонми?— сўради юз-қўлини ювишга тутунган Ҳожи. Сўнг артина туриб боғ томонга ўтаркан, анчагача қироат билан жаврагани эшитилиб турди,— ҳар балою, ҳар қазодан ўзинг асрагайсан, эгам! Ўзинг ол қулим демасанг, ночор бандангнинг қўлидан нимаям келарди...

— Тушга қандай овқат қилиб берай?— сўради Вилоят янга Маликадан.— Хамир томоққа қалайсиз?

— Анов кунги ошингиз жуда мазали бўлган экан, ҳалигача таъми оғзимда.

— Ош десангиз ош-да, айланай.

Тушга яқин ҳаво айниди. Ҳаш-паш дегунча шариллатиб шунақанги ёмғир қўйдик, ҳовлининг ҳаммаёғини сув босиб кетди. Қўйманиб юрган Юсуфалининг кийимлари бир зумда жиққа ҳўл бўлиб, бутун баданидан сув қуйила бошлади. Қилаётган ишини ярим-ёрти бажариб, бўйинни ичига тортганча ўзини панага олишга мажбур бўлди.

Малика икки қўлини чўзиб, ёмғирга кафтларини тутди. Муздай томчилар унинг нозик бармоқлари орасидан сирғалиб ерга маржон мисол тўкилдилар. Бирдан ҳавода муаллақ туриб қолган бу қўллар Козимжон томон талпингандай туюлди. Уни ўзига тортиб, шу қўллар билан бағрига босишга интилди гўё. Бироқ бунинг иложи йўқ, у узоқда, Маликанинг қўли етмайди. Шуни эсларкан, қўллари шалвираб, икки ёнига осилиб тушди. Вужуди қалтираб кетди. Кўзларига ёш қалқди. Козимжон бемор... Ҳоли не кечдийкин? Тўйни кейинга қолдирганларидан хафа эмасмикин? Малика соғайиб олсин, кейин ҳаммаси бўлади, ҳаммаси... Оҳ, кошки ҳозироқ чопқиллаб борсаю ёр васлига қонса, ширин-ширин суҳбатдан лаззат топса... Дарвоқе, нима учун у эмас, унинг олдига Малика бориши керак? Иигит киши-ку, ахир! Шунчалик юролмайдиган, кўчага ҳам чиқолмайдиган ночор аҳволда эмасдир? Жиннитўп маҳалла тупканинг тагидамиди ё? «Йўқ, ундан беҳуда нолияпман,— дея ўзини айблаб бошлади,— балки келиб қолар... Бугун бўлмаса эртага келади. Ё ийманармикин? Тоғамнинг айбситишидан ҳайиқармикин?»

IV

Маликанинг сочлари ёстиқ билан битта бўлиб ёйилиб ётарди. Унинг ёнида Вилоят янга ўтирибди.

— Ҳожининг ҳар бир юртда биттадан хотини бўлган экан,— деди у Маликадан сир яширмасликка ўтиб.— Узи-ку, оғиз очмайди ҳеч. Бошқалардан эшитганман. Биронтасидан бола кўрмаган дейишади. Шунга эзиларкан нуқул. Меросхўри бўлмагандан кейин шунча бойликни гўрга олиб кетадим...

— Пуллари кўпми?

— Пул дейсизми? Пул нима қилади унда. Қоғоз пулни асраш қийин. Тилло — бошқа гап. Минг йилдаям айнимайди. Шунинг учун пулларни қимматбаҳо тошларга, тақинчоқларга алмаштириб юради.

— Қаёқда алмаштирадилар? Кўчага камдан-кам чиқсалар?

— Илгари у ёқ-бу ёққа юриб, юрт кезиб келарди. Энди қариб, оёғи тиниб қолган. Тилло тақинчоқларни одамларнинг ўзлари олиб келишади. Биров заруратдан бисотидагини пуллаб кетади, бировнинг даво истаб, худо йўлига атагани бўлади.

— Ийқанлари кўпми шунақа?

— Етти пуштига етади.

— Нима қилади шунча бойликни?

— Нима қилади-я... Ҳой, менга қаранг, айланай, намуноча суриштириб қолдингиз?

Анави мўйловнинг шипиёни бўлмаг тағин? Жағимни очирганингизни Ҳожи билса, сиззиям, маниям соғ қўймайди-я. Бу уйдан тирик чиқиб кетолмайсиз кейин. Бу гапларнинг бари сир, билдингизми, сир!

— Унда, майли, айтманг, менга ҳеч қизиғи йўқ.

— Ҳа, анойи, қизиғи йўқ дейсиз-а, кўзингиз бошқа нарсани айтиб турибди. Йўқ, қизиқмай иложингиз йўқ. Нимага десангиз, бу йиғилган бойликнинг сизгаям алоқаси бор.

Маликанинг кўзлари пирпираб кетди.

— Тушунмадим.

— Вақти келиб тушуниб оларсиз.

— Айтинг, жон янга, айтиб беринг.

— Нимани айтаман? Вақти келиб биласиз, дедим-ку.

- Ҳозироқ билгим келяпти.
- Қўйинг, тилимни қичитманг. Айтмайдиган нарсани элбурутдан айтиб қўйиб, бошим балога қолиб юради кейин. Эртага оғзингиздан бировга гуллаб қўйсангиз тамом!
- Бировга етказсам, тил тортмай ўлай.
- Оббо сиз-эй, қўймадингиз-қўймадингиз-да. Бировга ғинг деган нима?
- Пес!

— Унда эшитинг, айланай. Ҳожининг жуда кўпдан кўзлаган режаси бор. Ишини сатта пухталаб юради-да. Манам билмасдим. Яқинда ёрилди. Ҳожи тиллоларни бекорга йиғаётгани йўқ. Сиз, мен — ҳаммамиз учун. Жуда кўпдан йиғади. Тағин озгина йиғсин, кейин тўппа-тўғри Истамбулга олиб кетади бизни. Бир йиллик даромадига анави отангиз ишлаётган завотга икки баробар келадиغان пахта завоти сотиб олиши мумкин. Ундан тушадиغان жарақ-жарақ пулларнинг дарёдай оқишини кўрасиз ҳали. Битта олтин иккита, ўнтаси йигирмата бўлади. Сизминан ман турадиغان уй-жойларимиз олдида манави жойлар жой бўптими? Чолдевордай гап.

— Мен ҳам кетармишманми?

— Ҳа-да, айланай, ҳа. Шунинг учун тоғангиз Козимжонга тегишингизга тиш-тирноғиминан қарши эди-да. Отангиз тўй тўғрисида оғиз очди дегунча бўғзига урарди.

«Демак, менинг шу аҳволга тушишим, бу ерга келиб қолишим беҳуда эмас, тўйни атай қолдириш учун тайёрланган ҳийла экан-да», деб ўйлади Малика.

— Бу келишингиз қўққисдан бўлди,— деди янгаси унинг ичидагини сезгандай.— Локин Ҳожининг режасига мос тушди, айланай. Сизни Истамбулда бадавлат бирон зодагоннинг хонадонига келин қилиб, маликамисан-маликадай яшашингизни истайди. Бот-бот ҳамма қатори Ҳожининг олдига нуроний бир чол ҳам кеп туради. Кўп юрт, элатларга сайру саёҳат қилган. Истамбулни тоза мақтаб, оғзидан бол томади. Қани, энди, ростдан ҳам ўшанақа юртларга бориб қолсак, тувагимиз олтиндан бўларди, дейди. Ҳожининг айтишича, жарақ-жарақ пулларни санаб саноғига етмай қолармишмиш. Топганининг ярмига катта шаҳарниям сотиб олишга қурбимиз етадиган бўлармиш. Қиличдай бўлиб чақнаб юрадиган йигитлар сингари яшариб кетармиш ўзиям. Юрган йўлида учраган борки, икки букилиб салом бериб ўтармиш. Сизминан маним турадиган уйимиздан денгиз қафтингиздагидай кўринармиш. Баркашдай кун ҳар кун денгиздан чиқиб, денгизга ботишини томоша қилишимизни айтмайсизми? Оқшомлари минг тусга кирган чироқлару оққуш сингари сузиб юрган елканлар кўзингизни олармиш. Ишқилиб, гапириб бераверса, оғзингиз ланг очилиб қолади. Ҳа, айтгандай, эсимдан чиқай депти, оёқларимизгача ювиб қўядиган ўз чўриларимиз бўлармиш. Анави шилпиқ укангизгача бадавлат яшармиш у ёқларда.

— Марат ҳам кетармишми?

— Нима деяпсиз, айланай, ҳаммани қўйиб, отангиз уни ташлаб кетармиди? Эркаси-ку!..

— Отам ҳам тараддуд кўриб юрибди десангиз-чи?

— Бўлмасам-чи, пайтини топса, шу бугуноқ парвоз қилгиси бор. Ҳожи куёвини вазирликка тайинлармиш. Вазир бўлгандаям, энг каттаси... Ҳамма зодагонлар итоат қиладиغان.

Малика қиқирлаб кулиб юборди.

— Нимага куласиз, айланай, ё ишонмайсизми?

— Узим... Отамнинг вазир бўлиб юрганини тасаввур қилдим. Вазирликни бошқариш учун маълум тажриба, фаҳм-фаросат керак, ахир.

— Тоза соддаикансиз, айланай, ҳамма вазирнинг фаҳм-фаросати бор деб ўйлайсизми? Энг муҳими, белингиз бақувват бўлсин. Ақлингиз бор-у, ҳамёнингизда бир чақангиз бўлмаса, ҳеч ким сизга боқмайди, кулоқ ҳам солмайди. Эътиборгаям илинмайсиз, ишингиз унмайди. Бадавлатликка не етсин! Сизни меҳмонга қақришади, энг тўрда ўтиради. Эшигингиздан меҳмон узилмайди.

Маликанинг пешонасини муздай тер босди. Узини бемажол сезди.

— Сизга нима бўлди, айланай? Вой, миям қурсин мани, хасталигингизни била-кўра туриб...

Маликанинг кўзлари ўзидан-ўзи юмила қолди. Унинг кўзи очилган маҳал Вилоят янга чоғроқ ликопда ош сузиб келди. Биргалашиб ейишди. Ошдан кейин Маликанинг руҳи бирдан кўтарилиб кетди, қўшиқ айтгиси келди. Кулди. Чақнақлашиб ўтириб, кўзи уйқуга тортиб кетганини ҳам билмай қолди. Аввалги сафар ош егандан кейин ҳам худди шундай бўлган эди. Вилоят янга ошни дамлаш олдидан чимчилоқдай қорадори қўшиб юборарди...

Малика ширин туш ҳам кўрди. Гўзалликда тенги йўқ қандайдир номсиз шаҳарнинг лажувард осмонида учиб юрганмиш. Ҳақиқий фаришта эмиш. Кенг елкандай икки томонга ёйилган қанотлари ҳар силкинганда, кўз олдида янги бир олам очилармиш. Ҳаммаёқ ёруғ, ҳамма нарса севги сукунатидай ором топиб ухлаётганга ўхшармиш. Ҳашаматли саройлар, маҳоват тўкиб кўкка буй чўзган қават-қават иморатлар суратдек қотиб қолишганмиш. Қимир этган шарпа йўқ...

— Ойимтилла, ойимтилла, — дея янгасининг туртаётганини сезди бирдан, — намунча ғингишиб қолдингиз, айланай? Тағин бирон жойингиз оғрияптимми?

Малика кўзини очмай туриб ўнг ёнига ағдарилди.

— Ашула айтяпман, — деди ва шу заҳотиёқ уйқу уни яна ўз оғушига тортиб кетди. Шу ухлаганча жуда кеч уйғонди. Боши аввалгидай зирқираб эмас, хумдай шишиб оғриётганга ўхшайди. Тағин таёқ билан ура-ура пўла қилиб ташлангандай ҳис қилди ўзини. Шунга қарамай, ўрнидан турди. Кечгача ҳеч ким билан гаплашмай тунд юрди. Қовоғи очилмас, бировга сал илжайиб қарагиси келмасди. Юраги ўзидан-ўзи зиқ бўлиб, бехосдан дод деб юборгудай даражага етарди. Эртасига ҳам, индинига ҳам шу аҳвол...

Янгаси унинг бу аҳволини сезгандай, кам кўринишга уринарди. Тоғаси эса келдикетдиси билан банд. Фақат Юсуфалигина сирли қараш билан бот-бот унинг назарига тушиб турар, бу хилдаги хатти-ҳаракати қандайдир фалокат содир бўлишидан дарак бераётганга ўхшайверарди.

Маликанинг қорни очиб, тамадди қилиб олиш эсига тушган маҳал Вилоят янга қаёққадир йўқолиб қолди. Ана келиб қолар, мана келиб қолар билан анча кутди. Охири бўлмади. Ўзи овқат топиб ейишга тутинди. Ошхонага кирди. Қозон тўнтариглик. Учоқ бошида Вилоят янга чала чекиб, қўйиб кетган кўкнори талкон ўрамаси. Малика учун худди шунчи чекса кўнгли ёришадигандай туюлди. Ураманинг учини чимдиб ташлаб, лабига қистирди. Гугурт чақди. Биринчи тортиш биланоқ аччиқ тутун зарбидан анчагача нафас ололмай жони ҳалқумига келди, кўзлари жиққа ёшга тўлди. Бурнидан шир-шир сув оқди. Томоғи қисилди, ўпкаси шишиб ҳансирашга тушди. Кўлидаги найчани четга отиб юборди. Пастаккина, кичкина чорқирра курсида совуқдан дилдираётган одамдай, қунишганча ўтириб қолди. Анчагача ўтирди. Кейин ўзида ногоҳоний ўзгариш сезди. Кечадан бери исканжага солиб, қийнаган ғам-ташвишлари аригандай бўлди. Бу эса найчани отган жойидан олишга ундарди. Қайта ўт олдириб, кетма-кет тортиди. Кейин нафаси бўғзига тикилгунча йўталди. Томоғи қирилар даражага етди. Бутун баданини қайноқ тер босди. Йўтала-йўтала ўрнидан туриб ташқарига отилдино эшик кесакисини ушлаганча қотди. Боши гир айланар, яна бир қадам босса, йиқилиб тушиши мумкиндай. Кўз олдида бутун ҳовли чирпирак бўлди. Ёмғир суви йиғилиб пайдо бўлган тоғора ўрнидай кўлмак каттақон ҳовузга ўхшаб кўрина бошлади. Ундан чиққан ингичка ирмоқ эса кенгинга ариқни эслатарди. Шамолда жимирлаган сув юзи тўлқин уриб, Малика томон босиб келаётгандай бўлаверди. Қаршидаги айвоннинг устунлари баланд-баланд. Томи эса осмону фалак билан баробар. Малика эшик кесакисига маҳкамроқ ёпишиб олди. Қўллари юмшоқ хамирга ботаётган сингари ушлаган ерини ўйиб борар, ўзи пардай енгил, оёғини хиёл кўтаргудай бўлса шу заҳоти кўкка учиб кетадиганга ўхшарди. Шунинг учун деворни қучоқлаб, жуда эҳтиётлик билан одимлади. Кўлмак четини ҳам машаққат билан босиб ўтди. Айвонга етгач эса ниҳоятда улкан туюлган устунни оғушига олди. Олис йўл юриб, силласи қуриган одам сингари ҳис қилди ўзини, Бир нафас тин олиб, нафасини ростлаган бўлди. Кейин алпанг-талпанг юриб ичкари киргач, ўринга таппа ташлади-ю, қаҳ-қаҳ уриб кула бошлади. Бамисоли манман деган кимларнидир қувлик билан доғда қолдирганини тантана қилар, беқиёс ғалабасидан завқланарди гўё. Кула-кула охири чарчади. Энтिका-энтика аранг ўзини босиб олдимми ёки уйқу оғушига тортиб кетдимми, фарқлолмай қолди. Дарвоқе, ухлаётгани ростга ўхшайди. Ҳар сафаргидай туш ҳам кўряпти, шекилли. Ҳозиргина ўнгида четлаб ўтиб келган кўл соҳилида сайр қилиб юрармиш. Кўрпадай ястанган чечаклардан оёқ кўярга жой йўқ. Минг хил қушлар хониш қилади. Боғлар оша учиб келган қўшиқлар кўкиш тоғлар бағрига урилиб, акс садо беради. Кейин сув юзига ёйилиб, муз сингари эриб кетади. Малика кўл бўйида сочларини ёйиб, шамолдай елиб юрибди. У ҳар сакраганда одам бўйи баландликка ҳаволанар, қайтиб тушганда эса оёқлари ерга тегяптимми-йўқми — сезмасди. Бирдан кимдир чақираётгандай туюлди. Кимнингдир ёнгинасида нафас олаётгани сезилди. Малика қарамайди-ю, қулоқ солади. Ташриф буюрувчининг юрак уришигача эшитилади. Малика ўғирилди. Қаршидага қувлик либосидаги Козимжон жилмайиб турибди. Бир-бирларига кўл чўзадилар. Тиззалари букилади. Бир-бирларини қучоқлаганча чўккалаб қоладилар.

— Сен менинг ҳаётимсан! — дейди Козимжон.

— Сиз менинг бахтимсиз! — дейди Малика шивирлаб.

Худди шу маҳал эшик очилгандаги ғийқ этган товуш эшитилгандай бўлди. Малика уйғониб кетдимми, ҳамон уйқудами — фарқига боролмай қолди. Гўё созанданинг кўлида жаранглаб турган тор сими кўққисдан узилиб кетди. Ҳа, тушидагилар ўнгида ҳам давом этмоқда чоғи. Ҳозиргина кўлларини тутиб турган йигит уни оғушига олди. Лекин бу оғуш Малика кутгандай ҳузурбахш эмас, қандайдир совуқ ва кўпол. Маликанинг кўзи очиг-у, унинг кимлигини билмоқ учун бош кўтариб қарашга мадори етмас, дод солай деса овози чиқмас ҳолатда эди. Бирдан сесканиб кетди. Устига ўзини таппа ташлаган эркакнинг пишқиргани, тиканак соқоллари эса унинг юзларига ботаётгани сезилди. Қиз ақлини йиғиб олишга улгурмай, кучли кўл унинг оғзини беркитди. Замбилдай оғир тана қизни қимир этказмаётгани етмагандай, нафас олишга ҳам имкон бермай қўйди. Маликанинг баданлари иссиқдан бўғриқиб кетди. Ҳарчанд човимга олган исканжадан қути-

лишга уринмасин, уддасидан чиқолмай қийналди. Тердан бўйинлари ачишди, ички кўйлаги баданларига чиппа ёпишиб қолди. Бўғилди. Ҳали замон жони чиқиб кетадиганга ўхшарди...

Узига келган пайт ёнига қараса ҳеч ким йўқ. Устидаги кўрпа бир четга сурилиб ташланган. Қизнинг юзлари олов бўлиб ёнар, игна санчилаётгандай ачишарди. Сочлари тўзғиб, чуваланиб қолган. Кўкси оғрир, суяклари зирқирарди, ўзида нимадир, жуда ёмон ҳодиса содир бўлганини сезди. Оқшом тушиб қолгани учун хона ичи ним қоронғу эди. Чироқни ёқиш керак, деб ўйлади-да, ўрнидан аранг турди. Турди-ю, биров оёғидан чалиб юборгандай қалқиб кетди. Деворга сўялиб қолди. Электр мурватини бураши билан хона ичи ёришди. Қиз ўзини ойнага солди. Ранг-рўйи ҳам бир аҳволда. Бўйинларида кўкиш доғлар пайдо бўлган, елкасидан то кўкси устигача қип-қизил чизик тортилган.

Малика содир бўлган воқеанинг фаҳмига етди-да, дод деб юборди. Ўрнига чалқанча тушиб, юзларини қўллари билан яширганча йиғлайверди. Унинг додлаганини эшитган Вилоят бека югуриб кирди-ю, останада тахта бўлиб қолди. Сочлари паришон, этаклари, орқа елкалари пора-пора йиртилиб, ёғимланган кўйлақдаги ярим яланғоч Маликани дабдурустдан таниёлмади. Қизнинг оёқ-кўли аллақандай вазоҳатда қалтирар, кўм-кўк лаблари дир-дир тирар, ўпкасини босолмас, бутун вужуди билан сакраб-сакраб тушарди.

— Ойимтилла, ойимтилла, — деди Вилоят бека, — нима бўлди, сизга, айланай?

Малика бошини шартта кўтарди.

— Йўқол! — деди аллақандай қаҳрли ҳайқириқ билан. Сўнг ёстиқни олиб унинг башарасига отди. Вилоят янга бир чайқалиб кетди-ю, йиқилмади. Ёстиқни қучоқлаб юзидан олишга улгурмай, Малика хонтахта устидаги чойнакни улоқтирди. Чойнак деворга урилиб, чилпарчин бўлди. Вилоят янга қочиб қолмагунча Малика кўлига тушган нарсани улоқтираверди. Шовқин-сурон устига Мўътабар ҳожи кириб қолди-ю, Маликанинг икки кўлидан ушлаб бурчакка отиб юборди. Малика шу қулаганча, қаддини кўтаролмай ётди.

Эртасига иситмаси кўтарилди. Ҳар бир аъзоси қақшаб оғрирди. Наздида ичида ҳам нимадир чирт узилиб тушгандай. Гоҳ худ, гоҳ беҳудликда кунлар ўтиб, нақ бир ойгача дард чекди. Оёққа турган куни эса чўп бўлиб озиб кетганини кўрди. Юраги чироқ ёқса ёрийдиганмас. Ҳамма нарсадан кўнгли бутунлай совуган одамдай ҳис қиларди ўзини. Биронта жонкуяри йўқ, барча унга бегона, барчадан фақат ёвузлик кутиш мумкин. Шунинг учун яшашнинг ҳам қизиғи йўқ энди. Қанийди кўлидан келса ҳаммаёққа ўт қўйиб, кулини кўкка совурса. Кейин тилка-пора қилиб ташласалар ҳам майли эди...

Бир куни айвонга чиқиб, сувсиз қолган балиқ сингари оғзини каппа-каппа очар экан, яқингинасида турган Юсуфалига кўзи тушди. Одатича сўйлоқ тишининг сариғини кўрсатиб, мазахнамо кулаётганга ўхшарди. Малика ёқтирмаган нусханинг тиржайишини ўзича тушунди-да, қаттиқ зардаси қўзғади. Тура солиб унга ташланди. Юсуфали кўринишдан бақувват бўлгани билан бир силтовлик ҳоли бор экан. Маликанинг силташига бардош беролмай, ортга тисарила-тисарила айвон пойгагига борган маҳал таппа қулади. Малика қаёқдан ўзига куч кира қолганига ҳайрон. Юзларини яшириб, ғужанак бўлиб ётган лўмбоздай одамни устма-уст тепкилай бошлади. Бу ҳам камлик қилгандай, ҳовли саҳнидаги ишқомдан ёғоч сўғириб олиш учун чопди. Таёқ билан дўппослаб қолишини сезган Юсуфали ўрнидан тура солиб қочди. Малика қувлади. Икковлон ҳовлини гир айланиб югуришар, Юсуфали жон ҳовучлаб ўзини ҳар томонга урар, Малика унга етиб олиб, ҳеч аямай гарданига туширарди. Кетма-кет урилган калтак зарбига чидолмай у икки кўли билан боши, юз-кўзини пана қилганча дод-вой кўтарди. Унинг ваҳимали дўрилдоқ овози кўни-кўшниларнинг ҳам қулоғини динг қилди. Занжирдаги итлар безовталаниб, вовуллашга ўтди, Учоқ бошида куйманиб юрган Вилоят янга ошхонадан ҳаллослаб чиқди-да, нима бўлаётганига тушунолмаб меровланиб қолди. Тушунганидан кейин ҳой-ҳойлаб Юсуфалини ҳимояга олди. Натижада ўзи ҳам зарбадан бенасиб қолмади.

— Вой, ўлдим, ким бор? Ёрдан беринглар! — дея уввос кўтара бошлади кейин. — Ҳой, Ҳожи, қайдасиз? Ўлдириб қўяди!..

Ичкари ҳовлидан устига чопон илишга ҳам улгурмаган Ҳожи ҳовлиқиб чиқди.

— Ҳой, жувонмарг, ҳов яшшамагур! — дея Маликага ёпишиб кетди у. — Бу нима қилганинг, тўнғиз кўпгур!

Малика унинг чангалидан қўлларини шартта узиб олди. Таёқни эса ишқом томонга улоқтирдию дарвоза томон югурди. Чопиб келиб, ўзини унга шундай урдикчи, дарвозанинг зулфинлари шарақлаб кетди, аммо очилмади, Малика қайтиб келиб, ҳамон қаддини кўтаролмай ётган Юсуфали устида ўдағайлади:

— Дарвозани очасанми ё яна калтаклайми?!

— Оча... оча... ман, ҳо-ҳозир...

Дарвоза ланг очилиши билан қиз кўчага отилди...

Малика уйига келса ҳеч ким йўқ экан. Дарвоза берк. Девор ошиб ҳовлига тушди. Ўз хонасига кириб, анчагача ақлини йиғиб ололмай ётди. Миясига минг хил фикр кела-

ди. Бир кўнгли мана шу хонадонга ўт қўйиб, алаמידан чиқмоқчи. «Расвойи жаҳон бўлмайдими ҳаммаси. Бари қирилиб битсин менга деса!..» Қўққисдан афт-ангорига зехн солди. Эғнидаги кийими бир аҳволда. Соchlари паришон. Шу вазиятда қандай юриб келдийкин? Кўрганлар уни жинни-пиннига чиқаришмаганимкин? У яна ўрнидан турди. Кийимларини алмаштирди. Одамбашара бўлганидан кўнгли тўлғач, дарвозани бир амаллаб очди-да, кўчага чиқди. Қаршисида бундан уч ой олдин тўй ўтиб, ҳозир эса келинлик хизматини ўташи мумкин бўлган ҳовли. Тасодифий ҳодиса юз бермаганда шундай бўларди ҳам. Энди бари чаппасига кетди. Унинг оёғи ўзидан-ўзи юриб ўша қадрдон дарвоза томон яқинлаша бошлади. Дарвозанинг ҳам ўнг қаноти, бир нуқтишга маҳтал тургандай, очилиб кетди. Малика бировни уйқудан уйғотиб юборишдан чўчиётган одамдай, авайлабгина ичкарига қадам босди.

Кеч куз бўлгани учунми, гуркураб турадиган ҳовлининг файзи кетгандай. Дархалларда барглاردан нишон йўқ. Ҳар жой-ҳар жойга тўплаб қўйилган хазонларни шамол титкилайди. Ҳаво совуқ. Малика кимдир идиш-товоқ юваётган ошхонага эмас, ҳовли бурчидаги оғил томон юрди. Уша ёқдан ариқчадан шилдираб оқаётган сув саси сингари эшитилаётган майин овоз диққатини тортган эди. Оғилга киравериш жойга боғлаб қўйилган етти-саккиз ойли бузоқчанинг бошини қучганча кимдир чўккалаб ўтирар, қулоғига нималарнидир шивирларди. Бу — башанг кийиниб олган Козимжон эди. Малика уни дафъатан таниёлмай, ярим йўлда таққа тўхтаб қолди. Козимжон оёқ товуши келган ёққа қайрилиб қарамади ҳам. Жигарранг костюм-шимми қанчалик ифлос бўлаётганига ҳам парво қилмасди. Нуқул бузоқ билан гап-лашар, унинг тумшуғи, қулоқлари остидан чўлп-чўлп ўпар, «Маликам, менинг дилбаргинам, энди ҳеч кимга бермайман сени...» дея минғирларди.

— Козимжон ака, — деди Малика турган ерида. Козимжон пинагини бузмади. — Козимжон ака! — дея такрорлади қиз овозини баландроқ кўтариб. Яна бояғи-бояғидай. Фақат бузоқчаю унинг ўзидан бошқа ҳеч қандай мавжудот йўқдай дунёда. Малика яқинроқ бориб, унинг елкасига қўлини қўйди.

— Туринг ўрингиздан, — деди ғайритабиий овозда, — Ҳамма ёғингиз бўлганиб кетибди, Козимжон ака...

Козимжон хиёл қимирлаб, совуқ нигоҳ ташлаб қўйди.

— Ҳа, сизмидингиз? — деди норози оҳангда. Шу заҳоти бузоқча қўлидан чиқиб кетиб, ўзини четга олди. Козимжон бузоқчани қайта ушлаб олгунча анча қийналди. — Арқонига тегманг, узилиб кетса, тутиб бўлмайди уни, — силтаброқ гапирди яна бузоқчанинг юзига юзини қўйиб. Унинг кўзлари илгаригидек чакнаб эмас, ўта лоқайд, маънос ва маъносиз боқарди. Озгин юз суюкларни бўртиб турар, соchlари қулоқларигача босиб тушган, оқ ҳам оралаб қолган эди. Маликанинг юраги эзилиб кетди. Козимжоннинг бетоблиги ҳақидаги янғасининг гапларига энди тушунди. «Бу қандай разиллик?! Бахтсиз бошимга яна бу бахтсизлик ҳам қараб турганмиди ҳали?!»

Унинг беҳосдан чўзилган қўлини олди. Ана шу қўл устига икки томчи ёш томди. Бунинг сезганиданми ёки шунчакими, Козимжон ғайри-табиий ҳаракат билан бошини адл кўтарди. Унинг ифодасиз кўз қарашида қандайдир тушуниб бўлмас ажабланиш ва ҳайрат учқуни ялт этгандай бўлди.

— Нимага йиғлаяпсиз? — деди раҳми келган одам сингари овозига мулоимлик бериб. — Сизниям қайлиғингиз қочиб кетганми? Бу қанақа ёвузлик-а?.. Майли, қийинманг, ўзим сизга ёрдам бераман. Уни тутиб, арқон билан бўйнидан боғлаб келсам бўладими? Ҳеч ёққа қочолмайди кейин. Мана, маним Маликам сингари... Доим шунақа қилинг, ҳа, илоё муродо мақсадингизга етинг, яна битта-яримтасини яхши кўриб қолсангиз, тўй қачон бўлишини ҳеч-ҳеч айта кўрманг унга. Доғда қоласиз. Тўйга яқин бўйнига арқон ташланг. Нимага дейсизми? Нимагалигини билмадим. Билмадим... Ҳозирги қайлиқларга ишониб бўлмайдиганга ўхшайди...

— Бас! — дея Малика унинг елкасига бошини ташлади-да, юм-чум йиғлай бошлади. Бирпасдан сўнг қиз қадрини кўтарди. Энди у йиғламас, кўзлари намсиз, жиддий боқарди. Сўнг шартта Козимжоннинг ёнига тиз чўқди-да, икки қўллаб икки чаккасидан ушлаганча ўзига яқин тортди. Пешонасидан, юзларидан ўла бошлади. Кейин индамайгина ўрнидан туриб, битта-битта босганча кўчага чиқди. Узаро ниманингдир баҳсини қилиб, мактабидан қайтаётган бола-бақрани ҳисобга олмаганда, кўча кимсасиз эди. Малика болаларни кўрмас, ҳеч ёққа қарамас, мотамсаро бир қиёфада кетиб борарди. Борарди-ю, қаёққа кетаётганини ўзи билмасди. Узоқ юролмади. Каттакон терак ёнига етганда боши айланиб, тўхтаб қолди. Кўз олди қоронғилашди. Бирдан нафаси тиқилиб, ўқчий бошлади. Теракни қучоқлаганча, ерга эгилиб, шунча қусишга уринмасин, қусолмасди. Ўқчий-ўқчий ҳолдан тойди. Оёқда туришнинг иложи йўқ. Мадори қуриб, шундоққина терак остига таппа қулади. Уни кўрган болалардан бири бақириб юборди...

Малика қайси бир касалхонанинг қабулхонасида ўзига келди. Уни каравотга ётқизиб қўйган эканлар. Хонанинг бир бурчида оппоқ ойнаванд дори жавони. Ундан турли дориларнинг ҳиди тараларди. Бир неча журнал-дафтар тахлаб қўйилган стол. Яқин атрофда ҳеч ким йўқ. Фақат эшиги очик қолган иккинчи хонадангина икки-уч аёлнинг бир-бирига гап ўқтирган овозлари баралла эшитилиб турарди:

— Йўқ... — ўз фикрини маъқулларди улардан бири, — менинг тахминим тўғри чиқди. Гинекологни ҳам бекорга чақирмабман. Шундоққина кўрди-ю, уч ярим ҳафталик ҳомиласи борлигини тасдиқлади-қўйди...

Маликанинг пешонасидан тер чиқиб кетди. Каравоти билан бирга чуқур ер қаърига чўкиб кетаётгандай сезди ўзини. Бир неча дақиқа мияси карахт бўлиб, ҳеч нимани англолмай, ҳеч нимага ақли етмай ётди. Қулоқлари энди ҳеч нарсани эшитмасди.

— Тамом! — деди ўзига-ўзи, — ҳаммаси тамом, ҳайит ўтди... Адойи тамом бўлганим шу!..

Козимжон кечга яқин уйғонди. Аммо ҳар сафаргидай боши қаттиқ оғриб бақирмади, васвасага тушмади. Кўзини очар-очмас, кимдир чақираётганга ўхшади. Наздида Маликанинг овозини эшитмоқда эди. Кўйлагини апил-тапил кийиб, ташқарига чиқди. Қор севалаб турибди. Шамол майда қорларни шивиллатиб девор-тошга уради. Ерни супуриб-сидириб, у ер-бу ерига уяди. Козимжон совуқ қотаётганига қарамай, кўчага ялангоёқ отилди. Қулоғи остида ҳамон Маликанинг овози такрор янграётганга ўхшарди. Шунинг учун шошиб, уларнинг дарвозаси томон яқинлашди. Дарвоза берк эди. Икки қўллаб дарвозани уриб, тақиллатишга тушди. Ичкаридан эса биров товуш берай демасди. Козимжон ҳазин бир нидо билан: «Малика, Малика!» деб чақиришда давом этарди.

— Малика опа у ёқда юрибди, — деган жавоб эшитилди орқадан. — Дала томонда!

Козимжон шошилмай орқасига қаради. Ўн-ўн бир ёшлардаги бола унинг девонасифат афт-ангорига ҳайрон бўлиб, кўзларини пирпиратиб турарди.

— Дала ёққа кетаётганини ўз кўзимминан кўрдим... — дея жавобига аниқлик киритди бола.

Козимжон бола кўрсатган томонга индамайгина йўл олди. Аввал секин-секин, кейин бирдан чопиб кетди.

Чинданам юпқагина кийинган, қўлидаги бензин тўла идишни аранг кўтарган Малика чайқалиброқ борарди. Қиз одамлар кўзидан олисроқ жойни кўзлаган экан. Йўл четидан ариқ бўйлаб тутқатор ўтган. Тутларнинг барги тўкилиб, қип-яланғоч новдаларгина чайқаларди. Қор учқуни эса юз-кўзларини ялар, бесаноқ игналардай баданга санчиларди.

Малика тутқаторга етгач, идишни ерга қўйди. Шошилмай оғзини очди. Аста қий-шайтириб, аввал оёқларига бензин қўйди, кейин канистрни бели баробари кўтарди. Кўнгилни айнитувчи ҳиддан не алпозга тушаётганига қарамай, бутун вужудини шалаббо қилди. Бироқ бензиннинг таги тугаб, бошидан қўйишга етмай қолди. Шу маҳал кимдир унинг номини атаб чақиргани эшитилди. Козимжоннинг овозига ўхшайди. «Ўша бўлса керак, — ўйлади Малика. — Ҳайит ўтди... — Шифохонадаги иборасини такрорлади у, — ҳаммаси тамом, алвидо, жоним,.. алвидо, ҳаёт!..» Шундай дедию гугурт чақиб юборди. Чирт этиб учқун чақнади-да, бутун борлигини даҳшатли аланга қуршади. Олам фақат жаҳаннамдан иборатдай бўлиб қолди. Танамга ўт туташадию дарров ўламан-қоламан, деб ўйлаган эди Малика. Ундай бўлмади. Олдинда жаҳаннамнинг азоби бор экан. Дастлаб бадан-баданига сон-саноксиз пичоқ санчилгандай бўлаверди, сўнг териси шилина бошлади гўё. Оғриқнинг азобига чидаб бўлмасди. Худди шу азоб қаттиқ қичқаришга мажбур қилди. Левин бу ҳам ўлим эмас экан... Олдинда уфуриб турган очиқ ҳаво борга ўхшаб туюлди. Ана шу ҳаво уни шитоб билан ўзига чорларди. Малика ғайририхтиёр равишда тезлик билан югуриб борарди. Аслида, бу югуриш эмас, балки шу ёруғ дунёдан абадий бош олиб кетаётган жисмининг ҳаёт сари сўнги талпиниши эди...

ТУҲҚИЗИНЧИ БОБ

1

Кейинги кунларда Ашуралининг кайфи чоғ вақтини учратиш қийин бўлиб қолди. Янги иш бошлаган терговчи аввалгисидан ҳам ўтиб тушди. Жон-ҳолига тинч қўймайди. Шу кунгача олиб борган сўроқ-суриштиришларига энди Маликанинг фожиаси келиб қўшилди. Тўй бўладиган кун уйда қандай ҳодиса юз берганлиги, Маликанинг ўз жонига ўзи қасд қилиши сабабларини у батафсил суриштирарди. Бироқ Ашурали сўроқларга жўяли жавоб беришдан ўзини олиб қочишга уринарди. Хотинини ҳам кунига терговга чақиришарди. Оила аъзоларидан ташқари қариндош-уруғ, яқин-йироқларигача бирмабир сўроқ беришга мажбур бўлардилар.

Ҳожарбека терговчининг ҳар бир саволини ҳақоратдай қабул қилар, айби нимадалигини билишга ошиқаётган одам қиёфасига соларди ўзини. Баъзида яккаю ёлғиз қизидан бевақт жудо бўлганига чидай олмаётганлигини билдириш учун додлар, юзларини юмдалашга тушарди. Оҳ уриб, фарёд кўтаришдан бўғилиб, ҳолдан кетиб, ўтирган ерида ҳушини йўқотишгача борарди. Бу билан терговчини батамом гангитиб, саросимага тушириб қўяман, деб ўйларди-ю, мақсадига эриша олмасди.

Маратнинг пахтаси чиққудай боққан кўзларида: «Хў, мандан нима истайсизлар?», деган ясама ҳайрат акс этарди. Вилоят янга Маликанинг жонига ачиниб, унсиз йиғлар,

«Ўз боламдай кўрардим, айланайлар, ўзим туққандан ҳам ортиқ кўрардим, бечорага увол бўлди, жуда увол бўлди», дея ҳасратидан тутун чиқарди. Мўътабар ҳожи эса худди ёш болани эркалаётгандай, ҳаддан зиёд мулойим сўзлар, ўзини қўй оғзидан чўп олмайдиган қилиб кўрсатарди. Маликанинг фожиасини ҳеч ақлга тўғри келмайдиган ҳодиса деб санар, «Нимага шунақа бўлганига фаҳму фаросатим етмаётир», дерди нуқул. Уларни эшитган терговчи: «Бари тил бириктириб олганга ўхшайди, — деб ўйларди. — Жавоблари ҳам, ўзларини тутишлари ҳам деярли бир хил!» Аммо бу ерда эртами-кечми очиладиган жиноят ётганини юраги яққол сезиб турарди...

Ашуралининг безовталаниб, таҳликага тушиб қолганлигининг сабаби фақат бугина эмас. Россиядаги маслакдошларининг иши судга топширилиб, яқин-ўртада тегишли жазоларини олишлари ҳақида яна хабар келган эди. Энди бунга шунчаки гапдай қўл силтаб, беписанд қараб бўлмасди. Юраги кўп нарсаини сезиб қолган. Бордию судда уларнинг қилмишлари аниқланиб, калаванинг учи топилса тамом, Ашурали ҳам, Ҳисомали ҳам пўртанага қоришиб кетадию ундан қутулишнинг чораси топилмай қолади! Тўкин дастурхонлар ҳам, пулнинг кучи ҳам ёрдам бермайди. Шуларни ўйлаб, у зардоб ютарди.

Худди шу кунлари, Ҳисомалининг Москвага кетиши муносабати билан, у вақтинчалик завод директорлигига тайинланган эди. Балки вақтинчалик эмасдир, ишни қойиллатиб олиб борса, бутунлай қолиб кетар. Лекин буни ҳеч ким истамасди. Норо-зилик билдирувчиларнинг сони кундан-кунга кўпайиб борарди. Ўз ғам-ташвишлари билан бўлиб, бир ярим ҳафта ўтибди ҳамки, Ашурали директорлик креслосига ястаниб, раҳбарлик лавозими қанақа бўлишини бирор кун, бирор соат татиб улгургани йўқ. Ниҳоят, бунга эришиш учун кабинетининг эшигини очган маҳал орқама-орқа уч киши кириб келди.

— Сиз билан муҳим масала юзасидан келишиб олишга тўғри келади, — деди улардан бири. — Бизни завод ишчилари вакил қилиб юборишди.

Томдан тараша тушгандай бошланган бу гапнинг тагида нохуш нимадир ётганини сезган Ашурали ичидан зил кетди.

— Келинглар, марҳамат, хўш яна нима гап экан? — дея юмшоқ муомала қилди.

— Гап шундаки... — деди гап бошлаган ишчи мақсадга кўчиб. — Сиз, ўртоқ Ашурали Тойлоқов, истеъфо беринг. Ишчилар шуни талаб қилишяпти.

Ашурали нафратомуз тиржайди.

— Истеъфо?! Бу кимнинг буйруғи? Нима жинни-пинни бўлганмисизлар? Борди-ю, айтганларингга кўнмасам-чи?

— Унда мажбур қиламиз, — бамайлихотир жавоб қилди иккинчи ишчи.

Ашурали тошдай қотди. Ранги бўзарди. Ҳозироқ учовини кабинетдан ҳайдаб чиқаришга ҳезланди-ю, қандайдир ички куч тўхтатиб қолди. Кейин уларни мазах қилгандай хоҳлаб кулди.

— Жа ҳазилниям оширвординглар-ку, унчаликка борманглар, оғайнилар.

— Ҳазиллашаётганимиз йўқ, гапимиз жиддий.

Ашурали директорлик креслосида ўтириш учун атай кийиб келган яп-янги хушбичим костюмда, оқиш кўйлакка эса хол-хол гулли қора бўйинбоғ таққан эди. Соқолини топ-тоза қирдирган, юзига нимадир суртган бўлса керак, ялтиларди. Тоғорачадай дўплайган қорни бўлмаса, бўйчан, чапдаст йигитларга ўхшаб кетган эди. У қошқовоғини уюб олди. Утирганларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўнг қараш қилиб, бурун катаklarини тепага кўтарди.

— Бу ўтакетган зўравонлик-ку, — деди менсимай. — Мени сизлармас, юқоридагилар қўйган бу ишга.

— Юқоридагилар сизнинг қанақалигингизни билишмас. Биз билан маслаҳатлашишганда айтиб берардик. Сизни биз яхши биламиз.

— Ие, тартиб шунчаликка етганмиди ҳали? Касаба союз қаёққа қараяпти ўзи? Сизларнинг интизомингизни ўйлайдими ҳеч?

— Мен касаба союз раисман, ўртоқ Тойлоқов, — деди биринчи сўз бошлаган ўрта ёшлардаги ишчи. — Кечаги мажлисимизга қатнашмадингиз. Сўзга чиққан борки, сизга қарши гапирди. Касаба союзнинг вазифаси ҳар бир ишчининг талабига қулоқ солиш.

— Оббо, тийиксизлар-эй, оббо, иззатини билмаганлар... Ичингларда коммунистлар борми? — деди Ашурали сўнги чора илинжида.

Карим қийқириқ паст овозда чийиллади:

— Бекорга ўзингизни гўлликка соляпсиз, учовимиздан икки киши фирқа аъзоси эканлигини биласиз-ку?!

Ашурали бўғиб келаётган аламини қайтариш учун қўнғироқ тугмачасини шундай қаттиқ ва узоқ босдики, котиба ўқдай отилиб кирди.

— Парторғон чакиринг! — деди лаблари хиёл қийшайиб. Котиба чиқиши билан стол устига муштани қўйди-да, жонҳолатда сўради, — хўш, мани олиб ташлаб, директорликка кимни қўйишларингиз билсак бўладими? Кимни тавсия қилмоқчисизлар?

— Буни коллектив ҳал қилади. Кўпчилик овоз билан кимни ёқласа ўшани сайлаймиз.
— Сайлов усулида денг? Янги тартиблар қуллуқ бўлсин! — Ашурали киноя қилди.

— Узингиз ўйлаб чиқардингизми?
— Бундан буён шундай тартиб жорий этилишини талаб қиламиз.

Зарб билан эшик очилиб, карахт ва ланж қиёфадаги Мансур Мавлонов кириб келди. Унинг сузилган кўзлари қизариб, кечаси билан мижжа қоқмаган одамни эслатарди.

— Манавиларингизнинг кирдикорига пул беринг, ўртоқ парторг, — шикоят қилган бўлди Ашурали, — мани вазирамдан олиб, ўрнингга бошқасини қўйишмоқчи. — Кейин ишчиларга мурожаат қилди, — кимни қўйишингларни айтинглар, парторг билсин ақалли! Жамоловни кўзлаётган бўлманглар тагин? Балки унинг ўзи киритгандир сизларни?

— Камолиддин Жамоловичнинг хабари йўқ. У киши Тошкентга кетганларидан кейин кўзгалди бу гаплар.

Ашурали сакраб тушди.

— Жамолов Тошкентдами? Нимага мен билмайман? Сизнинг хабарингиз борми, ўртоқ парторг?

— Уз ёнидан беш кунга отпускаи олиб кетган. Ўринбосарингиз қўл қўйибди буйруққа.

— Нимага кетади? — жиғибийрони чиқди яна Ашуралининг. — Ҳақиқат қидирибми? Бу ерда туриб ёзмачилик қилаётгани етмасиди? — Кейин секин кулди. — Мени аросатда қолдирыясиз, оғайнилар, — кутилмаганда юмшоқ супургидай мулоим тортди у. Мавлоновга эса расмий муомала қилди, — бу хилдаги можароларни аниқлаш сизнинг вазифангиз, ўртоқ парторг!

Парторг донна-дона қилиб, аммо қизишиб гапирарди:

— Бу ерда бошқа, жиддий хусумат борга ўхшайди, ўртоқ директор. Кўпдан бери сезиб юрибман. Аммо негизи қаердалигини билолмай, бошим гаранг. Сиз билан бизда адовати бор кимдир бузғунчилик қилмоқда. Ишчилар билан бизнинг орамизга низо солмоқчи. Аниқланса, ким бўлишидан қатъи назар, партиявий жазосини тортади, албатта. Мана бу ўртоқлар кеча менинг олдимга келишган эди. Фисқ-фасод гаплар битилган бир варақ қоғоз ташлаб кетишибди. Иш бюрода кўрилишини талаб қилишяпти.

— Фикримиз қатъий, шу талабдан қайтмаймиз! — кескин гап суқди Карим қийқириқ.

Ашурали сергак тортди.

— Нима ҳам дердик, — оғир хўрсинди у, тавба-тазарруга ўтган гуноҳкордек. — Оғайниларимизнинг айтаётганида жон борга ўхшайди. Бюрода масаламизни кўришни талаб қилишган экан, марҳамат!

Парторг бош чайқади.

— Сиз ёзганларини ўқиб чиққанингизда коса тагида нимкоса борлигини билардингиз. Булар сиз билан мени кулатиш пайида. Заводда тўнтариш қилишмоқчи. Шунинг учун ёзганларини райкомга берганман. Қани, улар нима дейишаркин?..

Шу куннинг эртасига райкомдан кўнғироқ қилиб қолишди

— Заводингизда нималар бўляпти ўзи? Қанақа ғалаён кўтармоқчи ишчиларингиз? Ашуралининг қўлидан телефон трубкаси тушиб кетишига оз қолди. Миясига қон урди. Оғзи қуруқшаб, ҳадеганда тили калимага келавермади.

— Ҳеч нима... — деди у ютиниб. — Шунчаки, бир-иккитасининг хархашаси...

— Битта-иккитасининг хархашасини босиб қўйишга ярамасангиз, нима қилиб ўтирибсиз у ерда?!

Шу заҳотиёқ трубкадан «тут-тут»лаган қисқа-қисқа овоз келди. Ашурали бўшашиб, қўлидаги трубкани ўрнига қўйди-ю, жағини ушлаганча ўйланиб қолди. Шу чоққача унга ҳеч ким бунақанги ўшқирган эмас. Райком ходимлари у ёқда турсин, ундан каттароқларига ҳам буй бергиси келмасди. Негадир бу сафар лаббай дейишга тили келмаганига ҳайрон қолди. Умрида биринчи бор шундай ҳолга тушганидан хафа бўлиб, ўзини-ўзи койишга ўтди.

Ҳақиқатда эса заводда «хархаша кўтараётган»лар унинг айтганича эмас, кўпчиликни ташкил қиларди. Улар ҳар бир цехда бор эди. Қўллари бўш қолди дегунча сурув қўйда йиғилиб, мунозара юритишарди. Заводда ишчиларга эътиборнинг камайиб кетгани, бошлиқлар эса фақат ўз манфаатларини ўйлаётганликлари учун норозилик изҳор қилишарди. Баъзилар ишни тўхтатишни талаб қила бошладилар. Меҳнат интизоми издан чиқди. Айрим цехларда сурункасига ишга чиқмаслик авж олди. Ниҳоят, заводда иш тўхтади...

Ҳеч кутилмаган ҳодиса. Яқин-йироқдан эшитганлар борки, ёқа ушлашди. Масъул идораларнинг бошлиқларигача оёғи куйган товуқдек питирлаб қолдилар. Фақат заводнинг ўзигина эмас, бутун район ёмонотлиққа чиқиши хавфи туғилди. Облаstdан яшин тезлигида етиб келганлар бу хунук воқеани босди-босди қилишга, ишчиларни қандай бўлмасин инсофга чақириш чорасини кўришга киришдилар.

Қабулхона одатдан ташқари гавжум... Сўхбатга чақирилганлар навбат кутиб ўтиришар, қовоқларидан қор ёғиб, норози минғирлаб қўйишарди. Завод ҳовлисида ҳам

ғовур-ғувур, шов-шув тинай демас, нима учун бошлиқлар ҳаммани йиғиб дардини билиш ўрнига битта-биттадан сўроқ қилаётганлари билан келишолмасдилар. Ичкарига кириб кетганларни эса сабрсизлик билан кутардилар. Биров чиқди дегунча уни ўраб олишарди-да, нима тўғрида гап бўлганини суриштириб кетишарди.

Бошлиқлар қанчалик сир сақлашга уринишмасин, яхши гапнинг ҳам, ёмон гапнинг ҳам қаноти бор, деганларидек, у аллақачон тарқаб бўлган эди.

Фақат Камолиддингина ҳаммасига беписанд, қулоғига ҳеч нарса кирмас, ҳеч нарсага қизиқмас эди.

У Тошкентдан ҳафсаласи пир бўлиб, ҳалимдай бўшашиб қайтди. Қайтдию кийим-бошини ечмай, каравотга таппа ташлаганча шифтга тикилиб ётаверди. Уч кунгача мижжа қоқмади, туз ҳам тотмади. Ҳеч нарсани ўйламасликка минг уринмасин, қўлидан келмасди. Нима учун Тошкентда иши юришмаганлигини ўйлайверганидан, миясига оғриқ кирди. «Кўлимдан ҳеч вақо келмади, — дерди нукул, — нега? Улгудай нўноқлигим, ношудлигим туфайлими? Ҳа, ландавурман!..»

Прокурорликда ҳам бош прокурорнинг ўзи эмас, ёрдамчиси қабул қилди. Пахтачилик министри ўринбосаридан дурустроқ гап чиқмади. «Ўзингни бил — ўзгани қўй», қабилдаги мушоҳадалар, пуч ёнғоққа қўйин тўлғазишлар... Ўз фикрини айтган борки, оёқ остида топталади ҳозир. Индамай юрсанг ютасан. У шундай хулосага келди.

Худди шу пайт эшик тақиллаб қолиб, унинг хаёли бўлинди. Кўп ўтмай, Фармон чол ҳовлиқиб кириб келди.

— Бемаҳал келганим учун узр, — деди у шошилиб. — Ўғлим, сиззи олиб кетгани келдим. Туринг тез. Сизсиз тинчишмайдиганга ўхшайди. Заводда уч кундан бери аҳвол бетинч: ҳамма оёққа турган. Завод дарвозасини ичидан беркитиб олиб, биронта одамни ичкарига қўйишмаяпти. Ашурали заводдан кетсин, ўзимиз директор тайинлаймиз, дейишяпти.

Камолиддин индамай кийина бошлади. Жамол полвон ҳам, келини ҳам уни эртага ишга чиқса билиб олар, деб безовта қилгилари келмай, заводда содир бўлаётган воқеадан хабардор қилмай турган эдилар.

— Вақт алламаҳал-ку, ҳалиям тарқалишмадимми? — сўради Жамол полвон.

— Тарқалиш қаёқда, анави катта бинодаям ғиж-ғиж одам, — деди Фармон чол пешонасини рўмолча билан артиб.

— Уйга келганимни қаёқдан била қолишибди? — сўради Камолиддин тўзғиган сочларини апил-тапил тарар экан.

— Соли қийғир билган экан. «Тез топиб келинг», деб ғизиллатди.

Икковлон кўчага чиқиб жадаллаб жўнаб кетишди. Уларнинг орқасидан Жамол полвон ҳам эргашди.

II

Улар маданият уйига кириб келган маҳал катта зал, эшиklarининг олди ҳам одамларга тўлиб кетган эди. Бир-бирларини суриб, туртишиб, ичкарида гувиллаб турган оломоннинг овозини эшитишга, ким сўзга чиқиб, нима деяётганини билишга интилардилар. Камолиддин уларнинг ўртасини ёриб остонадан ичкарига бир қадам қўйди-ю, у ёғига ўтолмади. Зал тўла одам. Ҳатто қатор оралаб ўтган йўлаклар ҳам жонли девордай зич, танга ташласа ерга тушмайдиган тирбанд. Саҳнада кимдир гапирар, залдагилар эса қўлларини тўлғаб унинг сўзини бўлишга ҳаракат қилардилар. Саҳнадаги бирдан-бир стол ёнида парторгнинг ёлғиз ўзи ўтирар, ғазабнок юзлари чўғдай қизарган. Хипчадан келган ўрта бўй, ўрта ёшлардаги нотик залдаги ғовур-ғувурни босиш учун қўлини пахса қилиб гапирарди.

— ...Ҳеч ярашмаган қилиқ, — деди у саҳна лабига яқин келиб. — Ишчи синфининг шаънига иснод бу! Бутун бир корхонани ишдан тўхтатиб қўйиш онгли ишчига хос қилиқми? Маош масаласига келсак, бугун бўлмаса эртага оласизлар. Ваъда бериб айтаманки...

Залдан яна хитоб қўзғалиб, унинг овозини босиб кетди.

— Қуруқ сафсатавозликлар тўхтатилсин!

— Мақсадга ўтинг, мақсадга!

— Биз фақат маош учунмас, адолат учун ҳам курашяпмиз! Пешона теримиз беҳуда тўкилаётганига ачинадиган раҳбар йўқ, ишлаб чиқарган молларимиз қаёққа кетаётганини билмаймиз. Ҳаммаси енг ичида... Хоҳишимиз инobatга ўтмайди. Ишчи-га-ям шунақа муносабатми? Қачонгача?

— Бўлди, етар, ваъзхонликни тўхтатинг!

Нотик икки қўлини кўтариб шовқинни аранг босди.

— Мақсадингиз ўртоқ Тойлоқовни завод директорлигига тайинламасликми? Ахир, у вақтинчалик-ку! Икки-уч ойгина, холос. Ундан кейин Ҳисомали Толмасовнинг ўзи қайтади.

Яна зал ларзага келди:

— Биз унисиниям, бунисиниям хоҳламаймиз!

Камолиддин бир амаллаб саҳнадаги стол олдига ўтиши билан нотик қўл силтаб, пастга тушиб кетди. Парторг ҳам ўтирган жойини тарк этди. Қарсак устига қарсак авж олди.

— Бизлар Камолиддин Жамоловни директор бўлишини истаймиз! Ростми, ўртоқлар?

Бу савол ялпи қарсак билан олқишланди.

Камолиддиннинг мансабга ҳуши йўқ. Бордию қайта директорликка кўтарадиган бўлишса илгаригидай ишлай оладими, бунга соғлиғи чидайдими, билмасди. Шу боисдан боши қотиб, тилига бирон калима келмасди. Зал эса унинг оғзига маҳтал, умидвор кўзлар жавоб кутарди.

— Биродарлар, — деди у салмоқланиб. — Жуда ғалати аҳволга солиб қўйдингиз мени. Нима дейишни билмайман. Шу ишга мендан дурустроқ одамни таклиф қилганингиз маъқулроқ эди. Мен энгил тортардим. Мен...

Зал гапиртиргани қўймади. Гулдурос ичида ким нима деяётганини билиб бўлмасди. Бурчак-бурчакдан қўлларини пахса қилиб, кетма-кет гап ташлашар, бу таклифни қайтармасликка ундашарди.

Камолиддин қўл силтай-силтай уларни аранг тинчитди.

— Тўғриси, мен сизлардан биров хафаман, — дея гапни бошқа ёққа буриб юборди у. — Аччиқ бўлса ҳам айтай: бугунги хулқингиз мени ранжитиб қўйди. Неча кундан бери завод тўхтаб ётган эмиш. Бир соат эмас, бир кун эмас, шунча кун-а!.. Қачон шундай бўлган эди? Нимага? Кимга аччиқ қилиб? Бошлиқлар ёқмаса, уларга қарши курашнинг бошқа усули йўқмиди? Заводнинг айби нима? Завод бошлиқларнинг шахсий корхонаси эмас, сизники, бизники, ҳаммамизники-ку! Бошлиқларсиз завод бемалол ишлайвериши мумкин, аммо ишчиларсиз — асло! Бошлиқлар келади-кетади. Аммо биз — ишлаб чиқарувчилар қоламиз, ишлайверамиз. Завод ўз уйимиздай гап. Ўз уйимизни ҳувиллатиб қўйишимиз яхшими? Қаёқдан чиқди бу қилиқ? Хунимизга кор келаётган, қолаверса едираётган, ичирётган, кийдираётган ҳам шу завод. Хуллас, тақдиримиз шу завод билан чамбарчас боғлиқ. Буни унутиб қўйдингизми? Бугунги иш ташлаш еб турган қосангизга тупуриш билан баробар-ку? Бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдиришдан не наф?

Зал пашша учса эшитилгудай жимжит бўлиб қолди. Гўё ҳеч ким йўқдай. Ҳамма оғир сукутга толиб, қош қўяман деб кўз чиқарганларини ҳис этмоқда эдилар. Қилмишлари бошқача маъно касб этишини англаш билан хижолатда мўлтираётган бесанок кўзлар Камолиддинга тикилган. Бирдан энгил ғовур-ғувур ўрмалади. Бирин-кетин сўз сўрашиб, муддаоларини очиқ-ёруғ айтишга ошиқишди. Мақсаддан қайтиш йўқ. Камолиддиндан бошқани тан олишмайди. Ё у директор бўлиши керак, ё ҳеч ким!..

Ашурали шу кунги йиғинга қатнашишдан қатъий бош тортди. Кўрмайин ҳам, куймайин ҳам деган қабилида иш тутди. Аммо бўлган гапларни бошқалардан эшитиб, сочлари тиккайди. Ишчиларнинг бу хилдаги кўтарилишлари билан ҳазиллашиб бўлмаслигини ҳам ҳис қилди. Димланиб турган қудратли сувга ўхшайди у. Дамба ўпирилса бас, дахшатли тошқинга айланиб, ҳаммаёқнинг вайронасини чиқариши мумкин. Жонига жабр қилгангина унинг йўлини тўсади. Ашурали буни яхши биларди. У кўринишдан хотиржам эди-ю, аслида кўнгли ғаш. Наздида ҳамма нарса куйиб кулга айланаётгандек, бир тўфон турса кўкка соврилаётгандек. Аммо жиловни ҳам осонгина бериб қўйишни истамасди. Бирон мўъжиза юз бериб, ҳамма-ҳаммаси ўрни-ўрнида қолишига умид боғларди. Камолиддиннинг директор бўлишига йўл қўйиш асло мумкин эмас. Борди-ю, йўл қўйса, Ашуралининг чиндан ҳам уйи куйди деяверинг. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун бир чора изларди. Даққионусдан қолган бўлса ҳам шу усулни қўллашга мажбур. Вазият ўзгармаса, шундай қилади ҳам. Ётиб қолгунча отиб қол, деган нақл бор. Чўчитиб қўйиш керак.

Эртасига ҳаммаёқ тинчиб, заводнинг юраги қайта ура бошлаши билан Камолиддин ўз «хужра»сига кириб келди. Ҳали столига яқинлашмаган эди ҳамки, стол устида ўзини кутиб турган «совга»га кўзи тушди. Ичига тўрт-беш сурат солинган конверт. Конвертни очган эди, кичкина қоғоз ҳам чиқди. Унда қуйидаги сўзлар ёзилганди:

«Сенга самимий маслаҳат: ишчиларни кеча қандай тинчитган бўлсанг, бундан бу ёғига ҳам шундай тинчитиб, даҳанига жилов солиб қўй. Уларнинг юрагига йўл топишга устасан. Бильякс, яна бемаъни қилиқ чиқаришса, таклифларига кўниб директорликка унасанг, ўша заҳотиёқ маъно шу суратларнинг иккинчи нусхалари керакли жойларга етказилади. Номусинг қанча туришини ўшанда кўрасан!»

Камолиддин суратларни бирма-бир кўргандан кейингина хатнинг маънисига тушунди. Кўз олдида янги йил оқшомида Гўзалнинг уйига боргани, жувоннинг яланғоч оппоқ билаклари, узун бўйни, қулоқлари остидан секин-секин ўпганлари... шу заҳоти эшикғижирлаб очилгандай бўлгани келди. Ҳа, эшик устидан ергача осилиб тушган духоба парда орқасида кимдир борга ўхшамаганмиди? Демак, биров ҳаммасини кузатиб, суратга олиб турган экан-да. Кўчага чиққандан кейин ҳам орқасидан кимдир пусиб келаётганини сезганди чоғи... О, Гўзал, о, тулкидай айёр жувон, не сабабдан шундай

ни йиллаб синовдан ўтказарди. Ким қаерда мўлроқ наф келтириши мумкин, ким қобилиятини бемалол намойиш қила олади, шунга қараб ўрнини тез-тез алмаштириб турар, жамғармаларидан эса доим кўз-қулоқ эди. Ижрочининг жамғармаси маълум миқдорга етдими, демак унинг куни битди. Бирон баҳона билан тагига сув қуйилардию йиққан-тергани гўё мусодара қилдириллар, аслида Мўтабар ҳожи мутасаддилигидаги «муқаддас» ҳазинага қўшиб қўйиларди. Ҳисомалининг ҳам паймонаси тўлиб, тоб ташлашини кўпдан кутишарди. Ишқилиб, бойлигини қаерга яшириб, қаерда асраётганидан Ашурали бохабар бўлса бас. Аслида Ашурали буни қайнағасининг таъкидлашисиз ҳам сидқидил бажармоқда эди. Худди шунинг устига ўртада директорлик вазифасини ким эгаллаши можароси тўғилиб қолди. Мўтабар ҳожи куёвининг қовун тушириб қўйишини истамасди. Шу ваздан чақириб, қайта огоҳлантириб қўйишни маъқул кўрди. Ашурали, ниҳоят, шаштидан қайтди. Тақдирга тан бериб, хомуш тортиб қолди.

— Майли, бу ёғи сизнингча бўлсин, падарим, — деди у. — Лекин менга бошқа нарса тинчлик бермай қўйган. Анали терговчи бошга битган бало бўлди. Мажиканинг фожиасиниям менга ёпиштириб қўйди. Аввалги терговчи ёмғир бўлса, буниси қор, падарим. Униси ҳарҳолда ўқлоғминан туширарди, буниси тўқмоқминан уряпти.

Мўтабар ҳожи уни юпатди:

— Хотирингни жам қил, куёв, бунисиям аввалгисидай қия бўп кетишига мен кафил. Аввалгисининг қанақасига думи тугилган бўлса бунисиниям бошига шунақа кун тушади.

— Россиялик маслакдошларимиз масаласида нима дейсиз? Қанақадир бетавфик, мунофиқлар ётган илоннинг бўшини кўзгашиб, уларни кўп ташвишга солаётган эмиш.

Мўтабар ҳожининг бу гаплардан хабари бор эди. Аммо бари ҳар галгидай вақтинчалик машаадади, бугун бўлмаса, эртага изига тушиб, оройиш топар деб ўйларди. Аммо, орадан шунча вақт ўтди ҳамки, тинчишларидан дарак йўқ. Нуқул нохуш хабар устига нохуш хабар келади. Шу боисдан куёвининг ҳозирги гаплари уни бироз ўйга толдирди. Анчагина сукутдан кейин бошини аста кўтариб, кўзини чирт юмди-да:

— Ҳа, у ёқларда об-ҳаво ўзгариб бораётганга ўхшайди, дунёнинг ишларида ҳеч татуриқ қолмаяпти-да, куёв, — деди. — Худонинг хуш кўрган бандаларидан гумонсираш — унинг ўзидан гумон қилиш билан баробар-ку, ахир. Наинки, бир-иккита бедаво, қасамхурларни даф қилишга қурбилари етмаётган бўлса? Йўқ, куёв, маслакдошларимиз анойиларданмас, ўзларига қарши қилич қайраганларни ўз қиличлариминан бошларини чопишларига мен кафилман. Бахилнинг боғи кўкармас, дейдилар. Кимки қилса — ўзига қилади.

Ашурали бўшашибгина жавоб берди:

— Илойим, айтганингиз келсин-да, падарим...

Ташқаридан бировнинг шарпаси эшитилди. Ашурали ўрнидан турди.

IV

Камолиддин одатдагидай эрта уйғонди. Лекин отаси ундан олдинроқ, кун ёришарёришмас турган эди. Доим шунақа — то болалар тургунга қадар чол ҳовлида куйманиб юрар, ўғли, мактабга кетадиган неварасига нонушта тайёрлашда келинига кўмаклашарди. Бу сафар эса, Москвада ўқиётган тўнғич неварасидан келган хатнинг мутолаасига берилиб ўтирарди.

— Ма, ўқи, — деди у хатни Камолиддинга узатиб. — Уғлинг ёзибди. Уқишлари бинойидаймиш. Баҳорги имтихонлардан қутулиб, бир доvon ошдим, ёздагисини топширсам, марра маники, дебди.

Камолиддин ташналик билан хат кутарди. Шунинг учун шошиб қўлига олди-да, синчиклаб ўқий бошлади.

Жамол полвон давом этди:

— Тўй тараддудини кўриб тур. Келса, дарров бошини иккита қилиб қўйиш керак, кўзим очиклигида тўйини кўриб қолай. Айтгандай, келинни анови ҳовлига туширамиз. Уғлинг Маскопдан қайтган куниёқ Ҳисомга айт, иззати битди, кўчсин тезроқ. Шунча раъйини қилганимиз етар.

— Қайтса кўчмай қаёққа борарди. Анови уйи битди-ку.

— Адашма, болам, қистамасанг пинагини бузадиганга ўхшамайди. Кўчадиган одам ҳовли чопадими? Бир куни кечаси уйкум қочиб, ташқарига чиқсам, тап-тап кетмон товуши эшитилди. Ие, ярим тунда нима қиляпти, деб, эшикча тирқишидан қарасам, Ҳисомбой енг шимариб кетмон уряптикан. Бу бежизмас, афтидан экин экиб, яна ёзламоқчи шекилли. Энди бўш келма.

Камолиддин ажабланди. Умрида қўлига кетмон ушламаган одам ер чопиши қизик, яна ярим тунда.

— Анча бўлдими?

— Кетмон чопганигами? Маскопга кетиш олдидан эди-да. Бир ойдан ошди чоғи.

— Бир ой олдин ер музлаб, тошдай қотиб ётганди-ку?
Жамол полвон ҳам ҳайрон бўлди.
— Дарвоқе, музлаган ерни қандай чопдийкин? Бу ёғи ғалати...

УНИНЧИ БОБ

Кунлар исиб, даладар мислсиз ҳусн ва латофат кашф этди. Шийпонлар гавжум. Айғирсой ҳайқириб оқади. Унинг соҳилларидаги чойхоналарда эрта тонгдан ярим тунгача одам узилмайди.

Янги-янги воқеалар оғиздан-оғизга кўчади, газеталар қўлдан тушмайди, радиотелевизорларда ҳар куни бир янгилик эълон қилинади. Эгри ишларни таг-томири билан қуриштириш учун қизгин кураш борарди. Бундан Шаҳриобод райони ҳам четда қолмади. Ўз манфаати йўлида давлат мулкига хиёнат қилганлар, йирик-йирик идораларнинг раҳбарлари мансабдан кетди. Одамлар эса ҳаддан зиёд кўтаринки руҳ билан яшай бошлашди.

Ашурали энди омад қўлдан кетганига ишонмай иложи йўқ эди. Қайнотасининг олдига бориб-келишга ҳам юраги бетламасди. Ҳамма нарсдан ҳафсаласи пир, таркидунё қилган одамга ўхшарди. Бекордан-бекорга зардаси қайнайди. Гап қотган одамни ҳам жеркиб ташлайди. Аммо қулоғи динг. Кечалари ҳам уйқуси қочиб, ҳовли айланиб тонг оттиради. Кўча томонда шовқин эшитилса ҳам дағ-дағ титрайди, ҳозир кириб, қўлига кишан уриб олиб кетишаётганга ўхшайверарди.

Унинг васвасага тушганича бор экан, уйда ўтириб қолганининг иккинчи ҳафтасиёқ кутгани юз берди. Уни қамоққа олдилар. Ҳисомалини эса Москвадалик пайтидаёқ қўлга туширдилар. Ҳақиқат ғалаба қилиб, Содиқжонга мазкур ишни охирига етказиш қайта топширилган, милиция лейтенанти Отажон эса ўз вазифасига тикланган эди. Улар ниҳоятда одилона иш юритишарди-ю, вазифаларини маромига етказиб адо этдик, деб ҳисоблашмасди. Нимадир очилмаган, яна қандайдир сирнинг тагига етилмаган эди. Шу сабабданми Содиқжон заводда бот-бот бўлиб, одамлар билан узоқ-узоқ суҳбат қураарди.

Икки ойдирки, Камолиддин заводга директорлик қилмоқда. Бутун ғайрати билан ишга берилиб кетганлиги туфайли касалини ҳам унутиб қўйган. Уни директорликка қайта тиклашга эришганларидан кейин ҳамманинг кўнгли турди. Барча ўз вазифасини баробар адо этар, ҳеч ким ҳеч кимдан нолимас эди.

Ҳисомали қамалгандан кейин унинг оиласи ҳовлини бўшатиб берган, Жамол полвон келини билан бирга ҳаммаёқни кўнгилларига мослаб тартибга солиб, чиннидай қилиб қўйишган эди.

Камолиддин ишга пиёда борарди. Содиқжон унга ҳамроҳ бўлди.

— Рухсат этсангиз сиз билан бирга цехларингизни айланиб чиқсак, — деди у Камолиддинга мурожаат қилиб. — Шу ерда шунча юриб, ҳақиқий санъатинглар билан ташишганим йўқ.

«Санъат» деган сўз Камолиддинга ёқиб тушди. «Тўғри-да, — деб ўйлади ичида, — бу ердаги ишлар қайси санъатдан кам?»

Содиқжон учун ҳар бир цех янги бир олам эди. Шу маҳалгача кўрган-билганлари ичида энг жозибалиси шулар бўлиб кўринди. Камолиддиннинг ортидан қолмай цехма-цех юравериш, энги калта ҳаворанг кўйлаги тердан жиққа ҳўл бўлди, этига ёпишди. Унинг аҳволини кўрган ишчилар бир-бирларига кўз қисишиб кулишарди.

— Ҳа, дунёда осон иш йўқ экан-да ҳеч, — деб қўйди Содиқжон.

— Ташқарига чиқайлик, — дея олдинга тушиб йўл бошлади Камолиддин. — Урганмаган одамнинг суроби тўғри бўлиб қолиши ҳеч гапмас. Заводимизнинг давлат олдидаги қарзини хомчўт қилиб берсам, юрагингиз орқага тортиб кетади, — деди у яна. — Маблағ олинаврган-у, маҳсулот топширишни чакана-чукана қилишган. Қалбаки йўл билан топширилган маҳсулотлар пули, ҳатто чет элга сотилган пахта учун ундирилган маблағларгача давлат банкига эмас, ўзларининг ҳамёнларига тушаверган. Хужжатлар пухта, амалда эса ҳеч вақо йўқ. Эндиги вазифа — резервларни тезроқ ишга солишу таши ялтироқ, ичи қалтироқ вазиятдан чиқиш. Иш шароитларини ҳам яхшилаш керак. Эскира бошлаган машиналарни янгисига алмаштираамиз.

— Унинг афзаллиги нимада?

— Маҳсулот ишлаб чиқариш икки ҳисса ошади. Шовқинсиз ишлайди. Цехларга ел пуркагичлар ўрнатамиз. Ҳа, ўртоқ терговчи, икки-уч йилдан кейин келсангиз, заводимизни таниёлмай қоласиз.

Содиқжон унинг садафдек тишларига, кулиб турган кўзларига боқди.

— Кўриб турибман, бошлаган ишингиздан мамнунсиз. Тузган режаларингиз жойидага ўхшайди. Шунақа, яхши одам ўзидан яхши ном қолдиришга уринади. Олисни

кўзлаган олдинда яшайди, дейдилар-ку. Лекин... — у асосий мақсадга кўчолмай қий-налаётганини билдириб қўйгани учун андак хижолат тортди.

— Айтаверинг, — далда берди унга Камолиддин, — тилингизнинг учида турганини ичингизга ютманг.

— Топдингиз, — дея терговчи кўйлагининг кўкрак чўнтагидан қоғоз олиб узатди. — Мана, прокурорнинг рухсати. Идорангизни тинтув қилмоқчимиз. Айбга буюрмайсиз-да...

Камолиддин ёнма-ён кетаётган жойида таққа тўхтади.

— Мени-я?

— Идорангизни дедим-ку, — Содиқжон унинг қўлтигидан олди. — Юринг, сизсиз амалга оширишни эп кўрмадик.

— Шўнга келганмидингиз ҳали?

— Ҳа, қарасам, цех айлангани шошяпсиз, йўлдан қолдиргим келмади.

Қабулхонада Отажон район прокурорлиги ходими билан бирга кутиб ўтиришарди.

— Котибангизга айтинг, ичкарига ҳеч кимни қўймай турсин, — тайинлади Содиқжон. Бирин-кетин кабинетга киришгач, прокурор ходими тўппа-тўғри пўлат сейф томон юрди.

— Калитни берайми? — сўради унинг мақсадини билган Камолиддин.

— Шарт эмас!

Унча катта бўлмаган пўлат сандиқ девор ичига ўрнатилган, эшиги кўзга ташланарди, холос. Прокурор ходими ўткир учли ускуна билан сейф теварагини айлантириб деворга уриб чиқди. Ускуна ўрланган жойлардан муштдек-муштдек кесак кўчиб, ерга тап-тап туша бошлади. Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас сейф суғуриб олинди. Унинг ўрнида токча очилди. Содиқжон шошиб токча ичига бош суқди. Тахмини тўғри чиққан одамдек, мамнун жилмайиб қўйди.

— Қаранг, — деди у Камолиддинга мурожаат қилиб, — пухта ишланган, а?

Токча тўрида биринчи сейфдан чоғроқ иккинчи сейф жойлашган эди. Камолиддин уни кўрдию, шу заҳоти савол назари билан Содиқжонга боқди. Содиқжон ҳамон жилмайиб турарди.

— Буниси қаёқдан келди? — сўради Камолиддин кути учиб.

— Бундан хабарингиз йўқ, — унинг сўзини давом эттирди терговчи, — ишонаман. Чунки сиз йўқ пайтингизда қайта қурилган бу.

— Ким? Нима учун?

— Нималигини ҳозир биласиз, — дея Содиқжон Отажонга, сейфни очинг, дегандай ишора қилди. Отажон қўлидаги бир даста калитнинг дастлабки танланганини суқиб бураши биланоқ сейф очилиб кетди. Бироқ шу заҳоти қўлтигидан тарвузи тушиб, турган ерида донг қотиб қолди.

— О-очиқ... — деди у тутилиб.

Уч бош бирваракайи энгашиб қарашди. Сейф ичи бўм-бўш эди.

— Қуруққа чопибмиз-да, — деди Содиқжон алам билан. — Кетдик!

— Қаёққа? — беихтиёр сўради Камолиддин эшикка яқинлашиб бораётган Содиқжоннинг орқасидан.

Терговчи ортига қайрилди:

— Йўқ демасангиз, биз билан юринг, Камолиддин ака!

Бу сафар ҳеч ким савол сўраб ўтирмади-да, орқама-орқа кабинетдан чиқишди. Дарвоза олдида қора «Волга» кутиб турарди. Содиқжон олдинга, қолган уч киши орқага ўтиришди. Содиқжон шоферига буйруқ берди:

— Ҳайданг, иложи борича тезроқ... Жиннитўп маҳалласига!

Содиқжоннинг сўзи тугар-тугамас, машина ўрнидан кўзгалди-да, елдек учиб кетди.

Бир текис саф тортган дарахтлар, қуёш шуъласига бағрини берган бахмал далалар, ариқ бўйларида эчки ўтлатиб юрган қора-қура болакайлар икки ёнда қолиб кетар эдилар. Камолиддин қаёққа ва нима учун бунчалик тез кетаётганларининг боисига тушунолмас, сўрашга негадир истиҳола қиларди. Ёнида ўтирганлар ҳам жим, аммо андак ҳаяжонли кўринардилар.

Унинг назарида Содиқжон анча ўзгариб қолган. Салга тажанглиги тутади. Савол сўраса, жавоб бермайди. Бировнинг сўзини тинглаётган чоғда ҳам хаёли бўлиниб, мазкур суҳбатга алоқаси йўқ, бутунлай бошқа мавзуга чалғийди. Ким билади, балки ўзининг бошига тушган анави адолатсизлик, ҳаётда содир бўлаётган кескин ўзгаришлар, янги-янги воқеалар шошириб қўйгандир. Бугунги иш ҳам ҳақиқий жумбоқ. Камолиддиннинг кабинетини тинтув қилди, нима қидирди-ю, нега бирдан тоқатсизланиб қолди?

— Намунча тошбақадай имилламасангиз, — машинани шамолдай учираётган шофёрни жеркиди Содиқжон. — Тезроқ боришимиз керак!

Бу пайт дала тугаб, йўлнинг икки ёқасидан саф тортган боғ-роғли ҳовлилар, зич ўсган теракзорлар уларни кучоғига олди. Машина ғилдираклари остидан кўтарилган оқиш чанг дарахтлар, деворларга урилиб, сийрак тутундай ёйилиб кетарди.

Содиқжон бошини ғоз кўтариб, ортига қаради. Орқа ўриндиқдагилар савол-азари билан унга тикилдилар.

— Албатта топамиз! — деб юборди беихтиёр. — Топмай қўймаймиз!..

— Кимни?—сўрашга аҳд қилди ниҳоят Камолиддин.

— Кимни эмас, нимани... Аввал нимани деб сўранг, Камолиддин ака. Бизлар ҳазирга қидиргандик, жуда катта хазина. — Унинг кўзлари ёниб турарди. — Ҳали кабинетингизни тинтув қиламиз, деганим кўполроқ чиқди, узр. Аслида Ҳисом Толмасов яширган хазинани топмоқчи эдик. Жиноятчи бойлигини қаерга яширганини судда айтмаяпти. Ҳамтовоғи Ашурали бўлса, унинг сирини фош қилиб қўйган. Тахмини бўйича, Ҳисом-алининг жамғаргани ўша—иккинчи сейфда сақланиши керак эди. Кечикибмиз. Ўғлини Москвага даволатгани олиб кетишдан олдинроқ бошқа ёққа гумдон қилганга ўхшайди. Бирон овлоқроқ ерга. Ашуралига қараганда буниси кўрқоқроғ-у, бойлик борсида қаттиқроқ чиқди. Ашурали билан юзлаштираман, афтига қарагиси келмай, нуқул тескари ўгирилади. Уни тўхматчиликда айблаб, ўзини оппоқ қилиб кўрсатиш пайида.

— Бунақалар жонини гаровга қўйса-қўядики, бир тийинининг даммини чиқармайди, — хулоса қилди Отажон.

Содиқжон унинг фикрини давом эттирди:

— Бир кунмас-бир кун эсон-омон кутулиб келсам, кунимга яраб қолади, деб умид қилса керак-да.

Камолиддин хаёлга чўмди: «Шунақа одамлар қаёқдан пайдо бўларкин?..»

— Энди бўйнига олмай иложи йўқ! — деди Содиқжон қатъий оҳангда. — Айниқса, Ҳожи жиноятчиларнинг каттаси экан. Уша устамон корчалонни қўлга олгани кетмоқдамиз!

— Йўғ-э! — аввалига гапнинг асл маъносини англолмай анграйганча ўтирган Камолиддин бирданига, — ишонмайман! — деб юборди. — Ахир... Шундай тақводор, қўй оғзидан чўп олмас бўлиб танилган одам-а?

— Ҳа, худди ўша — қўйнинг оғзидан чўп олмайдиган, хоксор, покдомоннинг ҳақиқий башараси очилади, — унинг сўзини давом эттирди Содиқжон. — Тинч оқар дарёда шайтон кўндаланг, деб бежиз айтмаган халқимиз. Бунақалар одамлар диққати марказида бўлишни ёқтиришмайди. Фақир киши панада гўё. Аслида вазифаларини ими-жимиди усталик билан адо этаверадилар. Ҳамма ерда унақаларнинг ёлланган ижрочилари бор. Ҳеч нарсадан тап тортишмайди улар. Бари халқ мулкини талон-торож қилиб, ичдан кемиравадилар. Бойлик йиғадилар. Тўғри келса, қотилликлар ҳам қилишади. Куролли ҳужум, талончиликлар уюштиришади. Ҳалолу пок, софдил одамларнинг ёстиғини қуритишади. Раҳнамолари эса жонларини койитмай, ўтирган жойларида миллионларни қўлга киритавадилар...

Улар етиб келган маҳал дарвоза олди одамларга тўлиб кетган эди. Ҳамма ҳаяжонда, ғовур-ғувур ичида ким нима деяётганини билиб бўлмайди. Дарвозага яқин турган милиция ходимларидан бири оломонни ёриб ўтди-да, батафсил ахборот берди. Лекин ғовур-ғувур ичида нима деяётганини Камолиддин эшитолмай қолди.

— Дарвоза беркми? — сўради Содиқжон.

— Дарвоза ҳам, эшикча ҳам ичидан берк, — деди милиция ходими. — Лекин орқадан ўтиб очиб мумкин.

Дарвоза очилган чоғ ҳамма гур этиб ичкарига ёпирилди-ю, бирдан тўхтаб қолди. Уларнинг қаршисида кўпдан ҳаммага маълум кенг мўлгина ички-ташқи ҳовли эмас, тептекис майдон ястаниб ётарди. Куни кеча салобат тўкиб турган данғиллама иморатлардан ном-нишон йўқ. Ҳеч қачон бўлмагандай. Ҳовли эгаси қачон, қандай йўқ қилиб улгурганига ҳамма ҳайрон. Ақалли пойдевор қолдиғи, бирон ёғоч, биронта гувала, фишт парчаси кўринса-чи! Ер худди асфальт ётқизилган сингари шиббалаб ташланган. Фақат дарахтларгина сўппайишиб туришарди.

Ҳожининг яна бир ақл бовар қилмайдиган қилмишидан ҳамма ёқа ушлади. Содиқжон ҳам, Отажон ҳам кўни-қўшнилардан шунча сўраб-суриштирмасин, тайинли жавоб олишга эришмадилар. Аслида уларнинг ўзлари бу сирнинг тагига етолмай бошлари қотмоқда эди.

Кутилмаганда Отажоннинг кўзига томорқа томондан бировнинг шарпаси кўрингандай бўлди. Иссиқ кунда қоп-қора чопонга ўралиб олган кимса пастак шох-шабба орқасига яширингандай бўлди. Отажон чопиб борди. У ёқ-бу ёқни диққат билан кузатди. Ҳеч ким йўқ. Сўлжайиб қайтди.

Содиқжоннинг ичида нималар содир бўлаётганини фақат ўзи биларди ҳозир. Бир кунда иккинчи бор муваффақиятсизликка учраган одамга енгил тутиб бўлмасди.

Кўпчиликни чигит қуритиш цехи қизиқтириб қўйган эди. Қайта жиҳозлаш ишлари кундан-кунга авж олди. Соли қийғирнинг лойиҳаси бўйича қайта қуриш тарафдорлари кўпайиб боришарди. Пахта саноати илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари, қатор пахта заводларининг ходимлари тез-тез келиб туришар, ҳатто министриликдаги-

лар ҳам янги автоматга қизиқиб қолишган эди. Львов «Сельхозхиммаш» конструкторлик-технология бюросидан келган икки ходим бу ишни тезроқ амалга ошириш мақсадида ёрдам беришга киришиб кетишди. Бу бировга ёқарди, бировга йўқ. Айниқса, Соли қийғирнинг ёрдамчилари орасида норозилик туғилмоқда эди. «Жонимизни жабборга бериб, ҳамма ишни биз қилса-у, улар ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бўлишса. Ҳали автоматнинг муаллифлигини ҳам даъво қилишмаса гўрғайди», дейишарди. Дарҳақиқат, автомат атрофида куйманаётганларнинг бирор куни ҳаяжонсиз ёки жиддий тўқнашувсиз ўтмасди. Ҳар ким янги бир таклифини кўндаланг қўйиш билан ҳисса қўшгиси келарди.

— Қуритиш агрегатининг ишини назорат қилиб туришни фақат асбобларгина бажа-риши керак, — дерди Соли қийғирнинг тарафдорлари.

— Операторсиз ҳеч иш битмайди, — дерди бошқалари. — Пахта қуриши учун зарур ҳарорат режими фаолиятдан кўз-қулоқ бўлиб турмаган ютқизади. Пахтани агрегатга узатиш тезлигини бир маромга солиш тўсқичларининг тўхтовсиз очилиб-ёпилиб туришига боғлиқ. Ўз навбатида ана шу жараён ҳаво оқими уфуриб турадиган йўлларсиз бажарилмайди. Модомики, шундай экан, магистралларни кузатиш опера-торсиз битмайди.

— Йўқ, унда автоматнинг автоматлиги қаёқда қолди? Бизлар ана шу жараёнлар учун командани автоматнинг ўзи бериб, ўзи бажаришини истаймиз. Ишчини эса бу хилдаги майда вазифалардан озод қилиш ниятидамиз...

Камолитдин ҳам шу атрофда куйманиб юрар, ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашар, қалашиб ётган бошқа юмушларни ҳам унутиб қўймасди. Лекин унинг назарида одамлар жуда секин қимирлаётганга ўхшарди. Шу боисдан бош инженерни ҳам қисталанг қилганни-қилган эди. Бу, ўз навбатида, Соли қийғирнинг иззат-нафсига қаттиқ тегарди. Нима учун янги автомат лойиҳасининг муаллифи у бўла туриб, ҳамма ўзича фикр юритади, ўзаро тортишишади, чизмадан бош кўтармай ўрганишади?

Соли қийғир барчани ҳайдаб чиқариб, ўзига яқин бир-икки киши билангина ишни охирига етказишни истарди. Аллақайлардан атайин чақириб келинган мутахассислару маслаҳатгўйлар тошини тераверсин.

Шундай ўйларга толган маҳал ниҳоят тўқнашув содир бўлди. Бу бош инженернинг кириб келишидан бошланди. Унинг чеҳрасидан бахтиёрлик аломатлари ёғилиб турар, қувончини ким биландир ўртоқлашмоққа ошиқаётганга ўхшарди.

— Янги бир фикр! — дея эълон қилди у тантанавор оҳангда. — Агар айтганимни рўёбга чиқара олсак — марра бизники. Дунёга машхур бўлиб кетамиз. Қаранг-а, шундоққина бурнимиз тагида турган оламшумул кашфиётни сезмай юрган эканмиз. Авто-матга озгина ўзгартиш киритсак бас. Қатор жараёнларни бирваракайига дўндираверадиган универсаль агрегат яратиш мумкин экан.

Аъзамжон Бегматов тасаввурларини қоғозга тушириб, қизиб ҳам келибди. Уни Соли қийғирга кўрсатди. Ёш дўстини севинчи ичига сиғмай, ўзини кўярга жой тополмай қолади, деб ўйлаган, шунинг учун оғзи қулоғида эди. Айтгани бўлмади. Соли қийғир унга кўз қирини ташлагиси ҳам келмади. Феъли бузилиб, тумтайиб олди.

— Йиғиштир! — жеркиб ташлади заҳархандалик билан. Улар азалдан бир-бирла-рини сенсираб гаплашишарди. — Нимага ҳамманг ўзингча бичиб-тўқийверасанлар? Ав-томат яратган менми, сенларми? Бош инженерлигинг ўзингга. Устимдан ҳукмронлик қилаверганни ёқтирмайман.

Аъзамжоннинг ранги ўзгариб, бурун катакларигача титраб кетди.

— Ким устингдан ҳукмронлик қияпти? Уйлаб гапиряпсанми?

— Уйлаб гапиряпман. Ҳамманг жиғимга тегавермай, тошингни терсанг-чи! Қилади-ган бошқа ишларинг йўқми ё? Қўй, бошимни оғритмаларинг кўп. Ўзинг мустақил бир нима ўйлаб топ-да, билганингча бузиб-тузатавер. Бунга аралашма! Ўзим пиширган ошми — ўзим ейман!

— Нимага ўзингиз пиширган ош бўларкан? Баҳузур, ҳамжиҳат пиширяпмиз-ку! Сен, Солижон Нодирович, билағонлигингни пеш қилаверма. Бизсиз қўлингдан ҳеч бало келмасди барибир. Шунинг учун икки қулоғинг билан эшитиб қўй, автомат биргина сеникимас!

Иккови бир-бирларини айблаб-айблаб қизишиб боришарди. Атрофдагиларнинг кузатишларига эътибор бермай, овозларини баралла қўйиб бақиршарди. Охири, мурасага келишолмай, Камолитдиннинг олдига кириб келишди.

— Модомики, мазкур автомат ғояси ҳамманинг диққатини магнит майдонидай ўзига тортиб олган экан, бу унинг афзаллиги. Бош инженернинг таклифига келганда, азалдан кашфиёт кашфиётни туғдиради. Бу — қонун. Аммо биз учун ҳозир узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши. Муддат эшик қоқиб келган. Терим мавсумига қадар уни ҳамжиҳат, ҳамкорликда охирига етказиш зарур...

Камолитдиннинг фикрлари оқимида бошқалар ҳам қўшила бошладилар. Соли қийғир бўйинини қисиб жим бўлди. Кимдир мазкур ғоя мукамал ва тезроқ рўшнолик кўриши учун унга бир киши раҳбарлик қилиши кераклигини таъкидлади. Ҳамма Камолитдинга қаради.

Камолиддин бу таклифни қабул қилолмасди. Чунки директорлик вазифасидан ташқари линтер цехини ҳам тезроқ ишга туширишнинг ўзига яраша ташвишлари бор эди. Тўқувчилик курсига ниҳоят ўттизга яқин хотин-халаж қатнайдиган бўлган. Уларнинг ҳунар ўрганишлари учун зарур шароитлар яратиб бериш борасида ғамхўрлик қилар, ҳар кунги машғулотнинг сифатли олиб борилишига кўз-қулоқ эди. Шунинг учун автомат устида ишлаш гуруҳига Соли қийғирнинг ўзи бошчилик қилиши кераклигини айтди. Бироқ ёш новатор кўнмади. Унда, Бегматов раҳбарлик қилсин. Ҳарқалай, бош инженер — бош инженер-да...

Барчанинг боши қовушиб, бир тўхтамаг келинганидан мамнун бўлган Камолиддин уларни эндигина кузатган эди ҳамки, котибаси шошиб кирди. Қабулхонада қандайдир аёл кутаётган эмиш.

— Ўзларига айтадиган зарур гапим бор, дейди. Бу — иккинчи келиши. Ўтган кунни райкомдалигингизда кута-кута кетган эди.

— Чақиринг!

Камолиддин бошини кўтаришга журъат этолмади. Чунки кўз қирини ташлаб, қаршида ким турганини сезганди. У Гўзал эди!

— Менга қарагингиз ҳам келмайди-я, — деди саломдан сўнг аёл ўксинган оҳанг-да. — Шунчалик хафамисиз?

Камолиддин чўғдай қизариб кетди-да, жаҳл аралаш деди:

— Нимага келдингиз?!

Камолиддин машаққат билан бош кўтарди. Жувоннинг кўзларига қаттиқ тикилди. О, бу кўзлар!.. Хиёл чимирилган қалам қошлар!.. Қоматига ярашган енгсиз, оппоқ кўйлақдаги ана шу паривашнинг боқишларини айтмайсизми!.. Лекин у бугун илти-жоли боқарди.

— Қўрқманг, еб қўймайман, — деди аёл аста келиб қаршидаги стулга ўтираркан. Хушбўй атир ҳиди бутун хонани тутиб кетди. — Икки оғиз гапим бор, кейин кетаман. Биламан, ҳеч-ҳеч кечиролмайсиз. Тўғриям қиласиз. Аммо битта нарсани билиб қўйинг, шуни айтгани келдим. Мен ўша бемазагарчилик ўлгурри қасддан қилганмасман. Қанақа ўчим бўлсин сизда? Мени мажбур қилишди. Қўлимга бир даста пул тутқазиб, дўконингдаги кам-кетикдан қутул, дейишса, чиппа-чин ишонибман. Айтганларини қилдим. Кейин шарт қўйишди. Қаттиқ қистовга олишди... — У оқ сумкачасидан рўмолча олиб юзига босди. Ҳўнграб юбормаслик учун оғзини беркитди. Қўллари қалтирар, боши аста силкинар, нозик елкалари учарди.

Камолиддин уни юкатишни ҳам, бирон сўз айтиб кўнглини кўтаришни ҳам билмасди. Биров кириб қолмасин-да, ишқилиб, дея хавотирга тушарди.

— Кўй, куйинма кўп, — деди у ниҳоят. Аёлнинг елкасини силаб эркалатиш учун беихтиёр узатган қўлини шу заҳоти яна тортиб олди. — Атайин қилмаганингни билардим...

— Билсангиз, нимага бир бора келиб, шунақа бўпти, демадингиз, уришмадингиз, таъна қилмадингиз? Ашурали отлиқдан чўчидингизми ё? Минг лаънат унга! Умрим охиригача қарғаб ўтаман. Ҳаммасига кеч тушундим, жуда кеч!.. Яшшамагур, менга бир иш топшириб кетганди.

— Мени яна бадном қилишними?

Аёл сесканиб тушди:

— Қаёқдан билдингиз?

— Шундан бўлак қанақа иш топшириши мумкин?

— Бир даста суратни палон-палон жойларга юборасан деб, конвертга солиб, адресини ёзиб берганди. Хўп дедим-у, почтага обормадим. Ҳаммасини терговчига топшириб, шунақа-шунақа деб, барини ипидан-игнасигача айтиб бердим. Йўқ, чўчима-манг, сизни ичириб, ширакайф қилганим учун шундай бўлди, дедим. Аслида Камолиддин ака тоза одамлар, дедим. Ўша кунги ичкиликнинг кучи қанақалигини билардимда. Ман-ман деганни ҳушидан оғдириб қўярди. — У ўрнидан турди. — Шуни айтгани келгандим. Иложи бўлса... кечиринг... Ўтиниб сўрайман, кечиринг!..

— Кечирмасам-чи?

Аёл елкасини қисди.

— Иложим қанча... Умр бўйи ўзимни қарғаб ўтаман унда,

— Кечирсам-чи?

Аёлнинг қизарган кўзлари жиддий боқарди.

— Кечирсангиз ҳам, кечирмасангиз ҳам қарорим битта. Энди Шаҳриободда ту-ролмайман. Кетаман.

— Қаёққа?

— Андижонга, қизимнинг ёнига. Дўконни топширдим. Ўша ёқларда ўзимга лойиқ иш топилиб қолар. Жуда бўлмаса, далага чиқиб кетмон чопарман. Менга ўхшаган аёлларнинг тирикчилиги бир чиройлик ўтяпти-ку, очимдан ўлмасман...

Камолиддин сумка ушлаб турган нозик қўлларга қаради. Умрида кетмон ушламаган одамнинг далада чолиқ қилишини кўз олдига келтирди-да, мийғида кулди. Дарвоқе, яқинда ким ҳақидадир худди шундай фикр келмаганмиди миясига? Ким ҳақида-

лиги эсида йўқ. Э-ҳа, отаси айтиб берган эди-я... Жамол полвон уйқуси қочиб, ярим кечада ташқарига чиқса Ҳисомали ҳовлисида кетмон чопаётган эмиш. Нима учун келиб-келиб ярим кечада? Умрида қўлига кетмон олмаган одам-а? Бу бежиз эмас...

Камолиддин бутун кучи билан кўнғироқни босди. Котиба шошиб кирди.

— Прокурор билан уланг! Тошкентдан келган терговчини сўроқланг... Йўқ, майли, ўзим кўнғироқ қиламан! — Шу заҳоти гап бўлингани учун Гўзалдан узр сўрамоқчи бўлди-да, унга қаради. Бироқ Гўзал ўтирган курси бўм-бўш эди. Кабинетдан қачон чиқиб кетиб улгурганига ҳайрон. Аммо ачинмади. Содиқжонга кўнғироқ қилди. — Янгилик бор, жуда муҳим янгилик... Ўзингизда бўласизми? Ун дақиқада етиб бораман.

— Узим борсам-чи, ёнингизга? Ярим соатлардан кейин қўлим бўшайди. Айтмоқчи, сизга янгилик бор: Бозорали ака оқланиб, қайтиб келяпти. Утган куни тонгда йўлга чиққан. Бугун етиб келади. Кўплашиб кутиб олишингиз керак. Ҳа, шундай қилинглар, Камолиддин ака. Бунинг аҳамияти бор.

— Хўп, шундай қиламиз, — баттар ҳовлиқди у. — Бу... бу жуда жойида!.. Кўнгилдагидай кутиб оламиз, жигар, хотиржам бўлинг.

III

Жамол полвон эрта баҳор тоқларни бир текис тараб, ишқомга тортган эди. Ҳозир ёра туккан пайт. Шапалоқ-шапалоқ баргларнинг қуюқлигидан ерга тангадай офтоб тушмайди. Демак, хомтоқ қилиш керак. Бағри очилган тоқ оралаб шабада юради, кун тиғи новдаларни пиширади.

Жамол полвон боғдорчиликда кўзи пишган Фармон чолни ёрдамга чақирди. Бир-галлашиб, ишга тушиб кетдилар.

Қозонда шўрва қайнайди. Пўлатой тандирдан бир сават нон узиб келиб, айвон лабидаги дастурхонга ёймоқда. Ундан таралаётган иштаҳа қўзғовчи ҳид бутун ҳовли бўйлаб кезиб юрарди.

— Эркаклаган шохларини шартта-шартта кесиб ташлайверинг, — уқтирди Фармон чол қўллари барглар ичида чаққон ҳаракат қилар экан. — Ундан фойда йўқ, ҳосилдор шохларнинг кучини зулукдай сўриб олади.

— Қизик, — ҳазилнамо жавоб қилди Жамол полвон, — одамнинг эркаги бошқа-ю, наботот дунёсида бошқача экан-да, Фармонбой?

— Локигин одамзод эркакларининг ичида ҳам ишламай тишлаш пайига тушган текинхўрлари топилади. Ундан зиён борки, қатра наф йўқ.

— Ҳақ гапни айтдингиз, биров бели букилиб, тер тўкиб, ҳалол ишлаб ҳалол ейди, биров...

— Бели оғримай нон еганларнинг ҳоли нима кечди, кўрдингиз-ку. Кўпнинг ризқ-насибасига чанг солган Ашурвой билан Ҳисомбойнинг бурнидан булоқ чиқди. Ҳар бирига камида ўн беш йилдан беришармиш-а, ростмикин?

— Қўяверинг, ҳар ким феълидан топади.

— Жабр-жабр, болаларига жабр. Бояқишлар дунёга келиб, нима кўрдию нимага эришди? Фалончининг ўғли, писмадончининг қизи, деб, қўли билан кўрсатадиганлар ичида қандай бош кўтариб юради энди? Ёмон отли бўлгунча, яхши аталиб ўлган яхши, дейдилар.

— Бу гапингиз ҳам ҳақ, Фармонбой, Мўтабар ҳожини олинг, мана, ишқмаслик орқасида яхши ном орттирдимми? Бутун умри текинхўрликда ўтди. Ҳали айтганингиздай, бошқаларнинг ризқини зулукдай сўрди, қинғир йўллар билан бойлик орттирди, охири нима бўлди?

— Ўзидан кўрсин, ноҳақ ишга ривож йўқ, дейдилар.

— Шунақа дейсиз-у, бир маҳаллар ўзингиз ҳам ихлос қўйиб, Мўтабар ҳожи деса, оғзингиздан бол томарди-а, тақсир?

Фармон чолнинг уни чиқмай қолди. Анчагача тоқнинг толим-толим ёйилган нозик новдалари орасига бошини суқиб, юзини кўрсатмади.

— Қийишқ дарахтнинг кўланкаси ҳам қийишқ,— Жамол полвон Фармон чолни андак хижолатга қўйганлигидан афсусланиб, гапини андавалашга ўтди.— Асли насаби бўли ўтган ёриллигини қилади-да. Нафси бузуқ ҳайитда ўлар, деганларидай, елканни кенг ёйиб сафарга отланган маҳалда тумшуғидан илинибди-ку, яшамагур!

— Ё алҳазар, саёқ юрганнинг таёқ ейиши шу-да. Мулкиям етти пуштига етадиган бўлса керак-а, ўзига юқмабди-ку? Ростдан қўлга тушибдими-я? Қаёқдан билдингиз?

— Ўғлим шунақа деб қолди. Анов терговчи Содиқжон хабар топиб келганмиш. Бари ёмон иллатларни бир ёқлик қилишга астойдил киришган-ку, у. Умридан барака топсин, хўп ишбилармон йигит экан. Қанча-қанча лойқа сувларни тиндирди-я...

— Камолхон ҳам бўш келгани йўқ, анча ёрдам қилди чамамда. Мана энди заводга ўзи бош. Ҳамма ишни жой-жойига қўйиб, жўнаштириб юборганидан барчанинг муроди ҳосил. Чумчуқ сўйсаям қассоб сўйсин, деганлар. Ишнинг кўзини биладиганнинг садағаси кетсанг арзийди.

Шу гапнинг устига дарвоза очилиб, Камолиддин, Содиқжон, Отажон олдинмакейин кириб келишди.

— Ассалому алайкум, ҳорманглар, отахонлар! — дея енгил ҳазил қилди Содиқжон. — Иш деса аршу аълога чиқиб олар экансизлар-да, а? Қариганда ҳам ҳеч бекор ўтирмас экансизлар-да. Юракдаги ўт тинчлик бермаяптими?

Қариялар меҳмонларни кўриб, нарвондан тушишди-да, бирма-бир кўришиб чиқишди.

— Ут бўлмасаям, яллиғи бор-да, Содиқжон, — дея ҳазилга ҳазил билан жавоб қилди Жамол полвон. — Сиздақа азаматлар катта-катта ишларни қиёмига етказганда бизлар ҳеч бўлмаса майда-чуйдаларни тинчитиб турайлик. Қани, хуш келибсизлар.

— Келиб, ишни белига тепдикми?

— Ҳечқиси йўқ, ўз оёғи билан келган меҳмон — отангдан улуғ. Шамол юрса, қари толларнинг эркалиги тутаркан. Келганингиз яхши бўлди, биргалашиб ҳордиқ оламыз...

Ҳаммаёқ бесаранжомлиги туфайли Жамол полвон қаерга ўтирсак экан, дегандек ўйланиб турганда, келини:

— Айвонга жой қилганман, — деди.

Камолиддин пойгакроқдан жой оларкан, Содиқжонга маъноли қараб қўйди. Ҳовлиқмай туринг, деган ишорасидан кейин ўзини босди. Отажоннинг кўз қарашига эса елка қисиш билан жавоб берди. Жамол полвон, уларнинг ўзаро имо-ишораларида бир гап борлигини сезган бўлса ҳам, ўзини билмаганга олди. «Барибир ёриласанлар», дея фикр қилди ичида.

— Ҳовлини гулдай яшнатиб юборибсиз-ку, ота? — гап қотди Содиқжон иссиқ нонга қўл узатиб. — Ҳовли-жойингиз қайта қўлингизга ўтганини нишонласак бўлармиди?..

— Ошдан қочмаймиз, иним, — бўш келмади Жамол полвон. — Яқин-ўртада тўнғич неварамиз ўқишни битириб келса, шунақанги тўй-томоша қилиб берайки... Шу ерда бўлсангиз, ўзингиз бош бўласиз.

— Бош эмас, хизматда бўламиз, отахон!

— Балли, юракдаги тилак-армоним шу энди, кўзим очиғлигида Бахтиёржоннинг бошини икки қилиб қўйиш.

Чойдан сўнг шўрва тортилди. Ёз зийнати — серпиёз қайнатма шўрвага иссиқ нон тўғраб ҳузур қилишди. Содиқжон билан Камолиддин яна имо билан бир-бирларига тикилишди. Отажон ўрнидан кўзғалиб, ҳовлига тушди. Камолиддин ишора қилган жойларни кўздан кечирди. Ҳовли беткайидаги райҳонлардан ҳидламоқчи бўлиб, кетмон теккан ҳар бир қарич ерни синчковлик билан кузатди. Бироқ ҳеч қандай шубҳали нарса топмади. Қайтиб келиб ўрнига ўтираркан деди:

— Қўлингиз дард кўрмасин, ота, чирмовиқгул ёнидаги кафтдай жойдан камида ярим тонна помидор оласиз ҳали.

Отажон мўйловнинг ишорасига Содиқжон ҳам, Камолиддин ҳам дарров тушунди. Ўша ерни кавлаш керак. Бироқ «ярим тонна» ҳосил ундириладиған экинзорни нобуд қилиш увол. Бу ёғи қандай бўларкин?

— Тилингизга шакар, Отажон, — нимадандир гумонсирагандай бетоқат бўлди Жамол полвон. — Қанча ҳосил олиш-олмаслигимни мўлжаллаганим йўқ. Борига бозор, ебичишга етса бас.

— Мен ҳам шуни айтяпман-да, — нияти холислигини билдиришга уринди Отажон. — Шунақа рўзгорбоп нарсалар ўзингдан чиқиб турганига нима етсин, бозор-учарга югурмайсан, кўнж-қўшнига зориқмайсан. Ерингизни шунчалик эпқага келтириб олганингизни айтмоқчийдим. Камолиддин ака бирда, ҳовлимиз метиндан баттар, дегандилар.

Камолиддин темирни қизиғида босиш кераклигини сезиб, чаққон гапга аралашди:

— Отамни мақтаворманг, ўртоқ лейтенант, у жойни эрта баҳорда Ҳисомнинг ўзи чопиб, тагини бўшатиб қўйган.

Жамол полвон кулди.

— Бе, болам-а, Ҳисомингнинг кетмон чопгани қаёққа борарди. У ер-бу ерни тата-лаб-тимдалаб қўйишни ер чопиш дейиладими? Ундан кейин қанча ёғин ёғиб, ерни шиббалаб ташлади-ю... Узим эпқага келтиргунча белдан ажрай дедим.

Содиқжон кўрпачага ёнбошлаб олиб, эҳтиётлик билан арқон ташлади:

— Сирасини сўрасам, айбга буюрманг, ота, мабодо ёмби-помби топилмадимми?

Унинг кулиб айтган гагини ҳазилга олган чол соддалик билан жавоб қилди:

— Оббо, болаларим-эй, ёмби топсам оёғимни чалиштириб ўтирармидим? Давлатга топшириб, эвазига мукофотини олмайманми? — Бирдан эсига нимадир келгандай сўзида таққа тўхтаб қолди. «Ҳа, ёрилдинг-ку, — дея мамнун кулди ичида, — ҳали гап бу ёқдами? Мақсадларингни рўй-рост айта қолмай, гапни олисдан бошлаб келаётганмидиларинг? Вой, анойилар-эй!» — Йўқ! — деди кейин кескин, — Ёмби чиқмади. Ерга гўнг солдим, ўғит селдим, уч-тўрт марталаб ағдарганман. Ёмбини бунақа жойга кўммайди.

Чолни хафа қилиб қўйдим шекилли, деб хавотирланди Содиқжон. Ўрнидан туриб ўтирди-да, ўзини оқлашга уринди:

— Бизни кечиринг, отахон, сиздан шубҳаланаётганимиз йўқ. Масала шундаки, ўша

сиз эслаган одам ўн икки миллион сўмга тенг хазинаси борлигини судда бўйнига олмай тоняпти.

— Ўн икки миллион?

Ҳаммалари Ҳисомалининг хазинаси борлигини билардилар-у, унинг қанчалиги билан қизиқмаган эдилар. Жамол полвон кўзини чирт юмиб олди, Фармон чолнинг оппоқ қуюқ қошлари бири паст, бири баланд бўлиб, кўзлари ола қараганча қотди. Отажон мўйловнинг мурти учини чимчилаб бурашга кўтарилган бир қўли ҳавода муаллақ туриб қолди.

— Ҳа, ўн икки миллионга тенг, — такрорлади Содиқжон хотиржамлик билан, — биз уни топишимиз керак. У шу ерда, шу район территориясидан нарига чиқмаган.

— Аммо менинг ҳовлимдамас! — қатъий ишонч билан таъкидлади Жамол полвон ўзига келиб. — Бошқа ёқдан қидиринглар. Ҳисом деганингиз бойлигини еру кўкка ишонадиганлардан эмас.

— Тўғри айтасиз, — ҳовлиқиб луқма ташлади Фармон чол. — Улғудай зикна одам эди у.

— Қаёққа яширганини аёли билармикин?

Содиқжон бошини сарак-сарак қилди:

— Хотини билмаслиги аниқ.

— Ўзиминан олиб кетгандир? — яна ҳовлиқди Фармон чол.

— Қаёққа? Москвагами? Уша ерда қўлга олинган-ку? Уғлини даволатиб қайтиб келишига ишонган. Қўлга тушиши ақлига ҳам келмаган ҳатто. Демак, бойлигини шу атрофга, ишончли жойга яширган. Буни кўнглим сезиб турибди.

— Менинг ҳам! — қўшилди Камолиддин.

— Худди шунақа сезги мендаям йўқ эмас, — қўшилди Отажон мўйлов. — Узоққа олиб кетмаган.

Содиқжон маънодор йўталди.

— Шундоқ ҳам қидирувни чўзганимиз учун Тошкентдан дашном эшитмоқдамиз, — кутилмаганда кескин тусга кирди у. — Кечирасиз, отахонлар, биттангиз шу ҳовлида Ҳисомали борлигида ҳам бот-бот бўлиб тургансиз, биттангиз яқиндан бери... Аввалроқми, шу орадами бирон ўзгариш сезмадигизми? Масалан... девор-певордами, қазноқ, ошхона ичида ўйилган, нураганга ўхшаш...

Фармон чол атрофга аланглаб қўйди. Кейин елка қисди:

— Мен ҳеч қанақа ўзгаришни кўрмадим.

— Менгаям сезилгани йўқ, — деди Жамол полвон. — Бу ҳовлига кўчганимиздан бери шу атрофдан ҳеч ёққа жилмай, куйманганим-куйманган. Девор-тошга қарайман, ер чопаман, эгат тортаман, кўчат экаман...

— Биргалашиб ток тарадик, — қўшиб қўйди Фармон чол. — Мана икки кундан бери хомток қилмоқдамиз... Ҳаммаси жойида. Яхши бир ҳусайни узум бориди, қуриб қопти, кесиб ташладик.

— Нимадан қурийдими, совуқ урганмиди?

— Совуқ урадиганмас, узумлар бари аймоқи.

Отажон юзини ҳовли томон буриб, кескинроқ оҳангда яна сўради:

— Унда нимадан? Сабабини билиш қийинми шунчалик?

Иккала чол ҳайрон боқди.

— Ўйланглар, ўйланглар! — шовилтирди Содиқжон ҳам.

— Нимадан бўларди... — талмовсиради Жамол полвон, — илдизига заҳа етган бўлиши мумкин... Яна...

— Ҳа-я, — шошиб қолди Фармон чол, — эсингиздами, Жамол полвон, ростданам ток тарашлагани кирганимда тагидан суви чиқиб ётибди девдингиз. Ток заҳа еса йиғлайди, ёш тўка-тўка, танасида нам қолмагач, қурийдими охири.

— Дарвоқе, шунақа бўлувди.

Ўтирганларнинг ҳаммаси баробарига сергакланди.

— Нимадан заҳа ёйди, илдизига биров тегмаса, кавламаса?

Жамол полвоннинг кўзлари пирпиради.

— Тегиш, кавлаш шартмиди? Ҳа, рост-а... — чол чакқон туриб кетди-да, икки-уч қадам ташлаш билан ҳовлига тушди. Бошқалар ҳам орқасидан юрдилар.

— Келин, — дея қичқирди қайнота, — молхонадан кетмонни олиб чиқинг, тез!

Бирпасдан кейин бири бел, бири кетмон уриб, Жамол полвон кўрсатган жойни кавлай бошлади. Бир ярим метрдан сўнг кетмон қирраси қаттиқ нарсага урилди. Кейин ғижирлади. Яна бир оздан кейин эса занглай бошлаган темир қопқоқ кўринди. Бу — сут сақланадиган бидон эди.

— Тўхтанг! — қичқириб юборди Содиқжон, — қўни-қўшнилардан бир-иккитасини гувоҳликка чақирайлик. Сиз, ўртоқ лейтенант, прокурорга кўнғироқ қилинг. Йўқ, ўзим. Телефон қаёқда?

Камолиддин ичкарига чопиб кириб, телефонни дараза орқали унга узатди. Содиқжон трубкани ўнг елкаси билан қулоғига босганча, иккинчи қўли билан рақам тера бошлади.

Эрталаб поезд келишини билиб олган Камолиддин бош инженерни ўз олдига чақирган эди.

— Беш-олти нафар бўлиб Бозорали акани кутиб олишимиз керак,— деди.— Вокзалга чиқадиغانлар ичида ёшлар ҳам бўлсин, гул олишни унутманглар. Ҳа, айтмоқчи, Бозорали аканинг уйидан борадиغانларга машина зарур бўлса топдириб беринг.

Аъзамжон ҳар бир цехга кириб, биттадан, иккитадан вакил йиғар экан, хоҳиш билдирганларнинг сони ўн бештага етиб қолди, ўзи билан ўн олти, Камолиддин билан ўн етти киши. Шунинг учун кўп ўринли автобус зарур. Бозорали аканинг бола-чақалари учун «РАФ» машинасини жўнатди.

Айтилган маҳалда йиғилган одамларнинг қўлида даста-даста гул, айримлари байрамга тараддуд кўргандай ясаниб-тусаниб олган эдилар. Фақат Камолиддингина ҳеч қаердан топилмасди. Котиба қиз эрталаб Содиқжон билан телефон орқали гаплашиб, ўша заҳотиёқ нафаси бўғзига тиқилгандай ҳовлиққанча чиқиб кетганини айтди. Бош инженер прокурорга, райкомга телефон қоқди. Бирор ердан дараги чиқмади. Вақт эса кутиб турмайди. Поезд келишига етиб бориш керак! Акс ҳолда тўйдан кейин ноғора қоқишнинг фойдаси йўқ. Хуноб бўлиб, боши қота бошлаган маҳал Карим қийқириқдан маслаҳат чиқди:

— Таваккал қилиб, уйи томондан ўтмаймизми? Кўнглим сезиб турибди, ашағдан топамиз.

У ҳақ эди. Камолиддинни уйидан топдилар.

— Бўлинг тез,— дея шовилтиришди дарвозани очган Камолиддинга.— Бир машина бўлиб кутиб турибмиз.

Камолиддин Содиқжонга қаради:

— Майли, сиз бораверинг,— рухсат берди прокурорга телефон қилиб улгурган Содиқжон ҳам.— Хайрли ишнинг белига тепиб бўлмайди.

Кўчага чиқдилар. Отажон мўйлов ҳам эргашди. Кўча беткайидаги машинага ўтирганлар уларни кўрибоқ гур этиб туришди. Кўпдан таниш-билиш бўлиб, қадрдонлашиб қолган Содиқжон, ундан кейин Камолиддин ва бошқалар билан қўл беришиб сўрашишди. Қуёш қиздириб турарди. Шунинг учун кўпчиликнинг юзларида тер резалари йилтилларди.

— Афсус, ишим ошиғич,— деди Содиқжон,— Бозорали акадан узр сўраб қўясизлар-да...— Сўнг Камолиддинга юзланди.— Бу ёқдаги ишларни ўзимиз охирига етказамиз. Прокурорликдан ҳам бир одам келадиган бўлди. Гувоҳлар етарли. Ҳа, ҳа, бораверинг, бу ёғи жойида...

У Камолиддин билан хайрлашиб улгурмаган эди, тўсатдан милтиқнинг варангланган овози эшитилди. Ҳамманинг кўзи аланг-жаланг. Яқин-атрофда милтиқ отганининг қораси кўринмайди. Содиқжон беихтиёр қайрилиб Камолиддинга юзланди. Ҳозиргина жилмайиб турган суҳбатдошининг ранги қув ўчган эди. Кўзлари ногаҳон бўғма илонни кўриб эхонаси чиққан одамнинг кўзларига ўхшарди. Хиёл кўкарган лаблари сунъий илжайиб, бир томонга сал қийшай бошлади.

— Нима... бўлди?— дея шивирлади ҳазин бир оҳангда.

Воқеани тушунган Содиқжон шошиб унинг икки елкасидан тутиб қолмаганда, ерга муккасидан тушар эди.

— Камол ака!— деди Содиқжон ғайритабиий овозда. Кейин бақрайишиб қолганларга юзланди.— Келсанглар-чи!

— Ақлини йиғиб улгурганлар чаққон келишди-да, Содиқжоннинг қўлида осилиб қолган Камолиддинни тиклашга уринишди.

— Ё... ётқи-зинг...— деёлди Камолиддин ингроқ товуш билан.

Уни дарвозага яқин йўл бўйига ётқизишди. Қадди ерга тегар-тегмас Камолиддин кўзини юмди.

Жамол полвон ичкаридан ҳаллослаб чиқди-да, бақрайганча ўғлига қараб қолди. Шу заҳоти дод деган аёл овози ҳаммаёқни бузди. Пўлатой югуриб чиқиб, ўзини ча-лажон эри устига ташлади. Жамол полвон ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди.

— Болагинам!.. Болагинам!— дерди у ўкириб.

Нима гаплигини билиш учун югуришиб чиқишган икки неварасини алдаб-сулдаб ичкарига қайтардилар. Кимдир уларни алаҳсита бошлади.

— «Скорий»га телефон қилинг!— деди Содиқжон Отажон мўйловни қидириб. Лейтенант одамлар орасида кўринмасди. Унинг ўрнига бошқа биров жавоб берди:

— Қўнғироқ қилдим, ҳозир келади...

Жамол полвон ўғлининг бошини кўтариб бағрига босди. Энтикканча юзини мурданикидай оппоқ юзга қўйди. Камолиддиннинг кўксидан сизиб чиққан қон кексанинг қўлларини ол рангга бўяди. Буни кўрган Пўлатой сочларини юлиб, тиззасига ура-ура додлай бошлади.

Теваракка одам тўлиб кетди. Шундан кейингина кимдир:

— Кўчада ётмасин, ҳовлига олиб киринг!— деди.

Камолиддинни тўрт кишилашиб, эндигина кўлга олган эдиларки, бутун маҳаллани бошига кўтариб қийқирганча «Тез ёрдам» етиб келди. Авайлабгина замбилга солдилар.

— Узим бирга бораман,— дея Жамол полвон машинага чиқиб олди. Пулатойни болалари ёнида қолдирдилар. «Тез ёрдам» физиллаганча кетди. Мотамсаро қиёфада қолганлар бошларини қуйи эгганча, рўй берган ҳодисанинг тагига етолмай, сукутга толдилар. Содиқжон эса телба янглиғ у ёқдан-бу ёққа юғураб, Отажонни қидирарди.

— Лейтенантни кўрмадингизми?— сўрарди учрагандан,— Отажонни?..

— Отажон ака ҳозиргина шу ерда эди-ку... Қаёққа йўқола қолдийкин?

— Қаранг, ахтаринглар... Шу атрофда... Узоққа кетмагандир?

Биронта ҳовлига кириши мумкин эмас эди. Кирса, биров кўрдим дерди. Энг яқин ҳовли Ашуралиники, аммо унинг дарвозаси берк. Жинойткор судланиб, мол-мулки мусодара қилингандан кейин хотини, ўғли қаёққадир ғойиб бўлишган, дарвозага елим суриб, муҳр босиб қўйилган эди.

Содиқжон Камолиддиннинг ҳовлисига кирди. Ҳовли мотам тусида. Аёллар дод-фарёд кўтариб сочини юлаётган Пулатойни юпатиш билан овора. Фармон чол йиғламоқдан бери бўлиб, мункайганча айвон лабига ўтириб қолган. Ҳисомалининг бойлиги яширинган жой чала очилганча ётарди. У билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ёнгиналарида шундай ҳазина борлиги биронталарининг эсига ҳам келмасди...

Бу пайт кўча муюлиши томондан кимнингдир аянчли ғиншиган, кимнингдир ўшқиргани эшитилиб қолди. Кўп ўтмай, лейтенантнинг забардаст қиёфаси кўринди. У мушук боласи сингари шумшайган Маратнинг гарданидан тутганча судраб келарди. Иккинчи кўлида қўштиғ милтиқ.

— Мана, қотил, ўртоқ терговчи!— деди у Содиқжонга яқинлашиб.— Анов борганимизда Мўътабар ҳожи майдонида изғиб юрганини кўргандай бўлувдим. Думини тутқизмай қочиб қолганди. Нима ёмон нияти бўлиши мумкин, деб эътибор қилмагандим. Сизнинг қасдингизда юрган экан, баттол!

— Бу сафар ҳам мўлжалдан адашибди-да,— деди ўзига аталган ўқ Камолиддинни йиқитганини англаб Содиқжон.— Қаёқдан туриб нишонга олгандинг, доғули? Марат жавоб ўрнига думи босилган илон сингари вишиллаб, икки-уч бор буралиб қўйди.

— Томидаги мўри орқасида пойлаб ётган экан,— деди Отажон.— Терговчини гумдон қилмоқчийдим, ўқим Камол акага тегишини туш кўрибманми, дейди. Нима қилай буни, ўртоқ терговчи?

— Ёмоннинг қораси ўчгунча яхшининг сираси панд ейди, деб шунга айтадилар-да. КПЗга қаманг. Узим сўроқ қиламан!

— Эшитаман, ўртоқ терговчи!

Милиция лейтенанти қотилни физиллатганча олиб кетди.

Касалхонага ётқизилган Камолиддин оғир азоб чекарди. Жароҳати оғир бўлганидан неча бор ўлиб, неча бор тирилди. Отаси унинг олдидан жилмади. Ёр-биродарлари, ишчиларнинг кети узилмасди. Бироқ Камолиддин ҳаммани доғда қолдириб, касалхонага ётқизилганининг еттинчи куни жон берди...


ХОТИМА

Орадан кунлар ўтди. Хўжаликларда терим мавсуми қизғин. Дастлабки ҳосил завод сари тинимсиз ташилмоқда. Янги-янги ғарамлар қад кўтара бошлади. Ҳар цехда ўзгача сурон.

Лутфи холанинг қўли-қўлига тегмай қолган. Ҳисоботларнинг кундалигини-кунда машинкадан чиқариб жўнатиши керак. Доклад ортидан доклад ёзади. Графиклар тузади. Алламаҳалгача ишлайди. Кеча ҳам қоронғи тушганда қайтган. Шунинг учун ишга бугун кечроқ келди. У шошиб қабулхонага кирди-да, ҳанг-манг бўлиб, тошдай қотди: Сал қолса эс-хушини йўқотаёзди. «Тавба,— деди бир оз ўзига келгач.— Тушимми, ўнгимми?...» Унинг қаршисида дераза орқали завод ҳовлисидан кўз узмай Камолиддин турарди. Юқори ташкилотлардан келган қандайдир қоғозларни рўйхатдан ўтказаятган котиба Лутфи холанинг ҳолатини сезди-да, яқинроқ келиб қулоғига шивирлади:

— Камолиддин Жамоловичнинг ўғли — Бахтиёржон. Уқишни битириб, йўлланма билан заводга келибди!

Лутфи хола ўйларди: «Отасидан бир туки ўзгамас-а. Кийиниши, қўлини орқасига қилиб туришигача... бутун қиёфаси ўхшайди».



Ҳалима Аҳмедова

ОЙНИНГ СОЯСИДА ИСИНАР УМИД

* * *

Майсаларни тингла...

Жонингга ботмайди аччиқ тиканлар,
Воҳ, ошиққа ўшар телба илонлар,
Ойни беланчакка солар туманлар,
Майсаларни тингла...

Улар руҳ эркидан қилар башорат,
Бағрингда гуноҳлар айтур ривоят,
Сен ҳам туғилмайин ўқилган оят —
Майсаларни тингла...

Нозанин кунларнинг титроқ нафаси,
Елга сингиб кетган қалдирғоч саси,
Вой, дилим ташландиқ қушлар уяси,
Майсаларни тингла...

Севмоқ шарт эмасдур йиғлагин дардим,
Бу тун, мен, ғам деган қизга дил ёрдим,
Мендан сўнг юлдузга айланса гардим,
Майсаларни тингла...

* * *

Куй жоним...

Қорларнинг остида қолган,
Баҳорлар сасини туймаса кўнгил.
Сенга ваъда этган кунни бермаса,
Алдаб чарчамаган минг бир тун хижил.
Куй жоним...

Қалдирғоч тилида қолса,
Олис болаликнинг мунис овози.
Бағрингда тоғ каби ботиб кечса гар,
Қадим қаландарлар ҳассасин изи.
Куй жоним...

Ёр қаърини соғинса умид,
Маънос кўзларингда гулласа азоб.
Тунлар эшигингни дўстларинг эмас,
Бузиб кираверса безбет изтироб.
Куй жоним...

Ватанда Ватансиз қолган,
Дарбадар руҳингни ўраса қўрқув.
Моҳсиз кечаларда, само қўлингга
Тутқазса ич дея бир коса оғу.
Куй жоним... Нега куймайсан?

* * *

Хаёлчан қайғунинг сукунатида,
Қора сумбул каби гуллайди фироқ.
Бир юрак соғинчин кўтаролмасдан,
Ғамгин дарё каби тўлғонар қароқ.

Йўқол, руҳимдаги лаънати афсус,
Тўкил, бармоқларим ёпишган ҳаёт.
Ҳалима, мунглиғим, кўзларингни оч,
Биз энди учамиз, ўлим барҳаёт.

Руҳим мафтун бўлма, алдайди йўллар,
Лабингда музлайди дунёлар акси.
Сенинг кўзларингни куйдирар бир кун,
Зулматли ойдинда ажаллар рақси.

Сен — замин, бир ошиқ қўймаган қадам,
Сен — кўксан қушларнинг қаноти тегмас.
Сен — гўзал эртаксан тунлар тинглаган,
Минг бор ҳайдаса ҳам хаёлдан кетмас.

Ҳалима, титрама жасадингни ёр,
Учамиз, бошингда зангори дарё.
Ҳақ кунлар эшигин каттароқ очган
Ассалому алайкум, учинчи дунё!

* * *

Келма...
Оқшом чайнаб қўйди ойнаинг тилини,
Бемор осмон инграб қўяди сим-сим.
Ёлғизлик тун — жаллод, кундузи — сирдош
Дардим қабристонин топтамоқда ким?
Келма...

Мен жонимни йўқотиб қўйдим,
Ўғри хотиранинг халтасида у.
Юрак мазоримнинг қай бурчагидан
Алҳазар, қуйилар музлаган ёғду.
Келма...

Муҳаббатнинг қадим туманларидан,
Кафан бичиб берди мунаввар армон.
Биз кезган боғларнинг қўйнида танҳо
Недандир безовта титрайди хазон.
Келма...

Ёлғон бўсалардан оғрийди қалбим,
Мен қисмат фолини очмаган лўли.
Бир кун бу дунёдан кетарман нолиб,
Ёқамда севгининг алданган қўли.
Келма...

* * *

Хазон узилади...
Мунажжим туш кўрар фанони,
Чирқиллаб тўлади биллур паймона.
Юлдузлар қочади ўзга фалакка.
Чориғини кияр умр — девона.

Хазон узилади...
Манглайида ажин санайди осмон,
От бўлган тойчоқлар кишнайди узоқ.
Тун бўйи кимнидир кутган беванинг
Кўзларида сокин ўлади чақмоқ.
Хазон узилади...
Йиртилган чакмонин тикади замин,
Ямоғидан қолган из бўклим-бўклим.
Муқаддас нафасдан сесканган кўйи,
Қайгадир адашиб кетади кўнглим.
Хазон узилади...
Бир хушрўй саробга айланар умр,
Уфқ юрагига санчийди ханжар.
Емғирлар келади олис Ватандан,
Сенга бандаликдан бермоққа хабар.
Хазон узилади...

* * *

Кетаман...
Ургимчак уйида ухлар тафаккур,
Ғуноҳ ишқ даштига қилар сазойи.
Кўксингда осилган ғамгин шодликни,
Бадарға кўнгиллар ейди, худоей!
Кетаман...
Шўрхок хаёлларни ялайди шамол,
Ойнинг соясида исинар умид.
Совуқ юлдузлардан менга тикилган
Муҳаббат арвоҳи, энди сен ҳам кет!
Кетаман...
Жонимни бунчалар арзон сўрадинг,
Соғинч ипларидан тортилган эй дор?!
Айланма, фалаклар, йиғлама, осмон,
Менга ўз ғамимдан қазингиз мозор!
Кетаман...
Ибодат саҳроси — юрак безабон,
Майли севсанг, севгин ўзга аёлни.
Мен бу кеч ханжардай кўксимга санчдим,
Умрингдан ҳайдалган бадбахт хаёлни!
Кетаман...

Эллик тўққизинчи кеча

Бағримнинг қонидан кўкарса майса,
Хонишни чалганда, ушшоқни айтса,
Муғбачча қўлида май билан қайтса,
Мени тилаб олинг қушлар кўзидан!

Ёзилган сочимда йиғласа тунлар,
Руҳимдан ҳўпласа руҳи забунлар,
Кўзим найзасидан йиқилса кунлар,
Мени тилаб олинг қушлар кўзидан!

Ишқнинг саҳросида тупроқ ўлсам гар,
Кўнглим кезса телба итдай дарбадар,
Бол туюлса эрким тутқазган заҳар,
Мени кўмиб келинг қушлар кўзига!

Тўқсон тўртинчи кеча

Йилларнинг қаварган елкаси,
Жонимга ботади узун тун.

Узун туннинг эса парвойи фалак,
Қисматпараст юлдузлардай гунг.

Мен чайнаб тугатган умидлар каби
Қабр излаб кезган шамоллар ҳам жим.
Қўрқаман. Кафанни йиртиб, исмимни
Ҳозир чақиргудай аллаким...

Бир юз қирқинчи кеча

Осмоннинг кўзлари тўкилиб тушар,
Тупроқда эрийди узилган жонлар.
Муҳаббатнинг вайрон гўшаларидан
Адашиб чиқади қора туманлар.

Ташландиқ боладай тентирайди қалб,
Боғларнинг кўксига тўлар хазонлар.
Осмоннинг кўзини топтаб бир куни
Мени олиб кетар қора туманлар.


Биз ўтмишдаги ҳамма бузилишлар, хато ва жиноятларни қатъиян қоралаймиз ва улардан кескин воз кечамиз. Биз ўтмишимизни ва ҳозирги кунимизни ҳаққоний, холисона, танқидий таҳлил этишнинг қатъий тарафдоримиз. Биз босмачилик ҳаракати ҳақида бўлсин, коллективлаштириш, репрессиялар, турғунлик даврига оид бузилишлар ҳақида бўлсин — «оқ доғ»ларнинг бутунлай тугатилиши тарафдоримиз. Аммо албатта ҳар бир воқеани, аниқ тарихий шароитни ҳисобга олиб, бизнинг тарихимиз, ундаги ҳар бир қадам кекса авлодларнинг пешона тери билан ва қони билан сўғорилганини назарда тутиб шундай қилишимиз керак. Ўтмишимизни бошдан-оёқ қоралаш ота-боболаримиз хотираси олдида, фарзандларимиз ва набираларимизнинг маънавий соғломлиги олдида кечирилмас хато бўлур эди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг
партия XXII съездида Сиёсий маърузасидан

Халқимиз Марказий Комитет ва жумҳурият ҳукуматининг Навоий, Улуғбек, Бобур, Машраб, Фурқат, Қодирий ва халқимизнинг бошқа буюк фарзандлари юбилейларини ўтказиш тўғрисидаги қарорини жуда руҳланиб кутиб олганликлари бежиз эмас, деб ўйлаймиз. Уларнинг мероси Ўзбекистон халқлари умуминсоний қадриятларининг равнақи ва бойишига хизмат қилиб келган эди ва бундан буён ҳам хизмат қилади. Биз уларнинг бебаҳо меросини халққа, аввало ёшларга етказиш учун барча ишларни қиламиз.

Ҳозир партиямиз маданият, санъат арбобларининг ҳалол, ҳаққоний сўзига юксак баҳо бермоқда. Аммо ана шу сўз одамларнинг ақл-идроки ва кўнглига етиб бориши учун ҳали кўп иш қилиш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг
партия XXII съездида Сиёсий маърузасидан



Замира Эгамбердиева

АТИРГУЛ ЮРАГИ ЁНАДИ

* * *

Сиз менга шунчалар яқинсиз —
Узатсам қўлларим етарди.
Кўнглимни кўл қилдим тўлқинсиз,
У йўқса узоққа кетарди.

Кенг йўлда йўқолган сўқмоқман,
Ҳеч қачон тушмагай йўлингиз.
Аслида мен сиздан йироқман,
Бари бир етмайди кўлингиз.

Мен ўзим жабрини тортайин,
Бўғзимда қадалган суяксиз.
Бир марта рост гапни айтайин:
Сиз менга жуда ҳам кераксиз.

Анна Ахматовага

Бу дунёнинг қарғишларини
Ёлғиз ўзим тўқиганим йўқ.
Лом-мим демай ташвишларини
Олдим, унга дўқ қилганим йўқ.

Нопок йўлни супирай десак,
Чанг ичида қоламиз ёлғиз.
Кенг дунёга агар сиғмасак,
Бир қабрга қандоқ сиғамиз.

Ўлиб кўрдим неча марталаб,
Ер остида ғаним йўқ экан.
Сўнг тирилдим қайта-қайталаб,
Меникидан дарди кўп экан.

Сиёҳ қилиб кўзёшларимни,
Мен қоғозни қарз қилиб қўйдим.
Сизга берма дашномларимни,
Ўз кўнглимга арз қилиб, тўйдим.

Эртақларга йўргаклаб мени
Ухлатарди онам ҳар кеча.
Қаролигин сезмасдим туннинг
Ёруғ тушлар кўриб тонггача.

Юракдаги оловга ўхшаш
Ҳисларимни совутиб бўлдим.
Энди балки келмасмиз тўқнаш —
Мен ўзимни овутиб бўлдим.

Ўз бўйнимга сололма сиртмоқ,
Ўлдирсангиз — ўлай сўнги бор.
«Шеърят» деб аталган ирмоқ
Кўзёшимдан бўлдим безор?!

Зиёратга бораман ҳар тун
Усмон Носир кўмилган ғорга.
Унинг руҳи шод бўлсин учун —
Мен осилдим энг баланд дорга:

Хаёлимда, ҳар куни шундай
Ўзим учун аза тутаман.
Шеър ёзаман сўнг йиғлай-йиғлай —
Тирик руҳнинг қўлин тутаман.

Қарғишларни билсам-да ёддан,
Мен ҳеч кимни қарғганим йўқ.
Сўнги марта кечдим ҳаётдан,
Ёв кўзига қадалганим йўқ.

Мен ўзимни қуёш демайман,
Лек бағрини иситгум ернинг.
Йўқ, дунёга бошқа келмайман,
Умри узун бўлади шеърнинг!

* * *

* * *

Юрагимнинг дупири тинди,
Мен ўзимни қўлга оламан.
Сизни йўқлаб бормайман энди,
Узоқларга кетиб қоламан.

Қалб кафтида қайнаган ёшлар
Юзларимни куйдирди ёмон.
Сизга тегмас мен отган тошлар,
Ўтиб кетар, ҳаммаси ёлғон.

Ўтиб кетар, тегмас тошларим,
Яқинлашай десам — узоқсиз.
Тошдай бўлиб қотсайди бағрим —
Яшай олсам эди гуноҳсиз...

Бир дилгир ҳис билан ёғади,
Баҳорнинг энг сўнги ёмғири.
Атиргул юраги ёнади:
Шуми деб амримиз охири?

Гуллар ҳам чўчирми — саратон
Қуёшин нурига қонишдан!
Қамраса қалбини гар ҳижрон
Ҳайиқмай бўлурми ёнишдан!

Ёмғирмас — кўз ёшлар тахирдир,
Қўрқаман қуёшнинг қаҳридан.
Мендан ҳам шу гулга оғирдир —
Тиканлар ўсади бағридан...


* * *

Хаёлимдан бугун кечган
Туйғулардан кечолмаяпман.
Жоду билан кимдир бичган
Жумбоқларни ечолмаяпман.

Бу дунёда ҳамма гуноҳкор —
Севганлар ҳам, севмаганлар ҳам.
Кўзёшларим кетмасин бекор,
Савобларни кўрайлик баҳам.

Қуламайди осмон бари бир,
Ой узилиб тушмайди ерга.
Қандоқ қилиб ёзайин, ахир,
Муҳаббатим сиғмайди шеърга?!

Юлдузларнинг ёғдулари бор,
Гарчи қуёш энг катта гулхан.
Бу дунёда ҳамма гуноҳкор —
Севганлар ҳам, севмаганлар ҳам...



Шукур Содиқ

ЯШАДИНГ БЕТИМСОЛ САДОҚАТ БЎЛИБ

Тунда айтилган қўшиқ

Сочинг-тўлқин, кўксим-қирғоғинг,
Бағримда денгиздек тўлғона қолдинг.
Бойчечак эмассан, лекин умримнинг,
Кузида нега сен уйғона қолдинг.
Совуқ кунларимнинг иссиқ ҳамроҳи,
Гулимсан, бир умр ҳидлаб тўймаган.
Кўксимда тирилган Мажнуннинг охи,
Ўлиши муқаррар бўлиб ўлмаган.
Ўн тўрт кунлик ойсан, ёр, кучоғимда,
Осмон рашк қилдим кетди, қорайиб.
Бир култум сув бўлгин, ичай, руҳимда
Ишқинг илдиз отсин яна зўрайиб.

Бир култум сув бўлгин, севгилим!..
Кўксимда Ватан бор сувга тўймаган.
Сувиға тупурган каслар бор, гулим,
Ватанга муҳаббат қўйиб ўлмаган.
Ватан гуноҳсиздир, бизлар гуноҳкор,
Муҳаббат эрк талаб, озодлик талаб.
Севгилим, бизларда айт-чи нима бор?
Турибмиз ғанимга қуролсиз қараб.
Ишқ ўти пўлатдай тобласин бизни,
Токи, ҳимоясиз қолмас она-ер.
Бенарвон урамиз шунда юлдузни,
Сен менга бир этак лашкар туғиб бер!

* * *

Хиёнат мен сени кучоқларимда,
Гулдек эркаладим, севдим, севилдим.
Жирканч давраларни тарк этиб, сенинг
Бағрингга довулдек келиб қуйилдим.

Наҳотки, ҳаммаси ўхшайди тушга,
Наҳотки... қаҳқаҳа отаман кулиб.
Шунча йил сен менинг кучоқларимда,
Яшадинг бетимсол садоқат бўлиб.

Ахир, сен эмасми, чўккан вужудни,
Ботқоқдан қирғоққа етаклаб чиққан?
Ахир, сен эмасми, дилимдан ғамни,
Аритиб, кўксимда ишқ ўтин ёққан.

Ҳаёт, тўйиб кетдим найрангларингдан,
Нега ёрилмасдан гунг турибсан ёр?!
Сўнг бор сажда қилиб сўрайман дунё,
Менга ўғирланган поклигимни бер...

* * *

Мен сендан қочолмайман тўрт фасл аро,
Теграмда йил бўлиб елаверасан.
Қишни энгиб чиқсам, баҳорга интик,
Қаршимда ёз бўлиб келаверасан.

Сендан хатлар келар, табриклар келар,
Дилда қайта ёқиб умид — ёлқинни.
Йиллар қирғоқ бўлиб қайтариб турар,
Юрагинг қаърида турган тўлқинни.

Қўчаларга ташлаб келсам хаёлинг,
Тун бўлиб қучасан ёруғ хонамни.
Ой бўлиб фалакка чорлайсан нечун,
Йўлидан адашган мендай одамни.

Баъзан сукут бўлиб, баъзан ғам бўлиб,
Хаёлга нигоҳинг ташлайверасан.
Рухсиз вужуд билан билмам, табакай,
Ғузордан келолмай яшайверасан.

Эркам, бу дунёнинг дунёлиги шу,—
Тегрангда йил бўлиб елаверади.
Қишни энгиб чиқсанг, баҳорга интик,
Қаршингда ёз бўлиб келаверади.

Тарих музейида

Ота, тинчлик бермайди менга,
Чақиради қутлов чорловга,
Қонимдаги... Спитаменлар,
Оқ йўл тиланг менга, отажон!

Улар ёлғиз, улар енгилган
Енгилгандан ҳамма қочади,
Ким уларга бағрин очади,
Мен бормасам бўлмас, отажон.

Елиб борар довқур чавандоз,
Улуғбекми, Мангубердимми?
У ким, охир бошин бердимми,
Мен — чун, сен — чун, у — чун отажон?!

Э воҳ, йўқ-ку бошим менинг ҳам,
Қандай чиқиб кетай бу ердан?!
Огоҳ бўлдим даҳшатли сирдан,—
«Искандарнинг шохи бор экан!»

Чимилдик

Бу гўшага бир ой қамалган,
Тепасида юлдузлар йиғлар.
Менинг йиртиқ қалбим ямалган,
Бу гўшага бир ой қамалган.

Уни ҳар кун осмон соғинар,
Ҳижрон тутар юзига булут.
Хато қилдим дея оғринар,
Уни ҳар кун осмон соғинар.

Пар тўшаклар энди тикондир,
Сийнасида дарди тугунча.
Йиғлаб-йиғлаб ўтар ўлгунча,
Пар тўшаклар энди тикондир.

Қайтай деса энди йўли йўқ,
Чўзай деса афсус қўли йўқ.
Гўша совуқ, гўша гўристон,
Айтиб йиғлай деса тили йўқ.

Бу гўшага бир ой қамалган...

Тош битик

Қадрингга йиғлама,
Сабрингга йиғла!
Халқим, чархлайвергин ироданг кучин.
Хатто, ғанимларинг ҳавас қилмоқда,
Тегирмондан бутун чиққанинг учун.


* * *

Мана, юрагимни қўлингга олдинг,
Менинг ҳаётим ҳам сеники бўлди.
Энди йўлларингга соғинч-ла боқиб,
Аччиқ хотиралар меники бўлди.

Хотира — қалбимга босилган тамға,
Акс этар умримнинг қирраларида.
Билсанг, осмоннинг ҳам хотираси бор,
Қуёшнинг сўнгувчи зарраларида.

Бу кузак тунида сени соғиндим,
Соғинчим умримнинг ялдоси бўлди.
Юрагим нутиб юраклигини,
«Ноль уч»нинг қўрқинчли садоси бўлди.

Лаҳзалар умримни қилдилар тафтиш,
Ғарқ бўлдим қайғунинг уммонларида.
Хазонрез қўшиғи бошланди кузнинг
Рухимнинг ям-яшил ўрмонларида.



Меросимизни Ўрганиш

Бизга пинҳон, муаррихга аён мозий...

Шоир, таржимон ва тарихнавис олим Баёний туғилган куннинг 150 йиллигига

Ўзбек халқи олис ўтмишни ўрганиш, мозийни қайта кашф этиш йўлида муҳим ютуқларга эришди. Аммо турғунлик даврида тарихшунослик борасида ҳам қатағон этилган сарҳадлар, ёлғон ҳукмронлик қилган даврлар бор эди.

«...Биз ўз тарихимиздан шу қадар узоқлашиб кетдикки, — дея куйиниб ёзади шоир Хуршид Даврон, — болаларимиз 1873 йилда Хива қандай забт этилгани ҳақида умуман тушунчага эга бўлмагани ҳолда, 1812 йилги Москва ёнғини ҳақида керагидан ортиқ тафсилотларгача гапириб берадилар» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1989, 1 январь).

Худди ана шу — Хиванинг Чор Россияси томонидан забт этилиши ҳақидаги маълумотларни мужассамлаштирган, ҳар бири неча-неча тарихий романларга манба бўлгулик солномалар маданий меросимиз хазиналарида ўз тадқиқотчилари, адабий кашфиётчилари, ноширларига илҳақ. Бу асарлар нашр этилмагунча, 1873 йилдан 1914 йилгача бўлган тарихимиз авлодлар учун сирлигича қолаверади.

Хоразмда узоқ асрлар давом этиб келган шажаравий тарихнавислик бор. Бу чашманинг бошида Абулғози Баҳодирхон, Мунис, Огаҳийлар туради. Улардан қолган муқаддас тарих китобларининг қиммати жуда баланд. Урта Осиё тарихи билимдони В. В. Бартольд мазкур асарларга юқори баҳо бериб, уларгача бу қадар мукаммал тарих битилмаганини таъкидлайди.

Хоразм тарихнавислигининг йирик намояндаларидан бири Муҳаммад Юсуф Баёнийдир. Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий» ҳамда «Хоразм тарихи» номли асарлари Хоразм ва Урта Осиё халқлари тарихини ўрганишда жуда нодир манбадир. Баёний ўз салафлари изидан бориб, баъдий ижод билангина шуғулланиб қолмай, Мунис ва Огаҳий яратган тарихий асарлардаги воқеаларни қайтадан ёзди, тўлдирди, ўз даври воқеалари асосида тарихнинг янги саҳифаларини бунёд этди.

Илмга «Шажарайи Хоразмшоҳий»нинг иккита қўлёзма нусхаси маълум. Биринчиси 1913 йилда кўчирилган. У ЎзССР Фанлар Академияси Қўлёзмалар институтининг қўлёзмалар фондида 274-рақамда сақланади. Ҳажми 517 varaқ.

«Хоразм тарихи» муқаддимасидан маълумки, асар Хоразм инқилобидан сўнг ёзилган: «Энди бу кенгчилик ва фаровон замонда, Хоразм халқи золимларнинг зулмларидан мутлақ қутулдилар ва озод бўлдилар. Энди тинчлик билан бу китобни аввалдан бошлаб ёзаман. Ундаги хонларга хуш келадиган ортиқча сўзларни, хушомадгўйликларни олиб ташлаб, золимлардан кўрқиб айта олмаган сўзларни ростлик билан ёзаман». Баёнийнинг ўзи таъкидлашича, «Хоразм тарихи» 16 бобдан иборат бўлган. Афсуски, асарнинг 8 бобигина бизгача етиб келган, холос. Ҳажми 91 varaқ. У ЎзССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 7421-рақамда сақланади.

1911 йилда бошланиб, 1913 йилда ёзиб тугатилган «Шажарайи Хоразмшоҳий» қўлёзмаси тўлиқ, яхши сақланган. Шунинг учун бўлса керак, тарихимиз тадқиқига бағишланган асарларда, кўпинча, «Шажарайи Хоразмшоҳий»га мурожаат қилинади.

Баёний асарларидаги маълумотлар ишончли эканига муаллифнинг ўзи қафолат беради: «Тарих китоби ёзишнинг бир шarti бор. Тарихий воқеаларни ёзувчи тарафдорлик этмасдан, бўлган воқеаларни ростлик билан баён этиши керак. Агар ростлик билан баён этмаса, унинг сўзлари ҳеч бир одамга маъқул бўлмайди» («Хоразм тарихи», 56—varaқ).

«Шажарайи Хоразмшоҳий»дан кўп олимлар илмий тадқиқот ишларида биринчи манба сифатида фойдаланишган, тарихчи олимлардан С. П. Толстов, Я. Ф. Фуломов, М. И. Йўлдошев, Т. Неъматов, Қ. Муниров бу асарнинг илмий аҳамиятини кўрсатишга ҳаракат қилишди. Асар ҳақида ЎзССР Фанлар Академиясининг муҳбир аъзоси М. И. Йўлдошев шундай ёзади: «Баёнийнинг асари фактик материалларнинг кўплиги ва воқеаларни изчил баён қилиш жиҳатидан Мунис ва Огаҳийнинг кўп

томли қўлёзмаларига нисбатан ҳам қимматлироқдир» (Хива давлат хужжатлари, II том, Тошкент, 1960, 23-бет).

Профессор Я. Фуломов Огаҳий ёзган тарихнинг Баёний томонидан қайта ёзилган қисми (1846—1873 й.) ҳақида гапириб, қуйдагиларни ёзади: «СССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланадиган Огаҳий асарларидаги маълумотларни Баёний маълумотлари билан солиштириб кўрганда катта тафовут йўқ, аммо Баёнийда учрайдиган ва диққатга сазовор баъзи бир маълумотлар тўлиқроқ бўлиб, Огаҳий асарларида мукамал эмас» (Я. Ф. Фуломов. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Т., 1959, 14—бет).

Бу асар тарих фанлари номзода Қ. Мунировнинг «Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари» номи рисоласида анча кенг таҳлил этилди. Унинг Урта Осиё тарихини ўрганишдаги аҳамияти маълум даражада ёритилди.

Ушбу қиёслар, баҳолар, «Шажарайи Хоразмшоҳий» нодир тарихий манба эканлигига далолатдир.

Асардан ўша давр Хоразм хонлигининг ички ва ташқи сиёсати, ўзаро феодал урушлари, тахт талашилар, уларнинг машум оқибатлари, булар туфайли халқ бошига тушган мусибатлар ҳақида кенг маълумот олиш мумкин. «Шажарайи Хоразмшоҳий»да Хива саройидаги тубан муҳит, бошбошдоқлик, амалпараст кишиларнинг разил қиёфаси маълум даражада фош этилади. Баёний Хива хонлигига чор Россияси юришларини тасвирлар экан, Кауфман, Головачёв, Скобелев каби чор жаллодларига нафратини, меҳнатқаш, жафоқаш халққа нисбатан хайрхоҳлиги, ачиниш туйғуларини ҳаётий тарзда очиқ ифодалайди. Шу пайтгача Россиянинг Урта Осиёга муносабати турлича талқин этиб келинди. Аслида, Урта Осиё Россияга тинч йўл билан қўшиб олиними ё Россия Урта Осиёни босиб олдики? Бу воқеанинг чинакам шоҳиди Баёний Урта Осиё «тасхир этилди» — забт этилди, бўйсундирилди, деб ёзади.

Хива хонлигининг Россия томонидан забт этилиши ҳақида «Ўзбекистон ССР тарихи» (7—8—синф) дарслигидаги «Ўзбекистоннинг Россияга қўшиб олиниши ва унинг прогрессив аҳамияти» бобида атиги 18 қатор маълумот берилган. Унда даҳшатли жанглар, қирғинлар олиб келган иқтисодий ва маънавий зарар, қайғу, халқ бошига тушган мусибат тўғрисида лом-мим дейилмайди. Аслида, бу босқинчилик ҳақида батафсил маълумот берилиши, тарих ҳаққоний ёритилиб, қайта баҳолиниши зарур.

XIX аср охиридаёқ В. И. Ленин Урта Осиё забт этилганлигини, мустамлака мамлакатга айланрилганлигини жуда тўғри таъқидлаган эди: «...Россиянинг қўлида Хива билан Бухоро бор, булар ҳам мустамлакага ўхшаган бир нарсадир...» (В. И. Ленин, Асарлар, 25-том, 15-бет). Ҳақиқатан ҳам, Хиванинг забт этилиши хон ҳукуматини кўп жиҳатдан чеклаб қўйди: «...Хива хонлиги Россиянинг вассали бўлиб қолди ва чет давлатлар билан мустақил муносабатлар олиб бориш ҳуқуқидан маҳрум этилди» (Ўзбекистон ССР тарихи, Т., 1974, 167-бет).

Тарих илмига бағишланган кўп китобларда ёзилишича, Россиянинг Урта Осиёни забт этишидан асосий мақсади ўлка бойликларини, хусусан, пахта майдонларини кўлга киритиш бўлган. Айниқса, Туркистон ўлкаси забт этилгандан кейин, пахтачилик янада кучайтирилди, кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириладиган ерларга ҳам пахта экила бошланди. Бозорларда нарх-наво кўтарилиб кетди. «Туркистон ўлкасида, айниқса, Фарғона водийсида пахтачилик кучайиб кетганлиги натижа-сида, озиқ-овқат ва ем-хашак экиладиган майдонлар камайди. Натижада, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошиб кетди. 1890—1894 йилгача бўлган давр ичида ғалланинг нархи 2,5 баравардан зиёдроқ кўтарилди» (Ўзбекистон ССР тарихи, 4 жилдлик, 2-жилд, 29—30-бет).

Оқибатда, оддий меҳнатқаш халқнинг аҳволи янада оғирлаша борди. Россия империяси, Хива мустамлакага айлангандан кейин ҳам, шафқатсизларча сиёсат олиб борди. Қарамликнинг бутун мусибатлари камбағал халқ бошига тушди. Оғир меҳнат, оч-юпунлик элнинг тинқасини қуритди. Ҳар хил солиқ тўлашлар (бу даврда ўлпонлар тури 25 тадан ошиқ эди), қирғин-баротлар юртни хонавайрон этди. «...Яна Русия аскарининг кафайи масорифи (армиянинг кейинги юришлари таъминоти — И. А.) учун Хоразм аҳолиларидин икки мелюн билан икки юз минг манот тазминот олмоққа қарор бердилар». Баёний ёзишича, бу солиқ халқ, айниқса, туркман қабилалари будишудини сотиб, ғариб рўзғори янада ночор аҳволга тушишига сабаб бўлди. Икки миллион икки юз минг сўмнинг «уч юз минг манотининг ямуддин олинмоқи муқаррар эрди». Бу катта маблағ ёвмут элидан тарих кўрмаган зўравонлик йўли билан ундирилган.

Маълум ёвмутлар билан рус аскарлари орасида суронли босқин жараёнида бўлиб ўтган мана бу мунозара ҳам тарихий жиноятнинг моҳияти, адолатсизлик қўламини ҳаққоний акс эттирган: «Ямутлар йиғлаб дедилар: «Бизларнинг не гуноҳимиз бордур?» Қазоқ отли 'деди: «Тазминотнинг адосида саркашлик этдингизлар». Булар дедилар: «Маблагнинг адосидин ожиз келиб муҳлат тиламак саркашлик бўлурму?! Муҳлат беринг, топиб берурмиз, деганнинг жазоси мундоқ бўлурму?! Ва сазиймизга сигмогон маблағни бизлардин талаб этарсиз, бизлар дам урмай топиб бермакка мутасадди бўлуб муҳлат тиласак, бизлар билан бу тарика муомала қилурсиз. Мундоф зулм дунёда ҳеч кишидин вокеъ бўлгон эрмасдур!..» (477б).

Бу сўзлар Кауфман бошлиқ чор зобитларининг Хоразмда олиб борган сиёсатига қарши халқ лаънати ифодасидир. Жоҳиллик ва зулмга асосланган сиёсатга қарши норозилик изҳоридир. Ёвмут элатига қилинган бу тажовуз бошқа маҳаллий халқларни ҳам ларзага келтирди. Чор жаллодларига итоат этишга мажбур қилди. Халқнинг бор бисоти таланди, шилинди.

Россия империяси Урта Осиё халқларининг эркин, инсоний ҳуқуқларини поймол қилиш, моддий бойликларини ўз тасарруфига тортиш билан қаноатланмай, маънавий мулкни ҳам талон-тарож этган. Муҳаммад Раҳимхон Арқда китоблар сақлайдиган махсус хоналар ажратган эди. «Кауфман келиб, Арқка кириб, тахти Хоразмшоҳийда ўлтургандан» кейин Хоразм хазинасидан

1 Рус казак отлиқ аскарлари назарда тутилмоқда.

2 Ленин В. И. ТАТ, 26-жилд, 119-бет.

3 Баъзи тарихий-илмий манбаларда Муҳаммад Раҳимхон сонийнинг ҳукмронлик даври (1865—1910) 45 йил кўрсатилган.

жуда катта бойлик Петербургга жўнатилади. Қимматбаҳо нарсалар билан биргаликда, хон алоҳида сақлайдиган 300 жилддан ортиқ нодир қўлёзма китоб ҳам Петербургга жўнатилади. Баёний бу маълумотларни ички бир таассуф, норозилик оҳанги билан келтиради: «Яна бир уйда уч юз муҳаллад ёзма музайян китоблар бор эрди ва чоройнаву совутлар ва дубулғалар... ва ўқ-ёйларнинг ҳаммасига мутасарриф бўлди, чун ҳаммаси мурассаъ ва мужавҳар ва баҳодор нимарсалар эрди, Петербургга юборилди» (472^а).

Тарихий асарларда Чор империясига нисбатан «халқлар қамоқхонаси» ва «халқаро жандарм» иборалари ҳақли равишда қўлланган ². Бу мустабид ҳокимиятдан бошқа халқлар қатори, рус халқи ҳам жабр торган.

«Шажарайи Хоразмшоҳий»да Хоразм хонлигидаги амир-амалдорлар, машҳур кишилар ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд. Асарни ўқиб, Муҳаммад Раҳимхон (Феруз)нинг шоҳ, шоир ва мураккаб бир инсон сифатидаги қиёфасини тасаввур этиш мумкин. Хоразмда «муддати салтанатлари қирқ етти йилу ўн беш кун»дан иборат бўлган (ҳижрий 1281-1328) ³Муҳаммад Раҳимхон маърифатли шоҳ эди. У ҳукмронлик даврида юртда илм-фан, адабиёт ва санъат ривож топишига ҳомийлик қилди. Баёний хоннинг фазилатлари ҳақида ёзади: «Хон ҳазратлари бағоят мушфиқфуро ва бағоят хайрдўст киши эрдилар. Кўп мадрасалару масжидлар бино қилдилар...» (505^б). Манбаларда бу даврда 1500 га яқин эски мактаб ва 130 та мадраса мавжудлиги қайд этилган, Ферузшоҳ маърифатнинг муҳим йўли — китобхонликка алоҳида эътибор берган. Баёнийнинг ёзишича, ҳафтада икки марта — жума ва душанбада олимларни йиғиб, суҳбатлар уюштирар, китобхонлик оқшомлари ўтказарди. Хон амалдорларни, сипоҳийларни ҳам китобхонликка даъват этган.

Баёний Муҳаммад Раҳимхоннинг шафқатсиз, тадбиркор ҳукмдор сифатидаги қиёфасини ҳам яширмай, батафсил тасвирлаган. Масалан, хонга қарши бош кўтарган ёвмутлар билан қонли кураш бўлади. Бунда ғолиб чиққан хон «жаллодлари тамоми юз ўн тўрт асирни келтуруб Арк олдидаги чуқалоқда бўйинларин уздилар» (447^а).

«Шажарайи Хоразмшоҳий» Баёний даври Хоразм адабий муҳити ҳақида ҳам яхлит тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Асарда Мунис, Огаҳий, Табибий, Комил, Хусравий, Комрон, Муродий каби шоирларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида янги маълумотлар мавжуд. Адабий манбаларда учрамайдиган баъзи назмий асар ва парчалар турли муносабат билан келтирилган. Солнома Баёний ҳаёти ва ижодининг бизга номаълум томонларини ойдинлаштиради, шоир фаолияти ҳақида илмда мавжуд кемтикликларни тўлдирди. Асарни ўқирканмиз, тарихий шароит, муҳит ҳамда шоирнинг кўнглига яқин, ҳамфикр дўстлари ҳақида янги маълумотларга эга бўламиз. «Шажарайи Хоразмшоҳий» Хоразм халқининг урф-удумлари, маросим-маъракалари, тил хусусиятларини ўрганишда ҳам муҳим манбадир.

Иқболой АДIZОВА

ТошДУ ўқитувчиси

Муҳаммад Юсуфбек Баёний

Шажабайи Хожазтишоҳий

(Асардан боблар)

Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм...

ХОН ҲАЗРАТЛАРИ ОТАЖОН ТҶУРАНИ МАЪОТИБ ЭТИБ

МАҲБУС ҚИЛҒОНЛАРИНИНГ БАЕНИ

Вақтеким, ҳижратнинг минг икки юз саксон саккизинчи (милодий 1871—72) йили кирди, хон ҳазратларининг улуг биродалари Сайид Аҳмад тўраким, они Отажон тўра дер эрдилар, бағоят баҳодиру чолок¹ ва забардасту бениҳоят тезу хашмгину² тундхўй³ киши эрди. Хон ҳазратларининг муҳаббатлари онга даражайи камолда эрди. Бу сабабдин онинг хилофи роъйини асло этмас эрдилар. Амри олий била меҳтар рўзмарраларин берур эрди. Яна не миқдор сарпой ва не миқдор динору дирам даркор деса, берур эрди ва не миқдор от даркор бўлса, қушбеги берур эрди ва не миқдор орчин моли ва қанду набот даркор бўлса, девонбеги берур эрди. Булардин бошқа, ҳар ойда меҳтардин минг саккиз юз тилло ва қушбегидин минг саккиз юз тилло ва девонбегидин минг саккиз юз тилло олур эрди ва мулозаматиға Жонибекбек ибн Паҳлавонниёзбек ибн Амирзода Ҳасанмуродбек мағфур ва Абдуғаффорбек набирайи Муҳаммад Назар иноқ марҳумий ва Худоёрқушбегининг биродалари Оллоёрбек ва Муҳаммад Қаримбек ибн Боғбек беклар беги яна Муҳаммад Амин юзбошининг биродалародаси Муҳаммад Раҳимбой ва Амон халифанинги ўғли Оллоберган Сахий ва Юсуф ибн Латиф ҳожи таъйин топиб эрдилар ва Али маҳрам ва беги Сори надимлари жумласидин эрди. Аммо Отажон тўра фурумоя ва беҳудакор кишиларни кўпроқ яхши кўруб, аларнинг кўпроқ тарбияларин этгувчи эрдилар. Бас, кўп фурумоялар хизматларида жамъ бўлмиш эрдилар.

Мазкур бўлгон санада хабар келдиким, Русиядин бир жамоа баҳри Хазардин чиқиб, Шоҳқадамға келибдурлар. Хон ҳазратлари Отажон тўранинг ёниға Худоёр қушбеги ва Ҳаким отолиқ ва Муҳаммадмурод девонбеги ва ғайрихумни қўшуб Туркмония ва Ўзбакия жамоаларидин олти минг миқдори кишини ҳамроҳ қилиб ул тарафға юбордилар. Отажон тўра лашкар била отланиб, йўлга кириб Кўҳна Урганча бориб қарор тутди ва ул ерда кўлдин ямутларға ер бериштурди ва бу хизматни Муҳаммадмурод девонбегиға буюрмай, Муҳаммад Раҳимбойға буюрди. Муҳаммад Раҳимбой бориб, ямутлардин сай олиб ер тақсимин этиб келди. Ондин сўнг Муҳаммад Раҳимбойни ўзбак ва туркмандин тўрт юз эллик талабгор йигитга бош этиб, Шоҳқадам тарафига юборди. Булар баҳри Хазар, яъни «Аштархон» тенгизининг кенориғача бориб, Русиядин номи нишон топмай қойтиб келдилар. Яна човдар отлиларидин бир жамоани Кандарли қудуқи тарафига юбордилар. Олар ҳам ул тарафға бориб ҳеч кишиға йўлиқмай қойтиб келдилар.

Ул ошонда амри олий муқтазосича, минг отли ямут била Шоҳқадам тарафига кетди. Отажон тўра била девонбегининг ораларида гина ва кудурат издиёд топа берди. Бир оқшом девонбеги Отажон тўрадин берухсат Хевақ тарафига кетди. Бу воқеадин бир ҳафта ўтгондин сўнг, фармони олий етуштиким: «Отажон тўра қайтиб келсун ва қушбеги била Ҳаким отолиқ Ҳилолийға келиб Раҳматулло ясавулбоши келгунча таваққуф этсунлар. Ясавулбоши келгондин сўнг ҳамроҳ бўлуб

¹ Чолок — тетик, илдам, чаққон.

² Хашмгин — ғазабли.

³ Тундхўй — бир сўзли, ўжар, нозиктабиат.

«Қайиб келсунлар». Отажон тўра, филҳол, ўз тобеълари билан қойтди. Худоёр қушбеги била Ҳаким отолиқ лашкарни олиб Ҳилолийга келиб, онда таваққуф этдилар. Отажон тўра Хевақга келиб, «Сарининг мулозаматларига етдилар.

Мундин ўн кун ўтгондин сўнг, Раҳматулло ясавулбоши ҳам атрофни жустижў қилиб, Русиядин асар топмай, қойтиб Ҳилолийга келиб, амри олий мужибича, ҳаммалари қойтиб Хевақга келдилар. Аммо бир кеча Отажон тўра мажлис тузуб, базми шароб этиб, ҳамма аҳли мажлис маст бўлгондин сўнг, Отажон тўра мастлик ҳолатида аҳли мажлисдин бирига дебдур: «Ман хон бўлсам, сани меҳтар этарман». Яна бирига дебдур: «Сани қушбеги этарман». Ҳосили калом, аҳли мажлиснинг ҳар бирин бир амал билан сарафроз этибдур.

Бу сўзларни ўзининг Али маҳрам деган маҳраимик, хон ҳазратларининг тарафларидин воқеанавис бўлуб юругон эркан, бу тариқада мастлик ҳолатида айтилгон аслсиз беҳуда сўзларга вужуд бериб, ғаммозлиқ юзидин ва тўрасининг этган яхшиликлари ва тузи андишасин этмай келиб хон ҳазратларига еткурубдур. Хон ҳазратлари бу сўзнинг истимовидин паришон бўлуб, кўп хавфга тушубдурлар. Ноилж бўлуб Отажон тўранинг устига киши буюруб тамоми одамларин тутдуруб Арка келтурдилар. Бу воқеаларда Жонибекбек ва Мухаммад Каримбек ва Оллоёрбеклар йўқ эрдилар. Оларга дахл этмадилар ва умаро айтдилар. Мухаммад Раҳимбой ва Оллоберган сахийни Арк олдидеги чуқалокда чалдилар ва Отажон тўранинг ўзини Ўр мавзеидаги ҳавлисидаким, ул Мухаммад Юсуфбек ибн Амирзода Мухаммад Фозилбий марҳумийнинг ҳавлиси эрди, марвари замон ва гардиши гардуни гардон била Отажон тўрага тааллуқ топиб эрди, маҳбус этиб дарвозасини муқаффал қилиб,⁴ атрофида киши қўйдилар. Ул ҳолда Исмоилхожа нақиб билан Мухаммад Ризо отолиқ маслаҳат этиб, хон ҳазратларининг хизматлариға бориб, Отажон тўранинг гуноҳин тиладилар. Хон ҳазратлари мутағайир бўлуб дедилар: «Магар сизлар онинг бизни қатл этмакига ризоликнингиз бордур?» Буларнинг ҳуши бошларидин учуб дебдурлар: «Ҳошоким, бизларнинг мундоғ мунгарга ризоликимиз бўлмай?» Хон ҳазратлари дебдурлар: «Ондоғ бўлса, бу сўздин дам урманлар». Булар ҳеч нима демакка ярамай чиқибдурлар. Бас, Отажон тўра ушбу маҳбуслик била Ўр ҳавлида неча замонлар қолди.

Ушбу йилким, ҳижратнинг минг икки юз сақсан саккизланчиси ва қўй йили ва сунбуланнинг авохири эрди, ҳазрати алломийи замон ва олими улуми мутадовил ва пинҳон, яъни Бобожонбек ибн Оллоберди тўра ибн Элтузархони жаннатмакон бақо оламиға азм этдилар. Айёми ҳаётлари олтамиш тўрт йил эрди. Ул ҳазрат илми сарф ва илми наҳв ва илми мантиқда ягонайи аср ва илми ҳикматда яқтоиди даҳр эрдилар ва китоби «Шабистон» ва «Девони Бедил»нинг мағаллақотлари ҳаллида оламоройлари иқдамушод эрди. Лиҳозо ҳузури вофийассурурлари маржи уламо ва фузало эрди ва тибу рамлу нуҳжу ҳисоб фанларига ҳам бағоят моҳир эрдилар. Раҳматуллоҳ алайҳ ул ҳазратдин икки ўғул қолди. Валади иршодлари сарвари атиббо Яхшимуродбекдурлар. Иккиланчиси ушбу фақири ҳақир Баёнийким, бу ҳуруф роқимидурман.

КАУФМАН ГУБУРНАТУР БИЛА ВЕРУФКИН ФАРМОНИ ИМФЕРАТУР БИЛА ИККИ ТАРАФДИН ХОРАЗМ УСТИГА ЮРУГАНЛАРИНИНГ БАЕНИ

Вақтеким, Кауфман губурнатурнинг Хоразмға юборган элчиси Бейнел Гавҳармурод қойтиб Кауфманнинг ёниға бориб, тамоми воқеани баён қилди, Кауфман паришон бўлуб, Хоразм устига бормақнинг саранжомларин тутмоқға муқайяд бўлди. Икки йилдин озроқ замонда тамоми сафари тадорикин тутуб, ҳижратнинг минг икки юз тўқсонланчиси (1873) ва товук йили имфератур аъзамға бу ҳолотдин хабар бериб, Хоразм сафари руҳсатин тилаб, тамоми асбоби сафарни муҳайё қилгонининг изҳорин этди. Имфератур аъзам қабул қилиб руҳсат берди.

Аммо Русия давлати мундин бурун беш мартаба Хоразм устига аскар юбориб, аларнинг баъзилари Хоразм йўлида ташналиқдин қирилиб, баъзилари Хоразмға бориб урушуб қирилиб, ҳанузгача асло зафар топа олгонлари йўқ эрди. Бас, имфератур аъзам бу бобда тамоми аркони давлати била маслаҳат этиб, ул тарафга бормоқға қайси йўл яхшироқ эрконин ҳам билмай, ложарам⁵ Хоразм устиға тўрт тарафдин аскар юбормакни илтизом этдилар⁶.

Аввалғиси Туркистон лашкарининг амири Кауфман генерал губурнатурнинг Туркистон лашкари била, иккиланчи, Қофқос лашкарининг амири Марқасуфини Қофқос аскари била, учланчи, Урунбург маҳофазининг вакили Веруфкинни⁷ Урунбург аскари била, тўртланчи, баҳри Хазар канорида Кандарли аскарининг улуғи қойим-мақом⁸ Ламокинни Кандарли аскари била Хоразм устиға юрсунлар, деб ва ҳаммалар якка Кауфман губурнатур амири лашкар бўлсун, деб фармон юбордилар.

Кауфман хушҳол бўлуб олти юз қазақ отлиси ва ўн бир фирқа пиёда салдат ва бир фирқа нақбчи⁹ ва орқасидин ўқланатургон тўрт сувори тўпи ва олти пиёда тўпи ва бир жамоа тоғистон тўпчилари ва олтамиш раҳбар била тўрт юз теваға озиқа юклаб мажмуъи икки минг беш юз киши била мортнинг ўн бешланчисида Тошканддин ҳаракат этиб йўлга кирдилар.

Яна имфератур аъзамнинг амри била Қозияли, яъни Қозонли тарафидин Фарандуқ¹⁰ Ниқулайким, имфератур аъзамнинг биродаридур, саккиз фирқа пиёда салдат ва бир неча тўпу юз эллик қазақ отлиси¹¹ ва ярим рукат бўлаги жамъи минг тўрт юз киши била юрди. Вақтеким, фармони имфератури Урунбург маҳофизига етушти, Веруфкинни тўққуз бўлак салдат ва тўққиз бўлак қазақ отли ва саккиз тоғ тўпи ва бир бўлак рукат била Қирғиздин беш минг тева кирой этиб, аҳмол ва асқолларин оларға юклаб йўлга кирдилар. Генерал Веруфкин неча манзил йўл юругандин сўнг

⁴ Муқаффал қилиб — қулфлаб.

⁵ Ложарам — чорасиз, шубҳасиз, ноилж, албатта, шунинг учун.

⁶ Илтизом этмоқ — лозим кўрмоқ.

⁷ Генерал Воровкин.

⁸ Қойим — мақом — полковник.

⁹ Нақбчи — ер ўювчи, лаҳм қазувчи.

¹⁰ Фарандуқ — князь.

¹¹ Қазақ отлиси — отлиқ рус казаклари.

қойим-мақом Ламокин ҳам бир тарафдин ўз лашкари била келиб, Веруфкинга ҳамроҳ бўлуб Хоразм тарафига равон бўлдилар. Кауфман ҳам Буқонту тоғларининг жаворида Буқоли мавзейига келгонда Гарандуқ Никулай ҳам ўз аскарни била келиб Кауфманга ҳамроҳ бўлди. Кауфман йўлларининг кашфу муойинаси учун қойим-моқом Ивануфни мақдами лашкар этиб бир жамоа лашкар ва бир неча раҳбар била илгари юбориб, изидин ўзи тамоми лашкари била равона бўлди. Бу тарафда хон ҳазратлари эшитдиларким, Кауфман губернатур Русия аскарни била Хоразм устига юруш этибдур. Тамоми умаро ва аркони давлатни жамъ қилиб маслаҳат этдилар. Ҳамма дедилар: «Оннинг била уруш этмагани яхшироқдур». Бу сўз хон ҳазратларига маъқул бўлуб буюрдиларким, тамоми Русия асирларин жамъ қилиб келтурдилар. Йигирма бир киши эрди. Оларни Муртазобий хожага топшуруб, амр этдилар: «Буларни элтиб губернатурга топшуруб қойтгил». Муртазобий таъзим қилиб асирларни олиб Қазонли тарафига юрди. Нуротага боргонда Кауфман губернатурга йўлуқуб, мулозамат этиб, асирларни топшуруб узр ойтди. Кауфман деди: «Аввалда элчи юборганда бу сўзни қабул этмадингизлар. Эмди имфератур аъзамнинг амрлари била лашкар тортиб Хоразм устига юруш этдук. Узрингизнинг фойдаси йўқдур». Ва Муртазобийга ҳам қойтмоқ рухсатин бермай, ўзи била олиб равона бўлди.

ХОН ҲАЗРАТЛАРИНИНГ МУҲАММАДМУРОД ДЕВОНБЕГИНИ КАУФМАННИНГ ТАРАФИГА ВА ЭЛТУЗАР ИНОҚНИ ВЕРУФКИННИНГ ТАРАФИГА ЛАШКАР БИЛА ЮБОРГАНЛАРИНИНГ БАЕНИ

Вақтеким, хон ҳазратлари Муртазобийни Кауфманнинг тарафига юбордилар, неча муддат ўтуб, ондин ҳеч хабар бўлмади. Эшитиларким, Русия аскарни икки тарафдин келур эрмишлар. Тамоми умаро ва аркони давлатни жамъ қилиб маслаҳат этиб, Муҳаммадмурод девонбегини Човдар ва Кўклонг ва Ўзбакия лашкаридин бир жамоага бош этиб, ёнига Маҳмуд ясаулбоши ва Яўқуббой қалмоқни қўшуб Кауфманнинг тарафигаким, шарқ тарафидин юруш этиб эрди, юбордилар ва Элтузар иноқни ямрут ва емроли ва Ўзбакия лашкаридин олти минг киши била ёнига Бобо меҳтарни қўшуб Қўнгирот тарафига юбордилар. Ва Амир тўра била Муҳаммадризо тўранинг ёнларига икки минг миқдори навкар қўшуб Ҳазораспга юбордилар. Булар Ҳазораспга бориб таварқуф этдилар. Иноқбек лашкар била азм этиб Хожаэлига борди. Аммо, вақтеким, девонбеги Кауфманнинг қаршусига равон бўлди, Жайхундин ўтуб Уч ужоқга борди. Аммо, Бухоро тавобеотида Хол отанинг ёнидин то Жайхун канориға келгунча бир қум ва дашт бор эрди, Кауфмон ул ернинг ёвуқиға келиб эрди. Девонбеги Уч ужоқда лашкар улуғлари ва туркман кадхудолари била иттифоқ этиб, лашкардин икки юз йигитни интихоб этиб олиб Русия лашкарига шабхун урмоққа¹² юбордилар. Иванув Одам қирилгон қудуқларининг ёвуқиға келиб эрди. Булар оларга дучор бўлуб, андак урушуб ҳар тарафдин бир неча киши қатл бўлди. Ондин сўнг булар олардин айрилишиб кетдилар. Аммо йўлда Кауфманнинг лашкарига қудуқларнинг сувлари вафо қилмай, кўп тевалари талаф бўлуб, олти юз киши била бир миқдор тевани сув учун Одам қирилгоннинг қудуқларига юбориб эрди. Мазкур йигитларнинг сардори Жомли Содиқгул эрди. Бу ҳолдин огоҳ бўлуб, филҳол бориб қудуқни олиб турди. Аммо буларнинг изларидин яна уч юз йигит келиб буларга ёр бўлуб эрдилар. Беш юз миқдори бўлуб туруб эрдилар. Руслар беҳабар қудуқнинг қарибига келганда, булар баяқбор ҳужум этиб бориб оралашиб, далерона ҳамалар этиб, руслардин кўп кишини қатл этдилар ва булардин Кўхнали уста Пирниёз деган бир оҳангар¹³ йигитгаким, бағоят баҳодир киши эрди, ўқ тегиб йиқилди. Чун буларнинг яроғлари ярамасдур, Русиянинг навиход¹⁴ яроғларининг зарбатларига тоб келтура олмай шикаст топиб кетдилар.

Кауфман Жайхун наҳрининг бир миллигига келганда, тамоми ўзбак ва туркман отлилари келиб Кауфманнинг тўрт тарафидин от қўйиб уруш бошладилар. Русиядин кўп оту тева ва одам ҳалок бўлди. Охир, Русия аскарни яна навиход яроғларнинг ионатлари била Хоразм лашкарига шикаст бериб, Жайхун канориға чиқдилар ва Жайхунни мундоғ вусъят¹⁵ била оқиб турғонин кўруб ҳайрон бўлдилар. Девонбеги оларни кўруб тамоми лашкари била оҳиста-оҳиста Жайхунни ёқалаб қойта берди. Кауфман ҳам изларидин нарм-нарм¹⁶ кела берди. Девонбеги Тошоқо тушиға келганда Жайхуннинг жануб тарафига ўтуб буюрди: тўпчилар Русия аскарининг тарафларига кўп тўп отдилар. Кауфман дарёдин бир миқдор кема топиб, аскарин Жайхундин ўткармакка муқайяд бўлди. Ул вақтда оларга Хоразм лашкаридин ҳеч дастбурд етмай, тамоми аскарин осудалиқ била Жайхундин ўткарди. Ондин сўнг Кауфман билдиким, эмди Хевақага боргунча онга муқоамат этгудек¹⁷ киши йўқдур. Далерона йўлга кириб кела берди. Бир оқшом дарёнинг ёвуқиға этиб эрдилар. Ярим оқшомда дарё тошиб, аскарни сув босибдур. Кауфман саросима бўлуб чиқиб буюрди: аскар юз машаққат била аҳмолу асқолларин сувдин олиб чиқибдурлар.

Кауфман элга хабар этибдурким, маъқулоту машруботдин¹⁸ ҳар нима бўлса, келтуруб аскарга сотаберсунлар. Вагарна, аскар торож этиб ройгон олулар. Аҳли Фатанг ноиллож бўлуб аробаларга нону арпа ва алафу¹⁹ қўй ва товуқ юмурта²⁰ ва тутдек нимарсаларни юклаб келтура бердилар. Руслар баҳоларин бериб олиб аскар ичида хушлуқ ва вусъят пайдо бўлди. Булар уч кунгача юк келтуруб сўнгга келмадилар. Кауфман хавфга тушуб уч юз салдат, икки юз эллик қазоқ отлисиға қойим-мақом Черқуфскинин бош этиб, эл ораларига юбориб, қазоқ отлини торожға маъмур этиб деди: аробаға маъқулот юклаб, аскар тарафига келатурғони бўлса, матоъининг баҳосин бериб олинглар, вагарна, торож этинглар. Олар бир миқдор қатлу торож этдилар. Ондин сўнг яна йўлга кириб юрдилар. Кун кеч бўлуб мақдами изига қойтиб эрди. Бир миқдур Хоразм отлиси бир тарафдин чиқиб оларни қовлаб ўқ отиб Русиядин бир зобитға²¹ ўқ тегиб ўлди. Кауфман Ҳазораспнинг ёвуқиға келиб тушти.

¹² Шабхун урмоқ — душманга тунда тўсатдан ҳужум этмоқ.

¹³ Оҳангар — темирчи. Навиход — янги яратилган.

¹⁴ Вусъят — кенглик. Нарм-нарм — секин-аста.

¹⁵ Муқоамат этгудек — қаршилиқ қилгулик, кучда тенглашулик.

¹⁶ Маъқулоту машрубот — истеъмол қилинадиган нарсалар.

¹⁹ Алафу — ўт. ²⁰ Юмурта — тухум.

Девонбеги бурунроқ тамоми лашкари Ҳазораспга келиб, ондин Хонқоҳ усти била Хевақға бориб хон ҳазратларини кўруб тамоми воқеани баён қилди. Хон ҳазратлари паришон бўлдилар. Бу тарафда Ҳазорасп кадҳудолари жамъ бўлуб Амир тўрага дедилар: «Эмди сизлар ҳам қойтинг, бизлар фикр қилиб ўз роҳи кор²²ларимизни топармиз». Ноилож Амир тўра, Муҳаммадризо тўра била қойтиб Хевақға келди. Эртонг била кадҳудолар бориб Кауфманни кўруб, шаҳарни таслим этдилар. Бас, Кауфман келиб Ҳазораспга кириб шаҳарни забт этиб муҳофазати учун Ивануфни кўюб, яна йўлга кириб Хевақ тарафига юруди.

Эмди Веруфкиндин сўз ойтурмиз. Вақтеким, генерал Веруфкин қойим-мақом Ламокин била йўлга кириб юрудилар, неча кунлар йўл юруб Қўнгирот устига келдилар. Қўнгирот бийлари Ҳабниёзбий ва Сайидбий ва Тожимуродбий ва Қожирғали Мансурбий ва ғайруҳум жамъ бўлуб маслаҳат этиб Русия аскарининг келгани хабарин бир киши била Хевақға юбордилар. Яна бир кишини Веруфкиннинг ёнига юбориб, бу тариқада илтимос этдиларким: «Алҳол, сизлар бизнинг шаҳримиз атрофига келманг ва қалъамизга тўп ҳам отманг. Нечунким, бизлар сизларнинг келганингни янги кўруб Хевақға хонимизнинг ҳазратларига хабар юбордук. Бизларда сизлар била урушгудек яроғ ва дори кўрғошин йўқдур. Хонимиз эшитсалар, бизларга уруш саранжомин тутуб юборурлар. Ондин сўнг чиқиб сизлар била урушурмиз».

Веруфкин бу сўзининг истимоъидин²³ хандону фархон²⁴ бўлуб буюрди: аскар қалъани муҳосара қилиб тўп отмоқ бунёд этдилар. Қўнгирот аҳли буларға бир ўқ ҳам отмай фарёд қилиб дедилар: «Бизлар сизлардин бир неча кун муҳлат тилаб деб эрдукким, бизларда олоти ҳарб йўқдур. Не учун мунча ғавго била шаҳарнинг атрофига келиб мунча дори кўрғошинни зоеъ қилурсизлар?» Руслар бу сўзларга қилоқ солмай, ҳужум этиб қалъага югурдилар. Шаҳар аёнлари қочиб шаҳардин чиқиб кетдилар.

Русия аскари Қўнгиротни олиб, элига амон бериб, ўтуб йўлга кириб юрудилар. Қўнгирот бийлари қойтиб келиб уч юз отли миқдор жамъ бўлуб, Русия аскарининг изларига тушуб гоҳо олдиға ўтуб дахл этар эрдилар ва милқат отар эрдилар. Андишалари бу эрдиким, Хоразм лашкари, албата, Русияга зафар топарлар. Ул вақтда бизлар ҳам бўлсоқ обрўйиға ва ўлжаға шерик бўлурмиз. Булар бу андиша била то Русия аскарини Хевақни олғунча атрофидин ойрилмай юрудилар.

ЭЛТУЗАР ИНОҚНИНГ ХОЖАЭЛИГА БОРҒОНИ

Вақтеким, Элтузар иноқ амри олий била лашкарни олиб Хожаэлига борди, ул ерда бир улуғ сангар қоздуруб лашкар била онда таваққуф этиб, Абдулло маҳрамни емроли отлилари била илгари юборди. Веруфкин келур эрди, олдида бир тўғойнинг ичиндин тўфанг садоси келди. Веруфкин бир зобитни йигирма беш отли била онинг жустижўси учун юборди. Абдулло маҳрам емроли йигитлари била оларға от солиб уруш бошлади. Веруфкин бу хабарни эшитиб икки қазоқ отлисини юборди.

Булар борғунча Абдулло маҳрам зобитнинг отлиларидин ўн уч кишини ўлтуруб, каллаларини олиб, бир неча кишини захмдор этиб, ўн уч от ва бир миқдор яроғ ва ўлжа била қойтиб кетдилар. Қазоқ отлилари келиб зобит отлиларин бу ҳолда кўруб, атрофини охтариб ҳеч киши топмай қойтиб Веруфкиннинг ёнига бориб воқеани баён қилди. Веруфкин паришон бўлуб йўлга кириб юрди. Ул ҳолда яна талабгор йигитлардин бир жамоа жамъ бўлуб келиб урушмоқнинг саддида эрдилар. Веруфкин оларни кўруб саф тортди. Бир миқдор уруш этиб Хоразмийлар яроғларининг ярамаслиқидин навиждо яроғларнинг зарбатига тоб келтура олмай ҳазиматга юз кўйдилар. Русия аскари булардин бир захмдорни тутуб мулойимат²⁵ била дебдурлар: «Агар сен бизларга рост хабар берсанг, сани юборурмиз». Захмдор дебдур: «Хоразм хони Хожаэлининг муҳофазати учун олти минг киши юбордилар, беш юз киши давом Русия аскарининг атрофини ойланиб, фурсат охтариб юруйдурлар. Қолғонлари Хожаэлида урушға омода²⁶ бўлуб турубдурлар. Хоразм хони имкони борича сизлар била уруш этмакчидурлар». Ул ҳолда яна бир миқдор Хоразм лашкари кўрунди. Булар бурунғи шикаст топиб кетганлар эрдилар. Веруфкин оларнинг устига бир бўлак руқат била икки бўлак қазоқ отлисини юборди. Олар бориб бир миқдор тўфанг отиб эрдилар, хоразмийлар тоб келтура олмай шикаст топдилар.

Аммо, бир кун Иноқбек бугун Русия аскари келур, деган хабар била лашкарни ораста қилиб, сафларни ростлаб урушға омода бўлуб туруб эрди, Қазоқия тоифасидин бир киши кела берди. Ондин сўрадиларким: «Русия аскарининг хабаринг борму?» Ул деди: «Оре, Русия аскари алҳол бағоят йироқдадурким, бир ерга тушуб форигулболлиқ²⁷ била ётубдур. Гумоним будурким, эртанг ҳам бу ерга келмасдур». Ҳамма бу хабарни эшитиб, сафларни бузуб, ҳар киши ўз иши била машғул бўлди. Баъзилар алаф талаби била сахрони жустижў қилиб кетдилар. Баъзилар сангарга^{27a} қойтиб отларининг эгарларин олиб фароғат топдилар. Ул ҳолда узоқдин Русия аскари кўрунди. Ҳамма саросима бўлуб ҳазиматга юз кўя берди. Тамоми аҳли сангар ҳам чиқиб лашкарни тўхтаиб, охиста-охиста Манқит йўлига кириб қойта бердилар. Ул вақтда Худоёр қушбеги амри олий била келур эрди. Иноқбекни кўруб ҳамроҳ бўлуб қойта берди. Чун булар шикаст топиб кетдилар, Хожаэлининг кадҳудолари тухфалар ва пешкашлар била чиқиб Веруфкинни кўруб, шаҳарни урушмай сизга берурмиз, дедилар. Веруфкин қабул қилиб шаҳарнинг пешгоҳиға тушуб икки кун ором олди. Аҳоли Русиядин эмин бўлуб дўконларин очиб олув-сотувға машғул бўлдилар. Ондин сўнг Веруфкин лашкар била Манқит йўлига кириб юрди. Ул вақтда ўзбакия лашкари мутафарриқ бўлуб, Иноқбек қушбеги била Хевақға қойтиб эрдилар. Ямуд била Човдар итифоқ этиб Русия

²¹ Зобит — сипоҳ, офицер.

²² Роҳи кор — ишнинг йўли, чора-тадбири.

²³ Истимоъ — эшитиш, тинглаш.

²⁴ Фархон — шодон, қувноқ.

²⁵ Мулойимат — юмшоқлик, мулойимлик.

²⁶ Омада — тайёр, ҳозир.

²⁷ Форигулболлиқ — хотиржамлик.

^{27a} Сангар — истеҳком.

аскарига муқобил бўлуб, қаттиғ ҳайё-ҳуй била от солиб бир ҳамлада келиб Русия аскарига оралашиб қатл қила бердилар. Русия аскарни ҳам ғайратга кириб, ноираи²⁸ ҳарб иштиёол²⁹ топти. Аскарнинг рост тарафига ямуд ҳужум этди. Маймана³⁰ қойим-мақом Ливанжуф зобитнинг қароргоҳи эрди. Ливанжуф саросима бўлуб ёвуқ эрдиким, Русия аскарни шикаст тоғайлар. Икки лашкар оралашиб жанги мағлуба бўлди. Ул аснода Човдар ўлжага қизиби оту тева яроға эгалик этиб суруб Манқит қальасига олиб кета бердилар. Ямуллар оларни кўруб Човдар ўлжани олиб, бўш қолурмизми? — деб булар ҳам тева суруб Манқитга олиб кетдилар. Бас, ҳамма лашкар Русия аскарининг ойрилишиб, ўлжалар олиб Манқитга кетдилар. Ҳаммалари Манқитда ўлжаларни жойлаб яна маслаҳат била ҳужум этиб, ярим соат ўтгондин сўнг келдилар. Русия аскарни олар яна келурлар, деб тўп ва милтукларни тайёр этиб туруб эрдилар. Оларнинг қароларин кўрган ҳамомо оларнинг тарафларига ёғундек ўқ ёғдурдилар. Туркманлар тоб келтура олмай ҳазимат топиб кетдилар.

Ондин сўнг Гурлон ақобири Маҳмудбек бошлиқ туҳфа ва пешкашлар била келиб Веруфкинни кўруб, итоат этдилар. Веруфкин оларга меҳрибонлиқ кўргузуб фориғулболлиқ била ўлтура беринг, деб рухсат бериб юбориб, яна Манқит йўлига кириб юрди. Чун Манқит ёвуқда бир улўғ овбалиқга келдилар, Веруфкин буюрди. Русия аскарни ул овбага ҳужум этиб, аҳолини эрқагу хотун ва ёшу қариға қарамай қатли ом этиб, ондин сўнг ўтлаб ул овбани ер била яқсон этдилар. Ондин сўнг мунинг била ҳам қаноат этмай, Манқит қальасига ҳамким, бурунроқ аҳолиси келиб қальани Русияга таслим этиб, амон топиб қойтиб эрдилар, ҳужум этиб кириб эрқагу хотун ва қариву йигит ва аёлу атфолдин бешиқдоғи ўғлонларига қариб қатли ом этди, иту шак ва ҳар турлук жондор йўлуқса ҳам, отар эрдилар. Чун жондор қўймай кириб тамом этдилар, шаҳарни ўтлаб чиқиб кетдилар. Бу воқеаларда Русия аскарининг бир мингбоши ва тўрт саркарда ва бир неча зобит ва бир миқдор киши қатл бўлуб, ўн беш кишига захм этди.

Мунинг сўнгги куни яна туркманлар жамъ бўлуб, Русия аскарининг изларидин келатурғон тевааларга ҳужум этиб, бир миқдор уруш этдилар. Охир, босилиб кетдилар. Веруфкин йўлга кириб Енга — ёфға келди. Онда Ғанибой отлиғ бир бойнинг ҳавлисида олти миш миқдори киши жамъ бўлуб эрдилар. Веруфкин буюрди. Оларни ҳам қатли ом этдилар. Ондин сўнг яна йўлга кириб келур эрдилар, бир дараклиқга кирдилар. Ул ерда Қўнгирот йигитлари ва туркманлар тўрт тарафдин Русия аскарнига ўқ отмоқ бунёд этдилар. Русия аскарни бағоят танг бўлуб, охир, йўлнинг бир тарафида бир боғ бор эрди. Деворин йиқиб ул боғнинг ичига кириб, бир қулай ерда тўпларни қўюб хоразмийларга тўп отмоқ бошладилар. Хоразмийлар тоб келтура олмай ҳазимат топдилар. Русиядин бир човуш ва тўрт нафар қатл бўлуб, олти киши захмдор бўлди. Хоразмийлардин кўп киши шаҳид бўлуб, кўп уйларни тўпнинг ўқларидин ўт олди.

Аммо, вақтеким, Иноқбек шикаст топиб кетти, қушбеги била келиб, хон ҳазратларини кўруб, тамоми воқеаларни баён қилди. Хон ҳазратлари паришон бўлуб, буюрдилар. Дарвозаларни маҳкам этиб, эл қамал бўлсунлар. Аммо, Хевақга Бешориқ ва Наймон ва Қулон Қаробоғ ва Шату Қиёт ва Қўнгироту Дўрмон ва Чотқўпруку Қўшқўпрук ва Уйғуру Хонобод ва Зай, ҳосили қалом, тамоми Хевақ атрофидаги эл келиб, Хевақга келиб қамалиб эрдилар. Яна Русияга итоат этган, масалан: Фатангу Ҳазорасп ва Урганжу Хонқоҳ ва Гурлону Хўжаэли ва Қўнгиротдин ҳам Русия итоатидин бўюн тўлғаб кўчиб аҳли аёллари била Хевақга келгонлар бағоят кўп эрдилар. Дарвозаларни маҳкам этиб, орқаларни туфроқ била кўмуб, истеҳком бердилар. Хон ҳазратлари Урганж дарвозасида Мухаммад Ризо тўрани кўйдилар. Қумёса дарвозасида Султон Ғози тўрани кўйдилар. Ҳазорасп дарвозасида Иноқбекни кўйдилар. Тошоёқ дарвозасида Абдуқодир тўрани кўйдилар. Боғи шамол дарвозасида Раҳимбердибек ибн Оллоберди тўра мағфурни кўйдилар. Шайх дарвозасида Оллоберганбек ибн Худойберганбек ибн Оллоберди тўра мағфурни кўйдилар. Ондин сўнг Худодёр қўшбегининг ёнига Раҳматулло ясаулбоши ва Абдулло маҳрамни кўшиб ямуд ва есроли навкарлари била Ғозиобод йўлидин Русия устига юбордилар ва Маҳмуд ясаулбошини Човдар ва Қўклог ва Қародошли ота ва Ол эли навкарлари била Ғовик устидин юбордилар. Саркардалар таъзим қилиб чиқиб равона бўлдилар.

Қушбеги Аваз Гунгалақнинг қавмида бир кеча туруб, лашкарининг саранжомин этиб, эртанг била отланиб йўлга кириб, Жонак шайхга бориб эрди. Русия аскарни етушти. Рамиқ халифа Ғозиобод отлиси била от солиб бир тарафдин бориб, Русия аскарининг бир қалла олиб, ўттуз тевасин ўлжа қилиб суруб кетди. Ондин сўнг ямуд лашкари от солдилар. Русия аскарни ёғиндек ўқ ёғдур бердилар. Ямуллардин кўп киши шаҳид ва захмдор бўлуб ҳазиматга юз кўйдилар. Қушбеги босилғон лашкар била Хевақ тарафиға қойта берди. Ондин сўнг Веруфкин ул тарафдин юрмай, шарқга майл этиб, Қиёт ичидин юруб Ғовик йўлиға чиқти. Ул ерда Маҳмуд ясаулбоши лашкари била тайёр бўлуб туруб эрди. Тамоми лашкари била Русия аскарнига от кўйдилар. Русия аскарни буларни ҳам ўқға тутди. Буларнинг ўқлари Русия аскарнига етмайдур. Оларнинг ўқлари буларни зеру забар³¹ этиб борадур. Ноилож, булар ҳам шикаст топиб, қойтиб Хевақга юрудилар. Аммо, хон ҳазратлари буларнинг изларидин Яъқуббойни бир неча тўп била юбориб эрдилар. Шаҳар халқидин ҳам кўп киши қоратаёқ бўлуб тўпларга ингориб чиқиб эрдилар. Оларнинг босилиб келатурғонларин кўруб булар ҳам қойдилар. Веруфкин келиб Тўра Муроджон тўранинги боғиға тушуб Галавачов икки бўлак салдат ва икки бўлак қазоқ отлиси ва саккиз тўп била келиб Жонибекбекнинг боғиға кириб, боғ деворидин саккиз қопу жойидек рахна очиб, ҳамул саккиз рахнада саккиз тўпни қўюб, қальага тўп отмоқ бунёд этди. Хон ҳазратлари Қози Мухаммад Латиф қози аскарни элчи қилиб, муҳаббатнома билан Кауфманнинг тарафиға юбордилар. Қози бориб Кауфманни кўруб номани берди. Мазмуни бу эрдиким: «Кауфман генерал губурнатурнинг маълумлари бўлсинким, бизлар бурундин сиз жамоа била дўст эрдук, алҳол ҳам ҳамул дўстлиқда собитқадамдур»

²⁸ Ноира — ўт, олов.

²⁹ Иштиёол — шуўлаланмоқ, ёнмоқ.

³⁰ Маймана — лашкарнинг ўнг қаноти.

³¹ Зеру забар — остин-устун.

³² Рахна очмоқ — тешик, тўйнуқ очмоқ.

миз. Бу бўлгон бир миқдор урушлар ҳам бизнинг хоҳишимиз била бўлгон эрмасдур. Туркман жамоаси бир ғайор халқдурлар. Оларга дахл этманг десак ҳам қабул қилмай, мундоғ ҳодисаларни барпо қилдилар. Эмди таваққуъ улдурким, мундоғ ишларни эътибор этмай бурунги дўстликни душманликга мубаддал этмагилар³⁴. Хуш келибдурлар. Бизга бир неча кун муҳлат бергайлар, токим, оларнинг шонларига лойиқ зиёфат асбобларин муҳайё қилгаймиз ва кўнглимиз тилагонича меҳмоннавозлиқ амурин тақдимаг еткургаймиз ва муҳлат муддатига қадам ранжа қилиб келиб бизнинг ҳавлимизга тушуб, бизга миннат қўйгайлар, вассалом».

Кауфман бу сўзга қулоқ солмай элчини Бейнил Гавҳармурод қайтариб келиб, Хевақнинг икки ярим миллигида бир ерга тушди. Вақтеким, Галавачов шаҳарга тўп отмоқ бошлади, шаҳар аҳли ҳам қалъанинг хокрезиде туруб Русия аскарига тўп ва милтук отар эрдилар. Русия тўпининг кунфоралари қалъанинг устида ёрилиб, баъзи жойларни ўт ола берди. Муҳаммадмурод девонбегининг Қутлимуродбой отлиғ ўғлига ҳам ўқ тегиб шаҳид бўлди. Хон ҳазратлари саросима бўлуб, Амир тўра ва Иноқбек ва Муҳаммадмурод девонбег ва Яъқуббой ва ғайруҳумни чақириб маслаҳат этиб, юртни Русияга таслим этиб, сулҳ қилмоқга қарор бердилар. Ондин сўнг бу мазмунда нома ёзиб, Элтузар иноқни элчи қилиб Кауфманинг тарафига юбордилар. Ондин сўнг хон ҳазратлари кўрдилар, тўпларнинг ўқлари қалъани хароб этиб борадур. Муҳаммадмурод девонбег ва Юсуф Маҳрам ва Абдусаттор сайис ва Абдулло банги била ўзлари Урганч дарвозасидин чиқиб қалъа кеноридин ғарб тарафига юруш этдилар, токим, Русия аскарининг атрофларида юругон ўзбекия ва тарокима тавойифдин³⁵ киши топиб, шояд олар била навъи мудофаа эта олсалар этгайлар. Ёнлариде булардин бошқа ҳам бир миқдор навкар отчилари бор эрди. Мулло Ориф алайҳ ул — раҳманинг жавори³⁶ шарифларигача бориб, аτροφни жустижў қилдуруб киши топа олмадилар. Ондин сўнг, ноилож бўлуб, Тошоёқ дарвозасига келиб, яна шаҳарга кирмакчи бўлдилар. Абдуқодир тўра киргузмади. Хон ҳазратлари билдларким, ҳол недур, биззарура Сиржалига бориб Бобо меҳтарнинг ҳавлисига туштилар ва бир оқшом ул неча бўлуб, эртанг исми Маҳмуд ота алайҳ ул раҳманинг жавори шарифларига бордилар...

**АМИР ТўРАНИНГ ХОН БўЛУБ ОТАЖОН ТўРА БИЛА
КАУФМАНИНГ ХўЗУРИГА ЕТУШГони.
КАУФМАН ХОН ҲАЗРАТЛАРИНИ ТАЛАБ ЭТИБ КЕЛТУРУБ,
УЛ ҲАЗРАТ БИЛА МУСОЛАҲА ЕТУШГони**

Вақтеким, хон ҳазратлари шаҳардин чиқиб кетдилар, Амир тўра, филҳол, Аркка келиб хон бўлди ва эгнига гулнор чакман ва бошига жиғали телфак кийиб тахтада ўлтурди. Уч-тўрт дарвозабону табақачи ва бир неча баққолу қассоб кириб, хонлиқ муборак бўлғай, деб фотиҳа бердилар. Амир тўра, Филҳол, Мўхаммадмурод девонбег била Паҳлавон Мирзобошини тамоми афродлари била тутуб келтурмакка амр этди. Амирнинг кишилари оларнинг жустижўларига юрдилар. Ул вақтда фуқаро ҳужум этиб, Ур ҳавлига бориб қуфлни синдуруб, дарвозани очиб Отажон тўрани чиқордилар. Отажон тўра отланиб жалуида бир неча шотир била Урганч дарвозасига борди. Ул кун Раҳматулло ясавуллошин Аркка келиб амирни кўруб салом берди. Амир деди: «Хон қочиб юртдин чиқиб кетди. Ондин сўнг улуғ-кичик жамъ бўлуб бизни мундоғ этдилар». Раҳматулло ясавуллоши бошини ирготиб, амирнинг юзига қараб: «Аввал душманинг дафъин этинг, ондин сўнг, не бўлурман десангиз, муносиб бўлур», деб чиқиб кета берди.

Вақтеким, Элтузар иноқ элчи бўлуб Кауфманинг тарафига кетди, бориб Кауфмани кўриб номани берди. Кауфман нома мазмунидин огоҳ бўлуб, сулҳ сўзин қабул этиб деди: «Эртанг хонингни олиб келгил. Бу ерда онинг била сулҳ қилиб ман ушбу ердин қойтарман.» Иноқбек шаҳарга қойтди. Кауфман Галавачовга фармон юбордиким, Хевақ хони қалъани бизга берди. Эмди тўпу милтук отмоқдин қўл сақласунлар. Галавачов буюрди: Русия аскарни тўп ва милтук отмоқдин қўл сақладилар. Иноқбек қойтиб шаҳарга кириб Аркка келиб кўрди. Фалаки шўъбадабознинг³⁷ носозлиқидин ҳумой бу ошиёндин парвоз уруб, ўрнида бир чўғз чўғзи ҳақиқий била ҳамовоз бўлуб ўлтурбдур. Иноқбекнинг хуши бошидин учуб ноилож кириб, амирга салом берди. Амир Иноқбекнинг юзига қараб деди: «Сен кетгондин сўнг, хонинг қочиб юртдин чиқиб кеттилар. Ондин сўнг улуғ-кичик йиғнолиб бизни шундоғ этдилар». Иноқбек деди: «Сизни шундоғ этган бўлсалар, алҳол, ҳол бу манволдадур, не буюрсангиз ондоғ бўлур». Амир деди: «Эмди андоғ бўлса, аҳволни Кауфманга маълум этмакимиз керакдур». Бас, буюрди: бир нома ёздилар. Ул нома била Иноқбекни яна юбордилар. Иноқбек номани элтиб Кауфманга берди. Кауфман кўрди. Номанинг мазмуни будурким: «Муҳаммад Раҳимхонким, бизнинг кичик биродаримиз эрди, қочиб шаҳардин чиқиб кетди. Ондин сўнг улуғ-кичик йиғнолиб бизни онинг ўрнига хон этдилар. Биз юртни ўз роъйимизча сизга мусаллам топдүк. Эмди ихтиёр сизнингдур, вассалом». Кауфман кулиб деди: «Бориб ойтғил, Муҳаммад Раҳимхонга киши юбориб келтурсунлар. Биз Муҳаммад Раҳимхон била сулҳ қилурмиз». Иноқбек қойтиб келиб амирни кўруб, воқеани баён қилди. Ондин сўнг Амир тўра Отажон тўрага киши юбориб ёнига келтуруб деди: «Эй биродар, биродаринг қочиб, юртдин чиқиб кетди. Ондин сўнг, улуғ-кичик йиғнолиб, бизни шундоғ этдилар. Эмди биродарингни келтурганимиз яхши эрмас. Икковимиз бориб Кауфманни кўруб шундоғ бўлгон ҳолимизда олар била сулҳ қилиб қилиб, икковимиз маан^{37а} вилоятни забт этсак яхши эрди».

Отажон тўра қабул қилиб икковлари ҳамроҳ Кауфманинг ёнига бордилар. Кауфман Отажон тўрани кўргон ҳамомо бошқа ҳолда бўлуб, ҳаддин зиёд эъзозу икромлар этиб, ўзининг ёнида жой бериб ўлтурғузди. Амир тўра сўз бошлаб деди: «Сизнинг келгонингиз бизларнинг ҳақимизда бағоят яхши бўлди. Муҳаммад Раҳим юртни бошқара олмай ва юртдин парвоий бўлмай давоми айшу ишратга машғул эрди. Ман онга давом насихатпарвар эрдим. Сўзларимга қулоқ солмай, ўз маслаки ноҳамворидин ойрилмади ва бу биродарим Отажонни ҳам бегуноҳ уйга солди. Алҳол,

³⁴ Мубаддал этмоқ — алмаштирмақ.

³⁵ Тавойиф — тоифалар, гуруҳлар, қабилалар.

³⁶ Жавор — қўшни ер, яқин ер, ён атроф.

³⁷ Шўъбадабоз — найрангбоз.

^{37а} Маан — биргаликда.

қочиб кетди. Онинг қайда кетгани билмасмиз. Улуғ-кичик йиғнолиб, бизни шундоғ этдилар. Эмди сиздин илтимосимиз будурким, бизлар била сулҳ қилиб, юртни бизларга топшуруб, вилотнинг обод бўлмоқиға сабаб бўлғайсиз». Кауфман кулб деди: «Муҳаммад Раҳимхоннинг ўзига киши юборинлар. Сулҳни онинг била этарман.» Ондин сўнг, Отажон тўрага қараб деди: «Биродарингиз агар қочмоғон бўлса эрди, онинг била сулҳ қилиб, ушбу ердин қойтар эрдук. Эмди бориб шаҳарга кирамиз. Муҳаммад Раҳимхон келса, онинг била сулҳ шартларин айтишиб сулҳ қилурмиз. Агар келмаса, онинг ўрниға сизни қойим-мақом этиб, сизнинг била мусолаҳа этишиб қойтармиз, бас». Амир била Отажон тўра шаҳарга қойтиллар.

Аммо, бурунғи урушда Веруфкиннинг чап кўзига милтуқнинг ўқи тегиб ямон ҳол била қўшиға бориб тушуб эрди. Урниға қойим-мақом Серанжуфни кўюб, ўзи Кауфманнинг қошиға келиб эрди. Амир била Отажон тўра қойтгондин сўнг, Кауфман ҳол сўрамоқ учун Веруфкиннинг қошиға борди. Веруфкин Кауфманнинг истиқболиға чиқмоқға ярамади. Кауфман бориб кўруб, сўрошиб бир миқдор ўлтуруб эрди, яна тўп садолари кела берди. Ҳамма мутаҳаййир³⁸ бўлдиларким, янги булар сулҳ сўзин ороға солиб кеттилар. Ҳануз шаҳарга боргонлари йўқдур, бу не воқеа эркан.

Воқеа бу эрдиким, Амир била Отажон тўра Кауфманнинг ёниға кетгондин сўнг бир неча нодонлар Русия аскарига ўқ отибдурлар. Серанжуф бу воқеани кўруб буюрибдурким, яна қалъаға тўп отмоқға муқайяд бўлубдурлар. Амир Ҳазорасп дарвозасини очдуруб шаҳарни Кауфманға таслим этди. Ондин сўнг, билзаруа, аҳоли пайдар-пай келиб изҳори итоат эта бердилар. Урганж дарвозаси тарафдин бир жамоа Серанжуфға ўқ отиб Русиядин бир миқдор кишини қатл этдилар.

Даригким, аҳли Хоразм марди мубориз жамоа эрдилар! Бир неча ватан хоинлари ўз мақсадларин ҳосил этмак учун мундоғ хисоратни оларнинг бошларига келтурдилар. Агар тамоми Хоразм аҳолилари якдилу якжиҳат бўлуб иттифоқ била Русия аскарига муқобил бўлуб, уруш этсалар эрди, эҳтимоли йўқ эрдиким, Русия аскарлари оларға зафар топа олғайлар, мундин бурун беш навбат келиб асло зафар топа олгон эрмасдурлар. Нечунким, Хоразмнинг атрофида куму даштлар бордур ва бир тарафида дарё бордурким, маҳкам садларнинг ўртасида воқеадур. Онинг пасту баландин билмаган кишиларға фатҳ³⁹ маҳол эрди. Чун оллоҳи таолонинг иродаси бу эрди, тақдирға чора йўқдур!

Чун Серанжуф Веруфкиннинг ўрниға тозадин амири лашкар бўлуб эрди, Сиқублуф (Скобелев) ва қунат Шувалуф (граф Шувалов), бир ғайрат кўргузмак учун зобитларни қарбға тарғиб этиб ушбу бир неча милтуқ отилғонини уруш бошлонғониға ҳисоб этиб, йўлуқгон кишини отиб чопиб кела бердилар. Ғарзалари бу эрдиким, Хевақни ҳарб била олдуқ демакчи эрдилар. Бу тариқада издиҳом била Арк тарафиға юрдилар. Аҳоли ҳам учаклардин⁴⁰ оларға милтуқ отар эрдилар. Урунбург аскарининг саркардаси Сиқублуф то Арк олдиға келгунча бу тариқада отишиб келди. Мундин ярим соат сўнгра Кауфман Тошканд лашкари била музика чертдуруб Ҳазорасп дарвозасини кириб келди. Чун оларнинг бу тариқада шаҳарға киришлари Кауфманнинг амри била эмас эрди, Кауфман аларнинг келганларин эшитиб фармон юбордиким, олар келган йўлларидин қойтиб чиқиб, лашкаргоҳға борсунлар. Булар филҳол қойтдилар. Чорсунинг бир ўраси тоиб қунат Шуваловнинг устиға тушуб, ямон ҳолда захм кўториб йиқилди. Мундин бошқа ҳам ўн тўрт тўп киши йиқилиб захмдор бўлдилар. Генерал Галавачов ҳам тўрт бўлак пиёдаву тўрт тўп ва икки юз қазақ отлиси била шаҳарға дохил бўлуб⁴¹ эрди. Ул ҳам чиқиб, лашкаргоҳға кетди.

Кауфман ёнида Ғарандуқ Ниқулай Принс Ожин камоли эхтиром била келди. Бурунроқ келган бир бўлак аскар музика чертиб, истиқболиға чиқтилар. Кауфман келиб Аркка кириб тахти Хоразмшоҳийда ўлтурди. Бошқалар атрофида сандалларда бамаротиб ўлтурдилар. Чингизий тўралардин Назархонким, хон ҳазратларига қиз бериб қориндош бўлгон эрди, келиб ҳарам саройининг эшигин маҳкам этиб, эшик олдида ўлтуруб, ҳарамға киши кирмакдин монез бўлди. Яқуббой Кауфманнинг олдида хизмат этиб, анвойи маъқулоту машрубот ва ақсоми меважот топиб бериб, ҳозир бўлуб турди. Кауфман икки соатдин сўнг Галавачофин талаб этиб, беш бўлак аскар била Арк ичиде ва Арк олдида қаровул тариқасида турмоқға таъйин этиб, Ғарандуқ била ҳамроҳ бўлуб, генерал Веруфкиннинг аҳволин сўрамоқ учун кетди.

Галавачоф хазинани очдуруб хазинаға кирди. Бир сандали бор эрди. Галавачоф кўруб деди: «Бу императур саройида туратургон шоҳи сандалиларға ўхшашдур. Ҳамониким, импературдин ҳадя тариқасида бу ерга келгондур. Яна музайян бир сандаликим, Муҳаммад Раҳим Баҳодирхони аввалининг замонларида тузатилмиш эрди. Яна бир неча темур орча кўрдилар. Ҳаммалари холи эрди. Магар бирининг ичи тўла танга эрди. Яна бир зинпўш кўрдилар. Олту ва зумурад била мурасса⁴² эрди ва бир миқдор мурасса қиличлари ханжарлар ва милтуқу таппончалар ва неча олту чопулгон покиза улуғ милтуқлар бор эрди. Ва бир неча навиход олтиотар бор эрди. Яна ўн икки тўфанг била бир хиле фишанг ва фишанг тўлдуратургон олатлар бор эрди. Ва бир англизи олтиотар бор эрди ва англиздин келган бир нома бор эрди. Яна бир уйда уч юз мужаллад ёзма музайян китоблар бор эрди ва чоройнаву совутлар ва дубулғалару куллуқу тизлику ўқ-ёйларнинг ҳаммасиға мутасарруф бўлди, чун ҳаммаси мурасса⁴³ ва мужавҳар ва баҳодор нимарсалар эрди, Петербурфға юборилди.

Ушбу куннинг кечаси Амир тўра Кауфманнинг рухсати била келиб ҳарам саройи аҳлин маҳофалар била кўчуруб ўз ҳавлисиға олиб борди. Мунинг сўнгги куни Русия аскарининг бир жамоа Аркка кириб қолгон аҳмоли асқолни торож этдилар. Ондин сўнг Кауфман амр этди: Бир неча юз кишидинким, оларни қаровул этиб қўюлуб эрди, бошқа тамоми аскарни шаҳардин чиқориб, хон ҳазратларининг Гандумкон ҳавлилари тарафиға юборилди. Ондин сўнг Кауфманнинг ўзи ҳам тамоми зобитлари ва саркардалари била бориб, Гандумконда иқомат этди.

Мундин бир неча кун ўтгондин сўнг, Кауфман эшитиб, хон ҳазратларининг Измехшерда эрконларидин огоҳ бўлди. Андин сўнг, исми ҳумоюнлариға бир мактуб ёздурди, бу мазмундаким: «Биз мунда жоинишин бўлуб⁴³ қолгон биродарларингиз била сулҳ қилдуқ. Эмди сиз ҳазратдин

³⁸ Мутаҳаййир — ҳайрон.

³⁹ Полковник Саранчев.

⁴⁰ Учак — том.

⁴¹ Дохил бўлмоқ — кирмоқ.

⁴² Мурасса — зийнатланган, нақшланган, гўзал, чиройли, сайланган.

⁴³ Жойнишин бўлмоқ — ўрнашмоқ.

таваққуйимиз будурким, қойтиб бизнинг тарафимизга келгайсиз. Тоқим, жанобингизга лозим бўлгон риоятда асло қусур этмай ўзунгиз била аҳд этишиб сулҳнинг шаройити ўқудиға истеҳком бергаймиз. Ондин сўнг сизни ўз тахтингизда мутамаққин этиб, қойтиб кетгаймиз ва агар бу сўзлар била келмасонгиз ноилож бўлуб, ўрнингизга бошқа бировни хон қилиб, сулҳ ўқудин онинг била мунъақид этиб кетармиз. Бу яхши эрмасдур. Яхшироқ будурким, ўзунгиз келгайсиз, вассалом». Ул мактубни Иноқбекка бериб деди: «Муни хон ҳазратларига етқургил». Иноқбек қабул қилиб олиб, ул мактубни хон ҳазратларига юбордилар.

Бир кун хон ҳазратлари Измехшерда ўлтурбу эрдилар, Иноқбекнинг кишиси бориб мактубни берди. Хон ҳазратлари муталоа қилиб, мазмунидин огоҳ бўлуб, Сори сардор била машварат этдилар. Сори сардор деди: «Эй шахриёр, борғонинг яхшидур. Ул сулҳ қилғон бўлса, албатта; сизга ямонлик этмасдур. Яна букми, сиздин ҳеч ямонлик кўрмоғони учун сизга ямонлик этар? Эмдиким, оллоҳи таолонинг иродаси била бу тариқада бўлубдур. Сизнинг юртни ташлаб ахлга кетмакингиз яхши эрмасдур». Хон ҳазратларига Сори сардорнинг сўзлари маъқул тушуб отланиб Хевақ тарафига равона бўлдилар. Чун ёвуқ келдилар, Отажон тўра ва Амир тўра бошлиқ ҳамма истиқболларига чиқиб ёззозу икром била шаҳарга олиб кирдилар. Ондин сўнг, хон ҳазратлари Гандумкон тарафига равон бўлдилар.

Чун ёвуқ бордилар, кўрдилар, Кауфман Гандумконда дарахт соясида чодир қурдуруб онда ўлтурғон эркан. Хон ҳазратлари ул чодирнинг ёвуқиға бориб, отдин тушуб эрдилар. Кауфман истиқболларига чиқиб, қўл олишиб кўрушуб, хуш келдингиз, деб ёззозу икром, тамому эҳтироми молокалом била чодирга киргузуб юқорида ўлтурғузуб, паҳлуларида ўзи ўлтурди. Кўрушуб, сўрашиб бўлгондин сўнг Кауфман деди: «Ман мундин уч йил бурун аскар била сизнинг тарафингизга бурурман деган ваъдамга вафо қилмоқ учун келдим». Хон ҳазратлари дедилар: «Бу худонинг тақдиридур». Кауфман деди: «Бу сўзунгуз хатодур. Не учунким, уч йилликда менинг юборган номамнинг мазмуниға амал этсангиз эрди, мани бу ерларда асло кўрмас эрдингиз ва худо ҳам менинг бу ерга келмакимни тақдир этмас эрди». Хон ҳазратлари дедилар: «Ҳеч нима тақдирдин ташқари бўлмасдур. Баҳарҳол, сиз била кўрушгонимизга мамнундурмиз». Кауфман табассум этиб деди: «Бу мамнуният якка сиз тарафдин эрмас, биз тарафда ҳам бордур. Аммо, кўрушгонимиз дўстона тариқада бўлса эрди, не бало яхши бўлур эрди». Ондин сўнг яна Кауфман деди: «Эмди авқотни ⁴⁴ зоеъ қилмай, мақсудға шуруъ қилмоқ авлодур. Бас, алҳол, не фикрдадурсиз ва не иш этмак матлубингиздур?» Хон ҳазратлари дедилар: «Биз имфератур аъзам ҳазратларининг тахти фармонидадурмиз» ⁴⁵. Кауфман хушҳол бўлуб деди: «Бағоят яхши сўз ойтдингиз. Сиз имфератур аъзам ҳазратларига мақсудингиз муқтазосича ⁴⁶ навъи итоат этиб, муттафақ ⁴⁷ ва дўсти бўлуб навъи мадоро била ўлтурсангиз ҳам бўлур. Мунда ҳам имфератур ҳазратлари сизни тожу тахтингиздин маҳрум этмақнинг фикрида эрмасдурлар. Аммо, аввал сизга элчи юбориб бир неча асирни сиздин тилаганда, сиз ондоғ саҳл ⁴⁸ нимарсани мундоғ улуғ подшоҳга бермай инод йўлиға кирдингиз. Бу сабабдин имфератур ҳазратлари мутағаййир бўлуб, ⁴⁹ тиладиларким, не тариқада зўру қувватлари боридин сизни огоҳ қилиб, яна афв этиб, бир неча шароит била бурунғудек тахтингизда барқарор этгайлар. Алҳол, гумон қилурманким, имфератур аъзамнинг не миқдор зўру қувватлари боридин огоҳ бўлгондурсиз? Эмди мундин ҳам огоҳ бўлунгким, ул ҳазрат сиздин интиқом олмоқнинг саддида эрмасдурлар. Бас, қойтиб тахтгоҳингизга бориб раъиятга ⁵⁰ фароғатлик муждасин еткурунғ. Ҳамма ўз ишларига машғул бўлуб, форигулбол юрусунларким, бизлар бу ерга торож учун ва ё ўзга тасаллутот ⁵¹ учун келганимиз йўқдур». Хон ҳазратлари онинг бу сўзларидин хушҳол бўлуб, миннатдорлик ихзорин этдилар. Ондин сўнг яна бир миқдор ҳар тарафдин сўз ойтишиб дўстона муонасату ⁵² мусоҳабат этиб ўлтуруб баъда Кауфман билан видолашиб отланиб шаҳарга қойтдилар ва Аркни супуртириб покиза қилиб тўшатиб, Аркка кириб тахти давлатда қарор тутдилар.

Ондин сўнг икки-уч мартаба Кауфманнинг ёниға бориб келдилар. Бир навбат Отажон тўрани ҳам олиб бордилар. Бир навбатда Кауфман хон ҳазратларига аскарига низом бериб тамошо қилдурди.

Мундин ҳам бир-икки кун ўтгондин сўнг, Кауфман аҳолидин ва ҳукуматдин тазминоти ҳарбия олмоқ учун бир мажлис тузмакка қарор бериб, Хева вакилларидин уч киши била хон ҳазратларини талаб этиб, хон ҳазратлари Бобо меҳтар ва Худоёр қушбеги ва Исмоил Нақибхўжа ва Иноқбек ва Муҳаммаднӣёз девонбегини рикоби ҳумоюнда ⁵³ ҳамроҳ қилиб Номозгоҳ отлиғ мавзеъғаким, Гандумкон дарвозасининг ёвуқида ва шаҳарнинг шарқ тарафида воқеодур. Хон ҳазратлари ийд намозларин жамъият била онда ўқур эрдилар. Бориб тушуб қарор тутдилар. Кауфман ҳам амир лашқари Ивануф ва Искандар тўра ва ғайруҳумдин бир неча киши била келиб онда муколама ⁵⁴ мажлиси мунъақид ⁵⁵ бўлди.

Кауфман онда хон ҳазратларидин илтимос этдиким: «Оллоҳи таоло бани Одам гуруҳин муаззазу мукаррам халқ этибдур. Эшитурманким, Эрон мамоликининг халқидин бир жамоани туркмонлар асир этиб, келтуруб бу вилоятда сотиб, аҳоли ул асирларни вилоятларига юбормай хизматға солиб юругон эрмишлар. Карам юзидин ул асирларни озод этиб, мундин сўнг асирларни сотғун олиб хизмат буюрмоқни тарк этсалар, марҳаматларидин баъид эрмасдур». Хон ҳазратлари

⁴⁴ Авқот — вақт, фурсат.

⁴⁵ Тахти фармонида — ҳукми остида, ихтиёрида, қарамоғида.

⁴⁶ Муқтазо — тақозо, зарурат, талаб.

⁴⁷ Муттафақ — иттифоқдош.

⁴⁸ Саҳл-арзимаз, енгил, осон.

⁴⁹ Мутағаййир бўлмоқ — ўзгармоқ, фикри ўзгармоқ.

⁵⁰ Раъият — ҳукмдорнинг қўл остидаги халқ.

⁵¹ Ўзга тасаллутот — бошқа мақсад, яъни ҳукмронлик ўрнатиш.

⁵² Муонасат — яқинлик, улфатлик.

⁵³ Рикоби ҳумоюн — подшоҳ ҳузурин.

⁵⁴ Муколама — сўз юритиш, суҳбат.

⁵⁵ Мунъақид — аҳдлашмоқ шартлашмоқ.

қабул қилиб буюрдилар.: Жарчилар шаҳарда мунодо урсунларким, аҳоли тамоми асирларни озод этсунлар. Риояи имтисолан лиамриҳил оли, филҳол, тамоми асирларни озод этдилар.

Чун Эрон усаролари озод бўлдилар, ҳамалари каму беш йигирма етти мингга етган эрканлар. Ҳамма хушҳол бўлуб Русиядин миннатдорлиқ изҳорин этиб табиийят тариқасида Русиянинг экинларида чинларин кўруб булар ҳам экинларига қизил читлардин ва латталардин чин суратида этиб тиктилар. Ҳатто, Муродали Бобо ҳам экинларига латтадин чин тузатиб тикмиш эрдилар. Байт:

Баёний, чу хуш гуфта аҳли ҳунар,
Жигарро жигар дон, дигарро дигар.

Вақтеким, асирлар озод бўлдилар, кўпроқлари оқолариға тухматлар этиб озорлар бердилар ва олардин бир жамоаға Иброҳим басмачи бош бўлуб, Султон лақабин кўтарди. Бу сабабдин они Иброҳим Султон дедилар. Ҳосили калом, тамоми асирлар фитнаву туғён турғузуб аҳолининг ғорату торожлариға қўл ўзотдилар. Аҳоли келиб Кауфманға арз этдилар. Хон ҳазратлари Кауфманнинг ишорати била оларнинг арзларин сўраб эронийлардин икки кишини остурдилар. Ондин сўнг фитна андак таскин топти. Кауфман амр этди: тамоми асирлар Катта-боғғаким, шаҳарнинг ғарбу шимол тарафида бир фарсахлиқ масофада эрди, жамъ бўлсунлар. Ондин сўнг асирлар Каттабоғға чиқиб шўрш сокин бўлди. Яна Кауфманнинг ёниға Мухаммаднӣёз девонбеги гоҳ-гоҳ бориб мусоҳибат этиб кетар эрди. Кауфман ондин вилоят аҳволининг истифсо-рин этар эрди. Мухаммаднӣёз девонбеги вилоятнинг тамоми ҳолоти ва маҳсулотидин ва тамоми аркони давлат ва аёни ҳашматининг аҳволотларидин Кауфманға огоҳлиқ берди.

Мундин бир неча кун ўтгондин сўнг Кауфман Мухаммадмурод девонбеги била Раҳматулло ясаулбошини сибир этиб Қозонлиға юборди ва яна Русия аскарининг кафайи масорифи⁵⁶ учун Хоразм аҳолиларидин икки миллион била икки юз минг манот тазминот олмақға қарор бердилар. Мунинг уч юз минг манотининг ямудтин олинмоқи муқаррар эрди ва мундин ямултарға хабар юбордилар. Чун ямултарнинг уч юз минг манотни филҳол топиб бермакка қудратлари йўк эрди. Бас, улуглари ва кахудоларидин бир нечалари келиб дедилар: «Бу маблағ бизларға бағоят оғир-дур. Они муҳлатсиз топиб бермакнинг имкони йўқдур». Кауфман деди: «Ун беш кун муҳлат бер-дук». Ямут кахудолари дедилар: «Ун беш кунда бизлар бу миқдор манотни жамъ қилмоқға қодир эрмасмиз. Муҳлатни кўпроқ бермасангиз бизлар бу маҳумни анжомға келтура олмасмиз».

Кауфман гумон қилдиким, ямултар бу сўзни саркашлик юзидин ойдадулар. Не учунким, Кауфман йигирма бир тўпға эгалик этгонда хон ҳазратлари деб эрдилар: «Ямут жамоаси бағоят саркашдулар. Сиз бизнинг ҳамма тўпларимизни олиб кетсангиз, ондин сўнг биз ямутни бошора олмасмиз ва бу уч юз минг манотни ҳам, ўзунгиз олмасангиз, бизға саркашлик юзидин тааллул кўргузуб⁵⁷ тезлиқда бермасдур». Ондин сўнг, Кауфман йигирма бир тўпдин икковини олиб, ўн тўққизини хон ҳазратлариға таслим қилиб деб эрди: «Ондоғ бўлса, бу уч юз минг манотни ямут-дин ўзумиз олурмиз». Бас, ямут била ўзи хабарлашиб ҳамул манотни талаб этиб эрди. Яна Кауфман бу фикринг ҳам ойтиб эрдиким: «Ямултар бу вилоятнинг шужаоларидиндулар ва ўзбаклар била буларнинг оралариде кадимдин адоват бордур. Бас, буларни тор-мор этмак ўзбакнинг ит-оати била вобастадур. Бас, ямут қабойилин қатли ом этиб, жамиятларин бузсам, ўзбакнинг интиқомларин олгон киши бўлуб, оларға миннат юкларман ҳам қувватларин кам этарман. Ондин сўнг ҳамма манга мутеъву мунқод бўлурлар»⁵⁸. Яна букум, ўзига ҳам олардин кўп дастбурдлар этиб эрди, тиладиким, ўзи ҳам интиқом олғай.

Бас, муҳлат талаб келган ямут кахудолариғаким, ўн бир киши эрдилар, қабилалариға қой-моқ рухсатин бермай ва илтимослари жавобин ҳам ойтмай Галавачовни талаб этиб ҳукм этдиким, ўзига мутааллул саккиз бўлак салдат ва саккиз бўлак қазоқ отлиси ва ўн тўпу икки метролюз ва бир рукат батареяси била бориб ямут била урушуб қитолу жидол ўтун муштаал қилиб оларға саркашликлари жазоларин бергай. Кауфманнинг бу сўзи генерал Галавачовға ва Ламоқин ва Иванов ва тамоми зобитлар ва саркардаларға маъқулу мақбул бўлмай, ҳаммалари иттифоқ била дедилар: «Ямултар била уруш этмак яхши эрмасдур. Не учунким, аҳол, олар саркашлик зоҳир этганлари йўқдур, балки, арзи аҳвол била узоқроқ муҳлат тиларлар ва ўзбакдин мутеъроқ кўринадулар. Буларға тилаган муҳлатларин бериб, ваъдаға вафо қилмасалар, ондин сўнг ҳар тариқа жазо берил-са, муносиб эрди». Чун Кауфман бир нимаға ҳукм этган бўлса, асло ул ҳукмидин қайтмас эрди. Биззарура, оларнинг сўзларига қўлоқ солмади. Галавачоф ноилож бўлуб, мазкур лашкар била асаднинг ўн бешланчисида ҳаракат этиб ямут тарафиға равон бўлди. Хон ҳазратлари Яьқуббойни Галавачовға қўшуб юбордилар.

ГЕНЕРАЛ ГАЛАВАЧОФНИНГ ЯМУТ УСТИГА БОРФОННИНГ БАЕНИ ВА ОЛАР БИЛА ВУҚУФА ЕТГАН ҲАРБУ ҚИТОЛНИНГ ДОСТОНИ

Вақтеким, Галавачоф Яьқуббой била ҳамроҳ бўлуб йўлға кириб юруди, Ғозиободға бориб тушуб бугунни ўтқариб эртанг ҳам ул ердин кўчмади ва деди: «Ямултар била урушмоқ яхши эрди. Бу ерда андак таваққуф этсак, шояд олар бизларнинг уруш учун келгонимиздин хабардор бўлуб саяй била тазминот саранжомин этиб келтуруб бериб узр ойтғойлар». Аммо ғарази бу эрдиким: «Шояд қочуб ҳар тарафға мутафарруқ бўлуб кетиб, бизларнинг қўлимиздин халос бўлғойлар». Аммо, ямултар буларнинг юрушларидин хабардор бўлуб қочиб кетмакка ор этиб, келсалар қўлимиздин келганича урушурмиз ва тақдирда не ёзилгон бўлса, они кўрармиз, деб урушға омода бўлуб ўлтурдилар. Мунинг сўнгги куни Галавачоф отланиб лашкари била келиб ямут қабилаларининг бир тарафидин дохил бўлуб, қазоқ отлилари мутафарриқ бўлуб ямултарнинг хирманлариға ва козалариға⁵⁹ ва уйлариға ўт қўя бердилар. Ут шуъалари ҳар тарафда осмонға

Кафайи масорифи — Россия армиясининг таъминоти, сарф-харажати назарда тутилади. Ҳозирги Тарих китобларида бу «контрибуция» атамаси билан ифодаланган.

⁵⁷ Тааллул кўргузуб — баҳона қилиб, сабаб кўрсатиб.

⁵⁸ Мунқод бўлмоқ — бўйсунмоқ, тобе бўлмоқ.

⁵⁹ Коза — қапа, чайла.

бош чекиб тутун тамоми атрофни қуршаб олиб, «явма таътисамои бидухоним мубин»нинг мафҳуми ошқоро бўлди. Қазоқ отлилар кўзга кўрунганни отиб қорри боболарни ва аёлу атфолни тиг била чопиб, сут эматурғон ўғлонларни найза била санчиб ўтга отор эрдилар ва амволларин торож этар эрдилар. Ул ҳолда баъзи уйлардин бир пора аёлу атфол ва қоррилар жамъ бўлуб қочуб борур эрдилар. Қазоқ отлилардин бири хабардор бўлуб оларнинг изларидин етди. Ямутлар йиғлаб дедилар: «Бизларнинг не гуноҳимиз бордур?» Қазоқ отли деди: «Тазминотнинг одосида саркашлик этдингизлар». Булар дедилар: «Маблагнинг адосидин ожиз келиб муҳлат тиламак саркашлик бўлурму?! Муҳлат беринг, топиб берурмиз, деганнинг жазоси мундоқ бўлурму?! Ва саъйимизга сиғмоғон маблагни бизлардин талаб этарсиз, бизлар дам урмай топиб бермакка мутасадди бўлуб, муҳлат тиласак, бизлар била бу тариқа муомала қилурсиз. Мундоғ зулм дунёда ҳеч кишидин воқеъ бўлғон эрмасдур!»

Қазоқ келиб бу сўзларни Галавачофга баён этди. Галавачоф деди: «Онинг сўзи ростдур. Ман сизларга хирманларин ўтланг дедим, аммо бу тариқада уйларин ҳам ўтлаб аёлу атфоллари била қатли ом этинг деганим йўқ эрди. Эмдиким, бўлур иш бўлубдур, таассуфдин фойда йўқдур». Бу воқеадин сўнг ямутлар иттифоқ этиб дедилар: «Эмди бизларнинг Русия била мулоқотимизнинг қилич била бўлғони яхшироқдур. Аёлу атфолларимиз талаф бўлгондин сўнг бир жонимиз учун Русиядин миннат кўтарурмизму?! Дунёда мундоқ ҳаёт юругондин ўлғон яхшидур!» Бас, атрофдин кўчуб Ҳилолий тарафига равона бўлдилар.

Галавачоф ямутларнинг таъқиблари учун қазоқ отлиларининг ораларидин етти бўлак отлини интихоб этиб, Принс Ужин отлиғ бир зобитни оларга саркарда қилиб ирсол этди. Булар бир мил миқдори йўл юруб, бир жамоа ямутларнинг изларидин еттиларким, баъзиларни қоррилик жиҳатидин, баъзилари беморлик сабабидин ва баъзилари аёлу атфоллариға ҳамроҳлик этиб ўғлонларин орқалариға кўтармак била ҳориб суст бўлуб, афтону хезон борур эрдилар. Қазоқ отлилар оларни кўргон ҳамоно от солиб бориб ҳаммаларин қатл этдилар. Ондин ўтуб яна бир жамоа ямутларнинг изларидин етдиларким; олар ҳам аёлу атфоллари била чулошиб ва бир миқдор қўйу эчкуларин суруб аҳволи хароб била борур эрдилар. Қазоқ отлилари ҳайё ҳуӣ ужиб била қичқуришиб от солиб келиб оралашиб қатл қила бердилар. Ямутларнинг кўп атфоллари отларнинг оёқлари остида қолиб, нечалари ўлуб, нечалари нимжон била ота-оналарига қичқурур эрдилар. Ул ҳолда ямутларнинг кўзларига дунёву жаҳон қоронғу бўлуб Русия аскарига ақсум бўлдилар. Баъзи хотунларнинг ҳам чап қўлида боласи ва ўнг қўлида тиг била Русия отлилариға ҳамла қилур эрдилар. Бир миқдор уруш бўлгондин сўнг, Русия аскарни қолиб келиб, оларнинг ҳам ҳаммаларини тигу тўфанг била қириб тамоом этдилар.

Баъзи захмдорлар ўлуқларнинг ораларида ўзларини ўлуқдек этиб ётмиш эрдилар, Русия аскарни найза била уруб ўлтурур эрдилар. Ва ул ерда бир кичик кўл бор эрди, йигирмадин кўпроқ хотунлар ўғлонларин қучоқлариға олиб ул кўлга кириб сув ичида экинларнинг ораларида пинҳон бўлуб туруб эрдилар, Русия аскарни оларни кўруб милтуқ ўқи била оларни уруб қатл этдилар.

Ул ҳолда тўрт қазоқ отли бир ямутнинг изидин етиб ўртаға олиб ҳар тарафдин тиг урмоқ бошладилар. Ул ямутнинг қўлида ҳеч яроғи йўқ эрди. Онга кўп захм урдилар. Қўлларидин ва тамоми баданидин қон оқиб борур эрди. Ямут кўрди, булар уни ўлтурмакчидурлар, ғайратға кириб бир ҳамла қилиб, ул қазоқларнинг биридин қиличини қонгириб қўлидин олиб ул қилич била ҳамул тўрт қазоқ отлини қатл этди. Чун захмларидин қон кўп оқиб эрди, беҳол бўлуб йиқилиб қолди. Ул ҳолда икки қазоқ отли бу аҳволда кўруб келиб отиб ва тиг била уруб шахид этдилар ва Русия аскарни ҳар ерда зироату хирман бўлса, ўтлаб ва уйларни тамоом ўтлаб борур эрдилар, токим Измехшерға бордилар, ондин ўтуб Ҳилолийға бордилар ва Ҳилолийнинг қибла — кун чиқарида⁶¹ Чондир отлиғ мавзёга тутилар.

Мунинг сўнги кунни ҳар тарафдин ямут аскарни намоён бўлди. Принс Ужин икки бўлак қазоқ отлини оларнинг тарафлариға юбориб тўпчиларға тўпларни тайёр этинг, деб амр этди. Ул ҳолда генерал Галавачоф келиб аскар била ямутларнинг тамошосин этмак учун бир депага чиқиб қараб турди. Русия аскарни саф тутуб бориб ямутларға тўп ва милтуқларни шиддат била отмоқ бунёд этдилар. Ямутлар тоб келтура олмай ҳазиматга юз қўйдилар. Ул ҳолда бир бўлак Русия қаровули ямутларнинг яна бир бўлагига учрашиб ямутларнинг гуруҳи аларнинг ҳаммаларин қириб тамоми яроғ ва асбобларин олиб кетдилар.

Бу кун ўтиб кеча бўлди. Ямутлар Русия аскарниға шабхун урмоқ учун келдилар ва бир неча милтуқ отиб Русиядин бир неча киши қатл бўлғон ҳолда Русия аскарни хабардор бўлуб мусаллаҳ бўлуб милтуқ отмоқ бошладилар. Ондин сўнг ямутлар қойтиб кетдилар. Чун кеча ўтуб кундуз бўлди, Галавачоф отланиб Ҳилолий қариясиға бормоқ учун отланиб, отли ва пиёдаларнинг сафларин ростлаб йўлга кирди. Қоршуларида кўп боғ деворлари ва дарахтлар бор эрди. Галавачоф ул ораға кирмакдин хавотир тортиб Ҳилолийнинг ғарб тарафиға қараб юрди. Ул ҳолда осмондин бир қаро булут пайдо бўлуб, андоғ қаронғу бўлдиким, кўз-кўзини кўрмас бўлди. Бу ҳолатдин Русия аскарининг кўнгулларига раъбу ҳарос муставли бўлди⁶². Ондоғким, қазоқ отлиларининг юк юклайтурғон теваларидин бири бўш олиб аскарнинг орасида ҳар тарафга югурур эрди, қазоқ отлилари бир улуг воқеа зуҳур этди, деган гумон била орқалариға ўйорилиб қочмоқчи бўлдилар. Яна баъзилари монёе бўлуб базур ўзларин сақладилар. Ул ҳолда ямут аскарни издиҳоми тамоом ва ғавғойи молюкала⁶³ била от қўюб келдилар. Русия аскарни ҳам шиддат била тўплаш ва милтуқларни отмоқчи бунёд этдилар. Ямутлар боди сарсардек⁶⁴ келиб, Русия аскарниға оралашиб жанги мағлуба бўлди.

Қазоқ отлиларининг саркардасига ўқ тегиб қатлга етди. Галавачофнинг бир қўлиға ўқ тегиб ноқор бўлди⁶⁵. Бошдин оёқни қон бўлуб, ул ерда бир жой топиб паноҳлаб ўлтурди. Аркони ҳарбиянинг мингбошиларидин бири мунинг ёнида туруб ҳар нима буюруғи бўлса, аскарға еткурур эрди.

60 Ақсум бўлдилар — қасдма-қасдига, ҳамлакор ташландилар.

61 Матндаги «Қибла» тушунчасида чалкашлик бор.

62 Раъбу ҳарос муставли бўлди — ваҳима, даҳшат ва кўрқув ёйилди.

63 Молокалам — қайтарилмайдиган.

64 Боди сарсар — шиддатли шамол.

65 Ноқор бўлди — ишга ярамай қолди, сафдан чиқди.

Аммо онинг ҳам ўнг эгнининг ўқ тегиб, бошдин оёқ либоси қон эрди. Ямутлар урушга қизиби Русия аскарини қатл қилиб борур эрдилар. Бир тарафдин Жанли вакил емроли аскари била от солиб келиб ўзини аскарга уруб қатл қила берди. Русия аскари ҳазиматга юз қўйгон суратда гоҳ урушуб, гоҳ қочиби борур эрдилар. Жанли вакил тўпларни Русиянинг қўлларидин олди. Ямутлар қазоқ отлиларининг изларидин этиб қилич била эгинларига урор эрдилар. Бир қўли шонасидин ойрилиб ерга тушар эрди. Узларини шер гумон этиб юругон қазоқ отлилари тилкудек бўлуб, қочиби кирмакка суроҳ⁶⁶ топмай изтироби тамом била қочиби борур эрдилар.

Ул ҳолда, ямутлар Русия аскарини яхши изига сирпиб юборгандин сўнг, ўлжага қизиби таъқибни тарк этиб, мол олмоққа мубтало бўлдилар. Баъзилари от ва яроғларга эгалик этмакка овлашиб, баъзилари ўлукларнинг кассаларин охтариб юрур эрдилар. Ул ҳолда Русия аскари дубора жамъият тузиб, ҳужум этиб келиб тўпларга эгалик этиб, шиддат била ямутларга тўпу милтуқ отмоқ бунёд этдилар. Ямутлар саросима бўлуб навиход яроғларнинг зарбатларига тоб келтура олмай ҳазиматга юз қўйдилар.

Ондин сўнг ўлгонларни санадилар. Русия аскарининг икки юз қирқ киши ва ямутлардин уч юз киши қатлга етгон эрканлар. Русия аскари ўз ўлукларин жамъ қилиб бир ерда дафн этдилар. Бу урушда Принс Ужин ҳам уч еридин муҳлик⁶⁷ захм кўтарди. Русия аскарининг кўп киши захмдор бўлуб эрдилар. Захмдорларни хаста аробаларига юклаб йўлга равон бўлуб, Ҳилолийга келдилар. Галавачофнинг қўлига, филҳол, жарроҳлар марҳам қўюб иложлар этдилар. Галавачоф қўлини бўйнига осиб юрур эрди.

Мунинг сўнгги куни яна ямутларнинг изларидин равон бўлдилар. Чун кеч бўлди, бир ерга туштилар. Оқшом ичида бир миқдор ямут ва емроли шабхун қасди била келдилар. Русия аскари хабардор бўлуб, филҳол, сафларни ростлаб, бир боғ бор эрди, онинг деворин паноҳлаб урушга тайёр бўлуб, ондин сўнг уч бўлак аскарини ямутларнинг тарафларига юбордилар. Ямутлар шиддат била ҳужум этиб оларга от солдилар. Олар лашкарга қойтдилар. Ораларидин бир нечаларига ўқ тегибди. Ямутлар Русия аскарининг бир таноб бўйи ёвуқиға келганда, Русия аскари тўпу милтуқларини шиддат била ота бердилар. Ондин сўнг, ямутлар урушмай қойтиб кетдилар. Ондин сўнг, Русия аскари пивёда салдатни рост тарафга ва отлиларини чап тарафда қўюб бу суратда ямутларнинг изларидин юрудилар. Йўлда ҳар вақт сафларни ростламоқ учун таваққуф этар эрдилар. Ул вақтда ямутлар қазоқ отлиларнинг устига от солиб бир миқдор уруш этиб, ёвуқ эрдиким, оларга шикаст бергайлар. Ул вақтда яна шиддат била тўпу милтуқ отмоқни бошладилар. Ондин сўнг, ямутлар яна бир миқдор изларига қойтдилар. Чун кеч бўлди, Русия аскари бир ерга тушуб атрофларига қаровул қўюб фароғат топдилар. Аммо ул кеча ямутлар бир неча дафта шабхун урмоқ қасди била атрофга келиб, қаровулларнинг ғоят огоҳлиқ била юругонларин кўруб, ҳеч иш буткара олмай қойтдилар. Чун кеча ўтуб сабоҳ бўлди, Русия аскари яна йўлга кирдилар.

Ондин сўнг, ямут ва тамоми туркмонлар билкуллия фирорға юз қўйдилар. Тамоми аҳмолу асқоллари ва аёлу атфоллари қола бердилар. Қорри кишилар ва беморлару захмдорлар йўлларда афтону хезон қочиби борар эрдилар. Русия аскари оларнинг изларидин этиб, ҳаммаларин шахид этдилар. Неча тифлларким, ота-оналари шахид бўлуб, қаёнға борурларин билмай йиғлашиб, ҳар тарафга югурур эрдилар, ҳаммалари отларнинг ва аробаларнинг остида қолиб пора-пора бўлдилар.

Русия аскари ул кун ўлжа олмоққа машғул бўлуб, ярим оқшом вақтида кўп қорамол ва кўю тева ва эшак сурукларин олиб лашкаргоҳга келдилар. Аммо Гандумконда Кауфман Галавачофнинг хабарин эшитмай хийла изтироба тушуб, ўзи олардин бир хабар олмоқнинг фикрин этиб, хон ҳазратларидин бир миқдор ароба илтимосин этди. Хон ҳазратлари тилаганча ароба бердилар. Кауфман ул аробаларни Галавачофнинг мададига баъзи нималар била юборди. Олар борур эрдилар, Галавачофнинг тарафидин фатҳнома била икки бўлак салдат келур эрдилар. Буларга йўлуқуб ўтуб, Гандумконга бориб Кауфманни кўруб фатҳномани бердилар. Кауфман фатҳноманинг мазмунининг огоҳ бўлгондин сўнг хушвақт бўлуб фароғат топди.

Аммо, Галавачоф эшиттиким, туркманлар ҳар ерда гуруҳ-гуруҳ жамъ бўлубдурлар. Оларға киши юбориб итоат ва инқиёдага тақлиф этди. Ямутлар жавобида дедилар: «Эмди бизлар биёбонларда ўз бошимизга юруб, қоттиглиқ била зиндагонлиқ⁶⁸ этмакни Русия итоатидин яхшироқ кўрормиз». Ул киши қойтиб бориб ямутларнинг жавобларин Галавачофга баён этди. Кауфман бу хабарни эшитиб, бошқа туркманларнинг қабилаларига киши юбориб, талаб этилган тазминотни бир ҳафтада топиб берсунлар, вагарна, ямутнинг бошига тушгон иш оларнинг бошларига ҳам тушар, деган амр юборди. Қабойил аҳолилари жавоб юбордиларким: «Мунча маблағни бир ҳафтада мавжуд этмак маҳолдур. Муҳлати мудардин узоқроқ этмасалар, бу маблағни бизлар жамъ қила олмасмиз». Кауфман деди: «Ондоқ бўлса, ўн тўрт кун муҳлат бердук.» Бас, туркманлар тазминотни жамъ қилдилар. Баъзи қабиланинг чоғароқларига йигирма тиллодин, баъзи қабиланинг чоғароқларига ўн беш тиллодин тушуб, бир лаку етмиш минг тилло ҳисоб бўлди. Бечоралар аҳли аёлларининг шойи, яъни тузуку билазук ва галиву фалосларин бешдин бирундин бир баҳосига сотдилар. Русия девонлари олдиларким, бир неча зобит бу ишга маъмур бўлуб, туркманларнинг тузуқлари ва голийлари ва отларига баҳо қўюб олур эрдилар.

Ун кунгача бу ишга машғул бўлдилар. Муҳлат мудардин тамом бўлуб, жамъ қилгонлари саксон минг тилло эрди. Ондин сўнг қолгон тўқсон минг тилло учун бир йил муҳлат берди. Ондин сўнг шартнома ёзилиб, хон ҳазратлари муҳр этиб Кауфманга таслим этдилар ва дарёнинг орқа тарафидидаги мамлакатлар Русияга тааллуқ топиб, дарё ўртада муштарак бўлди.

Хон ҳазратлари ўзларига адоси лозим бўлгон тазминотни ҳар йилда бир миқдорини бериб йигирма йилда тамом этмакни бўлдилар. Отажон тўрага Русия тарафидин вазифа таъйин этилди. Эрон усароларидин бир жамоа Эронга кетиб эрдилар, оларнинг соғу саломат боргонларининг хабари келди.

Кауфманнинг Хоразмга келгонининг буён икки ярим ой миқдори бўлуб эрди. Чун Кауфман


⁶⁶ Суроҳ — тешик-туйнук.

⁶⁷ Муҳлик — ҳалок этувчи.

⁶⁸ Зиндагонлиқ — тирикчилик.

ҳамма ишларидин фориг бўлди, хон ҳазратлари била видоъ қилиб, тамоми лашкари била отланиб қойтиб орёқға кетди. Чун дарёдин ўтуб Орёқға борди, Ивануфни орёқда ҳоким этиб қўюб, ёнида Дириқсқурт отлиғ мингбоши била бир миқдор аскар ва бир неча тўп топшуруб ўзига мутааллуқ аскар била Тошкандга кетди. Қазонлидин келгон губурнатур Қазонли аскар била Қазонлиға кетди ва Кандарлидин келгонлар Кандарлиға кетдилар.

Нашрга тайёрловчи:
Иқболой АДIZОВА



Яқинда кўлимга «Шарқ юлдузи» журналининг 1989 йилдаги 3-сони тушиб қолди. Ундаги «Тарихнинг «оқ доғ»лари» рубрикаси остида босилган «Воқеа бўлган нутқ» сарлавҳали мақолани ўқиб жуда ҳаяжонландим. Чунки менинг отам Аъзам Исроилов ҳам Вали Усмонов сингари танқид учун қувғинга учраганлардан бири эди.

Уруш ва меҳнат ветерани Вали Усмонов Тошкент вилоят партия конференциясида Шароф Рашидовни танқид қилиб қувғинга учраган бўлса, менинг отам Аъзам Исроилов жумҳуриятда йўл қўйилаётган баъзи бир камчиликлар ҳақида Сталинга хат ёзганлиги учун ҳибсга олинган. Шу жиҳатдан Вали Усмонов ва отамнинг қисматлари жуда ўхшаш, аммо отамники оғирроқ кечган, сабаби у киши беш йил қамоқда ўтириб чиққанлар.

Отам Аъзам Исроилов ёшлигидан инқилобий ҳаракатда қатнашган, 1919 йилдан КПСС аъзоси бўлган, Андижон уездида ва Тошкент шаҳрида Совет ҳокимиятини ўрнатишда фаол иштирок этган.

1948 йилда биз Тошкент шаҳрида яшардик. Мен Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институтининг 2-курсиди ўқирдим. Шунда отам жумҳуриятда йўл қўйилаётган баъзи бир хато ва камчиликлар ҳақида Москвага — Сталинга хат ёзиб, почта орқали жўнатибдилар. Почтада эса хатни Москвага жўнатмай ушлаб қолишибди. Шундан кейин Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси котибларидан бири отамни чақириб, аризасини қайтариб олишни илтимос қилибди, яхши бир мансаб берамиз, дебди. Отам эса кўнмабди. Шундан кейин кўп ўтмай, отамни қамоққа олишди. Унга йўқ айбларни тўнкаб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишди. Унинг юқори идораларга ёзган шикоятларидан ҳеч бир наф бўлмади. Фақат партия XX съездида шахсга сиғинишнинг зарарли оқибатлари фош этилганидан кейин, СССР Прокуратурасининг 1957 йилдаги расмий норозиликка асосан Ўзбекистон ССР Олий Судининг Президиуми ноҳақ ҳукми бекор қилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг бюроси эса уни қайтадан партия сафига тиклади.



Отамнинг ноҳақ ҳибсга олинганлиги оиламизга ҳам кучли зарба бўлиб тушди. Жумладан, мени узоқ вақт масъул вазифаларга ишга қўйишмади. Фақат отам бутунлай оқланиб, партия сафига тиклангач, мен тергов ва суд органларига ўтиб ишлаш имкониятига эга бўлдим.

Отам лагерда соғлиғидан ажралган эди. Шунинг учун ҳам у киши ҳаётдан анча эрта — 1964 йилда кўз юмдилар. Ҳозир Андижон шаҳридаги кўчалардан бири Аъзам Исроилов номи билан аталади.

Мен «Шарқ юлдузи» журналининг оддий бир мухлиси сифатида журнал саҳифаларида Сталин ҳукмдорлиги йилларидаги ва турғунлик давридаги нотўғри ишларни фош этувчи мақолаларнинг кўпроқ берилишини таклиф этаман. Шундай қилинса, ҳозирги ёш авлод партия амалга ошираётган қайта қуриш сиёсати, ошкоралик ва демократия шароитининг қадрига кўпроқ етадилар.

Ш. ИСРОИЛОВ,

Андижон вилояти ижроия қўмитасининг Адлия бошқармаси
бошлиғининг ўринбосари, ҳуқуқшунослик
фанлари номзоди, Ўзбекистон
ССРда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос.



Кўчқор Норқобил

ҚАРОҒИНГНИ ЧАЮР

ЕТТИ НОЁБ РАНГ

* * *
Ҳавони тўлдириб капалак учса,
Қанотлар чангига қароғинг тўлиб,
Пойингда бир гулзор...

Мен сени қучсам
Ва бизлар диллашсак гулга кўмилиб.

Дунё зилолланса гапларимиздан,
Кўзлар юракларда оловлар ёкса,
Чўғ бўлиб силашган кафтларимизда
Юлдузлар туғилса,

чақинлар чақса —
Бир кун биз гўдакдай ҳалол яшардик.

* * *
Юракни қай ҳолда асрамоқ мумкин,
Сўнгсиз азобларга тўлган бу хона...
Ёзув столинга қўл силкиб секин
Юзтубан қулайсан,

у қиз бегона.

Юҳо қучоғидан қутилган жондай,
Эшикка зарб билан урасан ўзни.
Хаёлдан қувмоқни билмайсан қандай,
Сени оловларга ташлаган қизни.

Етиб улгурмаган хонанг «Қайт!»— дея,
Ортингдан қичқирар оғзин ланг очиб.
Пальтосиз танангга аёзни кия
Сен кетиб борасан ўзингдан қочиб.

Ташқари бир совуқ...

бўрон куй чалар...

Етоқ ёқа ушлар бундай сайрдан.
Деразадан қараб толибваччалар
Кулар отиб олган курсдош шоирдан...

Шом чоғи қайтасан...
Изтиробгўша
Илжайиб туради оғзин ёполмай.
Сени тушунгувчи столга дейсан:
«Изғидим, севгимга мозор тополмай...»

* * *

Алданган қиз йиғлайверасан,
Шамоллар кўксига санчилар оҳинг.
Музли бир юракка оташ бўлолмай
Яшай олмаганинг — эмас гуноҳинг.
Қўй, синглим.

Қуёшлар кўнглингда қорайиб ботар,
Кўзингдан қулайди куйик юлдузлар...
Эмраниб сочингга бойланиб ётар,
Ҳижрондан ҳомила топган кундузлар.
Ой синглим.

Сен тунлар ўртаниб йиғлайверасан,
Болишинг бағрида ўлар бардошлар.
Кўнглинг осмонидан ёғилаверар
Унинг гуноҳидан қорайган тошлар...
Оҳ, синглим...

* * *

Достон айтар Нормурод бобо
Қишининг узун кечаларида...
Дупур-дупур отлар ўтади,
Бола руҳин кўчаларида.

Достон тугар... Ёлғон кўз юмиб
Бола титрар чолнинг пинжида.
У тонггача бахт излар энди,
Ботирларнинг кенг хуржунда...

Туш

Энам алласини соғиниб қолган,
Кўкрагингга таянч эмиш бешигим.
Унда, иккимиздан Ватан чайқалиб
Кўзтиканлар тақиб олмиш эшигим.

Бешик тўй...

Энтикар нурафшон олам.

Юзинг қизилидан ҳайрон лолалар.
Сурхоннинг бир олис қишлоғидаги
Қирларда айтувчи бўлса болалар.

Зилол-ей, ҳовлимиз бирам зилол-ей,
Тонглардай соф эмиш тонги келинчак.
Энамни куйлатган эски бешиқда
Ухлармиш, тилингдан сув ичган чечак...

* * *



* * *

Сен бир куни осмон бўласан,
Юлдузлар нур тилар ёноқларингдан.
Шамоллар супуриб, булут сув сепиб.
Қуёш гул экади йўлакларингдан.
Сен бир куни осмон бўласан,
Қароғингни чаюр етти ноёб ранг.
Лабингда ухлаган тонглар уйғониб,
Тилимни қитиқлар ажиб бир оҳанг.
«Кел, бағримни тўлдиргин, осмон,
Кел, бағрингни тўлдирай, осмон!..»

Учрашдик...

Юлдузлар мўлтираб боқар
Ийилиб кетади ойнанинг сутлари.
Ишқдан сабоқ бериб ҳориди еллар,
Жимгина ухлайди қишлоқ итлари.

Ширин кечамизда байроқ — сукунат,
Бахт ўйнар топишган қўлларимизда.
Юраклар энтикиб сўзлашар фақат,
Гуллар униб чиқар тилларимизда.



Вафо Файзулла

Вафо Файзулла 1963 йил Бухоро вилоятининг Навоий ноҳиясидаги Жалойир қишлоғида туғилган. Тошкент давлат дорулфунунининг журналистика факультетини тамомлаган. Айни пайтда «Ленин учқуни» газетасида хизмат қилади.

ЮРАГИМДА АЙТИЛМАГАН ДАРДЛАРИМ—ВАТАН!

Шарқ ҳақида шарқнинг кўшиғи

Мачитларни кулатади тингланган орзу,
Армонларнинг армонлари чоғлайди камон.
Кунчиқарнинг кўкламига боғлаб тарози,
Лайлақларнинг тилақлари келади омон.

Дилторларнинг баҳолари бўлган ҳаяжон,
Қўтир кампир дуосига ўзин отади.
Яссавийнинг дуторига осилган армон,
Гадойларнинг елкасига боғлар ортади.

Куртақларнинг дарахтлари туғилган кунда,
Ҳасратларни қоқ ёради мангу тарона.
Суюнчилар оқиб келар, осмон бағрида
Шаҳзодалар қул бўлади, шоҳлар девона.

Оқ кунларни орқалайди беқазо дунё,
Оҳангларда бахшидалиқ каромат дилман.
Кўзларимни юрагимга боғлаган наво —
Юрагимда айтилмаган дардларим — Ватан!

«Алпомиш»нинг давоми

Қуёш парчинланган ер,
Уфқларнинг ораси.
Саман отни севган эр,
Туёқлар говораси.

Э-ҳей, Ойбарчин камон,
Сузган қирлар яғрини.
Урқач-урқач севгидан,
Ёрар қирлар бағримни:

«Асли шундай бораман,
Сиз ҳам шундай келингиз.
Алпомиш мен бўламан,
Ойбарчин сиз бўлингиз».
Занжирбанд бўлган туғён,
Юрагимнинг дараси.
Алпомиш чопган исён,
Бойсун — Қўнғирот ораси.

Сочлар ўйнаган тақим,
Михлар қоқилган сўқмоқ.
Адирнинг сағри тахтим,
Уйғоқ камалак белбоғ.
Йиллар оша Ойчеҳра,
Босганида чақирим.
Танглайимда қуриб кўшк,
Ойбарчинни чақиргум.

Ойнинг бу ўроғига,
Барча дардимни айтмам.
Бойчибар туғидан,
Сачраган сўнгги байтман.
Елларнинг ишқи машшоқ,
Чақнар чакмоқ сунбула.
Ўн тўрт ботмонли ҳисдан
Ясаб олдим дўмбира.

Қўнгил кенглик йўллайди,
Саҳро этагин тутиб.
Охир кўкдан қулайман,
Қалдирғоч қошни қучиб...
Лек ярал, ёвқур қўшиқ,
Тортиб шернинг наърасин.
Ҳилпирар хушбўй, жўшиб
Бойсун — Қўнғирот лоласи...

Ёз-з-и

Буғдой бошоғининг рангидек армон,
Байтулаҳзон ичра кўкарган сурхон,
Илон чаққан боғлар айтади азон,
Ёз-з-и

Висол оқшомини қавиган қизлар,
Қатқалоқ пайкалларда экилди излар,
Лабларни елимлади ложувард сўзлар,
Ёз-з-и


Чордевор тўлқинлари буздими ўзан?
Чалдевор оқинлари туздими ўлан?
Қалбимнинг келинчаги бичдими сўзан?
Ёз-з-и

Даштларнинг қувраган ўтлари тугун,
Боғларнинг рухсори рухсатсиз тўкин.
Тилларинг қонаса, қонига юкун.
Ёз-з-и...

* * *

Эзилган кўкламнинг юраги бўлай,
Ариқлар рошида ялпизлар нутқи.
Чумчуқлар талаган райҳонжон, ўлма,
Димоғимда хушбўй кунлар ҳуқуқи.

Бузилган кўнглимни безади чечак,
Шўр босган нафасим тиклади гўша.
Лолалар туғибди қирлар бир этак,
Нопормон тилагим — очил, бинафша!



Меросимизни ўрганишимиз

Машраб таваллудининг 350 йиллигига

Исҳоқ Боғистоний

ТАЗКИРАИ ҚАЛАНДАРОН

(нақллар)

БИСМИЛЛОҲИР РОХМАНИР РОҲИЙМ

Фақир Исҳоқ ибн Зиёвуддин ибн Искандар Иброҳим Боғистоний ушбу китоботни битмоққа жазм қилдим. Мазкур китоботни битилмоғига боис шулдурки, шаҳри Намангонда етти йил ҳазрати бузруквор Мулло Бозор охунд мадрасаларида сабоқдошим бўлмиш Раҳимбобо Машраби мажзубнинг фоже қисмати боросинда ривоят қилмиш Пирмат Сеторийнинг даъвати бу фақир илқиға қалам олмоққа рағбатлантирмиш. Вақтики, Раҳимбобо Намангондин дили озор чекиб, Кошғар сафарига отланди. Пирмат Сеторий девонаваш Раҳимбобога бўлгон камоли эътиқоди ва садоқати туфайли, унга ҳамсафар бўлмишди. Ул оташнафас шоири замон Раҳимбобо Пирмат Сеторий бирла Хўжам пошо даргоҳларида етти-саккиз йил чин эътиқод ва садоқат ила хизмат адо этмишдилар. Ҳазрати Хўжам пошонинг муборак нафаслари боис Раҳимбобо Машраб тахаллусига сазовор ўлмишди. Ва лекин ароға совуқ сўз тушмушдики, Машраби мажзуб Хўжам пошо даргоҳидан қувилмишди. Жони ичиға сиғмагон разолат ва қабоҳатнинг кушандаси бўлмиш Машраби мажзуб забониндин кўп оташнок абётлар (байтлар—ред.) бунёдга келмишдики, ўқуғон,

XVII—XVIII асрларда ёзилган тарихий манбалар Машрабнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти-ни муфассал ўрганишда бир қатор чалкаш фикрлар туғдиради. Аммо Исҳоқ Боғистоний қаламига мансуб «Тазкираи қаландарон» асарининг топилиши бир қанча чигал муаммоларни аниқлаш ва улар тўғрисида дадил фикр юритиш имкониятини вужудга келтирди.

Мен 1954-1956 йиллар Ленинобод педагогика институтининг ўзбек бўлимида доцент бўлиб ишлардим. У ердаги ҳамкасбларим менинг илмий ишим Машраб ҳаёти ва ижодига доир эканини яхши билишарди. Бир куни ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг ўқитувчиси, фан номзоди Обиджон Орифий билан бозорда юргандик. Тўсатдан у киши менга: «Домла, ҳув анави девонаваш қарияга яхшилаб разм солиб эслаб қолинг», деди. Кўзим гадосифат бир чолга тушди. Обиджон Орифий секингина давом этди: «Бу одамни Оқил қаландар, Оқил девона дейишади. Бировдан бир пул садақа олмайди. Асли Аштдан бўлиб, машҳур Зобир қаландар [Машрабнинг замондоши] авлодидан. Эшитишимча, унинг қўлида бир китоб бор экан. Уни ҳеч кимга ишонмасмиш. Дейдиларки, китоб Машраб, у билан улфат бўлган қаландарлар ҳақида битилганмиш. Бир амаллаб шу одамнинг кўнглига йўл топишимиз керак». Йўли эса орадан бир-икки ой вақт ўтгач топилди. Орифий домла билан Оқил қаландарникига бордик. Бозордан новот, қора майиз ва қайдандир кўкнори топдик. Оқил қаландарнинг кўкнорини ичгач гашти очилди. Ва ниҳоят, эски кир рўмонга тугилган китобни очиб, бир-бир авайлаб варақлаб кўрсатди. «Бу улуг бобом Мўхаммад Зобир Саркаш девона қаландардан қолган мўтабар мерос», деди. Бу мерос Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон» китоби экан. У киши билан тез-тез учрашиб турдик. Менга хийла ишонч ҳосил қилганидан кейин китобни ушлаб кўришга берадиган бўлди. Сотиб олиш ҳақида гап очганимда қаттиқ ранжиди. Шундан кейин Оқил девона менга: «Ота-боболарим ҳам қаландар ўтганлар», деди.

Хуллас, ҳамж жиҳатидан у қадар катта бўлмаган «Тазкираи қаландарон» китоби ҳижрий 1130 йил жумодул-аввал ойининг 15-кунда Боғистон кентида, (ҳозирги Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ ноҳиясидаги Боғистон қишлоғи) Исҳоқ бин Зиёвуддин тарафидан тасниф қилинган бўлиб, муаллиф китобнинг муқаддимасида ўзи ва Машраб тўғрисида жуда қизиқарли, тарихий жиҳатдан анча қимматли маълумотлар беради.

Исҳоқ Боғистонийнинг ўзи «умр дафтаримдан олтимиш саҳифа варақланмиш фурсатда», яъни 60 ёшимда бу китобни ёздим, деб таъкидлайди. Муаллиф ҳикоя қилишича, у ёшлигидан бошлаб илм ва маърифатга ихлосманд бўлиб, аввал кентдоши Шайх Умар Боғистоний авлоди (Хўжа

эшитгон ва мағзини чаққон халойиқ бу оташнок абётларнинг шайдоси бўлмишди. Илло, замона зўрлари Машраби мажзубнинг абётларини хуш кўрмадилар. Қай маконга бормасин, унинг азиз ва табаррук бошига маломат тошлари ёғилди, дашном ва даккилар бўрониға йўлуқти. Шу боисдан бўлса керак, Машраби мажзуб абётларинда кўп афсус ва надомат бирла демишларки:

**На ҳолатдур, аё дўстлар, ажаб ҳайрона Машрабман,
Кўролмай гулузоримни баса гирёна Машрабман.
Қаландарваш бўлуб доим, эшикларда фиғон айлаб,
Халойиққа бу оламда баса афсона Машрабман.
Фалакнинг жабридин юрмак аламдур кўксима дилбар,
Тараҳҳум айлабон кўргил жароҳатхона Машрабман.
Висолини талаб қилсанг, огоҳ бўлғилки, эй Машраб,
Кеча кундуз қарор олмай ажаб афғона Машрабман.
Халойиқлар мени қувлар ёмон деб ҳар шаҳар борсам,
Ажаб мажзуб, ажаб мардуд, дили вайрона Машрабман.**

Алғараз ородин кўб неча фурсат ўтмишди. Фақир мадраса таълими ихтимомиға етказуб ўз кентим Боғистонда жойнишин бўлмишмен. Биродарим Раҳимбобо ўзи каби қаландарлар ҳамкорлигинда бир ерда қарор топмай, ўлкаю вилоятларда саргардону сарнигун умргузорлиғ қилуб юруғони ҳаққинда гоҳ-гоҳ хабарлар эшутмуштим. Вақтики, биродаримдан айрулғоним фурсатида йигирма йиллар ўтмишдики, бир баҳор айёмида Пирмат Сеторий Боғистонга ташриф буюрмиш. Вале, бисёр ғамгин, ғамбода, вужуди фироқ оташида, чашми хунбор. Неча фурсат сукутдан сўнг, Машраби мажзубни Балх ҳокими Маҳмудбек қатағон Мансурвор сиёсат дориға тортмиш тарихин барча тафсилотлари ила ҳикоят қилмиш. Пирмат Сеторий баҳор ва ёз фаслида фақирнинг камтарин хонасинда истиқомат қилимиш. Шу аснода устоз бузрук шоҳ Машраби мажзуб ила турли ўлкалар, юртлар, мамлакатларда фақирнинг кечирмиш ҳаводис фоже бузруквор шоҳ Машраби мажзубнинг табаррук ашъор дафтарларин ва ўз дастхати ила китобот қилмиш «Мабдаи нур», «Кимёи саодат» достонларин хуржунидан олиб, фақир назариға келтурди. Айдики, агар оллоҳ жонини омон сақлаб, узоқ умр адо қилгон бўлса, устоз ашъорларин жамлаб, бир китобот тартиб этмоқлиқдек муборак ниятда эрконин сўзлади. Баъдаз фақирға юзланиб, сиз ҳам кўп мажораи ҳаводис шоҳиди эрдингиз. Ул ҳазрати бузруквор борасинда кўрган-билганларингизни битик қилинг дея давъат этти. Алғараз, куз фаслининг аввалинда фақир ила хушлашиб, Пирмат Сеторий Андигон сари равона бўлди.

Фақир ҳам бағоят дарду алам чекдим ва охирул амр бир китобот тасниф этмоққа жазм эттум. Алғараз, ородин икки йилча фурсат ўтгач, ожизона фикримдан бир китоби тасниф этуб, анға «Тазкираи қаландарон» унвонин бердим. Сабабки, мазкур ожизона китоботда азиз ва табаррук биродарим Машраби мажзуб бирла кечирмуш дамлар ҳаққинда ва Пирмат Сеторий чашми хунборлиқ-ла сўзламиш ривоятларни фикри ожизим имкони хорижинда сўзламишмен. Ва яна ҳазрати шоҳ Машраби мажзубнинг муборак даврасинда бўлмиш, ул табаррук зоти шариф суҳбатлариға мушарраф ўлмиш девонавор қирқ қаландарлар: Беҳбуд қаландар, Кўса Маддох, Ажлалхон

Аҳрорнинг тоғаси)га мухлис бўлган, кейин Мулло Бозор Охунднинг доврўғини эшитиб, Наманганга сафар қилган. Раҳимбобо Машраб билан танишган. Улар тез орада дўстлашиб кетганлар.

Исҳоқ Боғистонийнинг ёзишича, Машрабга йигирма йил ҳамсафар бўлган Пирмат Сеторий устози Бобораҳимнинг «руҳи поки хотирасига бир китоб тасниф қилмоқ ниятида...» бўлади ва ўз ниятини Андижонда амалга оширади. Унга «Китоби қиссайи ошиқи Машраб валиуллоҳ» деган ном бериб Боғистонийга юборган асарига илова тарзида йўллаган мактубида Машраб ва унинг яқин дўстлари ҳаққинда китоб тасниф этишга уни ҳам чақиради. Пировардида «Тазкираи қаландарон» китоби майдонга келган.

Мазкур асар 87 варақдан иборат. Муаллиф унда Машраб ва Пирмат таниган қирқ қаландаршоир ҳаққинда ҳам ихчам маълумотлар бериб ўтади.

Асар каттагина муқаддима, 41 боб ҳамда хотимадан иборатдир. Машрабнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига 11 боб бағишланган. Қолган бобларида муаллиф асосан, шеър ва мусиқа санъатининг етук вакиллари тўғрисида сўзлайди. Уларнинг ижодидан бир-икки байт ёки айрим ғазални мисол тариқасида келтиради. Шунингдек, китобда муаллифнинг икки ғазал ва беш рубойиси ҳам бор.

Исҳоқ Боғистоний китобида келтирилган хабарлар Бобораҳим Машрабнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида ёзилиб, қўлёзма ва тошбосма нусхаларда жуда кенг тарқалган, то сўнгги пайтларгача бир-бирига зид ва кескин мунозараларга сабаб бўлган, аксар тадқиқотчилар томонидан шубҳа остига олинган маълумотларга ойдинлик киритади, деган умиддамиз. Агар Пирмат Сеторий Машрабнинг фақат асрдошигина эмас, балки унинг машаққатли ва саргардон ҳаёт йўлида йўлдоши, ҳамдарди ва ҳамфикри эканлиги ҳаққинда маълумотлар эътиборга олинса, бу асар Машраб ҳаёти ва ижодий фаолиятига тааллуқли ишончли ҳамда ғоят муҳим тарихий маъҳаз (илк манба) бўлиб қолиши ўз-ўзиндан аёндыр.

Мазкур китобнинг ўзига хос хусусияти шундаки, «Тазкираи қаландарон»да шарқ тазкирачиллик андозаларига изчил амал қилинмаган. Китоб оддий, содда услубда, халойиққа тушунарли тилда битилган. Тазкиранавис улуғ Раҳимбобо Машрабнинг дўсти ва самимий мухлиси ўлароқ, дилидагини имконияти борича бежамай-нетмай, дафтар саҳифасига туширганидан далолат беради. Буни эътиборингизга ҳавола этилаётган нақлиётлардан ҳам билиб оласиз.

Муҳсин ЗОКИРОВ,
филология фанлари номзоди

¹ «Мансур Ҳаллож сингари дорга осиб ўлдирди», демоқчи. — Ред.

Боғистоний, Зуннун, Девона, Олим Девона, Азиз Қаландар Шаҳристоний, Бадриддин Андигоний, Шоҳруҳ қаландар Хўжандий, Обид вас-вас Хўжандий, Ориф қаландар Чангий, Асрор Сеторий, Толиб қаландар Шоший, Холмуҳаммад девона Намангоний, Ҳошим сўта қаландар, Раҳмат девона, Қаҳҳор девона, Хусайн қаландар Тамбурий, Ғози маймоқ қаландар, Собир девона, Баҳром қаландар, Илҳом қаландар Чангий, Комил қаландар Мусаввир, Аббос қаландар, Жалол қаландар, Ҳошим девона, Абдулрахмон қаландар, Нозим тентак, Козим шапқур қаландар. Ҳожизода қаландар, Ожиз қаландар, Рашид сўта қаландар, Фулом қаландар, Ислом қаландар, Кабир қаландар, Мурод қаландар, Одил девона, Карим қаландар, Собит қаландар, Зобир қаландарбоши, Ортиқ қаландар, Раҳим қаландар ҳаққинда ҳам (аларнинг кўплари олам фонийдан олам боқийга рихлат қилмишлар) баҳоли қудрат ва ривоят абётлариндан қитъа битмишмен. Илло мазкур китоботимнинг ўн бир бобини биродарим ҳазрати шоҳ Машраби мажзуб шаҳиди аъло хотираларига бахш этмушмен.

Алқисса, ородин анча фурсат ўтмишдики, Андигон вилоятидин бир мусофир мени йўқлаб келмиш. Салом-алиқдин сўнг, Собир отлиқ йигит хуржунидин матоға ўралғон бир нимарсани менга «Сизнинг омонатингиз» дея узатди. Қўлумға олиб, матони ечдим. Не кўз билан кўрайки, бу омонат Пирмат Сеторий Машраби мажзубнинг табаррук ашъори жамланмиш ва «Китоби қиссайи ошиқи Машраби валиюллоҳ» эркан. Китоботни кўзимга суртуб, тавоф эттим.

Алғараз, Машраби мажзуб валиюллоҳ ҳаққинда китоботлар битилмишки, иншооллоҳ, бу битиклар авлодлар наздинда азиз ва табаррук бўлғусидир.

Фақирул ҳақирнинг ушбу ожизона битиклари ҳижратнинг 1130 санасинда, моҳи жумодул аввалда ихтимомига етди. Валлоҳи аълам биссабов.

БИРИНЧИ ЛАВҲА

...Алқисса қиру кўх ошуб шаҳри Намангонга дохил бўлдим. Бир фақир мўмин-мусулмоннинг шалоқ хужрасига жойлашмоққа мажбур ўлдум. Орадин неча мuddат ўтгач, Мавлоно мулло Бозор охунд хузурларига боруб, жамоли муборакларини кўрмоққа, қутлуғ каломларини эшитиш шарафига муяссар ўлдим. Хузури муборакларига таҳсил талаб бўлуб келмоғим сабабин арз қилдим. Ул муборак зоти муҳтарам бу фақирни саволга тутуб «Каломи шариф»дин, «Мушкоти шариф»дин, «Тафсири Исмоил Саҳиҳ Бухорий»дан имтиҳон қилуб, муборак хотирлари хушнуд ўлуб, фақирни мадрасаи олийларига талаба этуб қабул қилмоқни амр этмишлар. Фақирона бир хужрага жойнишин бўлмишди. Хужрадошим фақирга бир ажиб тарз кўринди. Бир неча мuddат ўтди. Хужрадошим бирла чиқишиб қолдик. Асл зотимизни суриштирдик. Мен Боғистон кентидин бир фақир заҳматкаш фарзандидурман дея ҳикоят қилдим. Хужрадошим жавобида демишки, фақир Андигон навоҳисидандурмен. Ушоқлигимда отамдан жудо бўлмишмен. Фақир ҳам сиздек толиби илм ҳавасинда ул жаноб охунд мадрасаларига келмишмен. Халойиқ мени Раҳимбобо дерлар, падарни бузрукворим мулла Вали Чўлғар усталик ҳўнари бирла машғул эркан. Фақир Раҳимбобо бирла шу хужрада валлоҳи аълам, олти ва ё етти йил умргузоронлик қилмишдик. Раҳимбобо шартки, айтмиш сўзидан тонмас, баланд бўйли, сарви қомат, кенг пешона, сочлари фатила-фатила, дарвештабиат, девонафеъл, дунёи дунға майли йўқ оташнафас, ола кўзларидан мударом ўт чақнаб, назари тушмиш кимсанинг жону жаҳонини ўртаб юборгудек. Вужуди, наинки вужуди, жумла йўку бори гўё ашъор оташига йўғрулуб, мудом шу оташда куюб-ўртанғувчи эрди. Ва хушовоз хонанда, сетор ва танбури бағоят нозик ва нафис чертар эрди. Раҳимбобонинг ҳақ сўзи, оташнок ашъори нопок дилларни куйдирғувчи эрди. Шу боисдан анинг бошига қазою қадар беадад маломат тошлари ёғдурдики, охирул амр Раҳимбобо Хўжам пошо хузури олийларин орзу қилиб, Кошғар сафарига отланди. Раҳимбобонинг девонаваш шоғирдбаччаси Пирмат Сеторий бўлғувчи эрди. Шоиртабиат бу ўғлон ҳам бағоят хушнаво ҳофиз ва уста сеторчи эрдики, Раҳимбободин бир қарич айрулмас эрди. Алғараз, ул ҳам Раҳимбобоға ҳамроҳ бўлуб Кошғар сари равона бўлди... Баъдаз, ародин қанча мuddат ўтуб, Раҳимбобонинг Балхда Мансурвор сиёсат дорига тортилмиши борасида фоже хабарни ҳам фақирга ул ривоят қилмишди.

* * *

Пирмат Сеторий фақирнинг ҳовлисида бир неча мuddат истиқомат қилмиш. Раҳимбобо Машрабнинг заҳматзада умргузорлиғи борасинда кўп ривоятлар сўзламиш.

Пирмат Сеторий демишки, онлар Машраб ила бир неча мuddат Бухорои шарифда истиқомат қилуб, Мавлоно Шарифдин сабоқ олмиш ва лекин бу орада Машраб ила Мавлоно Шариф ораларида неча шиддатли мунозара бўлмиш. Машраб ночор ва нотавон халойиқ аҳволидин муборак дили забун ўлуб, фақирну фуқаро аҳволи борасида ажиб ашъор битмишди.

Ушал қутлуғ абётларидин бири бу эрди:

**Этогимни елпишидин юз Хизр пайдо бўлур,
Бу дилимни кавламанг, оташкада пайдо бўлур,
Ҳар тарафдин наъраи «во ҳасрато» пайдо бўлур,
Зухд элиға «Ҳой-ҳув» аччиқ нидо пайдо бўлур,
Аҳли тақволар аро вовайлато пайдо бўлур.**

**Хўжа, сайид, бегу хон сардорлар бадкор эса,
Зулм тигин тез этурда ҳар бири номдор эса,
Косалес¹ каззоб шайхлар бу ватанда бор эса,
Мазлум эллар инграшуб ким парча нонга зор эса,
Куфр элиға Машрабийдек раҳнамо пайдо бўлур.**

¹ Каззобларни шоир ялоқхўр демоқчи. — Ред.

Иккинчи лавҳа

...Алғараз Машраб халойиқ орасинда машхурлик топди. Машрабнинг ринд табиати, оташнок ашъори ва ҳақгўйлигининг мутаассир қўймишди ва анинг теграсинда парвона бўлурди. Машрабнинг бир тоифа халойиқ ичра бу янглиғ бир турқи сўфилар вужудиға ғулғула солмиш. Ҳасаднинг зўрлиғи андоқ даража касб этмишки, Машраб борасинда охунд ҳазратлариға фиску фу-жур сўзламишлар. Охундинг муборак кўнгуллари озор топмиш. Машрабни дуоибад қилмишлар. Охири Маймоқ сўфи ва ҳамтабақлари муродиға етмуш. Жаҳл ва фиску фужур нопоқ диллари ла-ла бўлмиш бу энағар сўфилар шаккоқ, вале хуштаъб ва оташ нафас Раҳимбобоно ороға олиб му-борак дандонларини синдуруб, эл аро кўп надомат ва маломат қилдилар. Ривоят қилдиларки, бу машъум ҳаводисдан сўнг Раҳимбобо «Тақсир охундим, неча халойиқ низо айлаб, кеча ва кун-дуз мани пойлаб юрурлар ва кўп маломат қилурлар. Эй охундим, менинг орқамдин мўралағичлар кўюб, шармисор қилмоқ орзусида эркансиз. Энди бу юрт сизға бўлсун. Бир ғилофга икки шамшир сиғмас эркан, бизға йўл қутлуг бўлсин, оллоху акбар», дея Намангонни тарк этмишлар эмиш. Машраб бағоят озурда ҳотур, паришон кўнгул ва аламангез бўлуб, Намангонни тарк этмоқликдин ўзга иложи қолмади.

Учинчи лавҳа

Пирмат Сеторий ривоят қилдиким, бир неча фурсат фақир ва Машраби мажзуб Хўжам пошонинг ёзлик қароргоҳи бўлмиш Гулбоғ мавзеиндаги боғинда хизмат адосида бўлдук. Мазкур боғ равзаи ризвондин нишони эрди. Жаннатмисол боғнинг мутасаддийси Хўжа пошо хешлари бўлмиш Муҳаммад Эмин Хўжамқули Ҳирқатий эрди. Мазкур Ҳирқатий яна «Гумном» тахаллуси ҳам қилур эрди. Анинг қаламидан бағоят пурмаъни абётлар зуҳурға келмушдиким, Гумном аларни бир ерға жамлаб, ашъор девони ҳам тартиб бермушди. Шу боисдан Гумном Кошғар халқи орасинда машхурлик даражасиға етушди. Вале мазкур Гумном Хўжам Пошо хуфяларин ва айғоқчиларин ва мўралоғичларин сардори эрди. Анинг тасарруфинда бўлмиш Билол жоҳил, Сотим қароқчи, Говсўфи, Лазиз қаззоб, Воҳид қаллоб, Пирмат энағар, Асқар сўта, Иброҳим оқпадар, Илёс тиртиқ, Қосим «бежирим», Жалол ўпка ва дигарон рўзи шаб хизматға ҳозире нозир эдилар. Гумном бадкирдорликда аларға таълим берурди. Анинг ҳар лафзи захру олу, ҳар тукидан заққум том-ғувчи эрди. Мазкур бадаслар кўп ожиз мўмин-мусулмонлар борасинда Хўжам пошоға ёлғон-яшуқ сўзлар етқарур ва охир-оқибатда бандани бечоралар азобу уқубатларға мустаҳиқ бўлурди. Бисёр бандани мўминлар алар жафосидин безор бўлуб, Кошғардин бадарға қилинди ва эл орасинда сазойиш қилинуб, беғуноҳ бошлари уят ва номусдан ҳам бўлурди.

Машраби мажзуб ва фақир борасинда ҳам ушбу бадкирдорлар айғоқчилик қилуб, бўлар-бўлмас сўзларни кўпиртируб, Хўжам пошо хузурида арзға етурмушдиларки, шу боисдан Машраби мажзуб ва фақир банда ҳам неча бор жазоға тортилмиш эрдук.

Машраби мажзуб сардори хуфялар ва мўралоғич бадкори бадаслар таърифинда бисёр заҳарханда ҳажвийет битиб, эл орасинда ўқимоққа одат қилдилар. Бундин воқиф бўлгон Гумном ва хуфялари дарғазаб бўлуб, фақир ва Машраби мажзуб Хўжам пошо юмушлари бирла сафарда бўлгон чоғда кулбаи хосимизни ков-ков қилуб, шоҳимнинг «Дафтари ашъори калон»ларини Хўжам пошо назарлариға етурмушлар. Шоҳим (Машраб) ва фақир сафардан қайтиб келгондин сўнг бир намози жумъа адосидин кейин Хўжам пошо муриду мухлислар ҳозирийунлиғида хо-нақоҳи калонда ваъзи насиҳат қилмушди. Ваъзи насиҳат сўнгида Хўжам пошо Машраби мажзубни хузурлариға чорлаб сўроққа туттилар.

Хўжам пошо Машраби мажзуб сари юзлануб, итоб бирла дедиларки «Ҳой нобакор банда, ашъори табарруқни булғаб, анда бемаъни, ношоён сўзлар демушсан. Фақир ва содиқ мухлису муридлар борасинда шаккоқлик бирла сўз демоққа худодин кўрқуб, бандадин уялмадингми? Ё сардори ишрақийун, аҳли ҳирқа пешвоси Гумном, бу нобакорнинг илкингида бўлмиш «Даф-тари ашъори калон»идин бирисин ўқиғайсиз, токи ҳозирийўнлар анинг бемаъни каломин эшитуб, куфр бобинда на даражаға етқондин воқиф бўлғайлар ва ани маломат қилғайлар». Алқисса Хўжам пошо ишоратлари била Гумном — Ҳирқатий Машраби мажзубнинг йитилмуш «Даф-тари ашъори калон»идин абётлар ўқимоққа тутинди:

**Дилимни нимта айлаб, бас, менга солдинг жудолиғни,
Совурдинг, елға бердинг, ҳайф, бу аҳду ошнолиғни.
Сен, эй, Гумном, насиҳатни бориб хешинг аро қилғил,
Жаҳонда кўрмадим ҳаргиз киши сендек риёлиғни.
Залолатпешалиғни аҳли дунлар сиздин ўргангай,
Мунофиқ, бадасллик ҳам тамаъгир рўсиёлиғни.
Риё тоат қилуб кундузлари ўзни дебон муршид,
Кечадин тонг қадар қилғунг ўзингдек юз қаролиғни.
Ҳама элни хароб айлаб, тазаллум пеша бўлмишсиз,
Сену пийринг қилур охир магар даъви худолиғни.
Неча эзлэм, халойиқни кўзин ёшлаб, бу Машрабдек,
Насиб тақий сенга охир худовандо гадолиғни.**

Ушбу байтлардин Хўжам пошонинг муборак диллари озор топиб, ғазабнок бўлиб, «бас» деди-лар.

Машраби мажзубга юзлануб дедиларки, «Ё Машраб, фақир ва содиқ муридларимиз борасинда мундоғ ҳақоратомуз ва ношоён сўз айтмоққа на деб журъат этмушсен! Ҳозирийўнлар қошинда тавбаю тазарруъ айлаб, гуноҳингни ювғайсен!»

Машраби мажзуб жойларидин кўпуб, Хўжам пошоға таъзим адосидин сўнг демушларки:

¹ Суфийликнинг мистик босқичи.

«Ё пирим, не демишмен, ҳақ сўзни айтмишмен, тавбаю тазарруъ жоиз эрмасдур».

Машраби мажзуб жавобидин дарғазаб бўлгон Хўжам пошо фармони олий қилдиларким, мазкур «Дафтари ашъорни калонни ўтга ташлағайлар ва Машраби мажзубга доғи йигирма дарра урғайлар. Анга ҳомийлик қилгон фақирни эрса бир ой муддат бида банди зиндон қилғайлар, қўл ва оёқлариға кишан урғайлар».

Алғараз, бир ой муддатдан сўнг фақир зиндондин халос бўлгонда жабрдийда Машраби мажзуб хасталик туфайли Кошғар қаландар хонасинда жойнишин эрдилар.

* * *

Боз устиға бу Машраби мажзуб бошиға фалак маккораси беҳисоб бўҳтон тошин ёғдирмиш... Вақтики, мазкур Хўжамқули шоҳ қаландар Машраби мажзубни халойиқ орасинда бадном ва шармисор қилмоқликка ончунун жаҳду жадал қилдиким, жаҳолат ва қабоҳати ҳаддин ошди. Шоҳ қаландар Машраби мажзубнинг неча абётларин ўз куллиётиға битуб, авом ичинда овоза қилмишким, Машраб қаландар номини Хирқатийнинг ашъорин ўзиға нисбат бермушдур. Биллоҳ, Кошғарнинг художў соҳиби таъб аҳли фузалоси Хўжамқули восвосиға инонмамишлар. Мундоқ бўҳтон овозаи мажородин сўнг маълум бўлмишким, Исмоилхон ҳазратларининг баобрў аҳли шуаросиндин бир гуруҳи Хўжам пошо хузурни муқаддаслариға етушуб, восвос овозаи мажораларни рад этмушлар ва исботида арз қилмишларким, Машраби мажзубнинг бу тахлит оташнок ашъориға устод Мухаммад Сиддиқ Андигоний танбури Кошғар мақоми тариқинда мусиқи басталамушким, эл аро машхуру манзурдур.

Тўртинчи лавҳа

Вақтики, Шоҳ Машраб бирла ҳамкорликда Қабодиёнға доҳил ўлдик. Қабодиён қадимдан қадамжо ўлмиш. Биллоҳ, мунда мавлоно Носир Хисрав таваллуд топмишлар.

Шоҳ ва яна етти қаландар ва фақир Қабодиённинг тақяхонасиға кўндик. Шоҳ Машрабнинг Қабодиёнға доҳил ўлмишлари оз фурсатда эл орасинда машхур бўлмиш. Андек фурсатдин сўнг маълум ўлдик, эшони Сўфи Оллоёр ҳам мунда эрканлар, орадан бир муддат ўтиб эрдик, эшони Сўфининг муридларидин икки нафари келуб, шоҳға куллуқ адосидин сўнг дедиларки, ё шоҳ қаландар, пиримиз эшони Сўфи Сиз азизни ўз кулбалариға чорлайдурлар. Шоҳ Машраб алар жавобида дедиларки: маъқул, эрта намози жумъадин сўнг эшони Сўфи ҳазратлариға куллуқ адосин қилғаймиз.

Алғараз, эрта намоз жумъа адосидин сўнг шоҳ Машраб фақир ва қаландарлар ҳамроҳлигинда эшони Сўфи кўноқлариға ҳозир ўлинди. Анда катта жамоат ўлубтур. Қабодиён қозиси, оқсоқол ва бисёр кахудолар анда жамъ бўлмишлар эрди.

Салом-алик адосидин сўнг Сўфи Оллоёр Шоҳ Машрабға юзланиб демишларки: «Ё Машраби девона, шоирлик шўҳратингиз оламни тутибдур. Сизни бирла мулоқот орзусида эрдим, эрса Тангри таоло бу орзумни еткарди. Хуш келибсиз, сафо келибсиз!» Андин сўнг шоҳ ва эшони Сўфи ораларинда ажиб суҳбат бўлиб ўтмиш. Гап орасинда Шоҳ Машраб дедиларки: «Ё Сўфим, Сиз бутун умрингиз мобайнида пулисиротға хушомад қилмишсиз. Ҳузурий дегони эса дўзахға хушомад этмиш. Дўзах ва пулисирот даҳшатларидин, дўзах азобларидин авом халқ руҳини ларзаға солмишсизлар. Ё сўфим, инсоф бирла тафаккур қилинса, дўзах ва пулисирот шу ёруғ дунёнинг ўзида мавжуд эрмасму? Фарзанди одам умрининг ибтидосидин то интиҳосиға қадар босиб ўтмиш йўлнинг ўзи — қил устида турмоқлик; гардун ва золимлар анинг бошиға ёғдирмиш азобу уқубатлар, сонсиз фалокатлар дўзах азобидин камму? Ё Сўфим, оёқларингиз остиға бир назар ташланг, пулисирот ва дўзах анда мавжуддир».

Эшони Сўфи ва аҳли уламо Шоҳ Машраб жавобларидин тағйир тортиб, истиғфор келтурмишлар. Эшони Сўфи Шоҳ Машрабға юзланиб дедиларки: «Ё Машраби мажзуб, гуноҳға ботманг. Олло Таоло Беҳишт ва дўзахни солиҳ ва кофир бандалари учун яратмиш. Фоил бандаларни бу ҳақиқатидан огоҳ қилмоқ сиз ва биз учун ҳам фарз, ҳам қарздур». Анда Шоҳ Машраб дедиларки: «Ё Сўфим, агар ҳақиқат қилинғуси бўлса, дўзах аро барча гуноҳкорлар тўлуб-тошуб, анда оёқ босарға жой қолмас, азоб малоикалари эрса ўз юмушларининг уҳдасидин чиқолмағайлар. Беҳишт эрса бўш қолаур. Келинг, то танда жон мавжуд эркан, шу ёруғ дунё ташвишлари борасинда жисмижў қилмоғимиз маъқулроқдур...»

Эшони мажлис адосинда дедиларки: «Ё Машраби мажзуб, тақяхонада истиқомат эрмишсиз. Анда халойиқ авомдур. Дилингиз озор топғусидур. Фақир кулбаси ихтиёрингизда, муридлари эрса хизматингизда бўлғай».

Шоҳ Машраб эшони Сўфи жавобларинда дедиларки: «Ё Сўфим, илтифотингизга арзимасмен. Тақяхона мен учун боёнлар қасридин ортуғдур. Анда жоним роҳатда, фиску фужурдин холи бўлғай...»

Шу тариқа Қабодиёнда бир ойдин ортиқроқ муддат истиқомат қилинди.

Авоми аннос Шоҳ Машрабға бағоят иззату эҳтиром кўрсатмиш.

Шоҳ Машраб Қабодиён фуқароси аҳволи борасинда ушбу абётни битмишлар эрди:

**Қадди меҳнат тоғидин ҳам бўлган эй бечоралар,
Бағри ваҳшат тиғидин юз пора ҳам юз ёралар.
Кўрмаган умри ичинда бир дами бир яхши кун,
Тийра ғамдин дилда доғ, ҳам кўзлари гирёналар.
Бул Қабодиён аро кўрдим неча ғамхорани,
Ранг захил, кўнгил синиғ, бир жон учун кўп зоралар.
Гар шикоят қилса золим зулмидин мискин ғариб,
Кўфр қилдинг деб уриб, тақдир қалам деб ёзалар.
Қозидин сўрдум эса: «Бу на учун бедодлиғ!»
Қози дер: «Амри худодур, бўлмағил кўффоралар».**

**Машрабо, амри худо нечун бу янглиғдур қаро,
Е магар амри худони бад қаламла ёзалар!!**

Бешинчи лавҳа

Пирмат Сеторий ривоят қилдиким, Шоҳ Машраб бирла Бухорои шарифда бир киш фаслида умргузорлик қилинди. Бу орада Шоҳ Машраб Бухоро уламолари бирла, бир неча дафъа Мавлоно Шариф бирла мунозараи мулоқотда бўдилар. Мавлоно Шариф Шоҳ Машрабга «Мушхоти шариф» таржимасин манъ этмушдилар. Анда Машраби девона мавлонога мажзубона хитоб қилдиларким: «Е Мавлоно? Мен сизни аҳли оқил десам, аслида ақли ноқис эрконсиз». Бу мажорадин сўнг девонанинг муборак кўнгуллари бисёр озурда бўлиб, Бухорои шарифни тарк этмоқлик тараддудига тушдилар. Фасли баҳор етти қаландар: Исмаат қаландар, Шерзод субҳий, Турсунбобо Мақомий, Ашраф қаландар, Оқил кўса, Мирзараҳим Соқий, Обид шилпиқ ҳамроҳлигида Насаф сари равона бўлинди. Насафда бир неча маҳал сайру тамошалар қилинди. Бунда ҳам Шоҳ Машрабда узоқ турмоққа тоқат бўлмади. Эرسа сафар жабдуғин эшаклариға юклаб, иродаи Байтуллоҳни ният айлаб, уммулбалад Балх сари равона бўлинди. Шоҳ Машрабни, Балх сари сафарларин дарагин топғон Оғохон қаландар отлиғ кимса, Балх қаландархонасин сардори эркан, барча қаландари мажзублар бирла ўн фарсах йўлга шоҳнинг истиқболиға чиқмиш. Алқисса, Балхга дохил бўлинди. Анда бир неча муддат қаландархонада осойиш бўлинди. Аҳли шуаро қаландару дарवेशлар, дунёи дундин кўл ювғон мажзуби девоналар бир-бир келуб шоҳ Машрабни зиёрат қилдилар. Баъзилари ашъор мажлисинда суҳбатлариға муяссар бўдилар. Аҳли зиёрат орасинда жабрдийда халойиқ Маҳмудбек қатағон жабридин, арқони: давлат зулмидин бисёр жон ачитғич ривоят қилмушлар. Шоҳ Машрабни овозаси Маҳмудбек қатағон кулоғига етушмиш, буюрмишким, Фарғона заминидин келган девонаи мажзуби қаландарни хузуримға ҳозир қилгайлар. Навкарлар келуб, одоб бирла салом беруб, ё қаландари Машраб, сизни Маҳмудхон ҳазрати олийлари саройга чорламишлар дедилар. Шоҳ Машраб алар жавобинда дедиларки: «Мен киму Маҳмудхон ким, банди фақир бу янглиғ асасега лойиқ эрмасмен, сизлар бораверинглар, мен саройга ўзим йўл топғум. Навкарлар ёнди. Бир неча муддат ўтказуб Оғохон сардори қаландарон ҳамроҳлигинда Маҳмудхон хузурига равона бўдилар. Маҳмудхон ва уламои фузало арқони давлат анда ҳозир бўлмиш. Шоҳ Машраб тавозе бирла салом айлаб, пойғада жойнишин бўдилар. Маҳмудхон тавозе бурчидин ҳол-аҳвол сўрди, ё девона, иродаи Байтуллоҳ қилмушсиз, оллоҳ муборак қилгай, деди, зиёрат сўнгиди дедикки: ё қаландари мажзуб, ширин ашъорингиз гўшмизга етушдики, анинг мутолаасидин бисёр лаззат топдик. Аммо баъзи уламои фузало ва арқони давлат тавсифинда ҳам бир кўп ношоён сўз демушсизки, бу корингиздин андак озурда хотир бўлдук. Аҳли мажлис қотинда бу носазо сўзларингиз борасинда тавба-тазарруъ қилсангиз бизни бисёр хушнуд қилурдингиз.

Анинг жавобинда Шоҳ Машраб дедиларки: «Оре ростдурким, мўмин-мусулмон бандаларни эрмас, балки ришвахўр қозиларни, оқни қаро қилғувчи муфтиларни, икки тиллик уламоларни, шайдои муллоларни ҳажв тили бирла тавсиф этмушдим. Неки битдим, ҳақ турур. Узр айтмоқлик фақирға одат эрмас, иззати-икром учун бағоят бурчдормен, шаксиз, ҳазратлариға бўлғон бурчимни узурмен» деб, рухсат олиб, сароидин чиқдилар. Орадан бир неча фурсат ўтди. Шоҳ Машраб Маҳмудбек қатағон ва вазири калони Бузрукхўжа-бухорийдирки, авом ани «ола бўжи» дерлар, таърифиди ашъор битиб, бозор ва гузароҳларда ўқидилар. Бу абётларни бир неча қаландарлар ҳам авоми аннос мажлисинда ўқимшлар.

Охирул амр ҳажвгўйлик овозаси Маҳмудхон гўшиға етушмиш. Бузрукхўжа Бухорий Маҳмудхон подшога арз қилмушки, ё подшоҳи олам, Машраби девона ҳаққингизда ношоён сўзлар битиб, ани авом орасинда тарқатуб, халойиқ дилида ғулув қўзғамоқ ниятида эркон, буни хуфялар бизга еткурди. Ани чорасин қилинмаса, ишнинг охири вой бўлур, деди.

Маҳмудхон ғазабнок бўлуд дедикки, ғулувчи девонани дарҳол бунда ҳозир қилинг. Эрсача неча навкарлар чоштвоҳ палласинда қаландархонага келуб, Шоҳ Машрабни, фақирни ва яна Оғохон сардорни бир неча қаландарлар бирла қўлларини занжирбанд қилуб, Маҳмудхон хузурига элтдилар.

Дарғазаб Маҳмудхон кўзларидин ўт қақнаб, итоб бирла дедикки: «Е қаландари мажзуб, мен сени дарवेशи замона тариқиди иззату икром қилдим, сен эрса ушбу иззати-икромға ўтурдунг». Анинг жавобиди Шоҳ Машраб дедиларки: «Е Маҳмудхон, жабринг андоқ даражасиға етушмушки, халойиқ ушоқлари хархаша қилса, ани Маҳмудбой келур деб қўрқитурлар. Оре рост. Мен дунёдин кечган бир дарवेशман. Иззати икромингни менинг қатимда сариқ қақали қадри йўқ турур, илло, сен арқони давлатинг бирла юртаг ўтурмушсен. Ҳар кимнинг жазосин тонгла маҳшарда тангри таоло берғуси. Халойиқда масалдурки, «ҳар кимса экканини ўрар». На битибмен, ҳақ сўзни битибмен. То рўзи қиёмат сендин жафокорлик, мендин ҳақ сўзни битилмуш китобат қолғуси. Жавобингда ўзга айтар сўзим йўқ. На ҳукм этурсен, бисмиллоҳ деб қабул қилурмен».

Маҳмудхон буюрдиким, биз гуноҳкорларни банди зиндон қилсунлар. Балхни «Қароқчиён» зиндонига банд қилдилар. Эрсача, Маҳмудхон уламо мажлисин йиғуб машварат қилди. Шайхул ислом демушки: «Машраб ва ҳамроҳлари халойиқни гумроҳликка ундар, шариат ва тариқатдин оздирур, ашъоридин кўфр иси келур, Куръони масжидин ҳақорат қилур, мардум орасинда ғулу қўзғатур, аларнинг жазоси дорға тортилмоқдир», деб фатво бермуш.

...Шоҳ Машраб зиндонда бисёр ғамнок ва озурда хотир бўлдилар. Менга васият қилдиларким, мабодо зиндондин саломат қутулсанг, битикларимни асра, бу улқадин ҳеч ҳаялламай Фарғона сари отлан, аларни бир китобат тартиб беруб, бизни азиз тутғувчи халойиқ назариға еткур. Бу янглиғ сўзлардин сўнг Шоҳ Машраб тафаккур уммонига ғарқ бўлдилар. Эрсача зиндонбонни йўқлатуб, қалам, доват ва қоғоз сўрадилар, зиндонбон сўрмишларин муҳайё қилди. Шоҳим тафаккурдин хушёр тортиб, ушбу абётни битдилар.

Чун кўзум¹ бирла қўлимни боғламоқ ҳожат эмас,
Мен ўлумға розиман, бас тургали тоқат эмас.
Мунча шиддат бирла бўйним бўғғали зўр айлама,
Баски, одам қони тўкмак сенга ҳам тоат эмас.
Умр чун барқи ҳаводис, ғофил одам билмади,
Ою кун оромиға бир лаҳзаи фурсат эмас.
Лашкари хунрезға сабру ором қайда бор,
Мажнуни девоналарнинг шоҳиға роҳат эмас,
Тўккиси хунимни охир Балхда Маҳмуд шоҳ,
«Алқасосул ҳақ» каломи анга ҳам муддат эмас.²
Чун муборақ бўлсун, эй Машраб, қизил қонинг сени,
Хўб иш бўлди сенга, жон берганинг офат эмас.

Ва яна:

Минг шўру фиғон бирла ҳай-ҳай на бало келди,
Жон қичқирадур кўй деб, ханжарни оло келди.
Қўлиға олиб пўлод, қошимға келур жаллод,
Қилди мани бебунёд, тиғи гузаро келди.
Кетсам бу алам бирлан, юз қоҳиши ғам бирлан,
Ғавғои санам бирлан, хуш даври сафо келди.
Рози бўлайин ўлсам, жон бергунча бир кўрсам,
Мундоғ не бало бирлан, шиддатли қазо келди,
Заҳмату қазо ёндош, бўлди ҳаммаси йўлдош,
Ул жавру жафо одош, тиклаб бўйро келди.
Девонаи Машрабсан кўрқуб нега йиғлайсан,
Ошуқ кишиға ўлмоқ: хуш кайфу сафо келди.


Шоҳ Машраб бу абётдин нусха кўчуруб, Маҳмудхонга элтмоқларини илтижо қилдилар.

Маҳмудхон жонибидин хабарчи келуб, Шоҳ Машрабни уламо аркони давлат қошида тавба тазарруъ қилмоққа ундади. Шоҳ Машраб унамадилар. Охирул амр ҳукм ижросиға тутиндилар. Рамазони шарифнинг ўн еттинчи куни ҳижратдин бир минг бир юз йигирма уч сана кечиб эрди, барча банди зиндонларни Балхни қатл майдониға сургадилар. Кўча-кўйда халойиқ бисёр йиғилгон эрди. Шаҳпар гузаридин ўтурда фуқаро орасинда ғулу кўзғалуб, навкарларға тажовуз қилинди. Фақир ва бир неча нафар жабрдийдаларни халойиқ ароға қамраб олуб, банддан халос қилиб, яширдилар. Илло, Шоҳ Машрабни илки ва аёғи занжирбанд, кишан ҳалқасин навкарлар қўлларида маҳкам тутмушди. Ул сабабдин аларни қутқармоқ имкони бўлмади. Алқисса, рамазони шарифни ўн еттинчи куни бавақти намози жумъадин сўнг Шоҳ Машрабни Мансурвор сиёсат дориға тортмушлар. Андоғ маълум бўлурки, қатли ом муддатинда таваллудларидин эллик етти сана кечуб эрди. Охирул амр девонаи мажзуб Шоҳи қаландар валлиюллоҳ Машраб шаҳиди аъло тариқин топуб Мансур мақомиға етуштилар. Қолихум инно алайҳум рожиун...

Тақдир тақозаси андоғ бўлмишким, Шоҳ Машраб «алқасосул ҳақ каломи санга ҳам муддат эмас» деб каромат қилганларича бўлди. Маҳмудхон уч кундан сўнг зилзилада том остида қолуб, қаттол руҳи жаҳаннамға мубаддал бўлди...

¹ «Девон»ларда «Чун кўлум бирла аёғим» тарзида битилган.

² Мазкур байт нашр этилган «Девон»ларда йўқ.



Хуршид Даврон

Ватан ҳақида етти ғубоӣят

Ватан меҳри¹

Бу воқеа кўп қадима
Замонлардан нақл эмас.
Ўтган бўлса, юз йигирма
Йил ўтгандир —
Кўп эмас...

Подшоҳлари ухлаб ётган
Юртга душман кирганда,
Бола демай,
Қари демай
Аямасдан қирганда,

Бухорога қочиб бориб
Амир писиб ётган пайт,
Хон амирни,
Амир эса
Хонни ёвга сотган пайт,

Ер бўялиб алвон рангга,
Еш тўкканда хор бобом,
«Элим» дея чиқди жангга
Самарқандлик мард Бобон,

Қўлга тушмай олишди у
Хурлик майи қилиб маст,
«Юртим» дея солишди у
Лак-лак ёвга басма-бас.

Йигитлари тинмас эди
Ярим туну тонгларда,
Жангдан кейин эса пинҳон
Бўлар эди тоғларда.

Ҳеч ким билмас, улар қай жар,
Қай дарада бекинар,

Кауфманнинг жони чиқар.
Миршаб каби сўкинар.

Пистирмалар кўяр овлоқ,
Пастқам йўллар четида,
Айғоқчилар изғиб юрар
Бозорларнинг ичида.

Аммо бир кун саҳар пайти
Қуёш кўкка чиқаркан,
Ҳабаш каби қоп-қора тун
Чодирини йиғаркан,

Елкасига милтиқ илган
Шопмўйловли саллотлар,
Тоғ ичидан чиқиб келган
Чолни тутиб олдилар.

Чол ёнида невараси
Ҳорғин қадам ташларди,
Учта бадмаст саллот унга
Калхат каби ташланди.

Қўлларини бурадилар
Қарамай кўзёшига
Ва уларни келтирдилар
Яримподшоҳ қошига.

О, тарихнинг битиклари
Сўйлаб берган неча бор,
Ботирларнинг амалин йўқ
Этган деб хиёнаткор!

Худди шундай сотқин нокас
Чолга зимдан тикилди,
Кауфманга таъзим ила
Етти марта эгилди.

¹ Давоми. Бошланиши олдинги сонда

— Мен биламан бу чолни, у
Шу тоғда ов қилади,
Бу тоғларнинг ҳар қаричин
Жуда яхши билади.

Яхши билар бу тоғу роғ
Тошлари-ю ўтларин,
Мол изига қараб, қай чоғ,
Айтиб берар ўтганин.

Фақат шу чол топиб берар
Писиб юрган Бобонни...
Кауфман шод амр этар:
— Олиб келинг бобойни!..

Кейин эса айтар тажанг:
— Икковинг ҳам ўласан!
Фақатгина йўл кўрсатсанг
Тиғдан халос бўласан!

Чол индамас,
Невара ҳам
Сукут сақлар, жим турар.
Кауфманнинг кўзи ўйнаб;
— Қийнанг!— дея буюрар.

Ўша заҳот чол сўз бошлар:
— Уйлаб кўрдим танада,
Сиз, ҳукмдор билан ёлғиз
Гаплашайлик панада.

Четга чиққач,
Кауфман дер:
— Нима дейсан, даюс чол?
Бир хўрсиниб,
Кўзин артиб
Сўз бошлайди маъюс чол:

— Мен розиман,
Бобонниям
Ўзим тутиб бераман,
Бобон ётган жар ичига
Сизни бошлаб бораман.

Фақат, нетай...
Жуда уят...
Жуда уят бўлди-да...
Мен бу ишни қилолмайман
Неварамнинг олдида.

Қўл-оёғин боғлаб, уни
Тоғдан пастга ташланглар.
Сўнг орқамдан аскарларни
Саф торттириб бошланглар.

Уни тинглаб,
Саллотлар ҳам
Аччиқ ўйга ботдилар.
Аммо тезда болакайни
Боғлаб, пастга отдилар.

Учиб кетди бола додлаб,
Урилганча тошларга,
Ўша заҳот чол ҳайқирди,
Кўзи тўлиб ёшларга:

— Неварамдан кўрққан эдим,
Чидолмас деб қийноққа...
Кўрққан эдим, чидолмасдан
Сизни бошлар деб тоққа,

Мен-ку қари,
Мен кўрқаман
На қийноқ, на ўлимдан.
Мен тайёрман,
Қилавергин
Не-ки келар қўлингдан!

Фақат билгин:
Тоғ ичида
Сени енгар қўлим бор —
Неварамнинг отаси-ю,
Менинг ботир ўғлим бор.

...Бу воқеа кўп қадима
Замонлардан нақл эмас,
Ўтган бўлса,
Юз йигирма
Йил ўтгандир —
Кўп эмас.

Аммо унут чолнинг номи,
Унут бола номиям,
Ўч олинмай тошга дўниб
Ётар улар қониям.

Бу қон фақат баҳор чоғи
Униб чиқар гул бўлиб
Ва сўроқлар: «Ахир, қандоқ
Яшаш мумкин қул бўлиб?!»

Бу сас телба этган бўрон
Гул тўксаям боғларда,
Бу сўроқнинг акс-садоси
Янграсаям тоғларда,

Бақирсаям гул баргларин
Айлантириб тилларга,
Бу сас етмас
Музлаб ётган,
Ўчдан холи дилларга...

Туз ҳақи

Мен сўйлайин,
Сиз ўйланг —
Шу тўғримми, нотўғри?..
Хуллас, қадим замонда
Бўлган экан бир ўғри.

Тунни бедор ўтказиб,
Зўр берганча кучига,
Кирибди у, чоҳ қазиб,
Хазинанинг ичига.

Ҳаялламай қопига
Олтин-зардан солибди,
Сўнг, «Етар» деб қопини
Елкасига олибди.

Чоҳга қайтиб тушай деб
Турган пайти, зулматда

Нимадир товланибди
Ё олмос, ё зумраддай.

«Бу гавҳари шамчиروق
Бўлса керак!»— ўйлабди,
«Омадим юришди»,— деб
Ўз-ўзига сўйлабди.

«Қани билай», деган ўй
Келган заҳот кўнглига,
Гавҳарни ялабди у
Шартта олиб қўлига.

Сўнг донг қотиб...
Қопини
Юқдан холи этибди,
Чоҳга сакраб тушганча
Шошиб чиқиб кетибди.

Кун чиқди,
Йитди кеча —
Бу гапдан бўлиб огоҳ,
«Водариф» деганича
Ўйланиб қолибди шоҳ.

«Шунча чуқур чоҳ қазиб
Ишни қойил этибди,
Нега олтин ёки зар
Олмай чиқиб кетибди?»

Айтибди: «Жар солинглар,
Келиб тез қошимизга,
Бу ишни қилган одам
Маънисин айтсин бизга!

Жазо берар, деб, мендан
Кўрқишини биламан.
Худо ҳақи,
Жазодан
Уни озод қиламан.»

Бу хабарни эшитиб
Ўғри шошиб-елибди
Ва шоҳнинг ҳузурига
Бошин эгиб келибди:

«Чоҳ қазиб хазинага
Кирган одам бўламан,
Қол, десангиз, қоламан,
Ўл, десангиз, ўламан.

Бошқаларнинг дахли йўқ
Бу гуноҳга, эй подшоҳ!
«Хўп!— дебди шоҳ.—
Сен фақат
Қилмишингдан қил огоҳ.

Шунча чуқур чоҳ қазиб
Ишни қойил этибсан,
Аммо нега бир чақа
Олмай чиқиб кетибсан?»

Ўғри дебди:
«Қопимга
Кўтарганча олудим,
Ўша қопга зардан ҳам,
Олтидан ҳам солудим.

Энди чиқиб кетай деб
Турганимда,
Зулматда
Алланарса товланди
Ё олмос, ё зумраддай.

Ул нарсани гавҳари
Шамчиروق, деб ўйлабман.
Билмоқ учун...
Қўлимга
Олиб «шартта» ялабман.

Ўша нарса туз экан...
Тузингиздан тотгандим —
Туз ҳақига риоя
Қилиб чиқиб кетгандим.

Бир туз тотган ерингга
Қирқ кун салом бермоқ шарт.
Тузликқа тупурмоқдан
Ор қилмас фақат номард!..»

Ўғрининг сўзин тинглаб
Подшоҳ қойил қолибди
Ва ўғрини тақдирлаб,
Хизматига олибди.

Шу нақл неча марта
Келган менинг ўйимга,
Нокаслар булғанда
Кириб олиб ўйимга.

Улар тузим тотиб ҳам
Ўйим талон этарлар,
Молимни ўғирлаб, сўнг,
Мени «ўғри» атарлар.

Бошимда гурзи ушлаб,
Мени «зўравон» дерлар,
Менинг — майли,
Боламнинг
Ҳақини тортиб ерлар.

Қўйсанг,
Бўкиб қолгунча,
Тўнғиз каби ейдилар,
Сўнг, меҳмондўст эмассан,
Таъмагирсан, дейдилар.

Дерлар: «Юртинг нега бой,
Унар минг хил нарсалар?»
Сабабин билардилар
Кетмонни кўтарсалар.

Кетмонни кўтарсалар
Саратонда,
Туш чоғи —
Балки айтмасмидилар:
«Ефда ўзбек пичоғи».

Билармилар кўкйўтал
Бўлишини болалар,
Куз келиб, муз қировга
Беланганда далалар.

Билармилар,
Аёллар
Тириклай сўлишини,

Сурмай шодмон хаёллар,
Ўтда кул бўлишини.

Билармилар,
Куну тун
Бу халқ тинмай ишлашин,
Тоғдек тирмон кўтариб,
Бурда нонни тишлашин.

Ишонар халқ бари бир
Боболарнинг аклига,
«Тузлиғингга тупурма»,
Деган буюк нақлига.

Билмаса,
Гапим уқсин:
Иилнинг олди-пастида,
Болам китоб ўқисин,
Деган орзу қасдида

Тер тўкади,
Ёғ пули
Топмоқ учун чироққа,
Туз тўкилар кун бўйи
Манглайдан тупроққа.

Шу туз ҳаққи яшарман,
Улаб кеча-кундузни,
Гавҳари шамчироққа
Алишмайман бу тузни.

Ота қабри

Бу ривоят кўп қадим
Йиллардан ўтиб келур.
Кўп қадим гап бўлсаям,
Бизларга ибрат бўлур.

...Ўлими яқинлашиб
Қолганини сезган чол,
Уч ўғлини чақириб,
Тўсатдан берди савол:

«Ўлсам нима қиласиз?»
Ўғиллар жим турдилар
Ва ниҳоят, «Билмаймиз!»
Дея жавоб бердилар.

Чол айтибди:
«Қайғурманг,
Сиз ҳам бир кун ўласиз.
Хуллас, ўлсам,
Биттангиз
Меросхўрим бўласиз.

Кўп талашиб, тортишманг,
Тополмай тош-тарози.
Қози қандай ҳал қилса,
Бўлингиз шунга рози».

Кун итган экан, чол
Айтибди-ю ўлибди.
Бирпасда ҳовлисиям
Одамларга тўлибди.

Ўғиллар ҳам «Тақдир» деб
Изн бермай фироққа,

Отани ўша кун
Беришибди тупроққа.

Эртаси, кун чиқаркан,
Хилқатлар ёришибди.
Қозихона томонга
Уч ўғлон боришибди.

Қози дебди:
«Бу ишни
Ҳал қилмоқ жуда душвор.
Аммо бундай ташвишни
Ҳал қилувчи бир чол бор.

Макони ғор —
Тинч гўша...
Чол кўп гапни билади.
У нима деса, ўша
Менинг ҳукмим бўлади.

Ҳаялламай учовлон
Чол қошига борингиз.
Ечиб берар:
Отага
Меросхўр қай бирингиз!»

«Умид қилсанг ушалгай!»
Деб ўғлонлар шу замон,
Кетдилар чол яшаган
Қоп-қоронғи ғор томон.

Чол индамай тинглабди
Ўғилларнинг сўзини,
Сўнг эса бақирибди
Олайтириб кўзини:

«Э, воҳ ота дегани
Наҳот шундоқ бўлади,
Меросхўр ким? —
Айтмасдан,
Ахир, нега ўлади?

Тутуруқсиз отадан
Кўнглингизни узингиз,
Ҳозироқ бориб унинг
Мозорини бузингиз!

Сўнг қошимга келсангиз
Учовингиз қайтадан,
Меросхўр қай бирингиз
Бўлишингиз айтаман».

Икки ўғил югуриб
Кетишибди ўша он,
Учинчиси ўй суриб
Йўлга тушибди ҳайрон.

Тўнғич билан ўртанча
Шовқин солиб,
Муштлашиб,
Етишибди мазорга
Бел, кетмонни ушлашиб.

Ҳар иккиси меросни
Ўйлар эди дил хушлаб.
Кутиб опти уларни
Кенжа ўғил тиғ ушлаб.

«Қани отам қабрига
Тегиб кўринг-чи!»— дебди.
«Улдираман, бузилса
Отамнинг тинчи!»— дебди.

Айтибди:
«Воз кечаман,
Мерос учун кўймайман.
Аммо отам қабрини
Бузишга йўл кўймайман.

Қайтар дунё деганлар,
Бузиб ота қабрини.
Сиз бузасиз аслида
Болангизнинг қалбини».

Икки ўғил яна чол
Қошига қайтишибди
Ва бор гапни оқизмай,
Томизмай айтишибди.

Чол сўзлабди:
«Отангиз
Мақсадини англовдим,
Қабрини бузмоқниям
Синов учун танловдим.

Сиз икки жирканч ўғил
Қайтмадингиз бу ишдан —
Энг оғир гуноҳ бўлмиш
Ота қабрин бузишдан.

Елғизгина укангиз
Кетганлар руҳин хушлаб,
Қабрни бузмоққа йўл
Бермади қилич ушлаб.

Тиғ ушлади юртини
Сақлаган ботир каби.
Асраб ору бурдини,
Булғанмади ёш қалби!

Кимда йўқ ор ва номус —
Тиригида ўлади.
Хукмим шудир:
Меросхўр
Шу укангиз бўлади!»

Кимда йўқ ор ва номус,
Менинг сўзим тушунмас.
Меросхўрлик фақат мулк
Еки бойлик учунмас.

Бу боболар, момолар
Қабрини тинч сақлашдир,
Ота тузини оқлаш,
Она сутин оқлашдир.

Неча қадим аждодлар
Хоки эрур бу Ватан.
Юртни сақлолмас — ота
Қабрини сақлолмаган.

...Бизлар қайси ўғилмиз,
Айтгин замондош ўртоқ,
Тўнғичми, ўртанчами,
Ё кенжами — ўйлаб боқ?!

Гарчи жуда топқирмиз,
Гарчи жуда қайсармиз,
Ўйлаб боққил,
Бу юртда
Меросхўрмиз қайсимиз?!

Боболар, момолардан
Қалбин узиб юрган ким?
Муқанна, Торобийнинг
Қабрин бузиб юрган ким?


«Меросхўр — мен!»— дейишдан
Аввал, келгин, жавоб бер:
Нега индамай турдинг
Зўрланганда Она ер?

Эй сен номард,
Эй бербурд,
Оролни нега сўйдинг?
Нега дилингни манқурт,
Кўрларга бериб қўйдинг?

...Ота, мени кечиргин,
Йўқ, мен қабринг бузмадим —
Аммо сенинг ёдингни
Йўқотганим сезмадим.

Сезмадим мазорингда
Учиб қолган шам каби,
Ғофил ўйлар ичида
Сўниб қолганин қалбим.

...Ўғлим, бобонг ёнида
Ётсам бориб ер тишлаб,
Сен мени қўриқлагин
Қўлингда қилич ушлаб.



Жамол Камол

«Қизил, сориг, яшил...»

Алишер Навоий ғазаллари — гўзаллик мулкининг мангу сўлмас чечакларидир. Уларда ишқ бор, дард бор, фараҳ бор... Беором, оташин қалбнинг буюк талпинишлари, юксак, олийжаноб руҳнинг бетакрор сувратлари, манзаралари...

Маъно ва тафаккур, хаёл ва тасаввурнинг авж пардалари, учқур парвозлари, сўнгсиз жилвалари, демакдир... Уларни баҳолаш, талқин этиш учун биз, фақирларга Навоий етуклиги даражасига кўтарилиш йўл бўлсин, лекин ҳарҳолда ҳазратнинг маънавий дунёсига яқинлашиш, унинг камолига эргashiш шарт. Шу маънода Навоий ижоди буюк бир кўзгудирким, ҳар кимса унга кўз солиб, унда кўзи илгананча кўрар, у бир хазинадирким, ҳар киши унга қўл чўзиб, ундан қурби етганича олар... Навоийнинг ҳар битта байти замирида бир, уч, беш ёки ўнлаб маъно ва мазмунлар яширин, инчунин, уларнинг изоҳи учун бир, уч, беш ёки ўнлаб талқинлар туғилиши муқаррар. Уларнинг қирралари, чизгилари, товланишлари, рамзу ишоралари беҳисоб. Бир йўла қамраб олиб бўлмайди. Дунёни бир қарашда қамраб ёки битта талқинга сиғдириб бўлмагандек... Лекин Навоий дунёқарашининг бош устунни бор. У шоир дунёсини, унинг осмондек азамат гумбазини бошида тикка кўтариб туради. Бу — тасаввуф таълимоти, нақшбандийлик тариқати. Шоир фалсафаси ана шу таълимот, ана шу тариқатга суянади. Бу таълимот ва тариқатнинг қисқача мазмуни шундай: оламдан мақсад — одам, одамдан мақсад — худо, худодан мақсад — камолот, камолотнинг эса йўли чексиз. Бу йўлга чиққанлар «ҳақиқат йўлчилари» аталиб, ишқ-муҳаббат уларга раҳнамо бўлади... Алишер Навоий олам ва одамни ана шу нуқтан назардан кузатади ва идрок этади, бошқача айтганда, у олам марказида одамни, одам сиймосида оламни кўради, олам ва одам бирлигида эса «ҳусни мутлақ», «меҳри мутлақ» қуёшнинг ранг-баранг шуълаларини кўриб, ҳайрат ва ҳаяжонга тушади. Унинг ғазаллари ҳақ-ҳақиқатнинг ана шу чексиз шуълалари қаршисидаги чексиз ҳайрат ва ҳаяжонларнинг сўнгсиз нидолари, садоларидирлар.

Ўқиймиз, илк манзара — илк ҳайрат:

**Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориг, яшил,
Шуълайи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил.**

Яъни: жононим қизил, сориг, яшил рангли тўн киймиш, шундан бери юракдан чиқадиған оҳим шуълалари ҳам қизил, сориг, яшил тусдадир... Хўш, шоир бунда фақат одамни кўзда тутмоқдами? Оламни ҳам кўзда тутмаяптими? Худони-чи? Биз бугун шундоқ деб айру-айру савол қўямиз. Лекин бу тушунчаларни Навоий бир-биридан айирмаган, унинг фалсафаси уларни бир бутунга жамлаган, «воҳид» деб баҳолаган. Шоирнинг «жонони»да олам яшайди, у оламда эса, қатрада қуёш акс этганидек, камолотнинг олий тимсоли бўлмиш олий хилқат, юксак ҳақ-ҳақиқат, Оллоҳ акс этади... Ёр тўни, олам либоси, ҳақиқат манзараси ранг-баранг, бас, уларнинг қаршисида турган Навоий ҳайратлари ҳам, шуълайи оҳу фиғонлари ҳам ранг-барангдир... Шоир энди ана шу ранг-баранглик оҳангини ривожлантиради, ўзининг ёрга (оламга, худога) нисбатан кечинмалари орқали маънавий сувратлар, лавҳалар чизади, кўзимиз ўнгиде руҳ китобининг ранг-баранг саҳифалари очилади:

**Гулшан эттим ишқ саҳросин самуми оҳдин,
Ким эсар ул дашт аро ҳар он қизил, сориг, яшил.**

Яъни: ишқ саҳросини оҳим самуми (гармсели)дан гулшан (ранг-баранг) этдим, зеро ул дашт аро энди қизил, сориг, яшил шамоллар эсади... Бу шунчаки шоирона муболағами? Ҳам муболаға, ҳам ҳақиқат. Оламни идрок этишда Навоий даражасига кўтарила олмаганлар учун бу, шубҳасиз, муболаға. Аммо юқорида айтганимиз шоир дунёқарашига суянчиқ бўлган олам-одам бирлиги нуқта назаридан эса — айни ҳақиқат. Оллоҳ одамни азизу муқаррам қилиб, оламнинг сарварни этиб яратган, бас, унинг чеккан оҳи ишқ саҳросини гулшан этса ва ул дашт аро қизил, сориг, яшил шамоллар эсса не ажаб?!

Навоий энди бизни жононга бир оз яқинлаштиради, унинг орази, холи билан хатти хаёлидан сўзлайди. Дейдики:

**Орази, холинг била хаттинг хаёлидин эрур,
Кўларимнинг олдида даврон қизил, сориг, яшил.**

Инсон камолот йўлидан юриб, олий ҳақиқатга яқинлашаркан, унинг ҳусни-талъатини аниқ тасаввур этишга интилади, тасаввур этаркан, кўз ўнгида даврон камалакдек жимирлашиб кўринса, не тонг?! Наинки, даврон, балки ёрнинг ҳусни гулзори ёди билан, эшик тепасидаги туйнукдан уйга ёруғлик тушгандек, кўнгилга ҳам алвон шуълалар куйилиб туради:

**Шишадек кўнглимдадир гулзори ҳуснинг ёдидин
Тобадонинг аксидек алвон қизил, сориг, яшил...**

Турфа шуълалар ила лим тўлган кўнгилнинг муроди эса — ваҳдат майидир:

**Лаългун май тутқил олтин жом бирлан сабада,
Ким булардин яхши йўқ имкон қизил, сориг, яшил.**

Киши ҳали ёш (сабза) экан, олтин (асл) жомда лаългун май — ҳақиқий ишқ ва эътиқод шаробини ичса, на хуш. Қизиллик, сориглик, яшиллик бирикувининг бундан ҳам яхшироқ имкони бўлурми? Бу шаробни ичганлар эса фақирлик йўлини танлаганлар. Зеро, фақирлик — ишқ аҳлининг шарафидир. Фақирликда бефарқ яшаш — олам ҳақиқатидан йироқ тушиш мушкул, аксинча, дарвешлар тўнига қизил, сориг, яшил ямоқлар тушиши табиий, яъни, дарвешлик тўнини кийиб, оламнинг ранг-баранг ҳақиқатини идрок этиш ўнғай:

**Фақр аро беранглик душвор эрур беҳад, валеқ,
Ҳирқада тикмақ эрур осон қизил, сориг, яшил.**

Ниҳоят, сўнги байт, сўнги нидо — мақтаъ. У шоирнинг фаҳриясидек жаранглайди:

**Эй Навоий, олтину шингарфу зангор истама,
Бўлди, назминг рангидин девон қизил, сориг, яшил.**

Саҳхоф (муқовачи) ва рассомлар одатда шингарф (қизил), олтин ва зангор бўёқлар ила китобларни безайдилар. Лекин Навоий бунга муҳтож эмас, унинг назми азалдан рангиндир, шу туфайли унинг девони — умр китоби ҳам табиий йўсинда қизил, сориг, яшил тусдадир, яъни, олам ҳақиқати рангларига бўялмишдир.

Ғазални ўқиб, ўйлайман: неча бир зобит, неча бир мустабидлар кишилиқ дунёсини, ҳақиқатни битта ранг, битта бўёққа бўямоқчи бўлдилар, лекин ҳар гал бу уринишлар шармандалиқ билан тугади...

Навоий ғазали — ҳақиқатнинг рангин оламига битилган ўлмас мадҳиядир. Шу олам бор экан, бу ғазалнинг умри, сафоси тугамас... Ушбу ғазалга боғлаган мухаммасим билан фикримни мухтасар қилмоқчиман.

**Йўқ, чақиндан эрмас ул осмон қизил, сориг, яшил,
Ё шафақдин ҳар тараф рахшон қизил, сориг, яшил,
Ё чаманда лолаю райҳон қизил, сориг, яшил,
Хильатин то айламиш жонон қизил, сориг, яшил,
Шуълайи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил...**

**Зарра шафқат деб ўтиндим мен мунаввар моҳдин,
Бир ишорат деб кутиндим боз ўшал даргоҳдин,
Воҳким, додимга имдод етмади оллоҳдин,
Гулшан этдим ишқ саҳросин самуми оҳдин,
Ким эсар ул дашт аро ҳар он қизил, сориг, яшил.**


Нолишим тонгларда дардимнинг камолидин эрур,
Кипригим чанги ҳужумларнинг шамолидин эрур,
Барчаси савдойи ишқимнинг камолидин эрур,
Орази, холинг била хаттинг хаёлидин эрур,
Кўзларимнинг олдида даврон қизил, сориг, яшил.

Топмадим ҳаргиз омонлик лабларинг бедодидин,
Еш тўкармен, кеча-кундузлар кўзинг жаллодидин,
Вой, инондим, сенча золим йўқ башар авлодидин,
Шишадек кўнглимдадир гулзори ҳуснинг ёдидин
Тобадонинг аксидек алвон қизил, сориг, яшил...

Лаҳзада оташмену сувмен ҳамоно лаҳзада,
Лаҳза-лаҳза жисму жоним боқки бундоқ ларзада,
Соқиё, қаршингда турган бир ғарибу ғамзада,
Лаългун май тутқил олтин жом бирлан сабзада,
Ким булардин яхши йўқ имкон қизил, сориг, яшил.

Гарчи чин сабру қаноат ёр эрур беҳад, валеқ,
Ҳам неча дўсту анис ғамхор эрур беҳад, валеқ,
Чораи карвонда гарчи нор эрур беҳад, валеқ,
Фақр аро беранглиқ душвор эрур беҳад, валеқ,
Ҳирқада тикмақ эрур осон қизил, сориг, яшил.

Эй қалам, сургин рақам, роҳатни зинҳор истама,
Эй, кўнгил, илҳоминг иста, ўзга дилдор истама,
Эй, Жамол, шеър зийнатига шамси анвор истама,
Эй, Навоий, олтини шингарфу зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориг, яшил...



Тавалло

Тавалло тахаллуси билан ижод қилган Тўлаган Хўжамийёров 1883 йили Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳасида, Обиназар маҳалласида туғилган. У дастлаб Юсуф қори домланинг эски мактабида, сўнгра рус-тузем мактабида таҳсил олган.

Тавалло 1918 — 1919 йилларда Тошкент эски шаҳар ва янги шаҳар ижроия қўмитасининг аъзоси ва саркотиби бўлиб ишлайди. Шундан сўнг у ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳасида фаол қатнашади.

Маълумки, 1912 — 1917 йиллари жадид адабиётининг қизгин тараққий этган давридир. Тавалло ижоди, айна шу дамда назарга тушган. Уша йиллар шоирнинг «Баёз» (1913), «Равнакул ислом» (1917) тўпламлари пайдо бўлади.

Баъзи кишилар, «Равнакул ислом» тўпламига қўйилган номнинг ўзиёқ, унинг панисломизм характерида эканини кўрсатади, дейдилар. Аслида, бу нотўғри қараш. Таваллонинг шеърлари, асосан, Ватанни севишга, ардоқлашга, халқни ҳурматлашга, илм-маърифатни, санъатни севишга ундовчи туйғулардан йўғрилгандир.

Маърифатпарвар шоир халқни маърифатга чақиришдек улуғ ишнинг фидойиларидан биридир. У «Сўқ тараққий» шеърида шундай мурожаат қилади:

**Тур, эй миллат, қўй эмди, чиқ буён уйқу канориндан,
Кўзинг оч, ибрат ол, сен ўзга миллат қору бориндан.
Жаҳолат чодирига буркалиб ётмоқни тарк айла,
Юр эмди, қолма шунда ўзга миллатлар қаториндан.**

У ўзининг «Туркистон вилоятининг газети»да босилган «Ибрат олмоқни вақту етмадиму?» деган мақоласида ёзади: «... Телеграмм (телеграф), телефон, айроплан, грамофон ва ғайри шунга ўхшаш электр қуввати билан ишлайдиган нарсаларни инсон ақли ила бунёд этиб, вужудга келтирдими ёки ўз-ўзидан пайдо бўладими, албатта йўқ, ҳаммаси илм туфайли ва ҳунардандур. Бас, шундоғ бўлгандан кейин нима учун бизлар илмдан безормиз. Бошқа миллатлар қанча илмга рағбат этсалар, бизлар ҳамон қочамиз».

У фақат илм-фанни ўрганиш йўли билангина жаҳолату худбинликдан қутулиш мумкин, деб ўйлайди. Шунинг учун ҳам халқни, аввало, ёшларни китоб-журнал ўқиб, илм чўққиларини эгаллаб, дунё воқеаларидан воқиф бўлишга ундайди.

Аммо Таваллонинг дунёқарашида баъзи бир чекланганлик ҳам сезилади. Бу айниқса, А. Н. Куропаткин ва Николайга бағишлаб шеърлар ёзишида яққол кўзга ташланади. А. Н. Куропаткин Туркистон генерал-губернатори бўлиб, Тошкентга келган вақтида муҳим тарихий воқеа — Жиззах кўзғолони бўлиб ўтади. Бу кўзғолон чор ҳукумати томонидан шафқатсизлик билан бостирилади. А. Н. Куропаткин Тошкентга келган куни катта нутқ сўзлаб, «Халқ отасиман», агар кимдаким ножўя ишлар қилса, унинг боши силанмайди, деган гапни айтади. Тавалло эса бундан фойдаланиб, уни халққа нисбатан шафқатли бўлишга чақиради. Унга бағишлаб ёзган шеърида, агар, кимки ўзини халқнинг отасиман деб ҳисобласа, ўз фарзандини ножўя иши учун калтакламай бошини силаши керак, унда оталик меҳри бўлиши керак, дейди.

Таваллонинг бу хилдаги шеърига қарама-қарши ўлароқ «Туркистон вилоятининг газети»да, уруш туфайли халқ ҳаёти оғир аҳволга тушиб қолаётганини, инсофсизлик, савдогарчилик авжга чиққанлигини, халқ камбағал, оч-яланғоч экани, қийналаётганини ҳаққоний тасвирловчи «Дариг» радифли шеър босилиб чиқади.

Шоирнинг ижодини кузатган одам унинг замон фарзанди эканига ишонади. Уша даврнинг муҳим воқеалари хусусида қалам тебратган Тавалло эркинликни осмондан кутмай, янги ҳаётга етишиш учун халқни ҳаракатга чорлади. Бу жабҳада учраган иллатларни сатирик шеърларида фош этди.

Ҳозирги пайтда, асримиз бошларидаги ўзбек адабиёти ҳақида, унинг аҳамиятини белгилаш хусусида турлича фикрлар билдирилмоқда. Уйлаймизки, шу борада Тавалло ижоди ҳам кенг ўрганилади, унинг асарлари ҳар томонлама таҳлил этилиб, ўзининг ҳақиқий баҳосини олади.

Раҳимжон Файзуллаев,

Алишер Навоий номидаги ЎзССР Давлат кутубхонасининг Нодир нашрлар бўлими бошлиғи

Оламга бир назар

Осмондаги тайёралар, боққил қаёққа боралар,
 Эй нафс ила оворалар, нечун кўролмайсиз ҳануз?!
 Симсиз бировлар сўйлашиб, миллат ғамини ўйлашиб,
 Юрганда сиз тўй-тўйлашиб, ҳеч бир уёлмайсиз ҳануз.
 Аскар отиб бил замбарак, борларни қилди бедарак,
 Сиз боғда чолиб тартарак, сопқон отолмайсиз ҳануз.
 Грамафон айлар садо, бир игна бирлан минг наво,
 Фатнус олиб, эй бедаво, тинч ухлаёлмайсиз ҳануз.
 Гимноз семнорга бориб, таҳсил улум этди ўқуб,
 Сизлар ҳамон замбил тўқуб адрес ёзолмайсиз ҳануз.
 Руслардан ибрат олмайин, ёшларни йўлга солмайин,
 Тўй-маъракадан қолмайин, ҳеч бир туролмайсиз ҳануз.
 Чиқди бировлар осмон, машинаси айруллон,
 Сизлар трамвайдан ҳамон нечун тушолмайсиз ҳануз?!
 Эй Тошканд аҳли букун, сизлар ўқинг илму фунун,
 Илмсиз киши бўлғай забун ёки билолмайсиз ҳануз.
 Гафлатда кўр чойхоналар, боқур кўринг бедоналар,
 Билмам қачон уйғоналар, сиз уйғонолмайсиз ҳануз.
 Кўр Оврупо аҳли недан, тинмай ўқурлар илму фан,
 Кўкрак очик, сизлар чапан, инсон бўлолмайсиз ҳануз.
 Эллик йил ўлди руслар Тошканд диёрин олдилар,
 Мазмор¹ илмин чалдилар, сизлар чалолмайсиз ҳануз.
 Ёзди Тавалло ҳасратин, билдирди сизга ниятин,
 Суйган, аё, ўз миллатин, деманг, ёзолмайсиз ҳануз.

Йўх, йўх, йўх

Жаҳон айвонида биздек бадан афгор йўх, йўх, йўх.
 Билурга бу бадан афгорни ҳушёр йўх, йўх, йўх.

Нетай қон йиғламай дўстлар жаҳонда биз каби борму,
 Аромизда билинг бир вақф асрор йўх, йўх, йўх.

Ётурмиз доимо гафлат тўшоги узра ёнбошлаб,
 Келиб бошимиза уйғотғучи бир ёр йўх, йўх, йўх.

Жаҳолат чоҳида қолдик, десам ҳеч ким инонмайду,
 Кўринг бу ҳолимиздан воқиф асрор йўх, йўх, йўх.

Забони барчанинг аччиғ бўлиб ҳеч кимга ёқмайду,
 Сабаб недин билолмам бир шакар гуфтор йўх, йўх, йўх.

Ҳама ўз бошига аввора миллатга назар қилмас,
 Ки ҳиссиёт миллийимиз кўринг миқдор йўх, йўх, йўх.

Десам дунёда биздек ортда қолгон борму миллатдан,
 Бу Туркистон элидин топмадим иқрор йўх, йўх, йўх.

Неча бидғатни қилмоққа бериб сиз имтиҳон дедим,
 Отамиз ўргатиб кетди дебон инкор йўх, йўх, йўх.

Тараққий қилди миллатлар, ётурсиз тобакай, десам,
 Жаҳолат бирла гафлат яхши дер, осор йўх, йўх, йўх.

Олингиз бу садолардин ўқиб ибрат дедим аҳбоб,
 Жавоб олдим газет бизга диюр даркор йўх, йўх, йўх.

¹ Мазмор — кўриши, чиқиш.

*Дедим: аҳволингизга Оврупо, Омриқо, Московлар
Таажжуб айлаюб ҳеч кулмагон тотор йўх, йўх, йўх.*


*Дедим: миллат учун ўлдирса ҳам ёзмоқни қўймаймен,
Алар дейди: Тавалло сенда ҳеч бир ор йўх, йўх, йўх.*

Таланманг

*Фалак, бизга хабар бер, не учун безътибор этдинг?
Жаҳонда жумла миллат ичра бизни шармисор этдинг.
Жаҳолат риштасига банд этиб, раҳм этмадинг ҳаргиз,
Фалокат ҳандақи узра бугун бизни дучор этдинг.
Шарорат ёмғурини ёғдириб миллатни бошиға,
Адоват отиға отлангириб, бизни сувор этдинг.
Фароғат боғида ағёрлар дастига гул бердинг,
Надомат бирла бизни лола янглиғ доғдор этдинг.
Ҳаловат бошқа миллат топди ирфон сунбулин эсган,
Ҳарорат хорини санчиб, бизи кўп заҳмдор этдинг.
Саодат тоғина қўйди қадамни ўзга миллатлар,
Сафолат кўчасида бизлари чун хокисор этдинг.
Фасоҳат бирла ғайрат бердинг онларға, биза кулфат,
Надомат эй фалак бизларни сен хўб бемадор этдинг.
Иноят қил Тавалло айласа зулм фалак сенга,
Хабар бергил недан бизларни шундоғ тору мор этдинг.*

Ҳаққона бир сўз

*Фош ўлди олам ичра бил эй дўстлар аҳволимиз.
Ҳайратда қолди кўрган эл бизни қилан афъолимиз.
Ғурбатда ранги сарғайиб, беҳуда умрин ўтказуб,
Ёшлар такаллуф ахтариб, нафсониятда чолимиз.
Қилган иши доим зиён, ҳеч бир кўшода кўрмагон,
Кетти недан билмам қаён аввалдаги иқболимиз.
Ғафлаткашида биз каби ғам бирла кулфат ҳамдами,
Шод ўлмадик биз бир дағи ҳасратда қадди долигимиз.
Мактабни қадрин билмаюр, бир эзгу ишни қилмаюр,
Ҳаргиз кўчодан келмаюр, нодон бизи атфолимиз.
Босмай тараққийга қадим, ўтказсамиз бизлар бу дам,
Ғафлат бизи айлар адам, бўлмаски, қилу қолимиз.
Кўргил замона ёшларин, не ерга урди бошларин,
Олди ўзин қардошларин, бизни тўкилсин ёлимиз.
Тушсак кураш, тиксак ямоқ, буми ҳунар чопсак улоқ,
Исриқ супурги бойламоқ, йўқтур бўлак аъмолимиз.
Йўқ бизда бир фикр ўйласак, арзир бу кун қон йиғласак,
Тил йўқки бир сўз сўйласак, дунёда гунгу лолмиз.
Езса Тавалло, турмади, мактаб сориға юрмади,
Сўзлар қулоққа кирмади, қирқ йилги ётган шолмиз.*



Тарихимиздан абаҷлар

Ҳамид Зиёев,
тарих фанлари доктори, профессор

ЧОРИЗМ ИСТИЛОСИ

XVI аср бошларида темурийлар давлати емирилганидан то XIX-асрнинг 60-70-йилларигача Ўрта Осиёда учта — Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари ҳукм сурди. Бу орада Ўрта Осиё Афғонистон, Ҳиндистон, Арабистон ва Хитой билан қадимий сиёсий-иқтисодий алоқаларини давом эттираверди. Вақт ўтган сари Россия билан бундай алоқалари кучайиб борди.

Чоризм XVI-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Аштархон, Қозон, Сибир ва Қрим хонликлари-ни босиб олгач, рус давлати Ўрта Осиё ва Қозоғистонга қўшни бўлиб қолди. Натижада рус давлати ўзбек хонликлари билан бевосита барча соҳаларда муносабатга киришиш имконини қўлга киритди. У ўз қарамидаги чет ўлкаларнинг газлама, кийим-кечак ва бошқа турли-туман молларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида савдони ривожлантиришга қаратилган муҳим чораларни амалга ошира борди. Ўз навбатида ўзбек хонликлари Сибир, Волга ва Урал бўйида яшовчи халқлар билан тижорат ишларини кучайтиришдан манфаатдор эдилар. Чунки у ерларда ўзбек молларига талаб катта эди. Бу эса ҳар учала хонликда хунармандчилик, қишлоқ хўжалиги ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Рус давлати бирмунча илғор ва қудратли бўлганлиги учун ўзининг сиёсий-иқтисодий режаларини усталик билан рўёбга чиқара борди. У савдо-сотикни, чегара хавфсизлигини таъминлаш байроғи остида аста-секин Қозоғистоннинг ички томонига силжий бошлади. Бунда, 1731 йилда Кичик жуз, 1731—1740 йилларда эса Катта жуз қозоқларининг аксарияти рус давлатининг тобелигига ўтиши жуда қўл келди. Худди шундай бўлишини бир замонлар Пётр I орзу қилган эди. «Шарқ билан алоқада, — деган эди у, — Қозоғистон тасарруфи қалит ва дарвоза ҳисобланади. Шунинг учун миллионлаб сўм сарфланса ҳам Қозоғистонни бўйсиндириш ёки ҳеч бўлмаса у ерда Россия таъсирини ўрнатиш зарурдир».¹

Шу нуқтаи назардан рус давлати Қозоғистонда кўплаб шаҳар ва қишлоқлар барпо этди. Масалан, Семипалатинск, Петропавловск, Усть-Каменогорск, Оренбург, Троицк ва бошқалар ана шу сирага киради.

XVIII асрда Қозоғистонда 46 та ҳарбий қалъа ва 96 кичик қалъалар қурилган эди. Руслар эгаллаган жойларда оврупоча тураржойлар, савдо марказлари, корхоналар ва кон саноати вужудга келди. Пировардида улар рус ҳукуматининг ўзбек хонликларига ҳарбий юриш қилишида муҳим таянч вазифасини ўтади.

Ўзбек хонликларини забт этиш нияти очиқдан-очиқ Пётр I даврида бошланган эди. 1717 йили А. Бекович-Черкасский бошчилигида яхши қуролланган, уч ярим мингдан ортиқ аскарлик қўшинини Хивани бостиришга йорборган, бироқ бадният қўшин Хива хонлиги томонидан тор-мор қилинган эди. 1830 йили Оренбург генерал-губернатори Перовский қўмондонлигидаги қўшин Хива хонлигини босиб олиш учун йўлга чиқади. Аммо истилочилар сафардаги оғир шароитга бардош беролмай орқага қайтган эдилар.

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб чор ҳукумати ўзбек хонликлари тасарруфидаги жойларни босиб олишга киришади. Чунончи, 1847 йили Сирдарёнинг Оролга қўйилиш жойи эгалланиб, Орол ҳарбий қалъаси барпо этилади. Бу вақтларда Оқ мачит (Қизил Урда), Туркистон, Чимкент, Авлиёта, Пишпек, Тўқмоқ ва бошқа мавзеларда Қўқон хонлигининг ҳарбий истеҳкомлари мавжуд эди. 1852 йили чор қўшини Оқмачитга ҳужум қилади, лекин уни қўлга киритолмайди. 1853 йилда генерал Перовский бошчилигидаги икки минг аскардан ортиқ қўшин яна Оқмачитга ҳужум уюштиради. Истеҳком мудофаачилари генерал Перовскийнинг таслим бўлиш ҳақидаги таклифига «Бизлар бир донда порох ва кўчада бир кесак қолгунча, ҳамма қуролларимиз тамоман синиб битгунча курашамиз», деб жавоб қайтаради.² Дарҳақиқат, генерал Перовскийнинг ўзи кейинчалик истеҳком ҳимоячилари охириги имконларига қадар қаҳрамонона жанг қилганини тан олади. 22 кунлик қуршов ва жангдан сўнг чор аскарлари истеҳкомни тор-мор этишга муваффақ бўлганлар. Қалъа ҳимоячиларидан бор-йўғи 74 киши тирик қолган, холос. Чор қўшинларидан эса 25 киши ҳалокатга учраган ва 46 киши ярадор қилинган. Истеҳком ўрнида «Перовский форти» деган ном билан рус ҳарбий қалъаси бунёд этилди. Оқмачитдаги мағлубият Қўқон хонлигини қаттиқ ташвишга солади. Дарҳол Тошкентда куч тўпланиб, ҳоким Сабдалхўжа бошчилигида 8 минг аскарлик қўшин ва кўнгиллилар

¹ В. П. Вежевский, Л. И. Неплюев. «Оренбургский край», Қозон, 1897 й. 1-жилд, 136-бет.

² Туркестанский сборник. 58-жилд, 22-бет.

Оқмачитни эгаллаш учун йўлга чиқади. Қирғин-барот жангдан сўнг улар 192 кишини йўқотади ва ярадорларни 92 туяга ортиб ортага чекинадилар.

1853 йилнинг декабрь ойида 13 минг кишидан иборат қўшин Ёқуббек қўмондонлигида Оқмачитга келиб душман билан тўқнашади. Натижада юрт ҳимоячиларидан икки мингга яқин киши ўлдирилади ва ярадор қилинади. Чор қўшинларидан 55 киши нобуд бўлади. Бироқ, бундай кетмакет мағлубиятлар умидсизликка олиб келмади. 1855 йил январида 1500 кишилиқ қўшин ва кўнгилли қасосчилар яна Оқмачитга отланади, лекин улар душман сафларига янги куч қўшилганлигини эшитиб, орқага қайтадилар.

1860 йилда Пишпекда ҳам душман қўшини билан тўқнашув бўлади. Бу жойни эгаллаш учун чор қўшинлари 954 та снаряд ва 13 мингга яқин ўқ отганлари маълум. Ҳимоячилардан анча киши ўлдирилади ва ярадор қилинади. Шу йили Тўқмоқ қалъаси ҳам чор қўшини томонидан забт этилади, бу ҳол бутун хонлиқни катта ташвишга солади. Ўзбек, қозоқ ва қирғизлар Тошкент ҳоқими Қанаотшоҳ бошчилигида урушга отланишади. Уларнинг умумий сони 20 мингга борар эди. Пишпек остонасида ҳар икки томон ўртасида қонли тўқнашув юз бериб, ҳимоячилар қаҳрамонона жанг қиладилар. Мудофаачиларга қарши душман томонидан 2051 та снаряд, 31879 та ўқ ва 63 та тўп ўқи отилган. Бу жангда Қўқон қўшинларидан ва оломондан 1500 киши ўлдирилади ва кўпи яраланлади. Душман аскарларидан атиги 13 киши ўлдирилади ва 29 киши жароҳатланади. 574 ҳимоячи асирликка олинади. Шунингдек, истеҳкомда 82 савдогар, 92 аёл ва болалар бор эди. Чор қўшинлари 1864 йил май ойида Авлиёота остонасида 1500 кишилиқ Қўқон қўшинлари ва халқ қасоскорлари билан яна тўқнашади. Бу сафар ҳам ҳимоячилар мағлубият аламини тортадилар: улардан 307 киши ўлдирилиб, 390 таси ярадор бўлган эди.

1864 йилнинг июнь ойида Туркистонда ҳам чор ҳукумати ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Бу суронли жангда маҳаллий халқ вакилларида юзлаб киши ҳалокатга учрайди ва жароҳат топади. Айрим маълумотларга кўра, чор қўмондони агар шаҳар таслим бўлмаса, Аҳмад Яссавий мақбарасига тўп отилишини маълум қилган. Шундан кейингина ҳимоячилар урушни тўхтатишга мажбур бўладилар.

Авлиёота ва Туркистоннинг душман томонидан забт этилиши бутун Қўқон хонлигини оёққа тургазди. Тошкент чоризм босқинчиларига қарши кураш марказига айланди. Бу ерга Марғилондан Юсуфбек, Хўжанддан Мирза Аҳмад Қушбеги қўмондонлигида қўшинлар, шунингдек Андижон, Наманган, Уш ва бошқа жойлардан ҳарбий қисмлар келтирилди. Қўшин ва халқ қасоскорларига Қўқон хонлигининг лашкарбошии Алимқул бошчилик қилиб, Тошкентдан тонг отар пайтида, ҳар бир маҳалла олдида тўхтаб, халқдан дуо-фотиҳа олади-да, Чимкент томонга йўналади. Уларни шаҳар аҳолиси яшиш ният ва йиғи-сиғи билан кузатиб қолган.

Чимкентда бир кеча-кундуз давомида ҳар икки томон ўртасида тўплардан отишув бўлади. «Сўнгра тўрт томондан, — деб ёзади ўша замон воқеанависларидан бири Муҳаммад Солиҳ қори ўзининг «Тарихи жадиди Тошканд» асарига, — аскарлар отдан тушди ва қарнай садолари остида рус аскарларига қарши ҳужумга ўтилди. Ҳимоячилар 2—3 минг қадам югургач, душманнинг тўп ва митлиқларидан ёмғирдек ёғилган ўқлар остида қолдилар». ¹ Натижада, 12 минг киши ҳалок бўлади ва яраланлади. Бироқ, генерал Черняев бошчилигидаги чор қўшини урушни давом эттиришга ботина олмай Туркистонга жўнайди. Жинай деган жойдаги урушда ҳам ҳимоячиларнинг қўли баланд келади. Шундан кейин Алимқул урушни давом эттириш мақсадида тайёргарлик ишларини кўраётган бир пайтда Қўқонга Бухоро амири Музаффархон ҳужум қилганлиги ҳақида хабар олади. Натижада лашкарбоши Алимқул Чимкентда қўшиннинг катта бир қисмини қолдириб Қўқонга қайтади. Бу, ўз-ўзидан аёнки, Чимкентда душманга қарши ҳаракатнинг сусайишига олиб келди. Вужудга келган вазиятдан фойдаланган генерал Черняев 1864 йилнинг 21 сентябрида Чимкентни жанг билан эгаллашга муваффақ бўлди. Анчагина мудофаачилар эса қириб ташланди.

Қаттол Черняев сўнг Тошкентни истило этиш пайига тушиб, 1864 йил 27 сентябрида йўлга чиқади. Бу вақтда Тошкент мудофааси умумхалқ ҳаракатига айланган эди. Шаҳар аҳолиси она юртини ҳимоя қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблайди. «Шаҳар ғариблари, фуқаролари ва қариялари, — деб ёзилади ўша манабада, — ибодату намоздан кўра қўлларидан келгунча ёрдам бериш афзалроқ, савоб деб аскарларга сув, озиқ-овқат ташиб турдилар». Ўша замонда Тошкент қалин ва баланд девор билан ўралган бўлиб, 12 та дарвозаси бор эди. Девор устидан икки отлиқ киши бемалол юриши мумкин эди. Чор қўшинлари шаҳар яқинидан туриб тўплардан ўққа тутадилар. Ўз навбатида жавоб ўқлари ҳам отилади. Босқинчиларнинг бир гуруҳи шаҳар девори атрофида қазилган зовурга тушиб олади. Ҳимоячиларнинг уюшган ҳужумига чор аскарлари дош бера олмайди. Душман 72 кишини йўқотади ва бу ҳолни кўрган генерал Черняев Чимкентга қайтишга мажбур бўлади.

1865 йилнинг 28 апрелида Черняев Чирчиқ ёнидаги Ниёзбек қалъасини жанг билан ишғол этади. Тошкентлик бир хонининг маслаҳатига кўра Черняев Кайкавус ариғи тўғонини бузиб, уни Чирчиқ дарёсига буриб юборади. Натижада, тошкентликлар сувсиз қолиб, оғир аҳволга тушади. Шунга қарамай, аҳоли мудофаани мустаҳкамлашга куч-ғайратини аямайди. Кўп ўтмай Қўқондан лашкарбоши Алимқул қўшини билан мадад бергани келади. Бу тошкентликлар руҳини кўтариб юборади. Улар қўқонликларни зўр хурсандчилик билан қаршилади. Бу тўғрида «Тарихи жадиди Тошканд»да шундай баён этилган: «Тошканд амалдорлари, сардорлари, уламо, шайхлар, ғариблар, гадолар, эркак-аёллар аралаш уларнинг истиқболига чиқиб, шод-хуррам кутиб олдилар.» ²

Алимқул шаҳар саройида ўтказилган йиғинда Тошкент аҳли фуқароларининг кўрсатган ғайрат-шижоат ва қаҳрамонликларини айтиб, уларга ўз миннатдорчилиги ва хурсандчилигини изҳор қилган, бир томчи қони қолгунча курашишини баён этган. Шунингдек, у Бухоро амири Музаффархонни қоралаб, унинг чор қўшинларига қарши кураш ишига пунтур етказяётганлигини таъкидлаган. Черняев қўшини билан ҳимоячилар ўртасидаги кураш Салор ариғи атрофида давом этади.

¹ УЗФА Шарқшунослик институти қўлёзма фонди, 474-бет.

² Ўша асар, 487-бет.

Черняевчилар ҳимоячиларга қарата тўплар ва милтиқлардан ўқ ёғдиради. Лашкарбоши Алимкул бошчилигидаги қўшин ва халқ оломони душманга ҳужум уюштириб, истилочиларни чекинишга мажбур этади. Бу ғалаба шаҳарда катта хурсандчилик билан қарши олинади, ғалаба шарафига карнай-сурнай садолари янграйди. Шаҳар халқи «Етти ёшдан етмиш ёшгача эркак-хотин, ёшу қари хизмат камарини белларига боғлаб пишган таомларни бошларида кўтариб, қатиқ, сут, шарбат, иссиқ нонлар, ширин меваларни саватларга солиб, аскарлар турган жойларга олиб келиб илтижо, тавалло ва дилдорлик қилиб, кўзларидан ҳасрат ёшларини оқизиб, кўз ёшлари суви билан аскарларнинг юзларидаги чанг-ғуборини ювиб, артиб, кўзгудай тозалаб, овқатларни ейиб битиришларини илтижо қилдилар.»¹ Бу сатрлар воқеалар шоҳиди бўлган Муҳаммад Солиҳ қаламига мансуб бўлиб, у кенг меҳнаткаш омманинг ватанпарварлик ҳаракатларини жуда жонли ва ёрқин баён этган. Шаҳар ҳимоячилари Шўртепага жойлашиб олган чор қўшинларига ҳужум қилади. Уша жангда Алимкул қаттиқ яраланиб сафдан чиқади, кўп ўтмай ҳалок бўлади. Бу ҳолат ҳимоячилар руҳига салбий таъсир кўрсатади. Устига-устак сувсизлик ва ташналик ҳимоячилар ва умуман, аҳолининг тинка-мадорини кўритади. Тошкентликлар Бухоро ва Хива хонликларига ёрдам сўраб элчилар юборадилар. Аммо улар бу илтимосни инобатга олмайдилар.

Баён этилган оғир вазиятдан хабар топган Черняев 1865 йилнинг 14 июнида ўз қўшини билан шаҳар ичкарасига ёриб киришга муваффақ бўлади. Ҳимоячилар уйлар ва дўконлар ичига кириб олиб, душманга қарши урушни давом эттираверадилар. Ҳатто маҷитларда ҳам жанг бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Ҳар бир маҳалла жанг майдонига айланиб кетади. Айниқса, Қиёт маҳалласининг жангчилари қаҳраломона курашадилар. Абдурахмон Ясовул бошчилигидаги кўнгилдилар гуруҳи кўнбўйи душман ҳужумини даф этиб турадилар. Мирюсуф Мирсултон боғбон ўғли, Нормуҳаммад ҳамда Мулла Шер мерганлар, Муллажон Муса Муҳаммад Али подачининг ўғли ва бошқалар катта жасорат кўрсатадилар.

Бу вақтда чор қўшини айрим кишилар кўмагида шаҳардаги ўқ-дори омборини топиб, уни портлатишга эришадилар. Бу шаҳар тақдирини ҳал қилган омиллардан биридир. Ниҳоят, 1865 йил 17 июлда тошкентликлар душман ҳужумига бардош беролмай таслим бўлишдан ўзга чора топмайдилар.

Черняев Шайхонтоҳур, Бешёғоч ва бошқа халқ гавжум яшайдиган жойларга тўпларни ўрнатиб, дарҳол сулҳ тузилмаса, шаҳарни ёндириб, култепага айлантиришини эълон қилади. Тошкент чор Россияси томонидан тамоман босиб олинади.

Шундан кейин Черняев шаҳарнинг Ҳаким Хўжа қозикалон, Абулқосимхон эшон, домулла Солиҳбек охун сингари нуфузли кишилари билан мажлис ўтказади. Музокара натижасида сулҳ тузилиб, ҳар икки томон аҳдномага имзо чекади. Бунда савдогарлар ва ҳарбий кишилар ҳам қатнашади. Аҳдномада шаҳар халқининг ўз динида қолиши ва барча ишлар «шариат» асосида олиб борилиши кўрсатилади. Шунингдек, ҳовли, боғ ва майдонлар аввалгидек ўз эгалари қўлида қолдирилади. Аҳдномага ҳар тўрт — Шайхонтоҳур, Бешёғоч, Себзор ва Кўкча мавзеларининг муҳрлари босилади. Шунини айтиб ўтиш лозимки, Черняев ўзбошимчалик билан Тошкентга юриш қилиб, уни эгаллаган. Бу ғалаба Петербургда зўр мамнуниятлик билан қабул қилинса-да, лекин давлат ишларидаги бундай ўзбошимчалик ҳукуматнинг айрим вакиллари норозилигига сабаб бўлган. Устига-устак Тошкентнинг босиб олиниши халқроқ матбуотда шовқин-сурон кўтарилишига сабаб туғдирди. Шу боисдан Черняев ўз ҳаракатини оқлаш мақсадида гўё Тошкент ихтиёрий равишда рус қўшинларига бўйсунганлиги ҳақида хат уюштирашга киришади. У шаҳар катталарини тўплаб, аҳоли номидан қуйидаги мазмунда хат тайёрлашни буюради: «Неча замонлар ва йиллардан бери Туркистонда Фарғона хонлари ҳукмронлик қилиб фуқароларга кўп жабр-зулм ўтказган. Улар закот хирожларини шариат асосида олмасдан ортиқча олганлар ва ҳеч қачон марҳамат қилмаганлар, қадимги урф-одат, таомилдан воз кечиб, кўп йиллар мансаб учун катта кишиларни ўлдириб, фитначи ва ивгогарлар сўзига амал қилганлар. Уртада ноҳақ қонлар тўкилиб, улар шариатга ва уламолар сўзларига амал қилишдан бош тортдилар. Фарғона ва Туркистон заминида кўп вақтлар ва кўпинча қипчоқ, қозоқ ва қирғиз авбошлари ва бебошлари ҳукмронлик қилиб келдилар. Шунинг учун фуқаро ва мамлакат тинчлиги учун тамомила ихтиёримиз ва рағбатимиз билан рус аскарларини олиб келиб уларга шаҳарни топширдик.»²

Кўриниб турибдики, тошкентликлар бўлиб ўтган жанг ва даҳшатли воқеаларни инкор этиб, ихтиёрий равишда чор аскарларига бўйсунганликларини «тан олишлари» лозим эди. Ушбу хат мазмуни баён этилган, шаҳар катталари ҳайрон қолиб турган пайтда Солиҳбек охун шундай жавоб қайтарган: «Бизлар воқеа ва ҳодисаларни бекитмасдан маълум қиламизки, Тошкентдан Оқмаҷитгача ва бу ердан Ғулжагача бўлган шаҳар ва қалъалар — Тошкентга қарар эди. Бу жойларни рус аскарлари уруш ва талаш билан қўлларига киргиздилар. Уруш тўсатдан муҳлатсиз ва сўзсиз олиб борилди. Тошкент шаҳри зулҳижжа ойининг ярмидан бошлаб сафар ойининг ўн иккинчисигача, яъни қирқ икки кун давомида сувсиз, овқатсиз қолдирилди. Мулла Алимкул лашкарбоши шаҳид бўлгандан кейин сардорсиз қолди. Бухоро, Хоразм, ва фарғоналиклар ёрдам бермадилар. Тошкент фуқароси ватанлари ва дин учун қаттиқ туриб, уруш-талашни давом эттириб, сешанба кунни ярим кеча ўтгандан кейин саҳарга яқин рус аскарлари хиёбон дарвозаси ва қалъанинг девори устидан кирди. Шундан кейин яна урушга киришиб пайшанба кунгача икки-кеча кундуз урушиб турдилар. Бу ўртада кўп иморатлар, дўконлар ва уй-жойларга ўт тушиб, оч-ташана, сувсиз яккама-якка уруш бўлиб, охирида ярашни сулҳи тузилди.»³

Мавжуд ҳақиқий аҳволни акс эттирувчи бу жавоб генерал Черняевни ғазабга келтиради. У домла Солиҳбек охун сўзига қўшилиувчи кишиларнинг бир тарафга ўтишларини буюради. Шаҳар катталаридан етти киши, жумладан, Ҳалимбой, Бердибой, Азимбой, Фозилбачча, мулла Мирза-олим охун, мулла Музаффархўжа ва мулла Файзилар домла Солиҳбек охун сўзини қўллаб-қувватлашади. Домла тарафдорлари шу заҳоти чор аскарлари томонидан ўраб олиниб, қамоққа жўнати-

¹ Уша асар, 501-бет.

² Уша асар, 13-бет.

³ Уша асар. 18-бетнинг орқаси

лади. Кўрилган чоралар шаҳар катталарига таъсир этган бўлса керак, улар генерал Черняевнинг аҳдномасига розилик билдирадидлар. Бу аҳдномани «безаш» ва «тузиш» Абдусаттор Қорабош ўғли деган кишига топширилади. Аҳдномага мажбурий суратда шаҳар катталари қўл қўйиб, муҳр бо- сишгач, генерал Черняевга топширилади. Генерал Черняев домла Солиҳбек охун ва унинг ҳамроҳ- ларини Сибирга сургун қилади. Генерал Черняев қалбаки аҳдномани Абдусаид ва Ҳодихўжа исмли савдогарлар қўлига тутқазиб, Петербургга элиб подшога топширишни буюрган. Рус ҳукумати бу аҳдномани ўзининг босқинчилик сиёсатини бўяш ва халқро матбуотдаги шовқин-суронни барта- раф қилиш мақсадида чет мамлакатларга тарқатади. Жумладан, Туркиядаги рус элчихонаси қалба- ки аҳднома нусхаларини кўпайтириб, Истамбулдаги кўчаларга, бозорларга, дўконларга, умуман кўзга ташланадиган жойларга ёпиштириб чиққан. Босқинчи генерал сулҳ шартлари ва ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатувчи ҳамда мустамлакачилар сиёсатига хос бўлган қалбаки ҳужжатни ана шу тарзда тузишга эришган.

1866 йил январь ойи охирида генерал Черняев Жиззахга ҳужум бошлайди. Лекин ҳимоячи- ларнинг қаҳрамонона қаршилиги туфайли орқага қайтади. Бу ерда ҳимоячилар сони 8—9 минг кишига борар эди. Чор кўшинлари ва хонлик ўртасидаги навбатдаги жанг Сирдарёнинг чап қирғо- ғида жойлашган «Сассиққўл» деган жойда кечади. Бу ерда 100 минг кишилик хон қўшини ва халқ қасоскорлари тор-мор этилади. 1866 йилнинг 11 октябрида чор кўшини генерал Кржижановский бошчилигида яна Жиззахни қуршаб олади. Жиззахдаги жанг шу даражада даҳшатли бўлганки, тўкилган одам қони бамисоли ариқ сувига ўхшаб оққан. Ҳимоячиларнинг қаҳрамонлиги ва жасора- тини ҳатто чор кўшинлари ҳам тан олган. Бу жангга ҳимоячилардан 2 ярим минг киши ўлади ва кўплаб кишилар ярадор бўлади. Пировардида Жиззах душман томонидан эгалланади.

1866 йилнинг август ойида Тошкент рус давлати таркибига киритилганлиги ҳақида расмий Фармон эълон қилинади.

Шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, маҳаллий юқори табақанинг айрим вакиллари ўзларининг шахсий манфаатларини ўйлаган ҳолда чор кўшинларининг босқинчилик юришларига кўмаклашган. Улар орасида савдогарлар, амалдорлар ва ҳатто дин пешволари бор эди. Ана шу тоифа сирасида тошкентлик бой савдогар Саидазимбой Муҳаммад ўғли жонбозлик кўрсатган. Рус маъмурияти- нинг таърифлашича, Саидазимбой «халқ орасида ўзининг бойлиги билан ажралиб турган, хонлик вақтида маҳкамада маслаҳатчи бўлиб, кейин иғво ва макр йўли билан ҳокимиятни олиш ва обрў орттиришга интилганлиги учун маҳкамадан четлатилган.»¹ Шуни таъкидлаш лозимки, Чор Россия- си тарафдорларининг ҳамда улардан сиёсий-иқтисодий манфаатдорлик кутган бир гуруҳ шахслар- нинг хатти-ҳаракати асло халқнинг истакларини ифода этмайди. Маълумки, муайян мамлакатга чет эл босқинчилари бостириб кирганда маҳаллий юқори табақанинг айрим вакиллари ўз ватанига хонлик қилиши табиий ҳолдир. Бунга жаҳон тарихидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

1867 йили чор ҳукумати босиб олган жойларда ҳамда Қозоғистонда ташкил топган Сирдарё ва Еттисув вилоятлари таркибида Туркистон генерал губернаторлиги барпо этилади. Бу мансабга генерал К. П. Кауфман тайинланади. Тошкент шаҳри генерал-губернаторлик маркази бўлиб қолади.

Генерал К. П. Кауфман баён этилган жойларда рус давлати мавқеини мустаҳкамлаш ва қонли урушларни ниқоблаш мақсадида бир гуруҳ маҳаллий табақа вакиллари, яъни рус давлати та- рафдорларини марказий ҳукумат билан келишган ҳолда Петербургга юборишга қарор қилади. Бу вакиллар асосан «рус давлатига содик, рус кўшинларига ҳар томонлама ёрдам берган» кишилар- дан ташкил топган эди. Вакиллар рўйхатида шайх ул-ислом Носир Мулла Исоқ (Туркистондан), Қози Мирза Талашпан (Чимкентдан), оқсоқол Амин Суни Шайхов(Иқон қишлоғидан), Дуглат қабиласининг бийи майор Худойберган (Авлиёотадан), қора қирғиз қабиласининг бийи Байтиқ Канап (Авлиёотадан), Саидазимбой Муҳаммадбоев (Тошкентдан), Эшонхон Имомхонов (Тошкент- дан), қозикалон Юсуфхўжа Абдуллахўжаев (Хўжанддан), оқсоқол Абдуғаффор Саримсоқов (Жиззахдан) ва бошқалар киритилган эдилар.

Туркистон вакиллари 1867 йилнинг март ойида Петербургга етиб келдилар. Бу ерда улар иззат-икром билан қарши олиндилар. Тузилган режага биноан ҳукумат ноziриликларида, импера- тор саройида, Эрмитажда, халқ кутубхонасида, музейларда, Фанлар Академиясида, зоология боғида, Петропавловск қалъасида, фабрика ва заводларда, савдо биржаси, магазинларда, театр ва циркда, касалхоналарда, Император боғида (Царское село) ва бошқа диққатга сазовор жойларда бўладилар.

Кўриниб турибдики, режа кенг, мазмунли тузилиб, вакилларга рус давлати ҳақида катта та- ассурут ва тушунча бериши лозим эди. Бу билан уларнинг кўз олдида рус давлати қудратини на- мойиш қилиш эди. Ҳатто Туркистон вакиллари зўр эҳтиром билан шахсан император Александр II қабул қилган. Улар императорга гўё Туркистон аҳолисининг рус давлати тобелигига олинганли- гидан бахтиёрлигини, мангу содиқлигини изҳор этувчи мактубни топширадидлар. Бу мактубга Тошкент, Туркистон, Хўжанд, Чимкент ва бошқа жойларнинг катталаридан 59 киши имзо чеккан ва муҳр босилган эди. Вакиллар ўз вазифаларини адо этгач, ватанларига қайтганлар.

Чор ҳукумати ана шу тахлит Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидаги аҳоли гўё ўз ихтиёри ва истаги билан рус давлати фуқаролигига ўтганликлари ҳамда бундан мамнун эканликла- рини хорижий мамлакатлар кўз ўнгига намоён этишга уринди. Амалда эса у қонли урушларни давом эттира борди. Чунончи, 1867 йилнинг 7 июнида Жиззах ва Самарқанд ўртасида жойлашган Янгиқўрғонда 45 минг кишилик Бухоро кўшини ва халқ кўнгилиларини қаттиқ жанг билан мағлу- биятга учратади. 1868 йил 1 майида эса Самарқанд шаҳри остонасидаги Чўпонота тепалигида беаёв уруш бўлади. Бу қорпилчорда ҳимоячилардан кўп кишилар қириб ташланади ва ярадор қилинади. Чор аскарлари эртасига Самарқанд шаҳрига бостириб кирадилар. Ваҳимага тушган ерлик аҳоли душманга қарши тура олмайди. Бундан хабар топган Амир Музаффар қаттиқ даҳшатга тушиб, хабарчини «шум сўзлари» учун дарҳол осиб ўлдирибга фармон беради. Унинг васвасаси аста-секин йиғига айлана «Худо мени Самарқанддан маҳрум қилгандан кўра жонимни олгани яхши эди», деб нола чекади. Амирнинг ношудлиги ва мағлубияти халойиқ орасида юрт соҳибига

¹ Унинг отаси асли қоратегинлик бўлиб, кейин Тошкент шаҳрига келиб ўрнашган экан.

қарши норозилик ва ғазабни янада кучайтиради. Айниқса, унинг Чор ҳукумати билан сулҳ тузишга мойиллиги вазиятни ўта кескинлаштиради. Натижада, Бухоро атрофидаги аҳли жамоа амирдан қандай бўлмасин урушни давом эттиришни¹ талаб қилиб кўзғолон кўтардилар. Амир Музаффар халқ кўзғолонининг бутун Зарафшон водийсига тарқалиб кетишидан кўрқиб, дарҳол чоризмга қарши ҳарбий юриш уюштиради. Ҷўли Малик деган жой кўзғолон марказига айланади. Бу ерда ойболта, сўйил, найза ва шунга ўхшаш оддий нарсалар билан қуролланган кўзғолончиларнинг асосий кучлари тўпланган эди. Бироқ кўзғолон тор-мор этилиб бостирилади.

Талвасага тушган амир нима қиларини билолмай ўз атрофидаги беклар билан кенгаш ўтказиб сулҳ тузиш ёки урушни давом эттириш масаласини муҳокамага қўяди. Кенгашда биринчи бўлиб сўз олган лашкарбоши Усмонбек шундай дейди: «Хонлик халқи урушни давом эттиришни талаб этаётган бир пайтда кофирларга контрибуция (товон)¹ тўлагандан кўра бир томчи қон қолгунча курашиш афзалроқдир». Бу фикрни кенгаш қатнашчилари бир оғиздан қўллаб-қувватлайдилар. Шундан кейин 15 минг отлик, 6 минг пиеда ва 14 та тўпдан иборат Бухоро қўшини Зирабулоқ тепалигига келиб ўрнашади. Қўшинни руҳлантириш ва ғалабага чорлаш ниятида амир Музаффар уларга қуйидагича мурожаат қилади: «Содиқ мусулмон фуқаролари! Сизларнинг заҳматларингиз учун раҳмат, сизларни ишонтираманки, ғалаба биз томонда бўлмай. Самарқанд ва Каттақўрғоннинг қўлдан кетиши биз учун унчалик катта йўқотиш эмас. Биз теуририйлар авлодимиз, биз ўз еримизни қандай қилиб қайтариб олишни кўрсатиб қўямиз. Мусулмонлар! Мен динимиз ва Ватанамиз учун мусулмон аҳлининг қаҳрамонона жанг қилишини кофирлар кўз ўнгига намоеън этишингизга умид қиламан. Халқ биздан ғалаба кутаяпти, у жангдан сўнг сизларни қарши олганида дин ва Ватан ҳимояси учун курашган ва еримизни кофирлардан тўзалаганлар деб айтишин. Зирабулоқ жанг майдонида ҳалок бўлганлар шарафига шонли ёдгорлик ўрнатилади. Мусулмонлар! Туркистон генерал-губернатори талаб қилаётган 125 минг тилла (500 минг сўм) совға сифатида сизларга берилади. Ишончим комилки, сизлар менинг умидларимни рўёбга чиқариб, самарқандликлар тўнидаги қора доғни ювасизлар. Мусулмонлар, сизларга зафар ёр бўлсин!» Ушбу мурожаат тўп ўқлари овози остида ўқиб эшиттирилади. 1868 йил 2 майда генерал К. П. Кауфман қўмондонлигидаги қўшин ва ҳимоячилар ўртасида жанг бошланади. Бухоролик мудофавчилар «Олинлар, олинлар ахир...» дейишганча душманга қарши ҳужум қилдилар. Аммо кўп талофат кўриб мағлубиятга учирадилар. Бу ҳақдаги хабар бутун Бухоро халқи ғазабини янада кучайтиради. Амир кўрқиб Қизилқум тарафга қочиб кетади. Зирабулоқдаги жанг вақтида Самарқандда чоризмга қарши халқ кўзғолони бошланади. Юрт ҳимоясига шаҳар атрофидаги қишлоқ ва овуллардан минглаб кишилар келиб қўшиладилар. Генерал-губернатор К. П. Кауфманнинг ёзишича, Каттақўрғондан то Самарқандгача бўлган ерларда кишиларни кам учратган. Бунга сабаб найманлар, қорақалпоқлар, хитой-қипчоқлар, қирқ жузлар ва бошқа қабилалар Жўрабек ва Бобобек бошчилигида Шаҳрисабдан келаётган 20 минг кишилик қўшин ва қасоскорларга қўшилиб, Самарқанддаги кўзғолончилар сафини тўлдириган эдилар.² Натижада Самарқанд чоризмга қарши умумхалқ курашининг учоғига айланади. Бир неча минг кишилик кўзғолончилар шаҳар қалъасида ўрнашган чор қўшинини қуршаб олиб жангга киришадилар. Аммо Шаҳрисабз беклари чор қўшинларига ёрдамчи кучлар келаётганидан хабар топиб, Самарқандни ташлаб чиқадилар. «Шундан кейин, — деб ёзади К. П. Кауфман, — шаҳар аҳли қишлоқлардан келган халқ кўнгилилари билан биргаликда қалъага ҳужум қилишни давом эттирдилар.»³ Бу вақт ичида ҳар икки томондан кўлаб киши қўрбон бўлади ва ярадор қилинади. 8 июнда генерал К. П. Кауфман бошчилигидаги қўшинлар шаҳарга бостириб кириб кўзғолонни шафқатсизлик билан бостиради. Улар шаҳар бозорини, савдогар ва ҳунармандлар дўконларини ўтга тутадилар. Кўзғолон қатнашчиларидан 19 киши ўлимга ва 19 киши Сибирга умрбод сургунга ҳукм қилинади. Бунинг устига кўзғолончиларнинг аксарияти жангда ҳалокатга учраган. Чор қўшинларидан эса 275 киши ўлдирилади ва ярадор этилади. Бошқа жойларда босқинчилардан бунчалик кўп киши талофат кўрмаган эди. Шунинг учун генерал К. П. Кауфман «Самарқанд қалъасидаги талофатни жуда катта йўқотиш»,³ деб баҳолайди. Бу вақтда амир Музаффарнинг обрўи ва мавқеи тобора тушиб тахтда зўрға илиниб турарди. Амир Карманага келиб, ўз амалдорлари иштирокидаги кенгашда чор ҳукумати билан сулҳ тузишдан бўлак чора қолмаганини маълум қилиб: «Эндликда барча қўшин ва қурол-аслаҳаларни, тўпларни оқ подшоҳга топшириб, менга Маккага ҳажга боришга рухсат берилишини ундан сўрайман. Сезиб турибманки, менинг ўлимим яқин, тақдирим ва ҳаётим халқнинг қўлида».⁴

1868 йилнинг 23-июнида амир Музаффарнинг элчилари Самарқандга, К. П. Кауфман ҳузурига келиб, сулҳ тузишга розилик билдирадилар. Сулҳга кўра Самарқанд, Каттақўрғон ва Зарафшон дарёсининг юқори қисми хонликдан ажратиб олиниб, Россия таркибига киритилди. Амир товон сифатида 500 минг сўм тилла пул тўлашга ва хорийлик мамлакатлар билан мустақил равишда алоқа ўрнатмасликка розилик беради. Шунингдек, Россия савдогарларига хонлик тасаруфида бемалол савдо-сотик ишлари билан шуғулланишга ҳамда карвонсаройлар қуришга ижозат этилди. Улар тўлайдиган савдо божлари миқдори бухороликлар тўлайдиган божлардан ошмаслиги керак эди. Хуллас, шартнома тузилгандан сўнг Бухоро амира урушни расман тўхтатиб, рус давлатига тобелигини тан олади. Бу эса ватанпарвар, ҳур фикрли одамларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. Ҳатто амирнинг ўғли Катта тўра ва бир неча нуфузли беклар бирлашиб, Музаффархон ва чоризм истилочиларига қарши курашни давом эттирдилар. Улар амирнинг тахтдан маҳрум этилганини эълон қилиб, Шаҳрисабз ва Китобда катта куч тўпладилар. Шаҳрисабз беклари Катта тўрани хон деб эълон қилдилар. Натижада амир Музаффарнинг аҳволи ниҳоятда оғирлашади. Ота-бола қўшинлари ўртасида Самарқанд яқинидаги Жом қишлоғида содир бўлган жангда амир сарбозлари енгилди. Шундан сўнг амир чор маъмуриятига ҳарбий ёрдам сўраб мурожаат қилади. Буни инобатга олган генерал Абрамов 1870 йилда Шаҳрисабз ва Китобда Журабек ва Бобобек бошчи-

¹ Сулҳ тузилган тақдирда Бухоро хонлиги Чор ҳукуматига товон сифатида 500 минг тилла пул тўлаши керак эди.

² УзССР Марказий Давлат архиви, Ф. 715, оп. 1, д. 37, 11-бет.

³ Уша жойда, 13-бет.

⁴ Туркистон тўплами, 52-жилд, 434-бет.

лигидаги қўшин ва оломонни енгиб, у жойларни амир Музаффар ихтиёрига топширади. Бундан илгари, яъни 1868 йилда чор қўшинлари томонидан босиб олинган Қарши шаҳри ҳам амирга қайтарилади. Бу билан чор ҳукумати амир Музаффарнинг рус давлатига янада қулларча итоат этишини мустаҳкамлай борди. Амир эса сулҳ шартларини оғишмай бажараверди.

Чор ҳукумати Хива хонлигини босиб олиш учун катта тайёргарлик кўрди. Ваҳоланки, Хива хонлигида 1869 йилги маълумотларга кўра, 1500 кишидан иборат мунтазам армия бўлиб, ҳарбий техникаси ниҳоятда паст даражада эди. Шунга қарамай, чор ҳукумати хонликка қарши уч тарафдан, яъни Туркистон генерал-губернаторлиги, Оренбург ва Каспий денгизи томонларидан ўз ҳарбий кучини ташлайди. Қўшин яхши қуролланган 12 минг кишидан иборат эди. Ҳатто қўшинга император хонадонидан буюк князь Константин Константинович ва князь Евгений Максимилианович Романовский ҳам қўшилиди. Афтандан, бу билан ҳарбий юриш мавқеини янада ошириш мўлжалланган бўлса керак. Қўшинга генерал К. П. Кауфман умумий қўмондонлик қилади. Чор қўшинлари узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтиб, Хива хонлиги чегарасига етиб келадилар. 1873 йилнинг май ойида йўлма-йўл хивалиқлар қаршилигини енгиб борган чор истилочилари 28 майда Хива шаҳри остонасига келиб тўхтайдилар. Бу вақтда Саид Муҳаммад Раҳимхон қочиб ушғурган эди. Қўшин генерал Веревкин бошчилигида Хива шаҳрига ҳужум бошлайди. Пировардида уруш тўхтатилади ва генерал П. К. Кауфман Саид Муҳаммад Раҳимхонни қайтадан тахтни эгаллашга даъват қилади. Шундан сўнг Муҳаммад Раҳимхон Хивага келиб, рус давлатининг вассали сифатида ўз тахтини эгаллайди. 1873 йил 12 августда ўзаро сулҳ тузилиб, Хива хонлиги ўз сиёсий мустақиллигини йўқотади. Шунингдек, у тоvon тўлашни ва Россия савдогарларига хонликда бемаълум иш юритиш учун шариот яратиб беришни бўйинига олади. Амударёнинг ўнг қирғоғи Россия ихтиёрига ўтказилиб, у ерда генерал губернаторлиқнинг Амударё бўлими ташкил этилади.

Шундай қилиб, Бухоро ва Хива хонликлари ўз мустақилликларини қўлдан бой бериб, чор Россияси таркибига киради. Гарчанд хонлик сақланиб қолган бўлса-да, улар рус давлати манфаатлари доирасида иш юритиши лозим эди. Чор ҳукумати минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритгани ва ногирон қилгани етмагандек, уруш харажатларини ундириш учун Бухоро хонлигини 500 минг сўм, Хива хонлигини эса 2 миллион 200 минг сўм тоvon тўлашга мажбур этади. Бу оғир жарима меҳнаткаш омманинг мушкул ҳаётини янада оғирлаштиради. Бироқ, икки хонлик жаримани вақти билан тўлаб борди.

Чор истилочиларининг галдаги нияти Қўқон хонлигини тугатиш эди. Улар Туркистон, Чимкент, Тошкент ва бошқа жойларни босиб олиб, Қўқон хонлигига қаттиқ зарба берган эди. Қўқон хони Худоёрхон кўрқоқ ва тadbирсиз бўлганлиги учун ватан ҳимояси йўлида бирон арзигулик иш қилмади. Аксинча, чор ҳукумати паноҳида ўз тахтида ўтиришни ўйларди, холос. У 1868 йили чоризм билан сулҳ тузиб, амалда Россияга қарам бўлиб қолади. Унинг итоаткорлигини тақдирлаган чор ҳукумати Худоёрхонни Россия давлати ордени билан мукофотлади ва унга «Аслзода» деган фахрий унвон берди. Худоёрхоннинг мазкур сиёсати аҳолининг ғазабини тошириб юборди. Бунинг устига хоннинг зулми тобора кучайиб борди. Натижада, 1872 йилда халқ кўзғолони кўтарилди ва у 1876 йилгача давом этди. Халқ нафратига учраган Худоёрхон ўзининг бой хазинасини 40 та аравага юклаб, Хўжандга қочиб кетади. Бу ердан у Тошкентга юборилади. Генерал Кауфман унинг бойлиқларини ҳукумат фойдасига мусодара қилиб, ўзини Оренбургга сургун қилади.¹

Кўзғолончиларга хонликдаги ҳукмрон доираларнинг вакиллари ҳам қўшилиб, чор ҳукуматига қарши кураш олиб бордилар. Бу ҳаракат шу даражада кенг қулоч ёйдикки, бутун Фарғона водийсини қамраб олди. Қулай фурсатни кутаётган чор ҳукумати 1875 йил 6 августидан Фарғона водийсига бостириб киради. Кўзғолончилар бу босқинчиликларга қарши қаттиқ жанг қиладилар. Шафқатсиз душман қўшинлари бир неча аҳоли тураржойларини ер билан яқсон этади ва минглаб одамларни қириб ташлайди. Биргина Андижондаги жангда кўзғолончилардан 20 минг киши ёвузларча ер билан яқсон этилади. Бу фожиа генерал Скобелевнинг буйруғи ва бевосита иштирокида рўй беради.

Халқ кўзғолони шафқатсизлик билан бостирилиб, 1876 йил 16 февралда Қўқон хонлиги тугатилади. Шундай қилиб, чор ҳукумати 1853—1876 йилларда, ўзбек хонликларига қарашли шаҳар ва қишлоқларни бирин-кетин босиб олиб, Урта Осиё ва Қозоғистоннинг ҳокими бўлиб қолади. Минглаб оддий халқ вакиллари болта, таёқ билан қуролланиб, ўзидан ҳар жиҳатдан бир неча баробар кучли ва яхши қуролланган чор қўшинларига қарши мардондор курашади. Улар аскарларнинг тўплар ва милтиқлардан отилган ўқ ёмирларига кўкракларини тутадилар. Ўзбек хонлари эса мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш ва ҳарбий техникани такомиллаштириш ўрнига ўзаро келишмовчилик ва урушлар билан овора эдилар. Айниқса, Бухоро хонлигининг Қўқонга нисбатан олиб борган душманлик сиёсати чор ҳукумати учун катта фойда келтиради. Уруш ҳаракатлари шуни кўрсатдики, учала хонлиқнинг ҳукмдорлари ҳарбий жиҳатдан мутлақо саводсиз кимса бўлиб чиқди. Бундан Қўқон лашкарбошиси Алимхон мустаснодир. У чор ҳукуматига қарши курашда ўзининг юксак ҳарбий маҳоратини намойиш этиб, қўшинга ва халқ қасоскорларига билимдонлик ва жасорат билан бошчилик қилди. У жўшқин ватанпарвар ва қаҳрамон шахс сифатида жанг майдонида ҳалок бўлади.

Ўзбек хонликлари ерларининг босиб олиниши чор Россиясининг юқори табақаси томонидан зўр хурсандчилик билан қарши олинди. Россия молия министри Вишнегородский бу жойларни «рус тожидаги энг қимматбаҳо дур» деб баҳолаган эди.

Туркистон генерал-губернаторлигининг чегараси вақт ўтиши билан кенгайиб борди. Пировардида Сирдарё, Фарғона, Еттисув ва Каспий орти ерларини ўз қарамоғига киритди.

Бухоро амирлигида 28 беклик-вилоят бўлиб, Чоржўй, Кармана, Зиёвуддин, Нурота, Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчи, Яккабоғ, Ғузор, Бойсун, Қоратегин, Денов, Ҳисор, Дарвоз, Болжуван, Шўфнон, Рўшон, Қўлоб, Қўронтёпа, Қободиён, Шеробод, Ҳалиф, Керки, Бурдалиқ, Қарши ва Норизим сингари жойларни ўз ичига олган.

¹ Айрим маълумотларда кўрсатилишича, Худоёрхон Оренбургда бир хусусий уйда яшаб, от савдоси билан шуғулланган. Қўнларнинг бирида бир қозоқ киши ёрдамида гоийб бўлиб, Афғонистон, Ҳиндистон, Арабистон ва ҳатто Лондонга борган. Бу ерда у Англия ҳукумат вакиллари билан суҳбатлашган ҳамда хонлиқни тиклаш учун ёрдам сўраган, сўнгра Афғонистонга қайтиб, кўп ўтмай вафот этган.

Хива хонлиги эса Питнак, Ҳазорасп, Хонқа, Урганч, Кўшкўпир, Хозавот, Қиёт, Шоҳобод (Шовот), Тошқовуз, Омбар, Манок, Гурлан, Манғит, Қилич, Ниёзбой, Қипчоқ, Порсу, Илёли, Кўҳна Урганч, Хўжайли, Шуманай ва Қўнғирот деган жойларни қамраган.

Бинобарин, икки хонликнинг илгариги чегараси анча торайди. Чор ҳукумати Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг бой ва белоён ерларида мустамлакачилик сиёсатини ўрнатиб, кенг меҳнаткаш оммани қаттиқ эзди ҳамда табиий бойликларни аёвсиз талади. У миллий тиллар ва маданиятнинг ривожланишига доимо тўсиқлик қилди. Улкан, бой бир ўлка Россиянинг хомашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилди. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин «Туркистон мустамлакачилигининг энг ёрқин намунасидир», деб айтган эди.

Ҳаётимизда санъатнинг ўрни тўғрисидаги Жданов ва Суловнинг «назария» — қондалари оқибатида адабиётимиз катта талафот кўрди.

Бизнинг «назариётчиларимиз» адабиётнинг партиявийлиги тўғрисидаги ленинча таълимотнинг биринчи қисмини ҳадеб такрорлайвериб, унинг иккинчи қисмини, яъни, «адабиёт — нозик ишдир, у маъмуриятчилик ва буйруқбозликка мойил эмас» деган қисмини кўпинча унутиб қўйдилар. Натижада бу «назарий» ақидалар ачиқ самара берди: Ўзбекистонда ҳам душманларни қидиришга киришдилар. Маданиятимизнинг машҳур арбоблари Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир ва Тўроб Тўла бадном этилди, уларнинг айримлари, чунончи, Шайхзода, Мирзакалон Исмоилий, Шўҳрат, Шўкрулло, Саид Аҳмад сингари кўп адиблар ўз ҳаётларининг маълум йилларини қамоқларда кечирдилар. Ўзбек халқининг атоқли фарзандлари — Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмои Носир, Элбек, Боту каби адабиётимиз намоёндалари бошига оғир мусибат тушди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг
партия XXII съездида Сиёсий маърузасидан

Одамзоднинг ризқ-насибаси фақат нонгина эмас. Жумҳурият ҳудудида ўзбек тилига Давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши, илгари тақиқлаб қўйилган урф-одатлар ва анъаналарнинг тикланиши, халқ эъзозлаган «Наврўз» байрамнинг қайта туғилиши ва шу куннинг дам олиш куни деб эълон қилингани, Ўзбекистондан хизматга чақирилаётган йигитлар қурилиш қисмларидаги ҳарбий хизмати тартибининг ўзгартирилганлиги ва бошқа кўп тадбирлар инсонга ғамхўрлик, халққа иззат-икромнинг мужассам бўлишидир.

Буларнинг ҳаммаси, бировлар беҳуда ўқтиришга уринаётганидек, халққа хушомад эмас, балки, бизнинг принципиал йўлимиздир, биз бу йўлни келажакда ҳам изчиллик билан амалга ошираверамиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг
партия XXII съездида Сиёсий маърузасидан



Евгений Данилов

БИР ХИЛ СУИҚАСД, ИККИ ХИЛ ЖАЗО

Е. Данилов 1946 йилда туғилган, ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган, қарийб 20 йиллик терговчилик ва оқловчилик тажрибасига эга. Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳридаги ҳуқуқ маслаҳатхонасига бошчилик қилмоқда. Унинг 200 дан ошиқ мақола ва очерклари жумҳурият ва марказий матбуот саҳифаларида босилган.

Мен сизга иншо этадиган ҳодисаларнинг бири — XIX, иккинчиси — XX асрда, аммо ҳар икки-си ҳам бир мамлакатда — Россияда юз берган. Улар бир-бирига шу қадар ўхшашки, гўё кейинги воқеа олдингисидан андоза олгандай. Воқеа иштирокчиларининг қилмишлари каби ғайриодатий қисмати ҳам ҳамisha муайян даврнинг сиёсий тузумига, жамият ва ҳуқуқ маданияти даражасига узвий равишда кечади. Шу боисдан мен кейинги пайтда сиёсат арши аълосига чиқарилган ҳамда газеталарда чоп этилаётган аксари мақолаларнинг ажралмас қисми бўлиб қолган «ҳуқуқий давлат» атамасига тўхтамасдан ўта олмайман.

Шундай қилиб, биринчи ҳодиса суд ислохоти ўтказилиб, оқловчилар суди, суд жараёнларининг музокара ва ошкоралиги қатъиятлари жорий этилган 1878 йилда, иккинчиси эса орадан қирқ йил ўтгач, 1918 йилда рўй берган.

Ҳар иккала ҳодисанинг бош қатнашчилари ёш ожизалар бўлиб, эндигина йигирма саккизга тўлган эди. Улар инқилобий фаолиятлари учун жазо муддатини ўташган. Биринчиси икки йил қамоқда, иккинчиси ўн бир йил сургунда бўлган. Ҳар иккиси ҳам сиёсий сабабларга кўра сиёсий мухолифларини — эркакларни отишган. Қурбонлар ярадор бўлиб тирик қолишган.

Биринчи аёлнинг исми-шарифи Вера Ивановна Засуличдир. У 1878 йил январь ойида Петербург шаҳрининг ҳоқими генерал Ф. Ф. Треповга ўқ узган. Орадан икки ой ўтгач, яъни тергов ишлари тамом бўлиши билан қораловчи ва оқловчилар иштирокидаги маслаҳатчилар суди олдида жавоб берган.

Иккинчи аёл — Фанни Ефимовна Капландир. У 1918 йил 30 август куни Халқ Комиссарлари Советининг раиси В. И. Ленинга ўқ узган. Бу ишни Бутунроссия Фавқулодда Комиссияси жазо-ловчилари қабул қилиб олган ва поёнига етказган.

Суд ҳукмига мувофиқ В. Засулич оқланади. Гарчи 1903 йилдан бошлаб меньшевиклар партияси ҳисобида турган бўлса-да, унинг номини истаган қомусий луғатларда ҳозир ҳам учратиш мумкин. В. Засулич 1919 йили, етмиш ёшида қазо қилган.

Бутун Россия Фавқулодда Комиссияси қарорига биноан Ф. Каплан суиқасд уюштирганидан сўнг тўрт кун ўтиб отиб ташланди. Унинг номини ҳозирга қадар эслашга уринишмайди, эсланганда ҳам шунчаки, нардан-бери тилга олинади.

В. Засуличнинг иши тўғрисидаги маълумотларни биз китоблардан, қарийб юз йилдирки таниқли рус оқловчиларининг нутқлари тўпламларида босилиб келаётган ҳимоячи нутқи орқали биламиз.

Ф. Капланиннинг иши хусусида-чи? Фақатгина КПСС тарихи қисқача шундай баён этади: «Жосус эсер аёл Каплан инқилоб доҳийси В. И. Ленинга уч марта заҳарланган ўқ узди». Вассалом! Бошқа ҳеч қаерда, ҳеч нарса йўқ, сабаблар ўрнига нуқул яланғоч далил келтирилади. Тўғри, бир неча йил бурун ва 1989 йили Сиёсий адабиётлар нашриётида қайта нашр этилган «Инқилоб юрагига узилган ўқ» китобида бу воқеага доир уринлар бор, аммо улар ҳам хийла жун ва бир қанча тафсилотлар тушириб қолдирилган.

Бу тарихни ўрганаётиб, ҳодисалар моҳиятини синчиклаб кузатарканман, ўйланиб қолдим:

бордию Засулич билан Каплан ўрин алмашганида борми, ҳар икковининг ҳам қисмати бутунлай бошқача тугаган бўлур эди. Нега? Сиз буни эътиборингизга тақдим этилаётган манбалардан, ҳодисалар гувоҳлари хотираларидан, ҳужжатлардан билиб оласиз. Мен эса манбаларни касбим тақозоси билан, жиний иш нуқтаи назаридан кўриб чиқдим: ҳодисаларни таққосладим, таҳлил қилдим, уларда аҳволни юмшатадиган ва қаттиқлаштирадиган ўринлар мавжудлигини топдим.

ҲОДИСА ҚАНДАЙ СОДИР БЎЛДИ?

«ҚАМОҚҚА ОЛИНГАН КАПИТАН ҚИЗИ ВЕРА ИВАНОВНА ЗАСУЛИЧНИНГ СУДГА ОШИРИЛИШ АЙБЛОВ АКТИДАН: «1878 йил 24 январь кунни, эрталаб соат 10да, Петербургда, дворян қизи Козлова номи билан шахар ҳоқими генерал-адъютант Трепов қабулхонасига шахсан узр сўраб кирган нотаниш аёл генерал-адъютант Треповга қарол воситасида, катта калибрли ўқлар билан ўқланган револьверда, яқин масофадан туриб суиқасд қилган».¹

* * *

БУТУНИТТИФОҚ МАРКАЗИЙ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ «ХАЛҚ КОМИССАРЛАРИ СОВЕТИНИНГ РАИСИ В. И. ЛЕНИНГА ҚИЛИНГАН СУИҚАСД ҲАҚИДА»ГИ МУРОЖААТНОМАСИДАН: «Бундан бир неча соат олдин ўрт. Ленинга шафқатсизларча суиқасд уюштирилди... Ўрт. Ленин митингдан қайтиш чоғида ярадор этилди. Бир неча киши ушланди. Уларнинг шахси аниқланмоқда.

Ўз доҳийсига йўналтирилган суиқасдга ишчилар синфи... барча инқилоб душманларига оммавий қирғин воситасида шафқатсизларча жавоб қайтаражак. Ўртоқлар! Эсда тутингки, ўз доҳийингизни кўриқлаш ўз қўлларингиздадир...»

* * *

В. ЗАСУЛИЧНИНГ АЙБЛОВ АКТИДАН: «...айнан ўша кунни ўтказилган суд-врачлик кўриги ва врачлар хулосаси бўйича... генерал-адъютант Треповга револьвердан узилган ўқ тос суягининг чап томонига тегиб, ҳаёт учун хавфли ва оғир ярадор қилинган.

Дастлабки тергов чоғида сўроққа тутилган Трепов Ф., ва гувоҳлар — воқеани ўз кўзи билан кўрган майор Курнеев, еттинчи даражали маслаҳатчи Греч ҳамда коллеж ассесори Пуриков тасдиқлашича, ўқ қабулхонада генерал-адъютант Треповнинг ёнида турган номаълум аёл томонидан узилган, у шу заҳоти ушланган, устига-устак ўша пайтда аёлдан узунлиги тўрт қарич келадиган, тўртта ўқи бўлган бешотар топилган, афтидан, револьвер янги, милица порох қуруми сақланиб қолган».

* * *

Ф. Капланинги иши хусусида суд жараёнларини маълум тартибда кўриб боришга тааллуқли жиний ҳужжатлар йўқ. Бироқ, Бутунроссия Фавқулодда Комиссиясининг сўроқ манбалари, гувоҳларнинг хотиралари мавжудки, биз улардан мумкин қадар батафсил фойдаланамиз.

Анча йиллардан кейин В. Д. Бонч-Бруевич ўз эсдаликларида қуйидагиларни баён этади: «Ўрт. Гиль одамлар кўпчилигига қарамай, кўз унгида ақли заиф эсер аёли Каплан Владимир Ильични отгани, суиқасдни бошдан охир ва ундан кейин нималар юз берганини кўрган деярли яккаю ёлғиз гувоҳдир...»²

Мақсадимизни ойдинлаштириш учун Гиль хотираларидан бошлаймиз. Унинг кўрсатмалари икки хил: бири — ҳодиса рўй бергач бевосита Бутунроссия Фавқулодда Комиссиясининг маълумотлари бўлса, иккинчиси 1957 йили алоҳида китоб қилиб чиқарилган хотираларидир. Кўчирмаларни санама-сана келтирамиз.

Кремлнинг 16-корпусида яшайдиган офицер, В. И. Лениннинг шофёри **СТЕПАН КАЗИМИРОВИЧ ГИЛЬ КўРСАТМАСИ**: «Мен Ленин билан бирга кеч соат 10 атрофида (бош ва қора ҳарфларда кўрсатилган таъкидларнинг барчаси муаллифники — Ред.) Михайловсон заводида етиб келдим. Ленин завод ичкарасидалигида ёнимга уч аёл яқинлашди. Улардан бири митингга ким гапирётганини суради. Мен билмайман, деб жавоб бердим. Шунда улардан бири қулиб: «Билиб оламиз», деди. Тахминан бир соатга чўзилган (демак соат 23 ларда тугаган — Е. Д.), В. И. Лениннинг нутқидан сўнг митинг бўлган жойдан машина олдига **50 нафарча одам яқинлашиб, уни ўраб олди**. 50 нафарча одам изидан аёллар ва эркалар қуршовида Ильич чиқиб келди... Оқ сариқдан келган аёл... фаллан олиб қўйишаяпти, ташиб кетишга йўл беришмаяпти, деди. Ленин машинадан уч қадамлар наридалигида мен унинг чап ёнида, тахминан уч қадамлар бор эди, одамлар ортидан браунинг (автомат тўппонча тури) тутган аёл қўлини кўрдим, у уч бора ўқ узиб, револьверни оёғим остига отиб юборди-да, ўзини оломон орасига урди. Ўша револьвер оёғим тагида ётарди. **Кўз олдимда ҳеч ким револьверни олмади**. Бироқ жароҳатланган Ленинни кузатиб бораётган икки одамнинг бири менга: «Мен револьверни машина тагига оёғим билан суриб юбордим...» деди. Тўртинчиси айтаман: биринчи отилган ўқдан сўнг мен браунинг ушлаган аёл қўлини кўрдим. 30.VIII.18 й. Степан Казимирович Гиль». ³ Гилни сўроқ қилувчи Дьяконов.

Айрим ўринлар нега ажратилиб кўрсатилаётганига муҳтарам ўқувчи диққат берган бўлса керак. Агар бу фожейи воқеалар кеч соат 23 да, Ленин кўчага чиққанида бошланган бўлса, демаски, кўчалар қоп-қоронғи бўлган. Ўша суронли даврда завод ҳовлиси ёп-ёруғ ёритилгани ҳам

¹ Таниқли рус ҳуқуқшуносларининг нутқидан, «Юридическая литература» нашриёти, Москва, 1985 йил, 7—9-бетлар.

² Инқилоб юрагига узилган ўқ. Сийсий адабиётлар нашриёти, Москва, 1989 йил, 92-бет.

³ Пролетарская революция. Исторический журнал Истпарта», № 6—7, 1923 й, 277—278-бет. Журнал кўчирмани Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг «Олий Трибунал иши»дан олган.

шууримизга сиғмайди. Ана шу зимистонликда Гиль фақатгина кўлни кўрибгина қолмасдан, АЁЛни ки эканини ҳам билган! Боз устига К. Гиль ўқ узган аёлнинг таши аломатларига ҳатто ишора ҳам қилмайди. У Ленинни сўраган оқ-сарик келбатли аёлни кўрган ва қайд этиб кетаверган. Савол туғилиши табиий: нега у бошқа **нарсалар ҳақида лом-лим демаган!** Уларни хотиралар билан таққослаймиз:

«Биз кеч соат олти атрофидан нон биржасидан чиқиб, собик Михельсон заводига қараб жўнадик... Ҳамма Ленинни кутиб турарди. Аммо негадир бизни ҳеч ким: на завод комитети аъзолари, на бошқа биров қарши олмади. Мен машинани буриб, ҳовлидан чиқиб кетишга ҳозирлаб, цех эшигидан ўн қадамча бериди тўхтатиб қўйдим. Бир неча **ДАҚИҚА УТГАЧ, КҮЛИДА ПОРТФЕЛЬ УШЛАГАН**, калта камзулли аёл ёнимга яқинлашди. Машина олдига бориб тўхтаганда уни бемалол кўришга муваффақ бўлдим. Еш, ориқ, қора кўзлари асабий боқадиган бу аёл зоҳиран ақли жойида эмасга ўхшарди. Юзи рангпар, **гапирганда эса** овози сал-пал қалтираб турарди.

— Назаримда, ўртоқ Ленин етиб келди-ёв? — деб сўради у.

— Ким келганидан хабарим йўқ, — дея жавоб бердим мен...

Унинг завод биносига кириб кетганини кўрдим... Заводдан бир гала одамлар чиқди. Англашимча, митинг тугаган эди... Машинадан икки-уч қадам нарида Владимир Ильич тўхтади... Владимир Ильич машина пиллапоясига **оёқ қўймоқчи** бўлганида, тўсатдан ўқ узилди. Шу заҳоти ўқ отилган томонга қарадим ва **мендан бир соат илгари Ленинни суриштирган ўша аёлни кўрдим. У машинанинг чап томонидаги олд қаноти ёнида туриб, Владимир Ильичнинг кўрагини нишонга олган эди. Ўқ овози яна бир бор янгради.**¹

Сиз юқорида келтирилган далиллари мушоҳада этаётиб, гувоҳлики иккита одам берма-яптими, деб ўйлашингиз мумкин. Етиб келган вақтни уч соатдан кўпга чалкаштириб юбориш осонми? Эҳтимол ҳаммаси ростакамига **равшан бўлиши** учун вақтни ёруғ маҳалга кўчиришаётгандир, лекин портфель, кийим, нигоҳ ҳақидаги тафсилотлар қаердан олинган? Бунга ўхшаш белгиларни вақт ўтиши билан гувоҳлар унутди қўйишади, бироқ мазкур ҳодисада улар борган сари чуқурроқ **ХОТИРЛАНМОҚДА**. Бу ерда бир нарсга ойдин: кўрсатмалардан бири ёлгон, аммо қайсиниси? Мантиқан қараганда, ишонч, асосан хотира ва сезимларнинг эскирмаганида бўлади. Устига устак Гиль дастлабки маълумотни **УША КҮНИ** берган эди. Бироқ хотираларга қайтайлик: «Мен ўша Гиль дастлабки маълумотни **УША КҮНИ** берган эди. Бироқ хотираларга қайтайлик: «Мен ўша заҳоти машинани тўхтатиб, ўқ отган кишига ташланиб, наганим билан бошини мўлжал олдим. У браунингини оёғим остига отиб юборди-да, тезда бурилиб, эшикдан чиқиб келаётган оломон ичига ўзини урди... Бу пайт ҳовли бўм-бўш қолиб, ўқ узган аёл оломон орасига яширинган эди.»² Уз-ўзидан аёнки, бу ерда хотиралар икки хил чиқмоқда. Аммо кўкракка қарата узилганини барибир эслаш лозим! Бу эса ғоят этиборли белгидир!

Гувоҳларнинг яна бири жанговар аскар С. Н. Батулиндир!

5-МОСКВА ПИЕДАЛАР ДИВИЗИЯСИ СОВЕТИНИНГ ҲАРБИЙ КОМИССАРИ ЕРДАМЧИСИ, ГУВОҲ СТЕФАН НИКОЛАЕВИЧ БАТУЛИН КЎРСАТМАЛАРИДАН: (Зацеподаги 23-уй, 16-квартирада яшайди.) «Омма митингдан қайтаётганида мен **одамларнинг олдида кетаётган** ўрт.Лениндан ўн ёки ўн беш қадамлар орқароқда эдим. Уч бора ўқ узилганини эшитдим ва ўрт. Лениннинг ерда йиқилиб ётганини кўрдим. «Ушла, тут», дея бақирдим ва орқа тарафимда ўзини **ГАЛАТИ** тутаётган аёлни учратдим. Менинг кимсиз ва бу ерда нима қилиб юрибсиз деган саволимга у: «Менинг бунга дахлим йўқ» деб жавоб берди. (Нега шундай деган? — Е. Д.) Мен уни ушлаб олганимда одамлар орасидан шу аёл отганини тасдиқловчи овозлар янгради. Мен яна Ленинни отган шу аёл эдимки, деб сўрадим. Улар шу-шу деб жавоб қайтарди. Бизни қуролланган Қизил армиячилар ва милиционерлар ўраб олишди (бу пайт улар заводда қандай пайдо бўлиб қолишган? — Е. Д.)... ва Замоскварецкий район ҳарбий комиссариатига олиб келишди. 30.VIII.18 й., С. Н. Батулин».³

Кўрсатмалар мана шундай чигалдир. Энди қуйидагиларга диққат қилинг: Ленин **ОЛОМОННИНГ** олдида кетарди. АЁЛ **ОЛОМОН** орасида туриб ўқ уза оладими? Буни амалда сира иложи йўқ. Гилнинг айтишича, аёл Лениннинг кўрагини нишонга олиб ўқ узди. Батулиннинг қайд этишича, унинг ортидан туриб олдинда кетаётган кишини отган, бу ҳолда ўқ фақат елкага тегиши мумкин. Икки хил манзара. Кўрсатмалар бир-бирини рад этаётир. Мабодо бундай кўрсатмалар инобатга олинса, ҳеч бир суд айблов ҳукми чиқара олмайди.

Батулиннинг виждони бундан қийналган-қийналмагани бизга қоронғи. Шуниси аниқки, олти кун ўтиб, у буткул бошқача гувоҳлик беради, булар эса айбдорнинг гуноҳини исботлаш учун мутлақо яроқсиздир.

* * *

В. И. ЗАСУЛИЧНИНГ АЙБЛОВ АКТИДАН: «Кўлга олинган аёл дастлаб ўз исм-шарифи ҳамда унвонини бекитди, сўнг маълум бўлишича, у капитан қизи Вера Ивановна Засулич экан, бу далил қўшимча тергов чоғида исботланди. Айбланувчи... ўзининг изоҳ беришича, жиноятни аввалдан ўйланган мўлжали бўйича амалга оширган, у узган ўқ генерал-адъютант Треповни ўлдирадими ёки оғир ярадор қиладими — буниси унинг учун аҳамиятсиз ҳисобланган. У муайян йўл билан маҳкум Боголюбовнинг саваланишига фармоиш берган ҳокимдан ўч олмоқчи бўлган. Засуличнинг кўрсатмасига қаралганда, у Боголюбовнинг жазоланганини мутлақо билмаган ва дастлаб 1877 йилнинг ёзида Пенза губерниясида чиқадиган газета орқали хабар топган, кейин эса С. Петербургда ҳар хил одамлардан эшитган...

Ибтидоий қамоқхоналар бошлиғининг ишга тақдим этилган маълумотномасидан равшанки, 1877 йил 13 июлдаги С. Петербург шаҳар ҳокимининг № 6641 фармоишига биноан судда барча фуқаролик ҳолатларидан маҳрум этилган ва каторгада ишлашга сурғун қилинган Архип Боголюбов ўша куни қамоқхонада тартибсизликларни келтириб чиқарганлиги учун 25 дарра саваланган.»

¹ С. К. Гиль. Ленин билан олти йил ёнма-ён, 2-нашр, 1957 й., 16—18-бет.

² Уша ерда.

³ «Пролетарская революция». 279-бет.

С. К. ГИЛЬ ХОТИРАЛАРИДАН: «Мен Владимир Ильич ёнига югуриб бориб, чўккаладим-да унинг устига энгашдим. У ҳушини йўқотмаган эди. «Қотилни ушладингларми, ё йўқми?» деб сўради. У эркак киши ўқ узган бўлса керак, деб хаёл қилган чоғи»¹.

Шундай савол туғилади: Ленин нима учун эркак ҳақида сўрамоқда? Гиль ёнма-ён турган, унинг иккинчи кўрсатмасига мувофиқ аёл олд қанот олдида бўлган, Ленин эса пиллапоядан икки-уч қадам нарида. Бу ҳолда улар орасидаги массафа уч газдан ошмаган, модомики, аёл кўрагини нишонга олган бўлса, унда улар бир-бирига юзма-юз туришган. Яқин масофадан ўқ узган кишининг шахсиятини хато айтиш мумкин эмас, бунинг устига Ленин эркак ҳақида сўраган.

Яна бир гувоҳнинг ҳам маълумоти бор — бу Михельсон заводи комитетининг раиси Николай Яковлевич Новиковдир: «...Шу билан бир вақтда ўрт. Ленинни ҳовлига чиқаверишда суҳбатга жалб этган аёллардан бири ҳам жароҳатланди. Ярадорни касалхонага олиб кетишди. Маълум бўлишича, у касалхонанинг омборчиси экан. У суиқасднинг мутлақ айбсиз қурбони бўлиб қолди... Оломон орасида разил жиноятга ким қўл урганини БИЛИШ ҚИЙИН ЭДИ».²

Батулин олтинчи куни нималар деган эди? Диққат қилайлик: «Ўрт. Ленин миниб кетиши лозим бўлган машинага яқинлашганимда, мен уч бора кескин қарсиллаган овозни эшитдим. У револьвер овозига ўхшамасди, чунки оддий моторникдан фарқ қилмасди. Товуш чиқиши ҳамона одамларнинг ҲАР ЕҚҚА тарқалиб чопаётганини кўрдим. Ленинни отган киши КЎЗИМГА ЧАЛИНМАДИ. Ўзимни йўқотиб қўймасдан бақирдим: «Ўртоқ Ленинни отган кишини ушланглар!» Шундай дея Серпуховгача югуриб бордим, бу ерда одамлар тум-тарақай ва гуруҳ-гуруҳ бўлиб, ўқ овозидан чўчиб, урра қочардилар...

Мен чошиб бораётган икки қизни учратдим, ИМОНИМ КОМИЛКИ улар шу воқеа туфайли қочаётгани равшан эди, чунки одамлар у тарафга қараб қочишарди ва уларни қувишдан ўзимни тийдим. Шу вақт ортимда, дарахт тагида қўлида ПОРТФЕЛЬ ВА СОЯБОН ТУТГАН (30 йил ўтгач Гилнинг хотирасига келган портфель дастлаб шу ерда тилга олинган. «Портфельга кейинроқ алоҳида тўхталамиз. — Е. Д.) аёлни кўрдим, ҲАЛАТИ КУРИНИШИ (нега бундай хулосага келгани шубҳали, аммо Гиль ҳам деярли шундай деганини эсланг! — Е. Д.) диққатимни тортди. Унинг қиёфасида таъбиладиган қутулиш илнжи зухур эди. (Нима учун? Нега, ўртоқ Батулин, қочаётган эмас, турган аёл ТАЪҚИБДАН ҚУТУЛИШНИ ўйлайди? Буни қандай аниқлай олдингиз? Мабодо сиз уни шох-шаббалар орасида ётган, подъездга бекинаётганини кўргангизда эди, унда ҳаммаси беш қўлдек аён бўларди. Ахир у дарахт тагида, боз устига қўлида соябон тутиб турибди-ку. Ўқ узиб суиқасд қиладиган ва бунга шайланаётган одамга соябон зарурми? Ахир, портфель ва қўл орасида соябон саланглаб, нишонга олишга, қочишга халақит беради-ку. Батулин буларга жавоб бермайди ва жавоб бериши ҳам гумон! — Е. Д.) Мен ўша аёлдан бу ерга нега келганини сўрадим. У саволимга: «Сизга нима дахли бор?» деб жавоб қайтарди. Шунда мен унинг чўнтагини кавлаб, портфель ва соябонини олдим-да, ортимдан юришга буюрдим. Йўл-йўлакай мен унинг юзидан ўрт. Ленинга суиқасд қилганини сезиб, саволга тутдим. (Бундай «сезги» тасаввурга сизмайди, негаки Батулин соябонни ҳисобга олмаганда, ҳеч қандай ашёвий далил келтирмайди. Вера За-суличдан револьвер топширган, бунинг устига стволдан порох ҳиди кўтарилмаган эди, кейинги ҳодисада эса — фақатгина аёлларга хос нарсалар мавжуд, холос. Назаримда, кескинлашган «син-фий» сезги фаолият кўрсатган бўлса керак. — Е. Д.) «Ўртоқ Ленинни нега отдингиз» деган саволимга унинг «Бунинг сизга нима дахли бор» деб жавоб қайтариши, демак, айнан шу аёл ўрт. Ленинга суиқасд қилганига менда БАТАМОМ ИШОНЧ ўйғотди. Серпуховда КИМДИР ОЛОМОН УР-ТАСИДАН («кўрсатмалар нисбийлиги» далили — Е. Д.) ўрт. Ленинни отган айдан шу аёл деб топди. Шундан сўнг яна сўрадим: «Ўртоқ Ленинни сиз отдингизми?» Бу саволимга у ҳа маъносида жавоб қайтарди, бироқ ПАРТИЯГА мансублигини айтишдан бўйин тортдики, (Қизил армиячи Батулин ана шу тарзда бу бир киши эмас, аксинча «партиянинг фитнаси» эканини аниқлаб олади. Қолганлари эса техниканинг иши. — Е. Д.) демак ўзи мансуб партия топшириғига мувофиқ ўқ узган. Замоскварский район ҳарбий комиссариатида мен қўлга олган аёл сўроқда ўзини Каплан деб танитди ва ўрт. Ленин ҳаётига суиқасд уюштирганини тан олди.³ (6 сентябрь 1918 йил.)

Бу аёлни ушлаганларидан кейин Н. Иванов шундай хотирлайди: «Зиёли, 25 ёшда, бежирим ва сипо кийинган. Ўзини асабий тутади.»⁴

Батулиннинг икки кўрсатмаси қиёсланганда Гилнинг кўрсатмалари каби бошқа-бошқа одамлар гувоҳлик бераётгандай таассурот қолади, негаки уларда анчагина тафовутлар бор.

Бу ўриндаги илк шубҳа: ўқ узган одамни умуман туттиганими ўзи?

Ҳодиса рўй берган куни Гиль айтган вақт — соат 23 ва қоп-қоронғиликни эслайлик. Батулин томонидан аниқланган аёл дарахт тагида турибди, ҳатто кўча чироқлари ёниқ, бутуқлар сояси ҳам мавжуд.

Буларнинг ҳаммасини бизга сингдиришга ҳаракат қилаётган Батулин қоронғиликда шунча тафсилотларни кўриши мумкинми? Хулоса битта — мумкин эмас.

Балки, унинг биринчи таассуротлари ростдир? Аммо улар ҳам Гиль кўрсатмаларига мос келмайди, аксига олиб Гилнинг хотираларида тафовут мавжуд. Сўроққа тутилганларнинг ҳеч бири шубҳасиз ўқ узган кишини ШАХСАН УЗ КЎЗЛАРИ БИЛАН КЎРМАГАН. Гилнинг 35 йилдан кейинги хотиралари унинг ҳолислигига ҳақли равишда гумон туғдиради.

Қўлга олинган аёл нималар деган экан?

¹ Ленин билан олти йил ёнма-ён, 18-бет.

² Инкилоб юрагига узилган ўқ. 85—87-бетлар.

³ «Пролетарская революция». 279—280-бетлар.

⁴ Инкилоб юрагига узилган ўқ. 89-бет.

ҲОДИСА НЕГА РҮЙ БЕРДИ?

Батулиннинг таъкидлашига кўра, ҳар икки сўроқда ҳам қўлга олинган аёлни у дарҳол комиссариатга етаклаб борган ва биринчи сўроқ соат 23,30 да бўлиб ўтади! Сўнг уч соат ичида уни беш маротаба сўроқ қилишади! Сўроққа тутувчилар уч киши бўлган.

Биринчи сўроқ: «1918 йил 30 август. Соат кечки 11.30. Мен, Фаня Ефимовна Каплан деган ном билан Акатуйда ўтириб чиққанман. 1 1906 йилдан буён шу номда юраман. Мен бугун Ленинга ўқ уздим. Мен ўз хоҳишим бўйича отдим. Неча бор ўқ узганимни эслай олмайман. Қандай револьверда отганимни айтмайман, барча тафсилотни гапирмоқчи эмасман (револьвер машина тагида қолган ва унинг маркасини чекистларнинг ўзлари ҳам билишмаган. Мабодо билганларида эди — «айтиб юборардилар». — Е. Д.) Ленинни отиш фикри менда анчадан бери етилган эди. Ленинга ўқ узганимнинг сабаби шундаки, мен уни инқилоб сотқини деб биламан ҳамда унинг яшаши социализмга бўлган эътиқодни емиради, деб ҳисоблайман. Социализмга бўлган эътиқоднинг емирилишининг нималарда акс этишини тушунтириб ўтирмайман. Узимни социалист деб ҳисоблайман, ҳозир ҳеч бир партияга аъзо эмасман. Акатуйга Киевдаги бомба портлашида қатнашганлигим учун сургун қилинганман.² Иккинчи сўроқ: «Ёшим 28 да... Волин губерниясиданман. Мени митингга кириш жойида тўтиб олишди, ҳеч қайси партияга мансуб эмасман. Ленинни отишимнинг боиси шундаки, у сотқин, қанча узоқ яшаса, у социализм ғояларини ўнлаб йил орқага суриб юборади, деб ҳисоблайман. Суиқасдни шахсан ўзим қилдим...» «Фаня Каплан кўрсатмаларига имзо чекишдан бўйин товлади. Москва инқилобий трибуналининг раиси А. Дьяконов».

Учинчи сўроқни Бутунроссия Фавқулодда Комиссияси вакили Х. Петерс амалга оширган: «Мен, Фаня Ефимовна Каплан 16 ёшимга довул Ройзман деган фамилия остида яшаганман... Қайси уездан эканимни эслай олмайман. Отам яҳудий, ўқитувчи эди. Ҳозир оила аъзоларимнинг ҳаммаси Америкага кўчиб кетган... Кремлда бор-йўғи бир марта бўлганман...»³ Тўртинчи сўроқни юстиция халқ комиссари Д. И. Курскийнинг ўзи ўтказган: «Мен митингга соат саккиз атрофида етиб келдим. Менга ким револьвер берганини айтмайман... Менда ҳеч қандай қасаба уюшмаси билети бўлмаган... Ўз хоҳишим билан отдим. Ўз айтганларимдан воз кечмайман, Қримдан келганман... Савинскийга боғлиқ қирғинчилар уюшмаси ҳақида ҳеч нарса шитмаганман...»⁴ Сўнгги, бешинчи сўроқни ўша кеча Х. Петерснинг ўзи якунлаган: «1918 йил 31 август, соат тунги 2.25. 1906 йили мен Киевда бомба портлаши сабабли қамалганман. Уша маҳал бошбошқоқчи сифатида ўтирганман. Портлаш бомба туфайли рўй берди ва мен яраландим. Бомбани мен террор учун деб ўйлаганман. Киев шаҳар ҳарбий дала суди томонидан судланганман ва бир умрлик каторгага сургун қилинганман. Дастлаб Мальцев каторга қамоқхонасида, кейин Акатуйда ўтирдим. Инқилобдан сўнг озодликка чиқдим (1917 йил февраль инқилоби назарда тутилмоқда. — Е. Д.) ва Читага етиб келдим. Апрель ойида Москвага келиб олдим... сўнг Евпаторияга, сиёсий умумий афвга чиққанлар санаторийсига бордим. (Муваққат ҳукуматнинг инқилобчиларга бўлган муносабати мисоли. — Е. Д.) Икки ойни санаторияда ўтказдим, кейин эса Харьковга, операция қилдиргани жўнаб кетдим... Акатуйда Спиридонова билан бирга ўтирганмиз. 5 Қамоқхонада дунёқарашларим шаклланди, мен бошбошқоқчиликдан социалист-революционер бўлиб етишдим... Октябрь инқилобини мен Харьковда, касалхонада кутиб олдим. Бу инқилобдан рози эмасман — унга муносабатим салбий. Мен таъсис мажлиси тарафдориман ва ҳозирга қадар шу аҳдида турибман. Эсерлик фикрлари оқими бўйича мен кўпроқ черковга ЯҚИНРОҚМАН. Ота-онам Америкада, улар 1911 йили кўчиб кетишган. Тўрт акам ва уч опам бор. Уларнинг ҳаммаси ишчи.

Ленинни мен отдим. Мазкур қарорга февраль ойида келганман. Бу фикр менда Симферополда туғилган ва шу пайтга қадар бунга тайёргарлик қўриб бордим. «Демак, Ф. Каплан барибир суиқасд уюштирган ва ўз айбини мажбуран эмас, самимий бўйнига олганки, демак, у ҳеч қандай тил бириктирув ва гуруҳбозликка қўшилмаган. Суиқасдни В. Засулич каби яқка ўзи қилган.

В. ЗАСУЛИЧНИНГ АЙБЛОВ АКТИДАН: «Засуличнинг жиноий хатти-ҳаракатлари жазо ҳақидаги қонун-қоидаларнинг (1866 й.) 9 ва 1454-моддаларига биноан кўриб чиқилди, шунинг учун ҳам жиноий суд ишлари Низомининг 101-моддасига мувофиқ С. Петербург округ судида ёқловчи маслаҳатчилар иштирокида судга тортилди».

Иш 1878 йил 31 мартда, округ суди райслигига яқинда сайланган А. Ф. Кони бошчилигида кўриб чиқилган. В. Засулич ёқловчи П. А. Александровни ўзига ҳимоячи этиб танлади. Айбловни қораловчи К. И. Кессель қўллаб-қувватлаган.

АЙБЛОВЧИ НУТҚИДАН: «Мен ишонаманки, Засулич ўз ниятини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган барча ишларни амалга оширган...

Масофа анча яқин бўлган, қисқа масофадан туриб ўқ узилганини ҳамма гувоҳлар каби эксперт ҳам тасдиқлапти... Ўқ ғоят хавфли жойга — чап биқинга теккан...

Засулич ўз мақсадни амалга ошириш учун қанчалик шифатсизлик билан тиришганини кўра-япсизми? У ўзича мулоҳаза юритиб, ўз қиёфасида қораловчи, ҳимоячи ва ҳакамликни бирлаштирган ва Қурбонини ўлимга ҳукм қилишни лозим, деб билган. Еш жувоннинг ўзи ҳукмни ижро этган, аммо, тақдирнинг ҳазилини қарангки, ўз ниятига эриша олмаган...»⁷

ҲИМОЯЧИ П. А. АЛЕКСАНДРОВ НУТҚИДАН: «Жаноб ёқловчи-маслаҳатчилар!.. Мазкур

¹ «Акутуй» — Акатуй қамоқхонаси. 1888 йили Байкал ортидаги Нерчинск тоғи атрофида қурилган. Сиёсий каторгалар маркасларидан бири.

² «Пролетарская революция». 282-бет.

³ Уша ерда. 282-283-бетлар.

⁴ Уша ерда. 282—283-бетлар.

⁵ М. А. Спиридонова (1834—1941) — эсерлар партиясининг йўлбошчиларидан бири. 1906 йили Тамбов губерниясидаги Луженовска қора гуруҳчилар қирғини бошлиғига суиқасд қилгани учун каторгага бир умрлик сургун қилинган.

⁶ Уша ерда. 284-бет.

⁷ А. Ф. Кони. Сайланма асарлар, 2-жилд, «Юридическая литература» нашриёти, Москва, 181—182-бетлар.

ишнинг мураккаблиги далилларда ҳам, мушкуллигида ҳам эмас; бу ишнинг ўз шарт-шароитига қаралса, ниҳоятда соддадир, бордию 24 январдаги биргина ҳодиса билан чеклансак, унда мулоҳаза юритишга деярли ҳожат қолмайди. Узбошимча қотиллик жиноят эканини ким инкор қила олади?.. Бу ҳақиқатдир ва унга қарши баҳс юритиш ҳам мумкин эмас.

Фақат ибтидоий қамоқхонада рўй берган ҳодисалар билан суиқасд сабабини таққосласак...»

Ибтидоий қамоқхонада нима бўлган эди ўзи? Талаба А. П. Боголюбов 1876 йил 6 декабрь куни Петербургдаги Қозон собори майдонида бўлиб ўтган намойишларда иштирок этганлиги учун сургун қилиниб, генерал Ф. Треповнинг фармойишига биноан саваланишга маҳкум этилган эди. 1878 йил 24 январда эса суиқасд уюштирилди.

Шундан сўнг химоячи ўз ўртоғи Нечаевга хатлар олиб келиб туришда ёрдам бергани учун икки йил ноҳақ қамоққа тортилган В. Засуличнинг оғир қисматига тўхтаб ўтади. Нечаев давлат жиноятчиси ҳисобланади. Засулич бир йил Литва қамоқхонасида, бир йил Петропавловск қалъасида ўтириб чиқади.

«Икки йил,— деб давом этади П. Александров,— у на онасини, на қариндош-уруғларини, на таниш-билишларини кўрган. Тоza ҳаво йўқлиги, онда-сонда бўладиган сайрлар, безовта уйқу, овқатланишнинг ёмонлиги... Дўстлик, муҳаббат, инсоний муомала ўрнига — ўнгда ҳам, сўлда ҳам, деворнинг ортида ҳам ўзинг сизгари бебахт ўртоқлар, бахтсиз қисматнинг қурбонлари бор, деган фикр миангни пармалайди...»

Засулич қамоқдан чиққач, озодликда кўп бўлмайди — уни яна тутишади ва сургун қилишади. Бир йилни у Тверь, Солгалич, Харьковда ўтказади. Сўнг Пенза губерниясида яшайдиган опасиникига келади. Бу ерда, 1877 йил саратонида «Овоз» газетаси орқали Боголюбовнинг жазоланганидан хабар топади.

«Савалаш бекор қилинганидан ўн беш йил ўтгач... сиёсий сабаблар билан қамалган маҳбусларни калтаклаш ғоят номуссизликдир. Бу — етук инсоннинг, нафақат етук инсоннинг, балки ўз кадр-қиммати ва гуруҳини билган ҳар қандай кишининг энг катта бойлиги устидан ситамкорлик қилишдир, деб ўйлаган Засулич...»

* * *

Химоячи Засулични жиноятга етаклаган асосий омиллар деб ана шуларни ҳисоблайди, бу ҳол Капланнинг ишида ҳам катта аҳамиятга моликдир. У ўз ваз-қорсонларини терговда айтиб ўтган. Эҳтимол, айнан шу ҳолни ҳисобга олиб суиқасд қилувчини очик ва адолат юзасидан суд қилишса яхшироқ бўлар эди.

* * *

В. ЗАСУЛИЧНИНГ ХИМОЯЧИСИ НУТҚИДАН: «Давлат жиноятларининг ахлоқий томонларига ҳос муҳим хусусиятларга эътибор қилмасдан илож йўқ. Давлат жиноятларининг кўринишлари бағоят турли-тумандир. Кеча давлат жинояти деб саналган нарса бугун ёки эртага фуқаролик жасоратининг эъозланадиган қаҳрамонлиги бўлиши мумкин. Давлат жиноятлари баъзан ҳали тўла етилмаган ва амалга оширилишга мавриди келмаган бўлғуси туб ўзгаришларнинг садоси, ифодаси эканидан далолат беради...»

Агар Боголюбовга қўлланилган жазога умумадолат нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ўз яқинларининг ахлоқан хўрланишига бефарқ муносабат ҳар қандай ноқобил одамни ҳам жунбўшга келтирадики, ана шу ҳолда кишида нега қаттиқ ғазаб ҳисси уйғонгани равшанлашади.

Боголюбовнинг ярамасларча жазоланиши ҳақидаги хабарга Засулич чуқур, тоқат қилиб бўлмайдиган муросасизлик билан ёндашди...

Шуни унутмаслик керакки, Засулич қувноқ табиат, асабий, касалманд, таъсирчандир... қамоқхонадаги икки йиллик ёлғизлик, сўнг уйсиз дарбадар юриши унинг табиатини эзиб ташлаган.

Юракда уйғонган, таранг ҳолга келган Засуличникига ўхшаш мақсадлар аввалдан ўйланган, муҳокама қилинган бўлиши мумкин эмас. Фикр кишини тезда чулғаб олади... текширилмайди, муҳокама қилинмайди, киши унга бўйсунди, унга қўлларча итоат этади, унга эргашади...

Қасос, яъники биргина қасос Засуличнинг хатти-ҳаракати ботиний томонларини муҳокама қилиш учун мезон бўла олмайди. Қасос, одатда, ўзи ёки яқинлари учун олинади ва қасоскорга йўл-йўриқ беради. Аммо Засуличнинг бундан ҳеч қандай шахсий манфаатдорлиги бўлмаган.

Агар мен жиноятга қўл урсам, деб ўйлаган Засулич, шунда ўлик савол... яна тирилади: менинг жиноятим ошкора жараёнга чорлайди ва Россия ўз вакиллари қиёфасида ҳукми бир менга чиқармасдан, ҳодисанинг муҳимлигига қараб, бизни ҳозиргача мустабид давлат деб аташни севадиган Европанинг кўз ўнгима мустабид давлат устидан ҳам ҳукм чиқариш заруратини туғдиради.

Генерал-адъютант Треповнинг ҳаёти ҳам, жисмоний азоб чекиши ҳам Засуличга керак эмас, аксинча, ўзининг судланувчилар курсисида ўтириши муҳим эди.

Ўқ отилди... Засулични тутиб олмасларидан бурун унинг ўзи револьверни отиб юборган... Ҳамма гувоҳлар таъкидлашдики, Засулич мутлақо кўнгилли равишда ҳеч қандай қаршиликсиз револьверни ташлаган...»

* * *

Бу ҳодисалар майда унсурларигача ўхшашдир. Каплан ҳам Засулич каби мутлақ кўнгилли ҳолда, револьверини ерга отиб юборган. Унинг қўлини ҳаракатга келтирган нарса қасос эмас, балки ўзи гувоҳ бўлган Россия демократияси ғоялари ҳалокати ва унинг фикрича, социализм ҳалокати эди. Албаттаки, суд минбарига чиқса у қўл кўтаришга унда... бахтсиз ҳаракатига омил бўлган куч тафсилотларини тўла айтиб берган бўларди.

Эҳтимол, унинг қўл кўтаришига қисқа муддатда бутун ба... ба...га ёйилган шумхабар — подшоҳ Николай II, унинг хотини, бегуноҳ болалари: ёш қизласи... кичкина касалманд ўғли қатл этилгани сабаб бўлгандир? Марказнинг фармойиши билан Екатеринбург, с... большевикларига мантиқ-

сиз, шафқатсиз, қонли жазолар берилди. Бу жазо партияларни бир-бирига қарама-қарши қилиб, соғлом фикрловчи кишиларни гуруҳларга ажратиб ташлади.

Эҳтимол, у ғалласини олдириб қўяётган ва ўзларига нисбатан душманлик кайфиятлари кунба-кун кучаяётган мушфиқ мужиклар тарафини олгандир? Эсерлар партияси ўзининг бош вазифаси ҳисоблаган ва Лениннинг мана бу: «...Армияни сафарбар этиб, унинг соғлом қисмини ажратиб олиб, ўн тўққиз ёшлилар системали равишда ғаллани қўлга киритиш, йиғиш ва олиб кетиш бўйича ҳарбий ишларга сафарбар қилинсин. Тартиб-интизомни бузганларга қарши отиш ҳукми жорий этилсин», деган жумлаларини даҳшат билан ўқийётган мужик тарафини олгани ростдир? Бунга ўхшаш сўзлар, тушунмаслик, ғалла олди-сотдисидеги оддий бозор муносабатларини қандай қилиб ҳарбий ҳаракатлар билан алмаштириш мумкинлиги, унинг шунақасигаям носоғлом гидрокини хира қилмадимикин? Мана бунга ўхшаш нарсалар дунё тарихида учрамайди: ҳамма нарсани — қалъаларни ҳам, мамлакат ва қитъаларни ҳам босиб олишган, бироқ ғаллани... Нимагадир ақл ишлатиш лозим эди.

Мабодо иш судда кўрилганида Фанни Капланнинг оқловчиси мана шу ҳолатларга диққат қилган бўлар эди. Устига устак ҳакам беғараз, ҳалол, зиёли, мустақил фикрлайдиган Анатолий Фёдорович Конидек бўлса-чи!

* * *

РАИС А. Ф. КОНИНИНГ ЁҚЛОВЧИЛАРНИНГ МАЖЛИСЛАР ХОНАСИГА КИРИШДАН ОЛДИН-ГИ ТИЛАГИ: «Жаноб ёқловчилар! Суд музокаралари тугади ва сизлар энди ўз ҳукмларингизни айтишларингиз даркор...

Судланувчининг муайян жиноят бўйича айбдорлиги масаласи таклиф этилганда, табиийки, сизда энг аввало икки савол туғилади: мазкур иш ким томонидан амалга оширилган ва нима билан тугаган... Сиз шунга ишонч ҳосил қилишларингиз керакки, кўз ўнгингизда ўз хатти-ҳаракатини англаб етган ва шунинг баробарида қилмиши учун бутун масъулликни зиммасига оладиган киши ўтирибди.

У ёки бу жиноий иш амалга ошганини билишнинг ўзи камлик қилади! Билишингиз зарурки, у нима учун амалга оширилган, яъни судланувчининг мақсадини, ниятини ўзингизча ойдинлаштириб олишингиз керак.

Шундан сўнг умумий савол туғилади: ҳодиса қандай ақидага кўра рўй берган, судланувчининг рўпарангизда ўтиришига нима сабаб бўлган?

Бу масалаларни ечишда нисбатан осон нуқталар бор... Шунинг баробарида мураккаб ўринларни ҳам бор. Улар асосида, албатта бу хатти-ҳаракатнинг ботиний жиҳатларини тадқиқ этиш зарур. Биргина далил ҳеч нарса бермайди ва берганда ҳам жуда оз нарсани англатади. Қотиллик ана шундай... Лекин у мутлақо ҳар хил ҳолатда юз бериши мумкин...

Аммо мазкур айблов ишида суиқасд тўғрисидаги масала кўтарилган. Сизга суиқасднинг нима эканлиги кундалик ҳаётдаги ҳодисалардан маълумдир. У турли-туман бўлиши мумкин...

Мабодо сиз судланувчини биринчи ёки уч масалада ҳам айбдор деб топсангиз, хатти-ҳаракатнинг шарт-шароитига қараб сиз унга илтифот қилишингиз мумкин. Бу шарт-шароитни сиз кенг маънода тушуна оласиз. Бунга кўз олдингизда айбдорнинг шахсияти гавдаланган ҳамма жиҳатлари киради. Илтифот учун асосларни муҳокама қилишингизда, сиз кўз ўнгингизда намоён бўлган Засуличнинг ҳаётини ёдда тутишингиз керак. Унинг бироз хотиржам, анда мутаассир ҳамда тева-рак-атрофдаги ҳаётга бўлган анчайин аччиқ муносабатини шакллантирган омилларни қайғули, саргардонликда кечган, алам-изтиробларга тўла ёшлиги билан изоҳлашингиз мумкин ва шундагича сиз илтифот учун асос топа оласиз...

Ишни хотиржам ва диққат билан муҳокама қилингизлар...»

Маданиятли, ҳуқуқий давлатга хос, батариб суд қурилмаси аломатларини ер юзидаги янги ҳокимият сидириб ташлади. Унинг ўрнига нима таклиф қилинган эди? Ҳуқуқсизлик, ўзбошимчилик, шафқатсизлик. Улар нима берди бизга?

Фанни Капланни айблашда юқорида биз танишган кўрсатмалар ҳам асқотиши мумкинмиди? Биз билган нарсаларнинг ҳаммаси қарама-қарши, мантисиз, аксарияти мужмал ва билвосита. Бундай асослар билан суд бўлмаслиги мумкин эди. Уюшган гуруҳнинг мавжудлиги ҳам исботланмаган эди. Фаннининг ўзи эса буни мутлақо бўйнига олмаган, шунингдек, бу суиқасдга эсерлар партиясининг алоқадорлигини ҳам расман айтмаган. Буларга қарамай воқеалар тайёрланган сценарий бўйича давом этган. Жамоатчилик фикрини шакллантириш амалиёти кучга кирган эди (кейинчалик бу ҳол 20—30-йилларда фармойиш бўйича жазолашга асос бўлди).

«Известия ВЦИК» газетасининг 1918 йил 1 сентябрь сонида қуйидаги маълумот берилган: «Қамоққа олинган... социалист-революционерлар партияси Чернов гуруҳининг аъзосидир. Октябрь ёрбў тўнтаришларига у ниҳоятда салбий муносабатда ва тамоман Таъсис мажлисини ёқлайди... У жон-жаҳди билан ҳамроҳлари ҳақида маълумот бермасликка тиришмоқда... Гувоҳлар кўрсатмасидан маълумки, суиқасдда бутун бошли гуруҳ иштирок этган, ўрт. Ленин автомобилга яқинлашган пайти у бир неча кишилар билан гаплашаётган киши қиёфасида кўлга олинган. Дарвозадан чиқишда одамлар тикилиш ҳосил этишган... Бир неча киши ушланган. Тергов комиссиясининг раиси ўринбосари Петерс».

Ушбу хабарда Капланнинг ўз сўзидан олинган кўчирмалардан бошқа барча шарт-шароитлар нотўрики, бу суд аввалдан тайёрланган йўналиш бўйича давом этганидан далолат беради.

Икки кун ўтган, худди шу газетада яна бир шов-шувли хабар босилади: «Кеча Бутунроссия Фавқулодда Комиссиясининг газетадаги эълонига мувофиқ, митингга иштирок этган ишчилардан бири КАПЛАНДАН ТОРТИБ ОЛИНГАН револьверни келтириб берди! Уқдонда элти ўқнинг отилмай қолган учтаси мавжуд эди. Револьверни кўздан кечириш ва гувоҳлар кўрсатмаси туфайли ўрт. Ленинга уч марта ўқ узилганлиги аниқ қайд этилди.»¹

¹ Инқилоб юрагига узилган ўқ. 114—115-бетлар.

Мазкур «шов-шув» мундарижасидан сохталик тутуни бурқсиб турибди. Гиль мутлақ аниқлик билан ҳар икки ҳолатда ҳам револьвер унинг оёғи остига отиб юборилгани ва ҳеч ким уни олмаганини, ҳатто бирон киши оёғи билан машина тагига туртиб юбормаганини айтган эди. Капландан револьверни ҳеч ким ТОРТИБ ОЛГАН эмас. Жиноят содир бўлган жойдан ашёларни олиш ФАҚАТ шохидлар иштирокидагина амалга оширилади ва бу ҳақда баённома тузилади. Бундай ҳужжат мавжуд бўлмаса ашёвий гувоҳлик ўз кучини йўқотади ва суд томонидан эътибордан соқит қилинади. Бу мезон инқилобгача бўлган Россия судларида мавжуд эди, ҳозир ҳам шундай, аммо ўзбошимчалик ва ҳуқуқсизлик ҳукм сурган даврда улар зарур эмас, деб бир чеккага суриб қўйилган эди.

«Онгли» пролетар олиб келган револьвер билан Ленинга ўқ отган револьвернинг айнан ўхшашлигини, қуролда қолган ўқ билан танага теккан ўқнинг бир хиллигини баллистик эксперт ўтказиш билан аниқлаш мумкин. Бундай тергов ҳаракатларисиз шахсининг айбдорлигини исботлаш МУМКИН ЭМАС. Ривожланган мамлакатларда оқлаш ҳукми келтирилган асослар билангина яш топади.

Капланнинг оқловчиси (албатта агар у бўлганида) суд учун яна бир гувоҳ бўлардики, унинг кўрсатмаси ёқловчиларни ҳам ва судни ҳам шубҳа остига қўйиши мумкин эди. Сўроқда у Капланнинг сургундош ўртоғи, Бутунроссия Фавқулодда Комиссиясига кўрсатма берган В. М. Тарасовани чақирган бўлар эди.

ВЕРА МИХАЙЛОВНА ТАРАСОВАНИНГ СЎРОҚ ПРОТОКОЛИДАН: «Мен 1906 йилда Екатеринбург шаҳрида портловчи моддаларни сақлаганим туфайли судланганман. 4 йил каторгага ҳукм қилинганман. Ҳукмини Нерчинск каторгасида ўтаганман. Мен ўзим билан бирга каторгада бўлган ҳамма аёлларни танийман, жумладан Фанни Капланни ҳам, у бу пайтда КЎР БЎЛИБ ҚОЛГАН ЭДИ! Фанни назаримда, 1909 йил январидан бу дардга чалинган эди, шу чоққача у сурункасига 2—3 кун кўрмай қоларди. Дўхтирлар кўрмай қолиши сабабларини ҳар хил изоҳлашарди. Қорачиқлари ёруғни сезарди. Бу кескин бош оғриғига узвий боғлиқдир. Читада,— мен бу пайт хорижда эдим, назаримда, 1912 йили эди,— унинг яна кўзи очилди.

У ҳарбий-дала суди ҳукмига кўра УЛИМГА МАҲКУМ этилган ва сўнг бу жазо умрбод каторга билан алмаштирилган эди.

Мен хориждан ўтган йилнинг июль ойида қайтиб келдим... Мен эътиқодим бўйича социалист-революционерман. Ҳозир... сиёсий ишларга аралашмайман. Мавжуд сиёсий шарт-шароитда йўл топа билмайман. В. Тарасова. Сўроқ қилувчи В. Кингисепп».¹

Бу кўрсатмалардан сўнг ҳимоячи шуни мана бу тарзда давом эттириши мумкин эди: нега Гиль ҳодиса рўй берган вақтни куннинг ёруғроқ палласига кўчиргани энди сизга аёндыр? Батулин нима учун иккинчи кўрсатмасида Капланни завод тасарруфидан ва оломон орасидан «олиб чиқмоқда»? Негаки кўз ўнгимизда қоронғиликда нишонни тўғри ололмайдиган, бунинг устига одамлар орасида ўқ уза ололмайдиган кўзи ожиз аёл турибди.

Барибиром суд Фанни Капланни отган, деган хулосага келди деб тахмин қилайлик. Бундай шароитда суд жавобгарлик масаласини ҳал этиш учун айбни юмшатадиган ҳолатга, яъни оқловчи А. Ф. Кони диққат берган нарсаларга қаратиши лозим эди. Засуличникига ўхшаш ҳоллар Капланда кўпдир: биринчидан, инқилобий фаолият, илгариги қамоқ, асабийлик ва ҳаяжонланиш; иккинчидан, фақат унинг ўзига тааллуқли: узоқ вақт қамоқда бўлиши: уни каторгада адо этиши, кўзининг кўрмай қолиши жабрланувчи учун оғир жароҳатлар етказилмаганидир (бу ҳақда сал кейинроқ гапирамиз).

Мен бир ҳолат ҳақида тўхтамадим, энди шу хусусда бир неча оғиз сўз. Ишда Капланнинг кўрлиги ҳақидаги гувоҳлик пайдо бўлиши билан суд албатта суд-медицина экспертизасини ўтказиши лозим эди, судланувчининг кўзи ростдан заиф бўлса, унинг хулосаси ҳамма нарсага, ҳеч қандай истисносиз гувоҳлар кўрсатмасигача қора чизиқ тортиши мумкин эди. Иккинчидан, ишда Капланнинг ҒАЙРИТАБИЙ КЎРИНИШИ, АЖАБТОВУР КЎРИНИШИ ҳақида қатор таъкидлар борки, булар суд-асаб экспертизаси ўтказиш мажбурийлигини тақозо этади. Бордию Фаннининг ғайришўрлий ҳолатдалиги аниқланса-чи? Бу ҳолда унинг судланиши мутлақ мумкин эмас эди. Ҳа, айнан судланиши! Фавқулодда Комиссияда эса ҳаммаси олдиндан ҳал қилинган ва фақат қарор чиқариш қолган эди, холос.

* * *

Н. П. КАРАБЧЕВСКИЙ ХОТИРАЛАРИДАН (рус адвокати): «Ҳимоячи П. А. Александровнинг кучли ва ифодали нутқидан сўнг у (Вера Засулич) тантанали вазиятда зал тўла одамларнинг тўхтовсиз қарсақлари остида оқланди. Кўплар қувончдан йиғлаб юборишди, аёллар Александровнинг кўлидан ўпич олишарди. Мен уни ҳакамлар ур-сури орасида кўчага кузатиб қўйдим, кўчада ҳам унинг шаънига бўлган хитоблар янгича бир алфозда давом этди».²

* * *

«ИЗВЕСТИЯ ВЦИК»НИНГ 1918 ЙИЛ 4 СЕНТЯБРЬ СОНИДАН: «Кеча Бутунроссия Фавқулодда Комиссиясининг қарори билан ўрт. Ленинни ўққа тутган эсер аёли Фанни Ройд (у Каплан эди-ку) отиб ташланди». П. Д. МАЛЬКОВ ХОТИРАЛАРИДАН: (Москва Кремли коменданти): «Мени Аванесов чақириб олди ва Бутунроссия Фавқулодда Комиссияси қарорини кўрсатди: Каплан отиб ташлансин, ҳукми Кремль коменданти Мальков ижро этсин!..»

С. УШЕРОВИЧНИНГ «ЧОР РОССИЯСИДА УЛИМ ҚАТЛИ» КИТОБИДАН: (Харьков, 1933 йил): «Ҳамиша эмас, айниқса народоволчиларни қатл этиш (1879—1881) даврида жаллодларни дарҳол топишарди. В. Дубровинни қатл этиш чоғида (1879 йил, апрель) ўлим ҳукмини бажарадиган киши-

¹ «Пролетарская революция», 181-бет.

² В. И. Смоларчук. «Сўз арбоблари ва намоёндалари», «Юридическая литература», 1984 й. 29-бет.

ни анча пайт учрата олмаганлар, негаки, 1869 йилдан бери пойтахтда (С. Петербург) жаллодлар яшамас эди.

Варшава губернясидан 1879 йил 17 апрелида қуйидагича жавоб олинган: 1863—1864 йилларда ўлим ҳукмини бажарган жаллод УЛГАН ВА ҲОЗИР ДОИМИЙ МАОШ ОЛИБ ИШЛАЙДИГАНИ ЙУҚ...

Анча вақт ўтгандан кейин ёзилган ҳужжатдан кўчирма келтираман, бу сургун этилган каторгачи, «жаллодлик вазифасига ишга киришни самимий истовчи» Гончаренконинг илтимосномасидан: «Мени эҳтиёжлари юзасидан тугиб туришган ота-онамга менинг одамларни қатл этишим, жаллодликка илтимоснома берганимни хабар қилишибди; ота-онам ва хотиним мени оқ қилишди...»

Инқилобгача бўлган Россиядаги ахлоқ ана шундай эди.

П. Д. МАЛЬКОВ ХОТИРАЛАРИДАН (давоми):

«— Қачон?— деб сўрадим мен Аванесовдан.

— Бугун...

Аванесов ҳузуридан кескин юз ўгириб чиқдим ва ишхонам — комендатура томон йўналдим. Менинг буйруғимга биноан соқчи Капланни хонадан олиб чиқди...

Бу 1918 йилнинг 3 сентябрь куни кундуз соат 4 атрофида содир бўлган эди.

Қасос олинди. Ҳукм ижро этилди. УНИ МЕН — БОЛЬШЕВИКЛАР ПАРТИЯСИНИНГ АЪЗОСИ ОТИБ ТАШЛАДИМ... ЎЗ ҚУЛИМ БИЛАН...»¹

Бу эса юксаклик ва тубанликнинг фарқини сезмаган янгича ғоядаги кишилар ахлоқи эди. Яқинда бу ҳодисанинг яна бир тафсилоти ҳақида хабар эълон қилинди.

«Екатеринбург фожиясидан кейин бензин қуйилган Фанни Капланнинг мурдаси темир бўчкада, Александров боғининг қоронғи бурчагида ловуллаб ёнарди. Мурдани денгизчи, Кремль коменданти П. Д. Мальков ёқди. Унга пролетар шеърбози Демьян Бедний мадад бериб турди. («Огонёк» № 30, 1989 й)

Назаримда, Демьян Бедний ўша мурда ёқилганидан сўнг навбатдаги оташин сатрларини ёзган бўлса керак:

**Қайдасан, меньшевик, келақол, кўрқоқ
Даҳшатдан тош қотдинг гезариб лабинг.
Бошларинг ҳам бўлган, қалбингда
Улуғ суд олдида турибсан баринг.
Ҳар ким қилмишига яраша жавоб
Олажак — унутманг асло бу сўзни!
Салом, ишчи ўртоқлар, салом!
Шафқатсиз қасосга чорлайман сизни!**

Ва бунга «ишчи» биродарлар лаббай, деб жавоб беришди. Мана, Нижний Новгород шаҳридан келган телеграмма: «Кеча, 31 августда ўрт. Урицкийнинг ўлими ва ўрт. Ленин яралангани ҳақида хабар олинishi ҳамано Комиссия буржуазиянинг бу иғвогарлигига буржуа лагеридан 41 кишини қатл этиш, буржуйларни ёппасига тинтиш ва қамоққа олиш билан жавоб беришга қарор қилди.»²

«ПРАВДА» ГАЗЕТАСИНИНГ 1918 ЙИЛ, 31 АВГУСТ СОНИДАН: «Урицкий ўлдирилди, Ленин яраланди. Унг эсерлар қўли билан рус иттифоқчи капиталистлар ишчилар инқилобининг бошини кесмоқчилар...

Қотиллар синфи — буржуазия — бўғиб ташланиши керак!»

Биринчидан, 31 августда суиқасдни айнан ўнг эсерлар ташкил этганини ҳеч ким исботлаб берган эмас. Иккинчидан, наҳотки буржуазиянинг барча аъзолари ўнг эсерлардан иборат бўлса? Хитобга на ҳожат: муайян жиноятнинг ташкилотчилари ва ижрочиларини топиш ва аниқлаш ўрнига, бутун БУРЖУАЗИЯ СИНФИНИНГ додини бериш керак! Ва мамлакатимиз бўйлаб, ҳатто бегуноҳ аёллар, қариялару болаларнинг ҳам бошлари уча бошлади. Қизил террор жадал тус олди ва 30-йилларга келиб у «лойиха қувватига эга бўлди!»

ҲАҚИҚАТДАН ҲАМ ФИТНА БУЛГАНМИДИ?

Газета хабарида Ленин цехдан чиқиб келишда уюштирилган ур-сур ҳақида гап борган эди. Ҳақиқатдан ҳам шундаймиди?

Н. Иванов ўз хотираларида ур-сур ҳеч қанақасига атай уюштирилмаган эди, деб эслайди. «Ленин ўз нутқини тугатиб чиқиб кетаркан, унинг йўлини аввал қорачадан келган 16 ёшлардаги, гимназия пальтосини кийган йигит тўсди. У узатган хатни ўрт. Ленин олди-ю, ТУХТАМАСДАН ўз йўлида давом этаверди... Иккита хотин Лениннинг икки ёнидан келди ва улардан бири нима учун темир йўлларда ғаллани олиб қўйишаётганини сўради...»³

ГИЛЬ ХОТИРАЛАРИДАН: «Сўхбат икки-уч дақиқа чўзилди. Владимир Ильич ёнида сал олдинга интилиб, яна иккита хотин турар эди, Владимир Ильич машина пиллапоясига оёғини қўймоқчи бўлганида баногоҳ ўқ узилди.»⁴

Шундай қилиб, Ф. Каплан жазоланган куни, Бутунроссия Фавқулодда Комиссияси органлари томонидан фитна ёки унда Капланнинг ижроси хусусида ҳеч нарса АНИҚЛАНМАГАН. Аммо бу далилнинг ўзиёқ, назаримда кимнингдир ичини таталаган ва тўрт йил ўтиб, гарчи кеч бўлса-да, айбловни мустаҳкамламоққа уринган.

¹ Инқилоб юрагига узилган ўқ. 116-бет.

² Нижегород Фавқулодда Комиссиясининг фаолияти ҳақида маърузадан. Фавқулодда Комиссиялар ҳафталиги. 1918 й, № 1

³ Инқилоб юрагига узилган ўқ. 83—84-бетлар.

⁴ Ленин билан олти йил, 18-бет.

⁴ Ленин билан олти йил, 18-бет.

Х. Петерснинг ўзи тан олади: «Узоқ вақтлар В. И. Ленинга қилинган суиқасд тарихи **қоронғилигича** қолиб келди: фақатгина **сўроқда айбни бўйнига олган** Капланнинг ўқ отганлиги маълум эди. Тан олиш — ишга маълум бўлган яқкаш далилдир. («Кўрсатмалар маликаси» — тан олиш деган гап юзага чиқиши билан совет суд жараёнларининг асосий ва тамал тошига айланди.) Чернов гуруҳидаги эсерлар партиясига аъзолик, бирор партия ташкилоти билан алоқадорликни тан олмаслик каби кўрсатмалар эса муҳим ўрин тутган эмас... Фақатгина 1922 йил февралда хорижда чоп этилган эсерлар партиясининг ҳаракатдаги марказий жанговар отряди бошлиғи Г. Семёнов (Васильев)нинг рисоласи бизга ЕПИҚ саҳифаларни батамом фош этиб ташлади».¹

Лекин Семёновнинг «кашфиётларига» қанчалик ишонish мумкин? Петерснинг ўзи уни «ҳақиқат ошқоралиғи» душмани деб атаган эди. Семёнов ва унга узвий ҳодисалар ҳақида, 1922 йил июнь-август ойларида бўлиб ўтган эсерлар жараёнини адиб А. И. Солженицин «ГУЛАГ архипелаги» асарида қайд қилиб ўтади.

Бой ҳужжатларга асосланган ушбу асарда таъкидланишича, Семёнов ва унинг хотини Коноплева ГПУ (Давлат Сийёсий Бошқармаси) ва Трибунални шубҳа уйғотадиган кўрсатмалари билан бойита бориб, ўзларини оқ қилиб кўрсатишга уринадилар. Пировардида уларга ишонч уйғонади. Эр-хотин эса суд жараёнлари кетаётган пайт бемалол юришади, дам олишади. Улар ўз жонларини сақлаб қолиш учун Давлат Сийёсий Бошқармаси органлари билан тил топишишган, гуноҳларини бекитиш йўлида ҳар қандай ишга қўл урадилар. Демакки, Семёновнинг кўрсатмалари ва китобига ниҳоятда хушёрлик билан ёндашиш керак.

Агар Фанни тирик бўлганида... Ҳодисалар қай тарзда ривожланиши, у трибуналга қандай кўрсатмалар бериши ва шундан сўнг қандай хулосалар туғилиши мумкин эди? Аммо, Каплан қатл этилганига тўрт йил бўлган ва Семёнов билан юзма-юз келиши мумкин эмас эди. Келинг, унинг ҳикоясига диққат қилиб, таҳлил этиб кўрайлик.

Г. Семёнов (Васильев)нинг «1917—1918 йилларда социалист-революционерлар партиясининг ҳарбий ва жанговар иши» китобидан: «...Мен ҳодиса рўй бергандан кейин қувши лозим эмас, чунки бундай пайтда суиқасд ҳаётини қурбон қилиши мумкин, деб ҳисобладим... Каплан мен ўйлагандай иш тутди. Ҳар ҳолда унинг қочиб билиши билан учун Новиковга извошчи-ҳаммол ёллашни таклиф қилдим ва завод қаршисида тайёрлаб қўйишни буюрдим (буни Новиков адо этди)... Новиков атай сурилиб кетиб, эшикдан чиқаётган одамларни тутиб қолди (бу ҳолатга тўхтаб ўтдик ва эркак одам ҳеч қачон эшикни тўсмаган эди)... Каплан СУМКАсидан (Батулин қўлида СОЯБОН ВА ПОРТФЕЛЬ ушлаган аёлни кўрган эди. Уни Гиль такрорлаган эди) револьвер чиқариб, уч бора ўқ узиб... қоча бошлади. Бир неча дақиқа ўтгач, тўхтади ва орқасидан югуриб келаётганларга юз ўгириб, уни қўлга олгунларича кутиб турди.»²

Шундай таассурот қолади: Семёнов анча бурун содир бўлган ҳодисаларни ва маълум ҳақиқатни илгари сурмаяптими?

Шубҳасиз, унинг жон-жаҳд билан берган кўрсатмалари зое кетмади. Бу айбловчининг нутқида, трибунал ва Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети Президиуми қарорларида ҳам яққол кўринади.

Ф. Капланга тегишли ҳолатлар ҳақида Криленко жуда бирёқлама, носамимий гапирган, ҳодиса иштирокчиларининг нима ишларни амалга оширганини ҳисобга олмасдан, асосан, улар орасида бўлиш сўхбатга таянган. Ҳодиса теран таҳлил этилмаган, хулоса эса хом чиқарилган: Каплан ростдан ҳам тил бириктирув бўйича ҳаракат қилганми ёки яқка ўзимиз?

Нутқ охирида, ҳамма судланувчиларни айбдор топган Криленко, Семёнов, Усов, Коноплева ва суиқасднинг бошқа иштирокчиларига кўзда тутилган террор, портлатиш, босқинчилик ҳужумлари жиноий масъулиятлари кўриб чиқиладиган 64, 65, 76-моддаларни, Гоц, Донской, Ратнер ва бошқаларга УЛИМ жазосини қўллашни талаб этади.

Бироқ Криленко баъзи кишиларни БАТАМОМ ОЗОД ҚИЛИШ ҲАҚИДА Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети Президиумига трибунал тавсиянома беришини илтимос қилади... Унинг бу илтимосномаси Семёнов, Коноплева, Усов, Зубков, Пелевин, Федоров-Козловга тааллуқли эди! Улар Ленинга суиқасд қилишда БЕВОСИТА иштирок этишда айбландилар, Семёновга эса ўша заҳарли ўқлар тайёрлашда шахсан қатнашган деган айб қўйилганди.³

Трибунал бунга розилик беради ва Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети Президиумига тавсиянома билан чиқади. Президиум Гоц, Донской ва бошқаларни социалист-революционерлар ташкилотига қатнашгани учун, лекин жиноятга шахсан иштирок этмагани учун ҳукми ТАСДИҚЛАШ, аммо ижро этишни вақтинча ТУХТАТИШга қарор қилади.

Семёнов, Коноплева ва юқорида номлари зикр этилган суиқасд иштирокчиларининг ҳаммасини батамом ОЗОД ҚИЛИШ ҳақидаги Олий Трибунал тавсияномаси ТАСДИҚЛАНАДИ.⁴ Бунисига нима дейсиз? Семёнов ўз озодлигига «ҳалоллик» билан эришдими?

ЎҚЛАР ЗАҲАРЛАНГАН ЭДИМИ?..

«Каплан бир неча марта заҳарланган ўқ узиб, унга оғир тан жароҳати етказди.» (В. И. Лениннинг таржимаи ҳоли. 2-жилд, 1987, 66-бет.)

Н. А. Сел. ашқо ҳам деярли шуни такрорлаган: «...Бу маразлар оддий ўқлар билан эмас, аксинча заҳарланган ўқ билан отишни ўзларига эп кўрганлар. Ҳозир В. И. Лениннинг суиқасддан сўнгги ҳолатини кўз олдимизга келтиришимиз мумкин. Ўқлар унинг хавфли аъзоларига теккан ва тешиб ўтган эди...»⁵

Истаган ўқув қўлланмасида, китобда шафқатсиз ўқлар, албатта, заҳарланган эди, деб эслатилади. Шулар баробарида Капланнинг кўланкаси янада нафратомуз тус олади, қотиллик ҳақидаги

¹ Инкилоб юрагига узилган ўқ. 216-бет.

² Инкилоб юрагига узилган ўқ. 219—220-бетлар.

³ Н. В. Криленко. Суд нутқлари, 98-бет.

⁴ «Пролетарская революция». 296—298-бетлар.

⁵ Инкилоб юрагига узилган ўқ. 92-бет.

тахмин тобора мустаҳкамланаверади. Дастлабки хужжатларда ўқнинг заҳарлангани ҳақида кўрсатмалар йўқ эди. Бу гап биринчи марта расман ўша ўнг эсерларни судлаш жараёнида қўзғалганди.

Семашко Ленин аҳволи ҳақида муҳим «манзара»ни аллақандай кураре заҳари билан боғлайди. Ана энди бу заҳар қандай таъсир этишини биргаликда кўриб чиқайлик: «Кураре кучли заҳар бўлиб, курариндан иборатдир. Қонга ўтганида асаб-фалажликни келтириб чиқаради.» (Қомуший луғат. 1983, 671-бет.)

Бундан шундай хулоса чиқади: заҳар текканда фалажлик, қимирлай олмаслик кузатилиши лозим. Хужжатлар ва шохидлар сўзига диққат қилайлик:

С. Гиль: «Завод комитетидаги ўртоқлар билан ҳамкорликда Владимир Ильичнинг оёққа туришига кўмаклашдик. У бизнинг ёрдамимиз билан... машина олдиғача юриб борди ва орқа ўриндиққа ўтирди... Мен тўғри квартираси ёнига бориб тўхтатдим...»

— Владимир Ильич биз сизни кузатиб қўямиз...

У кескин рад жавобини берди:

— Ўзим кетавераман.

Бизга суяниб, айлана зина бўйлаб учинчи қаватга кўтарилди.»

В. И. Лениннинг таржимаи ҳоли баённомасидан, 1918 йил 30 август: Врач Винокуров Ленинга биринчи тиббий ёрдам кўрсатмоқда.

А. Н. Винокуров: «Мен Владимир Ильичнинг ётоқ бўлмасига келганимда, каравот ёнида яланғоч ҳолатда учратдим... Уни зудлик билан ўрнига ётқиздим... Бир ўқ елка суягини тешиб ўтган... Иккинчиси курагининг орқа тарафидан кирган».¹

Ушбу ёзувдан ойдинки, заҳарланганини кўрсатадиган фалажлик аломатлари йўқ. Фақат ўқ етказган жароҳат бизга равшан, холос!

В. А. Обух (врач, Лениннинг доимий даволовчиси ва кузатувчиси): «Умумий аҳволнинг ёмонлиги қон қуйилишига боғлиқ эмас ҳамда ташвишлантирадиган нарса йўқ. Организмга ўқ билан бирга қандайдир заҳар кирганлиги ҳақида ТАХМИН ҳам айтилди.

Шугина, холос! Мазкур тахминдан сўнг на экспертиза маълумоти, на бир тасдиқ бор. Айтмоқчи, В. И. Лениннинг аҳволи организмда кураредай кучли заҳар бор дейишга асос бўла олмайди».²

Расмий бюллетенлардан:

— №1. 1918 йил, 30 август. Кеч соат 11: «Иккита ўқдан яраланган, томир уриши 104. Беморнинг АҚЛИ—ҲУШИ ТАМОМАН ЖОЙИДА.

— №3. Эртасига, яъни 31.08.18 й. соат 12.00. Бемор ўзини хушчақчақ тутмоқда. Ўпкага қон қуйилиши кўпайган эмас.

— №4. Ўша кун. Соат 19.00: «Ҳарорати 36,9. Умумий аҳволи ва кайфияти яхши. Бевосита хавф ўтиб кетган. Газак олганича йўқ.»

— № 5. Ўша оқшом, соат 24. «Эркин ухламоқда... Томир уриши 104, ҳарорати — 36,7.»

В. И. ЛЕНИННИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ БАЁННОМАСИДАН. 1918 йил 31 август: «Известия» газетасининг хабар беришича, ўртоқ Ленин эрта тонгда биринчи навбатда газеталарни келтиришни сўради... Руҳияти доимо тетик, ҳазил-ҳузил қилади, врачларнинг тавсияларини мутлақо унутган, ҳозир даволаниш мавриди эмас, деб жавоб қайтаради...»

Ярадор ҳеч қачон шол бўлган эмас, устига устак ҳушини ҳам йўқотгани йўқ. Эртасиданоқ ҳазиллаша бошлади ва ишлар билан танишмоқда.

Я. Свердлов 1 сентябрь куни кеч соат 11 дан 45 дақиқа ўтганида Петроградга шундай хабар қилади: «Бемор ҳазиллашмоқда, врачлар жонига текканини айтмоқда... ҳазиллашиб врачларни чапараста сўроққа тутмоқда».³ Жароҳатдан кейинги иккинчи кун ўтиб бормоқда.

2 сентябрдаги № 9 расмий бюллетендан. Соат 9 дан 30 дақиқа ўтган: «Ўзини тетик тутаяпти... Ютуниши ниҳоятда эркин ва оғриқсиз».

3 сентябрдаги № 14 расмий бюллетендан. Кеч соат 12 (яъни Фанни ўқ узганидан 48 соат ўтгач): «аҳволи яхши. Уйқуси тинч».⁴

Шундан икки ҳафта ўтгач, 1918 йил 16 сентябрида Ленин РКП(б) МКнинг навбатдаги йиғилишида иштирок этади, бу ҳақда эртасига Россияга «Известия ВЦИК» газетаси хабар берган.

Эҳтимол, кейинроқ саломатлиги ёмонлашгандир?

В. И. РОЗАНОВ ХОТИРАЛАРИДАН: «...Владимир Ильич барча врачларнинг маслаҳати билан бир неча ҳафта қишлоққа кетди... Сентябрьнинг охирларида Владимир Ильич бизга, даволовчи врачларга — В. М. Минц, Н. Н. Мамо ва менга кўриниш учун етиб келди. Владимир Ильич анча соғлом кўринарди: тетик, нафас олиши ва юрак уриши рисоладагидай, қўли ниҳоятда бақувват».⁵

Орадан тўрт йил ўтди. 20 апрель оқшомида Н. А. Семашко В. И. Розановга қўнғироқ қилиб, эртага Владимир Ильичнига маслаҳат бергани боришни илтимос қилади. «Мен бундан ғоят ҳайрон қолдим ва «Нега?» деб сўрадим. Николай Александрович менга Владимир Ильич кейинги вақтларда бош оғриғидан изтироб чекаётганини айтиб берди. Биз профессор Клемперьер (германиялик йирик профессор, терапевт) билан маслаҳат бердик. Клемперьер (бу оғрик Владимир Ильичнинг организмда қолган ўққа боғлиқлигини, ҚЎРҒОШИН газак олдираётганини назаримда тўғри айтди».⁶

Заҳарланиш ҳақидаги бор гап шу. Заҳар ҳақида ҳеч нарса эслатилмайди, қўрғошин эса технология бўйича ҳамма ўқда бўлади. 1922 йил 22 апрель, яъни туғилган куни В. И. Лениннинг қўлини рентген суратига олишдади ва эртаси кунни танасидаги ўсимталарни кесиб ташлайдилар. Ўқ терининг юза қисмида бўлгани учун В. И. Розанов операцияни амбулатория шароитида ўтказишга

¹ Инқилоб юрагига узилган ўқ. 98—100-бетлар

² Уша ерда, 106-бет.

³ Уша ерда, 151-бет.

⁴ Уша ерда, 195-бет.

⁵ Уша ерда, 195-бет.

⁶ Уша ерда, 242-бет.

жазм қилади, сўнг Ленинни уйга кетишига рухсат беради. Бироқ, ёрдам учун махсус келган немис профессори Борхард бунга эътироз билдиради ва Владимир Ильич кечаси В. Розанов ва ҳамшира В. Нечкина кузатуви остида касалхонада қолади. У эртасига касалхонани шодон кайфиятда тарк этади.

* * *

Қорли тоғларда эҳтиётсиз узилган ўқ қор кўчишига олиб келади, кўчки аста-секин тезлашиб, бошқариб бўлмайдиган кучга эга бўлади ва ўз йўлида учраган барча нарсани — уйлару қўрғонларни, одамлару хайвонларни, дарахтзору боғларни битта қолдирмай домига тартади. Алқисса, Ф. Каплан отган ўқ ҳам ҳаётга ваҳшатли «қизил» кўчкисини бошлаб келади. Кўчки тезлигини ошириб, шаҳарлар ва қишлоқларни ямламай ютиб, кексаю ёш, ҳатто гўдакларни, бой ва камбағаллар қисматини поймол этаверди. Фанни Каплан ўз айби билан деворларга тиралаётган, жарликларга итқилаётган, дарё ва денгизларга чўктириб ўлдирилаётган халқни кўриб, эҳтимол, ўзининг қурол кўтарган қўлини кесиб ташлаган бўлар эди. У агар ўз хатти-ҳаракатини, аввало Вера Засулич ўлчаган ғояларга таққослаганида ҳам бунчалик қонли қасос олинишини тахмин қилмаган эди. Фанни фақат ВАҚТ УЗГАРГАНИНИ эътибордан четда қолдирганди.

Ҳар қандай зўравонлик ва қотиллик, жумладан доҳий В. И. Ленинга қилинган суиқасдни мутлақо кечирмаган ҳолда, тарихда рўй берган мазкур «сирли ҳодиса»га ва шу тўғайли улкан мамлакатда авж олган шафқатсиз жазолашлар, ҳуқуқсизликнинг уричи кетиши ҳам ҳозирги замон талабидан келиб чиқиб, янгича ёндашишни тақозо этади...

Донолар шундай дейишган экан...

* * *

Буюк одам хато қилганда ҳам, бахтсизлик дамларида ҳам ўзини йўқотмайди.

Журъат бўлса ҳамма ишни бошлаш мумкин. Бутун гап бошланган ишни самарали аяқуллашда.

Табиий бўлмаган бирор нарса мукамал ҳам бўлолмайди.

Даҳо мумкин эмас билан қийинни ажрата билиш қобилиятдан таркиб топади.

Аҳмоқ одам зериктиради, эзма одам жондан тўйдиради.

Хотирасиз одам — лашкарсиз қалъа.


Душманларимни ўзим эплайман, мени дўстларимдан асра, худойим.

Мақсад ва тадбирнинг мос эмаслиги аҳмоқликнинг бош хусусиятидир.

Вазият тўғайли тўғилган иллатлар ҳам, ҳимматлар ҳам бўлади.

Улуғ саркардалар қозонган ғалабаларнинг сабабини излар экансан, ғалабани таъминлаш учун улар ҳеч нарсадан қайтмаганликларини кўриб ҳайратланасан.

Кимки юксакда, ҳамманинг кўзи олдида турар экан, жўшқин ҳаракатлардан ўзини тия билмоғи лозим.



ШЕЪРИЯТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

Ойдин Ҳожиева. Тамал тоши. Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1988 й.

Ишонч юлдузлари. «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент — 1989 й.

Ойдин Ҳожиева кўпдан бери китобхонларга шеърятимизга ўзига хос оҳанг, жозоба олиб кирган шоира сифатида танишдир. Унинг аксар шеърлари шаклининг содда, равон, нафислиги билан кишини ўзига мафтун қилади. Энг муҳими уларда ўзбек аёлининг ғам-ташвишга мўл, содда, безовта қалби, меҳри ва назокати жилोलаниб туради.

Шоиранинг ҳар икки тўпламида жамланган шеърлар ватан, она-юрт, табиат, севги-садоқат, меҳр-оқибат, имон-этиқод, умр ва бахт каби ранг-баранг мавзуларга бағишланган. Ойдин кўлига қалам ушлабдики, ижоди табиатга ҳамоҳанг бўлиб, ундан беҳисоб илҳом, бадийий чирой олиб келмоқда. Унинг шеърларини ўқиганда табиатнинг беадад гўзаллиги, абадий ва мангу қудрати олдида чуқур ўй суриб қоламиз. Дарҳақиқат, унинг зангори уфқлари, ҳовлиқма жилғалари, ям-яшил тепалари, осмонўпар қорли чўққилари, илонизи азим дарёларида озмунча гўзаллик борми? Табиатнинг ушбу бир-бирига ўхшамас, рангоранг жозибаси, сокин улғувор санъати олдида не-не тиллар лол бўлиб қолмаган дейсиз? Ҳа, табиат нафис ранглар, мусиқий куйлар, ноёб қўшиқ ва турфа бўёқларнинг ҳеч туганмас маконидир.

Ойдиннинг «Олмазорда» шеъри шу жиҳатдан, айниқса, эътиборга моликдир. Шоира шеърида кишининг ҳавасини келтирадиган, қўйни баҳорга тўлиб турган олмазор манзарасини чизади. Лекин бир тўда бераҳм кишилар ўз манфаатларини кўзлаб, мана шу нафосатни оёғоси қиладилар. Улар яшнаб турган боғ ўрнида уй қурмоқчи бўлиб, унга арра соладилар, бульдозерда суғуриб, уни йўқ қиладилар. Шоира бу ҳодисага ачиниб, ўз ҳиссий муносабатини шундай ифодалайди:

**...Ариқ бўйида бир саф
Чаман гулли тоғолча.
Қолди бу долга йиғлаб,
Қўлида оқ рўмолча.**

Биз тарбиясизлигимиз, тўпори, калтабинлигимиз натижасида кўп яхши нарсаларимизни йўқотиб қўйдик. Аввало табиатга онгли, инсофли муносабат издан чиқди. Ноёб мева, ўсимлик турла-

ри, боғ-роғлар йўқ бўлиб кетди. Тома-тома кўл бўлур деганларидек, охири бу ҳодиса «Қизил китоб» деган тушунчани ва бутун жаҳон миқёсида эса табиатни муҳофаза қилиш деган улкан муаммони келтириб чиқарди. Биз инсоният томонидан амалга оширилган ва ҳозир ҳам ҳеч тўхтамаётган иллатларнинг азобини тортаётимиз. Шоира шеърида қилаётган ишларининг оқибатини ўйламайдиган ана шундай руҳсиз, ҳиссиз кимсаларга нисбатан ўз нафратини рамзий маънода оппоқ бўлиб гуллаган, тоғолча образи орқали жуда таъсирли ифодадай олган.

Шоиранинг «Дунё» шеърида ҳам табиат ва олам гўзаллиги, ҳаётни сақлаб қолиш масаласи ўртага қўйилган. Зиёлилар орасида ҳозирги дунё миқёсида тўпланган атом бомбалари портлағудай бўлса, Ер шари ўз ўқидан чиқиб кетиб, олам тортилиш қонунини бузиб юборади, деган фикр юради. Лирик қаҳрамон одамлар ва дунёнинг мазкур таҳликали аҳволдан жиддий ташвишга тушади:

**Юрагимга ларза тушар дафъатан
Ям-яшил турарми шу боғу бўстон!
Отилиб кетмасми Ер меҳваридан
Дунёнинг юраги бўлмасми вайрон!**

Бу шеър қурол-ярроғларга тўлиб-тошиб, гўё қил устида қалқиб турган ҳозирги дунё ҳолатини тасаввуримизда гавдалантиришга ёрдам беради. Шеърни ўқиб, олам, табиат, бутун ҳаётимиз нечоғлик хавф остида турганлигини ҳис қиламиз. Шоира «Мардлик», «Омонлик майдонида ўйланларим», «Улар келмоқдалар» каби шеърлари билан одамлар, табиат — Она сайёрамиз ҳаётини издан чиқарган урушларни қоралайди.

Ойдин Ҳожиева қайси вазнда, нима ҳақида ёзмасин ёниб, бахшилардай завқ-шавққа тўлиб, онадай меҳр билан ёзади. «Мен шеър ёзсам яйраб ёзайин, сўзга меҳр сайлаб ёзайин» дейди шоира. «Қўшиқ» шеъридаги: «Мен юракнинг сувратиман ўчмас, ягона!» деган хитоби ҳам шу фикрга ҳамоҳанг жаранглайди.

Шоиранинг бу шеърий сатри китобхонни ўйлантириб қўяди. Нега у ўзини юракнинг сувратига ўхшатапти? Бунинг қандай маъноси бор?

Бу икки шеърини парчада тасвирланган Меҳр ва Юрак образлари шоира ижодининг олтин топилмаси дегим келади. Чунки унинг лирик қаҳрамони мана шу икки улкан асос, негиздан ўсиб чиқиб, китобхонни мафтун қилади.

Меҳр — бу инсон қалби, туйғуларининг шифобахш гулидир. Шул гул, меҳр туфайли одамлар бир-бирлари билан дўст, иноқ, севиб-севилиб яшайдилар. Меҳр йўқ жойда уларнинг хатти-ҳаракати, юриш-туриши, оиласи ва ижтимоий ҳаётида маъно қолмайди. Турмуш, ҳаёт ўзининг

энг керакли нарсаи, туб файзини йўқотиб қўяди. Биз Октябрь инкилобидан кейинги ҳаётимизни оқилона асарларда қура олмадик. Одам боласини одам қилиб тарбиялайдиган моддий ва маънавий шароитлар яратилмади. Натижада меҳр ўрнига меҳрсизлик ривожланди.

Меҳрсизлик ёмон иллат. У кишилар ўртасида совуқлик, айрилиқ, раҳмсизлик ҳолатини уйғотиб, ҳаётдан бешиш, ҳатто ундан нафратланиш кайфиятларини ҳам туғдиради.

Шоира ўзини юракнинг сувратига ўхшатиб, лирик қаҳрамонига жуда ҳаётӣй, рамзий маъно бера олган. Юрак инсонга ҳаёт мўъжизасини бериб, то унинг сўнгги нафасига қадар тиним билмай ишлайди. Шоира ўз дил қаҳрамонини шунга қиёс қилади. Бу қаҳрамон меҳрли, раҳмдил, имон-этиқодли, урқадый фаол инсон.

Ойдин Ҳожиева кўпинча покиза этиқод билан ҳаётни куйлайди. Унинг гўзал томонларидан чинакамига завқланиб қувонади. Бу ҳол шоира ижодда ажойиб бир йўналишни — севги, садоқат, шодлик ва бахт таронасини келтириб чиқаради.

Шоиранинг «Сен борки...», «Эй муҳаббат...» каби бир қатор ижод намуналаридан киши умрини безовчи, ҳаётини гўзаллантирувчи «яратувчи» муҳаббатнинг қудратини сезамиз. «Сен борки...» шеърда лирик қаҳрамон муҳаббатнинг мўъжизакор кучидан боши осмонга етгудек бўлиб қувонади:

Яшамоқ!

Осмонга етади бошим

Бу оддий, меҳнаткаш сўз қудратидан.

Кўзимдан тирқираб кетади ёшим

Қуёш исли ёруғ дунё бахтидан!

Парчадаги «Қуёш исли ёруғ дунё бахти...» мисрасига диққат қилинг. Севгидан тунилган бу туйғу жавоҳирида шоиранинг ҳаётимизга бўлган муҳаббати, юксак эстетик баҳоси ўз ифодасини топган. Унда ҳаёт ва ҳаёлот ранглари аралашиб, кутилмаган жозоба бериб турибди. Лирик қаҳрамоннинг севгиси унинг табиатига мос қилиб чизилган. У ҳаётда фаол, гўзал турмуш тарафдори. У яшамоқ, ҳаётни гўё мангу пролаб, яллиғланиб турган олов, «ишқ бўлиб туғён урган куч!» деб тушунади. Бошқача ҳаётни тан олмайди.

Ҳаётни улуглаш жиҳатидан унинг «Ҳаёт гўзал» шеъри юқоридаги шеърга яқин туради. «Ҳаёт гўзал» — бу турмушнинг минг бир қийинчиликларига қарамай, «бари бир ҳаёт гўзал» деб яшаш хуморида ёнган инсоннинг оташин муҳаббати ҳақидаги шеърдир. Унинг руҳига шоира Навоийнинг «Хушдурур боғи коинот гули, барчадин яхшироқ ҳаёт гули» ҳикматини сингдириб юборгандай кўринади. Шеър китобхоннинг яшаш завқини оширади, умрни қадрлашга, ҳаётсеварликка ундайди.

«Муқимийнинг ҳужраси», «Боғ», «Ойбек», «Куйчига гулчамбар» шеърларида шоира адабиёт ва санъатимизнинг ажойиб намоёндалари Муқимий, Усмон Носир, Ойбек, Ботир Зокиров сиймоларини жонлантиришга интилади. «Бу шавқ аро», «Кўкда сутдай тошади булут», «Бахт — тўрғайдир сайрабон», «Сен қайбимга қайғулар экдинг», «Бахт кулган чоқ», «Кун ботарда», «Ой боқади бир сокин», «Қор ёғар кўк пештоқидан», «Кўнглим узгим келмайди» каби шеърлари ҳақида ҳам илиқ гаплар айтиш мумкин. Булар шоира истеъдодининг йўналиши, табиатини кўрсатиб турувчи шодон, қувноқ кайфият билан ёзилган. Шунинг учун улар китобхон қалбини масрур, ёқимли хисларга тўлдирди. Бу шубҳасиз яхши фазилатдир. Аммо мазкур хислатнинг бир қалтис жиҳати ҳам бор. Ижодкор ҳаётнинг яхши,

ёруғ томонлари ҳақида кўп сўзлашга мойил бўлганлигидан ўзи сезмасдан мадҳиябозлик йўлига тушиб қолиши мумкин.

Яхшиямки, бундай сатрлар шоиранинг кейинги тўпламларида кўп эмас. Ойдин шеърларининг асосий қисмини ҳассос қалб билан ёзилган соғлом, гўзал ижод намуналари ташкил қилади. Бу фикрни «Болалик достони» номли асари ҳам тасдиқлайди.

Мазкур дoston иҳчам-иҳчам қилиб ёзилган беш бобдан иборат. Биринчи қисмда шоиранинг болаликдаги дугоналаридан бири Сангинойнинг қайғули ҳаёти тасвирланади. Сангиной ҳаёт ҳодисаларидан тез таъсирланадиган, тортинчоқ, серташвиш бир қиз. Отасидан келган қора хат уни дилхаста қилиб қўяди. У ота соғинчида сарғайиб, ўлимга юз тутайди.

Асарда фожейиликни кучайтирадиган яна бир нуқта бор. Бу Гулсум хола образи билан боғлиқ. У ёстиғининг тағида ўқ тешган сувратга тикилиб, урушда ҳалок бўлган ёлғиз ўғли Аббор доғида куйиб оламдан ўтади. Ойдин Ҳожиева Сангиной, айниқса Гулсум хола ўлимни суратлантиришда таъсирли чизгилар ва тафсилотлар топган.

Дostonнинг энг ёрқин чиққан жойи, бу — «Зум-зум» шаҳар» қисмидир. Мазкур бобда болаликдаги ўйинларининг ҳақиқий завқи, манзарасини яратган. Умуман бу асар халқ дostonларидай жозибали тилда ёзилган. Шунинг учун у енгил, завқ билан ўқилади. «Болалик достони» тинч ҳаётни улуглаб, урушни қоралашга бағишланган яхши асарлар жумласига киради.

Шундай бўлса-да, асарнинг бир жойи китобхонни қаноатлантирмайди. Бу салбий қаҳрамон — Эш синчи тасвирига тааллуқлидир. Эш синчи Сангинойга отасидан келган қоракхатни адоват юзасидан суюнчи деб тутқизади. Эш синчининг Сангиной отаси ёки оиласига аниқ қандай адовати бор эди? Дostonда шу муҳим чизги кўрсатилмаганлиги учун Эш синчининг хатти-ҳаракатлари бироз ишонарсиз бўлиб чиққан.

Шоиранинг «Ишонч юлдузлари» тўпламидаги кўпчилик шеърлари ҳозирги кун муаммоларига, «юррак яралари очилган юрт...» дардига бағишланган.

Мазкур тўплам Ойдиннинг ошкоралик йўлидаги дадил қадами, унинг шеърларида эҳтирос, миллий руҳ кучайганлигини, граждонлик туйғуси баландлашганини кўрсатиб турибди.

У «Қарз» номли шеърда ўзбек миллати бошига тушган бугунги қулфатларни аввал сезмаганидан, ҳис қилмаганидан изтиробга тушиб, шундай дейди:

Айқирган Оролингни

Шўр босгани бир увол.

Нечун мени эртароқ

Уйғотмади бу савол!

Тўғрини ёқасидан

Эгрилик олганида,

Гоҳ ҳақиқат боши ҳам,

Эгилиб қолганида,

Қандай қилиб менинг, оҳ!

Еб ичганим ош бўлди!

Сен ипак бўлдинг, тупроқ,

Менинг бағрим тош бўлди...

Бу шеър очарчилик йиллари халқимиз «арпа, бўғдой оч бўлди, олтин, кумуш тош бўлди» деб тўқиган қўшиғига ҳамоҳанг. У пахта бойлиги деб Оролни қуритган, зар тупроғимизни заҳарга тўлдирган кимсаларга «оғзига талқон солиб» кўмаклашган, ўз ерини ўзи ҳимоя қилолмаган, индамас, ҳуқуқсиз миллатимизнинг афсусли нидосидир.

«Екатерина Ивановна Калининага» шеъри машъум ўттиз еттинчи йилга бағишланган. Шоира ўша йиллари «энг оддий инсоний ҳуқуқдан жудо» қилинган «на қабр, на тобутсиз... минглаб бекафан» бегуноҳ ўлдирилган кишиларга ачинаркан, «халқлар отаси» Сталинини «Заҳдоқ елкасида уйғонган аждарга» қиёслайди.

Уша «Қора қуёш», «аждар»ларнинг даҳшати, сиёсати тўфайли халқимиз ўта кўрқоқ ва индамас, итоатгўй бўлиб қолди. Шунинг учун бутун мамлакатимизда фаоллик билан бошланган қайта қуриш жараёни бизнинг жумҳуриятимизда ниҳоятда ўзига хос тарзда кечаётир. Ана шу ўзига хослик, қоқоқликни шоира «Антиқа сайлов» номли шеърида яхши сувратлантириб берган.

Сатрлар замирида аччиқ ижтимоий пичинг, истеҳзо бор. Айниқса «Чўбир отга тилла така қоқдилар, сўнгра мубораклаб, хушнуд боқдилар» байти биздаги демократик сайлов аҳволини кўзгудагидек акс эттириб турибди. Шоира халқ дарди, ташвишларидан йироқ, ҳамон кимларнингдир манфаати ва кўрсатмаларига асосланиб ўтказилаётган сайловлар устидан кулади.

«Бадрия», «Муллаतोш қишлоғида яшаб кетган кавказлик Мехрала чўпоннинг саҳарги ибодати», «Яна ўша чўпоннинг қизи Гулпошшанинг тўйида қуёви ўзбек Ғофиржонга деганлари», «Хайрлашув» деб номланган туркум шеърларида эса халқ дostonлари оҳангида ўзлигини қадрлаш, юртсеварлик, оила тотувлиги, халқлар дўстлиги ғоялари тараннум қилинади.

Шундай бадият, халқчил руҳ шоиранинг «Айтим» шеърида ҳам буртиб туради. Муаллиф халқ дoston ва эртақларидан мисоллар келтириб, ўтмиш билан ҳозирги ҳаётимизни қарама-қарши ҳолда чизади, шу усулда боласевар ўзбек халқининг образини сувратлантиришга интилади. Шеърни ўқиган китобхон очилмай ҳазон бўлаётган беҳисоб «ғунчалар» фарёдини, ўз жигарпорасини сариқ «вабосидан сақлаб қололмай йиғлаётган оналарнинг мунгли овозини эшитгандай бўлади. Шеърда халқимизнинг серфарзандлик хислати мадҳ этилган.

«Чарчадим, бу оладўлоб издиҳомдан чарчадим», «Булутлар қулунлади», «Эртақнинг боши ва охири», «Мирзо Турсунзода ёдига», «Ёдном», «Инон» каби шеърлари бугунги ва кечаги тинч ва нотинч, жўшқин ва осуда ҳаётимизнинг турлича кўринишлари, инъикослариدير. Бу шеърлар шоиранинг ўзбек шеъриятини майин, ўзига хос ҳаяжонли асарлар билан бойитаётганлигини кўрсатиб турибди.

Шоиранинг янги тўпламлари айрим жузъий нуқсонларига қарамай, китобхонларда Ойдин ижоди тўғрисида муайян бир тасаввур уйғотиб, уларга ҳаёт, олам ҳақида муаллиф орзу қилгандай «байрамдаги гул каби» нафис туйғулар ҳада этади.

Тўлабой РУЗИБОЕВ

Занжирбанд шер билан мулоқот

Иброҳим Ҳаққулов. Занжирбанд шер қошида, «Олдузча» нашриёти, Тошкент — 1989 й.

Ҳозирги танқидчилигимизда Иброҳим Ҳаққуловнинг алоҳида ўрни бор. Кўпчилик сафдошларидан фарқли ўлароқ, у классик шоирларимиз

ижоди билан ҳам, замонавий шеъриятимиз муаммолари билан ҳам бирдай фаол ва жиддий шуғулланади.

Истеъдодли олим ўз диққатини жалб этган бадий асарларнинг барчасида ҳаётнинг боқий муаммоларини кўра олиши билан эътибор қозонди.

Бу фазилятлар мунаққиднинг «Занжирбанд шер қошида» китобида ҳам яққол намоён бўлган.

Унда олим замоннинг дардли саволлари, муаммоларига Навоий дунёсидан жавоб излашга ва замонамиз учун нақадар, долзарб эканлигини очигина ҳаракат қилган. Навоийнинг фикрлар, ғоялар олами, бу оламнинг пойдеворини ташкил этган асосий фалсафий ақидалар ҳамда уларни ифода этувчи тимсоллар, улғу шоирнинг улкан қалб соҳиби сифатидаги дардлари, орзу-армонлари, ҳаётий хулосалари рисолада батафсил тасвирланади.

Китобнинг «Занжирбанд шер қошида» деб номланиши ҳам бежиз эмас, уни ўқир эканмиз, шунга амин бўламизки, мунаққид Навоийнинг чин ихлосманди сифатида устод шоир — ўз даври, замонасига занжирбанд этилган, лекин наъраси билан асрларни ларзага солиб турган қудратли шер олдида туриб, гўё у билан мулоқотга киришади. Яъни И. Ҳаққулов Навоий дунёсига фақат тадқиқотчилик салоҳияти билан эмас, балки ўзининг ҳаётни ва инсонни тушуниш даражаси, оламга муносабати, хуллас, ўз савиясига нуқтадонлиги билан ҳам кириб боради. Аслида ижодкор дунёсига киришнинг бундан бошқа ишончли йўли йўқ. М. Бахтин ёзганидек: «Ўз саволларсиз (албатта, жиддий, ҳақиқий саволларсиз) ҳеч қандай ўзга ёки бегона моҳиятни ижодий идрок этиш мумкин эмас».

Бизнингча, айнан шу — оламнинг зиддиятли, мураккаб томонларини яхши ҳис қила олганлиги учун ҳам мунаққид Навоий ижодида акс этган ҳаётий муаммоларнинг мураккабликлари ва қарама-қаршиликларини кўрсатишга муваффақ бўлган. Масалан, Навоий ижодидаги халққа муносабат масаласини олайлик. Бу ҳақда баҳс очилиши ҳамона шоирнинг:

**Одами эрсанг, демагил одами
Оники, йўқ халқ ғамидин ғами,—**

деган ҳикмати ҳаёлимизга келади. Яна бироз илгарироқ кетсак, инсоннинг ҳар бир интилиши, босган ҳар бир қадамини унинг «мен»идан, шу «мен»нинг манфаатларидан айру тасаввур қилиб бўлмаслигини ёдга оламиз ва унга Навоий ижодидан қуйидагича жавоб топамиз:

**Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзунга кўпракдурур.**

Эътибор берсак, Навоий ҳаётда бу фикрларига амал қилгани кўп айтилди, унинг халққа, аҳли илм ва аҳли фазлга кўрсатган ғамхўрликлари ҳақида далиллар келтирилди. Лекин, афсуски, Навоий ижодидаги халқ муаммоси таҳлили кўпинча шундай фикрлардан нарига ўтмади.

Тўғри, масаланинг моҳияти, ечимини шу фикрларда. Бироқ улар барибир — олий мақсад. Мавжуд ҳаётда эса халқ билан муносабатлар одамни ҳар хил қўйларга, кўргуликларга, мухталиф ва музтариб ҳолатларга солиши мумкин. Навоий фақат дунё ҳикматларини шеърга тизиб кетган дошинмандгина эмас, балки ҳаётнинг бутун аччиқ-чучуқларини татиб кўрган, ададсиз зиддиятларни бошидан кечирган ҳамда уларни асарларида муҳрлаб кетган улкан санъаткор.

И. Ҳаққулов Навоий дунёсининг айнан шу мураккаб томонларига, дардли кечинмаларига, бошқача айтганда, парадоксларга ҳам диққатни жалб этади, уйғун дунёсидан қалбнинг безовта, чигал, жавобсиз саволларга тўла, ғайритабиий ҳодисалар дунёсига олиб ўтади. У, масалан:

**Турфа кўрким, халқ коми бирла умрум
бўлди сарф,
Турфароқ буким, бировга ёқмади бир хиз-
матим,—**

қабилдаги ҳолатларни ҳам таҳлилга тортади, уларнинг юқоридаги юксак ғоялар билан муносабатини очишга интилади.

Навоийнинг дўстликка муносабати масаласида кўпинча шоирнинг:

**Олам аҳли, билингизким; иш эмас душ-
манлиғ,
Ёр ўлуғ бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ
иш,—**

сингари ҳикматларини тилга олиш билан чекланилади. Лекин Навоий ижодида масаланинг бошқа томонлари, бошқа оҳанглари ҳам борки, улар кўпинча ё четлаб ўтилади, ё замонадан шикоят деб тушунилади. Чунони, дўстлиқ, ёру биродарлик туйғуларини осмон қадар улуғлаган Навоий: дўстлар савдосидан шундай куйдимки, «Эй кўнгул, душман топ эмди, топмағил зинҳор дўст»,— деб ёзган эди, ва:

**Менки ўлдум даҳр элиға ошнолиғ дар-
дидин,
Қилмағаймен ошнолиғ, гар Масих ўлсун,
яно,—**

деб фарёд чеккан эди. Ёки «Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим» деб зорланиши фақатгина даврдан шикоят эмас эди. И. Ҳаққулов ўзи кузатган масалаларнинг мана шу томонларини ҳам ёритади, энг муҳими, уларда фақат даврнинг танқидини эмас, балки тасаввур қилганидан кўра адабийроқ муаммоларни, адабийроқ дардларни кўради.

Муаллиф маънавият масалаларининг Навоий ижодидаги инъикоси билан чеклиб қолмаган. Уларнинг қадимги туркий ва форсий асотиршуносияти ҳамда халқ оғзаки ижодиётидаги, Урхун-Енисей битикларидаги, «Авесто», «Маҳабҳарата», «Қобуснома», «Дада Кўрқут китоби» каби кўҳна обидалардаги, Навоийнинг Рабғузий, Атоий, Лутфий, Гадоий, Насимий каби туркигўй салафлари ижодидаги, Низомий, Фирдавсий, Румий, Аттор, Шерозий, Деҳлавий, Шерозий, Бедел каби форсийзабон адабиёт улуғлари меросидаги, Навоийдан кейинги туркий шеърятдаги, Пушкин, Лермонтов каби рус шоирлари асарларидаги, инқилобдан кейинги ўзбек адабиёти, айниқса, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Омон Матжон, Муҳаммад Солиҳ каби шоирлар ижодидаги ва, ниҳоят, Юнус Эмро, Ошиқ Вайсал, Нозим Ҳикмат сингари турк шоирлари асарларидаги муқобиллари, илдизлари ва илзари билан ҳам қизиқади. Уларни ўзаро қиёслайди, бир-бирига акслантиради, бир-биридан келтириб чиқаради ва, шу тариқа, талай муаммолар, фикрлар, ғоялар, туйғулар адабиётда мангу барҳаётлигини, чунки улар ҳаётнинг ўзида боқийлигини тушунишга ёрдам беради. Кўпинча улар ижодидан кишини лол қолдирадиган шоҳ сатрларни топади, уларнинг кўруқ камолини кўз-кўз қилади, кишида уларга нисбатан қизиқиш, меҳр, ихлос уйғотади.

И. Ҳаққулов, гарчанд тўла изчил равишда бўлмаса-да, классик адабиётимизнинг кўпчилик образлари ва тимсолларини тасаввуф мафкуриси ёғдусида кўришга, уларнинг тасаввуфий маъносини очишга ҳаракат қилган.

Китоб фаслларидан бирида у Яссавийнинг:

Туфроқ бўлғил, олам сани босиб ўтсин,—

деган мисрасини келтиради, бу сўзлар донишманд шоирнинг бошига қанча маломатлар ёғдирилишига сабаб бўлганини айтади ва савол қўяди: «Дарҳақиқат, одм нечун «тоғ» бўлмасдан «туфроқ»қа айланиши керак? У «олам»нинг оёғи остида янчилиш учун туғилмайди-ку! Бу — ҳозирги ўқувчининг нуқтаи назари. У Яссавий фикрининг моҳиятини таҳминан шундай англайди ва баҳолайди. Негаки, у «туфроқ» сўзини ўз маъносида ёки ўлиб хокка қоришиш мазмунида қабул қилади».

Тасаввуф фалсафасида эса оламнинг тўрт унсурдан ташкил топганлиги, инсон ҳам шу тўрт унсурдан яратилганлиги ва бу унсурларнинг ҳар биридан инсон табиатидаги муайян хусусиятлар юзага келганлиги сабт этилади. Унга кўра, сабртоқат, худонинг марҳаматига умид, эзгулик, ва мурувват — тупроқдан. Демак, Яссавийнинг «туфроқ бўлғил» деган даъватига «сабр-тоқатли бўл», «марҳаматни худонинг ўзидан кут», «мурувватли бўл» деган маънолар жо этилган экан. Бундай ўринларда муаллиф китобхонларнинг қўлига классик адабиётимизнинг тилсимларини очиб берадиган калит тутқизган, десак янглишмаймиз.

Нашриёт изоҳида кўрсатилишича, китоб ўрта ёшдаги мактаб болаларига мўлжалланган. Лекин, аёнки, у айни дамда барча тоифадаги китобхонлар томонидан ўқилади. Муаллиф рисолати ёзишда мана шу томонларни эътиборга олган. Бироқ бизнинг кўпчилик нашриётларимизда расм бўлган ёмон бир анъанага кўра муаллиф мурожаат этган манбалар кўрсатилмаган. Ахир, нималарнидир И. Ҳаққулов китобида учратиб, уларга астойдил қизиқиб қолган китобхон асл манбани қандай топиши мумкинлиги кўрсатилса, яхши бўлмасмиди?! Бундан ким нима ютқизарди?!

Очиғини айтганда, рисолада ёш китобхоннинг кўз ўнгида маданият ва маърифат дунёсининг эшиклари очилган, лекин уларга мустақил равишда кириб бориш йўллари тақа-тақ беркитиб қўйилган.

Манбани кўрсатиш мажбуриятининг йўқлиги туфайли китобда «афсонага кўра», «ривоятга кўра» деб кўпдан-кўп афсонаю ривоятлар келтирилади... Муаллиф улардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланади. Лекин улар қайси даврда, қайси халқ ижодида, қайси мафкуравий йўналиш заминиде яратилганини айтиб ўтирмайди. Ҳолбуки, афсона ва ривоятга аслида қандай маъно юкланганини тўғри белгилаш учун у қайси халқ ижодида, қайси даврда, қайси мафкурада наъшу намо топганини билиш шарт. Уни янгича талқин қилиш, ундаги янги маъно қатламларини очиш мумкин, лекин фақат ўша асл маъно асосида, ўша асл маъно очилгандан кейингина!

Китобда келтирилган баъзи афсона ва ривоятлар сунъий, ҳатто руҳий муайянликдан холи. Масалан, «Афсонага кўра, Мусо пайғамбар худонинг васлига етмоқ ишқи билан уни узоқ вақт излабди. Охири уни табиат бағридан топди. Енаётган бир дарахт: «Худо менмен!»— деганмиш унга. Бу афсона замирида: «Эй одам, ўзингни овора этма! Сенинг тангринг — табиат», деган фикр ётади. Бу афсона жаҳоний динлар тараққи-

ётининг классик даврида яратилган бўлса, унда: «тангринг — табиат» деган фикр бўлмасди. Агар у сўфизм мафкурасининг ҳосиласи бўлса, унда: «оллоҳ жамоли шу табиатда ҳам тажалли топган» деган фикр бўларди. Ҳар ҳолда бу афсонанинг худди шу тарзда бирор жойда мавжудлиги га шубҳа бор.

«Тилга эътибор — элга эътибор» фаслидаги бир қизга икки фаришта ошиқ бўлгани ҳақидаги ривоят ё тўқилган ёки унинг қайсидир муҳим жиҳатлари тушириб қолдирилган.

Маълум йўналишдаги ижод намуналари таҳлилда ҳам баъзан муайян парча ўша давр адабиётининг, ўша шоир дунёсининг, ўша асарнинг умумий руҳидан узиб олиб талқин қилинган, натижада сатрларнинг асл мазмунидан узоқлашиб кетилган. Масалан, Яссавийнинг:

**Бошим туфроқ, ўзим туфроқ, жисмим туфроқ,
Ҳақ васлига етарман, деб руҳим муштоқ,—**

деган байти қўйидагича шарҳланади: «Байт замиридаги маъно бундай: ақлимда — Ватан, дилмда — Ватан, жисмимда — Ватан. Иккинчи қатордаги гапни, хоҳланг «Ҳақ» васлига етишишга орзуманд одамнинг сўзи деб, хоҳланг, юрти дийдори соғинчидаги комил қалбнинг руҳ муштоқлиги деб қабул этинг. Бундан моҳият ўзгармайди». Ахир, сўфий шоир ижодидаги «туфроқ» тушунчаси «Ватан» тушунчаси билан алмаштириб юборилади-ю, «ҳақ васлига муштоқлик» «юрт соғинчи» билан тенглаштириб қўйилади-ю, моҳият ўзгармайди?! Бизнингча, байтни ҳар қанча эркин талқин қилганимизда ҳам, ҳар ҳолда бу ерда биз тушунган маънодаги, рўйи-заминнинг муайян гўшасидаги Ватан ҳақида кетмаётгани аниқ.

Китобнинг «Қора ранг — муборак ранг» деган фаслида мунаққид катта тарихий-илмий аҳамиятга молик масалага қўл урган. Унда қора ранг туркий халқлар томонидан идеаллаштирилган, ҳатто уларнинг ўзига хос тимсолига айлангани ҳақида фикр юритилади. Бу фаслни ўқиган китобхоннинг, ҳақиқатан ҳам бу гапда жон бор, деган хулосага келмай иложи йўқ. Лекин бу ерда ҳаққоний, ишонарли далиллар масалага бевосита алоқадор бўлмаган, тасодифий ва зўрма-зўраки далиллар билан аралаштириб юборилган.

Дастлаб «Сабъан сайёр» дostonидаги:

**Қора ранг элга зеби торақдур,
Ким бу ранг ичрадур, муборакдур.—**

деган байтдан жумбоқ келтириб чиқарилади: «Бугунги ўқувчида: Нега қора ранг элнинг бошига тож бўлади? Ахир, қора кийинмоқ мубораклик-нимас, мотамни билдирмайдими?»— дегандай қатор саволлар туғилиши табиий». Аслида эса бу парчани асардан тамомила узиб олиб ўқиган китобхондагина шундай саволлар туғилиши мумкин. Асарни бир бошидан ўқиган китобхон осонгина тушунадик, Баҳром етти кун етти хил рангдаги қасрда ўлтириб, етти иқлимдан келган мусофирнинг ҳикоятини эшитади. Бу байт эса шанба куни қора гўмбаз ичида қора либослар кийиб, қора бода нўш этиб эшитилган ҳикоятдан олинган. Ҳикоят қаҳрамони Фаррух қора даштда бир туя, туя устида бир қора чодир, чодир ичида бир малакни кўриб, ҳушини йўқотади ва одамларига «Қайтинглар, мени изламанглар», деган мазмунда хат қолдиради-да, шоҳлик либоси ўрнига қора палос ёпиниб йўлга тушади. Хулосаи калом, Ахий уни учратиб ҳол-аҳвол сўрайди ва Фаррух ўз рафиқасига ошиқ бўлиб қолганини тушунади. Аёлига талоқ айтиб уни Фаррухга никоҳлаб беради. Фаррухнинг қора палоси Ахийга қолади. Ахий шу қора палосни кийиб Фаррухнинг салтанатига боради. Ахийнинг эғнида ўзининг қора либосини кўриб, Фаррух, Фаррухга эргашиб унинг қаламравидаги бутун халқ қора кийишга қарор қилади.

**Чунки шоҳ хилъати қаро бўлди,
Қаро киймак улус аро бўлди.
Қора ранг элга зеби торақдур,
Ким бу ранг ичрадур, муборакдур.**

Хуллас, бу ерда қора рангнинг маъноси бошқа.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Ҳоқония шоҳлари қора деб аталади» деган гапи, Хоразмий «Мухаббатнома»сидаги «туркисияҳпўш» ибораси, «Далли» дostonидаги «қорабош туғ» ва бошқалар олим тушунчалари фойдасига хизмат қилиши мумкин. Лекин улар ҳам изчил мантиққа асосланган чуқурроқ тарихий, этнографик ва лингвистик таҳлилни талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, Иброҳим Ҳаққуловнинг мазкур китоби барча фазилатлари ва ўринлари билан хилма-хил тоифадаги китобхонларнинг маънавий эҳтиёжларига хизмат қила оладиган, муаллифнинг кенг билими ва иқтидоридан далолат берадиган асардир.

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
Мирзааҳмад ОЛИМОВ.**

Мундарижа

НАСР

Мухаммад Али. Сарбадорлар. Роман	2
Мирзохид Мирзараҳимов. Оқ булутлар. Ҳикоя	67
Жонрид Абдуллахонов. Суиқасд. Роман	73

ШЕЪРИЯТ

Равшан Файз. Сўз. Достон	61
Қадам Саид Мурод. Хотиралар айланмас тошга	71
Ҳалима Аҳмедова. Ойнинг соясида исинар умид	125
Замира Эгамбердиева. Атиргул юраги ёнади	129
Шукр Содик. Яшадинг бетимсол садоқат бўлиб	131
Қўчқор Норқобил. Қароғинги чаюр етти ранг	148
Хуршид Даврон. Ватан ҳақида етти ривоят. Достон	159

МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ

Иқболой Адизова. Бизга пинҳон, муаррихга аён мозий	133
Мухаммад Юсуфбек Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий	136
Исҳоқ Боғистоний. Тазкирайи қаландарон	152

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Вафо Файзулло. Юрагимда айтилмаган дардларим — Ватан	150
--	-----

НАВОИЙХОНЛИК

Жамол Камол. «Қизил, сориғ, яшил...»	164
--	-----

ҚУРЪОН	167
------------------	-----

АСР САДОЛАРИ

Тавалло. Ғазаллар	181
-----------------------------	-----

ТАРИХИМИЗДАН ЛАВҲАЛАР

Ҳамид Зиёев. Чоризм истилоси	184
--	-----

ТАРИХНИНГ «ОҚ ДОҒ»ЛАРИ

Евгений Данилов. Бир хил суиқасд, икки хил жазо	191
---	-----

ТАҚРИЗЛАР

Тўлабой Рўзиев. Шеърят боғининг гуллари	203
Ҳасан Қудратуллаев, Мирзааҳмад Олимов. Занжирбанд шер билан мулоқот	205

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

№ 8

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1990

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев. Рассом Ф. Алимов.

Мусаҳҳиҳ И. Султонов.

Редакцияга келган бир босма тобоқчага бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди. Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади. Журнал матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент—П. «Правда» газетаси кўчаси, 41. Ўзбекистон КП МК нашриёти. Обунага монелик кўрсатилган ёки журнал ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент 700000. Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият «Союзпечать» агентлигига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 11.05.90 й. Босишга рухсат этилди 25.06.90 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆. Р-07813. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 13. Шартли босма тобоғи 18,2+0,35 (зарварақ). Шартли-рангли босма листи 19,95+0,25 (зарварақ). Нашриёт ҳисоб тобоғи 20,2. Тиражи 205717. Буюртма 3421. Баҳоси 1 сўм.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41.